Абу Закариё Яҳё ибн Шараф Нававий

Риёзус-солиҳийн

Араб тилидан
Анвар Аҳмад таржимаси

Интернет учун Абу Муслим
тайёрлади

Муаллиф ва унинг ушбу асари ҳақида

Имом, ҳофиз, фақиҳ, муҳаддис Яҳё ибн Шарофиддин ибн Муррий ибн Ҳасан ал-Ҳизомий ал-Ҳувроний ан-Нававий Ислом оламининг мўътабар олимларидан саналади. Кунялари – Абу Закариё, лақаблари-Муҳиддин. Аммо Аллоҳга тавозуъ қилиб, Муҳиддин, деб лақабланишни кариҳ кўрганлар. Чунки дин доимий ҳаёт ва собит бўлган нарсадир, тирилтирувчи кишига муҳтож эмасдир, деб айтардилар. (*«Муҳиддин» – динни тирилтирувчи, деган маънони англатади.*) Лаҳмий у зот ҳақида: «Мени Муҳиддин деб атайдиганларни дўст тутмайман, деб айтдилар», дейдилар.

Имом Нававий ҳижратнинг 631 йили муҳаррам ойида Дамашқдаги Наво шаҳрида дунёга келдилар. Ёшликларидаёқ Қуръонни ёд олдилар. Ўн тўққизга кирганларида оталари Дамашққа олиб бордилар ва «Равоҳия» мадрасасига жойлаштирдилар. Мақсад илм таҳсилини янада кучайтириш эди. Бу ерда Исҳоқ ибн Аҳмад ибн Усмон Мағрибий ал-Мақдисийдан фиққни таълим олдилар, Шерозийнинг «Муҳаззаб» номли китобларини ўқиб чиқдилар. Исҳоқ ибн Аҳмад у зотнинг фиқҳ илмидаги биринчи устозлари бўлди. Нававий ҳазратлари ҳар куни 12 хил дарс билан машғул эдилар. Орада тиб билан ҳам машғул бўлишга қасд қилдилар. Лекин Аллоҳ таоло у зотни бу илмдан буриб қўйди. Балки Дамашқдаги «Дорул ҳадис ал- Ашрафия»да дарс беришни насиб қилди. Бу ҳодиса ҳижратнинг 665 йили рўй берди.

Имом Нававий ҳазратлари ниҳоятда тақводор, зоҳид, парҳезли киши эдилар. Бирор соатларини Аллоҳ тоатидан бошқа ишга сарф қилмасдилар. Кечаларини ибодат ва китоб тасниф этиш билан ўтказардилар. Ҳақ у киши учун ҳамма нарсадан устун эди. Подшоҳ Зоҳир Бибрис билан бўлиб ўтган ҳодиса у зотнинг хулқларидаги ана шу қиррани очади. Малик Зоҳир бир фатвога имзо чекиш учун у зотни чақиртирди. Имом ҳазратлари бошларига кичиккина салла ўраб бордилар. Саллаларига қараб менсимасдан: «Эй шайх! Бу фатвога имзо чек», деди. Аммо Имом бош тортдилар. Подшоҳ ғазаб билан: «Нима учун?» деб сўради. Шунда Шайх ҳазратлари: «Бу фатвода оғирлик келтирувчи зулм бор», дедилар. Подшоҳ янада ғазабланиб: «Уни ҳамма вазифаларидан бўшатинглар», деб амр қилди. Аъёнлар эса: «Унда ҳеч қанақа вазифа йўқ», деб жавоб беришди. Сўнг подшоҳ қатл қилишни қасд қилди. Лекин унга Аллоҳ ниятини амалга оширишга журъат бермади. «Нега ўлдирмадингиз, бунақа вазият бошқа бўлмайди?» дейишганида, подшоҳ: «Аллоҳга қасамки, унинг важоҳати мени қўрқитиб юборди», деб жавоб берди.

Бу иш Аллоҳнинг фазлидир. Уни солиҳ бандаларидан хоҳлаганига беради.

Имом Нававий жуда кўп китоб тасниф этганлар. Мисол тариқасида уларнинг баъзисини келтириб ўтамиз.

1. «Шарҳи Саҳиҳи Муслим». 2. «Иршод». 3. «Тақриб ва Тайсийр фий маърифати сунанил Башийр ан-Назийр». 4. «Таҳзийбул асмо вал луғот». 5. «Ат-Тибйон фий одоби ҳамлатил Қуръон». 6. «Минҳожи ат-Толибийн». 7. «Бустонил орифийн лин-Нававий». 8. «Хулосатул аҳком фий муҳиммоти сунани ва қавоидил ислом». 9. «Равзатут толибийн ва умдатул муфтийн». 10. «Шарҳул муҳаззаб». 11. «Ал-Азкор мин калами саййидил аброр». 12. «Арбаъийн». 13. «Ийжоз». 14. «Жомиъус-Сунна». 15. «Мухтасару Усдул ғоба». 16. «Ваттархис фил қиёми лиаҳлил фазл». 17. «Ва таҳрийри алфози танбеҳ». 18. «Вал-фатово». 19. «Ийзоҳ». 20. «Риёзус солиҳийн» (қўлингиздаги ушбу китоб).

Қуйидаги суннат китобларини шайхларидан эшитганлар: 1. «Жомиъ ас-саҳиҳ ал-Бухорий». 2. «Саҳиҳи Муслим». 3. «Сунани Абу Довуд». 4. «Жомиъут Термизий». 5. «Сунани Ибн Можа». 6. «Сунани Насаий». 7. «Муватто Молик». 8. «Муснади Шофеъий». 9. «Муснади Аҳмад». 10. «Муснади Дорамий». 11. «Муснади Абу Яъло». 12. «Саҳиҳи Абу Авона». 13. «Сунани Байҳақий». 14. «Шарҳи сунна лил Бағавий». 15. «Амалул йавм вал лайла ли Ибн Сунний». 16. «Ал-жомиъ ли одобир ровий вас сомиъ лилхатиб Бағдодий». 17. «Ансоб ли Зубайр ибн Баккор».

Дамашқда истиқомат қилганларида фиқҳ, ҳадис, усул каби ҳар турли илмларни қуйидаги устозлардан таълим олганлар:

1. Абу Иброҳим Исҳоқ ибн Аҳмад ибн Усмон ал-Мағрибий.
2. Абдураҳмон ибн Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Қудома Мақдисий ал-Ҳанбалий.
3. Абу Муҳаммад Абдураҳмон ибн Нуҳ Мақдисий ал-Дамашқий.
4. Абу Ҳафс Умар ибн Асъад ибн Абу Ғолиб Рубъий ал-Ирбилий.
5. Абул Ҳасан Саллор ибн Ҳасан Ирбилий ал-Дамашқий.
6. Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Умар ал-Воситий («Саҳиҳи Муслим»ни шу кишидан эшитганлар).
7. Абул Бақо Холид ибн Юсуф ибн Саъд Нобилисий.
8. Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Исо ал-Муродий ал-Андалусий.
9. Имомул муҳаддис Зиё ибн Таммом Ҳанафий.
10. Шайх Абул Аббос Аҳмад ибн Солим Мисрий Наҳвий ал-Луғавий.
11. Аллома Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Молик Жаййаний.
12. Қози Абул Фатҳ Умар ибн Бандор ибн Умар ибн Али Тафлисий.
13. Абул Аббос Аҳмад ибн Абдуддоим Мақдисий.
14. Абул Фараж Абдураҳмон ибн Шайх.
15. Абу Муҳаммад Абдураҳмон ибн Солим Абу Яҳё Анборий.
16. Абу Муҳаммад Исмоил ибн Иброҳим ат-Тануҳий.
17. Абу Муҳаммад Абдулазиз ибн Абу Абдуллоҳ Абдул Муҳсин Ансорий.
18. Аллома Абу Шома Абдураҳмон ибн Исмоил Дамашқий.
19. Абдураҳмон ибн Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Ҳасан Бодироний Боғдодий.
20. Қози Имодуддин Абул Фозил Абдулкарим ибн Абдуссамад Хиристоний.
21. Фазл Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад Фикрий.
22. Абу Закариё Яҳё ибн Абулфатҳ Хироний Сайруфий.

Имом Нававий ҳазратлари 676 ҳижрий сананинг 24 ражабида чоршанба куни кечаси Наво шаҳрида дорулбақога рихлат қилдилар ва шу ерга дафн этилдилар. Бу зотнинг вафотларидан бутун Дамашқ аҳли қайғуга ботди.

1-БОБ
Барча амаллардаги сўзлар ва ҳолларнинг махфий ҳамда ошкораларида ихлос билан ният зарурлиги ҳақида

Аллоҳ таоло:**«Ҳолбуки, улар фақат ягона Аллоҳга, У зот учун динни холис қилган, тўғри йўлдан оғмаган ҳолларида ибодат қилишга ва намозни тўкис адо этишга ҳамда закотни** (ҳақдорларга) **ато этишга буюрилган эдилар. Мана шу тўғри йўлдаги** (миллатнинг) **динидир».** *(Баййина сураси, 5-оят);*

«Аллоҳга (қилган қурбонликларингизнинг) **гўштлари ҳам, қонлари ҳам етмас. Лекин У зотга сизларнинг тақво-ихлосингиз етар»** *(Ҳаж сураси 37-оят);*

«Айтинг (эй Муҳаммад)**, дилларингиздаги нарсани хоҳ яширинг, хоҳ ошкор қилинг, Аллоҳ билур»** *(Оли Имрон сураси, 29-оят),* деб айтган.

1/1. Амирул мўминин Абу Ҳафс Умар ибн Хаттобдан ﷺ ривоят қилинади. «Расулуллоҳ ﷺ: «Албатта амаллар ният биландир. Ва ҳар кишига қилган нияти учун берилур. Кимнинг ҳижрати Аллоҳ ва расули (ризоси) учун бўлса, Аллоҳ ва расулига бўлади. Кимнинг ҳижрати дунё топмоқ учун ёки бирор хотинга уйланиш учун бўлса, у кишининг ҳижрати ният қилган нарсаси учун бўлади», деб айтганларини эшитдим», дедилар. Бу ҳадисни муҳаддислар имоми Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ибн Иброҳим ибн Муғийра ал-Бухорий ва Абул Ҳусайн Муслим ибн Ҳажжож ибн Муслим ал-Қушайрий ан-Нисобурийлар ривоят қилишди.

2/2. Мўминлар онаси Оишадан ﷺ ривоят қилинади. «Расулуллоҳ ﷺ: «Бир тоифа аскарлар Каъбага ҳамла қилиш учун келишади. Улар саҳроли ерга келишганида аввалгилари-ю охиргиларини ер ютади», дедилар. Шунда мен: «Эй Аллоҳнинг расули, уларнинг аввалги-ю охиргиларини қандай қилиб ер ютади? Ҳолбуки, уларнинг ораларида бозорчилар ва улардан ташқари кишилар ҳам бор-ку?!» десам, у зот: «Ер барчаларини баробар ютади. Сўнгра Қиёмат куни ҳамма ўз ниятига мувофиқ тирилтирилади», дедилар». *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари. Лафз Бухорийники.*

3/3. Оишадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Макка фатҳ бўлгандан кейин ҳижрат йўқдир. Лекин жиҳод ва ният боқий қолади. Агар жиҳод учун чақирилсангизлар, унга чиқинглар», деб айтдилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

Бунинг маъноси шуки, Маккадан ҳижрат қилиш йўқдир. Чунки у куфр диёри эмас, балки Ислом диёридир.

4/4. Абу Абдуллоҳ Жобир ибн Абдуллоҳ ал-Ансорийдан ﷺ ривоят қилинади. «Расулуллоҳ ﷺ билан бирга ғазотларнинг бирида эдик. Шунда у зот: «Мадинада бир қанча одамлар қолдиларки, қайси ердан юрсангизлар ёки қайси майдондан ўтсангизлар, улар сизлар билан биргадирлар. Чунки уларни (бу ерга сизлар билан бирга келишдан) беморликлари тўхтатиб қўйди», дедилар». Бошқа бир ривоятда эса: «Улар ажр ва савобда сизларга шерикдирлар», дейилади. *Имом Муслим ривоятлари.*

Анасдан ﷺ ривоят қилинади. «Биз Табук ғазотидан Расулуллоҳ ﷺ билан бирга қайтиб келаётган эдик. У зот: «Мадинада биз билан бирга кела олмай қолган бир қанча кишилар бор. Бирор дара ёки водийдан ўтсак, улар ҳам биз билан бирга бўлурлар. Чунки (биз билан ғазотга чиқишдан) узрларигина тўхтатиб қўйган, холос», дедилар». *Имом Бухорий ривоятлари.*

5/5. Абу Язид Маън ибн Язид ибн Ахнасдан ﷺ ривоят қилинади. (У зот, оталари ва боболари саҳобалардан эди). У кишинг отаси Язид садақа қилиш ниятида бир қанча динорларни чиқариб, масжидда бир киши ҳузурига қўйди. «Мен келиб, у динорларни олиб, уйга қайтдим. Отам: «Аллоҳга қасамки, мен (бу садақанинг) сенга берилишини ният қилмаган эдим», дедилар. Бу ҳақда жанжаллашиб, Расулуллоҳ ﷺ ҳузурларига бордик. Шунда Расулуллоҳ ﷺ: «Эй Язид, сен ният қилганингга савоб оласан. Эй Маън, олган нарсаларинг сенинг ҳаққингдир», дедилар». *Имом Бухорий ривоятлари.*

6/6. Саъд ибн Абу Ваққосдан ﷺ ривоят қилинади. (Бу зот жаннатга кириши башорат қилинган Ашараи мубашшаранинг биридирлар.) Ҳажжату вадоъда «Расулуллоҳ ﷺ касалим оғирлашганда, ҳолимни сўрагани келдилар. Шунда мен: «Эй Аллоҳнинг расули, кўриб турганингиздек, касалим шу даражага етди. Мен бадавлат кишиман. Битта қизимдан бошқа меросхўрим йўқ. Молимнинг учдан икки қисмини садақа қилаверайми?» десам, у зот: «Йўқ», дедилар. «Эй Аллоҳнинг расули, ярмини садақа қилаверайми?» десам, у зот яна: «Йўқ», дедилар. «Эй Аллоҳнинг расули, учдан бирини садақа қилаверайми?» десам, у зот: «Учдан бири! Учдан бири ҳам кўпдир. Сен ўз меросхўрларингни бадавлат қолдириб кетишинг, бошқаларга боқиманда, тиланчи қилиб кетганингдан яхшироқдир. Албатта сен Аллоҳнинг розилиги учун бирор нарсани инфоқ қилсанг, унга ҳам савоб оласан. Ҳаттоки, ўз хотинингнинг оғзига таом солсанг, шунга ҳам ажр оласан», дедилар. «Эй Аллоҳнинг расули, дўстларимдан кейин қоламанми?» десам, у зот: «Эй Саъд, агар сен дўстларингдан кейин қолиб, Аллоҳ розилигини талаб қилиб бирор амал қилсанг, даражанг янада зиёда бўлади. Мен умид қиламанки, сен яшайсан. Бир тоифа кишилар сендан фойдаланиб ва яна бир қанчасига сендан нуқсон етади», деб қуйидагича дуо қилдилар: «Аллоҳим, саҳобаларим ҳижратларини охирига етказгин, уларни орқаларига қайтармагин». Лекин бечора Саъд ибн Хавлага Расулуллоҳ ﷺ раҳм-шафқат қиладилар. Бу киши Маккада вафот этадилар. (Яъни Саъд мбн Хавла Макка фатҳэтилмасиндан олдин ҳижрат тугамай туриб Маккага қайтиб кетадилар) *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

7/7. Абу Ҳурайра Абдураҳмон ибн Сахрдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Албатта Аллоҳ жисмларингиз ва суратларингизга қарамайди. Лекин У зот қалбларингизга қарайди», дедилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

8/8. Абу Мусо Абдуллоҳ ибн Қайс ал-Ашъарийдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳдан ﷺ: «Баҳодирларча урушган ва қавмининг ҳимояси учун курашган ҳамда одамлар кўриши учун жанг қилган кишиларнинг қайси бири Аллоҳ йўлида бўлади?» деб сўралганда, у зот: «Кимки Аллоҳнинг калимаси олий бўлиши учун урушса, у киши Аллоҳнинг йўлидадир», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

9/9. Абу Бакра Нуфайъ ибн Ҳорис ас-Сақафийдан ﷺ ривоят қилинади. «Расулуллоҳ ﷺ: «Агар икки мусулмон бир-бирига қиличлари билан дуч келсалар, ўлдирувчи ҳам, ўлдирилган ҳам дўзахдадир», дедилар. Шунда мен: «Эй Аллоҳнинг расули, ўлдирувчи-ку тушунарли. Ўлдирилган нимага (дўзахга тушади)?» десам, у зот: «Чунки у дўстини ўлдиришни хоҳлар эди», дедилар». *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

10/10. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Кишининг жамоат билан ўқиган намози бозорда ва уйида ўқиган намозидан йигирма неча баробар зиёдадир. У шундай бўладики, бирор киши таҳорат қилса ва уни чиройли адо этса, сўнг масжидга келса, ана шу келиши фақат намоз учунгина бўлса ҳамда намозгина уни жойидан турғизса, то масжидга боргунича ҳар бир қадами учун бир даража берилиб, гуноҳлари ўчирилади. Агар масжидга кирса, намоз ичида турганлик савобини олади. Сизлардан бирингиз намоз ўқиган ерида ўтириб қолса, фаришталар унинг ҳаққига қуйидагича дуода бўлишади: «Аллоҳим, унга раҳм қил. Аллоҳим, унинг гуноҳларини кечир. Аллоҳим, бу банданинг тавбасини қабул эт, модомики, бу банданг у ерда бирор кишига озор бермаса ва таҳорати кетмаса», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари. Бу ҳадис лафзи Муслимники.*

11/11. Абдуллоҳ ибн Аббос ибн Абдулмутталибдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ Аллоҳ таолодан ривоят қилган ҳадиси қудсийда: «Албатта Аллоҳ таоло яхши ва ёмон амалларни ёзиб, уни қуйидагича баён қилди: кимки бир яхши амални қасд қилса-ю адо эта олмаса, Аллоҳ таоло унинг учун Ўз ҳузурида комил бир яхшилик қилди, деб ёзиб қўяди. Агар қасд қилса-ю адо этса, Аллоҳ таоло унга ўн яхши амалдан етти юз ёки ундан ҳам зиёдагача ажр берур. Агар бирор ёмон амални қасд қилса-ю уни бажармаса, Аллоҳ таоло ўз ҳузурида комил бир яхшилик қилди, деб ёзади. Агар ёмонликни қасд қилса-ю бажарса, Аллоҳ таоло унга битта ёмонлик ёзади», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

12/12. Абу Абдураҳмон Абдуллоҳ ибн Умар ибн Хаттобдан ﷺ ривоят қилинади. «Расулуллоҳдан ﷺ қуйидаги сўзларни эшитдим: «Сизлардан аввал ўтган одамларнинг уч нафари йўлга отланишди. Юра-юра, бир ғордан паноҳ топдилар. Улар ичкарига киришган эди, тоғдан бир харсанг тош кўчиб тушиб, ғор оғзини тўсиб қўйди. Шунда улар: «Бу харсанг тошдан фақатгина солиҳ амалларимизни васила қилиб, Аллоҳ таолога дуо қилишимизгина нажот беради», дейишди. Улардан бири: «Аллоҳим, менинг жуда қари ота-онам бор эди. Улардан олдин хотиним ва болаларимга сут бермас эдим. Кунларнинг бирида гиёҳ излаб узоқроққа кетиб қолдим. Қайтиб келсам, ота-онам ухлаб қолишибди. Уларни уйғотишни ва хотиним ҳамда болаларимга улардан олдин сут беришни кариҳ кўрдим. Қадаҳни қўлимга ушлаб, ота-онамнинг уйғонишларини кутиб турдим, ниҳоят тонг ўз нурини таратди. Болалар очликдан оёғимга ёпишиб бақиришарди. Охири ота-онам уйғониб, сутларини ичишди. Аллоҳим, агар буни Сенинг

розилигинг учун қилган бўлсам, бу ташвишни биздан аритгин», деганида харсанг тош бироз очилди-ю, лекин ундан чиқиб бўлмас эди.

Иккинчиси: «Аллоҳим, биласан, бир амакимнинг қизи бор эди. У менга барча инсонлардан севимли эди. (Бошқа бир ривоятда: «Киши хотинини яхши кўргандан ҳам кўра уни қаттиқроқ яхши кўрар эдим», дейилади.) Бир бор мен уни ўзимга чақирдим (яъни, қўшилиш ниятида). У қабул қилмади. Қаҳатчилик бўлган йилларнинг бирида унинг ўзи ҳузуримга келди. Мен ўзи билан менинг орамни холи қолдириш (яъни, хоҳлаганимни қилавериш) шарти билан бир юз йигирма тилло бердим. У бу шартга кўнди. Мен ундан хоҳлаган нарсамни ҳосил қилишга қодир бўлган чоғимда (бошқа бир ривоятда: «Икки оёғи орасига ўтирганимда...» дейилади), у менга: «Аллоҳдан қўрқ. Бокиралигимни ҳақ билан (яъни, никоҳ билан) буз!» деганини эшитиб, у менга одамларнинг энг маҳбуби бўлишига қарамасдан, ўзимни ундан тортдим ва берган тиллоларимни унда қолдирдим». Аллоҳим, агар буни Сенинг розилигинг учун қилган бўлсам, бу кулфатни биздан аритгин», деганида харсанг тош бироз очилди-ю лекин ундан чиқиб бўлмас эди.

Учинчи одам: «Аллоҳим, мен бир қанча мардикорларни ёллаб ишлатдим. Уларнинг ҳаммаларига ҳақларини бердим. Фақатгина бир киши ҳаққини олмай, ташлаб кетди. У қолдирган ҳақ самара бериб, кўп мол-давлат келтирди. Бир мунча вақт ўтгандан кейин у келиб: «Эй Аллоҳнинг қули, ҳаққимни бер», деди. Мен: «Мана бу кўзинг олдида турган туя, сигир, қўй ва ғуломлар сенинг ҳаққинг», дедим. У: «Эй Аллоҳнинг қули, мени масхара қилма!» деди. Мен: «Сени масхара қилмаяпман», дедим. У бирор нарсани қолдирмай, барчасини олди. Аллоҳим, агар буни Сенинг розилигинг учун қилган бўлсам, бу балодан бизни қутқаргин», деганида харсанг тош бутунлай йўл очиб, ҳаммалари ғордан чиқишди». *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

2- БОБ
Тавба баёни

Уламолар айтишларича, ҳар бир гуноҳга тавба қилиш вожибдир. Агар гуноҳ бирор инсонга тааллуқли бўлмасдан Аллоҳ билан банда орасида бўлса, унинг учта шарти бор: 1) Гуноҳдан чекиниш. 2) Қилган ишига пушаймон бўлиш. 3) Унга асло қайтмайман, деб қасд қилиш. Агар бу уч шартдан бири бўлмаса, тавбаси дуруст бўлмайди.

Агар гуноҳ инсонга тааллуқли бўлса, тўртта шарт бордир: учтаси юқорида баён қилинган шартлардир. Тўртинчиси – у инсоннинг ҳаққидан қутилсин. Агар мол ёки шунга ўхшаш нарсалар бўлса, эгасига қайтарсин. Агар ҳад лозим бўлган туҳмат ва шуларга ўхшашларни қилса, уни тортсин, авф ҳосил қилсин. Агар ғийбат қилган бўлса, у кишидан (узр сўраб) ҳалоллаб олсин. Ҳар бир гуноҳидан тавба қилмоғи вожибдир. Агар баъзисидан тавба қилса, ҳақ аҳллари ҳузурида ўша гуноҳларидан тавбаси ҳосил бўлади. Қолган гуноҳлари (гарданида) қолаверади. Бунга Қуръондан, суннатдан, уммат ижмоъсидан келган далиллар бир-бирини қувватлайди.

Аллоҳ таоло айтади:

«Барчаларингиз Аллоҳга тавба қилинглар, эй мўминлар! Шоядки (шунда) **нажот топсангизлар»** *(Нур сураси, 31-оят);*

«Парвардигорларингиздан мағфират сўранглар, сўнгра Унинг Ўзига тавба қилинглар» *(Ҳуд сураси, 3-оят);*

«Эй мўминлар, Аллоҳга холис тавба қилинглар» *(Таҳрим сураси, 8-оят).*

13/1. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. «Расулуллоҳнинг ﷺ «Аллоҳга қасамки, мен бир кунда етмиш мартадан кўп Аллоҳ таолога истиғфор айтиб, Унга тавба қиламан», деб айтганларини эшитдим». *Имом Бухорий ривоятлари.*

14/2. Ағар ибн Ясар ал-Музанийдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Эй инсонлар, Аллоҳга тавба қилиб истиғфор айтинглар. Чунки мен бир кунда юз марта тавба қиламан», дедилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

15/3. Расулуллоҳ ﷺ ходимлари Абу Ҳамза Анас ибн Моликдан ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Аллоҳ таоло бандасининг тавбасидан сизлардан бирингиз чўлда йўқолган туясини топиб олганидаги хурсандчилигидан ҳам зиёда шод бўлур», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

Муслимнинг бошқа бир ривоятларида: «Аллоҳ таоло бандаси тавба қилганида, шу қадар хурсанд бўладики, сизлардан бирингизнинг миниб турган туяси қўлидан чиқиб қочса, овқати ва суви туяда бўлса, у киши туясидан умидини узиб, дарахт сояси остида ётганида, қарасаки, туяси олдида турган бўлса, унинг тизгинидан ушлаб: «Аллоҳим, Сен менинг бандамдирсан. Ва мен Сенинг роббингдирман», деб қаттиқ хурсанд бўлганидан мана шу тариқа хатога йўл қўяди. Банда тавба қилса Аллоҳ таолонинг хурсандчилиги бандасиникидан ортиқроқ бўлади», дейилади.

16/4. Абу Мусо Абдуллоҳ ибн Қайс ал-Ашъарийдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Аллоҳ таоло кундузи гуноҳ қилганлар тавба этишлари учун кечқурун раҳмат қўлини ёзади. Ва кечаси гуноҳ қилганлар тавба этишлари учун кундузи раҳмат қўлини ёзади. Бу нарса қуёш мағрибдан чиқадиган кунгача давом этади», дедилар. (Қуёш мағрибдан чиқадиган кун– Қиёматдир, яъни қуёш машриқдан чиқар экан, тавба эшиклари очиқдир. Ўки руҳ халқумга етгунича тавба эшиклари очиқдир.) *Имом Муслим ривоятлари.*

17/5. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Кимки қуёш мағрибдан чиқишидан олдин тавба қилса, Аллоҳ таоло унинг тавбасини қабул этади», дедилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

18/6. Абу Абдураҳмон Абдуллоҳ ибн Умар ибн Хаттобдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Аллоҳ таоло бандасининг тавбасини ғарғара келгунича қабул қилади», дедилар. *Имом Термизий ривоятлари.*

19/7. Зирр ибн Ҳубайшдан ривоят қилинади. «Сафван ибн Ассол ﷺ ҳузурларига икки маҳсига масҳ тортиш хусусида сўраш учун бордим. У зот: «Эй Зирр, сени нима нарса (бу ерга) олиб келди?» дедилар. Шунда мен: «Илм талаби», дедим. У зот: «Албатта фаришталар толиби илмнинг илм талаб қилганидан миннатдор бўлиб, қанотларини унга ёзишади», дедилар. Мен: «Катта таҳорат ва сийгандан кейин маҳсиларга масҳ тортиш ҳақида қалбимда тараддудланиш асорати бор. Сиз эса Расулуллоҳнинг ﷺ саҳобаларидансиз. Мен ҳузурингизга «Расулуллоҳдан ﷺ бу ҳақда бирор нарса эшитганингиз борми?» деб сўраш учун келдим», десам, у зот: «Ҳа, агар сафарда ёки мусофир бўлсак, уч кеча ва кундуз маҳсиларимизни ечмай, масҳ тортишимизни буюрдилар. Жунубликдан ташқари катта бўшаниш, бавл қилиш ҳамда уйғонгандан кейин масҳ тортар эдик», дедилар. Мен: «Сиз муҳаббат тўғрисида Расулуллоҳдан ﷺ бирор нарса эшитганмисиз?» десам, у зот: «Ҳа, биз Расулуллоҳ ﷺ билан бирга эдик. Бир пайт ҳузурларида ўтирсак, баланд овозли бир саҳройи араб келиб: «Эй Муҳаммад», деб чақирди. У зот унинг овозига ўхшатиб: «Ҳа, нима дейсан?» дедилар. Мен эса унга: «Сенинг ҳолингга вой бўлсин, овозингни пастлатгин, чунки Расулуллоҳ ﷺ ҳузурларида овозни баландлатишдан ҳамма қайтарилган», дедим. Саҳройи араб: «Аллоҳга қасамки, овозимни пастлатмайман», деб Расулуллоҳдан ﷺ: «Киши бир қавмни яхши кўради-да, уларга эргашмаган бўлади, шунда нима бўлади?» деб сўраганида, у зот: «Киши Қиёмат куни яхши кўрган кишилари билан бирга бўлади», дедилар. У зот гапиришда давом этиб, бир дарвозани зикр қилдилар. У дарвозанинг кенглигида отлиқ қирқ ёки етмиш йил юради. Ровийлардан бири Суфённинг ﷺ айтишларича, у дарвоза Шом томонда бўлиб, Аллоҳ таоло осмон ва Ерни яратган куни халқ қилгандир. У дарвоза тавба қилувчилар учун доимо очиқ бўлиб, қуёш мағрибдан чиқмагунича ёпилмайди», дедилар». *Имом Термизий ривоятлари.*

20/8. Абу Саид Саъд ибн Молик ибн Синон ал-Худрийдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Сизлардан аввал ўтган умматлардан бир одам тўқсон тўққиз кишини ўлдирган эди. У одамлардан ер юзидаги энг олим кишини сўради. Улар бир роҳибни кўрсатишди. У роҳиб ҳузурига бориб тўқсон тўққизта одам ўлдирганини айтиб, тавба қилса, тавбаси қабул бўладими-йўқми, шу ҳақда сўраганида, роҳиб: «Йўқ», деди. У роҳибни ҳам ўлдириб, ўлдирган одамлар сонини юзтага етказди. Сўнгра яна: «Ер юзида барчадан олимроқ киши ким?» деб сўради. Унга яна бир олим киши кўрсатилди. Олимнинг олдига бориб у: «Юз кишини ўлдирдим, тавбам қабул бўладими?» деганида, олим: «Ҳа, ким У билан тавбанг орасини тўса олар эди? Сен фалон-фалон ерга бор. У ерда кишилар Аллоҳ таолога ибодат қилишади. Сен ҳам улар билан бирга ибодат қил. Ўз ерингга қайтмагин.

Чунки у ёмон жойдир», деди. Бу сўзларни эшитган бечора йўлга тушди. Ярим йўлга етганида унга ўлим хабари келиб, раҳмат ва азоб фаришталари жанжаллаша бошлашди. Раҳмат фаришталари: «У қалби билан Аллоҳга юзланиб тавба қилган ҳолда», дейишди. Азоб фаришталари эса: «У ҳеч ҳам яхши амал қилмаган», дейишди. Шунда одам суратидаги фариштa келиб, уларнинг ораларида ҳакамлик қила бошлади. У: «Шу жойдан туриб икки ер орасидаги масофани ўлчанглар. Қайси бирига яқин бўлса, у ҳам ўшалардандир», деди. Икки ер оралиғи ўлчанди. Хоҳлаб (кетиб) турган тарафи яқин эди. Шундай қилиб, унинг жонини раҳмат фаришталари олишди», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

Бошқа бир саҳиҳ ривоятда: «Яхши юртга бир қарич яқин экан. У ўша шаҳар аҳлидан саналибди», дейилади.

Яна бир бошқа саҳиҳ ривоятда эса қуйидагича айтилади: «Аллоҳ таоло келган тарафдаги ерга узоқ бўл деб, бораётган тарафдаги ерга яқин бўл, деб ваҳий қилди. Ва: «Икковининг орасини ўлчанглар», деди. Натижада бораётган томонига келаётган тарафидан кўра бир қарич яқин экан. Сўнг у мағфират қилинди».

Бошқа ривоятда: «Кўкраги билан судралиб, ўзини ўша томонга олди», дейилган.

21/9. Абдуллоҳ ибн Каъб ибн Моликдан ﷺ ривоят қилинади. (Абдуллоҳ оталари Каъб ибн Моликнинг кўзлари ожиз бўлиб қолганида етаклаб юрардилар.) Каъб ибн Молик Табук ғазотида Расулуллоҳ ﷺ билан бирга бормай қолганларини қуйидагича сўзлаб берадилар: «Расулуллоҳ ﷺ қатнашган ғазотларнинг Табукдан бошқа ҳаммасидан қолмадим. Лекин Бадр ғазотига ҳам бормасдан қолгандим. Бироқ унда бормай қолганлардан бирор киши итоб қилинмади. Чунки Расулуллоҳ ﷺ ва мусулмонлар Қурайш карвонини тўсиш ниятида чиқишган эди. Ҳатто, Аллоҳ таоло улар билан душманларининг орасини ваъда қилмаган ҳолда бир ерга жам қилиб қўйди. Мен Расулуллоҳ ﷺ билан «Ақаба» кечасида бирга бўлдим. Бу кун биз Исломга мустаҳкам аҳд-паймон қилдик. Агар Бадр воқеаси кишилар орасида машҳур бўлса ҳам, мен Табук воқеасини ундан кам, деб билмайман. Табук ғазотида Расулуллоҳ ﷺ билан бирга бормай қолганимнинг боиси бу вақтда ниҳоятда кучли ва бадавлат эдим. Аллоҳга қасамки, бундан аввал туямни иккита қилмаган эдим. Бу ғазотда икки туям бор эди. Расулуллоҳ ﷺ бир ғазотга боришни хоҳласалар, бошқа бирига борадигандек қилиб кўрсатардилар. Бу ғазотда борадиган тарафларини аниқ қилиб кўрсатдилар. Расулуллоҳ ﷺ унга ниҳоятда қаттиқ иссиқда чиқдилар. Сафар узоқ бўлиб, чўл ерлардан ўтиш керак эди. Сўнг кўп сонли душманга рўбарў бўлиш керак эди. Мусулмонлар яхши тайёгарлик кўриб, ғамларини еб олишлари учун уларга қайси томонга кетаётганларининг хабарини бердилар. Мусулмонлар ҳам кўп жамланишди. Уларнинг сонлари ёзилмаган эди. Аммо беркиниб қолай, дейдиган киши деярли йўқ эди. Агар бўлса ҳам, билар эдики, унинг беркингани Аллоҳ томонидан ваҳий тушмаса, маҳфийлигича қолиб кетар эди. Расулуллоҳнинг ﷺ бу ғазотлари мевали дарахтлар соя солиб, бу манзара кишига ёқадиган пайтга тўғри келди. Менда бундай роҳатларга мойиллик бор эди. Расулуллоҳ ﷺ ва мусулмонлар тайёргарлик кўришди. Мен ҳам эрта тонгда у зот билан тайёргарлик қилиш учун борардим-да, лекин бирор нарса қилмасдан қайтиб келар эдим. Лекин хоҳласам, мен ҳам ана

шунга қодир эдим. Хизматда бардавом бўлдим. Кишилар жиддий тайёргарликда давом этишди. Расулуллоҳ ﷺ ва у зот билан бирга мусулмонлар жўнашди. Мен эса бирор нарсага тайёрланмаган эдим. Сўнгра яна эрта тонгда келиб бирор нарса қилмай, қайтдим. Охири улар тезлаб кетишди, мен эса ғазотни қўлдан бой бериб қўйдим. Сафарга чиқиб, уларга етиб олишни қасд қилдим. Бу менга насиб қилмади. Расулуллоҳ ﷺ кетганларидан кейин одамлар олдига чиқдим, бирор соғ мусулмон кишини кўрмадим. Кўчада фақат мунофиқлар ва Аллоҳ узрли қилган заифларни кўрардим, холос. Расулуллоҳ ﷺ Табукка етиб боргунларича мени эсламабдилар. Қачонки, Табукда одамлар орасида ўтириб: «Каъб ибн Моликка нима бўлди?» деб сўрасалар, Бани Саламадан бир киши: «Эй Расулуллоҳ, унинг кийимлари ҳамда икки ёнига назар солиши (яъни, бойлиги) бу ерга келишидан тўсиб қўйди», деди. Муоз ибн Жабал унга: «Мунча ҳам ёмон сўз айтдинг! Аллоҳга қасамки, эй Расулуллоҳ, биз ундан фақат яхшиликни биламиз», дедилар. Расулуллоҳ ﷺ сукут қилиб шу ҳолда тургандилар, бир оққа бурканган кишини кўрдилар. Уни сароб йўққа чиқариб турарди. Расулуллоҳ ﷺ: «Абу Хайсама бўлмагин яна?» дедилар. У ҳақиқатда Абу Хайсама ал-Ансорий эди. Бу киши бир соъ хурмо садақа қилганида мунофиқлар айблашган эди». Яна Каъб айтадилар: «Расулуллоҳнинг ﷺ Табукдан қайтганликлари хабари келганида мени ғам боса бошлади. Ва ёлғон (узрлар) ўйлай бошладим. «Нима билан эртага у зотнинг ғазабларидан чиқаман?» деб ўзимга айтар эдим. Ва хонадонимдаги ақлли кишилардан ёрдам сўрар эдим. Қачонки, Расулуллоҳ ﷺ келганликлари хабари тарқалганида мендан ботил тадбирлар кетди. Билдимки, мен бу зотдан асло қутула олмас эканман. Охири рост гапиришга қасд қилдим. Расулуллоҳ ﷺ эрта тонгда етиб келдилар. Одати шарифлари-агар сафардан келсалар, аввал масжидга кириб икки ракат намоз ўқир, сўнгра кишилар билан мулоқот қилиш учун ўтирардилар. Бу сафар ҳам шундай қилдилар. Ўтирганларида Табукка бормасдан қолганлар келиб, у зотга узр айтиб қасам ича бошлашди. Улар саксон неча киши эдилар. Расулуллоҳ ﷺ уларнинг зоҳирий узрларини қабул қилиб, улардан байъат олиб, уларга истиғфор айтдилар. Ва ички ҳолатларини Аллоҳга ҳавола қилдилар. Мен ҳам у зот ҳузурларига келиб салом бердим. У зот эса менга ғазабнок ҳолатда табассум қилдилар. Сўнгра: «Кел», дедилар. Мен юриб келиб, олдиларида ўтирдим. У зот менга «Нима сабабдан биз билан бормай қолдинг ёки боришга улов сотиб олмадингми?» деганларида, мен: «Эй Аллоҳнинг расули, Аллоҳга қасамки, сиздан бошқа дунё аҳлидан бирортасининг ҳузурида ўтирган бўлсам-ку, унинг ғазабидан узр билан чиқиб кетар эдим. Чунки мен фасоҳатли сўзамол кишиман. Лекин биламан, Аллоҳга қасамки, агар бу кун сизга ёлғон гапирсам, мендан рози бўлаверасиз. Бироқ тез фурсатда Аллоҳ мендан сизни ғазаблантириб қўяди. Агар сизга рост гапни айтсам, ўзим сизни ғазаблантириб қўяман. Албатта, мен Аллоҳдан яхши оқибат умидидаман. Аллоҳга қасамки, менда узр йўқдир. Сиз билан бирга бормай қолган пайтимда ҳар галгидан кучли ва бадавлат эдим», дедим. Расулуллоҳ ﷺ: «Бу киши ҳақиқатда рост гапирди. Тургин, то Аллоҳнинг ҳукми келгунча кутиб тур», дедилар. Бани Саламадан

бўлган кишилар менинг орқамдан эргашиб, «Аллоҳга қасам, биз сени бундан олдин гуноҳ қилганингни билмаймиз. Сен бошқа ғазотга бормаганлар каби узр айтмадинг. Расулуллоҳнинг ﷺ истиғфорлари сенинг гуноҳингга кифоя қилади», дейишди. Улар мени маломат қилишда давом этишди, ҳатто мен Расулуллоҳ ﷺ ҳузурларига қайтиб бориб ёлғон гапиришни хоҳладим. Сўнгра уларга: «Бу каби сўз билан мендан бошқа ҳам бирор киши Расулуллоҳ ﷺ ҳузурларига келдими?» десам, улар: «Ҳа, икки киши келиб, сен айтган сўзларни айтди. Сенга айтилган жавоб уларга ҳам айтилди», дейишди. «Улар ким экан?» десам, улар: «Мурора ибн Рабийъ ал-Амрий ва Ҳилол ибн Умайя ал-Воқифийлар», дейишди. Менга икки солиҳ кишини зикр қилишдики, ҳар иккови ҳам Бадр иштирокчилари бўлиб, иқтидо қилишга муносибдир, деб қилган қароримдан қайтмадим. Расулуллоҳ ﷺ ғазотга бормай қолганлар орасидан биз уч киши билан сўзлашишни ман қилдилар. Ва бу ҳукм ила халқ биздан четланди. Ҳатто, ер ҳам мен билган ердан ўзгача бўлиб қолди. Биз мана шу ҳолатда эллик кеча турдик. Аммо икки шеригим ожизлашиб кетишди. Улар уйларида ўлтириб олиб фақат йиғлашарди. Мен эса қавмнинг ёши ва бардошлиси бўлганим учун (кўчага) чиқиб, мусулмонлар билан бирга намозда иштирок этар эдим. Ва яна бозорларни айланардим. Ҳеч ким мен билан гаплашмас эди. Яна Расулуллоҳ ﷺ ҳузурларига борар эдим. У зот намоздан кейин бўладиган мажлисда ўлтирганларида, бориб салом берардим-да, ўзимга ўзим: «У зот саломга алик олаётиб, лабларини қимирлатдиларми ёки йўқми?» деб, у зотга яқин туриб намоз ўқирдим. Шу аснода ўғринча назар солардим. Агар намозга юзлансам, у зот менга назар солардилар. Агар у зот томонга қарасам, мендан юз ўгириб олардилар. Қачонки, кишиларнинг жафолари менга нисбатан узайиб кетганда мен учун севимли бўлган амакимнинг ўғли Абу Қатоданинг боғи деворидан тирмашиб тушдим-да, унга салом бердим. Аллоҳга қасам, у ҳам саломимга алик олмади. Мен унга: «Эй Абу Қатода, Аллоҳнинг номи ила сендан сўрайман, мен Аллоҳ ва расулини яхши кўришимни биласанми?» десам, у сукут қилди. Иккинчи бор сўрадим. Сукут қилди. Учинчи бор сўраганимда: «Аллоҳ ва Унинг расули билувчироқ», деганди, мен икки кўзимдан ёшимни оқизиб, девордан тирмашиб орқамга қайтиб кетдим. Мен Мадина бозорларида юрсам, Мадинага дон сотгани келган Шом деҳқонларидан бири: «Ким менга Каъб ибн Моликни кўрсатиб қўяди?» деди. Одамлар менга ишора қилишди. У менинг олдимга келиб ўассон подшоҳи томонидан битилган бир мактубни узатди. Унда қуйидагилар битилган эди: «Бизга хабар етдики, сенинг дўстинг (бошлиғинг) сенга жафо қилибди. Аллоҳ хўрлик ва зое бўлинадиган ерда туришни мажбур қилмаган. Бизнинг ҳузуримизга кел, биз сенга (ғамхўрлик қилиб) тасалли берамиз». Бу мактубни ўқиган пайтимда «Бу ҳам мусибат-балоларнинг бир кўринишидир», дедим. Мактубни тандирга ташлаб ёқиб юбордим. Қирқ кун ҳам ўтдики, ваҳий тўхтаб қолган эди. Ногаҳон Расулуллоҳ ﷺ ҳузурларидан бир элчи келиб: «Расулуллоҳ ﷺ хотинингдан алоҳида бўлмоқни буюряптилар», деди. Мен: «Талоқ қилайми? Нима қилай?» дедим. У: «Фақат алоҳида бўлиб, яқинлашма», деди. Расулуллоҳ ﷺ бу ҳукмни икки биродаримга ҳам юборган эдилар. Мен хотинимга: «Сен ўз

уйингга бориб, то Аллоҳ томонидан ҳукм тушгунча у ерда тургин», дедим. Ҳилол ибн Умайянинг хотини Расулуллоҳ ﷺ ҳузурларига келиб: «Эй Аллоҳнинг расули, Ҳилол ибн Умайя бечора қари киши бўлиб, хизматкори ҳам йўқ. Мен унинг хизматини қилишимдан норозимисиз?» деса, у зот: «Йўқ, лекин у сенга яқинлик қилмасин», дедилар. Буни эшитган хотин: «Аллоҳга қасам, бунга ҳаракат қилишга қудрати ҳам йўқ. У бечора ана шу иш бўлгандан бери шу кунгача йиғлаш билан овора», деди. Менинг ҳам аҳлларимдан баъзилари: «Сен ҳам Ҳилол ибн Умайянинг хотини сўрагани каби хотинингнинг хизмати тўғрисида Расулуллоҳдан ﷺ изн сўра», дейишди. Мен: «Изн сўрамайман. Чунки Расулуллоҳ ﷺ нима деб айтишларини билмайман. Мен ёш йигит бўлсам», дедим. Мана шу ҳолатда яна ўн кун турдим. Гаплашиш ман қилинган куннинг эллигинчисида уйимнинг тепасида бомдод намозини ўқидим. Ана шу ўлтирган ҳолимда Аллоҳни зикр қилдим. Юрагим сиқилиб, ер кенг бўлишига қарамай, торайиб кетгандек бўлиб турган бир пайтда ногаҳон Саль тепалигига чиқиб олиб (Абу Бакр Сиддиқ) баланд овози ила: «Эй Каъб ибн Молик, хурсандлик хабари», деб бақираётганини эшитдим. Ўша заҳоти хурсандчилик соати келганини билиб, саждага йиқилдим. Расулуллоҳ ﷺ бомдод намозини ўқиб бўлгач, Аллоҳ бизларнинг тавбамизни қабул этганини эълон қилибдилар. Одамлар мен ва икки биродаримга хурсандчилик хабарини беришга шошилишибди. Бир киши менинг олдимга от минган ҳолда чопиб келди. Яна бир киши Аслам қабиласидан пиёда келди. Бу киши тоғ ошиб келиб баланд овоз ила башорат берди. Унинг овози отдан ҳам тезроқ эди. Менинг ҳузуримга хушхабар олиб келиб бақирган кишига хурсанд бўлганимдан устимдаги икки кийимимни ечиб, унга кийгизиб қўйдим. Аллоҳга қасамки, ўша кунларда у икки кийимимдан бошқасига эга эмас эдим. Энди мен икки кийимни қарзга олиб, Расулуллоҳнинг ﷺ ҳузурларига жўнадим. Одамлар йўлда тўда-тўда бўлиб тавба қабул бўлгани билан мени табриклашарди. Улар менга: «Аллоҳ таоло тавбангни қабул қилгани ила табриклаймиз», дейишар эди. Мен масжидга кирдим. Расулуллоҳ ﷺ ўтирган эканлар. Атрофларида эса одамлар ўтиришибди. Шунда Талҳа ибн Убайдуллоҳ ﷺ мен томон югуриб, мен билан қўл бериб сўрашиб табрикладилар. Аллоҳга қасамки, Талҳадан ﷺ бошқа муҳожирлардан бирор киши турмади. Сўнг Расулуллоҳга ﷺ салом берсам, у зот хурсанд бўлганларидан юзлари ярқираб кетди. У зот: «Туғилганингдан бери ўтган кунларнинг яхшиси билан хурсандлик хабарини бераман», дедилар. «Эй Аллоҳнинг расули, бу хушхабар сиз тарафингизданми ёки Аллоҳ томониданми?» десам, у зот: «Йўқ, бу Аллоҳ азза ва жалла томонидан», дедилар. Расулуллоҳ ﷺ агар хурсанд бўлсалар, шу даражада юзлари нурланиб кетардики, гуёки ой парчасига ўхшаб қоларди. Биз буни билар эдик. Шу пайт Расулуллоҳ ﷺ олдиларида ўтириб: «Эй Аллоҳнинг расули, мен бу тавбамнинг қабул этилгани учун барча молларимни Аллоҳ ва расули йўлига садақа қиламан», десам, у зот: «Молингнинг баъзисини ўзинг учун олиб қўй. Бу сен учун яхши бўлади», дедилар. Мен: «Хайбардаги улушимни олиб қоламан. Эй Аллоҳнинг расули, албатта Аллоҳ менинг ростгўйлигим сабабидан нажот берди. Энди тавбамнинг натижаси шу бўлсинки, умримнинг қолган қисмида фақат рост гапирай. Аллоҳга қасамки,

рост сўзлаганим учун Аллоҳ менга берган фазл-инъомини ҳеч кимга қилмаганини биламан», дедим. Аллоҳга қасамки, Расулуллоҳга ﷺ бу сўзларни зикр қилганимдан бери бу кунгача бирор калима ёлғон ишлатишни қасд қилмадим. Аллоҳ қолган умримда ҳам ёлғондан сақлашини умид қиламан». Каъб ибн Молик Аллоҳнинг қуйидаги оятларни нозил қилганлигини ҳам айтиб ўтганлар:

«Ҳақиқатан Аллоҳ пайғамбарнинг, муҳожирлар ва ансорларнинг тавбаларини қабул қилди. Улардан бир гуруҳининг диллари (ғазотдаги машаққат ва ташналик сабабли**) тойилаёзганидан кейин оғир соатда унга** (яъни, пайғамбарга) **эргашган эдилар. Сўнг уларнинг тавбаларини** (Аллоҳ) **қабул қилди. Албатта, У зот мўминларга марҳаматли, меҳрибондир. Яна ўша уч кишининг** (тавбаларини ҳам қабул қилдики), **то уларга кенг ер торлик қилиб қолгунча ва диллари сиқилиб, Аллоҳнинг** (ғазабидан) **фақат Ўзига тавба қилиш билангина қутулиш мумкин эканини билгунларича** (тавбалари) **қолдирилган эди** (яъни, тавба қилишга муваффақ бўлмаган эдилар). **Сўнгра** (Аллоҳ) **тавба қилишлари учун уларга тавба йўлини очди. Албатта, Аллоҳ тавбаларни қабул қилгувчи, меҳрибондир. Эй мўминлар, Аллоҳдан қўрқингиз ва иймонларида ростгўй бўлган зотлар билан бирга бўлингиз»** *(Тавба сураси, 117-119-оятлар).*

Каъб ﷺ яна давом этадилар: «Аллоҳ таоло мени Исломга ҳидоят қилганидан кейинги берган неъматларининг энг каттаси Расулуллоҳ ﷺ ҳузурларида рост гапиришга муваффақ қилганидир. Агар ёлғон сўзлаганимда мен бошқа ёлғон сўзлаб ҳалок бўлганлар каби ҳалок бўлардим, чунки Аллоҳ таоло ваҳий нозил қилаётган пайтда ёлғон гапирганларни бирор кишига айтмайдиган ёмон ваъидлар ила тилга оляпти:

«Уларнинг олдига қайтиб борган вақтларингизда улардан юз ўгиришларингиз (яъни, айбламасликларингиз учун сизларга уларнинг ростдан ҳам узрли эканликларига) **Аллоҳ номи билан қасам ичадилар. Бас, улардан юз ўгиринглар! Чунки улар нопокдирлар ва қилиб ўтган нарсаларининг** (яъни, мунофиқликлари) **жазосига жойлари жаҳаннамдир. Улардан рози бўлишларингиз учун сизларга қасам ичадилар. Агар сизлар улардан рози бўлсангизлар ҳам, Аллоҳ бу итоатсиз қавмдан ҳеч рози бўлмайди»** *(Тавба сураси, 95-96-оятлар).*

Биз уч нафарнинг ишимиз кейинга сурилган эди. Бошқалар қасам ичиб байъат қилишганида Расулуллоҳ ﷺ улардан буни қабул қилиб, уларга мағфират талаб қилгандилар. Расулуллоҳ ﷺ бизни кейинга қолдирдилар, ҳатто Аллоҳ таолонинг Ўзи: **«Ўша уч кишининг** (тавбаларини қабул қилдики) **...»** *(Тавба сураси, 118-оят)* сўзи билан ҳукм қилди. Бу сўздаги «орқада қолганлар»дан мақсад ғазотдан орқада қолганимиз эмас, балки қасам ичиб узр айтиб, узрлари қабул қилинганлардан авф этилишида орқада қолганимиздир» *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

Бошқа бир ривоятда: «Расулуллоҳ ﷺ Табук ғазотига пайшанба куни чиқдилар, у зот ғазотга пайшанба куни чиқишни яхши кўрардилар», дейилади.

Ва яна бошқа бир ривоятда айтилади: «Расулуллоҳ ﷺ сафардан келадиган бўлсалар, кундузи чошгоҳ вақтида келиб аввал масжидга борар, икки ракат намоз ўқиб, кейин ўтирардилар».

22/10. Имрон ибн Ҳусайн ал-Хузоийдан ﷺ ривоят қилинади. Жуҳайна қабиласидан бўлган бир аёл зинодан ҳомиладор бўлиб, Расулуллоҳ ﷺ ҳузурларига келди. Ва: «Эй Аллоҳнинг расули, менга ҳад (шаръий жазо) лозим бўлди. У жазони менда қоим қилинг», деди. Расулуллоҳ ﷺ унинг валийсини чақириб: «Унга чиройли муомалада бўл. Агар боласини туғса, менинг ҳузуримга у аёлни олиб келгин», дедилар. Валийси Расулуллоҳ ﷺ айтганларини қилди. Аёл келтирилгач, Расулуллоҳ ﷺ у хотиннинг кийимларини боғлаб, тошбўрон қилишга буюрдилар, ҳукм ижро этилди. Сўнгра Расулуллоҳ ﷺ унга жаноза намози ўқидилар. Буни кўрган Умар ﷺ: «Эй Аллоҳнинг расули, зино қилган аёлга ҳам намоз ўқийсизми?» деганларида, у зот: «Бу аёл шу даражада тавба қилдики, агар Мадина аҳлларидан етмиштаси орасида бу тақсим қилинса, уларга мўл-кўл бўларди. Сен ўз нафсини Аллоҳ азза ва жаллага фидо қилгандан ҳам афзал кишини кўрганмисан?» дедилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

23/11. Ибн Аббос ва Анас ибн Моликдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Агар одам боласининг бир водий тилласи бўлса, у киши икки водий тиллоси бўлишини яхши кўради. Унинг оғзини қабр тупроғидан бошқа нарса тўлдира олмайди. Аллоҳ тавба қилувчиларнинг тавбасини қабул қилади», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

24/12. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Аллоҳ таоло икки кишининг ҳолига куладики, уларнинг бири иккинчисини ўлдиради. Ва иккиси ҳам жаннатга киради. Бири мусулмон бўлиб, Аллоҳ йўлида урушиб ўлдирилади. Иккинчиси ўлдиргани учун Аллоҳга тавба қилиб, мусулмон бўлиб, у ҳам шаҳид бўлади», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

3-БОБ
Сабр баёни

Аллоҳ таоло:**«Эй мўминлар, сабр қилингиз ва сабру тоқат қилишда** (кофирлардан) **устун бўлингиз»** *(Оли-Имрон сураси, 200-оят);*

«Ва албатта сизларни хавфу хатар, очлик, молу жон ва мева-чеваларни камайтириш каби нарсалар билан имтиҳон қиламиз. Бас, сабр қилувчиларга хушхабар бергин» *(Бақара сураси, 155-оят);*

«Ҳеч шак-шубҳа йўққи, сабр тоқат қилувчиларга ажр-мукофотлари ҳисоб-китобсиз тўла-тўкис қилиб берилур» *(Зумар сураси, 10-оят);*

«Албатта ким (ўзига етган озор-азиятларга) **сабр қилса ва** (интиқом олмай, Аллоҳ учун) **кечириб юборса, шак-шубҳасиз, бу иш ишларнинг мақсадга мувофиғидир»** *(Шўро сураси, 43-оят);*

«Эй мўминлар, сабр қилиш ва намоз ўқиш билан (Мендан) **мадад сўранглар! Албатта Аллоҳ сабр қилгувчилар билан биргадир»** *(Бақара сураси, 153-оят);*

«Албатта Биз то сизларнинг орангиздаги (Бизнинг йўлимизда молу жонлари билан) **жиҳод қилгувчи ва** (яхши-ёмон кунларда) **сабр қилгувчи зотларни билгунимизча сизларни имтиҳон қилурмиз»**, *(Муҳаммад сураси, 31-оят),* деб айтган.

25/1. Абу Молик Ҳорис ибн Осим ал-Ашъарийдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Поклик иймоннинг ярмидир. «Алҳамдулиллаҳ» тарозуни тўлдиради. «Субҳоналлоҳи валҳамдулиллаҳ» ер билан осмон ўртасини тўлдиради. Намоз нурдир. Садақа ҳужжатдир. Сабр зиёдир. Қуръон сенинг фойдангга ёки зарарингга ҳужжатдир. Ҳар кимса тонг оттириб нафсини савдо қилади. Бу билан уни озод қилади ёки ҳалок қилади», дедилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

26/2. Абу Саид Саъд ибн Молик ибн Синон ал-Худрийдан ривоят қилинади. Ансорийлардан бўлган кишилар Расулуллоҳ ﷺдан (нарсалар) сўрашди. Расулуллоҳ ﷺ уларга (сўраган нарсаларини) бердилар. Кейин яна сўрашди. Уларга (сўраган нарсаларини) бердилар. Ҳатто ҳузурларидаги бор нарса тугади. Ва: «Бирор яхши нарса бўлса, мен сизлардан дариғ тутмайман. Кимки (тамаъдан йироқ бўлиб) ўзини иффатли тутса, Аллоҳ уни офиятда қилади. Кимки ўзини ҳожатсиз қилса, Аллоҳ уни беҳожат қилиб қўяди. Кимки бардошли бўлса, Аллоҳ уни ҳақиқий сабрли қилиб қўяди. Бирор кишига сабрдан кўра улуғ ва яхши нарса берилмайди», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

27/3. Абу Яҳё Суҳайб ибн Синондан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Мўминнинг иши ажабланарли, ҳайратомуздир. Ҳамма иши унга яхшилик келтираверади. Бу мўминларга хос бўлиб, улардан бошқаларда ундай эмас. Агар унга хурсанд қилувчи нарса етса, шукр қилади. Бу у учун яхшидир. Агар зарар берувчи нарса етса, сабр қилади. Бу ҳам унинг учун яхши бўлади», дедилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

28/4. Анасдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺнинг ўлим талвасасидаги оғриқлари кучайганида Фотима ﷺ: «Вой, отамни азият чулғаяпти», дедилар. Буни эшитган Расулуллоҳ ﷺ: «Бу кундан кейин отангга ғам, азият йўқдир», дедилар. Қачонки, Расулуллоҳ ﷺ вафот этганларида Фотима ﷺ: «Эй отажон! Парвардигор чақириғига лаббай, дедингиз. Эй отажон! Фирдавс жаннати борар жойингиздир. Эй отажон! Жаброил алайҳиссаломга сизнинг ўлимингиз хабарини берурмиз», дедилар. У зот дафн қилинганларидан кейин Фотима ﷺ: «Расулуллоҳ ﷺ устиларидан

тупроқ сочиб ҳам нафсларингиз хушнуд бўлаверди-я», дедилар. *Имом Бухорий ривоятлари.*

29/5. Абу Зайд Усама ибн Зайд ибн Ҳорисадан ﷺ ривоят қилинади. (Бу зот Расулуллоҳ ﷺнинг ходимлари ва севимли кишиларидир.) Расулуллоҳ ﷺнинг қизлари оталари ҳузурларига (бир одамни) юбориб: «Ўғлим ўлим тўшагида ётибди. Бизнинг олдимизга келинг», дедилар. Расулуллоҳ ﷺ қизларига салом йўллаб: «Албатта олиш ҳам, бериш ҳам Аллоҳ учундир. Ҳар бир нарсанинг Унинг ҳузурида белгиланган вақти бордир. (Қизим) сабр қилсин ва савобини умид қилиб турсин», дедилар. Қизлари яна одам жўнатиб, у зот келишларини онт ичиб сўрадилар. Расулуллоҳ охири ўринларидан турдилар. У зот билан бирга Саъд ибн Убода, Муоз ибн Жабал, Убай ибн Каъб, Зайд ибн Собит ва яна бир қанча кишилар бор эди. Ҳалиги гўдак Расулуллоҳ ﷺга узатилди. У зот гўдакни қучоқларига олдилар. Гўдак эса ўлим талвасасида эди. Буни кўриб Расулуллоҳ ﷺнинг кўзларидан ёш оқди. Шунда Саъд: «Эй Аллоҳнинг расули, бу нима? (Яъни, йиғлашдан қайтарар эдингиз-ку!)» дедилар. Расулуллоҳ ﷺ: «Бу Аллоҳнинг раҳмати бўлиб, уни бандаларининг қалбларида пайдо қилгандир», дедилар.

Бошқа ривоятларида: «Бандаларидан хоҳлаган кишисининг қалбида буни пайдо қилади. Албатта, Аллоҳ раҳмли бандаларига раҳм қилади», деб айтилган. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

30/6. Суҳайбдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Сизлардан аввал ўтган умматларда бир подшоҳ бор эди. Унинг бир сеҳргари бўлиб, ёши улғайганида подшоҳга қуйидагича мурожаат қилди: «Мен қариб қолдим. Менга бирор ёш одам юборгин. Унга сеҳргарликни ўргатаман». Подшоҳ унга бир болани сеҳр ўргатиш учун юборди. У боланинг йўлида бир роҳиб (ибодат қилувчи) бор эди. Кунларнинг бирида бола унинг ҳузурида ўтириб, сўзларини эшитиб, ҳайратда қолди. Бола агар сеҳргар олдига борса, роҳибга ҳам учраб, унинг ҳузурида бироз ўтирар эди. Бир куни сеҳргар ҳузурига борганида, у (кеч қолгани учун) болани урди. Бола эса бу ҳолдан роҳибга шикоят қилди. Роҳиб: «Агар сеҳргардан қўрқсанг, аҳлим мени ушлаб қолгани учун (кечикдим), дегин. Агар аҳлингдан қўрқсанг, сеҳргар мени ушлаб қолгани учун кечикдим, дегин», деди. Кунлар шу алфозда давом этди. Бир куни бола катта бир жониворни учратди. У жонивор кишиларнинг йўлини тўсиб олган эди. Шунда у: «Бу кун сеҳргар афзалми ёки роҳиб афзалми, биламан!?» деб бир тошни олди-да, «Аллоҳим, агар роҳиб иши Сенга сеҳргарнинг ишидан маҳбуброқ бўлса, бу жониворни ҳалок қилгин, кишилар ўтиб олишсин», деди. Бола тошни отиб уни ўлдирди ва кишилар ўтиб кетишди. Бола роҳибга келиб, бу ҳақда хабар берди. Роҳиб болага: «Эй болам, сен бугун мендан ҳам афзалсан. Сен бир мақомга етдинг. Сен тез кунларда (ҳар хил синовлар билан) синаласан. Агар шундай ҳолат бўлса, мени ҳеч кимга кўрсатмагин», деди. У бола туғма кўр, песларни тузатиб ва кишилардаги бошқа касалликларни даволар эди. Подшоҳнинг шерикларидан бирининг кўзи ожиз бўлиб қолиб, бу бола ҳақида хабар топди. Боланинг ҳузурига кўп ҳадялар билан келиб: «Агар

менга шифо берсанг, буларнинг ҳаммасини сенга бераман», деди. Буни эшитган бола: «Мен бирор кишига шифо бера олмайман. Шифони Аллоҳнинг Ўзи беради. Агар Аллоҳга иймон келтирсанг, Унга дуо қиламан, сенга шифо беради», деди. У киши Аллоҳга иймон келтирди. Ва Аллоҳ у кишига ҳам шифо берди. Бир куни у киши одатдагидек подшоҳ ҳузурида ўтирганида, подшоҳ унга: «Кўзингни ким даволади?» деди. Шериги: «Раббим даволади», деди. Шунда подшоҳ: «Мендан бошқа ҳам Раббинг борми?» деганида, у: «Раббим – сенинг Раббинг Аллоҳдир», деди. Подшоҳ уни азоблашда бардавом бўлди. Охири у киши болани кўрсатиб беришга мажбур бўлди. Подшоҳ болани тутиб келтирди. Ва унга: «Эй бола, сен сеҳргарликда шу даражага етибсанки, туғма кўр ва песларни тузатиб, ундай ва бундай ишларни қилаётган эмишсан?» деди. Бола: «Мен ҳеч кимни тузатаётганим йўқ. Албатта Аллоҳ шифо беряпти», деди. Подшоҳ уни азоблади ва бунда бардавом бўлди, у роҳибни кўрсатиб қўйди. Роҳиб ҳам (подшоҳ ҳузурига келтирилиб, унга) динингдан қайт, дейилди. Роҳиб бош тортди. Арра олиб келиниб унинг боши ўртасига қўйиб арраланди, бош иккига бўлиниб кетди. Кейин подшоҳ шериги келтирилиб, динингдан қайт, дейилди. У ҳам бош тортди. Арра бошининг ўртасига қўйилиб тортилганида, бўлиниб икки тарафга тушди. Сўнгра болани келтириб, динингдан қайт, дейилди. У ҳам бош тортди. Подшоҳ болани бир неча аъёнларига бериб: «Буни фалон, фалон тоққа олиб боринглар. Ва тепасига чиқинглар. Агар чўққига етсангиз (бир насиҳат қилиб кўринглар), динидан қайтса, қолдиринглар. Агар қайтмайдиган бўлса, уни ўша ердан улоқтириб юборинглар», деди. Аъёнлар (подшоҳ айтган) тоққа бориб, юқорига чиқдилар. Бола эса: «Аллоҳим, уларга Ўзинг хоҳлаган нарса билан кифоя қилгин», деб илтижо қилганида, тоғ бир силкинди. Улар ундан қулаб тушишди. Бола (якка ўзи) подшоҳ ҳузурига келди. Подшоҳ унга: «Ҳамроҳларингга нима бўлди?» деди. Бола: «Аллоҳнинг Ўзи уларга кифоя қилди», деб айтди. Подшоҳ яна бир нечта аъёнларига болани топшириб: «Уни бир катта кемага ортинглар-да, денгиз ўртасига олиб боринглар. (Бир насиҳат қилиб кўринглар) агар динидан қайтса, қолдиринглар. Бўлмаса, уни (денгизга) ташлаб юборинглар», деди. Улар болани олиб боришганида яна у: «Аллоҳим, хоҳлаган нарсанг билан уларга Ўзинг кифоя қилгин», деди. Кема бирдан тўнтарилди-да, улар чўкиб кетишди. Бола яна (якка ўзи) подшоҳ ҳузурига келди. Подшоҳ унга: «Ҳамроҳларингга нима қилди?» деди. Бола: «Аллоҳ уларга Ўзи кифоя қилди, албатта сен мен буюрган нарсани қилмагунингча ўлдира олмайсан», деди. Подшоҳ: «У нима?» деди. Бола: «Одамларни бир тепаликка жамлаб, мени бир хурмо шохига осиб, ўқдонимдан бир ўқни олиб, уни камоннинг ўртасига қўйиб, «Боланинг Раббиси бўлмиш Аллоҳнинг исми билан», деб менга отасан. Агар мана шу айтганимни қилсанг, мени ўлдира оласан», деди.

Подшоҳ одамларни бир тепаликка тўплади. Болани бир хурмо шохига осиб, сўнгра унинг ўқдонидан бир ўқни олиб, камоннинг ўртасига қўйди, кейин «Боланинг Раббиси бўлмиш Аллоҳнинг исми билан», деб отганда, ўқ боланинг чаккасига тегди. У чаккасига қўлини қўйиб вафот этди. Шунда одамлар: «Боланинг Раббисига имон келтирдик», деб айтишди. Подшоҳ

ҳузурига кишилар келиб: «Сен ўзинг хавфсираётган нарсага қарамайсанми? Аллоҳга қасамки, сен хавфсираётган нарса – одамларнинг имонга келиши бўляпти», дейишди. Подшоҳ кўчаларнинг оғзига чуқур кавлатишни буюрди. Чуқурлар кавлаб, унга ўт ёқилди. Ва у: «Кимки динидан қайтмаса, унга ташлансин», деди. Бу буйруқни бажардилар. Бир пайт қўлида ёш гўдаги бор бир хотин келди. У хотин ўтга тушишдан ўзини тортаётган эди. Ҳалиги гўдак: «Эй онажоним, сабр қилинг. Сиз ҳақ йўлдасиз», деди...», дедилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

31/7. Анасдан ﵁ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ қабр олдида йиғлаётган бир аёлни кўриб: «Аллоҳдан қўрқ ва сабр қил», дедилар. Шунда у аёл: «Нари тур, чунки сенга мендаги мусибат етмагандир ва уни билмайсан ҳам», деди. Шунда у аёлга: «Бу киши Расулуллоҳ ﷺдирлар», деб айтилди. У аёл Расулуллоҳ ﷺ дарвозаларига келди. Лекин у зот ҳузурларида дарвозабонларини топмади. Аёл: «Сизни танимабман (Эй Расулуллоҳ)», деди. Шунда Расулуллоҳ ﷺ: «Ҳақиқий сабр аввалги зарба пайтдагисидир», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

Муслимнинг ривоятларида: «У хотин бир гўдак боласига йиғлаётган эди», деб келтирилган.

32/8. Абу Ҳурайрадан ﵁ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ айтдилар: «Аллоҳ таоло: «Мўмин бандаларимдан бирортасининг дунё аҳлидан бўлган севимли кишисини олиб қўйсам, сўнгра савоб умидида сабр қилса, уни фақат жаннат билан тақдирлайман», деди». *Имом Бухорий ривоятлари.*

33/9. Оишадан ﵂ ривоят қилинади. Оиша онамиз Расулуллоҳдан ﷺ ўлат (вабо) ҳақида сўраганларида Расулуллоҳ ﷺ: «Бу аввал азоб эди. Аллоҳ уни хоҳлаган кишиларига юборар эди. Энди уни мўминларга раҳмат қилди. Бирор банда ўлат бор ерда бўлиб қолса ва ўша шаҳарда савоб умидида сабр қилиб, Аллоҳ ёзиб-битиб қўйган мусибатдан бошқа нарса етмаслигини билса, у бандага шаҳиднинг ажри мислича савоб берилади», дедилар. *Имом Бухорий ривоятлари.*

34/10. Анасдан ﵁ ривоят қилинади. «Расулуллоҳнинг ﷺ қуйидагиларни айтганларини эшитдим: «Аллоҳ азза ва жалла: «Агар бирор бандамнинг икки кўзини шикастласам, у банда бунга сабр қилса, Мен эвазига жаннат билан тақдирлайман», деди». *Имом Бухорий ривоятлари.*

35/11. Ато ибн Абу Рабоҳдан ﵀ ривоят қилинади. «Ибн Аббос ﵄: «Сенга жаннат аҳлидан бўлган бир аёлни кўрсатайми?» дедилар. Мен: «Ҳа», дедим. Ибн Аббос ﵄: «У қора хотин бўлиб, Расулуллоҳ ﷺ ҳузурларига келди ва: «Менинг тутқаноқ тутадиган касалим бор. Ўша касалим келса, баданим очилиб қолади. Аллоҳдан (кетказишини сўраб) менга дуо қилинг», деди. Шунда у зот: «Агар сабр қилишни хоҳласанг, сенга жаннат бўлади. Бўлмаса, дуо қиламан, шифо беради», дедилар. У аёл: «Сабр қиламан, лекин танам

очилиб қолмаслиги хусусида Аллоҳга дуо қилинг», деганида, Расулуллоҳ ﷺ дуо қилдилар», дедилар». *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

36/12. Абу Абдураҳмон Абдуллоҳ ибн Масъуддан ﷺ ривоят қилинади. «Мен гўёки Расулуллоҳ ﷺга қараб тургандекман, у зот қуйидагича ҳикоя қилаётгандилар: «Пайғамбарлардан бирларини (уларга Аллоҳнинг дуо ва саломлари бўлсин) қавми уриб қонга белаб қўйишди. У пайғамбар юзларидан қонни артиб: «Аллоҳим, қавмимни мағфират қилгин, чунки улар билмайдилар», деб айтардилар». *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

37/13. Абу Саид ва Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Бирор мусулмон кишига заҳмат, беморлик, ташвиш, хафалик, азият, ғам етиб, ҳатто бир тикан санчилса ҳам, Аллоҳ унинг хатоларини ўша сабабли ўчиради», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

38/14. Ибн Масъуддан ﷺ ривоят қилинади: «Расулуллоҳ ﷺ ҳузурларига кирсам, у зот иситмалаб ётган эканлар. Мен: «Эй Аллоҳнинг расули, сиз қаттиқ иситмалаяпсиз-а?» десам, у зот: «Ҳа, мен сизлардан икки киши иситмалагани каби иситма бўламан», дедилар. «Унда сизга икки ажр бўладими?» десам, «Ҳа, шу сингари бирор мусулмонга азият етса, тиконми ёки ундан каттароғи азоб берса, у билан ёмонликлари ўчирилиб, гуноҳлари худди дарахт баргидек тўкилиб кетади», дедилар». *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

39/15. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Аллоҳ кимга яхшиликни хоҳласа, уни бирор мусибатга мубтало қилади», дедилар. *Имом Бухорий ривоятлари.*

40/16. Анасдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Сизлардан бирингизга зарар етганида ўлимни орзу қилмасин. Агар орзу қилиш чорасиз бўлиб қолса, «Аллоҳим, ҳаёт мен учун хайрли бўлса, тирик қўй. Агар ўлим хайрли бўлса, жонимни ол», деб айтсин», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

41/17. Абу Абдуллоҳ Хаббоб ибн Аратдан ﷺ ривоят қилинади. «Расулуллоҳ ﷺ Каъба сояси остида кийимларига ўралиб, суяниб ётганларида, биз шикоят қилиб: «Бизга нусрат сўраб дуо қилмайсизми?», дедик. Шунда Расулуллоҳ ﷺ: «Сизлардан олдинги умматларни ушлаб, ерда чуқур қазиб, унга ташлаб, кейин арра келтирилиб, уларнинг бошига тортиб юбориларди ва у иккига бўлиниб кетарди. Ҳамда темир тароқ билан таралганида суягигача етиб қоларди. Мана шу азоблар уларни диндан тўсиб қўймас эди. Аллоҳ таоло бу ишни шу даражада камолотга етказадики, бир отлиқ киши Саньо шаҳридан Хазрамавтгача хавфсиз юраверади. Бунда

фақат Аллоҳдан ва қўйларини бўри еб кетишидангина қўрқади. Лекин сизлар шошқалоқлик қиляпсизлар», деб айтдилар». *Имом Бухорий ривоятлари.*

Бошқа ривоятда: «Мушриклардан азият етганида биз Расулуллоҳ ﷺга йўлиқдик. У зот кийимларига буркалиб суяниб ётардилар», деб келтирилган.

42/18. Ибн Масъуддан ﷺ ривоят қилинади. «Ҳунайн куни Расулуллоҳ ﷺ ўлжаларни тақсимлашда баъзи кишиларга кўпроқ улуш ажратдилар. Ақраъ ибн Ҳобисга юзта туя, Уяйна ибн Ҳиснга ҳам шу миқдорда бердилар. Ҳамда арабларнинг улуғларига ҳам ана шу кунги тақсимда кўпроқ ўлжа бердилар. Шунда бир киши: «Аллоҳга қасамки, бу тақсимотда адолат қилинмади ва Аллоҳнинг розилиги ирода қилинмади», деб айтди. Мен: «Аллоҳга қасамки, буни Расулуллоҳга етказаман», деб у зотга бу нарсаларнинг хабарини бердим. У зотнинг юзлари ўзгариб, қизилга ўхшаб кетди. Сўнгра: «Агар Аллоҳ ва расули адолат қилмаса, бошқа ким адолат қилади?» дедилар. Кейин: «Аллоҳ Мусо алайҳиссаломни раҳматига олсин, бундан ҳам кўп азият етказилганда сабр қилгандилар», дедилар. Мен эса қайтиб бундан кейин Расулуллоҳга ﷺ гап ташимайман, дедим». *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

43/19. Анасдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Агар Аллоҳ бир бандасига яхшиликни хоҳласа, азобини бу дунёдаёқ бериб қўяди. Агар Аллоҳ бандасига ёмонликни хоҳласа, унинг гуноҳини ушлаб туриб, Қиёмат бўлганда тўла-тўкис қилиб (жазосини) беради. Улуғ мукофот катта нарса билан балоланганларга берилади. Аллоҳ таоло бирор қавмни яхши кўрса, уларни балолантириб қўяди. Ким бунга рози бўлса, у учун розилик (ёзилади). Ким ғазаб қилса, унга ғазаб (ёзилади)», дедилар. *Имом Термизий ривоятлари.*

44/20. Анасдан ﷺ ривоят қилинади. Абу Талҳанинг бир ўғли бор эди. У касал эди. Абу Талҳа (қаергадир) чиқиб кетганида бола вафот этди. Абу Талҳа қайтиб келиб: «Болага нима бўлди?» деди. Боланинг онаси Умму Сулайм: «Аввалги ҳолатидан сокинликдадир», деди. Эрига кечки овқатни келтирди. У овқатини тановул қилиб, сўнгра шаръий қовушишди. Ундан фориғ бўлганида «Гўдакни кўмиб келинглар», деди. Абу Талҳа тонг отганида Расулуллоҳ ﷺ ҳузурларига бориб, бўлган воқеанинг хабарини берди. Расулуллоҳ ﷺ: «Кечаси эр-хотинлик алоқаси қилдингларми?» дедилар. У: «Ҳа», деб жавоб қилди. Расулуллоҳ ﷺ: «Аллоҳим, бу икковларига барака бер», деб дуо қилдилар. Хотин бир бола туғди. Абу Талҳа Анасга: «Болани кўтар, бу билан Расулуллоҳ ﷺ ҳузурларига борасан», деб хурмочалар ҳам қўшиб бериб юборди. Расулуллоҳ ﷺ: «У билан бирга бирор нарса борми?» деганларида, хурмочалар келтирилди. Расулуллоҳ ﷺ уни олиб чайнадилар-да, гўдакнинг оғзига солдилар, сўнгра танглайини кўтариб, Абдуллоҳ деб исм қўйдилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

Имом Бухорийнинг ривоятларида Ибн Уйайна айтдилар: «Ансорийлардан бўлган бир киши: «Мен тўққизта болани кўрдим, уларнинг барчалари Қуръон ўқувчи қорилар эди. Булар ўша Абдуллоҳнинг фарзандлари эди», деб айтди».

Муслимнинг бошқа бир ривоятларида: «Абу Талҳанинг ﷺ Умму Сулаймдан бўлган бир ўғли вафот этди. Умму Сулайм аҳлларига: «Абу Талҳага ўғли вафот этганини мендан бошқа ҳеч ким айтмасин», деди. Абу Талҳа ﷺ келганида, хотини кечки овқатни олиб келди. Абу Талҳа ﷺ ундан еб-ичди. Сўнгра хотини ўзини ҳар галгидан чиройли қилиб кўрсатди. Буни кўрган эр беихтиёр шаръий яқинлик қилди. Қачонки, Умму Сулайм эрининг тўйганини ҳамда хотинидан мақсади ҳосил бўлганини кўриб: «Эй Абу Талҳа, агар бир қавм омонатларини бир ҳовлига қўйсалар ва ўша омонатни кейин талаб қилишса, уни бермасликка ҳақлари борми?» деганида, у «Йўқ», деди. Шунда хотини: «Ундай бўлса, ўғлингнинг (ўлимига) савоб умидида сабр қил», деди. Абу Талҳа бундан ғазабланиб, «Нега бу ҳақда менга айтмадинг, кейин нопок ҳам бўлиб қолдим, энди бўлса, ўғлимнинг ўлими хабарини беряпсан?» деб Расулуллоҳ ﷺ ҳузурларига бориб бўлиб ўтган ҳодиса ҳақида хабар берди. Расулуллоҳ ﷺ: «Ана шу кечаси бўлган нарсангизда Аллоҳ барака берсин», деб дуо қилдилар. У аёл (дуо баракасидан) ҳомиладор бўлди. Расулуллоҳ ﷺ сафардаликларида бу аёл ҳам бирга эди. Расулуллоҳ ﷺ агар сафардан қайтиб, Мадинага келсалар, кечқурун аҳллари ҳузурига кирмасдилар. Мадинага яқинлашганларида бирдан у аёлни тўлғоқ тутиб қолди. Абу Талҳа хотини сабабли тўхтаб қолди. Расулуллоҳ ﷺ эса йўлларида давом этдилар. Анаснинг ﷺ айтишларича, Абу Талҳа: «Эй Раббим, Сен биласанки, мен Расулуллоҳ ﷺ Мадинадан чиқсалар, у зот билан бирга чиқишни, агар у ерга кирсалар, бирга киришни ёқтираман. Кўриб турганингдек, ушланиб қолдим», деб арз қилди. Хотини Умму Сулайм бу сўзларни эшитиб: «Эй Абу Талҳа, мени ҳозир аввалгига ўхшаб тўлғоқ тутмаяпти, бирга кетаверинг», деди. Анас ﷺ: «Ҳаммамиз бирга жўнадик. Қачонки, Мадинага борганларида Абу Талҳанинг хотинларини тўлғоқ тутиб, бир ўғил бола туғдилар. Онам менга: «Эй Анас, буни бирор киши Расулуллоҳ ﷺ ҳузурларига олиб бормагунича эмизмайди», дедилар. Тонг отганида болани кўтариб Расулуллоҳ ﷺ ҳузурларига олиб бордим», деб олдинги ҳадиснинг охири ила якун ясадилар», дейилади.

45/21. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Бир неча одамни куч билан енгадиган одам кучли эмас, балки жаҳли чиққанида ғазабини боса оладиган киши кучлидир», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

46/22. Сулаймон ибн Сураддан ﷺ ривоят қилинади. «Расулуллоҳ ﷺ билан бирга ўтирган эдим, икки киши сўкишиб кетди. Бирининг юзи қизариб, бўйин томирлари шишиб кетди. Шунда Расулуллоҳ ﷺ: «Мен бир калимани биламан. Агар уни айтса, ундан мана бу топган нарсаси (ғазаби ва томир шишиши) кетади. Агар «Аъузу биллаҳи минаш шайтонир рожийм», яъни «Лаънати шайтондан Аллоҳнинг номи ила паноҳ тилайман», деса, ундан бу етган нарсалар кетади», дедилар. Саҳобалар у кишига: «Расулуллоҳ ﷺ лаънати шайтондан Аллоҳ номи ила паноҳ тилагин, деб айтдилар», дейишди». *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

47/23. Муоз ибн Анасдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Кимки бажаришга қодир бўла туриб ғазабини ютса, Аллоҳ таоло Қиёмат куни бутун халойиқни бошига чақириб, қора кўзли ҳурлардан хоҳлаганини олишга ихтиёр беради», дедилар. *Абу Довуд ва Термизийлар ривояти.*

48/24. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Бир киши Расулуллоҳга ﷺ «Менга васият қилинг», деб сўраганида, у зот: «ўазаб қилма», дедилар. У киши (бу саволни) бир неча марта қайтарганида ҳам, у зот: «ўазаб қилма», деб айтдилар. *Имом Бухорий ривоятлари.*

49/25. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Мўмин киши ва мўмина аёлга нафси, фарзанди ва молига мусибат етиб туради. Ҳаттоки, уларнинг бундан гуноҳлари қолмасдан Аллоҳ таолога йўлиқишади», дедилар. *Имом Термизий ривоятлари.*

50/26. Ибн Аббосдан ﷺ ривоят қилинади. Уйайна ибн Ҳисн жияни Ҳурра ибн Қайсникига меҳмон бўлиб тушди. Жияни Ҳурра ибн Қайс Умарнинг ﷺ яқин аъёнларидан бири эди. Умарнинг ﷺ ҳамсуҳбат ва маслаҳатчилари хоҳ ўрта ёш, хоҳ йигит бўлишсин, қорилардан эди. Уйайна ибн Ҳисн жиянига: «Эй акамнинг ўғли, бу амирнинг ҳузурида сенинг ҳурматинг бор. Менга унинг олдига киришга изн олиб бер», деганида, у изн сўради. Умар ﷺ унинг киришига рухсат бердилар. Уйайна ибн Ҳисн у зот ҳузурларига кириб: «Эй Ибн Хаттоб, Аллоҳга қасамки, бизга кўп нарса бермайсиз. Одиллик билан ҳукм қилмайсиз», деганида, Умар ﷺ ғазабланиб, ҳатто уни урмоқликка ҳам қасд қилдилар. Шунда Ҳурра: «Эй мўминлар амири, албатта Аллоҳ таоло пайғамбарига: «Авфни олинг, яхшиликка буюринг ва жоҳиллардан юз ўгиринг», деган. Бу киши ўша жоҳиллардандир», деди. Аллоҳга қасамки, Ҳурра бу оятни ўқиганида, у зот бундан ўтиб кетмадилар. Чунки Умар ﷺ Аллоҳнинг китобида келган нарсада тўхтардилар (яъни, унга амал қилардилар). *Имом Бухорий ривоятлари.*

51/27. Ибн Масъуддан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Мендан кейин худбин ва инкор қилинадиган ношаръий ишларни кўрасизлар!» деганларида, саҳобалар: «Эй Аллоҳнинг расули, ана шу кун келса, бизни нима қилишга буюрасиз?» дейишди. Расулуллоҳ ﷺ: «Устингизда бўлган ҳақларни адо этинглар. Ва ўз ҳақларингизни Аллоҳдан талаб қилинглар», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

52/28. Абу Яҳё Усайд ибн Ҳузайрдан ﷺ ривоят қилинади. Ансорийлардан бўлган бир киши: «Эй Аллоҳнинг расули, фалон кишини бошлиқ қилганингиз каби мени ҳам бошлиқ қилиб тайинланг», деди. Шунда Расулуллоҳ ﷺ: «Сизлар мендан кейин худбинликларга йўлиқасизлар. Ҳавз (кавсар)да менга дуч келгунингизча сабр қилинглар», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

53/29. Абу Иброҳим Абдуллоҳ ибн Абу Авфодан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ душманга йўлиқадиган кунларининг бирида кутиб турдилар. Қуёш мойил бўлганида ўринларидан туриб: «Эй инсонлар! Душманга йўлиқишни орзу қилманглар. Аллоҳ таолодан офиятни сўранглар. Агар

уларга дуч келадиган бўлиб қолсанглар, сабр қилинглар. Билингларки, жаннат қиличлар сояси остидадир», дедилар. Сўнгра у зот қуйидагича дуо қилдилар: «Эй Қуръон нозил қилувчи, эй булутларни юргизувчи, эй гуруҳларни мағлуб этувчи Аллоҳим! Уларни мағлуб қил. Ва уларнинг зарарига ҳамда бизнинг фойдамизга нусрат бер». *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

4-БОБ
Рост сўзлаш баёни

Аллоҳ таоло:**«Эй мўминлар, Аллоҳдан қўрқингиз ва имонларида ростгўй бўлган зотлар билан бирга бўлингиз»** *(Тавба сураси, 119-оят);*

«Ростгўй эркаклар ва ростгўй аёллар учун Аллоҳ мағфират ва улуғ мукофот тайёрлаб қўйгандир» *(Аҳзоб сураси, 35-оят);*

«Содиқ-ростгўй бўлганларида, албатта ўзлари учун яхшироқ бўлур эди» *(Муҳаммад сураси, 21-оят),* деб айтган.

54/1. Ибн Масъуддан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Ростгўйлик яхшиликка етаклайди. Яхшилик эса жаннатга етаклайди. Албатта киши рост сўзлайди, ҳаттоки Аллоҳ ҳузурида сиддиқлардан, деб ёзилади. Ёлғончилик гуноҳга етаклайди. Гуноҳ эса дўзахга етаклайди. Албатта киши ёлғон сўзлайди, ҳаттоки Аллоҳнинг ҳузурида ёлғончи, каззоб, деб ёзилади», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

55/2. Абу Муҳаммад Ҳасан ибн Али ибн Абу Толибдан ﷺ ривоят қилинади. «Расулуллоҳ ﷺдан қуйидаги айтган нарсаларини ёдлаб олдим: «Шубҳали нарсани шубҳасиз нарсага қолдир. Албатта ростгўйлик хотиржамликдир. Ёлғон эса шубҳалидир». *Имом Термизий ривоятлари.*

56/3. Абу Суфён Саҳр ибн Ҳарбдан ﷺ ривоят қилинади. Ҳирақл қиссасидаги узун ҳадисда келтирилишича, Ҳирақл: «Сизларга пайғамбарингиз, яъни Расулуллоҳ ﷺ нима буюряптилар?» деганида, Абу Суфён: «У пайғамбар якка Аллоҳга ибодат қилиб, бирор нарсани ширк келтирмасликка, оталарингиз айтган нарсаларни тарк қилишга ва намоз ўқиш, рост сўзлаш, иффатли бўлишга, қариндош-уруғларга боғланишга буюрадилар», деди. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

57/4. Саҳл ибн Ҳунайфдан ﷺ ривоят қилинади. (Бу зот Бадрда иштирок этганлардан эдилар.) Расулуллоҳ ﷺ: «Кимки Аллоҳ таолодан сидқидил ила шаҳидликни сўраса, Аллоҳ таоло уни шаҳидлик манзилига етказади. Агар у киши тўшагида вафот этса ҳам», дедилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

58/5. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ айтдилар: «Пайғамбарлардан бирлари (уларга Аллоҳнинг саловот ва саломи бўлсин)

ғазотга чиқаётиб қавмларига: «Мен билан бирга хотин олган-у, лекин ҳали шаръий қовушмаган; уй қурган-у, лекин ҳали томини ёпмаган; ҳомиладор қўй ва туяларининг туғишини кутаётган одамлар бормасин», дедилар. Сўнгра ғазотни бошладилар. Аср намози ёки шунга яқинроқ пайт бўлганида, бир қишлоққа яқинлашиб қуёшга қарата: «Сен ҳам ўз ишингга буюрилгансан, мен ҳам ўз ишимга буюрилганман. Аллоҳим, бу қуёшни биздан тўхтат», деганларида, қуёш тўхтаб қолди. Ҳаттоки, Аллоҳ таоло у пайғамбарга фатҳ қилиб берди. Ўлжалар (ғаниматлар) тўпланди. Уни олов ейиш учун келди-да, лекин емади. Шунда пайғамбар: «Ораларингизда ўлжага хиёнат қилган бордир. Ҳар бир қабиладан бир киши менга байъат қилсин», дедилар. Байъатда бир кишининг қўли ёпишиб қолди. Пайғамбар: «Хиёнат сизларнинг қабилангизда экан. Менга қабилангиз байъат қилсин», дедилар. Улар байъат қилишганида, икки ёки уч кишининг қўли ёпишиб қолди. Пайғамбар хиёнат сизларда, деганларида, улар сигирнинг бошидек тиллани олиб келиб қўйишганида, олов келиб, уни еди.

Биздан аввалгилардан бирортасига ўлжалар ҳалол қилинмади. Сўнгра Аллоҳ таоло ўлжаларни бизга ҳалол қилди. Қачонки, биздаги заифлик ва ожизликни кўрганида, биз учун уни ҳалол қилди». *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

59/6. Абу Холид Ҳаким ибн Ҳизомдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Олди-сотди қилувчига ажралмасларидан олдин ихтиёр бордир. Агар иккилари рост гапириб, муомалани равшан қилишса, олди-сотдиларида барака қилинади. Агар яшириб, ёлғон гапиришса, олди-сотдиларидаги барака ўчирилади», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

5-БОБ

Аллоҳ доим кузатувчи эканлигининг баёни

□□□□□ □□□□□ □□□□□□□□□□□□□ □□□□□□:**«У сизни ўзингиз** (намоз учун) **тураётган вақтингизда ҳам, сажда қилгувчилар** (намоз ўқувчилар) **орасидан кўчаётган** (вақтингизда ҳам) **кўриб турур»** (Шуаро сураси, 218-219-оятлар);

«Сизлар қаерда бўлсангизлар, У сизлар билан биргадир» (Ҳадид сураси, 4-оят);

«Албатта Аллоҳга на ердаги ва на кўкдаги бирон нарса махфий эмасдир» (Оли Имрон сураси, 5-оят);

«Шак-шубҳасиз Парвардигорингиз (барча нарсани) **кузатиб тургувчидир»** (Вал-Фажр сураси, 14-оят);

«(Аллоҳ) **кўзларнинг хиёнатини** (яъни, қараш ҳаром қилинган нарсага ўғринча кўз ташлашни) **ҳам, диллар яширадиган нарсаларни ҳам билур»** (ўофир сураси, 19-оят).

Бу боб ҳақидаги оятлар кўп ва маълумдир.

60/1. Умар ибн Хаттобдан ﷺ ривоят қилинади. «Биз кунларнинг бирида Расулуллоҳ ﷺ билан бирга ўтирган эдик, шу пайт кутилмаганда оппоқ кийимли, қоп-қора сочли бир киши келиб қолди. Унда сафар асорати кўрилмасди. Ва уни биздан бирор киши танимасди ҳам. У киши Расулуллоҳ ﷺ ҳузурларида ўтириб, тиззасини тиззаларига теккизиб, икки кафтини сонлари устига қўйиб: «Эй Муҳаммад, менга Ислом ҳақида хабар беринг», деди. Шунда Расулуллоҳ ﷺ: «Ислом бу – «Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ, албатта Муҳаммад алайҳиссалом Аллоҳнинг расули», деб гувоҳлик бермоғинг, намозни адо этмоғинг, закот бермоғинг, Рамазон рўзасини тутмоғинг ҳамда йўл юришга қодир бўлсанг, Байтуллоҳни ҳаж қилмоғингдир», дедилар. У киши: «Рост гапирдингиз», деди. Биз эса ундан сўраб яна тасдиқлагани учун ажабландик. Ҳалиги киши: «Менга имон ҳақида хабар беринг», деди. Расулуллоҳ ﷺ: «Аллоҳга, фаришталарига, китобларига, пайғамбарларига, охират кунига ҳамда яхши ва ёмон тақдирга имон келтирмоқлигингдир», дедилар. У киши яна: «Рост гапирдингиз, менга эҳсон ҳақида хабар беринг», деди. Расулуллоҳ ﷺ: «Эҳсон – Аллоҳни гўёки кўриб тургандек ибодат қилмоғинг. Агар уни кўрмасанг, У сени кўради», дедилар. У киши: «Менга Қиёмат ҳақида хабар беринг», деди. Расулуллоҳ ﷺ: «Сўралган шахс бу ҳақда сўровчидан зиёда билувчи эмас», дедилар. У киши: «(Бундай бўлса) Қиёмат аломатлари ҳақида хабар қилинг», деди. Расулуллоҳ ﷺ: «Чўри ўз хожасини туғмоғи ҳамда яланғоч қўй боқувчи бечоралар уй бино қилишда (ким ўзарга) пойга қилмоқликларидир», дедилар. Сўнгра у киши кетди. Мен эса узоқ вақт туриб қолдим. Расулуллоҳ ﷺ: «Эй Умар, бу савол қилган кишини биласанми?» дедилар. Мен: «Аллоҳ ва расули билувчироқ», дедим. Шунда у зот: «Бу Жаброил эди. Сизларга динингизни таълим бериш учун келдилар», деб айтдилар». *Имом Муслим ривоятлари.*

61/2. Абу Зарр Жундуб ибн Жунода ﷺ ва Абу Абдураҳмон Муоз ибн Жабалдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Қайси жойда бўлмагин, Аллоҳдан қўрқ. Ўмонликка яхшиликни эргаштиргин. Уни ўчириб юборади. Одамларга чиройли хулқ билан муомала қил», деб айтдилар. *Имом Термизий ривоятлари.*

62/3. Ибн Аббосдан ﷺ ривоят қилинади. «Бир куни Расулуллоҳ ﷺнинг орқаларида мингашиб кетаётган эдим. У зот: «Эй бола, сенга бир калима ўргатайми? Аллоҳга риоя қил, сени сақлайди. Аллоҳга риоя қил, Уни рўпарангдан топасан. Агар сўрасанг, Аллоҳдан сўрагин. Агар ёрдам тиласанг ҳам, Аллоҳдан тилагин. Билгинки, агар уммат бирор нарсада сенга ёрдам беришга жамланишса, фақатгина Аллоҳ сенга (тақдир) қилиб ёзиб қўйган нарсанигина ёрдам бера олишади, холос. Агар уммат бирор нарсада сенга зарар беришга жамланишса, фақатгина Аллоҳ сенга (тақдир) қилиб ёзиб қўйган нарсанигина зарар бера олишади, холос. Қалам кўтарилиб, саҳифалар қуриб бўлган», деб айтдилар». *Имом Термизий ривоятлари.*

Термизийдан бошқа ривоятларда қуйидагича айтилади: «Аллоҳга риоя қил, олдингда топасан. Аллоҳни кенгчиликда танигин, сени қийинчиликда танийди. Билгинки, албатта хато қилганинг тўғри қилмаганинг учун эмас. Ва тўғри қилганинг хато қилмаганинг учун эмас. Билгинки, албатта нусрат сабр билан бирга бўлади. Шодлик азиятлар билан бирга бўлади. Ва қийинчилик билан енгиллик бўлади».

63/4. Анасдан ﷺ ривоят қилинади. Бу зот: «Сизлар баъзи амалларни қиласизлар. У сизларнинг наздингизда соч толасидан ҳам нозикроқдир. Биз эса Расулуллоҳ ﷺ замонларида буларни ҳалокатга элтувчи амаллардан, деб санардик», дедилар. *Имом Бухорий ривоятлари.*

64/5. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Албатта Аллоҳ таолонинг нафрати келур. Киши Аллоҳ ҳаром этган нарсаларни қилганида Аллоҳнинг нафрати келур», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

65/6. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Бу зот Расулуллоҳ ﷺдан қуйидаги ҳикояни эшитдилар: «Бани Исроилда уч нафар киши бор эди. Бири пес, бири кал ва бири кўр эди. Аллоҳ таоло уларни синамоқчи бўлиб, бир фариштани одам суратида юборди. Фаришта песни олдига бориб: «Қайси нарса сенга маҳбуброқ?» деди. Пес: «Чиройли ранг, чиройли тери ва кишилар жирканаётган мана бу нарсанинг кетишини яхши кўраман», деганида, фаришта унга қўлини суртди. Бас, ундан жирканч нарса кетиб, чиройли ранг берилди. Фаришта: «Сенга қайси бойлик яхши?» деганида, «Туя ёки мол», (ровий шак қилдилар) деди. Унга бўғоз туя берилди. Фаришта: «Сенга Аллоҳ бунда барака берсин», деди.

Фаришта калнинг олдига келиб: «Қайси нарса сенга маҳбуброқ?» деди. Кал: «Чиройли соч ва мендан мана бу кишилар жирканаётган нарсанинг кетишини яхши кўраман», деди. Фаришта унга қўлини суртди. Бас, ундан жирканч нарса кетиб, чиройли соч берилди. Фаришта: «Сенга қайси бойлик маҳбуброқ?» деганида, у киши: «Мол», деди. Унга бўғоз сигир берилди. Фаришта: «Аллоҳ сенга бунда барака берсин», деди.

Сўнгра фаришта кўрнинг олдига бориб: «Сенга қайси нарса маҳбуброқ?» деди. Кўр: «Аллоҳ менга кўзимни қайтариб берса ва кишиларни кўрсам», деди. Фаришта унга қўлини суртди. Бас, Аллоҳ таоло унга кўзини қайтариб берди. Фаришта: «Сенга қайси бойлик маҳбуброқ?» деганида, у киши: «Совлиқ қўй», деди.

Уларга берилган ҳамма жониворлар болалади. Биринчисида бир водий туя, иккинчисида бир водий мол, учинчисида бир водий қўй бўлди. Кейин фаришта аввалги сурати ва ҳайъатида келиб: «Бечора кишиман. Сафарим захиралари тугаб қолди. Бугун (ватанимга) етмоқлигимнинг иложи йўқ. Фақатгина Аллоҳнинг карами, сўнгра сенинг ёрдаминг билангина етиб оламан. Шунинг учун сендан чиройли ранг, чиройли тери ва бойлик берган Аллоҳ ҳурмати бир дона туя сўрайман. Мен бу сафаримда у туя билан (ватанимга) етиб оламан», деганида, ҳалиги пес: «Бериладиган ҳақлар кўпдир», деди. Фаришта: «Мен сени гўёки (аввал) кўргандекман. Сен кишилар жирканадиган пес бўлмаганмидинг? (Кейин) Аллоҳ сенга бойлик

бермаганмиди?» деганида, ҳалиги пес: «Катта боболардан бу бойликни мерос қилиб олдим», деди. Фаришта: «Агар ёлғончи бўлсанг, Аллоҳ сени аввалги ҳолатингга қайтариб қўйсинми?!» деди.

Сўнгра аввалги сурати ва ҳайъатида калнинг олдига борди. Унга ҳам песга айтган нарсаларни айтганида, кал ҳам пес жавоб қилган нарсаларни айтди. Фаришта: «Агар ёлғончи бўлсанг, Аллоҳ сени аввалги ҳолатингга қайтариб қўйсинми?!» деди.

Сўнгра у аввалги сурати ва ҳайъатида кўрнинг олдига борди. Ва: «Мен мусофир бечора кишиман. Сафарим воситалари тугаб қолди. Мен бугун (ватанимга) етмоқлигимнинг иложи йўқ. Фақатгина Аллоҳнинг карами, сўнгра сенинг ёрдаминг билангина етиб оламан. Шунинг учун сендан кўзингни қайтариб берган Аллоҳ ҳурмати бир дона қўй сўрайман. Мен бу сафаримда у қўй билан (ватанимга) етиб оламан», деганида, ҳалиги кўр киши: «Ҳақиқатда мен кўр эдим. Аллоҳ менга кўзимни қайтиб берди. Сен бу қўйдан хоҳлаганингни олиб, хоҳлаганингни тарк қил. Аллоҳга қасамки, Аллоҳ таоло йўлида бугун бирорта нарса олсанг, қийинчиликка қўймайман», деди. Шунда фаришта: «Молингни ўзинг ол. Сизлар имтиҳон қилиндингизлар. Аллоҳ сендан рози бўлиб, икки оғайнингдан ғазабланди», деб айтди». *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

66/7. Абу Яъло Шаддод ибн Авсдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Ақлли киши нафсини ҳисоб-китоб қилиб ўлганидан кейин фойда берадиган нарсага амал қилган кишидир. Ожиз киши ҳавою-нафсига эргашиб, Аллоҳдан тавбани умид қилган кишидир», дедилар. *Имом Термизий ривоятлари.*

67/8. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Бефойда нарсаларни тарк қилиш киши Исломининг чиройлилигидандир», дедилар. *Термизий ва бошқалар ривояти.*

68/9. Умардан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Кишидан хотинини нимага ургани ҳақида сўралмайди», дедилар. *Абу Довуд ва бошқалар ривояти.*

6-БОБ
Тақво баёни

Аллоҳ таоло:**«Эй мўминлар, Аллоҳдан ҳақ-рост қўрқиш билан қўрқинглар»** (Оли Имрон сураси, 102-оят);

«Бас, кучларингиз етганича Аллоҳдан қўрқинглар» (Тағобун сураси, 16-оят);

«Эй мўминлар, Аллоҳдан қўрқинглар, тўғри сўзни сўзланглар» (Аҳзоб сураси, 70-оят);

«Ким Аллоҳдан қўрқса, У зот унинг учун (барча ғам-кулфатлардан) **чиқар йўлни** (пайдо) **қилур. Ва уни ўзи ўйламаган томондан ризқлантирур»** (Талоқ сураси, 2-3-оят);

«Эй мўминлар, агар Аллоҳдан қўрқсангизлар, сизлар учун ҳақ билан ноҳақни ажратадиган ҳидоят ато қилур ва ёмонлик – гуноҳларингизни ўчириб, сизларни мағфират қилур. Аллоҳ улуғ фазлу марҳамат соҳибидир» (Анфол сураси, 29-оят), деб айтган.

69/1. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺга «Кишиларнинг ҳурматлиси ким?» дейилганида, у зот ﷺ: «Уларнинг тақволиси», дедилар. «Бу ҳақда сўрамаяпмиз», дейишди. Расулуллоҳ ﷺ: «Ундай бўлса, Халилуллоҳ ўғли, пайғамбар ўғли, пайғамбар ўғли Аллоҳнинг пайғамбари Юсуфдирлар», дедилар. «Бу ҳақда сўрамаяпмиз», дейишди. Расулуллоҳ ﷺ: «Ундай бўлса, мендан араб қабилаларини сўраяпсизларми? Жоҳилиятдаги яхшилари Исломдаги яхшиларидир. Агар (шариат аҳкомларини билиб) фақиҳ бўлишса», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

70/2. Абу Саид ал-Худрийдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Албатта дунё ёқимли, ям-яшилдир. Аллоҳ сизларни унда халифа қилгандир. Ва қандай амал қилишингизга қарайди. Дунё ҳамда аёллар фитнасидан четланинг. Чунки Бани Исроилнинг биринчи фитнаси аёлларда бўлган эди», дедилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

71/3. Ибн Масъуддан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Аллоҳим, Сендан ҳидоят, тақво, иффатни ва беҳожат бўлишни сўрайман», деб айтдилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

72/4. Абу Тариф Адий ибн Ҳотам Тоийдан ﷺ ривоят қилинади. «Расулуллоҳ ﷺнинг: «Кимки бир нарсага қасам ичиб, сўнгра ундан-да Аллоҳга тақволи нарсани кўрса, тақволигини қилсин», деб айтганларини эшитдим». *Имом Муслим ривоятлари.*

73/5. Абу Умома Судай ибн Ажлон ал-Боҳилийдан ﷺ ривоят қилинади: «Расулуллоҳ ﷺ ҳажжатул вадоъда қуйидагича хутба қилганларини эшитдим: «Аллоҳдан тақво қилинглар. Беш вақт намозни адо қилинглар. Рўза ойининг рўзасини тутинглар. Молларингиз закотини беринглар. Бошлиқларингизга итоат қилинглар. Шунда Раббиларингизнинг жаннатига кирасизлар». *Имом Термизий ривоятлари.*

7-БОБ
Комил ишонч ва таваккал баёни

Аллоҳ таоло:**«Мўминлар у фирқаларни кўрган вақтларида «Бу Аллоҳ ва пайғамбари бизларга ваъда қилган нарсадир** (яъни, имтиҳондир)**. Аллоҳ ва пайғамбарининг сўзи ростдир», дедилар ва** (устиларига бостириб келаётган фирқаларнинг сон-саноқсизлиги) **уларнинг**

(Аллоҳга бўлган) **имон ва итоатларини янада зиёда қилди, холос»** (Аҳзоб сураси, 22-оят);

«Ундай зотларга айрим кимсалар: «Қурайш одамлари сизларга қарши (саноқсиз лашкар) **тўплаган, қўрқингиз!» деганларида, бу гап уларнинг имонларини зиёда қилди ва: «Бизга ёлғиз Аллоҳнинг ўзи кифоя. У зот энг яхши ишончли вакилдир!» дедилар. Бас, у юришдан бирон нохушлик етмай, Аллоҳнинг неъмат ва фазли билан қайтдилар. Улар Аллоҳнинг ризолигини истадилар. Аллоҳ эса улуғ фазлу марҳамат соҳибидир»** (Оли Имрон сураси, 173-174-оятлар).

«Ва ўлмайдиган тирик Зотга таваккул қилинг» (Фурқон сураси, 58-оят).

«Имон келтирган кишилар ёлғиз Аллоҳгагина таваккул қилсинлар» (Иброҳим сураси, 11-оят).

«Энди (маслаҳат қилгач, бирон ишни) **қасд қилсангиз, Аллоҳга суянинг – таваккал қилинг»** (Оли-Имрон сураси, 159-оят).

«Ким Аллоҳга таваккул қилса, бас, (Аллоҳнинг) **Ўзи унга етарлидир»** (Талоқ сураси, 3-оят).

«Фақат Аллоҳ (номи) **зикр қилинганида қалбларига қўрқинч тушадиган, Унинг оятлари тиловат қилинганида имонлари зиёда бўладиган ва Парвардигорларигагина суянадиган кишилар** (ҳақиқий) **мўминдирлар»** (Анфол сураси, 2-оят) деб айтган.

74/1. Ибн Аббосдан ﷺ ривоят қилинади. «Расулуллоҳ ﷺ: «Менга умматлар рўбарў қилинди. Мен ҳамроҳлари билан бирга кетаётган бир набийни кўрдим. Яна бир набийни кўрдимки, у киши билан бир ёки икки киши бирга эди. Учинчи бир набийни кўрдимки, у билан бирор киши йўқ эди. Шу пайт кўп кишилар кўрсатилди. Мен эса улар умматиммикан, деб гумон қилдим. Бу Мусо алайҳиссалом ва у зотнинг қавмлари эди. Лекин сен у томонга қара, дейилди. Мен қарасам, унда кўп кишилар бор экан. Бошқа томонга ҳам қара, дейилди. Қарасам, унда ҳам кўп кишилар бор экан. Шунда «Бу умматингдир. Улар билан етмиш минг киши борки, улар ҳисоб-китобсиз, азобсиз жаннатга киришади», дейилди», дедилар. Сўнгра Расулуллоҳ ﷺ ўринларидан туриб, манзилларига кириб кетганларида, кишилар ўша жаннатга ҳисоб-китобсиз, азобсиз кирувчилар ҳақида гурунглаша бошлашди. Баъзилар: «Шояд, Расулуллоҳ ﷺ суҳбатларида бўлган кишилар ўшалар бўлишса», дейишди. Баъзилар эса: «Шояд, Исломда туғилиб, Аллоҳга бирор нарсани ширк келтирмаганлар ўшалар бўлишса», дейишди. Ва яна кўп нарсаларни зирк қилишди. Шу пайт Расулуллоҳ ﷺ улар ҳузурига чиқиб: «Нима ҳақда гурунглашяпсизлар?» деганларида, улар бунинг хабарини беришди. Шунда Расулуллоҳ ﷺ: «Улар дам солмаган, дам солдирмаган, фол очмаган ва Раббиларига таваккал қилган кишилардир»,

дедилар. Уккоша ибн Муҳсин ўрнидан туриб, «Мени ўшалардан қилишини Аллоҳдан сўраб дуо қилинг», деганида, Расулуллоҳ ﷺ: «Сен улардансан», дедилар. Сўнгра бошқа бир киши туриб: «Мени ҳам ўшалардан қилишини Аллоҳдан сўраб дуо қилинг», деганида, Расулуллоҳ ﷺ: «Уккоша у ҳақда сўрашда сендан ўзиб кетди», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

75/2. Ибн Аббосдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Аллоҳумма лака асламту ва бика аманту ва ъалайка таваккалту ва илайка анабту ва бика хосамту. Аллоҳумма аъузу биъиззатика ла илаҳа илла анта ан тудилланий антал ҳаййуллазий ла тамуту вал жинну вал инсу ямутуна» (яъни: «Аллоҳим, Сенга бўйин эгдим. Сенга имон келтирдим. Сенга таваккал қилдим. Сен томонга қайтдим. Сенинг (йўлингда) жанжал қилдим. Аллоҳим, иззатинг ила мени адаштирмоғингдан паноҳ тилайман. Сендан бошқа илоҳ йўқ. Сен тирикдирсан, ўлмайсан. Жин ва инслар ўлишади»), деб айтардилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

76/3. Ибн Аббосдан ﷺ ривоят қилинади. Иброҳим алайҳиссалом ўтга ташланганида: «Ҳасбуналлоҳу ва ниъмал вакийл», яъни «Бизга ёлғиз Аллоҳнинг ўзи кифоя. У зот энг яхши ишончли вакилдир», деб айтдилар. Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломга ﷺ айрим кимсалар: «Қурайш одамлари сизларга қарши (саноқсиз лашкар) тўплаган, қўрқингиз!» деганларида, бу гап уларнинг имонларини зиёда қилди ва: «Бизга ёлғиз Аллоҳнинг Ўзи кифоя. У зот энг яхши ишончли вакилдир!» деб айтдилар. *Имом Бухорий ривоятлари.*

Ибн Аббосдан қилинган бошқа бир ривоятда айтилишича, Иброҳим алайҳиссалом ўтга ташланган пайтдаги охирги сўзлари «Ҳасбияллоҳу ва ниъмал вакийл» эди.

77/4. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Бир қанча жамоат жаннатга киришади. Уларнинг қалблари худди қушнинг қалбига ўхшайди», дедилар (яъни, Аллоҳга таваккаллари кучли бўлганидан қалблари қуш қалби каби нозик бўлади). *Имом Муслим ривоятлари.*

78/5. Жобирдан ﷺ ривоят қилинади. Бу зот Нажд томонда Расулуллоҳ ﷺ билан бирга ғазот қилдилар. Қачонки, Расулуллоҳ ﷺ қайтганларида, бу зот ҳам улар билан бирга қайтдилар. Тикани кўп водийга келинганида, уларнинг қайлула қилгилари келиб қолди. Расулуллоҳ ﷺ у ерга тушдилар. Одамлар ҳам дарахт соясини ахтариб тарқалишди. Расулуллоҳ ﷺ акас дарахтларидан бирининг остига тушиб қиличларини осиб қўйдилар. «Биз бирозгина ухлаганимизда, ногаҳон Расулуллоҳ ﷺ бизни чақириб қолдилар. Ўша пайт ҳузурларида бир саҳройи одам турарди. Расулуллоҳ ﷺ: «Мен ухлаётганимда бу киши қиличимни қинидан чиқарди. Ногаҳон уйғонсам, қўлида қилич яланғоч турибди. Ва «Сени мендан ким тўса олади?» деди. Мен уч марта Аллоҳ, деб айтдим», дедилар. Расулуллоҳ ﷺ уни жазоламадилар ва у (ҳузурларида) ўтирди», деди Жобир ﷺ. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

Бошқа бир ривоятда Жобир ﷺ айтдилар: «Расулуллоҳ ﷺ билан бирга Зотурриқоъ ғазотида эдик. Сояли дарахт олдига бордик-да, у ерни Расулуллоҳ ﷺга қолдирдик. Мушриклардан бўлган бир киши келиб дарахтда осиғлик турган Расулуллоҳ ﷺнинг қиличларини олди-да, уни қинидан чиқариб: «Мендан қўрқяпсанми?» деди. Расулуллоҳ ﷺ: «Йўқ», дедилар. У киши: «Сени мендан ким тўса олади?» деди. Расулуллоҳ ﷺ: «Аллоҳ!» дедилар».

Абу Бакр Исмоил ўз «Саҳиҳ»ларида: «У киши: «Сени мендан ким тўса олади?» деганида, у зот: «Аллоҳ», дедилар. Шунда у кишининг қўлидан қилич тушиб кетди. Расулуллоҳ ﷺ қилични қўлларига олиб: «Сени мендан ким тўса олади?» деганларида, у киши: «Яхши муомалали бўл», деди. Расулуллоҳ ﷺ: «Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ, албатта мен Аллоҳнинг расули эканлигимга гувоҳлик берасанми?» деганларида, у киши: «Йўқ! Лекин сен билан урушмасликка ва сен билан бирга урушувчи қавмлар билан бирга бўлмасликка аҳд бераман», деганида, Расулуллоҳ ﷺ уни қўйиб юбордилар. У киши дўстлари ҳузурига бориб: «Кишиларнинг энг яхшиси ҳузуридан келяпман», деди», деганлар.

79/6 Умардан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Агар сизлар Аллоҳга ҳақиқий маънода таваккал қилганингизда, У зот қушни ризқлантиргани каби ризқлантириб қўяр эди. У қушлар қорни оч кетиб, қорни тўқ бўлиб қайтиб келади», дедилар. *Имом Термизий ривоятлари.*

80/7. Абу Имора Барро ибн Озибдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Эй фалончи, агар тўшагингга ётсанг, қуйидаги дуони ўқигин: «Аллоҳумма асламту нафсий илайка ва важжаҳту важҳий илайка ва фаввазту амрий илайка ва алжаъту заҳрий илайка рағбатан ва раҳбатан илайка ла малжаа вала манжаа минка илла илайка аманту бикитабикаллазий анзалта вабинабиййикаллазий арсалта» (яъни: «Аллоҳим, ўзимни Сенга топширдим. Юзимни Сен томонга қаратдим. Ишимни Сенга ҳавола қилдим. Орқамни Сен томонга рағбат ҳамда қўрққан ҳолда суядим. Суянчиқ ва бошпана фақат Сендадир. Туширган китобларингга ҳамда юборган пайғамбарларингга имон келтирдим»). Агар сен мана шуларни айтиб, ўша кечаси ўлсанг, Ислом фитратида ўласан. Агар тонг оттирсанг, яхшиликка етишган ҳолда тонг оттирасан», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

Икки «Саҳиҳ» китобида Барродан ﷺ қилинган бошқа бир ривоятда қуйидагича айтилади: «Расулуллоҳ ﷺ: «Агар ётоғингга келсанг, намозга қилган таҳоратингдек таҳорат қилиб, ўнг томонингга ёнбошлаб (юқоридаги) дуоларни айт. Ва бу (ухлашдан олдин) охирги айтадиган нарсанг бўлсин», дедилар».

81/8. Абу Бакр Сиддиқдан ﷺ ривоят қилинади: «ўорда турганимизда мушрикларнинг қадамларига қарадим. Улар шундоққина бошимиз устида турар эдилар. Мен: «Эй Аллоҳнинг расули, агар улардан бирортаси оёғининг тагига қараса, бизни кўриб қолади», десам, у зот: «Эй Абу Бакр, икки киши бўлса, учинчилари Аллоҳ эканига нима дейсан?» дедилар». *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

82/9. Умму Саламадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Агар уйларидан чиқсалар: «Бисмиллаҳи таваккалту ъалаллоҳи. Аллоҳумма инний аъузу бика ан адилла ав удалла ав азилла ав узалла ав азлима ав узлама ав ажҳала ав йужҳала ъалаййа» (яъни, «Аллоҳ номи билан, Аллоҳга таваккал

қилдим. Эй Раббим, адашиш ва адаштиришдан, тойилиш ва тойилтиришдан, зулм қилиш ва зулм кўришдан, жоҳиллик қилиш ва менга нисбатан жоҳиллик қилинишидан Сендан паноҳ сўрайман»), деб айтардилар. *Абу Довуд, Термизий ва бошқалар саҳиҳ санад билан ривоят қилишган.*

83/10. Анасдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Кимки уйидан чиқаётганида, «Бисмиллаҳи таваккалту ъалаллоҳи вала ҳавла вала қуввата илла биллаҳ» (яъни: «Аллоҳ номи билан, Аллоҳга таваккал қилдим. Аллоҳдан ўзгада ўзгартириш ҳам, қувват ҳам йўқдир»), деса, «Ҳидоят қилиндинг, кифоя қилиндинг ва ҳимоя этилдинг», дейилади ва шайтон ундан узоқ бўлади», дедилар. *Абу Довуд, Термизий, Насаий ва бошқалар ривояти.* Абу Довуднинг ривоятларида: «Шайтон бошқа бир шайтонга киши ҳидоят қилиниб, кифоя қилиниб ҳимоя этилса аҳволининг қандай бўлур», сўзи зиёда қилинган.

84/11. Анасдан ﷺ ривоят қилинади: «Расулуллоҳ ﷺ замонларида ака-ука бор эди. Бири Расулуллоҳ ﷺ (хизматларига) келиб турарди. Иккинчиси касб-ҳунар қилар эди. Ҳунарманд Расулуллоҳ ﷺ хизматларида бўлган укасидан шикоят қилганида Расулуллоҳ ﷺ: «Балки унинг сабабидан сенга ризқ берилаётгандир», дедилар. *Имом Термизий ривоятлари.*

8-БОБ
Собитқадамлик (истиқомат) баёни

Аллоҳ таоло:

«Ўзингизга буюрилгани каби тўғри йўлда бўлинг» (Ҳуд сураси, 112-оят);

«Албатта Парвардигоримиз Аллоҳдир, деб, сўнгра (ёлғиз Аллоҳга тоат-ибодат қилишда) **тўғри устувор бўлган зотларнинг олдиларига** (ўлим пайтида) **фаришталар тушиб** (дерлар)**: «Қўрқманглар ва ғамгин бўлманглар. Сизларга ваъда қилинган жаннат хушхабари билан шодланинглар. Бизлар ҳаёти дунёда ҳам, охиратда ҳам сизларнинг дўстларингиздирмиз. Сизлар учун** (жаннатда) **кўнгилларингиз тилаган нарсаларингиз бордир ва сизлар учун у жойда истаган нарсаларингиз бордир.** (Бу) **мағфиратли ва меҳрибон зот томонидан бўлган зиёфатдир»** (Фуссилат сураси, 30–32-оятлар).

«Албатта Парвардигоримиз Аллоҳдир, деган, сўнгра (тўғри йўлда) **устувор бўлган зотлар учун хавфу хатар йўқдир ва улар ғамгин бўлмаслар. Ана ўшалар жаннат эгалари бўлиб, у жойда мангу қолурлар»,** (Аҳқоф сураси, 13–14-оятлар) деб айтган.

85/1. Абу Амр Суфён ибн Абдуллоҳдан ﷺ ривоят қилинади. «Эй Аллоҳнинг расули, менга Исломдаги бир сўзни айтингки, мен бу ҳақда сиздан бошқа бирор кишидан сўрамайин», десам, у зот: «Имон келтирдим, деб айт, сўнгра истиқоматда бўл (яъни, Аллоҳга итоат қилиб, Унга мухолиф бўлишдан ўзингни тийгин)», дедилар». *Имом Муслим ривоятлари.*

86/2. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Мўътадил бўлинглар (ғулувга ҳам кетманглар, камчиликка ҳам йўл қўйманглар), тўғри йўлни қасд қилинглар. Билингларки, сизлардан бироргангиз амали билан ҳам нажот топа олмайди», деганларида, «Сиз ҳамми, эй Аллоҳнинг расули?» дейишди. Шунда Расулуллоҳ ﷺ: «Ҳаттоки мен ҳам. Фақатгина Аллоҳ раҳмати ва фазлига олганларгина нажот топишади», дедилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

9-БОБ
Аллоҳнинг улуғ махлуқотлари, дунёнинг фоний бўлиши, охиратнинг ҳолатлари ва булардан бошқа нарсаларда тафаккур қилиш баёни

Аллоҳ таоло:

«Мен сизларга фақат биргина нарсани – Аллоҳ учун жуфт-жуфт, ёлғиз-ёлғиз ҳолингизда туриб, сўнгра тафаккур қилишингизни тавсия қилурман» (Сабаъ сураси, 46-оят);

«Осмонлар ва ернинг яралишида ҳамда кеча ва кундузнинг алмашиниб туришида ақл эгалари учун (бир яратгувчи ва бошқариб тургувчи Зот мавжуд эканлигига) **оят-аломатлар борлиги шубҳасиздир. Улар турганда ҳам, ўтирганда ҳам, ётганда ҳам Аллоҳни эслайдилар ҳамда осмонлар ва ернинг яралиши ҳақида тафаккур қилиб** (дейдилар)**: «Парвардигоро, бу** (борлиқ)**ни беҳуда яратганинг йўқ! Сен** (беҳуда бирон иш қилиш айбидан) **поксан!»** (Оли Имрон сураси, 190–191-оятлар).

«Ахир улар туянинг қандай яратилганига, осмоннинг қандай кўтариб қўйилганига, тоғларнинг қандай тикланганига ва ернинг қандай ёйиб-текислаб қўйилганича (ибрат назари билан) **боқмайдиларми?! Бас,** (эй Муҳаммад)**, сиз панд-насиҳат қилинг! Зотан сиз фақат бир панд-насиҳат қилгувчидирсиз, холос»** (ўошия сураси, 17–21-оятлар).

«Ахир (одамлар) **ер юзида сайру саёҳат этишиб, ўзларидан аввалги** (имонсиз) **кимсаларнинг оқибатлари қандай бўлганини кўрсалар бўлмайдими?!»** (Юсуф сураси, 109-оят) деб айтган.

Бу ҳақда ҳадислар ҳам кўп бўлиб, Абу Яъло Шаддод ибн Авсдан ﷺ ривоят қилинган 66-рақамли ҳадис бунга далилдир.

10-БОБ
Яхши амалларга шошиш ва яхши амалларга юзланувчи кишини тараддудга тушмасдан унга тезлаш баёни

Аллоҳ таоло:

«Бас, яхши ишларга шошилингиз» (Бақара сураси, 148-оят);

«Ва Парвардигорингиз томонидан бўлғуси мағфиратга ҳамда тақводорлар учун тайёрлаб қўйилган эни осмонлар ва ер баробарида бўлган жаннатга шошилингиз», (Оли Имрон сураси, 133-оят) деб айтган.

87/1. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Солиҳ (яхши) амалларга шошинглар. Тез кунларда қоронғу кечанинг парчалари каби фитналар пайдо бўлурки, киши мўмин ҳолатида тонг оттириб, кофир ҳолатида кечлатади. Ва мўмин ҳолатида кечлатиб, кофир ҳолатида тонг оттиради. Ва динини дунёнинг озгина матосига сотиб юборади», дедилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

88/2. Абу Сирваъа Уқба ибн Ҳорисдан ﷺ ривоят қилинади. «Мадинада Расулуллоҳ ﷺ орқаларида аср намозини ўқидим. У зот салом бердилар-да, одамлар елкасини оралаб, завжалари хонасига тезлик билан туриб кетдилар. Одамлар у зотнинг шошилганларидан хавфга тушишди. Расулуллоҳ ﷺ (ҳужраи саодатдан) чиқиб, одамларнинг таажжубга тушганларини кўриб: «Ҳузуримизда бир миқдор олтин борлиги эсимга тушиб қолди, у менда тўхтаб халақит беришини кариҳ кўриб, уни тақсимлаб юборишга амр қилиб чиқдим», дедилар». *Имом Бухорий ривоятлари.*

89/3. Жобирдан ﷺ ривоят қилинади. Бир киши Уҳуд куни Расулуллоҳ ﷺга: «Агар ўлдирилсам, менинг (жойим) қаерда бўлади?» деди. Расулуллоҳ ﷺ: «Жаннатда», дедилар. У киши қўлидаги бир нечта хурмоларни отиб жангга киришиб кетди, ҳаттоки, у ўлдирилди. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

90/4. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Бир киши Расулуллоҳ ﷺ ҳузурларига келиб: «Эй Аллоҳнинг расули, қайси садақанинг ажри улуғроқ?» деганида, у зот: «Ўзинг соғ, ҳирсли, қизғанчиқ, камбағалликдан қўрқиб, бойликни орзу қилиб турган пайтингдаги садақанг энг улуғ ажрлидир. Жонинг ҳалқумингга етиб боргунча (садақа қилишни) кечиктирмагин. Сен (жонинг халқумингга борганида) фалончига унчаси, пистончига бунчаси, деб айтасан. Ҳақиқатда фалончига бунчаси бўлади (яъни, ўзингга ҳеч қанақа савоб бўлмайди)», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

91/5. Анасдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ Уҳуд куни бир қилични ушлаб: «Буни мендан ким олади?» деганларида, саҳобалар қўлларини чўзиб, ҳар бирлари «мен», «мен», дейишди. Расулуллоҳ ﷺ: «Ким буни ҳаққи билан олади?» деганларида, қавм тўхтади. Абу Дужона ﷺ: «Мен уни ҳаққи билан оламан», деб у қилич билан мушрикларнинг бошларини ёра бошладилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

92/6. Зубайр ибн Адийдан ﷺ ривоят қилинади. «Биз Анас ибн Моликнинг ﷺ ҳузурларига бориб Ҳажжож золимдан етаётган озорлар ҳақида шикоят қилдик. Шунда у зот: «Сабр қилинглар! Чунки бирор замон келса, унинг сўнггидан ундан-да ёмонроғи келур. Бу нарса то Раббиларингизга йўлиққунингизча давом этур. Мен буни набийларингиз (Муҳаммад) соллалоҳу алайҳи васалламдан эшитганман», дедилар». *Имом Бухорий ривоятлари.*

93/7. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Етти нарса (келишидан олдин) яхши амалларни қилиб қолишга шошилинглар. Бунда сизлар қуйидаги нарсаларни кутасизлар, холос: 1) Камбағаллик – бу ҳамма нарсани унуттириб юборади. 2) Бойлик – туғёнга кетишга сабабчидир. 3) Беморлик – барча нарсани фасод қилади. 4) Қарилик – ҳамма нарсани хотирдан чиқариб юборади. 5) Ўлим – тамом қилиб тезлатувчи. 6) Дажжол – кутилаётган ғоиб нарсаларнинг энг ёмони. 7) Қиёмат – фалокатларнинг энг оғири ва аччиғидир», дедилар. (Инсон мана шу етти нарса келмасидан олдин вақтни ғанимат билиб, охират учун тайёргарлигини қилиб қўймоғи лозим... – тарж.) *Имом Термизий ривоятлари.*

94/8. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ Хайбар куни: «Бу байроқни бир кишига бераманки, уни Аллоҳ ва расули яхши кўради ҳамда унинг қўлида Аллоҳ фатҳ қилади», дедилар. Умар ﷺ: «Амирликни севмас эдим. Фақат ўша куни орзу қилдим. Ва мени чақиришларини умид қилиб, баланд-баланд бўлиб кўтарилиб турдим», дедилар. Расулуллоҳ ﷺ Али ибн Абу Толибни чақириб, байроқни унга бердилар. Ва: «Аллоҳ сенга фатҳ қилгунича у ёқ-бу ёққа қарамасдан олға юр», дедилар. Али ﷺ бироз юриб тўхтадилар-да, у ёқ-бу ёққа қарамасдан: «Эй Аллоҳнинг расули! Нима ниятда одамлар билан жанг қилай?» деб бақирдилар. Расулуллоҳ ﷺ: «Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ, Муҳаммад Унинг расули, деб гувоҳлик беришгунича жанг қилавер. Қачон шундай қилишса, сендан ўз қонлари ва молларини сақлаб қолишади. Фақатгина шариат ҳаққи билан жавобгарликка тортилади (яъни, шариат ман қилган жиноят содир қилса, жазога тортилади). Уларнинг ҳисоби эса Аллоҳнинг Ўзигадир», дедилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

11-БОБ
Яхши амалларга жидду-жаҳд қилиш баёни

Аллоҳ таоло:

«Бизнинг (йўлимизда) **жиҳод қилган – курашган зотларни албатта Ўз йўлларимизга ҳидоят қилурмиз. Аниқки, Аллоҳ чиройли амал қилгувчи зотлар билан биргадир»** (Анкабут сураси, 69-оят);

«Тоинки сизга аниқ нарса (яъни, ўлим соати) **келгунича Парвардигорингизга ибодат қилинг!»** (Ҳижр сураси, 99-оят).

«Парвардигорингизнинг номини (мудом) **ёд этинг ва Унга бутунлай берилиб,** (чин ихлос билан бандалик қилинг**)»** (Муззаммил сураси, 8-оят).

«Бас, ким (ҳаёти-дунёдалик пайтида) **зарра мисқоличалик яхшилик қилса,** (Қиёмат кунида) **ўшани кўрур»** (Залзала сураси, 7-оят).

«Ўзларингиз учун тақдим қиладиган ҳар бир яхшиликни (Қиёмат куни) **Аллоҳнинг ҳузурида янада яхшироқ ва улуғроқ ажр-мукофот ҳолида топурсизлар»** (Муззаммил сураси, 20-оят).

«Қандай яхшилик қилсангиз, бас, албатта Аллоҳ уни билгувчидир». (Бақара сураси, 273-оят) деб айтган.

95/1. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ айтдилар: «Аллоҳ таоло: «Кимки Менинг дўстларимга душманлик қилса, Мен унга уруш эълон қиламан. Бандам фарзларимга амал қилганчалик бошқа бирор нарсада Менга яқин бўла олмайди. Бандам Менга нафллар билан яқин бўлишда бардавом бўлади, ҳатто Мен уни яхши кўриб қоламан. Агар яхши кўриб қолсам, эшитадиган қулоғи, кўрадиган кўзи, ушлайдиган қўли, юрадиган оёғи бўламан. Агар Мендан сўраса, уни бераман. Агар Мендан паноҳ сўраса, паноҳимга оламан», деди». *Имом Бухорий ривоятлари.*

96/2. Анасдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ Раббилари азза ва жалладан қуйидагиларни ривоят қилдилар: «Агар банда Менга бир қарич яқинлашса, Мен унга бир газ яқинлашаман. Агар Менга бир газ яқинлашса, Мен унга бир қулоч яқинлашаман. Агар Менга юриб келса, Мен унга тез югуриб бораман (яъни, бандам ҳар турли ибодат ва яхшиликлар билан Менга яқин бўлса, Мен ундан зиёда иноят ва карамларим билан меҳрибонлик қиламан – тарж...)». *Имом Бухорий ривоятлари.*

97/3. Ибн Аббосдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Икки неъмат борки, у ҳақда кишиларнинг кўпчилиги зиён топиб, бебаҳра қолишади. Сиҳҳат-саломатлик ва бўш вақт», дедилар. *Имом Бухорий ривоятлари.*

98/4. Оишадан ﷺ ривоят қилинади: «Расулуллоҳ ﷺ кечалари (намозда) турганларидан оёқлари шишиб кетарди. «Эй Аллоҳнинг расули! Аллоҳ сизнинг олдинги-ю кейинги гуноҳларингизни кечирган бўлса, нима учун бундай қиляпсиз?» десам, у зот: «Шукр этувчи банда бўлмайинми?» дедилар». *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

99/5. Оишадан ﷺ ривоят қилинади. «Расулуллоҳ ﷺ агар (Рамазон ойининг охирги) ўн куни кирса, бутун кечани ибодат билан ўтказиб, бунга

аҳли аёлларини ҳам уйғотардилар. Ўзлари кўп ғайрат қилиб, ибодат учун белбоғларини маҳкам боғлардилар». *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

100/6. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Кучли мўмин Аллоҳ таолога кучсиз мўминдан маҳбуброқдир. Ҳар бирларида яхшилик бордир. Сенга фойдаси бор нарсага ҳарис бўл. Аллоҳдан ёрдам сўра. Ожиз бўлмагин. Агар сенга бирор мусибат етса, ундай қилганимда, бундай бўларди, демагин. Лекин Аллоҳнинг тақдири, нимани хоҳласа, ўшани қилади, дегин. Чунки «агар» сўзи шайтон амали учун йўл очади», дедилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

101/7. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Дўзах (нафс хоҳлайдиган) шаҳватлар билан ўраб қўйилгандир. Жаннат (нафс хоҳламайдиган) кароҳиятли нарсалар билан ўраб қўйилгандир», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

102/8. Абу Абдуллоҳ Ҳузайфа ибн Ямондан ﷺ ривоят қилинади. «Кечаларнинг бирида Расулуллоҳ ﷺ билан бирга намоз ўқидим. У зот Бақара сурасини ўқий бошладилар. Мен юзинчи оятда рукуъ қилсалар керак, десам, у зот давом эттирдилар. Бақара сурасини бир ракатга ўқисалар керак, десам, у зот яна давом эттирдилар. Энди рукуъ қилсалар керак, десам, у зот Нисо сурасини ўқий бошладилар. Сўнгра Оли-Имрон сурасини ўқий бошладилар. Ўқиганларида охиста, ҳарфларини аниқ қилиб тиловат қилардилар. Агар тасбеҳ ояти ўтса, тасбеҳ айтардилар. Агар сўраш ояти келса, сўрардилар. Агар паноҳ тилаш ояти келса, паноҳ тилардилар. Сўнгра рукуъ қилиб, унда «Субҳона роббиял азийм», деб айтдилар. Рукуълари тик туришларига яқин бўлди. Сўнгра «Самиъаллоҳу лиман ҳамидаҳ, роббана лакал ҳамд», деб узун тик турдилар. У тик туришлари рукуъларига яқин бўлди. Сўнгра сажда қилиб «Субҳана роббиял аъло», деб сажда қилдилар. Саждалари ҳам тик турганларига яқин бўлди». *Имом Муслим ривоятлари.*

103/9. Ибн Масъуддан ﷺ ривоят қилинади. «Бир кеча Расулуллоҳ ﷺ билан бирга намоз ўқидим. У зот қиёмни узун қилганларидан ёмон бир ишни қасд қилдим (лекин уни қилмадим)». «Қасд қилган ўша нарса нима?» деб сўралганида, Ибн Масъуд ﷺ: «Ўзим ўтиришни қасд қилиб, у зотни тик қолдириш эди», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

104/10. Анасдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Ўлган одамга уч нарсаси – аҳли, моли ва амали эргашади. Иккитаси – аҳли ва моли қайтиб келиб, амали (у билан бирга) қолади», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

105/11. Ибн Масъуддан ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Жаннат сизлардан биринингизнинг пойабзалининг ипидан ҳам яқиндир. Дўзах ҳам шу кабидир», дедилар. *Имом Бухорий ривоятлари.*

106/12. Абу Фирос Рабийъа ибн Каъб ал-Асламийдан ﷺ ривоят қилинади. (Бу зот Расулуллоҳ ﷺнинг ходимлари ҳамда аҳли суффалардан эдилар.) «Мен Расулуллоҳ ﷺ билан бирга тунни ўтказиб, у зотнинг таҳорат ва бошқа эҳтиёжларига сув тутардим. Бир куни у зот: «Мендан нима сўрайсан?» дедилар. Мен: «Сиз билан жаннатда ҳамроҳ бўлсам», дедим. «Балки бундан бошқа нарса ҳам сўрарсан?» дедилар. Мен: «Ўшанинг ўзини сўрайман», дедим. Расулуллоҳ ﷺ: «Ундай бўлса, саждани кўпайтириш билан ўзингга мени ёрдамчи қил», дедилар (яъни, сендан намоз, мендан дуо бўлиб турса, иншааллоҳ, мақсадингга етишасан)». *Имом Муслим ривоятлари.*

107/13. Савбондан ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Ўзингга кўп сажда қилишни лозим тут. Чунки Аллоҳга бирор сажда қилсанг, У Зот ўша сажда сабабли даражангни кўтариб, хатоларингни ўчиради», дедилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

108/14. Абу Сафвон Абдуллоҳ ибн Буср ал-Асламийдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Кишиларнинг яхшиси умри узун бўлиб, амали чиройли бўлганидир», дедилар. *Имом Термизий ривоятлари.*

109/15. Анасдан ﷺ ривоят қилинади. «Амаким Анас ибн Назр ﷺ Бадр урушида йўқ эдилар. Бу зот (келиб): «Эй Аллоҳнинг расули, мушриклар билан урушилган аввалги жангда йўқ эдим. Агар Аллоҳ мушриклар билан бўладиган урушда иштирок этишимни насиб қилса, нима қилишимни Аллоҳ кишиларга кўрсатур», дедилар. Қачонки, Уҳуд куни бўлиб мусулмонлар орқага чекинишганида, бу зот: «Аллоҳим, мана булар, яъни саҳобалар қилаётган нарсада кечирим сўрайман. Мана булар, яъни мушриклар қилаётган нарсада эса ўзимни оқлайман», дедилар. Кейин олдинга юриб, йўлда Саъд ибн Муозга йўлиқдилар. «Эй Саъд ибн Муоз, Каъбанинг Раббисига қасамки, мен Уҳуд томондан жаннат ҳидини топяпман», дедилар. Саъд ибн Муоз: «Эй Аллоҳнинг расули, у қилган нарсани мен қилишга қодир эмас эдим», дедилар. Ушбу ҳадис ровийси Анас ﷺ айтдилар: «Биз унинг (баданида) саксон нечта ҳам қилич урилган ё найза санчилган ёки камон ўқи отилган ва ўлик ҳамда бадани мажруҳ этилган ҳолатда топдик. Уни ҳеч ким таний олмади. Фақатгина синглиси бармоғидан таниб олди. Бизнинг фикримиз ёки гумонимизга қуйидаги оят Анас ибн Назр ва у киши кабилар ҳақида нозил бўлган: **«Мўминлар орасида ўзлари Аллоҳга берган** (У зотнинг йўлида жиҳод қилиб, шаҳид бўлиш ҳақидаги) **аҳду паймонларига содиқ бўлган кишилар бордир. Бас, улардан** (айрим) **кишилар ўз аҳдига вафо қилди** (яъни, шаҳид бўлди)**. Улардан айрим кишилар эса** (шаҳид бўлишга) **интизордир. Улар** (мунофиқларга ўхшаб Аллоҳга берган

аҳду паймонларини) **ўзгартирганлари йўқ»** (Аҳзоб сураси, 23-оят)». *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

110/16. Абу Масъуд Уқба ибн Амр Ансорий ал-Бадрийдан ﷺ ривоят қилинади: «Садақа ояти нозил бўлганида, биз орқамизда юк ташиб (ундан тушган пулни садақа қилар эдик). Бир киши келиб кўп нарса садақа қилди. Кишилар уни риёкор, дейишди. Бошқа бир киши келиб бир соъ нарса садақа қилди. Кишилар: «Аллоҳ бу бир соъ нарсадан беҳожатдир!» деб айтдилар. Шунда қуйидаги оят нозил бўлди: **«Мўминлар орасидан ўз хоҳиши билан садақотлар қилувчи кишиларни ва** (инфоқ-эҳсон қилиш учун) **кучлари етган нарсани топиб келган кишиларни айблаб, масхара қиладиган кимсаларни Аллоҳ масхара қилур ва улар учун аламли азоб бордир»** (Тавба сураси, 79-оят)». *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

111/17. Саид ибн Абдулазиз Рабийъа ибн Язиддан, у Абу Идрис Хувлонийдан, у Абу Зарр Жундуб ибн Жунодадан ﷺ, у Расулуллоҳ ﷺдан, Расулуллоҳ ﷺ Аллоҳ таборака ва таолодан қуйидагиларни ривоят қилдилар: «Аллоҳ таоло: «Эй бандаларим, Ўзимга зулмни ҳаром қилдим ва уни ораларингизда ҳам ҳаром қилдим. Бас, бир-бирларингизга зулм қилманглар. Эй бандаларим, барчангиз залолатдасиз. Фақатгина Мен ҳидоят қилганларгина тўғри йўлдадир. Шундай экан, ҳидоятни Мендан талаб қилинглар. Ўзим сизларни ҳидоят қиламан. Эй бандаларим, барчангиз очдирсиз. Фақатгина Мен таомлантирганларгина бундай эмас. Бас, шундай экан, Мендан таом талаб қилинглар, сизларни (Ўзим) таомлантираман. Эй бандаларим, барчангиз яланғочдирсиз. Фақатгина Мен кийинтирганларгина бундай эмас. Кийинишни Мендан талаб қилинглар, Мен сизларни (Ўзим) кийинтираман. Эй бандаларим, сизлар кеча-ю кундуз хато қиласизлар. Мен эса гуноҳларингизнинг барчасини кечираман. Бас, шундай экан, Мендан истиғфор талаб қилинглар, сизларнинг гуноҳингизни (Ўзим) кечираман. Эй бандаларим, Менга зарар бермоқчи бўлсангиз, ҳаргиз зарар бера олмайсиз. Ва Менга фойда бермоқчи бўлсангиз ҳам, ҳаргиз фойда бера олмайсиз. Эй бандаларим, агар аввалларингиз ва охирларингиз, инс ва жинларингиз тақволи қалб кишиси бўлишса, мулкимда бирор нарса зиёда бўлиб қолмайди. Эй бандаларим, агар аввалларингиз ва охирларингиз, инс ва жинларингиз фожир қалб кишиси бўлишса, мулкимдан бирор нарса камайиб қолмайди. Эй бандаларим, агар аввалларингиз ва охирларингиз, инс ва жинларингиз бир тепаликда туриб Мендан сўрашса, Мен ҳар бир киши сўраган нарсасини берсам ҳам, ҳузуримдаги бирор нарса камаймайди. Фақатгина денгизга игнани бир марта тиқиб олгандаги камайганчалик озаяди, холос. Эй бандаларим, у сизларнинг амалингиздир. Мен амалларингизни ҳисоблаб сақлаб қўяман. Кейин уни мукаммал қилиб топшираман. Кимки унинг яхшисини топса, Аллоҳга ҳамд айтсин. Кимки бундан бошқасини топса, фақатгина ўзини маломат қилсин», деди».

Саид айтдилар: «Абу Идрис агар мана шу ҳадисни гапирсалар, тиз чўкиб ўтирардилар». *Имом Муслим ривоятлари.*

Имом Аҳмад ибн Ҳанбал ﷺ: «Шом аҳлига мана шу ҳадисдан кўра шарафлироқ ҳадис йўқдир», деб айтганлар.

12-БОБ
Умр охирида яхшиликларни кўпайтиришга тарғиб қилиш баёни

Аллоҳ таоло:

«Ахир Биз сизларга эслатма оладиган киши эслатма олгудек узун умр бермаганмидик?! Сизларга огоҳлантиргувчи (пайғамбар) **ҳам келган эди-ку!»** (Фотир сураси, 37-оят) деб айтган.

Ибн Аббос ва муҳаққиқ олимлар « ... узун умр бермаганмидик»нинг маъноси «олтмиш йил умр бермаганмидик»дир, дейишди. Қуйидаги зикр қиладиган ҳадисимиз бу маънони қувватлаб келади. Баъзилар буни ўн саккиз йил, дейишди. Яна бошқалар қирқ йил, дейишди.

Ҳасан, Калбий, Масруқлар Ибн Аббосдан ﷺ қуйидагиларни нақл қилишди: «Мадина аҳлидан бирортасининг ёши қирққа етса, ўзини ибодат қилиш учун бағишлар эди».

Баъзилар балоғат ёши, дейишди.

Ибн Аббос ва жумҳур уламолар «Сизларга огоҳлантиргувчи ҳам келган эди-ку!» оятидан мақсад Расулуллоҳ ﷺдирлар, дейишди.

Икрима, Ибн Уйайна ва бошқалар бу оятдан мақсад соч-соқолнинг оқаришидир, дейишди.

112/1. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Аллоҳ таоло бир кишига олтмиш ёшга етгунгача ажалини кечиктирса, узр учун (ўрин) қолдирмади», дедилар (яъни, шу муддатгача мухлат берибдими, демак, узрга ўрин йўқ). *Имом Бухорий ривоятлари.*

113/2. Ибн Аббосдан ﷺ ривоят қилинади. «Умар ﷺ мени Бадр иштирокчиларининг катта ёшлилари билан бирга (ҳузурида бўладиган мажлисга) киритди. Гўёки уларнинг баъзилари ранжиб: «Боламиз тенгқур бу бола нима учун биз билан кирмоқда?» дейишди. Умар ﷺ: «Ибн Аббос ким эканини (яъни, Расулуллоҳга қариндош ва доим суҳбатда бўлганларини) биласизларми?» дедилар. Бир куни Умар ﷺ мени чақириб, улар билан киргиздилар. Ўша куни фақат мени уларга кўрсатиш учунгина шундай қилдилар. Ва: «Аллоҳнинг сўзидаги «Иза жаа насруллоҳи валфатҳ» ояти ҳақида нима дейсизлар?» деганларида, баъзилар: «Агар нусрат берилиб, бизга фатҳ этилса, Аллоҳга ҳамд ва истиғфор айтишга буюрилдик», дейишди. Баъзилар ҳеч нарса демай сукут қилишди. Шу пайт Умар ﷺ: «Эй Ибн Аббос, сен ҳам шундай дейсанми?» деганларида, «Йўқ», деб айтдим. Умар: «Унда нима дейсан?» дедилар. Мен: «Бу Расулуллоҳ ﷺнинг ажалларидир. Уни бу зотга билдирмоқда», дедим. (Яъни, «Агар Аллоҳнинг нусрати ва фатҳи келса» – бу етган ажалнинг аломатидир, «Бас, Раббингга ҳамд айт ва мағфират сўра. Зеро, У тавбаларни қабул қилгувчи бўлган Зотдир».) Умар ﷺ: «Сен айтган нарсанигина биламан, холос», дедилар». *Имом Бухорий ривоятлари.*

114/3. Оишадан ﷺ ривоят қилинади. «Расулуллоҳ ﷺ «Иза жаа насруллоҳи валфатҳ» сураси тушганидан кейин намоз ўқийдиган бўлсалар,

унда «Субҳанака роббана ва биҳамдика Аллоҳумма иғфирлий», яъни «Раббимиз, Сенга ҳамд айтиш ила Сени поклаб ёд этаман. Аллоҳим, мени мағфират қилгин», деб айтардилар». *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

«Саҳиҳайн»да келган бошқа бир ривоятда: «Расулуллоҳ ﷺ рукуъ ва саждаларда «Субҳанака, Аллоҳумма роббана вабиҳамдика, Аллоҳумма иғфирлий» (яъни: «Аллоҳим, Сени поклаб ёд этурман. Раббимиз, Сенга ҳамд айтаман. Аллоҳим, мени мағфират қил»), деб айтардилар. Қуръонда шундай буюрилгани учун бунга амал қилардилар. Яъни, «Раббингга ҳамд айтиш билан Уни поклаб ёд этгин ва истиғфор айт» оятидан таъвил қилардилар», дейилади.

Имом Муслимнинг бошқа бир ривоятларида: «Расулуллоҳ ﷺ вафот этишларидан олдин «Субҳанака ва биҳамдика астағфирука ваатубу илайка», деб айтишни кўпайтирдилар. Оиша ؓ: «Эй Расулуллоҳ, бу қандай калималарки, (айтмас эдингиз) энди янгитдан айтяпсиз-а?» десалар, у зот: «Менинг умматимга бир аломат қилинди. Агар уни кўрсам, бу калималарни айтаман. Ўша аломат «Иза жаа насруллоҳи валфатҳу» сурасининг охиригачадир», дедилар», дейилган.

Бошқа яна бир ривоятларида Оишадан ؓ айтилади: «Расулуллоҳ ﷺ: «Субҳаналлоҳи ва биҳамдиҳи астағфируллоҳа ва атубу илаҳи», деб айтишни кўпайтирдилар. Шунда мен: «Эй Аллоҳнинг расули, сиз «Субҳаналлоҳи ва биҳамдиҳи астағфируллоҳа ва атубу илаҳи», деб айтишни кўпайтиряпсиз-а?» десам, у зот: «Раббим менга умматимда бир аломат кўришимнинг хабарини берди. Агар ўша аломатни кўрсам, «Субҳаналлоҳи ва биҳамдиҳи астағфируллоҳа ва атубу илаҳи»ни айтишни кўпайтирдим. Ҳақиқатда мен ўша аломатни кўрдим. У – «Иза жаа насруллоҳи вал фатҳу» сурасининг охиригача экан», дедилар».

Маъноси: **«Қачонки, Аллоҳнинг ёрдами ва ғалабаси келса ва одамлар тўп-тўп бўлишиб, Аллоҳнинг дини** (Ислом)**га кираётганларини кўрсангиз, дарҳол Парвардигорингизга ҳамд айтиш билан поклаб ёд этинг ва У Зотдан мағфират сўранг! Зеро, У тавбаларни қабул қилгувчи бўлган Зотдир»** (Наср сураси, 1–3-оятлар).

115/4. Анасдан ؓ ривоят қилинади. «Аллоҳ азза ва жалла Расулуллоҳ ﷺ вафотларидан олдин ваҳийни орқама-орқа туширди, ҳаттоки Расулуллоҳ ﷺ ваҳий кўп тушиб турган пайтда вафот этдилар». *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

116/5. Жобирдан ؓ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Ҳар бир банда қандай ўлган бўлса, ўша ҳолатида қайта тирилтирилади», дедилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

13-БОБ
Яхшиликнинг йўллари кўп эканлиги баёни

Аллоҳ таоло:

«Қандай яхшилик қилсангиз, шубҳасиз Аллоҳ уни билгувчидир» (Бақара сураси, 215-оят);

«Қандай яхши амал қилсангиз, албатта Аллоҳ билади» (Бақара сураси, 197-оят);

«Бас, ким (ҳаёти-дунёдалик пайтида) **зарра мисқолича яхшилик қилса,** (Қиёмат кунида) **ўшани кўрур»** (Залзала сураси, 7-оят);

«Ким бирон яхшилик қилса, бас, ўзи учун (яъни, ўз фойдасига қилган) **бўлур»** (Жосия сураси, 15-оят) деб айтган.

117/1. Абу Зарр Жундуб ибн Жунодадан ﷺ ривоят қилинади. «Мен: «Эй Аллоҳнинг расули, қайси амал афзал?» десам, у зот: «Аллоҳга имон келтириш ва Унинг йўлида жиҳод қилиш», дедилар. «Қайси қулни озод қилиш яхшироқ?» десам, у зот: «Эгалари ҳузурида яхшироғи ва нархи қиммат бўлганини», дедилар. «Агар буларни қила олмасам-чи?» десам, у зот: «Ҳунармандга ёрдам бер ёки ҳунари йўқни иш билан таъминла!» дедилар. «Бу ишларнинг баъзисини ҳам қила олмасам-чи?» десам, у зот: «Одамларга ёмонлик қилишдан тийилгин. Чунки у ҳам сендан бўлган садақадир», дедилар». *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

118/2. Абу Заррдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Сизлардаги ҳар бир бўғимингиз учун ҳар куни тонг отганида садақа бордир. Ҳар бир тасбеҳингиз (яъни, «Субҳоналлоҳ», дейишингиз) садақадир. Ҳар бир ҳамдингиз (яъни, «Алҳамдулиллаҳ», дейишингиз) ҳам садақадир. Ҳар бир таҳлилингиз (яъни, «Ла илаҳа иллаллоҳ», дейишингиз) ҳам садақадир. Ҳар бир такбирингиз (яъни, «Аллоҳу акбар», дейишингиз) ҳам садақадир. Яхшиликка буюришингиз ҳамда ёмонликдан қайтаришингиз ҳам садақадир. Чошгоҳ (зуҳо) пайтидаги икки ракат ўқиган намозингиз буларнинг барчасига ўзи кифоя қилади», дедилар». *Имом Муслим ривоятлари.*

119/3. Абу Заррдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Менга умматимнинг яхши ва ёмон амаллари кўрсатилди. Йўлдан азият берувчи нарсаларни олиб ташланишини яхши амаллар сирасидан топдим. Масжидга балғамини ташлаб кўмиб қўйилмаганини ёмон амаллар сирасидан топдим», дедилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

120/4. Абу Заррдан ﷺ ривоят қилинади. Одамлар: «Эй Аллоҳнинг расули, бадавлат кишилар ажр олишда ўзиб кетишди. Улар ҳам биз ўқигандек намоз ўқишади ва биз тутгандек рўза тутишади. Ва (камига) эҳтиёжларидан ортиқча молларини садақа ҳам қилишади», дейишганида, Расулуллоҳ ﷺ: «Аллоҳ сизларга ҳам садақа қиладиган нарсаларни бермадими? Албатта ҳар бир тасбеҳингиз садақа, ҳар бир такбирингиз садақа, ҳар бир ҳамдингиз садақа, ҳар бир таҳлилингиз садақа. Яхшиликка

буюришингиз садақа. Ёмонликдан қайтаришингиз садақа. Аёлингиз билан шаръий қовушишингиз ҳам садақа», дедилар. Шунда саҳобалар: «Эй Аллоҳнинг расули! Бизлардан бирортамиз шаҳватини қондирса ҳам, савоб бўладими?» дейишганида, Расулуллоҳ ﷺ: «Ўша шаҳватини ҳаром йўл билан қондирса, гуноҳ бўладими? Шу сингари ҳалол йўл билан қондирса, савоб бўлади-да», дедилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

121/5. Абу Заррдан رضي الله عنه ривоят қилинади. «Расулуллоҳ ﷺ менга: «Яхшиликлардан бирортасини паст санамагин. Агар биродарингга очиқ юз билан йўлиқиб бўлса ҳам», дедилар (яъни, биродарингга очиқ юз билан йўлиқиш ҳам яхшиликдир)». *Имом Муслим ривоятлари.*

122/6. Абу Ҳурайрадан رضي الله عنه ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Ҳар кун қуёш чиқиши билан кишининг ҳар бир бўғимига садақа лозимдир. Икки кишининг орасини ислоҳ этиш ҳам садақадир. Уловига чиқаётганда кўтаришиб қўйилса ёки юкини юклашиб берилса, у ҳам садақадир. Мулойим сўз ҳам садақадир. Намозга юриб борилган ҳар бир қадам ҳам садақадир. Йўлдан азият берувчи нарсаларни олиб ташлаш ҳам садақадир», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

Имом Муслимнинг Оишадан رضي الله عنها қилган ривоятларида айтилишича, Расулуллоҳ ﷺ: «Одам болаларидан барча киши уч юз олтмиш бўғим билан яратилган. Кимки Аллоҳни улуғласа (Аллоҳу акбар, деса), Аллоҳга ҳамд айтса (Алҳамдулиллаҳ, деса), Аллоҳга таҳлил айтса (Ла илаҳа иллаллоҳ, деса), Аллоҳга тасбеҳ айтса (Субҳоналлоҳ, деса), Аллоҳга истиғфор айтса (Астағфируллоҳ, деса) ва кишиларнинг йўлидан тош ёки тикан ё суякка ўхшаш нарсаларни олиб ташласа ҳамда яхшиликка буюриб, ёмонликдан қайтарса, савоби уч юз олтмиштага етиб, ана шу кунда бу киши дўзахдан ўзини узоқ қилиб юрибди», дедилар.

123/7. Абу Ҳурайрадан رضي الله عنه ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Ким эрталаб ва кечқурун масжидга борса, Аллоҳ таоло унга жаннатда ҳар эрта-кеч борганда зиёфат тайёрлаб қўяди», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

124/8. Абу Ҳурайрадан رضي الله عنه ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Эй муслима аёллар, бир аёл бошқа бир аёлга қўйнинг туёғини беришликдаги яхшиликни ҳам паст санаманглар», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

125/9. Абу Ҳурайрадан رضي الله عنه ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Имоннинг етмиш нечта ёки олтмиш нечта ҳам (шўъба) бўлаги бордир. Уларнинг афзали «Ла илаҳа иллаллоҳ»дир. Энг пасти йўлдан азият берувчи нарсани олиб ташлашдир. Ҳаё ҳам ўша имон бўлакларидан биридир», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

126/10. Абу Ҳурайрадан رضي الله عنه ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Бир киши йўлда кета туриб, чанқоғи кучайди-да, бир қудуқни топиб, унга тушиб сув ичди. Сўнгра у ердан чиққанида бир ит (чанқаганидан) тилини чиқариб,

тупроққа бағрини бериб ётарди. Шунда ҳалиги киши: «Бу итга ҳам менга бўлгани каби чанқоқлик етибди», деб қудуққа тушиб маҳсисига сув тўлдирди-да, уни оғзида ушлаб кўтарилди ва итни сув ила суғорди. Аллоҳ бу ишидан миннатдор бўлиб, унинг гуноҳини кечирди», дедилар. Саҳобалар: «Эй Аллоҳнинг расули! Бизга ҳайвонларда ҳам савоб борми?» дейишганида, у зот: «Ҳар бир хўл жигарли (тирик жонзот)да савоб бордир», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

Бухорийнинг бошқа бир ривоятларида эса: «Аллоҳ ундан миннатдор бўлиб, гуноҳини кечириб, жаннатга киритди», дейилган.

Икковларининг яна бир бошқа ривоятларида: «Бир ит қудуқ атрофида чанқоқликдан ўлар ҳолатга келиб қолай, деб айланиб юрганида, Бани Исроилдан бир фоҳиша аёл маҳсисини ечди-да, сув олиб, уни суғорди. Шу амали сабабли гуноҳлари кечирилди», дейилган.

127/11. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Мусулмонларга йўл ўртасида озор бераётган дарахтни кесиб ташлаган бир кишининг жаннатда ҳузур-ҳаловат ила яшаётганини кўрдим», дедилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

Бошқа бир ривоятда: «Бир киши йўлдан ўтаётиб, ўртадаги дарахт шохини (кўриб): «Аллоҳга қасамки, мен буни мусулмонларга азият бермаслиги учун четлаштираман», деганида, у жаннатга киритилди», дейилган.

Икковларининг бошқа бир ривоятларида: «Бир киши кета туриб йўлда тиконли шохни кўриб, уни четга олиб қўйди. Аллоҳ ундан мамнун бўлиб, гуноҳини кечирди», дейилган.

128/12. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Ким чиройли таҳорат қилиб, сўнгра жума намозига бориб, (хутбага) жим туриб қулоқ тутса, ўша жума билан кейинги жума орасидаги ва бунга уч кун қўшиб (ҳаммаси бўлиб, ўн кун орасидаги) гуноҳлари кечирилади. Ким тошларни ушлаб (ўйнаса), бефойда (лағв) ишни бажарибди», дедилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

129/13. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Агар мусулмон ёки мўмин банда таҳорат қилиб юзини ювса, кўзи билан қилган барча хатолари юзидан сув билан ёки охирги томчи сув билан чиқиб кетади. Агар қўлини ювса, қўли орқали қилган барча хатолари қўлидан сув билан ёки охирги томчи сув билан чиқиб кетади. Ҳаттоки, гуноҳлардан покиза ҳолда чиқади. Агар икки оёғини ювса, оёғи билан қилган барча хатолари сув билан бирга ёки охирги томчи сув билан чиқиб кетади, ҳаттоки у гуноҳлардан покиза ҳолда чиқади», дедилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

130/14. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Беш вақт оралиғидаги, жумадан жумагача, рамазондан рамазонгача бўлган гуноҳлар,

агар кабирасидан четланилса, кечирилади», дедилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

131/15. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Хатоларни ўчириб, даражаларни кўтарадиган нарсага далолат қилайми?» деганларида, саҳобалар: «Ҳа», дейишди. Шунда у зот: «Қийинчилик пайтида таҳоратни мукаммал қилиш ва масжидга қадамни (боришни) кўпайтириш ҳамда намоздан кейин намозни кутиш. Мана шу нарсалар Аллоҳ йўлидаги соқчилик кабидир», дедилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

132/16. Абу Мусо ал-Ашъарийдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Кимки бомдод ва аср намозларини ўқиса, жаннатга киради», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

133/17. Абу Мусо ал-Ашъарийдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Агар банда касал ёки мусофир бўлиб (бажараётган амалларини қила олмаса), унга муқим ва соғломлик пайтида амал қилганидек савоб ёзилади», дедилар. *Имом Бухорий ривоятлари.*

134/18. Жобирдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Ҳар бир яхшилик садақадир», дедилар. *Имом Бухорий ривоятлари. Муслим эса мана шу лафздаги ҳадисни Ҳузайфадан t ривоят қилганлар.*

135/19. Жобирдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Бирор мусулмон киши кўчат ўтқазадиган бўлса, ундан ейилса ҳам, ўғирланса ҳам, камайтирилса ҳам, эгасига садақа бўлади», дедилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

Бошқа бир ривоятларида: «Мусулмон киши кўчат ўтқазса ва ундан одамлар, ҳайвонлар, қушлар еса, эгасига Қиёмат кунигача садақа бўлади», дейилган.

Яна бир бошқа ривоятларида: «Мусулмон киши кўчат ўтқазиб ва бирон экин экса, ундан одамлар, ҳайвонлар ва бирор нарса еса, эгасига садақа бўлади», дейилган. *Бухорий ва Муслимлар барчасини Анасдан t ривоят қилишган.*

136/20. Жобирдан ﷺ ривоят қилинади. Бани Салама масжид яқинига кўчишни хоҳлашганида, бу хабар Расулуллоҳ ﷺга етиб келди. Расулуллоҳ ﷺ: «Сизлар масжид яқинига кўчиб келишни хоҳлаяпсизларми?» деганларида, улар: «Ҳа, эй Аллоҳнинг расули, биз шуни хоҳлаяпмиз», дейишди. Шунда Расулуллоҳ ﷺ: «Ўз жойларингизни (қўлдан бой бермай) сақланг. Қадамларингизга (савоб) ёзилади. Ўз жойларингизни (қўлдан бой бермай) сақланг. Қадамларингизга (савоб) ёзилади», дедилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

Бошқа ривоятда: «Ҳар бир қадам учун даража бордир», дейилган.

Имом Бухорий ҳам шу маънодаги ҳадисни Анасдан ﷺ ривоят қилганлар.

137/21. Абу Мунзир Убай ибн Каъбдан ﷺ ривоят қилинади. «Бир киши (бу кишининг кимлигини билмайман) масжиддан узоқроқ жойда турарди-да, бирор намозни қолдирмас эди. У кишига «Агар бир эшак сотиб олиб, уни қоронғу зулматда ва қаттиқ иссиқ бўлганда миниб келсанг бўлмайдими?» деб айтганимда, у киши: «Манзилим масжид ёнида бўлиши мени хурсанд қилмайди. Мен масжидга боришимдаги ва аҳлимга қайтишимдаги қадамларимга (савоб) ёзилишини хоҳлайман», деди. Расулуллоҳ ﷺ (буни эшитиб): «Аллоҳ таоло сенга бу нарсаларнинг ҳаммасини жамлаб берди», дедилар». *Имом Муслим ривоятлари.*

Бошқа ривоятда: «Сенга умид қилган савобинг (берилди)», дейилган.

138/22. Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Амр ибн Оссдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Қирқта хислат бор, уларнинг энг олийси – сутини соғиб ичиш учун эчкисини бермоқликдир. Кимки мана шу хислатлардан бирортасига савоб умидида ва ваъда қилинган нарсага ишонган ҳолда амал қилса, Аллоҳ таоло жаннатга киритади», дедилар. *Имом Бухорий ривоятлари.*

139/23. Адий ибн Ҳотамдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Хурмонинг ярмини (бериб бўлса ҳам) дўзахдан сақланинглар», деб айтдилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

Имом Бухорий ва Муслимнинг бошқа ривоятларида қуйидагича айтилади: «Расулуллоҳ ﷺ: «Сизларнинг ҳар бирингиз билан Раббингиз (Қиёматда) ўртага таржимон қўймай сўзлашади. У киши ўнг томонига қарайди. Қилган амалидан бошқа нарсани кўрмайди. Чап томонига қарайди. Қилган амалидан бошқа нарсани кўрмайди. Олдига қарайди. Рўпарасида дўзахдан бошқа нарсани кўрмайди. Шундай экан, хурмонинг ярмини (бериб бўлса ҳам) дўзахдан сақланинглар. Ким буни ҳам топа олмаса, яхши сўзларни айтиб бўлса ҳам (дўзахдан ўзини сақласин)», дедилар».

140/24. Анасдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Бирор овқатни еб ҳамд айтган, бирор ичимлик ичиб ҳамд айтган бандасидан Аллоҳ таоло албатта рози бўлади», дедилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

141/25. Абу Мусодан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Ҳар бир мусулмонга садақа (қилиш) лозим», деганларида, «Агар уни топа олмаса-чи?» деб айтишди. Расулуллоҳ ﷺ: «Қўли билан ишлаб топиб ўзи ҳам фойдаланади ва садақа ҳам қилади», дедилар. «Агар бунга ҳам қодир бўлмаса-чи?» дейишди. Расулуллоҳ ﷺ: «Бечораҳол муҳтожга ёрдам берсин», дедилар. «Агар бунга ҳам қодир бўлмаса-чи?» дейишганида, Расулуллоҳ ﷺ: «Яхшиликка буюрсин», дедилар. «Агар буни ҳам қила олмаса-чи?» дейишганида, Расулуллоҳ ﷺ: «Ўмонликдан ўзини тийсин. Шундай қилиши ҳам садақадир», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

14-БОБ
Тоат-ибодатда ўрта ҳол бўлиш баёни

Аллоҳ таоло:

«Биз сизга бу Қуръонни қийналиб жафо чекишингиз учун нозил қилмадик» (Тоҳа сураси, 2-оят);

«Аллоҳ сизларга енгилликни истайди, сизларга оғир бўлишни истамайди» (Бақара сураси, 185-оят), деб айтган.

142/1. Оишадан ﵂ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ Оиша ﵂ ҳузурларига кирсалар, бир хотин у ерда эди. Расулуллоҳ ﷺ: «Бу ким?» дедилар. Оиша ﵂ бу фалончи хотин, деб унинг намозни кўп ўқишини зикр қилдилар. Расулуллоҳ: «Бас қил, тоқатинг етадиган нарсани лозим тут. Аллоҳга қасамки, улар малол кўришмагунча Аллоҳ малол кўрмайди. Аллоҳ таолога динда яхши амал қилувчи унда бардавом бўлганидир», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

143/2. Анасдан ﵁ ривоят қилинади. Уч нафар киши Расулуллоҳ ﷺнинг хотинлари уйларига келиб, у зотнинг ибодатлари ҳақида сўрашди. Қачонки, ибодатлари ҳақида хабар берилганида, улар (ўзларининг амалларини) оз санаб: «Биз қаерда-ю у зот (қаердалар), ҳолбуки у зотнинг аввалги-ю кейинги гуноҳлари кечирилган бўлса», деб улардан бири: «Мен ҳамиша кечаси намоз ўқийман», деди. Иккинчиси: «Мен умрбод рўза тутиб, (кундузи) оғзимни очмайман», деди. Учинчиси: «Аёллардан четланиб, ҳечам уйланмайман», деб гапириб турганида, Расулуллоҳ ﷺ улар ҳузурига келиб: «Сизлар шундай-шундай, деб айтдингларми? Аллоҳга қасамки, барчаларингизга нисбатан Аллоҳдан қўрқувчи ва тақво қилувчингизман. Лекин (гоҳида) рўза тутаман ва (гоҳида) оғзим очиқ бўлади. (Гоҳида) намоз ўқийман ва гоҳида ухлайман. Ва хотинларга уйланаман ҳам. Кимки суннатимдан юз ўгирса, мендан эмас», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

144/3. Ибн Масъуддан ﵁ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Ноўрин қаттиқлик қилиб, чуқур кетувчилар ҳалок бўлишди», деб уч марта айтдилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

145/4. Абу Ҳурайрадан ﵁ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Албатта дин осондир. Бирор киши дин билан тортишса (йўллари кўп бўлгани сабабли), уни енгиб қўяди. Бас, шундай экан, ўрта ҳол бўлган тўғри йўлни лозим тутиб, мўътадилига яқин бўлинглар. Ибодатнинг бардавом бўлиши учун кундузининг аввалида ва охирида ҳамда кечанинг охирида (ёрдам сўранглар)», дедилар. *Имом Бухорий ривоятлари.*

Бухорийнинг бошқа бир ривоятларида: «Тўғри йўлни лозим тутиб, мўътадилига яқин бўлинглар. Кундузининг аввалида ва охирида ҳамда кечанинг охирида сайр қилиб юринглар, мўътадиллик билан мақсадларингизга етасизлар», дейилган.

(Ҳадисдаги «... Кундузининг аввалида ва охирида ҳамда кечанинг охирги қисмида сайр қилиб юринглар»нинг маъноси худди билимдон, малакали мусофир мана шу зикр қилинган пайтларда юриб, бошқа вақтда ўзи ҳам, улови ҳам дам олиб, қийинчиликсиз мақсад қилган жойига етиб олгани каби сизлар ҳам қалбларингиз турли нарсалардан фориғ бўлиб, фаол бўлиб, ибодатдан лаззат олиб, малол кўрмайдиган мана шу вақтларда Аллоҳдан тоатга ёрдам талаб қилсангиз, мақсадларингизга етасизлар, деганидир.)

146/5. Анасдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ масжидга кирсалар, икки устун орасида чўзиб қўйилган ип турибди. Шунда у зот: «Бу қандай ип?» дедилар. Улар: «Зайнабга ﷺ тегишли ипдир. Агар унда (намозга туришда) дангасалик пайдо бўлса, ипга осилади», дейишди. Расулуллоҳ ﷺ: «Бу ипни ечиб ташланглар. Сизлардан бирингиз фаоллиги пайтида намоз ўқисин. Агар дангасалик пайдо бўлса, ором олсин», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

147/6. Оишадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Сизлардан бирингиз намоз ўқиётган пайтда уйқуси келиб мудроқ босса, токи уйқуси кетгунича ором олсин. Чунки мудроқлик пайтида намоз ўқиса, истиғфор айтяптими, (дуоибад қилиб) ўзини сўкяптими, билмайди», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

148/7. Абу Абдуллоҳ Жобир ибн Самурадан ﷺ ривоят қилинади: «Расулуллоҳ ﷺ билан намоз ўқир эдим. У зотнинг намозлари ҳам, хутбалари ўртача бўлар эди (яъни, узун ҳам эмас ва қисқа ҳам эмас)». *Имом Муслим ривоятлари.*

149/8. Абу Жуҳайфа Ваҳб ибн Абдуллоҳдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ Салмон ﷺ билан Абу Дардони ﷺ бир-бирларига биродар қилиб қўйдилар. Салмон ﷺ Абу Дардонинг ﷺ зиёратларига келиб, (у зотнинг хотинлари) Умму Дардони иш кийимида кўрдилар. Салмон: «Сенга нима бўлди?» деганларида, Умму Дардо: «Биродаринг Абу Дардонинг дунё билан иши бўлмай қолган», деди. Абу Дардо ﷺ келиб, Салмонга таом ҳозирладилар. Ва: «Таомдан егин, мен рўзадорман», дедилар. Салмон: «Сен бундан емагунингча мен ҳам емайман», деганларида, Абу Дардо ундан едилар. Қачонки, кечаси бўлганида Абу Дардо (намоз ўқиш учун) ўринларидан турдилар. Салмон ﷺ у кишига: «Ўтиб ухлагин», дедилар. Абу Дардо ухладилар. Сўнгра яна (намоз ўқиш учун) Абу Дардо ﷺ ўринларидан турдилар. Салмон ﷺ ухлагин, дедилар. Кечанинг охири бўлганида Салмон ﷺ: «Энди тургин», дедилар. Бас, икковлари бир бўлиб намоз ўқишди. Салмон ﷺ Абу Дардога: «Албатта сенинг устингда Раббингнинг ҳамда нафсинг ва аҳлингнинг ҳаққи бордир. Сен барчасининг эгасига ўз ҳаққини бергин-да», дедилар. Абу Дардо Расулуллоҳ ﷺ ҳузурларига бориб, бўлиб

ўтган нарсаларни зикр қилганларида, у зот: «Салмон тўғри айтибди», дедилар. *Имом Бухорий ривоятлари.*

150/9. Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Амр ибн Оссдан ﷺ ривоят қилинади. «Мининг «Ҳаётимнинг ҳаммасида кундузи рўза тутиб, кечаси қоим бўламан», деб айтган сўзим Расулуллоҳ ﷺга етказилибди. Шунда у зот: «Сен (ҳақиқатда) мана шу гапларни айтдингми?» дедилар. Мен: «Ота-онам сизга фидо, эй Расулуллоҳ, ҳақиқатда бу сўзларни айтдим», дедим. Расулуллоҳ ﷺ: «Сен буларни қилишга қодир эмассан. Рўза тутгин, оғзингни ҳам очгин. Ухлагин, қоим ҳам бўлгин. Бир ойда уч кун рўза ҳам тутгин. Чунки битта яхшиликка ўн баробар савоб берилур. Сен бу билан замоннинг барчасида рўза тутган бўласан», дедилар. Мен: «Бундан-да афзалига ҳам тоқат қила оламан», десам, у зот: «Ундай бўлса, бир кун рўза тутиб, икки кун оғзинг очиқ бўлсин», дедилар. Мен: «Бундан-да афзалига ҳам тоқат қила оламан», десам, у зот: «Ундай бўлса, бир кун рўза тутиб, бир кун оғзинг очиқ бўлсин. Мана шу рўзаларнинг энг тўғриси бўлган Довуд алайҳисаломнинг рўзаларидир», дедилар. (Бошқа бир ривоятда: «У (Довуднинг рўзалари) рўзаларнинг афзалидир», дейилган.) Мен: «Бундан афзалига ҳам тоқат қила оламан», дедим. Расулуллоҳ ﷺ: «Бундан афзали йўқдир», дедилар. У зот айтган уч кунни қабул қилганим менга аҳли ва молимдан яхшироқдир».

Яна бир бошқа ривоятда қуйидагича айтилади: «Расулуллоҳ ﷺ: «Менга етказилишича, сен: «Кундузи рўза ва кечаси (намоз билан) қоим бўламан», дебсан», деганларида, «Ҳа, эй Аллоҳнинг расули, шундай», дедим. У зот: «Бундай қилмагин. Рўза ҳам тут, оғзинг ҳам очиқ бўлсин. Ухлагин ҳам, намоз билан қоим ҳам бўл. Чунки жасадингнинг, кўзингнинг, хотинингнинг ҳамда меҳмонларингнинг сенинг устингда ҳаққи бордир. Албатта ҳар ойда уч кун рўза тутишинг сенга кифоя қилади. Чунки ҳар бир яхшилик ўн баробар қилиб берилади. Бу билан (яъни, ҳар ойда уч кун рўза тутишинг билан) умрингнинг ҳаммасида рўза тутган бўласан», дедилар. Мен қаттиқроқ бўлишини хоҳлагандим, бас, менга кучайтирилди. Мен: «Қувватим етарли бор», дедим. У зот: «Аллоҳнинг пайғамбари Довуднинг рўзасидек рўза тутгин. Бундан зиёда қилмагин», деганларида, мен: «Довуднинг рўзалари қанақа эди?» десам, у зот: «Умрнинг ярмидаги (рўза)», деб айтдилар», дедилар Абдуллоҳ. Абдуллоҳнинг ﷺ ёшлари улғайгач: «Кошкийди, мен Расулуллоҳ ﷺнинг рухсатларини қабул қилган бўлсам эди», дедилар.

Яна бир бошқа ривоятда мана бундай дейилади: «Расулуллоҳ ﷺ: «Менга етказилишича, сен умрингнинг ҳаммасида рўза тутиб, ҳар кеча Қуръон ўқирмишсан?» деганларида, мен: «Ҳа, эй Аллоҳнинг расули! Бу билан мен фақат яхшиликни хоҳлайман», дедим. Шунда у зот: «Сен Аллоҳнинг пайғамбари Довуднинг рўзаси каби рўза тутгин. Чунки у инсонларнинг энг ибодат қилувчиси эди. Ва Қуръонни ҳар ойда (хатм қилиб) ўқигин», дедилар. Мен: «Эй Аллоҳнинг расули, бундан-да афзалига тоқат қила оламан», дедим. У зот: «Ундай бўлса, ҳар йигирма кунда (хатм қилиб) ўқигин», дедилар. Мен: «Эй Аллоҳнинг расули, бундан-да афзалига тоқат қила оламан», дедим. У зот: «Ундай бўлса, ҳар ўн кунда (хатм қилиб)

ўқигин», дедилар. Мен: «Эй Аллоҳнинг расули, бундан-да афзалига тоқат қила оламан», дедим. У зот: «Ундай бўлса, ҳар етти кунда (хатм қилиб) ўқигин, бунга зиёда қилмагин», дедилар. Мен қаттиқроқ бўлишини хоҳлаган эдим, бас, менга кучайтирилди. Расулуллоҳ ﷺ: «Сен билмайсан, балки умринг узун бўлар», деб менга айтдилар. Мен у зот айтган ёшга етиб улғайгач: «Кошкийди, Расулуллоҳ ﷺ рухсатларини қабул қилган бўлсам эди», деб айтдим».

Яна бир бошқа ривоятда: «Болаларингнинг сенинг устингда ҳаққи бордир», дейилган.

Яна бир бошқа ривоятда: «Расулулллоҳ ﷺ: «Ким умр бўйи рўза тутса, рўзаси йўқдир», деб уч марта айтдилар», дейилган.

Яна бир бошқа ривоятда: «Аллоҳ таолога рўзаларнинг яхшиси Довуд алайҳиссаломнинг рўзаларидир. Аллоҳ таолога намозларнинг яхшиси Довуд алайҳиссаломнинг намозларидир. Кечанинг ярмида ухлаб, учдан бирида туриб, ибодат ила машғул бўлиб, олтидан бирида яна ухлардилар. Бир кун рўза тутиб, бир кун оғизлари очиқ бўлар эди. Агар душманга йўлиқсалар, қочмас эдилар», дейилган.

Яна бир бошқа ривоятда қуйидагича келтирилади: «Абдуллоҳ ﷺ «Отам мени обрўли бир кишининг қизига уйлантириб қўйдилар. Отам келинидан ҳол-аҳвол ва менинг муомалам ҳақида ҳам сўрадилар. Келин: «(Ўғлингиз) одамларнинг энг яхшиси эканлар-у, аммо келганимдан бери кўрпани босмас ва пардани изламас эканлар (яъни, шаръий қовушишдан ўзларини тияр эканлар)», деди. Бу ҳолат узайиб кетганида, унинг отаси Расулуллоҳ ﷺга зикр қилди. У зот: «Абдуллоҳни менга йўлиқтиринглар», дедилар. Мен у зотга бу сўзлардан кейин учрашдим. У зот: «Қандай рўза тутасан?» дедилар. Мен: «Ҳар куни», дедим. «Қандай хатм қиласан?» дедилар. Мен: «Ҳар кечада», дедим ...» дедилар. Кейин юқоридаги (рўзанинг ҳамда хатмнинг афзалликларини) зикр қилдилар. Абдуллоҳ ﷺ кечқурун енгил бўлиши учун ўқийдиган еттидан бир Қуръонларини кундузи уйдагиларга ўқиб берардилар. Агар қувватли бўлишни хоҳласалар, баъзи кунларда оғизларини очиб (қазо қилиб), уни ҳисоблаб қўярдилар, худди ўшани кейин Расулуллоҳга айтган нарсаларидан фарқланиб қолишини кариҳ кўрганлари учун қазосини тутардилар.

Буларнинг ҳаммаси саҳиҳ бўлиб, аксарияти икки «Саҳиҳ» китобида, озроғи иккисининг бирида келтирилган.

151/10. Абу Рибъий Ҳанзала ибн Рабийъ ал-Усаййидийдан ﷺ ривоят қилинади (бу зот Расулуллоҳ ﷺнинг котибларидан бири эдилар): «Абу Бакр ﷺ менга йўлиқиб: «Эй Ҳанзала, аҳволинг қандай?» дедилар. Мен: «Ҳанзала мунофиқ бўлиб қолди», дедим. Абу Бакр: «Субҳаналлоҳ, нима деяпсан?» деб айтдилар. Мен: «Расулуллоҳ ﷺ ҳузурларида бўлганимизда бизга жаннат ва дўзахни эслатсалар, гўёки кўз билан кўргандек бўламиз. Агар у зотнинг ҳузурларидан чиқиб, хотинларимиз, болаларимиз ва рўзғорларимизга машғул бўлсак, (муҳим гапларнинг) кўпини унутамиз», дедим. Абу Бакр ﷺ: «Биз ҳам шу нарсага мубталомиз», дедилар. Бас, Абу Бакр ва мен йўлга

равона бўлиб, Расулуллоҳ ﷺ ҳузурларига кирдик. «Эй Аллоҳнинг расули! Ҳанзала мунофиқ бўлиб қолди», дедим. Расулуллоҳ ﷺ: «Бу нима деганинг?» дедилар. Мен: «Эй Аллоҳнинг расули! Сизнинг ҳузурингизда эканимизда бизга жаннат ва дўзахни эслатсангиз, гўёки кўзимиз билан кўргандек бўламиз. Агар сизнинг ҳузурингиздан чиқиб, хотинларимиз, болаларимиз ва рўзғорларимизга машғул бўлсак, (муҳим гапларнинг) кўпини унутамиз», дедим. Шунда у зот: «Менинг жоним Унинг қўлида бўлган Зотга қасамки, агар сизлар менинг ҳузуримдаги нарсада ва Аллоҳнинг зикрида бардавом бўлсангизлар, фаришталар сизлар билан тўшагингиз ва йўлларингизда қўл бериб сўрашиб, салом-алик қилишади. Лекин, эй Ҳанзала, гоҳи пайт ундай ва гоҳи пайт бундай», деб уч марта айтдилар (яъни, бир пайт ибодат қилиш ва бошқа бир пайт фоний дунёда инсон муҳтож бўладиган рўзғор ишларига машғул бўлишидир)». *Имом Муслим ривоятлари.*

152/11. Ибн Аббосдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ хутба қилиб турувдилар, бир тик турган кишига (кўзлари тушиб) у ҳақда сўрадилар. Улар: «Бу Абу Исроил деган киши бўлиб, қуёшда туриб сояланмасликка, ўтирмасликка, гапирмасликка ва рўза тутишликка назр қилган», дейишди. Расулуллоҳ ﷺ: «Унга буюринглар, гапирсин, соялансин, ўтирсин ҳамда рўзасини тамомласин», дедилар. *Имом Бухорий ривоятлари.*

15-БОБ

Амалларнинг бардавом бўлишини муҳофаза қилиш баёни

Аллоҳ таоло:

«Имон келтирган зотлар учун диллари Аллоҳнинг зикрига ва нозил бўлган Ҳақ – Қуръонга мойил бўлиш (вақти) **келмадими?** (Шунингдек, улар учун) **илгари китоб ато этилган. Сўнг** (улар билан пайғамбарлари ўртасидаги) **муддат узайгач, диллари қотиб кетган кимсалар** (яъни, яҳудий ва насронийлар) **каби бўлиб қолмаслик** (вақти келмадими?)**»** (Ҳадид сураси, 16-оят);

«Сўнгра уларнинг изларидан кетма-кет пайғамбарларимизни юбордик ва Исо ибн Марямни ҳам (уларнинг) **ортидан юбордик ва унга Инжил ато этдик ҳамда унга эргашган зотларнинг дилларида меҳрибонлик ва раҳм-шафқат** (пайдо) **қилдик. Роҳибликни эса улар ўзлари чиқариб олдилар. Биз уларга** (роҳиб бўлишларини) **ёзганимиз-буюрганимиз йўқ, лекин улар ўзлари Аллоҳнинг розилигини истаб** (роҳибликни одат) **қилдилар-у, сўнг унга тўғри-тўла риоя қила олмадилар»** (Ҳадид сураси, 27-оят);

«Худди ўзи тўқиган нарсасини пишиқ-пухта бўлганидан сўнг парча-парча қилиб бузиб, чуватиб ташлаган хотинга ўхшаб қолмангиз» (Наҳл сураси, 92-оят);

«(Шунингдек) **то сизга аниқ-нарса** (яъни, ўлим соати) **келгунича Парвардигорингизга ибодат қилинг!»** (Ҳижр сураси. 99-оят) деб айтди.

Оишадан ривоят қилинган бу ҳадис шунга далилдир: «Аллоҳ таолога ибодатнинг яхшиси киши унда бардавом бўлганидир».

153/1. Умар ибн Хаттобдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Кимки кечасидаги амали ёки бирор вазифасидан ухлаб қолса-ю, уни бомдод билан пешин оралиғида ўқиб олса, гўёки унга кечаси ўқиганнинг савоби ёзилади», дедилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

154/2. Абдуллоҳ ибн Амр ибн Оссдан ﷺ ривоят қилинади. «Расулуллоҳ ﷺ менга: «Эй Абдуллоҳ, фалон киши каби бўлмагин. У аввал кечада (намозга) турарди-да, кейин туришни тарк қилган эди», дедилар». *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

155/3. Оишадан ﷺ ривоят қилинади. «Расулуллоҳ ﷺнинг кечаси ўқийдиган намозлари касалликми ёки бошқа сабаб билан ўтиб кетадиган бўлса, кундузи ўн икки ракат ўқирдилар». *Имом Муслим ривоятлари.*

16-БОБ

Суннат ва унинг одобларига бардавом риоя қилиш баёни

Аллоҳ таоло:

«Пайғамбар ўзи сизларга ато этган нарсани олинглар, у зот сизларни қайтарган нарсадан қайтинглар» (Ҳашр сураси, 7-оят);

«Ва у (сизларга келтираётган Қуръонни) **ўз ҳавойи-хоҳиши билан сўзламас. У** (Қуръон) **фақат** (Аллоҳ томонидан пайғамбарга) **ваҳий қилинаётган** (туширилаётган) **бир ваҳийдир»** (Ван-нажм сураси, 3–4-оятлар);

«Айтинг (Эй Муҳаммад)**, агар Аллоҳни севсангиз, менга эргашинглар. Шунда Аллоҳ сизларни севади ва гуноҳларингизни мағфират қилади»** (Оли-Имрон сураси, 31-оят);

«(Эй мўминлар)**, сизлар учун – Аллоҳ ва охират кунидан умидвор бўлган ҳамда Аллоҳни кўп ёд қилган кишилар учун Аллоҳнинг пайғамбари** (имон-эътиқоди ва хулқи, атвори)**да гўзал намуна бордир»** (Аҳзоб сураси, 21-оят);

«Йўқ, Парвардигорингизга қасамки, то улар ўз ўрталарида чиққан келишмовчиликларда сизни ҳакам қилмагунларича ва кейин сиз чиқарган ҳукмдан дилларида ҳеч қандай танглик топмай, тўла таслим бўлмагунларича – бўйинсунмагунларича зинҳор мўмин бўла олмайдилар» (Нисо сураси, 65-оят);

«Борди-ю бирон нарса ҳақида талашиб қолсангиз, – агар ҳақиқатан Аллоҳга ва охират кунига ишонсангиз, – у нарсани Аллоҳга ва пайғамбарига қайтарингиз» (яъни, Қуръон ва суннатга)**»** (Нисо сураси, 59-оят);

«Кимки пайғамбарга итоат этса, демак, Аллоҳга итоат этибди» (Нисо сураси, 80-оят);

«Албатта сиз (ўзингизга тушган ваҳий ёрдамида) **тўғри йўлга етаклайсиз. У** (йўл) **осмонлардаги ва ердаги бор нарса Ўзиники бўлган зот – Аллоҳнинг йўлидир»** (Шўро сураси, 52–53-оятлар);

«(Пайғамбарнинг) **амрига хилоф иш қиладиган кимсалар ўзларига бирон фитна – кулфат етиб қолишидан ёки аламли азоб етиб қолишидан ҳазир бўлсинлар!»** (Нур сураси, 63-оят);

«Уйларингизда Аллоҳнинг оятлари ва ҳикмат (яъни, пайғамбар ҳадислари)**дан иборат тиловат қилинадиган нарсаларни зикр-тиловат қилинглар»** (Аҳзоб сураси, 34-оят), деб айтган.

156/1. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Сизларга (гапирмасдан) қолдирган нарсаларимда мени ҳам (тинч) қолдиринглар (яъни, мендан ҳар бир нарсани сўрайверманглар). Чунки сизлардан олдинги (қавм)лар кўп савол бериб, пайғамбарлари билан ихтилоф қилишгани сабабли ҳалок бўлишгандир. Агар сизларни бирор нарсадан қайтарсам, ундан четланинглар. Агар бирор ишга буюрсам, қодир бўлганингизча уни бажаринглар», деб айтдилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

157/2. Абу Нажиҳ Ирбоз ибн Сориядан ﷺ ривоят қилинади. «Расулуллоҳ ﷺ бизга етук бир ваъз айтдилар. Қалблар ваҳимага тушди ва кўзлардан ёш оқди. Шунда биз: «Эй Расулуллоҳ, видолашувчи мавъиза бўлса керак, бизга васият қилинг», десак, у зот: «Сизларга Аллоҳдан тақво қилишни ҳамда агар ҳабаш қул бошлиқ этилса ҳам, эшитиб итоат этишни васият қиламан. Чунки сизлардан қайси бирингиз яшайдиган бўлса, кўп ихтилофларни кўради. Ана шу пайтда менинг суннатимни ва тўғри йўлда юрувчи хулафои рошидинлар суннатини ўзингизга лозим топиб, уни озиқ тишларингиз билан маҳкам тишланглар. Ишларнинг янгисидан четланинглар. Чунки ҳар бир бидъат залолатдир», дедилар». *Абу Довуд ва Термизийлар ривояти.*

158/3. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Рад қиладиганлардан ташқари умматимнинг барчаси жаннатга киради», деганларида, улар: «Эй Аллоҳнинг расули, рад қиладиганлар ким ўзи?» дейишди. Шунда Расулуллоҳ ﷺ: «Ким менга итоат қилса, жаннатга киради. Ким менга осийлик қилса, батаҳқиқ у рад қилибди», дедилар. *Имом Бухорий ривоятлари.*

159/4. Иёс ибн Амр ибн Акваъдан ﷺ ривоят қилинади. Бир киши Расулуллоҳ ﷺ ҳузурларида чап қўли билан (таом) еди. Расулуллоҳ ﷺ: «Ўнг қўлинг билан егин», дедилар. У киши: «Бунга қодир эмасман», деди. Кибрли эканлигигина (ўнг қўли билан ейишдан) ман қилди. Расулуллоҳ ﷺ: «(Бундан кейин ҳам) қодир бўлмагин», дедилар. У киши қайтиб ўнг қўлини оғзига етказа олмади. *Имом Муслим ривоятлари.*

160/5. Абу Абдуллоҳ Нўъмон ибн Баширдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Сафларингизни баробар қилинглар. (Агар бундай қилмасангизлар) Аллоҳ таоло (қалбларингизни ихтилофли қилиб, ораларингизга ғазаб-адоватни солиб қўйиш билан) юзларингизни бир-бирига мухолиф қилиб қўяди», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

Имом Муслимнинг ривоятларида қуйидагича айтилади: «Расулуллоҳ ﷺ сафларимизни гўёки камон ўқларини тергандек текислаб қўярдилар. Бизнинг тушунганимизни кўргунларича шундай қилдилар. Кейин бир куни (бизнинг ҳузуримизга) чиқиб, (намозга киришиш учун) такбир айтаман, деб турганларида, бир киши кўкрагини (бошқаларникига қараганда) бироз чиқариб турганини кўриб: «Эй Аллоҳнинг бандалари, сафларингизни баробар қилинглар. (Агар бундай қилмасангизлар) Аллоҳ таоло юзларингизни бир-бирига мухолиф қилиб қўяди», дедилар».

161/6. Абу Мусодан ﷺ ривоят қилинади. Мадинадаги бир уйда кечаси ёнғин бўлиб, аҳлларига ҳам зарар етди. Булар ҳақида Расулуллоҳ ﷺга гапирилганида, «Бу олов сизларнинг душманингиздир. Агар ухлайдиган бўлсангизлар, уни ўчириб қўйинглар», деб айтдилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

162/7. Абу Мусодан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Аллоҳ мен билан юборган ҳидоят ва илмнинг мисоли худди ерга тушган ёмғирга ўхшайди. У ер яхши бўлиб, сувни ўзида қабул қилиб, ўт-ўлан ва ўсимликларни ўстиради. Унинг баъзи жойлари қаттиқ бўлиб, ўзида сувни тўплайди. Бу сув билан Аллоҳ инсонларни нафлантиради. У сувдан ичиб, бошқа нарсаларини суғориб, экинларига ҳам қуядилар. Яна бошқа жойлари текис бўлиб, ўзида сув тўпламайди ҳамда ўт-ўлан ўстирмайди. (Аввалгининг) мисоли худди Аллоҳнинг динида фақиҳ бўлган кишига ўхшайди. Аллоҳ мен билан юборган нарса унга манфаат бериб, ўзи ўрганиб, бошқаларга ҳам ўргатади. (Иккинчисининг) мисоли бепарво бўлиб, бошини ҳам кўтариб қўймаган кишига ўхшайди. (Учинчиси) менга юборилган

Аллоҳнинг ҳидоятини қабул қилмаган кишига ўхшайди», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

163/8. Жобирдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Мен билан сизларнинг мисолингиз худди бир киши ўт ёқиб турса, чигиртка ва парвоналар ўзини унга отганида уларни ўтдан ҳайдаган кишига ўхшайди. Мен сизларни ўтга тушиб кетманглар, деб иштонбоғингиздан ушласам, сизлар бўлса, қўлимдан қочиб кетасизлар», дедилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

164/9. Жобирдан ﷺ ривоят қилинади. «Расулуллоҳ ﷺ (овқат еб бўлгандан кейин) бармоқ ва товоқларни яламоққа буюрдилар. Ва: «Сизлар қайси бирида барака бор эканлигини билмайсизлар», деб айтдилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

Муслимнинг бошқа ривоятларида қуйидагича келтирилади: «Расулуллоҳ ﷺ: «Сизлардан бирингизнинг (қўлидан) луқмаси тушиб кетса, унга теккан азиятли нарсани артиб, шайтонга қолдирмасдан ўзи есин. Ва бармоқларини сочиққа артмасдан олдин ялаб олсин. Чунки таомининг қаерида барака борлигини билмайди», дедилар».

Муслимнинг яна бир бошқа ривоятларида эса мана бундай дейилади: «Шайтон кишиларнинг ҳар бир ишида, хатто таомланаётган пайтида ҳам ҳозир бўлади. Агар сизлардан бирингизнинг (қўлидан) луқмаси тушиб кетса, ундаги азиятли нарсани артиб, шайтонга қолдирмасдан ўзи есин».

165/10. Ибн Аббосдан ﷺ ривоят қилинади: «Расулуллоҳ ﷺ бизнинг орамизда туриб қуйидагича ваъз қилдилар: «Эй инсонлар, Аллоҳ таолога ялангоёқ, яланғоч, хатна қилинмаган ҳолда тўпланурсизлар. Худди Аллоҳ бу ҳақда: «Биринчи марта қандай яратган бўлсак, (ўша ҳолга) қайтарурмиз. (Бу) Бизнинг зиммамиздаги ваъдадир. Албатта Биз (шундай) қилгувчидирмиз», деб айтганига мувофиқ. Огоҳ бўлинг, халойиқлардан биринчи кийим кийгизиладиган зот Иброҳим алайҳиссаломдирлар. Огоҳ бўлинг, умматимдан бир қанча кишилар олиб келиниб, чап томонга (дўзах томонга) олиб борилади. Мен: «Эй Раббим, булар менинг асҳобларим-ку», десам, «Сиздан кейин нималар пайдо қилишганини билмайсиз», дейишади фаришталар. Мен ана шу пайтда солиҳ банда (Исо алайҳиссалом) айтган қуйидаги сўзларни айтаман: «Ва ораларида бўлган муддатимда уларнинг устида гувоҳ бўлиб турдим. Мени Ўз ҳузурингга чорлаганингдан кейин эса Сен Ўзинг уларнинг устида кузатувчи бўлдинг. Сен Ўзинг ҳамма нарсага гувоҳдирсан. Агар уларни азобласанг, улар сенинг ожиз бандаларинг. Агар уларни мағфират қилсанг, албатта Сен Ўзинг қудрат, ҳикмат эгасидирсан». Кейин менга: «Сиз улардан ажралганингиздан бери орқаларига қайтиб, муртад бўлишда бардавом бўлишди», дейилади». *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

166/11. Абу Саид Абдуллоҳ ибн Муғаффалдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ (қўл билан) майда тошларни отиб (ўйнашдан) ман қилдилар. Ва: «Бу билан ов ҳам қилиб бўлмайди, душманни ҳам ўлдириб бўлмайди. Фақат у кўзни чиқариб, тишни синдиради, холос», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

Бошқа ривоятда қуйидагича келтирилади: «Абдуллоҳ ибн Мағаффалнинг ﷺ бир қариндоши майда тошларни отиб ўйнаётганида, Ибн Муғаффал бундай қилишдан уни қайтарди. Ва: «Расулуллоҳ ﷺ майда тошларни отиб ўйнашни ман қилганлар. Чунки у билан ов қилиб бўлмайди», деди. Қариндоши эса яна отаверди. Шунда Абдуллоҳ ибн Муғаффал: «Сенга Расулуллоҳ ﷺ тош отишни ман қилганларини айтсам, сен яна уни қиляпсан-а, мен сен билан ҳечам гаплашмайман», дедилар».

167/12. Обис ибн Рабийъадан ﷺ ривоят қилинади. Умар ибн Хаттоб ﷺ қора тошни ўпа туриб: «Биламан, сен фойда ҳам, зарар ҳам бера олмайдиган бир тошдирсан. Агар Расулуллоҳ ﷺнинг сени ўпганларини кўрмаганимда, мен ҳам сени ўпмас эдим», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

17-БОБ

Аллоҳнинг ҳукмига бўйинсунишнинг вожиблиги баёни

Аллоҳ таоло:

«Йўқ, Парвардигорингизга қасамки, то улар ўз ўрталарида чиққан келишмовчиликларда сизни ҳакам қилмагунларича ва кейин сиз чиқарган ҳукмдан дилларида ҳеч қандай танглик топмай, тўла таслим бўлмагунларича – бўйинсунмагунларича зинҳор мўмин бўла олмайдилар» (Нисо сураси, 65-оят),

«Аллоҳ ва Унинг пайғамбарига ўрталарида ҳукм чиқариш учун чорланган вақтларида мўминларнинг сўзи «эшитдик ва бўйинсундик» (демоқдир). **Ана ўшаларгина нажот топгувчилардир»** (Нур сураси, 51-оят), деб айтган.

Бунга юқоридаги бобда Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинган 156-рақамли ҳадис ҳам далил бўлади.

168/1. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺга: «Осмонлару ва ердаги бор нарса Аллоҳникидир. Ичингиздаги нарсани хоҳ ошкор қилинг, хоҳ яширинг, Аллоҳ сизларни ўша нарса билан ҳисоб-китоб қилади», деган оят нозил бўлганида, у зотнинг саҳобаларига ана шу оят оғир келди. Улар Расулуллоҳ ﷺ ҳузурларига бориб, тиззалари ила тиз чўкиб: «Эй Аллоҳнинг расули, бизнинг тоқатимиз етмайдиган амалларни юклаяпсиз. Бизга намоз, жиҳод, рўза, садақа каби амаллар бордир. Бу нозил бўлган оятга тоқатимиз етмайди», дейишганида, Расулуллоҳ ﷺ: «Сизлар ҳам ўзингиздан олдинги аҳли китоблар (насоро-яҳудийлар) айтганларидек «эшитдик ва осийлик қилдик», деб айтмоқни хоҳлайсизларми? Балки «эшитдик, итоат қилдик. Эй Раббимиз, бизни мағфират қил. Қайтиш Сенгадир», деб айтинглар», дедилар. Қачонки, қавм бу оятни ўқишганида тиллари бўйинсуна бошлади. Аллоҳ таоло унинг кетидан қуйидаги оятни нозил қилди:

«Пайғамбар ўзига Парвардигоридан нозил қилинган нарсага имон келтирди ва мўминлар (ҳам имон келтирдилар)**. Аллоҳга, фаришталарига, китобларига ва пайғамбарларига имон келтирган**

ҳар бир киши (айтди)**: «Унинг пайғамбарларидан бирон кишини ажратиб қўймаймиз. Ва эшитдик ва итоат этдик. Парвардигоро, гуноҳларимизни мағфират қилишингни сўраймиз. Ва фақат Ўзингга қайтажакмиз»**. Саҳобалар ана шу оятга амал қилдилар. Аллоҳ таоло қуйидаги оятни нозил қилиши билан юқоридаги оятни мансух қилди:

«Аллоҳ ҳеч бир жонни тоқатидан ташқари нарсага таклиф қилмайди. (Ҳар кимнинг) **қилган** (яхши) **амали ўзи учундир ва (ёмон) амали ҳам ўзининг бўйнигадир. Парвардигоро, агар унутган ёки хато қилган бўлсак, бизни азобингга гирифтор айлама! Парвардигоро, бизларнинг зиммамизга биздан илгари ўтганларнинг бўйинларига қўйган юкингни юклама! Парвардигоро, бизларни тоқатимиз етмайдиган нарсага зўрлама! Бизларни авф эт,** (гуноҳларимизни) **мағфират қил,** (ҳолимизга) **раҳм айла. Ўзинг хожамизсан. Бас, бу кофир қавм устига Ўзинг бизни ғолиб қил».** (Бақара сураси, 285–286-оятлар). *Имом Муслим ривоятлари.*

18-БОБ

Янги пайдо бўлган бидъатлардан қайтариш баёни

Аллоҳ таоло:

«Ҳақиқатдан кейин эса фақатгина йўлдан озиш бор, холос» (Юнус сураси, 32-оят);

«Китобда (яъни, тақдири азал китобида) **бирон нарсани қўймай** (ёзганмиз)**»** (Анъом сураси, 38-оят);

«Борди-ю бирон нарса ҳақида талашиб қолсангиз, у нарсани Аллоҳга ва пайғамбарига қайтаринг» (яъни, Қуръон ва суннатга)**»** (Нисо сураси, 59-оят);

«Албатта, мана шу Менинг Тўғри Йўлимдир. Бас, шу йўлга эргашинглар! (Бошқа) **йўлларга эргашмангизки, улар сизларни Унинг йўлидан узиб қўяр»** (Анъом сураси, 153-оят);

«Айтинг (эй Муҳаммад)**: «Агар Аллоҳни севсангиз, менга эргашинглар. Шунда Аллоҳ сизларни севади ва гуноҳларингизни мағфират қилади»** (Оли-Имрон сураси, 31-оят), деб айтган.

169/1. Оишадан ﵂ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Кимки бизнинг ишимизда диндан бўлмаган бирор янгилик қилса, бас, у рад қилингандир», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

Муслимнинг ривоятларида: «Кимки бизнинг ишимиз бўлмаган бирор амални бажарса, бас, у рад қилингандир», деб келтирилган.

170/2. Жобирдан ﵁ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ агар хутба қилсалар, икки кўзлари қизариб, овозлари баландлашиб, ғазаблари яна ҳам кучайиб, гўёки тонгда ва кечқурун (душман) аскарлари ҳамла қилишидан

огоҳ этгандек бўлардилар. Ва у зот: «Мен ва Қиёмат мана бундай юборилдим», деб кўрсатгич ва ўрта бармоқларини (бир-бирига) яқин қилардилар. Ва яна у зот: «Аммо баъд, сўзнинг яхшиси Аллоҳнинг китоби, ҳидоятларнинг яхшиси Муҳаммад ﷺ ҳидоятлари, ишларнинг ёмони ҳар бир янги пайдо бўлган (бидъат) ишдир. Ҳар бир бидъат залолатдир», дедилар. Сўнгра яна: «Мен мўминларга ўз нафсидан ҳам ҳақлироқман. Ким мол-дунё қолдирса, унга аҳли ҳақлироқдир. Ким қарз ёки оила ва болаларини қолдирса, (уларнинг масъулияти) менга ва менинг гарданимга», дедилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

171/3. Иброз ибн Сориядан ривоят қилинган 157-рақамли ҳадис ҳам бу бобга далил қилинади.

19-БОБ
Яхши ёки ёмон суннат (йўл) қолдириш баёни

Аллоҳ таоло:

«Улар: «Парвардигоро, Ўзинг бизларга жуфти ҳалолларимиздан ва зурриётларимиздан шод-ҳуррамлик ҳадя этгин ва бизларни тақводорларга пешво қилгин», дейдиган кишилардир» (Фурқон сураси, 74-оят);

«Яна уларни Бизнинг амримиз билан (кишиларни Ҳақ йўлга) **ҳидоят этадиган пешволар қилдик»** (Анбиё сураси, 73-оят), деб айтган.

172/1. Абу Амр Жарир ибн Абдуллоҳдан ﷺ ривоят қилинади. «Бизлар куннинг ўртасида Расулуллоҳ ﷺ ҳузурларида эдик. Яланғоч, жундан тўқилган кийимлар ёки чопонларини тешиб бошларидан ўтказиб олган бир қавм келди. Уларнинг аксарлари, балки барчалари Музар қабиласидан эди. Улардаги муҳтожликни кўриб Расулуллоҳ ﷺнинг чеҳралари ўзгариб кетди. Уйларига кириб кетдилар. Сўнгра чиқиб Билолга ﷺ азон ва иқомат айтишни буюрдилар. Кейин намоз ўқиб, қуйидагича хутба қилдилар: «Эй одамлар! Сизларни бир жондан яратган ва ундан унинг жуфтини яратиб, икковларидан кўплаб эркагу аёлларни тарқатган Раббингиздан қўрқинглар! Номини ишлатиб, бир-бирингиздан сўровда бўладиганингиз Аллоҳдан ва қариндошлик (алоқалари)дан қўрқинг. Албатта Аллоҳ устингиздан кузатувчи Зотдир. Эй имон келтирганлар! Аллоҳга тақво қилинглар! Ҳар ким эрталик кун учун нима қилганини кўриб қўйсин. Киши диноридан, дирҳамидан, кийимидан, бир соъ буғдойидан, бир соъ хурмосидан, ҳаттоки агар хурмонинг ярмини бериб бўлса ҳам, садақа қилсин», дедилар. Ансорийлардан бўлган бир киши халтада кумуш олиб келди. Қўли уни кўтаришга ожизлик қилай, дерди. Балки ожиз қолди ҳам. Кейин одамлар бирин-кетин нарса олиб келишни бошлашди, ҳаттоки овқат ва кийимлардан икки уюм бўлганини кўрдим. Ва яна Расулуллоҳ ﷺнинг (хурсанд бўлганларидан) юзлари олтин каби ярақлаганини кўрдим. У зот: «Кимки Исломда бир яхши суннат (йўл) чиқарса, савоби унга бўлиб, яна ундан кейин бу йўл билан амал қилганларнинг савоби ҳам етур. (Бу билан амал

қилганларнинг) савобларидан бирор нарса камайтирилмайди. Кимки Исломда ёмон суннат (йўл) чиқарса, гуноҳи унга бўлиб, яна ундан кейин бу йўл билан амал қилганларнинг гуноҳи ҳам етур. (Бу билан амал қилганларнинг) гуноҳларидан бирор нарса камайтирилмайди», дедилар». *Имом Муслим ривоятлари.*

173/2. Ибн Масъуддан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Бирор нафс зулм билан ўлдирилса, у қоннинг гуноҳида Одам болаларининг биринчиси (Қобил)нинг ҳиссаси бордир. Чунки Қобил ўлдириш одатини биринчи чиқарган кишидир», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

20-БОБ
Яхшиликка далолат қилиш ва ҳидоятга ёки залолатга чақириш баёни

Аллоҳ таоло:

«Сиз (одамларни ҳам ёлғиз) **Парвардигорингизга** (ибодат қилишга) **чорланг»** (Қасос сураси, 87-оят);

«(Эй Муҳаммад), **Парвардигорингизнинг йўли – динига донолик-ҳикмат ва чиройли панд-насиҳат билан даъват қилинг»** (Наҳл сураси, 125-оят);

«Яхшилик ва тақво йўлида ҳамкорлик қилингиз» (Моида сураси, 2-оят);

«Ораларингиздан яхшиликка (Исломга) **даъват қиладиган жамоат бўлсин»** (Оли-Имрон сураси, 104-оят), деб айтган.

174/1. Абу Масъуд Уқба ибн Амр ал-Ансорий ал-Бадрийдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Ким яхшиликка далолат қилса (йўналтирса), унга амал қилувчининг савобидек ажр ёзилади», дедилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

175/2. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Ким ҳидоятга чақирса, эргашувчи кишининг савобидек унга ҳам ажр бўлади. (Бу билан амал қилган кишининг) савобидан бирор нарса камаймайди. Кимки залолатга чақирса, эргашувчи кишининг гуноҳидек унга гуноҳ ёзилади. (Бу билан амал қилган кишининг) гуноҳидан бирор нарса камаймайди» дедилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

176/3. Абу Аббос Саҳл ибн Саъд ас-Соъидийдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ Хайбар куни: «Эртага бу байроқни бир кишига бераманки, Аллоҳ таоло у кишининг қўлида (мамлакатни) фатҳ қилади. У Аллоҳ ва

расулини яхши кўради. Уни ҳам Аллоҳ ва расули яхши кўради», деганларида, кишилар у байроқни қайси бирларига берилиши ҳақида кечаси гаплашиб чиқишди. Қачонки, тонг отганида кишилар Расулуллоҳ ﷺ ҳузурларига етиб келишди. Барчалари байроқни ўзларига берилишини умид қилишар эди. Расулуллоҳ ﷺ: «Али ибн Абу Толиб қаерда?» деганларида, улар: «Эй Аллоҳнинг расули, унинг кўзи оғрияпти», дейишди. У зот: «Мени унинг олдига олиб боринглар», дедилар. Бас, у зот олиб борилганида, Алининг ؓ кўзларига муборак тупукларини суртиб дуо қилдилар. Бас, у киши худди оғриқ бўлмагандек тузалиб кетдилар. Ва байроқ у зотга берилди. Шунда Али ؓ: «Эй Аллоҳнинг расули, улар биз каби (мусулмон) бўлмагунларича урушавермайми?» деганларида, Расулуллоҳ ﷺ: «Сен уларнинг турган жойларигача охиста юриб бор. Кейин уларни Исломга чақир. Ва Аллоҳнинг ҳаққидан вожиб бўлган нарсаларнинг хабарини бер. Аллоҳга қасамки, Аллоҳ таоло сен сабабли бир кишини ҳидоят қилмоғи қизил туядан ҳам яхшироқдир», дедилар. (Қизил туя ўша пайтда араблардаги энг қимматбаҳо буюм бўлган.) *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

177/4. Анасдан ؓ ривоят қилинади. Аслам қабиласидан бўлган бир йигит: «Эй Аллоҳнинг расули, мен ғазотга (урушга) боришни хоҳлайман-у, лекин унга тайёргарлигим йўқ», деганида, у зот: «Фалончи кишига боргин, у урушга тайёргарлик қилган-у, аммо касал бўлиб қолди», дедилар. Йигит ҳалиги касал киши ҳузурига бориб: «Расулуллоҳ ﷺ сенга салом йўлладилар ва тайёргарлик қилиб қўйган нарсангни менга беришингни айтдилар», деганида, у киши хотинига: «Эй фалончи, мен тайёрлаб қўйган нарсани бу йигитга бериб юбор. Ундан бирор нарсани олиб қолмагин. Аллоҳга қасамки, ундан бирор нарса олиб қолсанг, барака берилмас», деди. *Имом Муслим ривоятлари.*

21-БОБ
Яхшилик ва тақво йўлида бир-бирига ёрдам бериш баёни

Аллоҳ таоло:

«Яхшилик ва тақво йўлида ҳамкорлик қилингиз» (Моида сураси, 2-оят);

«Аср (вақти)**га қасамки,** (барча) **инсон зиён-бахтсизликдадир. Фақат имон келтирган ва яхши амаллар қилган, бир-бирларига Ҳақ** (йўли)**ни тавсия этган ва бир-бирларига** (мана шу Ҳақ йўлида) **сабр-тоқат қилишни тавсия этган зотларгина** (нажот топгувчидирлар)**»** (Вал-аср сураси, 1–3-оятлар), деб айтган. Имом Шофеъий: «Албатта кишиларнинг кўплари бу сурани тадаббур қилишдан ғафлатдадирлар», деган маънода сўз айтганлар.

178/1. Абу Абдураҳмон Зайд ибн Холид ал-Жуҳанийдан ؓ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Кимки Аллоҳнинг йўлида урушга чиқувчи кишини (керакли нарсалар билан) таъминласа, ғазот қилувчи кишидек савобга эга бўлади. Кимки урушга кетган мужоҳиднинг аҳлига яхшилик билан ўринбосар

бўлса (яъни, унинг бола-чақасидан хабар олиб, хизматларини қилиб турса), у ҳам ўша кишидек савобга эга бўлади», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

179/2. Абу Саид ал-Худрийдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ Бани Лаҳён қабиласига Ҳузайл қабиласидан бир гуруҳни жўнатаётиб: «Ҳар икки кишилик (уйдан) бирини жўнатсин. Улар ораларида савоб баробардир», дедилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

180/3. Ибн Аббосдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ Равҳо деган жойда бир тўда отлиқ кишиларга йўлиқиб: «Ким бу қавм?» деганларида, улар: «Биз мусулмонлармиз, ўзингиз кимсиз?» дейишди. У зот: «Аллоҳнинг расулиман», дедилар. Бир хотин ёш гўдакни кўтариб: «Бунинг учун ҳам ҳаж бўладими?» деди. Расулуллоҳ ﷺ: «Ҳа, (унга ҳаж бўлиб) сенга ажр бўлади», дедилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

181/4. Абу Мусо ал-Ашъарийдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Мукаммал ҳолатда хушвақтлик билан тайин қилинган шахсга (омонатни) бериб, буюрилган нарсани бажарувчи ишончли, хазиначи мусулмон садақа қилувчиларнинг биридир», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

22-БОБ
Насиҳат хусусида

Аллоҳ таоло:

«Мўминлар ҳеч шак-шубҳасиз оға-инилардир» (Ҳужурот сураси, 10-оят), деб айтди. Ва яна Нуҳ алайҳиссалом ҳақларида:

«Мен сизларга насиҳат қиламан» (Аъроф сураси, 62-оят), деганларининг ҳамда Ҳуд алайҳиссалом ҳақларида:

«Мен сизлар учун ишончли насиҳат қилувчиман», деб айтганларининг хабарини берди (Аъроф сураси, 68-оят).

182/1. Абу Руқайя Тамийм ибн Авс ад-Дорийдан ﷺ ривоят қилинади. «Расулуллоҳ ﷺ: «Дин хайрихоҳликдир», деганларида, биз: «Ким учун, эй Аллоҳнинг расули?» деб айтдик. Шунда у зот: «Аллоҳга, Унинг китобига, расулига, мусулмонлар имомига ва оммасига», деб айтдилар». *Имом Муслим ривоятлари.*

(Аллоҳга бўлган хайрихоҳлик – Унга имон келтириб, айтганларини қилиб, қайтариқларидан қайтиш. Китобига бўлган хайрихоҳлик – ундаги нарсаларга бўйсуниб, тиловат қилиш. Расулига бўлган хайрихоҳлик – у олиб келган рисолатни тасдиқлаш. Мусулмонлар имомига бўлган хайрихоҳлик – ҳақ йўлда бўлсалар, уларга ёрдам бериб, итоат қилиш. Оммага бўлган хайрихоҳлик – уларга амру-маъруф, наҳий-мункар қилиб ҳамда азият бермаслик билан бўлади... – тарж.)

183/2. Жарир ибн Абдуллоҳдан ﷺ ривоят қилинади. «Расулуллоҳ ﷺга намозни қоим қилишга, закот беришга ва барча мусулмонларга нисбатан хайрихоҳ бўлишга байъат қилдим». *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

184/3. Анасдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Сизлардан бирингиз ўз нафси учун яхши кўрган нарсасини биродари учун ҳам яхши кўрмагунича мўмин бўла олмайди», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

23-БОБ
Яхшиликка буюриб, ёмонликдан қайтариш баёни

Аллоҳ таоло:

«Ораларингиздан яхшиликка (Исломга) **даъват қиладиган, ибодат-итоатга буюрадиган ва исён-гуноҳдан қайтарадиган бир жамоат бўлсин. Ана ўшалар нажот топгувчилардир»** (Оли Имрон сураси, 104-оят);

«(Эй уммати Муҳаммад)**, одамлар учун чиқарилган миллатларнинг энг яхшиси бўлдингиз. Зеро, сиз яхши амалларга буюрасиз, ёмон амаллардан қайтарасиз»** (Оли Имрон сураси, 110-оят);

«(Эй Муҳаммад)**, марҳаматли бўлинг, яхшиликка буюринг ва жоҳиллардан юз ўгиринг»** (Аъроф сураси, 199-оят);

«Мўмин ва мўминалар бир-бирларига дўстдирлар. Улар яхшиликка буюрадилар, ёмонликдан тўхтатадилар» (Тавба сураси, 71-оят);

«Бани Исроил орасидан кофир бўлган кимсалар Довуд ва Исо ибн Марям тилида лаънатлангандирлар. Бунга сабаб уларнинг қилган исёнлари ва тажовузкор бўлганларидир. Улар бир-бирларини қилган нолойиқ ишларидан қайтармас эдилар. Бу қилмишлари нақадар ёмон иш» (Моида сураси, 78–79-оятлар);

«Айтинг, (Бу Қуръон) **Парвардигорингиз томонидан** (келган) **ҳақиқатдир. Бас, хоҳлаган киши имон келтирсин, хоҳлаган кимса кофир бўлсин»** (Каҳф сураси, 29-оят);

«Бас, сиз ўзингизга буюрилган ишни (яъни, ҳақ динга даъват қилишни) **юзага чиқаринг»** (Ҳижр сураси, 94-оят);

«Бу гуноҳ ишдан қайтарган зотларга нажот бердик ва золим кимсаларни итоатсиз бўлганлари сабабли қаттиқ азоб билан ушладик» (Аъроф сураси, 165-оят), деб айтган.

185/1. Абу Саид ал-Худрийдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Кимки ножўя, ярамас ишни кўрса, қўли билан ўзгартирсин. Агар унга қодир бўлмаса, тили билан ўзгартирсин. Агар унга ҳам қодир бўлмаса, қалби билан ўзгартирсин. Мана шу (учинчиси) имонларнинг заифидир», дедилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

186/2. Ибн Масъуддан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Мендан олдинги умматга Аллоҳ таоло бирор пайғамбарни юборса, уммати ичида унинг издошлари ва асҳоблари бўлиб, унинг суннатига амал қилиб, буйруқларига бўйсунишар эди. Улардан кейин ўринбосарлар келиб, ўзлари қилмаган нарсани (халққа) сўзлаб ва буюрилмаган ишларни (ўзлари) қилар эди. Кимки уларга қўли билан жиҳод қилса, у мўминдир. Кимки уларга тили билан жиҳод қилса, у ҳам мўминдир. Кимки уларга қалби билан жиҳод қилса, у ҳам мўминдир. Лекин бу (учинчисининг) ортида хантал уруғича ҳам имон йўқдир», дедилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

187/3. Абулвалид Убода ибн Сомитдан ﷺ ривоят қилинади. «Расулуллоҳ ﷺга осонлигу қийинчиликда, роҳатда-ю кулфатда, биздан бошқани ортиқ кўрилса ҳам, ишларни ўз аҳлига топшириб тортишмасликка байъат қилдик. Лекин Аллоҳ томонидан ва ўзингиз томондан унинг кофирлигига очиқ-ойдин ҳужжат борлиги кўрилса, ундай эмас. Ва яна маломатчининг маломатидан Аллоҳ йўлида қўрқмасдан қаерда бўлса ҳам, ҳақни айтишга ҳам байъат қилдик». *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

188/4. Нўъмон ибн Баширдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Аллоҳ ман қилган нарсалардан сақланувчи ва уни тортинмай қилиб юрувчининг мисоли худди бир жамоага ўхшайди. Улар кемани минишда қуръа ташлашади. Баъзилари ҳиссасига тепа қисми ва баъзиларига паст қисми тушади. Паст қисмидагилар сув олиш учун тепадагилар олдидан ўтадилар. (Бундан озорланиб) «Агар биз сувдан ўз насибамизни олиш учун пастдан тешиб олсак, тепамиздагиларга озор бермас эдик», дейишар ди. Агар тепадагилар пастдагилар хоҳлаган нарсани шундайича қўйиб қўйсалар, барчалари ҳалок бўлишади. Агар уларни бу фикрларидан тўхтатишса, ўзлари ҳам, қолганлари ҳам нажот топишади», дедилар. *Имом Бухорий ривоятлари.* (Агар киши ўзи солиҳ бўлиб, аҳли ва болалари ҳамда унга эргашувчилар шариатга хилоф ишни қилишса, барчалари Аллоҳнинг азобига баробар дохил бўлишади. Чунки кемага тушганнинг жони бир-да ... – тарж.)

189/5. Умму Салама Ҳинд бинти Абу Умайя Ҳузайфадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Сизларга амирлар бошлиқ қилинади. Сизлар уларнинг баъзи амалларини шариатга мувофиқ ва баъзисини мухолиф топасизлар. Кимки уларни ёмон кўрса, ўзини оқлабди. Кимки уларни инкор қилса, омонда бўлибди. Лекин кимки улар қилаётган ишларга рози бўлиб

эргашса (гуноҳкор бўлибди)», деганларида, саҳобалар: «Эй Аллоҳнинг расули, ундай бўлса, улар билан урушайликми?» дейишди. Расулуллоҳ ﷺ: «Йўқ, модомики, ораларингизда намозни қоим қилишар экан (урушманглар)», дедилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

(Яъни, кимки қалби билан кариҳ кўриб, қўли ва тили билан инкор қилишга қодир бўлмаса, гуноҳлардан ўзини оқлаб, вазифасини адо қилибди. Кимки тоқати етганича инкор қилса, бу гуноҳлардан омонда бўлибди. Энди кимки уларнинг амалларидан рози бўлиб, уларга эргашса, гуноҳкор бўлибди.)

190/6. Уммул Ҳикам Зайнаб бинти Жаҳшдан رضي الله عنها ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ бу онамиз ҳузурларига қўрққан ва ташвишланган ҳолатда кириб келиб: «Ла илаҳа иллаллоҳ (таажжубланилганда шундай дейилади), яқинлашиб қолган ёмонликдан арабларнинг ҳолига вой. Бу кунда Яъжуж ва Маъжуж тўсиғидан мана шунча очилгандир», деб бош бармоқ билан унинг ёнидаги ишора бармоқларини халқа қилиб кўрсатдилар. Шунда бу онамиз: «Эй Аллоҳнинг расули! Орамизда солиҳлар бўлса ҳам, (ана шу кунда) ҳалок бўламизми?» деганларида, у зот: «Ҳа, қачонки, ёмон ишлар кўпайиб кетса (яхшилар кўп бўлса ҳам, умумий ҳалокат юзага келади)», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

191/7. Абу Саид ал-Худрийдан رضي الله عنه ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Йўл бўйида ўтиришдан сақланинглар», деганларида, саҳобалар: «Эй Аллоҳнинг расули, бунинг чораси йўқдир. Чунки биз ўтириб суҳбатлашамиз», дейишди. Расулуллоҳ ﷺ: «Агар бунга кўнмасангизлар, ўтиринглар-у фақат йўлнинг ҳаққини адо этинглар», дедилар. Саҳобалар: «Эй Аллоҳнинг расули! Йўлнинг ҳаққи нима?» дейишганида, Расулуллоҳ ﷺ: «Кўзни номаҳрамларга қаратишдан тийиш, ўтувчиларга азият бермаслик, саломга алик олиш, яхшиликка буюриб, ёмонликдан қайтариш», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

192/8. Ибн Аббосдан رضي الله عنهما ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ бир кишининг қўлида тилладан бўлган узукни кўриб, уни ечиб олдилар-да, улоқтириб юбордилар. Ва: «Сизлардан биринғиз билиб туриб оловдан бўлган чўғни тақиб олади-я», дедилар. Расулуллоҳ ﷺ кетганларидан кейин одамлар ҳалиги кишига: «Узугингни олиб, ундан бошқа йўл билан фойдалангин», дейишганида, бу киши: «Йўқ, Аллоҳга қасамки, Расулуллоҳ ﷺ улоқтирган нарсани асло олмайман», деди.

193/9. Абу Саид Ҳасан ал-Басрийдан رضي الله عنه ривоят қилинади. Оиз ибн Амр رضي الله عنه Убайдуллоҳ ибн Зиёднинг ҳузурига кириб: «Эй ўғилчам, мен Расулуллоҳ ﷺдан эшитганман. Албатта бошлиқларнинг ёмони қўл остидагиларга озор етказадиганидир. Сен ана шунақа бўлишдан четлангин», дедилар. У: «Ўтиргин, сен Муҳаммад алайҳиссаломнинг кичик (яъни, элакдан ўтказилмаган) саҳобаларидансан», деди. У зот эса: «Уларнинг кичиги бўлганми? (Саҳобаларнинг ҳаммалари соф бўлишган), балки улардан кейин

ва бошқаларда кичиги, деган нарса пайдо бўлган», дедилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

(Аллоҳ саҳобалардан рози бўлсин, уларнинг барчалари соф эдилар. Имом Ҳусаннинг қотиллари Убайдуллоҳ Ибн Зиёддек золимнинг олдида ҳам ҳақни гапиришдан ҳеч нарса тўхтата олмас эди... -Тарж.)

194/10. Ҳузайфадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Менинг жоним Унинг қўлида бўлган Зотга қасамки, яхшиликка буюриб, ёмонликдан қайтаринглар. Бундай қилмайдиган бўлсангизлар, Аллоҳ таоло сизларга бир балони юборади. Сўнгра дуо қилсангизлар, дуоларингиз қабул қилинмайди», дедилар. *Имом Термизий ривоятлари.*

195/11. Абу Саид ал-Худрийдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Жиҳодларнинг афзали золим подшоҳ ҳузурида айтилган одил (ҳақ) сўздир», дедилар. *Абу Довуд ва Термизийлар ривояти.*

196/12. Абу Абдуллоҳ Ториқ ибн Шиҳоб ал-Бужалий ал-Аҳмасийдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ (отлари) узангига оёқларини қўйиб турганларида, бир киши (келиб): «Жиҳодларнинг қайси бири афзал?» деди. Шунда у зот: «Золим подшоҳ ҳузурида айтилган ҳақ сўз», дедилар. *Насаий саҳиҳ иснод билан ривоят қилганлар.*

197/13. Ибн Масъуддан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Бани Исроилга путур етиб бузилишининг биринчи сабаби бир одам бошқа бир (ёмон) кишига йўлиқиб: «Эй одам! Аллоҳдан қўрқ! Бу қилаётган (ёмон) ишингни ташлагин. Чунки бу ҳалол эмасдир», дейди. Кейин эртасига яна йўлиқса, у ўша (ёмон) ҳолатида бўлади. Лекин у билан емоқ, ичмоқ ва ўтирмоқдан ўзини ман қилмас эди (яъни, муомала қилиб юраверар эди). Мана шундай қилиб юраверишганидан кейин Аллоҳ таоло уларнинг қалбларини бир-бирига уриб (бир хил қилиб) қўйди. Бу ҳақда Аллоҳ таоло:

«Бани Исроил орасидан кофир бўлган кимсалар Довуд ва Исо ибн Марям тилида лаънатлангандирлар. Бунга сабаб уларнинг қилган исёнлари ва тажовузкор бўлганларидир. Улар бир-бирларини қилган нолойиқ ишларидан қайтармас эдилар. Бу қилмишлари нақадар ёмон иш! Улардан кўплари кофир бўлган кимсаларни дўст тутганларини кўрасиз. Уларга нафси-ҳаволари нақадар ёмон нарсани – Аллоҳнинг ғазабини келтирди. Энди улар абадий азобда қолгувчидирлар. Агар Аллоҳга, пайғамбарга ва унга нозил қилинган китобга имон келтирганларида эди, уларни – кофирларни дўст тутмаган бўлур эдилар. Лекин улардан кўплари итоатсиз кимсалардир» (Моида сураси, 78–81-оятлар), деб айтган. Сизларда бундай бўлмасин, сизлар яхшиликка буюриб, ёмонликдан қайтаринглар. Ҳамда золимнинг қўлидан тутиб, уни ҳаққа эгиб туринглар ва ҳақнинг устида уларни маҳкам тўхтатиб туринглар. Агар шундай қилмасангизлар, Аллоҳ қалбларингизни бир-бирига уриб, бир хил қилиб

қўяди. Ва Бани Исроилни лаънатланганидек сизларни ҳам лаънатлайди», дедилар. *Абу Довуд ва Термизийлар ривояти.*

Бу ҳасан иснодли бўлиб, лафзи Абу Довудникидир. Термизийнинг ривоятлари лафзида қуйидагича келган: «Расулуллоҳ ﷺ: «Бани Исроил гуноҳларга кўмилиб кетганида уламолари уларни гуноҳ қилишдан қайтарди. Лекин улар бундан ўзларини тўхтатишмади. Қавм тўхтамаганидан кейин уламолари ҳам улар билан бир мажлисда ўтириб, бирга овқатланиб, ичиб (алоқани узмасдан аралишиб) юраверишди. Аллоҳ таоло ҳам уларнинг қалбларини бир-бирига уриб (бир хил қилиб) қўйди, улар исён ва ҳаддан ошганликлари сабабли Довуд ва Исо ибн Марям пайғамбарлар тилидан уларни лаънатлади. Расулуллоҳ ﷺ суяниб ўтирган ҳолда, йўқ, бундай бўлманг! Менинг жоним Унинг қўлида бўлган Зотга қасамки, золимларни ҳаққа мойил қилиб, унга уларни маҳкам эгинглар», деб айтдилар».

198/14. Абу Бакр Сиддиқдан ﷺ ривоят қилинади. Бу зот: «Эй инсонлар, сизлар қуйидаги оятни ўқиганмисизлар? **«Эй мўминлар, ўзингизни билинг!** (Яъни, гуноҳлардан сақланинг!) **Модомики, ҳақ йўлни тутган экансиз, адашган кимсалар сизларга зарар етказа олмас»** (Моида сураси, 105-оят). Чунки мен Расулуллоҳ ﷺнинг: «Албатта кишиларда золимликни кўрсанглар-у, унинг қўлидан тутиб, (бу ишидан қайтармасанглар) тез фурсатда Аллоҳ таоло барчаларингни умумий бир азобга гирифтор қилади», деб айтганларини эшитдим», дедилар. *Абу Довуд, Термизий ва Насаийлар ривояти.*

24-БОБ
Яхшиликка буюриб, ёмонликдан қайтариб, ўзи бунинг хилофини қилган кишига қаттиқ азоб бўлиши баёни

Аллоҳ таоло айтади:

«Одамларни яхшиликка чорлаб, ўзларингизни унутасизларми? Ҳолбуки, ўзларингиз китоб тиловат қиласизлар. Ақлингизни юргизмайсизларми?» (Бақара сураси, 44-оят);

«Эй мўминлар, сизлар нега ўзларингиз қилмайдиган нарсани (қиламиз, деб) **айтурсизлар?! Сизларнинг ўзларингиз қилмайдиган ишни** (қиламиз, деб) **айтишларингиз Аллоҳ наздида ўта манфур** (ишдир)**»** (Соф сураси, 2–3-оятлар), деб айтди. Шуъайб алайҳиссалом тилларидан хабар бериб:

«Мен сизларга хилоф қилиб, сизларни қайтараётган нарсани ўзим қилишни истамайман» (Ҳуд сураси, 88-оят), деган.

199/1. Абу Зайд Усома ибн Зайд ибн Ҳорисадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Қиёмат куни бир киши олиб келиниб дўзахга ташланади. У кишининг қорнидан ичак-чавоқлари чиқиб, худди эшак тегирмон атрофида

айлангани каби айлантирилади. Кейин дўзах аҳллари унинг олдида тўпланиб: «Эй фалончи, сенга нима бўлди, сен яхшиликка буюриб, ёмонликдан қайтарар эдинг-ку?» дейишса, у киши: «Ҳа, тўғри! Яхшиликка буюриб, ўзим бажармас эдим. Ёмонликдан қайтариб, ўзим қилар эдим», дейди», деб айтдилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

25-БОБ
Омонатни адо этишга буйруқ

Аллоҳ таоло:

«Албатта, Аллоҳ сизларни омонатларини ўз эгаларига топширишга буюради» (Нисо сураси, 58-оят);

«Албатта Биз бу омонатни (яъни, Ислом шариатидаги тоат-ибодатларни) **осмонларга, ерга ва тоғу тошларга рўбарў қилган эдик, улар уни кўтаришдан бош тортдилар ва ундан қўрқдилар. Инсон эса уни ўз зиммасига олди. Дарҳақиқат у** (ўзига) **зулм қилгувчи ва нодон эди»** (Аҳзоб сураси, 72-оят), деб айтган.

200/1. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Мунофиқнинг аломати учтадир. Агар сўзласа, ёлғон гапиради. Агар ваъда берса, унга хилоф қилади. Агар омонат қўйилса, хиёнат қилади», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

Бошқа ривоятда: «Агар рўза тутиб, намоз ўқиб, унинг мусулмон эканини гумон қилинса ҳам...» дейилган.

201/2. Ҳузайфа ибн Ямондан ﷺ ривоят қилинади. «Расулуллоҳ ﷺ иккита гап айтдилар. Уларнинг бирини кўрдим. Иккинчисини (қачон бўлар экан, деб) кутиб турибман. Аввалгиси – имон кишилар қалбининг тубига тушади. Кейин Қуръон тушади. Улар Қуръон ва суннатни ўрганадилар. Иккинчиси – кишилардан имон кўтарилади. Одам бироз ухлаганида, унинг қалбидан имон кўтарилиб, озгина изи қолади, холос. Сўнгра яна бироз ухласа, унинг қалбидан имон кўтарилиб, унинг изи қавариб кетганга ўхшайди. Бунинг мисоли худди оёғингни чўққа солсанг, у шишиб кўтарилганини кўрасан-у, лекин унда бирор нарса бўлмаганга ўхшайди. Кейин Расулуллоҳ ﷺ оёқларига тошларни мисол учун ташладилар-да, сўнгра қуйидагиларни айтдилар: «Одамлар субҳда туриб, бир-бирлари билан олди-сотти қилишади. Ва омонатни адо қиладиган бирор киши топиша олмайди. Ҳаттоки, ишончли киши қолмаганидан аҳвол шу даражага етадики, фалон маҳаллада ишончли киши бор ёки фалон киши ақлли, ўткир фикрли, субутли, дейилади. Унинг қалбида эса хантал уруғи мисқолича ҳам имон йўқдир». Ҳузайфа: «Менинг устимга шундай замон келдики, мен ким билан олди-сотти қилсам, парво қилмас эдим. Агар мусулмон бўлса, менга хиёнат этишидан унинг дини тўсарди. Агар насроний ёки яҳудий бўлса, менга хиёнат қилишидан унинг бошлиғи тўсарди. Аммо бугунги кунда фалончи ва фалончидан ташқари бошқа ҳеч ким билан олди-сотти қила олмайман», дедилар». *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

202/3. Ҳузайфа ва Абу Ҳурайралардан ﷺ ривоят қилинади. «Расулуллоҳ ﷺ: «Аллоҳ таоло маҳшаргоҳда кишиларни жамлайди. Мўминлар тик туришганида жаннат уларга яқинлаштирилади. Булар Одам алайҳиссалом ҳузурларига келиб: «Эй отажон, сиз бизларга жаннатни очдириб беринг», дейишади. Одам алайҳиссалом: «Ахир жаннатдан оталарингизни хатоси чиқариб юборди-ку! Мен бу мартабанинг аҳли эмасман. Сизлар ўғлим Иброҳим халилуллоҳ ҳузурига боринглар», деб айтадилар. Улар Иброҳим алайҳиссалом ҳузурларига бориб (юқоридаги таклифни айтишганида) бу зот: «Мен сизлар айтган нарсанинг аҳли эмасман. Менинг Аллоҳга халил (дўст) бўлишим воситачи (Жаброил) орқалидир. Сизлар Мусо алайҳиссалом ҳузурига боринглар. Чунки у зот Аллоҳ билан сўзлашгандирлар», дейдилар. Улар Мусо алайҳиссалом ҳузурларига бориб, (юқоридаги таклифни айтишганида) бу зот ҳам: «Мен сизлар айтган нарсанинг аҳли эмасман. Сизлар Аллоҳнинг калимаси ва руҳи Исо алайҳиссалом ҳузурига боринглар», дейдилар. Улар Исо алайҳиссалом ҳузурларига боришса, бу зот ҳам: «У нарсанинг аҳли эмасман», деганларидан кейин улар Менинг ҳузуримга боришади. Менга изн берилганида ўрнимдан тураман. Имон ва қариндошлик юборилади. Бу иккови Сирот кўпригининг икки томонида – ўнг ва чапида турғизилади. Кейин аввалги жамоатларингиз чақмоқ каби Сиротдан ўтишади», деганларида, мен: «Ота-онам фидо бўлсин, қайси нарса чақмоқ каби ўтади?» десам, у зот: «Кўрмайсизларми, қанчалик тез ўтиб, кўз очиб-юмгунича қайтиб келади», дедилар, сўнгра: «Шамол каби ўтади. Сўнгра қуш каби ўтади. Кўп кишиларни кўприкдан амаллари олиб ўтади. Набийларингиз эса Сирот кўприги устида туриб: «Эй Раббим, омонда қил, омонда қил», деб турадилар. Ҳатто, бандаларни амаллари кўприкдан олиб ўтишга ожиз бўлиб қоладиган даражага етади. Киши юриб ўтишга қурби етмай, судралиб ўтади. Кўприкнинг икки томонида тиконли илгич осилган бўлиб, буюрилган кишини илиб олишга амр қилингандир. Тирналанган киши омонда қолур. Илиниб қолган киши эса дўзахга равона бўлур», дедилар. Абу Ҳурайранинг жони Унинг қўлида бўлган Зотга қасамки, жаҳаннамнинг чуқурлиги етмиш йиллик йўлдир». *Имом Муслим ривоятлари.*

203/4. Абу Хубайб Абдуллоҳ ибн Зубайрдан ﷺ ривоят қилинади. «Отам Зубайр ибн Аввом Жамал (воқеаси) куни тўхтаб мени чақирдилар. Мен ёнларига бориб турдим. «Эй ўғилчам, бугун золим ёки мазлумларгина ўлдирилур. Мен эса бугун мазлум ҳолдагина ўлдирилмоғимни афзал кўраман. Менинг энг катта ғамим қарзим устидадир. Сен қандай қарайсан? Қарзимиздан молимиз ортадими?» деб, сўнгра яна: «Эй ўғилчам, молимизни сотиб, қарзимизни узгин», дедилар. Ва учдан бир қисмини васият қилдилар. Яъни, (бош ўғиллари) Абдуллоҳнинг болаларига учдан бирини васият қилдилар. «Агар қарзни узганингдан кейин ортса, ана шундай қилгин», дедилар». Ҳишомнинг айтишларича, Абдуллоҳнинг фарзандлари, оталари Зубайрнинг болалари Ҳубайб, Аббодлар билан тенгқур эди. Ана шу пайтда Зубайрнинг тўққиз ўғил ва тўққиз қизлари бор эди. Абдуллоҳ айтдилар: «Отам менга қарзларини васият қилатуриб: «Эй ўғилчам, агар қарзни узишда ожиз бўлиб қолсанг, мавлоимдан ёрдам сўрагин», дедилар. Аллоҳга

қасамки, отам мавлоим, дейиш билан нимани ирода қилганларини билмасдан: «Эй отажон! Мавлоингиз ким?» десам, отам: «У Аллоҳдир», дедилар. Мен, қачонки, қарзни узишда қийинчиликка йўлиқсам: «Эй Зубайрнинг мавлоси, унинг қарзидан нажот бергил», десам, бас, У зот унга нажот берар эди. Отам Зубайр ўша урушда ўлдирилдилар. Ва Мадинада бир дарахтзор ҳамда ўн бир ҳовли, Басрада икки ҳовли, Кўфада бир ҳовли, Мисрда ҳам бир ҳовлидан ташқари бирор динор ҳам ва дирҳам ҳам қолдирмадилар. Бу зотнинг қарздор бўлиб қолишларига сабаб кишилар бирор омонатни ҳузурларига олиб келишса, уни қарз шаклида қабул қилиб олардилар. «Агар омонат деб қабул қилсам, унинг (вақт ўтиши билан) ўз қийматини йўқотишидан қўрқаман», деб айтардилар. Зубайр ﷺ бирор ерга волий бўлишга ёки солиқ йиғувчи бўлишга интилмадилар. Фақатгина Расулуллоҳ ﷺ, Умар, Усмонлар ﷺ билан бирга ғазот қилишга ошиқар эдилар. Мен отамнинг барча қарзларини ҳисобласам, икки миллион икки юз минг бўлди. (Ўша кунларда) Ҳаким ибн Ҳизом йўлиқиб: «Эй жияним, акамнинг қарзи қанча экан?» деди. Мен уни яшириб (камайтирган ҳолда) «Юз минг», дедим. Шунда Ҳаким: «Аллоҳга қасамки, молларингиз бу миқдордаги қарзни қоплай олмайди», деди. Мен: «Икки миллион икки юз минг бўлса-чи?» десам, Ҳаким: «Бундай миқдордаги қарзни тўлай олмайсизлар. Агар тўлашда ожиз бўлиб қолсангиз, мендан ёрдам сўранглар», деди».

Зубайр (юқорида айтилган) дарахтзорни икки юз етмиш мингга сотиб олган эдилар. Абдуллоҳ эса уни бир миллион олти юз мингга сотиб юборди. Сўнгра Абдуллоҳ ўринларидан туриб, «Кимнинг отам Зубайрда ҳаққи бўлса, бизни дарахтзордан топсин», деб эълон қилди. (Биринчи бўлиб) Абдуллоҳ ибн Жаъфар келди. Зубайр ундан тўрт юз минг қарз эди. Абдуллоҳ ибн Жаъфар Абдуллоҳ ибн Зубайрга: «Агар хоҳласанг, қарзимдан кечаман», деганди, Абдуллоҳ ибн Зубайр: «Йўқ», деди. У: «Агар истасангизлар, муҳлатини ўзларингиз хоҳлаганингизча узайтираман», деганида, Абдуллоҳ ибн Зубайр яна: «Йўқ», дедилар. Шунда у: «Ундай бўлса, дарахтзордан бир бўлак ер ажратиб беринглар», деди. Абдуллоҳ ибн Зубайр: «Манави ердан анави ергача сизники», деди. (Шу алфозда) Абдуллоҳ ибн Зубайр ўша дарахтзордан сотиб-сотиб, оталарининг қарзларини уза бошладилар. Ниҳоят, тўрт ярим улуш қолди. Сўнгра Абдуллоҳ ибн Зубайр Муовиянинг ҳузурига бордилар. У зотнинг ҳузурида Амр ибн Усмон, Мунзир ибн Зубайр ва Ибн Замъалар бор эди. Муовия Абдуллоҳ ибн Зубайрга: «Дарахтзорни қанчага нархладинг?» деди. Абдуллоҳ ибн Зубайр: «Ҳар бир улушини юз мингдан», деди. Муовия: «Неча улуш қолди?» деди. Абдуллоҳ ибн Зубайр: «Тўрт ярим улуш», деди. Шунда Мунзир ибн Зубайр: «Унинг бир улушини юз мингга олдим», деди. Амр ибн Усмон: «Мен ҳам бир улушини юз мингга олдим», деди. Ибн Замъа: «Мен ҳам бир улушини юз мингга олдим», деди. Муовия: «Қанчаси қолди?» деди. Абдуллоҳ ибн Зубайр: «Бир ярим улуш», деди. Муовия: «Ўша бир ярим улушни бир юз эллик мингга мен олдим», деди. (Шу билан дарахтзор бир миллион олти юз мингга сотилди. Лекин Зубайрнинг қарзларини тўла тўкис узиш учун яна олти юз минг етмас эди. Шу боисдан) Абдуллоҳ ибн Жаъфар ҳам ўз ҳиссаларини Муовияга олти юз

мингга сотдилар. Абдуллоҳ ибн Зубайр оталарининг қарзларини узиб бўлганларидан кейин Зубайрнинг авлодлари келиб: «Энди бизларнинг меросимизни тақсим қилиб беринг», дейишди. Абдуллоҳ ибн Зубайр: «Аллоҳга қасамки, мен тўрт йилгача (ҳаж мавсумида) «Кимнинг Зубайрда қарзи бўлса, келсин, биз уни берамиз», деб жарчи қўймагунимча, сизларга меросларингизни тақсим қилиб бермайман», дедилар. Кейин Абдуллоҳ ибн Зубайр ҳар йили халойиққа овоза қилдилар. (Ҳеч ким келмаганидан кейин) тўрт йил ўтгач, меросларни тақсимлаб бердилар. Лекин учдан бирини олиб қўйдилар. Зубайрнинг ﷺ тўртта хотини бор эди. Ҳар бир хотинга бир миллион икки юз мингдан улуш тегди. Зубайрнинг барча мол-мулки эллик миллион икки юз минг эди. *Имом Бухорий ривоятлари.*

26-БОБ
Зулм қилиш ҳаромлиги ҳамда ҳақни ҳақдорга қайтаришга буйруқ

Аллоҳ таоло:

«Золим кофир кимсалар учун (у Кунда) **на бир дўст ва на итоат қилинадиган** (яъни, шафоати қабул қилинадиган) **оқловчи бўлмас»** (ўофир сураси, 18-оят);

«Золимлар учун бирон ёрдамчи йўқдир» (Ҳаж сураси, 71-оят), деб айтган.

Бу мавзуимизга 11-бобдаги Абу Зардан ﷺ ривоят қилинган 111-рақамли ҳадис ҳам далил бўлади.

204/1. Жобирдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Зулмдан четланинглар. Чунки у Қиёмат кунида зулумат бўлади. Ва яна бахиллик ва хасисликдан сақланинглар. Чунки у сизлардан аввалги умматларнинг ҳалокатга учрашига ва қон тўкишларига ҳамда ҳаром нарсаларни ҳалол қилиб олишларига сабаб бўлган эди», дедилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

205/2. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Қиёмат куни бўлганида ҳақлар ўз эгасига қайтарилади (яъни, золимдан мазлумнинг ҳаққи олиб берилади). Ҳаттоки, шохли қўйдан шохсиз қўйнинг қасоси олиб берилади», дедилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

206/3. Ибн Умардан ﷺ ривоят қилинади. «Бизлар видолашув ҳажи нима эканини билмасдан, у ҳақда гаплашиб турганимизда, Расулуллоҳ ﷺ бизнинг олдимизда эдилар. Бу зот Аллоҳга ҳамд ва сано айтиб, кейин Масиҳ уд-Дажжолни муболаға ила зикр қилдилар. Ва: «Аллоҳ бирор пайғамбар юборадиган бўлса, албатта бу пайғамбар ўз умматини Дажжолдан огоҳлантирган. Нуҳ ва ундан кейинги пайғамбарлар ҳам ундан огоҳлантиришган. Агар Дажжол чиқадиган бўлса, унинг баъзи ҳолатлари махфий бўлиши мумкин. Аммо бу ҳақиқат сизлардан махфий эмаски,

албатта Раббингиз бир кўзли эмас. Лекин Дажжол бир кўзли бўлиб, ўнг кўзи кўрмайди. Гўёки унинг кўзи сувда қалқиб турган узумга ўхшайди. Огоҳ бўлинг! Албатта, Аллоҳ таоло сизларга бу кун ва бу ойингизда (қон тўкишни) ҳаром қилгани каби қонларингиз ва молларингизга тажовуз қилишни ҳам ҳаром қилди. Огоҳ бўлинглар. Омонатни сизларга етказдимми?» деганларида, саҳобалар: «Ҳа», дейишди. Шунда Расулуллоҳ ﷺ: «Аллоҳим, гувоҳ бўл», деб уч марта айтдилар. Ва яна у зот: «Сизларнинг ҳолингизга вой бўлсин. Яна сизлар мендан кейин кофир бўлиб, бир-бирингизнинг гарданингизга (қилич) уриб юрманглар», дедилар». *Имом Бухорий ривоятлари. Баъзи лафзлар Имом Муслимники.*

207/4. Оишадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Кимки бир қарич ерга эгалик қилиш билан зулм қилса, етти (қават) ер бўйнига ўраб қўйилади», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

208/5. Абу Мусодан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Аллоҳ таоло золимга (зулмдан тўхташи учун) муҳлат беради. Агар энди жазолайдиган бўлса, уни жазодан халос этмайди», деб қуйидаги оятни ўқидилар:

«Парвардигорингиз (аҳли) **золим бўлган шаҳарларни ушлаганида, мана шундай ушлар. Унинг ушлаши – азоби аламли ва қаттиқдир»** (Ҳуд сураси, 102-оят). *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

209/6. Муоздан ﷺ ривоят қилинади. «Расулуллоҳ ﷺ мени бир жойга юбораётиб: «Сен аҳли китоб бўлган қавмнинг ҳузурига кетяпсан. Агар борсанг, уларни «Ла илаҳа иллаллоҳ Муҳаммадун расулуллоҳ» шаҳодатига чақир. Агар бунга итоат қилишса, Аллоҳ уларга ҳар кеча ва кундузда беш вақт намозни фарз қилганини билдиргин. Агар бунга ҳам итоат қилишса, Аллоҳ уларга бойларидан олиб, камбағалларига бериладиган садақани фарз қилганини билдир. Агар бунга ҳам итоат қилишса, закот олаётганингда уларнинг яхши молларини танлаб олишдан сақлангин. Ҳамда мазлумнинг дуосидан қўрққин. Чунки у билан Аллоҳ ўртасида парда бўлмайди», дедилар». *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

210/7. Абу Ҳумайд Абдураҳмон ибн Саъд ас-Соъидийдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ Азд қабиласидан бўлган Ибн Лутбиййа исмли бир кишини садақаларни йиғиб келиш учун бошлиқ қилиб тайинладилар. Бу киши қайтиб келиб: «Бу сизларга аталган садақадир. Мана буниси эса менга ҳадя қилинди», деди. Буни эшитган Расулуллоҳ ﷺ минбарга чиқиб Аллоҳга ҳамду сано айтиб, сўнгра: «Мен сизлардан бир кишини Аллоҳ мени бошлиқ қилган нарсага тайинласам, у киши келиб: «Бу сизларга, мана буниси менга ҳадя қилинди», деб айтяпти. Агар ростгўй бўлса, ота-онасининг уйида ўтирсин-чи, ҳадя келармикин?! Аллоҳга қасамки, бирортангиз бирор нарсани ноҳақ олмасин. Агар оладиган бўлса, Қиёмат куни ўша нарсани кўтарган ҳолда Аллоҳ таолога йўлиқади. Яна сизларни бақираётган туяни ёки бўкираётган молни ёки маъраётган қўйни кўтариб Аллоҳга йўлиқаётганингизда кўрмайин», деб қўлларини кўтарган эдилар,

қўлтиқларининг оқи кўриниб кетди. Ва яна: «Аллоҳим, етказдимми?» дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

211/8. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Кимки биродарининг обрўси ёки бошқа бирор нарсасига зулм қилса, динор ва дирҳамлар (фойда) бўлмайдиган Кун келишидан олдин мана шу кунда рози қилсин. (Агар бундай қилмайдиган бўлса, Қиёмат куни) золимнинг яхши амали бўлса, зулмининг миқдорича мазлумга олиб берилади. Агар яхшилиги бўлмаса, мазлумнинг ёмонлигидан олиб, золимга юкланади», дедилар. *Имом Бухорий ривоятлари.*

212/9. Абдуллоҳ ибн Амр ибн Оссдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Қўлидан ва тилидан мусулмонлар омонда бўлган киши мусулмон, деб айтилади. Аллоҳ ман қилган нарсадан четланган киши муҳожир, деб айтилади», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

213/10. Ва яна ўша зотдан ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺнинг юкларини кўтариб юрувчи Киркира исмли бир киши вафот этганида Расулуллоҳ ﷺ: «У дўзахдадир», дедилар. Саҳобалар (у вафот этганида) олдига боришса, унда ўлжа тақсимланмасидан олдин ўғирлаб олинган бир кийимни кўришди. *Имом Бухорий ривоятлари.*

214/11. Абу Бакра Нуфайъ ибн Ҳорисдан ﷺ ривоят қилинади. «Расулуллоҳ ﷺ: «Албатта йил Аллоҳ ер ва осмонларни яратган кундаги шаклидек айланиб турибди. Бир йил ўн икки ойдир. Ундан тўрттаси (уруш) ҳаром қилинган ойдир. Улар Зулқаъда, Зулҳижжа, Муҳаррам, Ражаб ойларидир. Буларнинг учтаси кетма-кет келиб, тўртинчиси Жумодиссоний билан Шаъбон орасида келувчи Ражаби-Музар ойидир», деб сўнгра: «Ҳозир қайси ой?» дедилар. Биз: «Аллоҳ ва Унинг расули билувчироқ», дедик. Расулуллоҳ ﷺ сукут қилиб, жим бўлиб қолдилар. Ҳаттоки, биз у зот уни ўзининг исмидан бошқаси ила номласалар керак, деб ўйладик. «Ҳозир Зулҳижжа ойи эмасми?» дегандилар, биз: «Ҳа», дедик. Кейин Расулуллоҳ ﷺ: «Бу қайси шаҳар?» дедилар. Биз: «Аллоҳ ва Унинг расули билувчироқ», дедик. Расулуллоҳ ﷺ сукут қилиб, жим бўлиб қолдилар. Ҳаттоки, биз у зот уни ўзининг исмидан бошқаси ила номласалар керак, деб ўйладик. «Бу Балад ул-ҳаром (Макка) шаҳри эмасми?» дегандилар, биз: «Ҳа», дедик. Кейин Расулуллоҳ ﷺ: «Бу қайси кун?» дедилар. Биз: «Аллоҳ ва расули билувчироқ», дедик. Расулуллоҳ ﷺ сукут қилиб, жим бўлиб қолдилар. Ҳаттоки, биз у зот уни ўзининг исмидан бошқаси ила номласалар керак, деб ўйладик. «Бу кун Қурбонлик куни эмасми?» дегандилар, биз: «Ҳа», дедик. Шунда Расулуллоҳ ﷺ: «Бу кун, бу шаҳар ва бу ойда (қон тўкишни) ҳаром қилгани каби қонларингиз ва молларингиз ҳамда обрўларингизга тажовуз қилишни ҳаром қилди. Сизлар тез кунда Раббингизга йўлиқиб, (бу дунёда) қилган амалларингиз ҳақида сўраласиз. Огоҳ бўлинглар, яна мендан кейин баъзиларингиз баъзиларингизнинг гарданига (қилич билан) уриб кофир бўлиб кетмасин. Огоҳ бўлинглар! Бу жойда ҳозир бўлганлар бўлмаганларга

бу сўзларимни етказсин. Шоядки, етказилган кишилардан баъзилари ўзлари эшитган кишиларидан кўра хотирасида сақловчироқдир», деб, сўнгра: «Етказдимми?» дегандилар, биз: «Ҳа, етказдингиз», дедик. Шунда у зот: «Аллоҳ, Ўзинг гувоҳ бўл», деб айтдилар». *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

215/12. Абу Умома Иёс ибн Саълаба ал-Ҳорисийдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Кимки мусулмон кишининг ҳаққини қасам ичиб еб кетса, Аллоҳ таоло унга дўзахни вожиб қилиб, жаннатни ҳаром қилади», дедилар. Шунда бир киши: «Эй Аллоҳнинг расули, озгина нарса бўлса ҳамми?» деганида, Расулуллоҳ ﷺ: «Агар (мисвок учун ишлатиладиган) арок дарахтининг шохи бўлса ҳам», дедилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

216/13. Адий ибн Умайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Кимки бирор ишга бошлиқ бўлса-да, у киши нинадек ёки каттароқ нарсани яширса, ўша олган нарсаси билан Қиёмат куни келади», деганларида, ансорийлардан бўлган бир қора киши ўрнидан туриб: «Гўёки уни кўриб тургандайман, эй Аллоҳнинг расули, мендан истеъфоимни қабул қилиб олинг», деди. Шунда Расулуллоҳ ﷺ: «Сенга нима бўлди?» дегандилар, у киши: «Сизнинг ундай ва бундай деб айтганингизни эшитдим-ку ахир», деди. Расулуллоҳ ﷺ: «Ҳозир яна қайтариб айтаман. Кимни бирор ишга бошлиқ қилсак, ози ва кўпини (яширмай) олиб келсин. Нимани берсак, уни олсин. Нимадан қайтарсак, уни олишдан ўзини тийсин», дедилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

217/14. Умар ибн Хаттобдан ﷺ ривоят қилинади. Хайбар уруши бўлган куни Расулуллоҳ ﷺнинг саҳобаларидан бир неча нафари «Фалончи шаҳид ва пистончи ҳам шаҳид», деб бир кишининг олдидан ўтаётиб: «Бу фалончи ҳам шаҳиддир», дейишганида, Расулуллоҳ ﷺ: «Йўқ! Бундай эмас. Чунки ўлжа тақсимланмасидан олдин бир тўн ёки бир кийимни яширгани сабабли уни дўзахда кўрдим», дедилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

218/15. Абу Қатода Ҳорис ибн Рибъийдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ саҳобалар орасида туриб, Аллоҳга имон келтириш ва Аллоҳ йўлида жиҳод қилиш амалларнинг энг афзали эканини айтганларида, бир киши ўрнидан туриб: «Эй Аллоҳнинг расули, агар Аллоҳнинг йўлида урушсам, хатоларим ўчириб юбориладими?» деди. Расулуллоҳ ﷺ: «Ҳа, агар сабр қилиб, савоб умидида олға юриб, орқага чекинмасдан Аллоҳ йўлида урушадиган бўлсанг», дея туриб: «Нима деб айтдинг?» дедилар. Ҳалиги киши яна: «Агар Аллоҳнинг йўлида уруш қилсам, хатоларим ўчириб юбориладими?» деб айтган эди, Расулуллоҳ ﷺ: «Ҳа, агар сабр қилиб, савоб умидида олға юриб, орқага чекинмасдан урушсанг, қарзингдан ташқари барча хатоларинг ўчирилади. Чунки Жаброил алайҳиссалом менга мана шундай хабар берганлар», деб айтдилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

219/16. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Синган киши кимлигини биласизларми?» деганларида, саҳобалар: «Биздаги синган киши тушунчаси пули ва матоси йўқ кимсадир», дейишди. Расулуллоҳ ﷺ: «Менинг умматимдаги синган киши Қиёмат куни намоз, рўза, закот билан келади-да, лекин уни сўккан, буни зинода айблаган, бировнинг молини еган, қонини тўккан ҳамда ургани сабабли унга ва бунга (яъни, юқоридаги мазлумларнинг барчасига) яхшиликлари улашиб берилади. Агар яхшилиги зиммасидаги ҳақни адо қилмасдан олдин тугаб қолса, у ҳолда ҳақдорларнинг ёмонликларидан унинг устига ташлаб, сўнгра жаҳаннамга улоқтирилади», дедилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

220/17. Умму Саламадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Мен ҳам бир инсондирман. Сизлар менинг ҳузуримга хусуматлашиб келасизлар. Балки баъзингиз баъзингиздан кўра сўзга усталиги сабаб ҳужжатини тушунарли қилиб кўрсатар. Мен эса қандай эшитган бўлсам, ўшанга қараб ҳукм қиламан. Кимга биродарининг ҳаққини ҳукм қилсам, дўзахдан бир парчасини ҳукм қилган бўламан», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

221/18. Ибн Умардан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Мўмин киши агар ноҳақ қон тўкмаса, динида кенг ҳолда яшашда бардавом бўлади», деб айтдилар. *Имом Бухорий ривоятлари.*

222/19. Ҳамзанинг ﷺ хотинлари Хавла бинти Омир ал-Ансорииййадан ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Кишилар Аллоҳнинг молида ноҳақ тасарруф қилишар экан, бас, уларга Қиёмат куни дўзах бўлади», дедилар. *Имом Бухорий ривоятлари.*

27-БОБ
Мусулмонларнинг ҳурматларини улуғлаш ва уларнинг ҳақларини баён этиш ҳамда уларга раҳм-шафқат қилиш баёнида

Аллоҳ таоло:

«Ким Аллоҳ ҳаром қилган нарсаларни ҳурмат (риоя) **қилса, бас, бу Парвардигори наздида ўзи учун яхшидир»** (Ҳаж сураси, 30-оят);

«Ким Аллоҳ қонунларини ҳурмат қилса, бас, албатта (бу ҳурмат) **дилларнинг тақводорлиги сабабли бўлур»** (Ҳаж сураси, 32-оят);

«Мўминлар учун қанотингизни паст тутинг (яъни, мудом камтар-тавозуъли бўлинг)**»** (Ҳижр сураси, 88-оят);

«Кимки бирон жонни ўлдирмаган ва ерда бузғунчилик қилиб юрмаган одамни ўлдирса, демак, гўё барча одамларни ўлдирибди ва кимки унга ҳаёт ато этса (яъни, ўлдиришдан бош тортса)**, демак, гўё барча одамларга ҳаёт берибди»** (Моида сураси, 32-оят), деб айтган.

223/1. Абу Мусодан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Мўмин мўмин учун худди иморатдаги бир-бирига суяниб мустаҳкам турган (устунлар)га ўхшайди», деб бармоқларини бир-бирига киргиздилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

224/2. Абу Мусодан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Кимки бизларнинг масжидларимиз ёки бозорларимиздан ўтиб кетаётганида, у билан бирга (ўқдонида) ўқ бўлса, уни маҳкамлаб ушласин ёки (қилич, ханжар) тиғини кафти ила ушлаб юрсин. Зеро, у сабабидан мусулмонлардан бирортасига озор етмасин», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

225/3. Нўъмон ибн Баширдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Мўминларнинг бир-бирларига бўлган дўстликлари, раҳмли бўлишлари ва меҳрибонликлари худди жасадга ўхшайди. Агар ундан бирор аъзо оғриса, жасаднинг бошқа (аъзолари) безовталаниб, иситмага мубтало бўлади», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

226/4. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ Ҳасан ибн Алини ўпдилар. Расулуллоҳ ﷺ ҳузурларида шу пайт Ақроъ ибн Ҳобис бор эди. Шунда Ақроъ: «Менинг ўнта фарзандим бор-у, улардан бирортасини ўпмайман», деди. Расулуллоҳ ﷺ унга қарата: «Ким раҳм қилмаса, унга нисбатан ҳам раҳм қилинмайди», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

227/5. Оишадан ﷺ ривоят қилинади. Аъробийлардан бир неча киши Расулуллоҳ ﷺ ҳузурларига келиб: «Сизлар ёш гўдакларингизни ўпасизларми?» дейишганида, Расулуллоҳ ﷺ: «Ҳа», дедилар. Аъробийлар: «Лекин Аллоҳга қасамки, биз уларни ўпмаймиз», дейишди. Шунда Расулуллоҳ ﷺ: «Аллоҳ қалбларингиздан раҳматни тортиб олса, мен ўрнига солиб қўя олармидим?!», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

228/6. Жарир ибн Абдуллоҳдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Кимки инсонларга раҳм қилмаса, Аллоҳ ҳам унга раҳм қилмайди», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

229/7. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Агар сизлардан бирингиз кишиларга имом бўлиб намоз ўқиб берса, енгил қилсин. Чунки уларнинг орасида заифлар, беморлар ва кекса ёшдагилар бордир. Агар ўзи учун (танҳо) ўқиса, хоҳлаганича узун қилаверсин», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

Бошқа бир ривоятда «Уларнинг ичида ҳожатмандлари бордир» бўлиб келган.

230/8. Оишадан ﵂ ривоят қилинади. «Расулуллоҳ ﷺ баъзи амалларни бажаришни яхши кўрсалар ҳам, уни тарк қилардилар. Чунки халқ ўша нарсага амал қила бошласа, уларга фарз бўлиб қолишидан хавф қилардилар». *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

231/9. Оишадан ﵂ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ саҳобаларга раҳм қилиб, рўзани бир-бирига боғлашдан (яъни, икки рўзанинг ўртасида ифторлик қилмасликдан) ман қилдилар. Шунда саҳобалар: «Эй Аллоҳнинг расули, сиз боғлайсиз-ку?» дейишганида, Расулуллоҳ ﷺ: «Мен кўринишда сизлар каби эмасман. Ётганимда Раббим мени овқат ҳамда ичимлик билан таъминлайди» (яъни, еган ва ичганнинг қувватини менда ҳосил қилади), дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

232/10. Абу Қатода Ҳорис ибн Рибъийдан ﵂ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Намозга туриб узун қилишни хоҳлайман-да, гўдакнинг йиғиси овозини эшитиб, онасига машаққат бўлмаслиги учун намозимни енгил (қисқа) қиламан», дедилар. *Имом Бухорий ривоятлари.*

233/11. Жундуб ибн Абдуллоҳдан ﵂ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Кимки бомдод намозини ўқиса, у киши Аллоҳнинг аҳди ва омонидадир. Аллоҳ сизларни ҳаргиз аҳдини зое қилган ҳолда топмасин. Чунки Аллоҳ кимни аҳдини зое қилган ҳолда топса, уни юзи ила жаҳаннам оловига ташлайди», дедилар. *Имом Муслим ривоятлари.* (Яъни, субҳи намозини ва қолганларини ҳам ўқиган кишига ёмонлик қилишдан огоҳлантириляпти.)

234/12. Ибн Умардан ﵂ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Мусулмон мусулмон кишининг биродаридир. Унга зулм ҳам қилмайди ва биродарини душманига топшириб ҳам қўймайди. Ким биродарининг ҳожатида бўлса, Аллоҳ ҳам унинг ҳожатида бўлади. Кимки мусулмондан ғам-ташвишни кетказса, Аллоҳ таоло Қиёмат ғам-ташвишларидан уни халос этади. Кимки мусулмоннинг (айбини) беркитса, Аллоҳ таоло Қиёмат кунида унинг ҳам (айбини) беркитади», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

235/13. Абу Ҳурайрадан ﵂ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Мусулмон мусулмон кишининг биродаридир. Унга хиёнат қилмайди, ёлғон сўзламайди ва ёрдамсиз қўймайди. Ҳар бир мусулмоннинг бошқа бир мусулмон обрўсига, молига, қонига тажовуз қилиши ҳаромдир. Тақво бу ерда (яъни, қалбда). Мусулмон биродарини ҳақир ҳисобламоғи кишининг ёмон шахс эканлигига кифоя қилади», дедилар. *Имом Термизий ривоятлари.*

236/14. Абу Ҳурайрадан ﵂ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Бир-бирларингизга ҳасадлашманг. Ўзаро нархларни ошириб юборманг (яъни,

сотиб олиш нияти йўқ, лекин баҳоси ошиши учун ёлғондан баҳолашманг). Бир-бирларингизга ғазаб қилманглар ҳамда орқа ўгириб муносабатларни бузманглар. Баъзиларингиз баъзиларингиз савдоси устига савдо қилмасин. Эй Аллоҳнинг бандалари, биродар бўлинглар. Мусулмон мусулмон билан ака-укадир. Унга зулм қилмайди, ҳақир санамайди ва хўрламайди. Тақво бу ерда», деб қалбларига уч марта ишора қилдилар. Яна: «Мусулмон биродарини ҳақир санамоғи унинг ёмон эканига кифоя қилади. Ҳар бир мусулмон бошқа бир мусулмоннинг қони, моли ва обрўсига тажовуз қилмоғи ҳаромдир», дедилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

237/15. Анасдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Ўзи учун яхши кўрган нарсани биродари учун яхши кўрмагунича комил мўмин бўла олмайди», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

238/16. Анасдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Хоҳ золим, хоҳ мазлум бўлсин, биродарингга ёрдам бер», деганларида, бир киши: «Эй Аллоҳнинг расули, мазлумга-ку ёрдам бераман, золимга қандай қилиб ёрдам бераман?» деди. Шунда Расулуллоҳ ﷺ: «Зулмдан уни тўхтатсанг, ана ўша ёрдамдир», дедилар. *Имом Бухорий ривоятлари.*

239/17. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Мусулмоннинг бошқа бир мусулмон устида бешта ҳаққи бордир: 1. Саломига алик олиш. 2. Касал бўлса, бориб кўриш. 3. Ўлса, жанозасига қатнашиш. 4. Таом ёки бирор нарсага чақирса, бориш. 5. Акса уриб «Алҳамдулиллаҳ», деса, «Ярҳамукаллоҳ», деб жавоб бериш», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

Имом Муслимнинг ривоятларида қуйидагича келтирилади: «Мусулмоннинг бошқа бир мусулмон устида олтита ҳаққи бордир: 1. Агар йўлиқса, салом беради. 2. Агар (таом ёки бошқа нарсага) чақирса, боради. 3. Агар насиҳат талаб қилса, у учун насиҳат қилади. 4. Агар акса уриб «Алҳамдулиллаҳ», деса, «Ярҳамукаллоҳ», дейди. 5. Агар касал бўлса, бориб зиёрат қилади. 6. Агар ўлса, жанозасида иштирок этади».

240/18. Абу Умора Баро ибн Озибдан ﷺ ривоят қилинади. «Расулуллоҳ ﷺ етти нарсага буюриб, етти нарсадан қайтардилар. Буюрганлари: 1) касални зиёрат қилиш; 2) жанозада иштирок этиш; 3) акса уриб «Алҳамдулиллаҳ», деса, «Ярҳамукаллоҳ», деб жавоб бериш; 4) қасамни бажариш; 5) мазлумга ёрдам бериш; 6) (таом ёки бошқа нарсага) чақирувчига жавоб бериш; 7) саломни (таниган ва танимаганлар орасида) ёйиш.

Қайтарганлари: 1) тилла узук тақмоқ; 2) кумуш идишда ичмоқ; 3) туя эгарларига кимхоб ёки ипакдан тўшамоқ; 4) ипак ва каноп аралаштирилган либосни киймоқ; 5) ипакни киймоқ; 6) қалин ипакни киймоқ; 7) юпқа ипакни киймоқ». *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

Бошқа бир ривоятда аввалги етти нарса қаторига «Йўқолган нарсани топганда билдириш» жумласи ҳам қўшилган.

28-БОБ
Мусулмонларнинг айбларини ёпиш, уни заруратсиз ёйишдан қайтариш баёни

Аллоҳ таоло:

«Албатта иймон келтирган кишилар ўртасида бузуқликлар ёйилишини истайдиган кимсалар учун дунёда ҳам, охиратда ҳам аламли азоб бордир», деб айтган (Нур сураси, 19-оят).

241/1. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Бирор банда бошқа бир бандaнинг айбини дунёда беркитадиган бўлса, Аллоҳ таоло Қиёмат кунида унинг айбини беркитади», дедилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

242/2. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Умматимдан ҳар бири авф қилингандир. Фақат мужоҳирлар (ошкора қилувчилар) бундай эмас. Мужоҳир шундай бир кишики, у кечасида бир амални қилади-да, сўнгра тонг оттиради. Аллоҳ эса унинг гуноҳини беркитган эди. Бас, у: «Эй фалончи, ундай ва бундай қилдим», дейди. Ваҳоланки, Раббиси уни беркитган эди. У эса Аллоҳнинг ёпиб қўйган пардасини очиб юборади», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

243/3. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Қачон бир чўри зино қилса ва зино қилганлиги равшан, собит бўлса, унга дарра урсин. Лекин айбситиб койилмасин. Иккинчи марта яна зино қилса, унга дарра урсин. Лекин айбситиб койилмасин. Сўнгра учинчи марта яна зино қилса, уни агар қилдан тўқилган арқонга бўлса ҳам, сотиб юборсин», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

244/4. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺга ароқ ичган бир киши олиб келинди. Расулуллоҳ ﷺ: «Буни уринглар», дедилар. Абу Ҳурайра айтадилар: «Баъзимиз қўл билан, баъзимиз кавуш билан ва баъзимиз кийим билан ароқ ичган кишини урдик». Қачонки, бу киши кетаётган эди, қавмдан бўлган бир киши: «Аллоҳ сени шарманда қилсин», деди. Шунда Расулуллоҳ ﷺ: «Бундай деб айтманглар. Бу кишининг зарари учун шайтонга ёрдам берманглар», деб айтдилар. *Имом Бухорий ривоятлари.*

29-БОБ
Мусулмонларнинг ҳожатларини адо этиш баёни

Аллоҳ таоло:

«Яхшилик қилингиз – шоядки, нажот топсангизлар», деб айтган (Ҳаж сураси, 77-оят).

245/1. Ибн Умардан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Мусулмон мусулмоннинг биродаридир. Зулм ҳам қилмайди ва бошқага зулм қилиши учун топшириб ҳам қўймайди. Ким биродарининг ҳожатини чиқарса, Аллоҳ таоло ҳам унинг ҳожатини чиқаради. Кимки мусулмондан бирор ғамни енгиллатса, Аллоҳ таоло ҳам ундан Қиёмат ғамларини енгиллатади. Кимки мусулмоннинг айбини ёпса, Аллоҳ таоло ҳам Қиёмат куни унинг айбини ёпади», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

246/2. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Ким мўминдан дунё ғамларини енгиллатса, Аллоҳ таоло ҳам ундан Қиёмат ғамларини енгиллатади. Ким қийинчиликда қолган биродарини осонликка чиқарса, Аллоҳ таоло ҳам уни дунё ва охиратда осонликка чиқаради. Кимки мусулмоннинг айбини ёпса, Аллоҳ таоло ҳам дунё ва охиратда унинг айбини ёпади. Аллоҳ бандасининг ёрдамида бўлади, модомики, бандаси биродарининг ёрдамида бўлса. Кимки илм талабида бир йўлга қадам қўйса, Аллоҳ таоло жаннат йўлини унга осон қилади. Бирор жамоа Аллоҳнинг уйларидан бирига Аллоҳнинг китобини тиловат қилиш ҳамда ўзаро ўрталарида дарс қилиш мақсадида жамланадиган бўлишса, уларга хотиржамлик тушиб, раҳмат қоплаб ва фаришталар ўраб олишади. Аллоҳ таоло Ўзининг ҳузуридаги (фаришталар) билан буларни эслайди. Кимки амали (хатти-ҳаракати)ни сусайтириб қўйса, насаби хатти-ҳаракатини тезлата олмайди (яъни, унинг амали ноқис бўлса, насаби амал қилувчилар мартабасига олиб чиқмайди)», дедилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

30-БОБ
Шафеъ (воситачи бўлиш) баёни

Аллоҳ таоло:

«Ким (одамлар орасида) **чиройли – ҳақ тараф олиш билан тараф олса, ўзига ҳам унинг савобидан бир улуш тегур»**, деб айтган (Нисо сураси, 85-оят).

247/1. Абу Мусо ал-Ашъарийдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺга бирор ҳожатталаб киши келса, атрофларидаги ўтирганларга юзланиб: «Шафеъ бўлинглар, ажр оласизлар ва Аллоҳ Ўз набийсининг тили билан яхши кўрилган нарсани ҳукм қилдиради», дердилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

Баъзи ривоятларда «Хоҳлаган нарсаси билан ҳукм қилдиради» бўлиб келган.

248/2. Ибн Аббосдан ﷺ ривоят қилинади. Барира ва унинг эри ҳақида келтирилган қиссада Расулуллоҳ ﷺ Барирага: «Агар ўз эрингга мурожаат қилсанг, яхши бўларди», деганларида, Барира: «Эй Расулуллоҳ, эримга қайтишни буюрасизми?» деди. Расулуллоҳ ﷺ: «Шафеъ (воситачи) бўламан, холос», дедилар. Барира эса: «Эримга менда ҳожат йўқ», деди. *Имом Бухорий ривоятлари.*

31-БОБ
Кишилар орасини ислоҳ қилиш баёни

Аллоҳ таоло:

«Уларнинг кўп махфий суҳбатларидан – агар садақа беришга ёки бирон яхшилик қилишга ёки одамлар ўртасини ислоҳ қилишга буюрган бўлмасалар – ҳеч қандай фойда йўқдир» (Нисо сураси, 114-оят);

«Сулҳ (ажралиб кетишдан) **яхшироқдир»** (Нисо сураси, 128-оят);

«Бас, Аллоҳдан қўрқингиз ва ўз ораларингизни ўнглангиз!» (Анфол сураси, 1-оят);

«Мўминлар ҳеч шак-шубҳасиз оға-инилардир. Бас, сизлар икки – оға-инингизнинг ўртасини ўнглаб қўйинглар» (Ҳужурот сураси, 10-оят), деб айтган.

249/1. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Киши ҳар куни ўзининг ҳар бир аъзоси ва бўғими учун садақа қилиши лозимдир. Икки кишининг орасини ислоҳ этиш ҳам садақадир. Уловига чиқаётганда ёрдамлашиб қўйилса ёки юкини юклашиб берилса, у ҳам садақадир. Мулойим сўз ҳам садақадир. Намозга юриб борилган ҳар бир қадам ҳам садақадир. Йўлдан азият берувчи нарсаларни олиб ташлаш ҳам садақадир», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

250/2. Умму Гулсум бинти Уқба ибн Абу Маъитдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Кишилар орасини ислоҳ қилиш мақсадида ёлғондан бўлса ҳам, яхшиликни етказса ёки яхшиликни айтса, у ёлғончи эмасдир», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

Имом Муслимнинг ривоятларида қуйидагилар зиёда қилинган: «Кишилар сўзларидаги бирор нарсада (ёлғон ишлатишга) рухсат бермадилар. Фақатгина уч нарсада рухсат бердилар: 1. Урушда; 2. Кишилар орасини ислоҳ этишда; 3. Эри хотинига ва хотини эрига (бирор келишиш юзасидан, муроса учун) бўлган сўзлашувларида».

251/3. Оишадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ дарвоза олдида жанжаллашаётганларнинг овозларини эшитдилар. Ҳар иккисининг овози баланд кўтарилмоқда эди. Улардан бири иккинчисидан берган қарзини бир оз камайтиришини ва тўлаш муддатини бироз чўзиб яхшилик қилишини илтимос қилар эди. Иккинчиси эса: «Аллоҳга қасамки, (сен айтгандек) қилмайман!» дер эди. Буни эшитиб Расулуллоҳ ﷺ: «Яхшилик қилмайман, деб Аллоҳ номига қасам ичувчи қани?» деганларида, ҳалиги киши:

«Менман, эй Расулуллоҳ! Олган қарзидан (қанчасини ва қачон тўлашни) маъқул кўрса, ўшанда тўлайверсин!» деди. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

252/4. Абу Аббос Саҳл ибн Саъд ас-Соъидийдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺга Амр ибн Авф қабиласида келишмовчилик бўлгани хабари етганида, у зот саҳобалари билан бирга уларнинг орасини ислоҳ қилиш учун бордилар. Ва у ерда бироз тўхтаб қолдилар. Намоз вақти яқинлашиб қолганида Билол ﷺ Абу Бакр ﷺ ҳузурларига келиб: «Эй Абу Бакр, Расулуллоҳ ушланиб қолдилар. Намоз вақти бўлди. Кишиларга имом бўлиб берасизми?» деганларида, Абу Бакр ﷺ: «Агар хоҳласангиз, имом бўлавераман», дедилар. Билол ﷺ намозга иқомат айтдилар. Абу Бакр ﷺ олдинга ўтиб такбир айтиб (қулоқ қоқдилар). Одамлар ҳам такбир айтишди. Расулуллоҳ ﷺ саф орасидан юриб келиб, ўз ўринларини эгалладилар. Одамлар қарсак чала бошлашди. Абу Бакр ﷺ эса намозда ўгирилиб қарамадилар. Қачонки, кишиларнинг қарсаги кўпайиб кетганидан кейин Абу Бакр ﷺ ўгирилиб қараган эдилар, Расулуллоҳ ﷺ (сафда) турибдилар. Лекин у зот ﷺ Абу Бакрга ﷺ: «Давом этавер», дедилар. Абу Бакр ﷺ қўлларини кўтариб Аллоҳга ҳамд айтиб, орқага қайтдилар ва кўрдиларки, Расулуллоҳ ﷺ сафда турибдилар. Расулуллоҳ ﷺ олдинга ўтиб кишиларга намоз ўқиб бердилар. Қачонки, намоздан фориғ бўлганларида кишиларга юзланиб: «Эй инсонлар, сизларга нима бўлдики, намозда бирор ҳодиса юз берса, чапак чаласизлар? Ваҳоланки, намозда бирор ҳодиса юз берса, чапак чалиш аёлларга хосдир. Агар эркакларнинг намозида бирор ҳодиса юз берса, «Субҳоналлоҳ», деб айтсин. Чунки «Субҳоналлоҳ», дейилганда бирор киши эшитса, ўгирилиб қарайди. Эй Абу Бакр, сизга ишора қилганимда кишиларга имом бўлиб намоз ўқиб беришдан нима ман қилди?» деганларида, Абу Бакр ﷺ: «Ибн Абу Қуҳофага (яъни, Абу Бакрга) Расулуллоҳ ﷺ олдиларида кишиларга имом бўлиб бериш дуруст эмас», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

32-БОБ

Заиф, камбағал ва овоза бўлмаган мусулмонларнинг фазилати

Аллоҳ таоло:

«Сиз ўзингизни эрта-ю кеч Парвардигорларининг юзини – розилигини истаб Унга илтижо қиладиган зотлар билан бирга тутинг! Кўзларингиз ҳаёти дунё зийнатларини кўзлаб, улардан ўтиб (ўзга аҳли дунёларга боқмасин)», деб айтган (Каҳф сураси, 28-оят).

253/1. Ҳориса ибн Ваҳбдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Сизларга аҳли жаннат кимлар эканлигини айтайми? Улар ҳар бир заиф ва одамлар назарига илмайдиган бечораҳол кишилардир. Агар бу заиф киши Аллоҳни ўртага қўйиб қасам ичса, қасамининг устидан чиқади. Огоҳ бўлинглар! Сизларга аҳли дўзах кимлар эканини айтайми? Улар қўпол, дағал, гердайиб юрувчи мутакаббирлардир», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

254/2. Абу Аббос Саҳл ибн Саъд ас-Соъидийдан ﷺ ривоят қилинади. Бир киши Расулуллоҳ ﷺ олдиларидан ўтиб кетди. Расулуллоҳ ﷺ ёнларида ўтирган бошқа бир кишига: «Ўтиб кетган шахс ҳақида қандай фикрдасан?» деганларида, у киши: «Бу одамларнинг олий табақалисидир. Агар мана шу киши совчи бўлса, қизингизни узатмоқликка ҳақлидир. Агар воситачи бўлса, шафеъ бўлишга ҳақлидир», деди. Расулуллоҳ ﷺ жим турдилар. Сўнгра олдиларидан бошқа бир киши ўтди. Расулуллоҳ ﷺ ёнларидаги кишига: «Бу ҳақда нима дейсан?» дедилар. У киши: «Бу ўтиб кетган киши мусулмонларнинг камбағалидир. Агар совчи бўлса, қизни узатмасликка, воситачи бўлса, шафеъ бўлмасликка ва агар гапирса, сўзини эшитмасликка ҳақлидир», деди. Шунда Расулуллоҳ ﷺ: «Бу камбағалнинг битта ўзи ер юзини тўлдирувчи олий табақали кишилардан яхшидир», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

255/3. Абу Саид ал-Худрийдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Жаннат ва дўзах мартаба талашиб хусуматлашишди. Дўзах: «Менда золимлар, мутакаббирлар бўлади», деди. Жаннат: «Менда заиф ва мискинлар бўлади», деди. Аллоҳ таоло уларнинг ўртасида ҳукм қилди ва: «Эй жаннат, сен Менинг раҳматимдирсан. Мен хоҳлаган бандамга сен билан раҳмат қиламан (яъни, сенга уни киргизаман). Эй дўзах, сен Менинг азобимдирсан. Мен хоҳлаган бандамга сен билан азоб бераман (яъни, сенга уни киргизаман). Икковларингизни тўлдириш Менинг зиммамдадир», деди», дедилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

256/4. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Қиёмат куни жисми катта ва семиз кишилар келишади. Уларнинг Аллоҳ ҳузурида пашша қанотича ҳам вазнлари бўлмайди», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

257/5. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Бир қора аёл (ёки ёш йигит) масжидни супуриб юрар эди. У кўринмай қолди. Расулуллоҳ ﷺ у ҳақда саҳобалардан сўраганларида, улар: «Ўлди», деб айтишди. Расулуллоҳ ﷺ: «Менга бу ҳақда билдирмадингларми?» дедилар. Саҳобалар унинг ишини енгил санаб хабар беришмаган эди. Расулуллоҳ ﷺ: «Мени унинг қабрига олиб боринглар», деб айтдилар. Саҳобалар у зотни ўша аёл (ёки йигит) қабрига олиб боришди. Расулуллоҳ ﷺ унга намоз ўқидилар. Сўнгра: «Албатта бу қабрлар аҳлини зулмат қоплагандир. Аллоҳ таоло менинг дуоим ила уларни нурлантириб туради», деб айтдилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

258/6. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Бир қанча сочи тўзиган, чанг босган ва эшиклардан қувилган кишилар борки, агар улар Аллоҳ номига қасам ичиб бир нарсани бўлсин ёки бўлмасин, деса, Аллоҳ уни рўёбга чиқаради», дедилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

259/7. Усомадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Жаннат эшиги олдида турдим. У ерга кираётганларнинг кўпи бечоралар экан. Лекин давлатмандлар (бечоралардан кейин кирсин, деб) тўхтатиб қўйилибди. Дўзахийлар дўзахга кирсин, деб буюрилди. Мен дўзах эшиги олдида туриб кўрдимки, дўзахга кирувчиларнинг аксари аёллар экан», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

260/8. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Бешикда туриб гапирганлар учтадир. 1) Исо ибн Марям; 2) Ҳазрат Журайж (замонидаги бир гўдак). Журайж обид киши эди. Ва ибодат қиладиган кулбаси бор эди. Бир куни ўша ерда намоз ўқиётганида онаси келиб: «Эй Журайж!» деб чақирди. Шунда Журайж: «Эй Раббим, онамга қарайми ёки намозимни ўқийми?» деб намозида давом этди. Онаси эса орқасига қайтиб кетди. Эртаси кун онаси келганида Журайж яна намоз ўқиётган эди. Онаси: «Эй Журайж!» деб чақирди. Журайж: «Эй Раббим, онамга қарайми ёки намозимни ўқийми?» деб намозида давом этди. Учинчи кун онаси келганида Журайж яна намоз ўқиётган эди. Онаси: «Эй Журайж!» деб чақирди. Журайж: «Эй Раббим, онамга қарайми ёки намозимни ўқийми?» деб намозида давом этди. Шунда онаси: «Зинокор аёлнинг юзига боқмагунча ўлдирмагин» (яъни, ўлишдан олдин бир туҳматга гирифтор бўлмагунча ўлдирмагин), деб дуоибад қилди. Бани Исроил қавмидагилар Журайж ва унинг ибодатини эслашди. Ва суюқоёқ бир аёл бор эди. Унинг гўзаллиги зарбулмасал қилинар эди. Бу аёл: «Агар хоҳласангизлар, Журайжга фитна ишлатаман», деди. Ва ўзини Журайжга намойиш қилди. Лекин Журайж у аёлга нигоҳини ташлаб ҳам қўймади. Кейин у хотин Журайжнинг ибодат қиладиган кулбасига бориб турадиган бир чўпонни илинтириб, у билан ношаръий алоқада бўлиб, ҳомиладор бўлиб қолди. Қачонки, унинг боласи туғилганида «Мана шу гўдак Журайжнинг пушти камаридан бўлган», деди. Кишилар Журайжнинг ҳузурига бориб, уни кулбасидан туширдилар-да, ибодатхонасини бузиб ташлаб, Журайжни дўппослаб кетишди. Журайж: «Нимага бундай қиляпсизлар?» деди. Кишилар: «Сен мана бу бузуқ аёл билан зино қилибсан. Ва оқибатда сендан мана бу болани орттирибди», дейишди. Журайж: «Гўдак қаерда?» деди. Бас, улар болани олиб келишди. Журайж: «Мени ҳоли қолдиринглар, намоз ўқиб олай», деди. Қачонки, намозни ўқиб тугатганидан кейин гўдакнинг олдига борди-да, қорнига бармоғи билан уриб: «Эй болакай, отанг ким?» деди. Шунда бола тилга кириб, фалончи чўпон, деди. Кишилар Журайжга юзланиб, уни ўпиб, қўлларини баданига суртишди. Ва: «Сенга тиллодан ибодат қиладиган кулба қуриб берамиз», дейишди. Журайж: «Йўқ! Аввал қандай бўлса, ўшандай қилиб лойдан қуриб беринглар», деди. Улар қуриб беришди.

3) Бир гўдак эди. У онасини эмиб кетаётган эди. Ногаҳон олдиларидан чопқир, гавдали ва чиройли уловга миниб кетаётган бир киши ўтиб кетди. Шунда онаси: «Аллоҳим, ўғлимни ҳам бу кишига ўхшаш қилгин», деди. Бу сўзларни эшитган гўдак кўкрак эмишни тўхтатди-да, у кишига юзланиб назарини қаратди. Ва: «Аллоҳим, мени у кишига ўхшаш қилмагин», деди-да, кўкрагига қайтиб, яна эма бошлади. (Абу Ҳурайра ﷺ: «Ўшанда жаноб

Расулуллоҳнинг бола онаси кўкрагини қандай эмганини тушунтириш учун ўз бармоқларини сўриб кўрсатганлари ҳамон кўз олдимда», дедилар.) Сўнгра она-бола бир чўри олдидан ўтиб қолишди. Кишилар зино қилдинг, ўғирладинг, деб уни уришаётган эди. У чўри эса: «Ҳасбияллоҳу ва ниъмал вакил», яъни «Аллоҳ менга кифоячидир. У мунча ҳам яхши вакил», дер эди. Боланинг онаси: «Аллоҳим, ўғлимни бу чўрига ўхшаш қилмагин», деган эди, бола яна эмишни тўхтатди-да, у чўрига қараб «Аллоҳим, мени шу чўри каби қилгин», деди. Она-бола мана шу ерда савол-жавоб қилишди. Она: «Чиройли, ҳайъатли киши ўтиб кетди. Мен: «Аллоҳим, ўғлимни бу киши каби қилгин», десам, сен: «Аллоҳим, мени у киши каби қилмагин», дединг. Чўри олдидан ўтаётганимизда кишилар уни зино қилдинг, ўғирладинг, деб айтиб дўппослашаётганида, мен: «Аллоҳим, ўғлимни у каби қилмагин», десам, сен: «Аллоҳим, мени у каби қилгин», деб айтдинг», деганида, боласи: «Бу уловдаги киши золимдир. Шунинг учун «Аллоҳим, мени бу киши каби қилмагин», дедим. Ана бу чўрини ўғирлик қилдинг, дейишаётган эди. Аслида, у ўғри эмас эди. Зино қилдинг, дейишаётган эди. Аслида, зино қилмаган эди. Мен: «У чўри каби ўғирлик, зино қилмайдиганлардан қилгин», дедим», деб айтди», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

33-БОБ
Етимлар, қизлар, бошқа заиф, бечора, қалби синиқ кишиларга яхшилик, шафқат қилиш ҳамда тавозуъли ва камтар бўлиш ҳақида

Аллоҳ таоло айтади:

«Мўминлар учун қанотингизни паст тутинг (яъни, мудом камтар-тавозуъли бўлинг!)» (Ҳижр сураси, 88-оят);

«Сиз ўзингизни эртаю кеч Парвардигорларининг юзини – розилигини истаб, Унга илтижо қиладиган зотлар билан бирга тутинг! Кўзларингиз ҳаёти дунё зийнатларини кўзлаб, улардан ўтиб (ўзга аҳли дунёларга боқмасин)» (Каҳф сураси, 28-оят);

«Бас, энди сиз ҳам етимга қаҳр қилманг. Сўровчи гадони эса (бирон нарса бермасдан) **ҳайдаманг!»** (Зуҳо сураси, 9–10-оятлар);

«Динни (охиратдаги жазони) **ёлғон дейдиган кимсани**(нг қандай кимса эканлигини**) кўрдингизми-билдингизми? Бас, бу етим-есирни** (қўполлик билан) **ҳайдаб соладиган ва** (кишиларни) **мискин-бечорага таом беришга тарғиб қилмайдиган кимсадир»** (Моъувн сураси, 1–3-оятлар).

261/1. Саъд ибн Абу Ваққосдан ﷺ ривоят қилинади. «Биз олти нафар киши Расулуллоҳ ﷺ ҳузурларида эдик. Мушриклар Расулуллоҳ ﷺга: «Ҳу анави (бечораҳол) кишиларни ҳайданг. Улар бизнинг (мажлисларимизда қатнашишга) ботина олишмасин», дейишди. Ўша бечораҳол кишилар мен, Ибн Масъуд, Ҳузайл қабиласидан бир киши, Билол ва яна икки киши эдик.

Бу икки кишининг исмини келтира олмайман. Расулуллоҳ ﷺ дилларига Аллоҳ таоло хоҳлаган бир хаёл келди. У хаёлни ўзларига гапириб кўрдилар. Ва Аллоҳ таоло **«Эртаю кеч Парвардигорларининг юзини истаб, Унга илтижо қиладиган зотларни** (ҳузурингиздан) **ҳайдаманг»** (Анъом сураси, 52-оят) оятини нозил қилди». *Имом Муслим ривоятлари.*

262/2. Абу Ҳубайра Оиз ибн Амр ал-Музанийдан ﷺ ривоят қилинади. (Бу зот «Ризвон» байъатида иштирок этган саҳобалардан эдилар.) Бир куни Абу Суфён (ҳали Исломга кирмасидан олдин) Салмон, Суҳайб, Билол ва бир неча бошқа саҳобалар ҳузурларига келганида, улар: «Аллоҳнинг қиличи Аллоҳ душмани гарданидан олмади-да», дейишди. Абу Бакр ﷺ: «Бу сўзни Қурайшнинг шайхи ва саййидига нисбатан ишлатяпсизларми?» деб, сўнгра Расулуллоҳ ﷺ ҳузурларига бориб бунинг хабарини берганларида, Расулуллоҳ ﷺ: «Эй Абу Бакр, уларни ғазаблантирган бўлишинг мумкин. Агар шундай бўлса, Раббингни ғазаблантиргансан», дедилар. Абу Бакр ﷺ уларнинг ҳузурларига бориб: «Эй биродарлар, сизларни ғазаблантирдимми?» деганларида, саҳобалар: «Йўқ! Эй биродар, Аллоҳ сени мағфират қилсин», дейишди. *Имом Муслим ривоятлари.*

263/3. Саҳл ибн Саъддан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Мен етимни ўз қарамоғига олган киши билан – икковимиз жаннатда мана шундай бўламиз», деб ишора ва ўрта бармоқларининг орасини очиб кўрсатдилар. *Имом Бухорий ривоятлари.*

264/4. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Хоҳ ўзига қарашли, хоҳ бегона етимни ўз қарамоғига олган киши билан икковимиз жаннатда бирга бўламиз», дедилар. Мана шу ҳадис ровийларидан бири Молик ибн Анас ишора ва ўрта бармоқларини кўрсатдилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

265/5. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Сизлар битта-иккита хурмо, бир-икки луқма таом берсангиз, ўша билан кифояланувчи киши мискин эмас, камбағал бўлишига қарамасдан тиланчилик қилишдан ўзини тийган одам ҳақиқий мискин», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

Буларнинг бошқа ривоятларида: «Одамларнинг атрофида тиланиб, бир-икки луқма, битта-иккита хурмо билан кифояланувчи киши мискин эмас. Лекин ҳақиқий мискин ҳожатига керакли нарсани топа олмайди. Садақа берай, дейилса, унинг ҳолати билинмайди. Ва одамлардан тиланиб юрмайди», дейилган.

266/6. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Бева ва мискин аҳволидан хабар олиб ёрдамлашувчи киши Аллоҳ йўлидаги

мужоҳидга ўхшайди. Намозда қоим ва рўзада доим бўлган кишига ўхшаш, деб ҳисоблайман», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

267/7. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Таомларнинг ёмони бир тўйнинг таомики, унга ўзи келган киши киргизилмайди ва хоҳламаган киши таклиф қилинади. Кимки таомга чақирилса-ю унга ижобат қилмаса, Аллоҳ ва расулига осий бўлибди», дедилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

Икки «Саҳиҳ» китобидаги Абу Ҳурайрадан ﷺ қилинган бошқа ривоятда: «Таомларнинг ёмони бир тўй таомики, унга бойлар таклиф қилиниб, камбағаллар тарк қилинади», дейилган.

268/8. Анасдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Кимки икки қизни турмушга чиққунларича вояга етказиб тарбияласа, Қиёмат куни мен ва у мана бу иккисига ўхшаб келади», деб бармоқларини бир-бирига қўшиб кўрсатдилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

269/9. Оишадан ﷺ ривоят қилинади. «Бир куни менинг ҳузуримга иккита қизини (етаклаб) бир аёл тиланчилик қилиб кириб келди. Менинг ҳузуримда битта хурмодан ташқари бошқа нарса йўқ эди. Мен хурмони берсам, бу аёл уни иккига ажратди-да, икки қизига бериб, ўзи у хурмодан емади. Қачонки, Расулуллоҳ ﷺ кирганларида бу ҳақда хабар берсам, у зот: «Кимки мана шу каби қиз фарзанд билан имтиҳон қилинса (синалса), у қиз фарзандларини чиройли парвариш этса, унинг учун жаҳаннамдан парда бўлади», дедилар». *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

270/10. Оишадан ﷺ ривоят қилинади. «Менинг ҳузуримга икки қизини (етаклаб) бир мискин аёл келди. Мен у мискин аёлга учта хурмо бердим. У эса икки қизига биттадан бериб, ўзи биттасини ейиш учун энди оғзига олиб борувди, ҳалиги икки қиз яна беринг, деб сўраб қолишди. Аёл ўзи ейишни хоҳлаб турган хурмони иккига бўлиб, уларга берди. Бу иши мени ҳайрон қолдириб, уни Расулуллоҳга айтсам, у зот ﷺ: «Албатта Аллоҳ таоло унга жаннатни вожиб қилиб, дўзахдан халос этибди», дедилар». *Имом Муслим ривоятлари.*

271/11. Абу Шурайҳ Хувайлид ибн Амр ал-Хузоъийдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Икки заифни, яъни етим ва аёлнинг ҳаққини зое қилишингиздан огоҳлантираман», дедилар. *Имом Насаий яхши иснод ила ривоят қилганлар.*

272/12. Мусъаб ибн Саъд ибн Абу Ваққосдан ﷺ ривоят қилинади. Саъд ﷺ бошқа саҳобалардан даражада баланд бўлсам керак, деб хаёл қилганларида, Расулуллоҳ ﷺ: «Сизларга келиб турган ёрдам ва етиб турган ризқлар заиф биродарларингиз туфайлидир», дедилар. *Имом Бухорий мурсал ҳолда ривоят қилганлар.*

Чунки Мусъаб ибн Саъд тобеъинлардан эди. Лекин Ҳофиз Абу Бакр Барқоний «Саҳиҳ»ларида бу санадни Мусъабга етказганлар.

273/13. Абу Дардо Уваймирдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Мени заифларингиз ичидан ахтаринглар. Чунки заифларингиз туфайли ғалаба қозониб ризқланурсизлар», дедилар. *Абу Довуд яхши иснод билан ривоят қилганлар.*

34-БОБ
Аёллар ҳақидаги васият

Аллоҳ таоло шундай деган:

«Улар (аёллар) **билан тинч-тотув яшанглар»** (Нисо сураси, 19-оят);

«Ҳар қанча уринсангизлар ҳам, хотинларингиз ўртасида адолат қилишга қодир бўлмайсизлар. Бас, бутунлай (суйган хотинларингиз томонга) **оғиб кетиб** (кўнгилсиз бўлиб қолган) **хотинингизни муаллақа каби ташлаб қўймангиз!»** (Муаллақа – эри бирон-бир сабаб билан бедарак кетган аёлдир.) (Нисо сураси, 129-оят).

274/1. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Хотинларга яхши муомалада бўлинглар, деб айтган васиятимни қабул қилинглар. Чунки аёл қовурғадан халқ қилингандир. Қовурғанинг энг қийшиқ жойи юқорисидир. Агар сен уни тўғрилайман, десанг, синдириб қўясан. Агар шундай қолдирсанг, эгри бўйича қолади. Шундай экан, хотинлар ҳақидаги васиятимни қабул қилинглар», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

Икки имомнинг бошқа ривоятларида: «Аёл қовурғага ўхшайди. Уни тўғрилайман, десанг, синдириб қўясан. Агар фойдаланмоқчи бўлсанг, қийшиқ ҳолидагина фойдалана оласан», дейилган.

Имом Муслимнинг ривоятларида: «Албатта аёл қовурғадан яратилгандир. Сен бинойидек тўғрилай олмайсан. Агар фойдаланмоқчи бўлсанг, қийшиқ ҳолидагина фойдалана оласан. Агар тўғрилайман, десанг, синдириб қўясан. Уни синдириш талоғини беришликдир», дейилган.

275/2. Абдуллоҳ ибн Замъадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ хутба ўқидилар. У хутбада (Самуд қабиласи) сўйган туяни зикр қилиб: «Эсланг, уларнинг энг бадбахтлари (туяни сўйиш учун) қўзғолганларида...» оятини ўқиб: «Қўзғолиш учун қавмдан куч-қудратли бузғунчи бир киши чиқди», дедилар. Кейин аёлларни зикр қилиб, улар ҳақида қуйидагича ваъз қилдилар: «Сизлардан бирингиз хотинини худди хизматкорини ургандек уради-да, ўша кечаси яна у билан бирга ётади-я». Кейин орқасидан ел чиққанда кулувчилар ҳақида ваъз қилиб: «Нима учун ўзи ҳам қиладиган нарсада (биров устидан) кулади?» дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

276/3. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Мўмин киши мўмина аёлдан нафрат қилмасин. Агар бир хулқини ёмон кўриб қолса,

бошқа бир хулқидан мамнун бўлиб қолар», дедилар ёки бундан бошқароқ бир сўз айтдилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

277/4. Амр ибн Аҳвас ал-Жушамийдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ видолашув ҳажида Аллоҳга ҳамду сано айтганларидан кейин одамларга қуйидагича ваъз ва насиҳат қилдилар: «Огоҳ бўлинглар, аёллар ҳақидаги васиятимга амал қилиб, уларга яхши муомалада бўлинглар. Албатта, аёллар сизларнинг асирларингиздир. Бундан бошқа нарсага эга эмассиз. Фақатгина очиқ-ойдин фоҳишалик қилишсагина, бундай эмас. Агар итоатсизлик қилишса, ётоқни тарк этинг. (Яъни, улар билан бир жойда ётманг. Шунда ҳам сизларга бўйсунмасалар) оғритмайдиган қилиб уринглар. Аммо сизларга итоат қилсалар, уларга қарши бошқа йўл ахтарманглар. Огоҳ бўлинглар, сизларнинг аёллар зиммасида ҳақларингиз бор. Ва аёлларингизнинг сизларнинг зиммангизда ҳақлари бор. Сизларнинг улар зиммасидаги ҳақларингиз ётадиган ерингизга сизлар ёмон кўрган кишининг қадамини етказмаслик ва ёмон кўрган кишингизни уйингизга киришига изн бермаслигидир. Огоҳ бўлинг, аёлларнинг сизлар зиммангиздаги ҳақлари яхши либос ва яхши таом билан таъминламоқлигингиздир». *Имом Термизий ривоятлари.*

278/5. Муовия ибн Ҳайдадан ﷺ ривоят қилинади. «Мен: «Эй Аллоҳнинг расули, бизларнинг зиммамиздаги хотинларимизнинг ҳақлари нима?» десам, у зот ﷺ: «Ўзинг овқатланганда унга ҳам едирмоғинг, ўзинг либос кийганингда уни ҳам кийинтирмоқлигинг ва юзига урмаслигинг, Аллоҳ сени қабиҳ этсин, деб сўкмаслигинг ҳамда уйингдан ташқари жойда аразлашмаслигинг», дедилар». *Абу Довуд ривоятлари.*

279/6. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Мўминларнинг имон жиҳатидан комилроғи хулқи яхши бўлганларидир. Сизларнинг яхшиларингиз аёллар билан яхши бўлганларингиздир», дедилар. *Имом Термизий ривоятлари.*

280/7. Иёс ибн Абдуллоҳ ибн Абу Зубобдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Аллоҳнинг чўрилари (аёлларни) урманглар», деганларида, Умар ﷺ Расулуллоҳ ﷺ ҳузурларига келиб: «Хотинлар эрларига журъат қиладиган бўлиб қолишди», дедилар. Расулуллоҳ ﷺ уларни уришга изн бердилар. Шундан кейин Расулуллоҳ ﷺ хонадонларининг атрофини кўп хотинлар ўраб олиб, эрларидан шикоят қилишди. Расулуллоҳ ﷺ: «Муҳаммад оиласини кўп хотинлар ўраб олиб, эрларидан шикоят қилишмоқда. Ана ўша (хотинини урувчилар) яхшиларингиз эмас», деб айтдилар. *Абу Довуд саҳиҳ иснод билан ривоят қилганлар.*

281/8. Абдуллоҳ ибн Амр ибн Оссдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Дунё ўзи бир матодир. Унинг энг яхши матоси солиҳа аёлдир», дедилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

35-БОБ
Эрнинг хотини зиммасидаги ҳаққи

Аллоҳ таоло қуйидагича зикр қилган:

«Эркаклар хотинлари устида раҳбардурлар. Бунга сабаб Аллоҳ уларнинг бировларини бировларидан (яъни, эркакларни аёллардан) **ортиқ қилгани ва эркаклар** (хотинлари ва оилалари учун) **ўз мол-мулкларидан сарф-харажат қилганларидир. Бас, ибодат-итоатли ва эрлари йўқлигида Аллоҳнинг ҳифзу ҳимояти билан** (эрларининг мол-мулкларини ва ўз иффатларини) **сақловчи хотинлар – яхши хотинлардир»** (Нисо сураси, 34-оят).

Бунга юқоридаги бобда келган Амр ибн Аҳвасдан ﷺ ривоят қилинган 276-рақамли ҳадис ҳам далил бўлади.

282/1. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Агар киши ўз хотинини тўшагига чақирса-ю у хотин келмаса ва эри ундан норози бўлиб кечани ўтказса, фаришталар тонг отгунча у хотинга лаънат айтиб чиқишади», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

Икковларидан қилинган бошқа бир ривоятда: «Агар хотин кечаси эрининг тўшагидан алоҳида бўлиб ётса, фаришталар уни тонг отгунча лаънатлаб чиқишади», дейилган.

Яна бир бошқа ривоятда келтирилишича, Расулуллоҳ ﷺ: «Менинг жоним қўлида бўлган Зотга қасамки, бирор киши ўз хотинини тўшагига чақирса-ю хотин кўнмасдан туриб олса, эри рози бўлгунича Аллоҳ таоло ҳам унга нисбатан ғазабда бўлади», дедилар.

283/2. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Аёлга эри сафарга кетмаган бўлса, эрининг изнисиз (нафл) рўза тутмоқлиги ҳамда уйга бирор кишининг киришига рухсат бермоқлиги ҳалол бўлмайди», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.* Бу ҳадисдаги лафз Бухорийники.

284/3. Ибн Умардан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Барчангиз қўл остингиздагиларга ҳомий ва уларга масъулдирсиз. Бошлиқ ходимларга ҳомийдир. Киши оила аъзоларига ҳомийдир. Хотин ҳам эрининг уйига ва болаларига ҳомийдир. Барчангиз ҳомий ва қўл остингиздагилардан масъулдирсиз», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

285/4. Абу Али Талқ ибн Алидан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Агар киши хотинини бирор ҳожатига чақирса, у хотини тандир (ёнида) бўлса ҳам келсин», дедилар. *Имом Термизий ва Насаийлар ривоятлари. Термизий бу ҳадис ҳасан ва саҳиҳдир, деб айтганлар.*

286/5. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Агар кишининг кишига сажда қилиши мумкин бўлганида, хотинларни ўз эрларига сажда қилишга буюрган бўлар эдим», дедилар. *Имом Термизий ривоятлари.*

287/6. Умму Саламадан ﵂ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Қайси бир хотин вафот этса ва эри ундан рози бўлса, ўша хотин жаннатга киради», дедилар. *Имом Термизий ривоятлари.*

288/7. Муоз ибн Жабалдан ﵁ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Дунё ҳаётида бирор хотин эрига озор берадиган бўлса, (жаннатдаги) ҳурлар: «Аллоҳ ҳалок қилгур, бу кишига озор берма! Сенинг ҳузурингда у вақтинчалик меҳмон, холос. Тез фурсатда сендан жудо бўлиб, бизнинг ҳузуримизга келади», дейишади», дедилар. *Имом Термизий ривоятлари.*

289/8. Усома ибн Зайддан ﵁ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Ўзимдан кейин кишиларга аёллардан кўра зарарлироқ фитнани қолдирмадим», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

36-БОБ
Аҳли аёлига қилинадиган нафақа ҳақида

Аллоҳ таоло қуйидагиларни айтади:

«Уларни (яъни, оналарни) **яхшилик билан едириб-кийдириш отанинг зиммасидадир»** (Бақара сураси, 233-оят);

«Бой-бадавлат киши ўз бойлигидан (яъни, бойлигига ярашадиган) **нафақа берсин. Кимнинг ризқи танг қилинган** (камбағал) **бўлса, у ҳолда Аллоҳ ўзига ато этган нарсадан** (яъни, ўз ҳолига яраша) **нафақа берсин! Аллоҳ ҳеч бир жонни Ўзи унга ато этган** (ризқ-рўз)**дан бошқа нарсага таклиф қилмас,** (яъни, ҳар бир инсон фақат Аллоҳ ўзига ато этган ризқдан инфоқ қилишга таклиф қилинур)» (Талоқ сураси, 7-оят);

«Не бир нарсани инфоқ-эҳсон қилсангиз, бас, (Аллоҳ) **унинг ўрнини тўлдирур»** (Сабаъ сураси, 39-оят).

290/1. Абу Ҳурайрадан ﵁ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Бир динор Аллоҳ йўлида инфоқ қилдинг. Бир динор қул озод қилиш учун инфоқ қилдинг. Бир динор мискинга инфоқ қилдинг. Ва бир динор ўз аҳлингга инфоқ қилдинг. Буларнинг ичида энг савоби улуғи ўз аҳлингга инфоқ қилганингдир», дедилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

291/2. Расулуллоҳ ﷺнинг озод қилган қуллари Абу Абдуллоҳ Савбон Буждуддан ﵁ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Ўз аҳли аёлига инфоқ қилинган динор, Аллоҳ йўлидаги уловини боқиш учун инфоқ қилинган динор, Аллоҳ йўлидаги дўстларига инфоқ қилинган динор – динорларнинг афзалидир», дедилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

292/3. Умму Саламадан ﷺ ривоят қилинади. «Мен: «Эй Аллоҳнинг расули, аввалги эрим Абу Саламадан бўлган болаларимга молимдан инфоқ қилсам, савоб бўладими? Уларни ундай ёки бундай (қаровсиз) қолдирмайман. Чунки улар ҳам болаларим-ку», десам, у зот ﷺ: «Ҳа, уларга қилган инфоқингда ҳам ажр бордир», дедилар». *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

293/4. Саъд ибн Абу Ваққосдан ﷺ ривоят қилинади. (Китобимизнинг аввалидаги ният бобида келтирилган узун ҳадисда зикр қилинишича), Расулуллоҳ ﷺ: «Бирор нарсани инфоқ қилиб Аллоҳнинг розилигини талаб қилсанг, савобга эришасан. Ҳаттоки, хотинингнинг оғзига солган луқмангга ҳам савоб оласан», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

294/5. Абу Масъуд ал-Бадрийдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Агар киши Аллоҳнинг розилиги учун аҳли аёлига бирор нарсани инфоқ қилса, ўша нарсаси у учун садақа бўлади», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

295/6. Абдуллоҳ ибн Амр ибн Оссдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Ўз қарамоғидаги кишини қаровсиз қолдирмоғи гуноҳкор эканлигига кифоя қилади», дедилар. *Абу Довуд ривоятлари.*

Имом Муслимнинг ривоятларида: «Ризқига эга бўлиб туриб ундан ўша ризқни ман этиши кишининг гуноҳкор эканига кифоя қилади», дейилган.

296/7. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Банда тонг оттирганида икки фаришта тушади. Улардан бири: «Аллоҳим, инфоқ қилувчиларга ўрнини қоплайдиган нарса ато эт», дейди. Иккинчиси: «Аллоҳим, хасис, зиқналарга талофот бергин», дейди», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

297/8. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Юқоридаги қўл пастки қўлдан яхшидир. (Яъни, эҳсон қилувчи қўл тиланчи қўлдан яхшидир.) Садақа беришни аввал қарамоғингдагилардан бошлагин! Садақаларнинг энг яхшиси ўзинг ва оиланг эҳтиёжларини қондирадиган нарсаларни қолдириб қилган садақангдир. Кимки тиланчиликдан сақланиб ўзини тийса, Аллоҳ ҳам уни тиланчиликдан офиятда қилиб қўяди. Кимки (берганига қаноат қилиб) ўзини беҳожат қилса, Аллоҳ ҳам уни беҳожат, бадавлат қилиб қўяди», дедилар. *Имом Бухорий ривоятлари.*

37-БОБ
Яхши кўрган нарсаларини инфоқ қилиш ҳақида

Аллоҳ таоло қуйидагиларни зикр қилади:

«Суйган нарсаларингиздан инфоқ-эҳсон қилиб бермагунингизча ҳаргиз яхшиликка (жаннатга) **етмагайсиз»** (Оли Имрон сураси, 92-оят);

«Эй мўминлар, касб қилиб топган нарсаларингизнинг ҳалол-покизаларидан ва Биз сизлар учун ердан чиқарган нарсалардан инфоқ-эҳсон қилингиз! Эҳсон қилиш учун паст-нопокларини танламангиз!» (Бақара сураси, 267-оят).

298/1. Анасдан ﷺ ривоят қилинади. Абу Талҳа ﷺ Мадинада ансорлар ичида хурмоси кўп бадавлат кишилардан бири эдилар. Бу зотнинг энг маҳбуб мол-мулклари масжиди Набавиййанинг рўпарасидаги Байраҳо номли боғлари эди. Расулуллоҳ ﷺ бу ерга кириб, ширин, чучук сувларидан ичиб турардилар. Қачонки, **«Суйган нарсаларингиздан инфоқ-эҳсон қилиб бермагунингизча ҳаргиз яхшиликка (жаннатга) етмагайсиз»** ояти нозил бўлганида, Абу Талҳа ﷺ Расулуллоҳ ﷺ ҳузурларига келиб: «Эй Аллоҳнинг расули, Аллоҳ сизга **«Суйган нарсаларингиздан инфоқ-эҳсон қилиб бермагунингизча ҳаргиз яхшиликка (жаннатга) етмагайсиз»** оятини туширибди. Менга мол-мулкимнинг энг суюклиси Байраҳодир. Мен бу боғимни Аллоҳ учун садақа қилдим. Унинг савоб ва ҳиссасини Аллоҳ ҳузуридан умид қиламан. Эй Аллоҳнинг расули! Буни қаерга муносиб кўрсангиз, ўша ерга сарфланг», деганида, Расулуллоҳ ﷺ: «Балли, яша! Мана шу фойдали ва ютуққа эриштирувчи молдир. Мен сен айтган сўзларни эшитдим. Бу ҳақда фикрим шуки, сен бу боғни ўз қариндошларинг ва яқинларинг ўртасида тақсимлаб бер», дедилар. Абу Талҳа: «Эй Аллоҳнинг расули, айтганингизни (бажонидил) қиламан», деб ўша боғларини қариндошлари ва жиянларига тақсимлаб бердилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

Ривоятларда ҳадис лафзидаги арабча «робиҳун» ва «ройиҳун» сўзлари «фойда» ва «фойдаси сенга қайтувчи» деган маъноларни англатиб келган.

38-БОБ
Кишининг ўз аҳли ва қарамоғидаги бошқа кишиларни Аллоҳга итоатли бўлишларига буюриб, ман қилинган нарсалардан узоқлаштириб, Аллоҳга мухолиф бўлмоқдан қайтариб одоб бериши вожиблиги баёни

Аллоҳ таоло:

«Аҳлингизни намоз ўқишга буюринг ва ўзингиз ҳам (намоз ўқишда) **чидамли бўлинг»** (Тоҳа сураси, 132-оят);

«Эй мўминлар, сизлар ўзларингизни ва аҳли оилаларингизни ўтини одамлар ва тошлар бўлган дўзахдан сақланг» (Таҳрим сураси, 6-оят), деб айтган.

299/1. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ неваралари Ҳасан ибн Али садақага келган хурмолардан бирини оғизларига солганларида, Расулуллоҳ ﷺ: «Бў (ёш болани қўрқитиш учун айтиладиган

ибора), ундай қилма! Уни улоқтиргин. Биз садақа емаслигимизни билмасмидинг?» дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

Бошқа ривоятда: «Бизга садақа ҳалол эмас», дейилган.

300/2. Абу Ҳафс Умар ибн Абу Салама Абдуллоҳ ибн Абдул Асаддан ﵁ ривоят қилинади. «Мен ёшлик пайтимда Расулуллоҳ ﷺнинг тиззаларига ўтирдим. (Овқат пайтида) қўлим товоқнинг ҳар томонидан айланганида Расулуллоҳ ﷺ: «Эй болакай, аввал «Бисмиллоҳ», дегин, ўнг қўлинг билан егин ҳамда ўзингнинг олдингдан егин», дедилар. Бундан кейин овқат ейиш одатим мана шу тарзда бўлди». *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

301/3. Ибн Умардан ﵁ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Барчаларингиз ҳомийсиз ва қўл остингиздагиларга масъулсиз. Имом ҳомийдир. Ва қўл остидагиларга масъулдир. Киши ўз аҳлига ҳомийдир. Ва қўл остидагиларга масъулдир. Хотин эрининг уйида ҳомийдир ва қўл остидагиларга масъулдир. Хизматкор бошлиғи молида ҳомийдир. Ва қўл остидагиларга масъулдир. Барчангиз ҳомийсиз ва қўл остингиздагиларга масъулсиз», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

302/4. Амр ибн Шуъайб оталаридан, оталари боболаридан қилган ривоятларида Расулуллоҳ ﷺ: «Болаларингиз етти ёшга кирганида намоз ўқишга буюринглар. Агар ўн ёшга кириб ҳам (намоз ўқишмаса), уларни уринглар. Ва ётоқда ораларини ажратиб, алоҳида қилиб қўйинглар», дедилар. *Абу Довуд ривоятлари.*

303/5. Абу Сурайё Сабра ибн Маъбад ал-Жуҳайнийдан ﵁ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Болаларингиз етти ёшга киришганида намоз ўқишни ўргатинглар. Ўн ёшга кириб ҳам (намоз ўқишмаса), уларни уринглар», дедилар. *Абу Довуд ва Термизий ривоятлари.*

Абу Довуднинг бошқа ривоятларидаги лафзда: «Болаларингиз етти ёшга етишганида намозга буюринглар» бўлиб келган.

39-БОБ

Қўшнининг ҳаққи ва бу тўғридаги васиятлар баёни

Аллоҳ таоло:

«Аллоҳга бандалик қилинглар ва Унга ҳеч нарсани шерик қилманглар! Ота-онангизга ҳамда қариндош-уруғ, етим ва мискинларга, қариндош қўшни ва бегона қўшнига, ёнингиздаги ҳамроҳингизга, йўловчи мусофирга ва қўлларингиздаги қулларингизга яхшилик қилингиз!», деб айтади (Нисо сураси, 36-оят).

304/1. Ибн Умар ﵄ ва Оишадан ﵂ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Жаброил алайҳиссалом менга қўшни ҳақида шунчалик давомли, кўп васият

қилганларидан қўшни меросхўр бўлса керак, деб гумон қилдим», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

305/2. Абу Заррдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Эй Абу Зарр, агар шўрва пиширсанг, унинг сувини кўпайтириб, қўшниларингдан ҳам хабар олгин», дедилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

Муслимнинг яна бир бошқа ривоятларида шундай келтирилади: «Абу Зарр ﷺ айтди: «Дўстим Расулуллоҳ ﷺ менга: «Агар шўрва пиширсанг, сувини кўпайтиргин. Ва оила аъзоларингдан бўлган қўшниларингга ҳам яхшилик ила ундан қуйиб бергин», деб васият қилдилар».

306/3. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Аллоҳга қасамки, мўмин эмас! Аллоҳга қасамки, мўмин эмас! Аллоҳга қасамки, мўмин эмас!» деганларида, саҳобалар томонидан «Ким у, эй Аллоҳнинг расули?» дейилди. Шунда Расулуллоҳ ﷺ: «Ёмонликларидан қўшниси омонда бўлмаган кишидир», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

Муслимнинг ривоятларида: «Ёмонликлардан қўшниси омонда бўлмаган киши жаннатга кирмайди», дейилган.

307/4. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Эй муслима аёллар, бир қўшни иккинчи бир қўшнисига агар қўйнинг туёғини туҳфа қилиб беришда ҳам ҳеч бир нарсани оз кўрмасин», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

308/5. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Қўшни қўшнисини деворига (ёғоч) мих қоқишдан ман қилмасин», дедилар. Сўнгра Абу Ҳурайра ﷺ: «Нима учун мен сизларни бу суннатдан юз ўгирган ҳолда кўряпман?! Аллоҳга қасамки, мен суннатни кафтларингиз ўртасига қўяман (яъни, ораларингизга ташлаб, бу масъулиятдан ўзимни қутқараман)», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

309/6. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Кимки Аллоҳга ва охират кунига имон келтирса, қўшнисига озор бермасин. Кимки Аллоҳга ва охират кунига имон келтирса, меҳмонини ҳурмат қилсин. Кимки Аллоҳга ва охират кунига имон келтирса, яхши нарсаларни гапирсин ёки жим турсин», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

310/7. Абу Шурайҳ ал-Хузоъийдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Кимки Аллоҳга ва охират кунига имон келтирса, қўшнисига яхшилик қилсин. Кимки Аллоҳга ва охират кунига имон келтирса, меҳмонини ҳурмат қилсин. Кимки Аллоҳга ва охират кунига имон келтирса, яхши нарсаларни гапирсин ёки жим турсин», дедилар. *Имом Муслим мана шу лафз ила ривоят қилганлар. Имом Бухорий эса баъзисини ривоят қилганлар.*

311/8. Оишадан ﵂ ривоят қилинади. «Мен: «Эй Аллоҳнинг расули, менинг икки қўшним бордир. Қайси бирларига ҳадя қилай?» десам, у зот ﷺ: «Эшиги яқинига», дедилар». *Имом Бухорий ривоятлари.*

312/9. Абдуллоҳ ибн Умардан ﵄ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Аллоҳ ҳузуридаги дўстларнинг яхшиси дўсти учун хайрли бўлганидир. Аллоҳ ҳузуридаги қўшниларнинг яхшиси қўшниси учун хайрли бўлганидир», дедилар. *Имом Термизий ривоятлари.*

40-БОБ
Ота-онага яхшилик қилиш ва қариндошлардан хабар олиш ҳақида

Аллоҳ таоло қуйидагиларни айтади:

«Аллоҳга бандалик қилинглар ва Унга ҳеч нарсани шерик қилманглар! Ота-онангизга ҳамда қариндош-уруғ, етим ва мискинларга, қариндош қўшни ва бегона қўшнига, ёнингиздаги ҳамроҳингизга, йўловчи мусофирга ва қўлларингиздаги қулларингизга яхшилик қилингиз!» (Нисо сураси, 36-оят);

«Ораларингиздаги савол-жавобларда ўртага номи солинадиган Аллоҳдан қўрқингиз ва қариндош-уруғларингиз (билан ажралиб кетишдан сақланингиз)**»** (Нисо сураси, 1-оят);

«Улар Аллоҳ боғланишга буюрган нарсаларни (яъни, қариндош-уруғлар билан алоқани) **боғлайдилар»** (Раъд сураси, 21-оят);

«Биз инсонни ота-онасига яхшилик қилишга буюрдик (яъни, ота-она хоҳ яхши, хоҳ ёмон бўлсин, хоҳ мусулмон, хоҳ кофир бўлсин, уларга яхшилик қилиш фарзаднинг бурчидир)**»** (Анкабут сураси, 8-оят);

«Парвардигорингиз ёлғиз Унинг Ўзига ибодат қилишларингизни ҳамда ота-онага яхшилик қилишларингизни амр этди. Агар уларнинг (ота-онангизнинг) **бирови ёки ҳар иккиси сенинг қўл остингда кексалик ёшига етсалар, уларга қараб «уф» тортма ва уларнинг** (сўзларини) **қайтарма! Уларга доимо яхши сўз айт! Улар учун меҳрибонлик билан хорлик қанотини паст тут – ҳокисор бўл ва: «Парвардигорим, мени** (улар) **гўдаклик чоғимда тарбиялаб ўстирганларидек, сен ҳам уларга раҳм-шафқат қилгин», деб** (ҳақларига дуо қил)**»** (Исро сураси, 23–24-оятлар);

«Биз инсонга ота-онасини (яъни, уларга яхшилик қилишни) **амр этдик. Онаси унга ожизлик устига ожизлик билан ҳомиладор бўлди** (яъни, қорнидаги ҳомила каттарган сари онанинг ҳоли қуриб, заифлаша борур), **уни** (кўкракдан) **ажратиш** (муддати) **икки йилда** (келур). (Биз инсонга буюрдикки), **«Сен Менга ва ота-онангга шукр қилгин».** (Луқмон сураси, 14-оят).

313/1. Абу Абдураҳмон Абдуллоҳ ибн Масъуддан ﷺ ривоят қилинади. «Расулуллоҳ ﷺдан «Қайси амал Аллоҳ таолога маҳбуброқ?» деб сўрасам, у зот: «Вақтида ўқилган намоз», дедилар. «Кейин қайсиниси?» десам, у зот: «Ота-онага яхшилик қилиш», дедилар. «Кейин қайсиниси?» десам, у зот: «Аллоҳ йўлидаги жиҳод», дедилар». *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

314/2. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Бола отасининг ҳаққини адо қила олмайди. Фақатгина отасини қул ҳолатида топиб, уни сотиб олиб озод қилгандагина, ҳаққини адо қила олади», дедилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

315/3. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Ким Аллоҳга ва охират кунига имон келтирса, меҳмонини ҳурмат қилсин. Ким Аллоҳга ва охират кунига имон келтирса, қариндош-уруғчилик алоқаларини тикласин. Ким Аллоҳга ва охират кунига имон келтирса, яхши нарсаларни гапирсин ёки жим турсин», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

316/4. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Албатта Аллоҳ таоло махлуқотни яратишни тамомлагандан кейин қариндошлик риштаси ўрнидан туриб: «Бу жой (қариндошликдан) узилиб кетишдан паноҳ тиланадиган мақомми?» деб айтганида, Аллоҳ таоло: «Ҳа, сен қариндошлик алоқаларини боғлайдиган кишилар билан боғланмоқлигимга ва алоқани узувчилардан Мен ҳам узилмоқлигимга розимисан?» деганида, қариндошлик риштаси: «Ҳа, майли», деди. Шунда Аллоҳ таоло: «Мана бу марҳамат сен учундир», деди. Расулуллоҳ ﷺ: **«Агар хоҳласанглар, Аллоҳнинг «Агар** (имондан) **юз ўгирсангизлар, яқинки, сизлар ерда бузғунчилик қилурсизлар ва қариндош-уруғларингиз** (билан ҳам алоқаларингиз)**ни узурсизлар! Ундай кимсаларни эса Аллоҳ лаънатлагандир, бас, уларнинг** (қулоқларини панд-насиҳат эшитишдан) **кар, кўзларини эса** (тўғри йўлни кўра олмайдиган**) кўр қилиб қўйгандир»** (Муҳаммад сураси, 22–23-оятлар), деган оятини ўқинг», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

Имом Бухорийнинг ривоятларида қуйидагича келтирилган: «Аллоҳ таоло қариндошлик риштасига: «Ким сенга етишса, Мен ҳам етишаман. Ким сендан алоқани узса, Мен ҳам алоқани узаман», деб айтди».

317/5. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Бир киши Расулуллоҳ ﷺ ҳузурларига келиб: «Эй Аллоҳнинг расули, менинг чиройли муомала қилишим учун инсонларнинг қайси бири ҳақлироқ?» деганида, у зот: «Онанг», дедилар. «Кейин ким?» деди. «Онанг», дедилар. «Кейин ким?» деди. «Онанг», дедилар. «Кейин ким?» деди. «Отанг», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

Бошқа бир ривоятда: «Эй Аллоҳнинг расули, чиройли муомала қилиш учун ким ҳақлироқ?» дейилганида, у зот айтганлар: «Онанг, сўнгра онанг, сўнгра онанг, сўнгра отанг, сўнгра яқин-яқинларинг ҳақлидир», дейилган.

318/6. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Ким ота-онасини қариган пайтларида топса-ю икковларига ёки бирларига (хизмат қилиб) жаннатга кира олмаса, бурни ерга ишқалансин, бурни ерга ишқалансин, бурни ерга ишқалансин!» дедилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

319/7. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Бир киши Расулуллоҳ ﷺ ҳузурларига келиб: «Эй Аллоҳнинг расули, менинг қариндошларим бор. Уларга силаи раҳм қилсам ҳам, алоқани узишаверади. Уларга яхшилик қилсам ҳам, ёмонлик қилишаверади. Уларга ҳалимлик қилсам ҳам, жоҳиллик қилишаверади», деганида, у зот: «Агар айтганинг рост бўлса, уларнинг оғизларига иссиқ кулни солган бўласан. Модомики, мана шу ҳолатда бўлар экансан, Аллоҳ томонидан бир мададкор уларнинг зиддига сен билан бирга бўлади», дедилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

Бу ердаги «иссиқ кулни оғизларига солган бўласан» сўзининг маъноси – иссиқ кулни оғзига солган киши қанчалик азият чекса, уларга ҳам шунчалик азоб бўлади, деганидир. Аммо яхшилик қилувчи кишига ҳеч нарса бўлмайди.

320/8. Анасдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Ким ризқи кенг бўлишини ҳамда умри узун бўлишини яхши кўрса, қариндошлари билан борди-келди қилсин», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

321/9. Анасдан ﷺ ривоят қилинади. Абу Талҳа ﷺ Мадинада ансорлар ичида хурмоси кўп бадавлат кишилардан эдилар. Бу зотнинг энг маҳбуб мол-мулклари масжиди Набавиййанинг рўпарасидаги Байраҳо номли боғлари эди. Расулуллоҳ ﷺ бу ерга кириб, ширин, чучук сувларидан ичиб турардилар. Қачонки, **«Суйган нарсаларингиздан инфоқ-эҳсон қилиб бермагунингизча ҳаргиз яхшиликка** (жаннатга) **етмагайсиз»** ояти нозил бўлганида, Абу Талҳа ﷺ Расулуллоҳ ﷺ ҳузурларига келиб: «Эй Аллоҳнинг расули, Аллоҳ сизга **«Суйган нарсаларингиздан инфоқ-эҳсон қилиб бермагунингизча ҳаргиз яхшиликка** (жаннатга) **етмагайсиз»** оятини туширибди. Менга мол-мулкимнинг энг суюклиси Байраҳодир. Мен бу боғимни Аллоҳ учун садақа қилдим. Унинг савоб ва ҳиссасини Аллоҳ ҳузуридан умид қиламан. Эй Аллоҳнинг расули! Буни қаерга муносиб кўрсангиз, ўша ерга сарфланг», деганида, Расулуллоҳ ﷺ: «Балли, яша! Мана шу фойдали ва ютуққа эриштирувчи молдир. Мен сен айтган сўзларни эшитдим. Бу ҳақда фикрим шуки, сен бу боғни ўз қариндошларинг ва яқинларинг ўртасида тақсимлаб бер», дедилар. Абу Талҳа: «Эй Аллоҳнинг расули, айтганингизни (бажонидил) қиламан», деб ўша боғларини қариндошлари ва жиянларига тақсимлаб бердилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

322/9. Абдуллоҳ ибн Амр ибн Оссдан ﷺ ривоят қилинади. Бир киши Расулуллоҳ ﷺга юзланиб: «Мен ҳижрат ва жиҳод қилиш учун сизга байъат қиламан. Бунинг савобини эса Аллоҳдан талаб этаман», деганида, Расулуллоҳ ﷺ: «Ота-онангдан бирорталари тирикми?» дедилар. У киши:

«Ҳа, икковлари ҳам тирик», деди. Расулуллоҳ ﷺ: «Савобини Аллоҳдан талаб қиласанми?» дедилар. У киши: «Ҳа», деди. Шунда Расулуллоҳ ﷺ: «Унда ота-онанг ҳузурларига бориб, уларга чиройли муомалада бўлиб, хизматларини қилгин», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

Бу ҳадисдаги лафз имом Муслимникидир. Икковларининг бошқа ривоятларида: «Бир киши келиб жиҳод учун изн сўради. Расулуллоҳ ﷺ: «Ота-онанг тирикми?» дедилар. У киши: «Ҳа», деган эди у зот: «Улар (га яхшилик қилиш) билан жиҳод айла», дедилар», дейилади.

323/10. Абдуллоҳ ибн Амр ибн Оссдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Бир қариндошидан яхшилик кўргандагина борди-келди қилган одам силаи раҳм қилувчи эмас. Балки ёмонлик кўрганда ҳам борди-келди қилаверадиган киши силаи раҳм қилувчи, дейилади», дедилар. *Имом Бухорий ривоятлари.*

324/11. Оишадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Қариндошлик риштаси Аршга осилган ҳолда туради ва у: «Ким менга етишса, Аллоҳ ҳам унга етишсин. Ким мендан алоқани узса, Аллоҳ ҳам ундан алоқани узсин», деб айтади», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

325/12. Мўминлар онаси Маймуна бинти Ҳорисдан ﷺ ривоят қилинади. Бу киши Расулуллоҳ ﷺдан изн сўрамай туриб, бир чўрини озод қилиб юбордилар. Қачонки, навбат кечаларида Расулуллоҳ ﷺ бу онамиз ҳузурларига келганларида, «Эй Аллоҳнинг расули, мен чўримни озод қилдим. Бу ҳақда хабарингиз борми?» дедилар. Расулуллоҳ ﷺ: «Шундай қилдингизми?» дедилар. Бу онамиз: «Ҳа», деганларида, Расулуллоҳ ﷺ: «Агар буни тоғаларингизга берганингизда савоби кўпроқ бўлар эди», деб айтдилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

326/13. Асмо бинти Абу Бакр Сиддиқдан ﷺ ривоят қилинади. «Расулуллоҳ ﷺ замонларида менинг ҳузуримга (ҳали Исломга кирмаган) мушрик онам келди. Мен Расулуллоҳ ﷺдан фатво сўраб: «Онам мендан бир нарса умидида уйимга келибди. Унга силаи раҳм юзасидан эҳсон қилаверайми?» десам, у зот: «Ҳа, онангга силаи раҳм қилавергин», дедилар». *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

327/14. Абдуллоҳ ибн Масъуднинг ﷺ хотинлари Зайнаб ас-Сақафийядан ﷺ ривоят қилинади. «Расулуллоҳ ﷺ: «Эй хотинлар жамоаси, тақинчоқларингиздан бўлса ҳам, садақа қилинглар», деганларида, мен эрим Абдуллоҳ ибн Масъуд ﷺ ҳузурларига келиб: «Сиз камбағал ва қўли қисқа кишисиз. Расулуллоҳ ﷺ эса бизга садақа қилишни буюрдилар. Сиз у зот ҳузурларига бориб сўранг-чи, агар сизга садақа беришим жоиз бўлса, уни берайин. Агар жоиз бўлмаса, бошқа кишига берай», дедим. Шунда эрим Абдуллоҳ: «Ўзингиз бора қолинг», деди. Расулуллоҳ ﷺ ҳузурларига жўнадим. Борсам, дарвозалари олдида бир ансория аёл ҳам турган экан.

Унинг ҳожати ҳам менинг ҳожатим каби экан. Расулуллоҳ ﷺнинг ҳайбатлари кучли эди. Шу пайт Билол ؓ ҳузуримизга чиқиб қолдилар. Биз унга: «Расулуллоҳ ﷺнинг ҳузурларига бориб икки хотин масала сўраш учун келганликларининг хабарини бер. Яъни, ўз эрларига ва қўйниларидаги етимларга молларидан садақа беришлари жоизми? Шуни айтгин-да, аммо бизларнинг ким эканимизни сўзлама», дедик. Билол ؓ Расулуллоҳ ﷺ ҳузурларига кириб, бу ҳақда сўраганларида, у зот: «У иккови ким?» дедилар. Билол: «Ансория бир аёл ва Зайнаб», дедилар. Расулуллоҳ ﷺ: «Қайси Зайнаб?» дедилар. Билол ؓ: «Абдуллоҳнинг хотини», деганларида, Расулуллоҳ ﷺ: «Уларга икки ажр берилади. Бири – қариндошлик ажри, иккинчиси – садақа ажри», деб айтдилар». *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

328/15. Абу Суфён Саҳр ибн Ҳарбдан ؓ ривоят қилинади. Ҳирақл қиссасидаги узун ҳадисда келтирилишича, Ҳирақл Абу Суфёндан: «Янги Пайғамбар нималарга буюрмоқда?» деб сўраганида, Абу Суфён: «Якка Аллоҳга ибодат қилишга, Унга бирор нарсани шерик қилмасликка, оталаримиз айтган нарсани тарк қилишга, намоз ўқишга, ростгўй бўлишга, иффатлиликка, силаи раҳмга буюрмоқда», деб айтди. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

329/16. Абу Заррдан ؓ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Сизлар яқин кунларда бир ерни фатҳ қиласизлар. У ерда Қийрот (калимаси) ишлатилади», дедилар.

Бошқа ривоятда: «Яқин кунларда Миср фатҳ қилинади. У ер Қийрот деб номланади. У ер аҳлига яхшилик қилиш васиятини мендан олинглар. Чунки уларга аҳдлашув ва қариндошлик томонимиз бор», дейилади.

Яна бошқа бир ривоятда: «Агар у ерни фатҳ қилсангизлар, у ер аҳлига чиройли муомалада бўлинглар. Чунки аҳдлашув ва қариндошлик ёки аҳдлашув ва қудачилик томонимиз бор», дейилган. *Имом Муслим ривоятлари.*

Уламолар: «Қариндошлик томони – Исмоил алайҳиссалом оналари Ҳожар ўша ерлик бўлганлар. Қудачилик томони – Расулуллоҳ ﷺнинг ўғиллари Иброҳимнинг оналари Мория ўша ерлик бўлган», деб айтишган.

330/17. Абу Ҳурайрадан ؓ ривоят қилинади. Қачонки, «Яқин қариндош-уруғларингизни (Аллоҳнинг азобидан) огоҳлантиринг» ояти нозил бўлганида, Расулуллоҳ ﷺ Қурайш жамоасини чақирдилар. Улар жамланишганида умумий ва хос ҳолатда уларга қарата: «Эй Абдушамс ва Каъб ибн Луъай болалари, жонларингизни дўзахдан қутқаринглар. Эй Мурра ибн Каъб болалари, жонларингизни дўзахдан қутқаринглар. Эй Абдуманноф болалари, жонларингизни дўзахдан қутқаринглар. Эй Ҳошим болалари, жонларингизни дўзахдан қутқаринглар. Эй Абдулмутталиб болалари, жонларингизни дўзахдан қутқаринглар. Эй Фотима, ўз жонингни дўзахдан қутқаргин. Чунки мен бирор нарсага эга эмасман. Фақат қариндошлик ришталари борки, мен унинг ҳаққини адо қиламан холос», деб айтдилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

331/18. Абу Абдуллоҳ Амр ибн Оссдан ؓ ривоят қилинади. «Расулуллоҳ ﷺнинг сир ҳолатда эмас, балки жаҳрий ҳолатда: «Фалончи болалари оиласи

менинг дўстларим эмас. Балки Аллоҳ ва солиҳ мўминлар менинг дўстимдир. Лекин улар билан қариндошлик ришталари борки, мен унинг ҳаққини адо қиламан», деб айтганларини эшитдим». *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.* Бу ҳадис лафзи Бухорийники.

332/19. Абу Аюб Холид ибн Зайд ал-Ансорийдан ﷺ ривоят қилинади. Бир киши: «Эй Аллоҳнинг расули! Менга бир амалнинг хабарини берингки, у мени жаннатга киритиб, дўзахдан узоқлаштирсин», деди. Расулуллоҳ ﷺ: «Аллоҳга ибодат қиласан, Унга бирор нарсани шерик қилмайсан, намозни адо этасан, закотни (ҳақдорларга) берасан ҳамда силаи-раҳм қиласан», деб айтдилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

333/20. Салмон ибн Омирдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Сизлардан бирингиз оғзини очадиган бўлса, хурмо билан очсин. Чунки бунда барака бордир. Агар хурмо топа олмаса сув билан очсин. Чунки у покдир. Мискинга қилинган садақа ҳам садақа ҳисобланади. Қариндошга қилинган садақа – ҳам садақа, ҳам силаи раҳм ҳисобланади», дедилар. *Имом Термизий ривоятлари.*

334/21. Ибн Умардан ﷺ ривоят қилинади. «Менинг никоҳимда бир хотиним бор эди. Уни яхши кўрар эдим. Отам Умар эса уни ёмон кўрардилар. Ва менга: «Хотинингнинг талоғини бер», дедилар. Мен эса кўнмадим. Кейин отам Умар Расулуллоҳ ﷺ ҳузурларига бориб, бу ҳақда хабар бердилар. Шунда Расулуллоҳ ﷺ ҳам: «Хотинингнинг талоғини бергин», деб айтдилар». *Абу Довуд ва Термизийлар ривояти.*

335/22. Абу Дардодан ﷺ ривоят қилинади. «Бир киши келиб: «Менинг никоҳимда бир хотиним бор. Волидам уни талоқ қилишимни буюрмоқда, нима қилай?» деб сўради. Мен: «Расулуллоҳ ﷺдан: «Ота (она) жаннат эшикларининг марказидир. Агар хоҳласанг, бу эшикни зое қил. Ёки муҳофаза эт», деб айтганларини эшитганман», деб жавоб бердим». *Имом Термизий ривояти.*

336/23. Баро ибн Озибдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Хола она ўрнидадир», деб айтдилар. *Имом Термизий ривоятлари.*

Бу бобга тегишли машҳур саҳиҳ ҳадислар жуда кўп, лекин қисқароқ бўлиши учун келтириб ўтирмадик. Булардан энг муҳими – Амр ибн Абаса: «Нубувватнинг биринчи пайтлари Маккада Расулуллоҳ ﷺ ҳузурларига кириб: «Сиз кимсиз?» дедим. У зот: «Набийман», дедилар. Мен: «Набий деганингиз нима ўзи?» дедим. У зот: «Аллоҳ мени мана шундай қилиб юборди», дедилар. Мен: «Қайси нарса билан юборди?» дедим. У зот: «Силаи раҳм қилишга, бутларни синдиришга, Аллоҳнинг тавҳидига ва Унга бирор нарсани шерик қилмаслик (рисоласи) ила юборди», дедилар», деб қолганини зикр қилдилар.

41-БОБ
Ота-онага оқ бўлиш ҳамда қариндош-уруғчиликдан узилишнинг ҳаромлиги ҳақида

Аллоҳ таоло:

«Агар (иймондан) **юз ўгирсангизлар, яқинки, сизлар ерда бузғунчилик қилурсизлар ва қариндош-уруғларингиз** (билан ҳам алоқаларингиз)**ни узурсизлар. Ундай кимсаларни эса Аллоҳ лаънатлагандир, бас, уларнинг** (қулоқларини панд-насиҳат эшитишдан) **кар, кўзларини эса** (тўғри йўлни кўра олмайдиган) **кўр қилиб қўйгандир»** (Муҳаммад сураси, 22–23-оятлар);

«Аллоҳга берган аҳд-паймонларини мустаҳкам бўлганидан кейин бузадиган, Аллоҳ боғланишга буюрган нарсаларни узадиган ва Ер юзида бузғунчилик қилиб юрадиган кимсалар ҳам борки, улар учун (Аллоҳнинг лаънати бўлур ва улар учун энг ёмон диёр – жаҳаннам бордир)**»** (Раъд сураси, 25-оят);

«Парвардигорингиз ёлғиз Унинг Ўзига ибодат қилишларингизни ҳамда ота-онага яхшилик қилишларингизни амр этди. Агар уларнинг (ота-онангизнинг) **бирови ёки ҳар иккиси сенинг қўл остингда кексалик ёшига етсалар, уларга қараб «уф» тортма ва уларнинг** (сўзларини) **қайтарма! Уларга** (доимо) **яхши сўз айт! Улар учун меҳрибонлик билан хорлик қанотини паст тут – хокисор бўл ва: «Парвардигорим, мени** (улар) **гўдаклик чоғимда тарбиялаб-ўстирганларидек, Сен ҳам уларга раҳм-шафқат қилгин», деб** (ҳақларига дуо қил)!**»** (Исро сураси, 23–24-оятлар), деб айтган.

337/1. Абу Бакра Нуфайъ ибн Ҳорисдан ﵁ ривоят қилинади. «Расулуллоҳ ﷺ: «Сизларга кабира (улкан) гуноҳлар ҳақида хабар берайми?» деб уч марта сўрадилар. Биз: «Ҳа, айтинг, эй Аллоҳнинг расули!» дедик. Шунда у зот: «Аллоҳга бирор нарсани шерик қилмоқ, ота-онага оқ бўлмоқ, – деб суяниб тургандилар, тўғри ўтириб олиб, – огоҳ бўлинглар, ёлғон сўз ва ёлғон гувоҳлик бермоқ», деб такрорлайвердилар, ҳатто биз: «Қанийди, жим бўлсалар-ку», деб умид қилдик». *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

338/2. Абдуллоҳ ибн Амр ибн Оссдан ﵄ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Кабира – улкан гуноҳлар Аллоҳга бирор нарсани шерик қилиш, ота-онага оқ бўлиш, одам ўлдириш, ёлғон қасам ичиш», дедилар. *Имом Бухорий ривоятлари.*

339/3. Абдуллоҳ ибн Амр ибн Оссдан ﵄ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Киши ота-онасини сўкмоғи улкан гуноҳлардандир», деганларида, саҳобалар: «Киши ота-онасини ҳам сўкадими?» дейишди. Шунда Расулуллоҳ ﷺ: «Ҳа, киши бировнинг ота-онасини сўкади. Кейин бу ҳам унинг ота-

онасини сўкади», дедилар. (Яъни, бу билан у ўз ота-онасини сўккан бўлади.) *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

Бошқа ривоятда келтирилишича, «Киши ота-онасини лаънатламоқлиги кабира – улкан гуноҳлардандир», деганларида, саҳобалар: «Эй Аллоҳнинг расули, киши ўз ота-онасини ҳам лаънатлайдими?» дейишди. Расулуллоҳ ﷺ: «Киши бошқа кишининг ота-онасини сўкади. Кейин бу ҳам унинг ота-онасини сўкади», дедилар.

340/4. Абу Муҳаммад Жубайр ибн Мутъимдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Алоқаларни узувчи жаннатга кирмайди», дедилар. Суфён ﷺ ривоятларида эса «Қариндошлик алоқаларини узувчи» бўлиб келган. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

341/5. Абу Исо Муғийра ибн Шуъбадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Албатта Аллоҳ таоло сизларга оналарга оқ бўлишни, берилиши шарт бўлган эҳсонларни ушлаб қолишни, ҳаққи бўлмаган нарсаларни талаб қилишни, қиз болаларни тириклайин кўмишни, тайини йўқ заиф сўзларни гапиришни, кўп савол беришни ҳамда молни ноўрин жойларга сарф қилишни ҳаром қилди», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

42-БОБ
Ота-она ҳамда хотин ва қариндошларингизнинг дўстларига яхшилик қилишнинг фазилати ҳақида

342/1. Ибн Умардан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Киши отасининг дўстлари билан борди-келди алоқаларини қилиши яхшиликларнинг олийсидир», дедилар.

Абдуллоҳ ибн Динор ﷺ Абдуллоҳ ибн Умардан ﷺ қилган ривоятларида келтирилишича, бадавийлардан бўлган бир киши Макка кўчаларида Абдуллоҳ ибн Умарга ﷺ йўлиқиб салом берди. Абдуллоҳ ибн Умар ﷺ ўзлари миниб турган эшакка мингаштириб, бошларидаги саллаларини унга ечиб бердилар. Ибн Динор айтадилар: «Биз Ибн Умарга: «Аллоҳ шаънингизни ислоҳ қилсин, бу бадавий бўлса, озгина нарсага ҳам кўнаверса (мунча илтифот қиласиз)?», десак, Абдуллоҳ ибн Умар ﷺ: «Бу бадавийнинг отаси отам Умар ибн Хаттобнинг дўстидир. Мен Расулуллоҳ ﷺнинг «Киши отасининг дўстлари билан борди-келди алоқаларини қилиши яхшиликларнинг олийсидир», деб айтганларини эшитганман», дедилар».

Ибн Динор ﷺ Ибн Умардан ﷺ қилган бошқа ривоятларида қуйидагича келтирилади: «Ибн Умар ﷺ агар Маккага сафар қилсалар, бир эшакларида борардилар. Туя минишдан зериксалар, ўшани минардилар. Ва яна бошларини танғиб юрадиган бир саллалари бор эди. Бир куни мана шу эшакда кетаётсалар, олдиларидан бир бадавий ўтиб қолди. Ибн Умар ﷺ унга: «Сен фалончи ўғли пистончи эмасмисан?» дедилар. Бадавий: «Ҳа»,

деган эди, эшакларини унга бериб: «Буни мингин ва мана бу салла билан бошингни танғигин», деб ўз саллаларини ечиб бердилар. Шунда баъзи дўстлари: «Аллоҳ сени мағфират қилсин, туядан зерикканингда минадиган эшагингни ва бошингни танғиб юрадиган саллангни нимага бу бадавийга бериб юбординг?» дейишганида, Ибн Умар: «Расулуллоҳ ﷺ: «Кишининг отаси вафот этганидан кейин дўстлари билан борди-келди алоқаларини қилиши яхшиликларнинг олийсидир», деб айтганларини эшитганман. Чунки бадавийнинг отаси менинг отам Умар ﷺ билан дўст эди», деб айтдилар». *Буларнинг барчасини Имом Муслим ривоят қилганлар.*

343/2. Абу Усайд Молик ибн Рабийъа ас-Соъидийдан ﷺ ривоят қилинади. «Бир куни биз Расулуллоҳ ﷺ ҳузурларида ўтирган эдик. Бани саламалик бир киши келиб: «Эй Аллоҳнинг расули, ота-онам вафот этишганидан кейин ҳам уларга бўлган яхшиликни давом эттиришим мумкинми?» деганида, Расулуллоҳ ﷺ: «Ҳа, уларнинг ҳақларига дуо қилиб, гуноҳларига мағфират сўраб, аҳд-келишувларини бажариб, тирикликларида борди-келди қилинадиган қариндошлар билан алоқада бўлиб, дўстларини ҳурмат қилиш билан ота-онангга вафотларидан кейин ҳам яхшилик қилишинг мумкин», дедилар». *Абу Довуд ривоятлари.*

344/3. Оишадан ﷺ ривоят қилинади. «Мен Хадичага ﷺ рашк қилганимдек Расулуллоҳ ﷺни хотинларидан бирортасига рашк қилмаганман. Хадичани ﷺ ҳеч кўрмаганман. Лекин бу аёл ҳақида Расулуллоҳ ﷺ кўп зикр қилганлар. Гоҳида қўй сўйиб, унинг аъзоларидан баъзисини ажратиб Хадичанинг дўстларига юборардилар. Гоҳида мен Расулуллоҳга: «Гўёки дунёда Хадичадан бошқа аёл йўқдек гапирасиз», десам, у зот: «Хадича ундай эди ва бундай бўлган эди. Болаларим шу аёлдан эди», деб унинг яхшиликларини зикр қилардилар». *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

Бошқа ривоятда келтирилишича, «Агар қўй сўйсалар, кифоя қилгудек унинг гўштидан Хадичанинг дўстларига ҳадя қилардилар».

Яна бошқа ривоятда айтилишича эса, «Агар қўй сўйсалар, «Хадичанинг дўстларига юборинглар», деб айтардилар».

Ривоятларнинг яна бирида: «Хадичанинг сингиллари Ҳолату бинти Хувайлид Расулуллоҳ ﷺ ҳузурларига кириш учун изн сўраганида, Хадичанинг овозига ўхшаш бўлгани учун уни изниданоқ (сўзиданоқ ёки товушиданоқ) таниб олдилар. Бунга хурсанд бўлиб: «Аллоҳим, (таажжубланганда шундай дейилади), бу Ҳолату бинти Хувайлид-ку», дедилар», дейилади.

345/4. Анас ибн Моликдан ﷺ ривоят қилинади. «Жарир ибн Абдуллоҳ ал-Бажалий ﷺ билан бирга сафарда эдим. Жарир ибн Абдуллоҳ (ёшлари мендан катта бўлса ҳам) менга хизмат қилардилар. Мен: «Бундай қилманг», десам, у киши: «Ансорлар Расулуллоҳ ﷺга хизмат қилганларини кўриб, агар улардан бирортасига ҳамроҳ бўлсам, хизматларида бўламан, деб қасам ичиб қўйганман», дедилар». *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

43-БОБ
Расулуллоҳ ﷺ оила аъзоларини ҳурмат қилиш ҳамда уларнинг фазилатлари ҳақида

Аллоҳ таоло:

«(Эй пайғамбар) **хонадонининг аҳли, Аллоҳ сизлардан гуноҳни кетказишни ва бутунлай поклашни истайди, холос»** (Аҳзоб сураси, 33-оят);

«(Иш) **шудир. Ким Аллоҳ қонунларини ҳурмат қилса, бас, албатта** (бу ҳурмат) **дилларнинг тақводорлиги сабабли бўлур»** (Ҳаж сураси, 32-оят), деган.

346/1. Язид ибн Ҳайёндан ﷺ ривоят қилинади. «Мен, Ҳусайн ибн Сабра, Амр ибн Муслим Зайд ибн Арқамнинг ﷺ ҳузурларига бордик. Қачонки, ҳузурларида ўтирсак, Ҳусайн бу зотга қарата: «Эй Зайд! Сиз кўп яхшиликларга эришдингиз, Расулуллоҳ ﷺ билан кўришгансиз, ҳадисларни ўзларидан эшитгансиз, у зот билан бирга ғазотларда бўлгансиз ва орқаларида намоз ўқигансиз. Яъни, жуда ҳам кўп яхшиликларга эришгансиз. Бизга энди, эй Зайд, Расулуллоҳ ﷺдан эшитган нарсаларингиздан гапириб беринг», деганларида, бу зот: «Эй жияним, менинг ёшим улғайиб қолди. У пайтим ўтиб кетди. Ёдлаган нарсаларимнинг баъзисини унутиб қўйдим. Сизларга гапириб берган нарсаларимни қабул қилинглар-у, аммо айтиб беролмасам, мени қийнаманглар», дедилар. Сўнгра: «Бир куни Расулуллоҳ ﷺ Макка билан Мадина оралиғидаги Хума номли сувнинг олдида туриб Аллоҳга ҳамду сано айтиб, бизга: «Огоҳ бўлинг, эй инсонлар. Мен ҳам бир одамман. Яқин кунларда Раббим элчиси (Азроил) келсалар, мен у элчининг буйруқларига лаббай, деб бу дунёдан рихлат қиламан. Сизларга икки улкан нарса ташлаб кетмоқдаман. Уларнинг бири Аллоҳнинг китоби Қуръони каримдир. Унда адашганлар учун ҳидоят ва зулматда қолганлар учун нур бордир. Бу китобни маҳкам ушлаб, унга амал қилинглар. (Шу куни Аллоҳнинг китоби устида ташвиқ ва тарғиб қилдилар.) Сўнгра иккинчиси – менинг хонадоним ҳақидадир. Мен хонадоним хусусида Аллоҳни эсларингизга соламан. Мен хонадоним хусусида Аллоҳни эсларингизга соламан», деб ваъз-насиҳат қилдилар», дедилар. Ҳусайн ﷺ: «Эй Зайд! Хонадон аҳллари ким? Хонадон аҳллари хотинлари эмасми?» деганларида, Зайд ибн Арқам: «Тўғри, хотинлари хонадон аҳлларидир. Лекин бу ердаги хонадон аҳлларидан мақсад Расулуллоҳ ﷺдан кейин садақадан маҳрум этилган зотлардир», дедилар. Ҳусайн ﷺ: «Улар кимлар?» деб сўраганларида, Зайд ﷺ: «Улар Алининг авлодлари, Уқайлнинг авлодлари, Жаъфарнинг авлодлари, Аббоснинг авлодларидир», дедилар. Ҳусайн ﷺ: «Буларнинг барчаларига садақа ҳаром қилинганми?» деб сўрагандилар, Зайд ﷺ: «Ҳа», деб жавоб қилдилар». *Имом Муслим ривоятлари.*

Бошқа ривоятда: «Огоҳ бўлинглар, мен сизларга икки улкан нарсани ташлаб кетмоқдаман. Уларнинг бири Аллоҳнинг китобидир. У Аллоҳнинг

арқонидир. Ким унга эргашса, ҳидоятда бўлади. Ким тарк қилса, залолатда бўлади», дейилган.

347/2. Ибн Умар ﷺ Абу Бакр Сиддиқдан ﷺ мавқуф ҳолатда қилган ривоятларида Абу Бакр ﷺ: «Аҳли байт хусусида Расулуллоҳ ﷺни ҳурмат қилинглар», деб айтганлар. *Имом Бухорий ривоятлари.*

44-БОБ

Уламо, акобир, фазилатли кишиларни ҳурмат қилиш, бошқалардан кўра уларни эъзозлаш, мартабаларини кўтариб, буни бошқаларга билдириш ҳақида

Аллоҳ таоло:

«Биладиган зотлар билан билмайдиган кимсалар баробар бўлурми?! Дарҳақиқат, фақат ақл эгаларигина панд-насиҳат олурлар» (Зумар сураси, 9-оят), деб айтган.

348/1. Абу Масъуд Уқба ибн Амр ал-Бадрий ал-Ансорийдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Қуръони каримни ҳаммадан яхши ўқийдиган киши қавмнинг имоми бўлсин. Агар бунда баробар бўлишса, суннатни яхши билувчилари имом бўлсин. Агар бунда ҳам баробар бўлишса, олдин ҳижрат қилгани имом бўлсин. Агар бунда ҳам баробар бўлишса, ёши каттаси имом бўлсин. Ҳаргиз кишининг риёсатида бошқа бир киши имом бўлмасин. (Яъни, бошлиқнинг ўзи имом бўлсин.) Ва бировнинг уйида ўзига хос бўлган жойига изнсиз ўтирмасин», дедилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

Имом Муслимнинг бошқа ривоятларида «ёши каттаси», деган сўзнинг ўрнига «аввал Исломга киргани» бўлиб келган.

Бошқа бир ривоятда: «Аллоҳнинг китобини ҳаммадан яхши ўқиб, қироатни аввал таълим олган киши қавмга имом бўлади. Агар қироатлари баробар бўлса, аввал ҳижрат қилганлари бўлади. Агар ҳижратда ҳам баробар бўлишса, ёши каттаси имом бўлади», дейилган.

349/2. Абу Масъуд Уқба ибн Амр ибн ал-Бадрий ал-Ансорийдан ﷺ ривоят қилинади. «Расулуллоҳ ﷺ намоз (олдидан) елкаларимизни ушлаб: «Баробар туринглар. Ҳар турли бўлиб турманглар. Қалбларингиз ҳам ҳар турли бўлиб қолади. Менга балоғатга етган ақллиларингиз яқин турсин. Кейин ақлда уларга яқинлари турсин. Сўнгра уларга яқинлари турсин», деб айтардилар». *Имом Муслим ривоятлари.*

350/3. Абдуллоҳ ибн Масъуддан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Балоғатга етган ақлли кишилар менга яқин турсин. Кейин ақлда уларга яқинлар», деб уч марта айтиб, сўнгра: «Бозордаги ғала-ғовур ва фитналардан сақланинглар», дедилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

351/4. Абу Яҳё Саҳл ибн Абу Ҳасма ал-Ансорийдан ﷺ ривоят қилинади. Абдуллоҳ ибн Саҳл ва Муҳаййиса ибн Масъуд икковлари Хайбарга боришди. Ўша пайтда Хайбар сулҳ ҳолатида эди. Икковлари бир-бирларидан ажрашиб йўлларига равона бўлишди. Қачонки, Муҳаййиса Абдуллоҳнинг ҳузурига

келса, Абдуллоҳ ўлик ҳолатда қонга беланиб ётибди. Бас, Муҳаййиса Абдуллоҳни дафн қилди. Ва Мадинага келди. Кейин Абдуллоҳнинг иниси Абдураҳмон ибн Саҳл ва Муҳаййисанинг икки ўғли Расулуллоҳ ﷺ ҳузурларига боришди. Абдураҳмон Расулуллоҳ ﷺнинг ҳузурларида гапира бошлаган эди, у зот: «Ёши каттангиз гапирсин, ёши каттангиз гапирсин», дедилар. Кейин у ёши кичик жим бўлди ва икки ёши катта сўзлай бошлади. Шунда Расулуллоҳ ﷺ: «Ўзингизнинг ҳақлигингизни қотилга исботлаб бера оласизларми?» дедилар... (Ҳадиснинг қолгани охиригача зикр қилинган.) *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

352/5. Жобирдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ Уҳуд ғазотида вафот этганларнинг иккитасини бир қабрга қўярдилар. Кейин: «Буларнинг қайси бири Қуръондан кўпроқ ёд олган?» деб сўрардилар. Агар улардан бирига ишора қилинса, ўшани аввал лаҳад (қабр)га қўярдилар. *Имом Бухорий ривоятлари.*

353/6. Ибн Умардан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Мен тушимда кўрдимки, бир мисвок билан оғзимни тозалаётган эмишман. Шу пайт икки киши менинг ҳузуримга келди. Уларнинг бири иккинчисидан ёши катта эди. Мен мисвокни кичигига узатдим. Шунда менга каттасига бергин, дейилди. Мен уни каттасига бердим», дедилар. *Имом Муслим муснад ҳолда ва Имом Бухорий таълиқ ҳолда ривоят қилишган.*

354/7. Абу Мусодан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Соқоли оқарган мусулмонни, Қуръонга амал қилиб, уни доим тиловат қилиб юрувчи қорини ҳамда одил подшоҳни ҳурмат қилиш билан Аллоҳни ҳурмат қилган бўлади», дедилар. *Абу Довуд ривоятлари.*

355/8. Амр ибн Шуъайб оталаридан, оталари боболаридан қилган ривоятларида айтилишича, Расулуллоҳ ﷺ: «Кичикларимизга раҳм-шафқат қилмаган ва катталаримизнинг шарафини билмаган киши биздан эмас», деб айтдилар. *Абу Довуд ва Термизий ривоятлари.*

Абу Довуд ривоятларида «катталаримизнинг шарафи» ўрнига «катталаримизнинг ҳаққи» бўлиб келган.

356/9. Маймун ибн Абу Шабибдан ﷺ ривоят қилинади. Оишанинг ﷺ олдиларидан бир тиланчи ўтиб қолди. Унга бир бўлак нон бердилар. Кейин кийинган чиройли қиёфадаги бошқа киши ўтиб қолди. Бу кишини ўтқазиб олдига таом қўйдилар. Шунда Оишадан ﷺ бу ҳақда сўралганида, Оиша ﷺ: «Расулуллоҳ ﷺ: «Кишиларни ўз ўринларига ўтқазинглар», деганлар», деб жавоб қилдилар. *Абу Довуд ривоятлари.*

Абу Довуд: «Маймун Оиша билан кўришмаганлар», деганлар.

Имом Муслим «Саҳиҳ» китобларининг аввалида таълиқ ҳолатда Оишадан ﷺ қуйидагиларни ривоят қилдилар: «Расулуллоҳ ﷺ бизга одамларни ўз жойларига ўтқазмоқни буюрдилар».

Имом Ҳоким «Маърифату улумул ҳадис» номли китобларида бу ҳадисни саҳиҳ, деганлар.

357/10. Ибн Аббосдан ﷺ ривоят қилинади. Уйайна ибн Ҳисн жияни Ҳурра ибн Қайсникига меҳмон бўлиб тушди. Жияни Ҳурра ибн Қайс Умарнинг ﷺ яқин аъёнларидан бири эди. Умарнинг ﷺ ҳамсуҳбат ва маслаҳатчилари хоҳ ўрта ёш, хоҳ йигит бўлишсин, қорилардан эди. Уйайна ибн Ҳисн жиянига: «Эй акамнинг ўғли, бу амирнинг ҳузурида сенинг ҳурматинг бор. Менга унинг олдига киришга изн олиб бер», деганида, у изн сўради. Умар ﷺ унинг киришига рухсат бердилар. Уйайна ибн Ҳисн у зот ҳузурларига кириб: «Эй Ибн Хаттоб, Аллоҳга қасамки, бизга кўп нарса бермайсиз. Одиллик билан ҳукм қилмайсиз», деганида, Умар ﷺ ғазабланиб, ҳатто уни урмоқликка ҳам қасд қилдилар. Шунда Ҳурра: «Эй мўминлар амири, албатта Аллоҳ таоло пайғамбарига: «Авфни олинг, яхшиликка буюринг ва жоҳиллардан юз ўгиринг», деган. Бу киши ўша жоҳиллардандир», деди. Аллоҳга қасамки, Ҳурра бу оятни ўқиганида у зот бундан ўтиб кетмадилар. Чунки Умар ﷺ Аллоҳнинг китобида келган нарсада тўхтардилар (яъни, унга амал қилардилар). *Имом Бухорий ривоятлари.*

358/11. Абу Саид Самура ибн Жундубдан ﷺ ривоят қилинади. «Расулуллоҳ ﷺ замонларида ёш бола эдим. Бу зотдан кўп нарсаларни ёд олар эдим. Бу зотнинг ҳузурларида гапиришдан мени фақатгина ёши катталар борлиги ман қилар эди, холос». *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

359/12. Анасдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Қайси бир ёш йигит қарияни ёши катталиги учун ҳурмат қилса, Аллоҳ таоло ҳам бу йигитга ёши улғайганида ҳурмат қилувчи кишини юборишни тақдирга битади», дедилар. *Имом Термизий бу ҳадисни ривоят қилиб, ғариб, дедилар.*

45-БОБ

Яхши зотларни зиёрат қилиш, уларнинг суҳбатларида бўлиш, дўст тутиниш ва дуо қилишларини талаб этиш ҳақида

Аллоҳ таоло:

«Мусо (ўзининг хизматкор) **йигитига: «То икки денгиз қўшиладиган ерга етмагунча ёки узоқ замонлар кезмагунча юришдан тўхтамайман», деган пайтини эслангиз».** (Тоинки) **«Мусо унга** (Хизрга)**: «Сенга билдирилган билимдан менга ҳам тўғри таълим беришинг учун сенга эргашсам майлими?» деди»** (Каҳф сураси, 60–66-оятлар);

«Сиз ўзингизни эртаю кеч Парвардигорининг юзини – розилигини истаб, Унга илтижо қиладиган зотлар билан бирга тутинг» (Каҳф сураси, 28-оят), деб айтган.

360/1. Анасдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ вафотларидан кейин Абу Бакр ﷺ Умарга ﷺ: «Юргин, худди Расулуллоҳ ﷺ Умму Айманни зиёрат қилганларидек, биз ҳам уни зиёрат қиламиз», дедилар. Кейин икковлари унинг ҳузурига боришганида Умму Айман йиғлаб юборди. Шунда икковлари: «Нимага йиғлаяпсан? Расулуллоҳ ﷺга (бу дунёдан кўра) Аллоҳ ҳузуридаги нарса яхши эканини билмайсанми?!» дейишганида, Умму Айман: «Мен бунинг учун йиғламадим. Албатта мен Аллоҳ ҳузуридаги нарса Расулуллоҳ ﷺга яхши эканини биламан. Лекин мени йиғлатаётган нарса (бу зот вафот этишлари билан) осмондан ваҳий тушиши тўхтаб қолганидир», деди. Умму Айманнинг йиғиси икковларини ҳаяжонга солиб, улар ҳам йиғлаб юборишди. *Имом Муслим ривоятлари.*

361/2. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Бир киши бошқа бир қишлоқдаги биродарини зиёрат қилди. Аллоҳ таоло унинг йўлига кузатувчи қилиб бир фариштани юборди. Фаришта унинг олдига келиб: «Қаерга боришни хоҳлайсан?» деганида, ҳалиги киши: «Мана бу қишлоқдаги биродаримникига», деди. Фаришта: «Сенинг унда парваришлаб турган бирор мол-мулкинг борми?» деганида, «Йўқ, лекин мен уни Аллоҳ йўлида яхши кўраман», деди. Шунда ҳалиги фаришта: «Мен сенга юборилган Аллоҳнинг элчисиман. Албатта Аллоҳ сени худди уни яхши кўрганингдек яхши кўради», деди», дедилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

362/3. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Ким бирор касални бориб кўрса ёки Аллоҳ йўлидаги биродарини зиёрат қилса, бир нидо қилувчи: «Яхши инсон бўлдинг, юришинг ҳам яхши бўлди ва жаннатдан ўзинг учун жой тайёрлаб қўйдинг», деб нидо қилади», дедилар. *Имом Термизий ривоятлари.*

363/4. Абу Мусо ал-Ашъарийдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Яхши суҳбатдош билан ёмон суҳбатдошнинг мисоли худди мушк (атир) кўтариб юрувчи билан темир босқонини пурковчига ўхшайди. Мушк кўтариб юрувчига (яқин бўлсанг) ё сенга мушкидан беради ёки мушкидан сотиб оласан. Ёки ҳеч бўлмаганда унинг хушбўй ҳидидан сенга келиб туради. Аммо темир босқонини пурковчисига (яқин бўлсанг) ё кийимингни куйдирасан ёки сассиқ (қўланса) ҳиди сенга келиб туради», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

364/5. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Хотинлар тўрт нарсанинг бири учун никоҳга олинади: мол-дунёси, насл-насаби, чирой-жамоли ва дин-диёнати учун. Сен дин-диёнати учун никоҳингга олиб муваффақият қозонгин, эй қўлинг тупроққа белангур!» дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

Бунинг маъноси шуки: «Одатда, кишилар хотинларнинг мана шу хислатларини қасд қилишади. Лекин сени у аёлнинг диндорлиги кўпроқ қизиқтирсин».

365/6. Ибн Аббосдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ Жаброил алайҳиссаломга: «Бизни бундан-да кўпроқ зиёрат қилишдан сизни нима ман қилади?» деганларида, қуйидаги оят нозил бўлди:

«(Эй Муҳаммад)**, биз ёлғиз Парвардигорингизнинг амри – фармони билангина нозил бўлурмиз, олдимиздаги** (охират) **ҳам, ортимиздаги** (дунё) **ҳам,** (дунё ва охират) **ўртасидаги барча иш-амаллар ҳам ёлғиз Уникидир»** (Марям сураси, 64-оят). *Имом Бухорий ривоятлари.*

366/7. Абу Саид ал-Худрийдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Фақат мўминлар билан суҳбатда бўл. Ва таомингни фақат тақводорларгина есин», дедилар. *Абу Довуд ва Термизий ривоятлари.*

367/8. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Киши дўстининг динидадир. Шундай бўлгандан кейин ким билан дўстлашаётганингга қара», дедилар. *Абу Довуд ва Термизийлар саҳиҳ иснод ила ривоят қилишган.*

(Бунинг маъноси худди ўзбек мақолидаги «Дўстинг кимлигини айтсанг, ўзингнинг кимлигингни айтиб бераман»га ўхшаш... – тарж.)

368/9. Абу Мусо ал-Ашъарийдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Киши яхши кўрган кишиси билан (Қиёмат куни) бирга бўлади», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

Бошқа ривоятда келтирилишича, Расулуллоҳ ﷺга «Киши бир жамоани яхши кўради-да, лекин уларнинг мартабаларига ета олмайди», дейилганда, Расулуллоҳ ﷺ: «Киши (Қиёмат куни) яхши кўрган кишиси билан бирга бўлади», дедилар.

369/10. Анасдан ﷺ ривоят қилинади. Бир бадавий Расулуллоҳ ﷺдан: «Қиёмат куни қачон?» деб сўраганида, у зот: «Қиёмат учун нима тайёрладинг?» дедилар. Ҳалиги бадавий: «Аллоҳ ва Унинг расули муҳаббатини», деб жавоб қилди. Шунда Расулуллоҳ ﷺ: «Сен (Қиёмат куни) яхши кўрган кишинг билан бирга бўласан», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

Бу ҳадис Имом Муслимнинг ривоятларидаги лафздир. Лекин икковларидан қилинган бошқа ривоятда: «У кунга кўпгина рўза, намоз ва садақа тайёрлаганим йўқ. Лекин мен Аллоҳ ва Унинг расулини яхши кўраман», дейилган.

370/11. Ибн Масъуддан ﷺ ривоят қилинади. Бир киши Расулуллоҳ ﷺ ҳузурларига келиб: «Эй Аллоҳнинг расули! Киши бир жамоани яхши кўради-ю, лекин уларнинг мартабаларига ета олмайди (Ибн Ҳиббон ривоятларида «уларнинг амалидек амал қила олмайди» бўлиб келган)», деганида, Расулуллоҳ ﷺ: «Киши (Қиёмат куни) яхши кўргани билан бирга бўлади», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

371/12. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Одамлар ҳам тилла ва кумуш конлари каби конлардир. Уларнинг жоҳилиятдаги яхшилари Исломдаги яхшилари ҳамдир. Шу шарт биланки, агар фақиҳ (билимдон) бўлишса. Руҳлар (руҳлар оламида) сон-саноқсиз тўпланган лашкарлардир. Қайси руҳлар (руҳлар оламида) бир-бирлари билан танишган бўлишса, (бу дунёда ҳам) улфат бўлишади. Қайси руҳлар (руҳлар оламида) бир-бирлари билан таниша олмай, тафриқа бўлиб кетишган бўлса, (бу дунёда ҳам) таниша олмай, мухолиф бўлишади», дедилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

372/13. Усайр ибн Амрдан ﷺ ривоят қилинади. Умар ибн Хаттобнинг ﷺ одатлари агар Яман аҳлидан бўлган кишилар ёрдам талаб қилиб келишса, «Сизларда Увайс ибн Омир деган исмли киши борми?» деб сўрардилар. Кунлар ўтиб Увайс келганида Умар ибн Хаттоб: «Сен Увайс ибн Омирмисан?» дедилар. У: «Ҳа», деб жавоб қилди. Умар ﷺ: «Мурод, кейин Қаран бўлган қабиладанмисан?» дегандилар, у: «Ҳа», деди. Умар ﷺ: «Сенда песлик бор эди. У тузалиб, фақатгина танга миқдорича қолган, холос-а?» дедилар. У: «Ҳа», деди. Умар ﷺ: «Онанг борлар-а?» деб сўрагандилар, у яна: «Ҳа», деди. Шунда Умар ﷺ: «Мен Расулуллоҳ ﷺнинг «Сизларга Увайс ибн Омир исмли киши Яман аҳлидан бўлган ёрдам талабидаги кишилар билан бирга келади. У Мурод, кейин Қаран бўлган қабиладан. Унда песлик бўлиб, тузалганда фақатгина дирҳам миқдоридагиси қолган бўлади. У онасига ниҳоятда итоатлидир. Агар Аллоҳни ўртага қўйиб қасам ичса, Аллоҳ уни (онасига қилган яхшилиги сабабли) рўёбга чиқаради. Агар сен учун истиғфор айтмоғига кўндирсанг, уни қилгин», деганларини эшитганман. Мен учун истиғфор айт», деб илтимос қилгандилар, у Умар ﷺ учун истиғфор айтди. Умар ﷺ унга: «Қаерга боришни хоҳлайсан?» дедилар. У: «Кўфага», деди. Умар ﷺ: «Сенга (маош тайинлаб) Кўфа ҳокимига хат ёзайми?» дедилар. У: «Кўчманчи (одамлар танимайдиган) бўлиб юришим мен учун яхшироқдир», деди. Қачонки, келгуси ҳаж йили бўлганида Кўфанинг улуғларидан бири ҳаж ибодатини адо этгани келди. Умар ﷺ у улуғ киши билан кўришиб, Увайс ҳақида сўрадилар. У улуғ киши: «Увайсни уйи эскиган, матоси оз ҳолатда, яъни камбағал ҳолатда қолдирдим», деди. Шунда Умар ﷺ: «Мен Расулуллоҳ ﷺнинг «Сизларга Увайс ибн Омир исмли киши Яман аҳлидан бўлган ёрдам талабидаги кишилар билан бирга келади. У Мурод, кейин Қаран қабиласидан. Унда песлик бўлиб, тузалганда фақатгина дирҳам миқдоридагиси қолган бўлади. У онасига ниҳоятда итоатлидир. Агар Аллоҳни ўртага қўйиб қасам ичса, Аллоҳ уни (онасига қилган яхшилиги сабабли) рўёбга чиқаради. Агар сен учун истиғфор айтмоғига кўндирсанг, уни қилгин», деганларини эшитганман», дедилар. Бу улуғ киши ҳаждан қайтганидан сўнг Увайснинг олдига бориб: «Менинг ҳаққимга истиғфор айтинг», деб илтимос қилди. Шунда Увайс: «Сиз менга истиғфор айтинг. Чунки сиз эндигина муборак сафардан қайтдингиз», деб яна: «Сиз ҳажда Умар ﷺ билан учрашдингизми?» деб сўради. У улуғ киши: «Ҳа», деди. Қачонки, кишилар Увайснинг ким эканлигини билиб қолишганидан кейин у ердан ҳам чиқиб кетди. *Имом Муслим ривоятлари.*

Имом Муслимнинг Усайр ибн Жобирдан ﷺ қилган бошқа ривоятларида айтилишича, Кўфа аҳли Умар ﷺ ҳузурларига вакил бўлиб келишганида, уларнинг орасида Увайсни масхараловчи бир киши бор эди. Умар ﷺ: «Ораларингизда Қаран қабиласидан бирор киши борми?» деганларида, ҳалиги масхараловчи киши келди. Шунда Умар ﷺ: «Расулуллоҳ ﷺнинг «Сизларга Ямандан бир киши келади. Унинг исми Увайс. Яманда онасидан бошқа кишиси йўқ. Унинг баданида оқлик (песлик) бор. Аллоҳга дуо қилган эди, ундан бу песликни кетказди. Фақатгина динор ёки дирҳам миқдоридагина қолган. Ким ўша кишига йўлиқса, истиғфор сўрашини илтимос қилсин», деганларини эшитганман», дедилар.

Имом Муслимнинг Умардан ﷺ қилган бошқа ривоятларида: «Мен Расулуллоҳ ﷺнинг «Тобеъинларнинг яхшиси Увайс исмли кишидир. Унинг онаси бор. Ва баданида оқлик (песлик) бор. Бу киши сизларга истиғфор айтишини илтимос қилинглар», деганларини эшитганман», дейилган.

373/14. Умар ибн Хаттобдан ﷺ ривоят қилинади. «Расулуллоҳ ﷺдан умра қилиш учун изн сўрадим. У зот изн бериб: «Эй биродар, дуоингда бизни унутмагин», дедилар. Ана шунда менга шундай сўз айтдиларки, у сўзни дунёга алиштириш мени хурсанд қилмас эди». *Абу Довуд ва Термизий ривоятлари.*

Бошқа ривоятда: «Эй биродар, дуоингда бизни шерик қил», дейилган.

374/15. Ибн Умардан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ Қубони от миниб ёки пиёда зиёрат қилиб турардилар. Ва у ерда икки ракат намоз ўқирдилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

Бошқа ривоятда келтирилишича, Расулуллоҳ ﷺ ҳар шанба куни Қубони от минган ҳолда ёки пиёда зиёрат қилардилар. Ибн Умар ﷺ ҳам шу суннатга амал қилардилар.

46-БОБ
Аллоҳ йўлида яхши кўришнинг ва унга тарғиб этишнинг фазилати ҳамда кишининг бошқани яхши кўрганини билдириб қўйиши ва бунда айтиладиган нарса ҳақида

Аллоҳ таоло:

«Муҳаммад Аллоҳнинг пайғамбаридир. У билан бирга бўлган (мўмин)**лар кофирларга қаҳрли, ўз ораларида** (мўминлар билан) **эса раҳм-шафқатлидирлар...»** (Фатҳ сураси, 29-оят);

«Улардан (муҳожирлардан) **илгари** (Мадина) **диёрига ўрнашган ва имон-эътиқодни** (маҳкам ушлаган) **зотлар** (ансорлар) **эса ўзлари** (нинг ёнлари)**га ҳижрат қилиб келган кишиларни суярлар»** (Ҳашр сураси, 9-оят), деб айтган.

375/1. Анасдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Қайси бир кишида уч хислат бўлса, имон ҳаловатини топибди. Улар: 1) Аллоҳ ва Унинг расули у киши учун барча нарсадан маҳбуб бўлмоғи; 2) кишини фақат Аллоҳ учун яхши кўрмоғи; 3) Аллоҳ таоло унга куфрликдан нажот берганидан кейин худди ўтга ташланишни ёмон кўрганидек куфрликка қайтишни кариҳ кўрмоғи», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

376/2. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Аллоҳ таоло етти тоифа кишини соя йўқ кунда ўз соясидан (Қиёмат ҳароратида Аршнинг соясидан) паноҳ берур: 1) одил подшоҳ; 2) Аллоҳнинг ибодатида ўсган йигит; 3) масжидга қалби муаллақ бўлган киши, яъни масжиддан чиқиб, то унга қайтгунча қалби боғлиқ бўлувчи; 4) Аллоҳ йўлида дўст бўлувчи икки биродар шахс, улар Аллоҳ йўлида жам бўлиб, Унинг йўлида ажраладилар; 5) бир кишини ҳусну жамолда тенгги йўқ аёл (ёмон ниятда) ўз нафсига чақирса, у киши Аллоҳдан қўрқаман, деб жавоб қилса; 6) бир киши бирор садақа қилса, ўша берган садақасини шу даражада махфий қилсаки, ўнг қўли билан берганини чап қўли сезмаса; 7) бир киши холи ҳолда Аллоҳни эслаганида, кўзидан ёш оқса», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

377/3. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Албатта Аллоҳ таоло Қиёмат куни: «Азаматим учун дўст бўлганлар қани? Бугун Мен соя йўқ кунда Ўз соям билан паноҳ бераман», дейди», дедилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

378/4. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Менинг жоним Унинг қўлида бўлган Зотга қасамки, имон келтирмагунингизча жаннатга кира олмайсизлар. Ва бир-бирларингиз ила дўст бўлмагунингизча мўмин бўлмайсизлар. Бир-бирингиз билан дўст бўладиган амалга сизларни далолат қилайми? Ораларингизда саломни жорий қилинглар», дедилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

379/5. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Бир киши бошқа бир қишлоқдаги биродарини зиёрат қилмоқчи бўлди. Аллоҳ таоло унинг йўлига кузатувчи қилиб бир фариштани юборди. Фаришта унинг олдига келиб: «Қаерга боришни хоҳлайсан?» деганида, ҳалиги киши: «Мана бу қишлоқдаги биродаримникига», деди. Фаришта: «Сенинг унда парваришлаб турган бирор мол-мулкинг борми?» деганида, «Йўқ, лекин мен уни Аллоҳ йўлида яхши кўраман», деди. Шунда ҳалиги фаришта: «Мен

сенга юборилган Аллоҳнинг элчисиман. Албатта Аллоҳ сени худди уни яхши кўрганингдек яхши кўради», деди», дедилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

380/6. Баро ибн Озибдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ ансорийлар ҳақида: «Уларни фақатгина мўминлар яхши кўрадилар. Ва фақатгина мунофиқлар ёмон кўрадилар. Ким уларни яхши кўрса, Аллоҳ уларни яхши кўради. Ким уларни ёмон кўрса, Аллоҳ уларни ёмон кўради», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

381/7. Муоздан ﷺ ривоят қилинади. «Расулуллоҳ ﷺдан «Аллоҳ таоло: «Менинг азаматим учун бир-бирларини дўст тутгувчиларга нурдан бўлган минбарлар берилади. Уни кўрган набийлар ва шаҳидлар ҳавас қилишади», деди», деганларини эшитдим». *Имом Термизий ривоятлари.*

382/8. Абу Идрис Хулонийдан ﷺ ривоят қилинади. «Бир куни Дамашқ масжидига кирсам, тишлари ярақлаган бир йигит турибди. Атрофида одамлар ўтиришибди. Агар бирор масалада ихтилоф қилишса, бу йигитга мурожаат қилишар эди. Бу йигит нима деса, ўшани қабул этишар эди. Шунда мен: «Бу йигит ким?» деб сўрасам, «Бу йигит Муоз ибн Жабалдир», дейишди. Эртаси кун барвақт масжидга келсам, Муоз мендан ҳам олдин келибдилар. Ўша пайт намоз ўқиётган эканлар. Намозни тугатишларини кутиб турдим. Қачонки, намозни ўқиб бўлганларида, олд томонларидан келиб салом бердим. Ва: «Аллоҳга қасам, мен сизни яхши кўраман», дедим. Муоз ﷺ: «Аллоҳ йўлида яхши кўрасанми?» дедилар. Мен: «Аллоҳ йўлида», дедим. Муоз ﷺ: «Аллоҳ йўлида яхши кўрасанми?» дедилар. Мен: «Аллоҳ йўлида», дедим. Шунда у зот ридоимнинг бир томонидан ушлаб ўзларига тортдилар-да: «Хурсандлик хабарини бергин, чунки мен Расулуллоҳ ﷺнинг «Аллоҳ таоло: «Менинг йўлимда бир-бирларини яхши кўрувчиларга, Менинг йўлимда мажлис қуриб ўтирувчиларга, Менинг йўлимда бир-бирларини зиёрат қилувчиларга ҳамда Менинг йўлимда пулларини сарф этувчиларга муҳаббатим вожиб бўлди», деди», деган сўзларини эшитганман», дедилар». *Имом Молик «Муватто» китобларида саҳиҳ иснод билан ривоят қилганлар.*

383/9. Абу Курайма Миқдод ибн Маъдикарибадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Агар киши биродарини яхши кўрса, ўшани яхши кўришини билдириб қўйсин», дедилар. *Абу Довуд ва Термизий ривоятлари.*

384/10. Муоздан ﷺ ривоят қилинади. «Расулуллоҳ ﷺ қўлимдан ушладилар-да: «Эй Муоз, Аллоҳга қасамки, мен сени яхши кўраман. Эй Муоз, ҳамма фарз намози сўнггида «Аллоҳумма аъинний ъала зикрика ва шукрика ва ҳусни ъибодатика», деб айтишингни васият қиламан», дедилар». *Абу Довуд ва Насаийлар ривояти.*

(Маъноси: «Эй Аллоҳим, Сени зикр этишда, Сенга шукр қилишда ва ибодатингни гўзал бажаришда менга ёрдам бер».)

385/11. Анасдан ﷺ ривоят қилинади. Бир киши Расулуллоҳ ﷺ ҳузурларида эди. Шу пайт бошқа бир киши ўтиб қолди. Шунда ҳалиги киши: «Эй Аллоҳнинг расули, мен бу олдимиздан ўтиб кетган кишини яхши кўраман», деди. Расулуллоҳ ﷺ: «Яхши кўришингни билдирдингми?» деганларида, у киши: «Йўқ», деди. Расулуллоҳ ﷺ: «Бориб билдиргин», дедилар. У киши нариги кимсанинг олдига бориб: «Мен сени Аллоҳ йўлида яхши кўраман», деди. Ўтувчи киши: «Аллоҳ йўлида мени севганинг учун Аллоҳ ҳам сени яхши кўрсин», деди. *Абу Довуд ривоятлари.*

47-БОБ
Аллоҳ таоло бандасини яхши кўрганининг аломатлари ва улар билан зийнатланиш ҳамда уни қўлга киритиш учун ҳаракат қилмоқ ҳақида

Аллоҳ таоло:

«Айтинг (эй Муҳаммад)**, агар Аллоҳни севсангиз, менга эргашинглар. Шунда Аллоҳ сизларни севади ва гуноҳларингизни мағфират қилади. Аллоҳ** (гуноҳларни) **мағфират қилгувчи, меҳрибондир»** (Оли Имрон сураси, 31-оят);

«Эй мўминлар, сизларнинг ичингиздан кимда-ким динидан қайтса, Аллоҳ бошқа бир қавмни келтирурки, Аллоҳ уларни яхши кўрур, улар Аллоҳни яхши кўрурлар. Улар мўминларга хокисор, кофирларга эса қаттиққўл, бирон маломатгўйнинг маломатидан қўрқмай, Аллоҳ йўлида курашадиган кишилардир. Бу Аллоҳнинг фазлу марҳамати бўлиб, Ўзи хоҳлаган кишиларга берур. Аллоҳ фазлу карами кенг, билгувчидир» (Моида сураси, 54-оят), деган.

386/1. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Аллоҳ таоло: «Ким Менинг дўстимга душманлик қилса, унга уруш эълон қиламан. Бандам Ўзим унга фарз қилган нарсадан маҳбуброқ бошқа бирор нарса билан Менга яқин бўла олмайди. Бандам Менга нафллар билан яқинлик қилишда бардавом бўлиб, шу даражага етадики, Мен уни яхши кўриб қоламан. Агар яхши кўриб қолсам, эшитадиган қулоғи, кўрадиган кўзи, ушлайдиган қўли ҳамда юрадиган оёғи бўламан. (Яъни, Мен изн бермаган нарсани эшитмайди, кўрмайди, ушламайди ва қадам қўймайди.) Агар

Мендан сўраса, сўраган нарсасини бераман. Агар паноҳ тиласа, паноҳ бераман», деди», дедилар. *Имом Бухорий ривоятлари.*

387/2. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Агар Аллоҳ таоло бир бандани яхши кўрса, Жаброил алайҳиссаломни чақириб: «Албатта Аллоҳ таоло фалон кишини яхши кўради, сен ҳам уни яхши кўргин», дейди. Сўнгра Жаброил алайҳиссалом осмон аҳлларини чақириб: «Албатта Аллоҳ таоло фалон кишини яхши кўради, сизлар ҳам уни яхши кўринглар», дейдилар. Бас, осмон аҳли ҳам яхши кўришади. Кейин бу нарсани ер аҳли ҳам қабул қилишади», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

Имом Муслимнинг ривоятларида келтирилишича, Расулуллоҳ ﷺ: «Агар Аллоҳ таоло бирор бандасини яхши кўрса, Жаброил алайҳиссаломни чақириб: «Мен фалон кишини яхши кўраман, сен ҳам уни яхши кўргин», дейди. Кейин Жаброил алайҳиссалом ҳам уни яхши кўрадилар ва осмон аҳлини чақириб: «Албатта Аллоҳ таоло фалон кишини яхши кўради, сизлар ҳам уни яхши кўринглар», десалар, осмон аҳли ҳам ўша кишини яхши кўришади. Кейин бу нарсани ер аҳли ҳам қабул қилиб олишади. Агар Аллоҳ таоло бирор бандасини ёмон кўрса, Жаброил алайҳиссаломни чақириб: «Мен фалон кишини ёмон кўраман, сен ҳам уни ёмон кўргин», дейди. Бас, Жаброил алайҳиссалом ҳам уни ёмон кўрадилар. Кейин осмон аҳлларини чақириб: «Албатта Аллоҳ фалон кишини ёмон кўради, сизлар ҳам уни ёмон кўринглар», деб айтадилар. Кейин бу ёмон кўриш ер аҳлида ижро бўлади (яъни, бу киши ер юзида ҳамманинг кўзига ёмон кўрина бошлайди)», дедилар.

388/3. Оишадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ бир кишини аскарлар гуруҳига бошлиқ қилиб бир жойга юбордилар. У киши имом бўлиб уларга намоз ўқиб берса, фақат «Қул ҳуваллоҳу аҳад»ни қироат қилар эди. Қачонки, аскарлар (Мадинага) қайтиб келишганида бунинг қилган ишини Расулуллоҳ ﷺга айтиб беришди. Расулуллоҳ ﷺ: «Нима учун бундай қилганини ундан сўранглар-чи», деганларида, улар бу ҳақда у кишидан

сўрашди. Шунда у: «Чунки бу сурада Раҳмоннинг сифати келган. Мен ана шу сабабли бу сурани ўқишни яхши кўраман», деди. Расулуллоҳ ﷺ: «Бу кишига хабар беринглар, албатта Аллоҳ таоло ҳам (уни) яхши кўради», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

48-БОБ
Яхшиларга, заифларга, мискинларга озор беришдан огоҳлантириш ҳақида

Аллоҳ таоло:

«Мўмин ва мўминаларга бирон гуноҳ қилмасликларидан озор берадиган кимсалар ҳам бўҳтон ва очиқ гуноҳни ўз устларига олибдилар» (Аҳзоб сураси, 58-оят);

«Бас, энди сиз ҳам етимга қаҳр қилманг. Сўровчи гадони эса (бирон нарса бермасдан) **ҳайдаманг»** (Зуҳо сураси, 9–10-оятлар), деб айтган.

Бу бобга тааллуқли ҳадислар кўп бўлиб, олдинги бобда келган Абу Ҳурайрадан қилинган 386 ҳамда 33-бобдаги 261–262-ҳадислар ҳам шу бобга тегишлидир.

389/1. Жундуб ибн Абдуллоҳдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Ким бомдод намозини ўқиса, у Аллоҳнинг ҳимоясидадир. Бас, (эй инсонлар), Аллоҳ сизларни ўша ҳимояга тажовуз қилган ҳолда топмасин. Кимни энди тажовуз қилган ҳолда топса, уни юзи билан жаҳаннам ўтига ташлайди», дедилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

49-БОБ
Кишиларнинг ташқи кўринишларига қараб ҳукм қилиш ва ботинларини Аллоҳга ҳавола қилиш ҳақида

Аллоҳ таоло:

«Энди агар тавба қилсалар ва намозни тўкис адо этишиб, закотни (ҳақдорларга) **ато қилсалар, у ҳолда диний биродарингиздирлар»** (Тавба сураси, 11-оят), деб айтган.

390/1. Ибн Умардан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Кишилар «Ла илаҳа иллаллоҳу ва анна Муҳаммадан расулуллоҳ», деб айтмагунларича, намозни адо этишмагунча ва закотни бермагунларича улар билан урушмоқликка буюрилдим. Агар мана шу айтилган нарсаларни бажаришса, улар ўз жонлари ва молларини мендан сақлашибди. Лекин Ислом ҳақларида (яъни, ҳад ва қасослар) бундай эмас. Бунинг ҳисоби Аллоҳ таолога ҳаволадир», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

391/2. Абу Абдуллоҳ Ториқ ибн Ушаймдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Ким «Ла илаҳа иллаллоҳ», деб Аллоҳдан бошқага ибодат

қилишни инкор этса, унинг моли ва жонига ҳамла қилиш ҳаромдир. Унинг ҳисоби эса Аллоҳ таолога ҳаволадир», дедилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

392/3. Абу Маъбад Миқдод ибн Асваддан ﷺ ривоят қилинади. «Мен Расулуллоҳ ﷺга: «Агар бирор кофир кимсага йўлиқиб, у билан уришиб қолсам ва у қиличи билан қўлимга уриб бирини кесиб ташласа, кейин қочиб дарахт орқасига яшириниб: «Аллоҳ учун мусулмон бўлдим», деса, уни ўлдиришга ҳақлиманми, эй Аллоҳнинг расули?» десам, Расулуллоҳ ﷺ: «Ўлдирмагин», дедилар. Шунда мен: «Эй Расулуллоҳ, бир қўлимни кесиб, кейин мусулмон бўлдим, деб айтган-ку», десам, Расулуллоҳ ﷺ: «Ўлдирмагин, чунки агар ўлдирадиган бўлсанг, у ўлдирилишидан олдинги сенинг мавқеъингда бўлади. Ва сен бу сўзни (яъни, Исломга кирдим, деб айтганидан) олдинги мавқеъда бўласан», дедилар». *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

393/4. Усома ибн Зайддан ﷺ ривоят қилинади. «Расулуллоҳ ﷺ бизни Жуҳайна қабиласидан бўлган Ҳурақа номли жамоага жўнатдилар. Биз субҳда уларнинг суви устига етиб келдик. Мен ва ансорийлардан бири у қавмдан бўлган бир кишига йўлиқиб, уни тутиб олдик. Ва у: «Ла илаҳа иллаллоҳ», деган эди, ансорий дўстим қўйиб юборди. Мен найзам билан уриб уни ўлдирдим. Қачонки, Мадинага борсак, бу қилган ишим Расулуллоҳ ﷺга етибди. У зот менга: «Эй Усома, «Ла илаҳа иллаллоҳ», деса ҳам, ўлдирдингми?» дедилар. Мен: «Эй Расулуллоҳ, у паноҳ топиш учун шундай қилди», десам, у зот: «(У) «Ла илаҳа иллаллоҳ», деганидан кейин ҳам ўлдирдингми?» деб айтаверганларидан мен: «Қанийди, бу кундан олдин мусулмон бўлмасам эди», деб орзу қилдим». *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

Бошқа ривоятда: «Расулуллоҳ ﷺ: «(У) «Ла илаҳа иллаллоҳ», деса ҳам ўлдиравердингми?» дедилар. Мен: «Эй Расулуллоҳ, қиличдан қўрқиб айтди-ку», десам, у зот: «Сен унинг қалбини ёриб, айтган ёки айтмаганлигини билдингми?» деб шу сўзларни такрорлайвердилар. Ҳаттоки, мен шу кун мусулмон бўлмаганимда-ку, деб орзу қилдим», дейилади.

394/5. Жундуб ибн Абдуллоҳдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ мусулмонлардан ташкил топган бир гуруҳ аскарни мушриклардан бўлган бир жамоага юбордилар. Улар ўша жойга боришди. Ўша ердаги мушриклар орасида бир киши бор эди. У агар мусулмонлардан бирортасига (ёмонликни) қасд қилса, уни бажариб ўлдира олар эди. Кейин мусулмонлардан бўлган бир киши у мушрикни ғафлатда қолганида ўлдиришни қасд қилди. Биз уни Усома ибн Зайд деб айтардик. Усома қачонки қилични кўтарган эди, у мушрик: «Ла илаҳа иллаллоҳ», деб айтди. Усома уни шу ҳолатда ҳам ўлдираверди. Хабар берувчи Расулуллоҳ ﷺ ҳузурларига келганида, у зот бўлиб ўтган воқеани сўрадилар. Шунда у киши бу кимса қилган нарсанинг хабарини берди. Расулуллоҳ ﷺ Усомани чақириб: «Нима учун ўлдирдинг?» деб сўрадилар. Усома: «Эй Расулуллоҳ, у мусулмонларга озор бериб, фалон ва фалон кишини ўлдирди, – деб бир неча нафар кишини номма-ном

келтирди, – унга ҳамла қилсам, қиличимни кўриб қолиб «Ла илаҳа иллаллоҳ», деди», деб айтди. Расулуллоҳ ﷺ: «Ўлдиравердингми?» дедилар. Усома: «Ҳа», дедилар. Расулуллоҳ ﷺ: «Агар қиёмат куни «Ла илаҳа иллаллоҳ» келиб (даъво қилса), нима қиласан?» дегандилар, Усома: «Эй Расулуллоҳ, мен учун истиғфор айтинг», деди. Расулуллоҳ ﷺ: «Агар Қиёмат куни «Ла илаҳа иллаллоҳ» келиб (даъво қилса), нима қиласан?» деб, мана шундан («Агар Қиёмат куни «Ла илаҳа иллаллоҳ» келиб (даъво қилса), нима қиласан?») бошқа сўзни зиёда қилмадилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

395/6. Абдуллоҳ ибн Утба ибн Масъуддан ﷺ ривоят қилинади. «Умар ибн Хаттобнинг ﷺ «Расулуллоҳ ﷺ замонларида одамлар (қанақалиги) ваҳий орқали аён бўлар эди. Ҳозир эса ваҳий тушиши тўхтади. Биз ҳозир сизларнинг устки кўринишингизга қараб туриб ҳукм қиламиз. Кимнингки ташқи кўриниши яхши бўлса, бизнинг ундан кўнглимиз тинч бўлиб, ўзимизга яқин қиламиз. Унинг ички ҳолати билан эса Аллоҳнинг Ўзи ҳисоб-китоб қилиб олади. Ким ташқи кўринишида ёмон кўрилса, бизнинг ундан кўнглимиз тинчимайди. Ва агар ички ҳолатим яхши, деса ҳам уни тасдиқламаймиз», деган сўзларини эшитдим». *Имом Бухорий ривоятлари.*

50-БОБ
Аллоҳдан қўрқиш баёни

Аллоҳ таоло:

«Ва Мендангина қўрқинглар» (Бақара сураси, 40-оят);

«Шак-шубҳасиз Парвардигорингизнинг (кофирларни азоб билан) **ушлаши қаттиқдир»** (Буруж сураси, 12-оят);

«Парвардигорингиз (аҳли-эгалари) **золим бўлган шаҳарларни ушлаганида, мана шундай ушлар. Унинг ушлаши – азоби аламли ва қаттиқдир. Албатта бу қиссаларда охират азобидан қўрққан кишилар учун оят-ибратлар бордир. У кун барча одамлар тўпланадиган ва ҳозир бўлинадиган Кундир. Биз уни фақат саноқли муддатгача таъхир қилиб – кечиктириб турамиз, холос. У кун келганида, бирон жон гапирмас, магар Унинг** (Аллоҳнинг) **изни билангина гапирур. Бас, у** (Кунга ҳозир бўлганлар) **орасида бахтсизи ҳам бўлур, бахтлиси ҳам. Бас, энди бадбахт кимсалар дўзахда бўлиб, у жойда оҳу фарёд қилурлар»** (Ҳуд сураси, 102–106-оятлар);

«Аллоҳ сизларни Ўзининг (азобидан) **огоҳ қилур»** (Оли Имрон сураси, 28-оят);

«У Кунда киши ўз оға-инисидан ҳам, онаси ва отасидан ҳам, хотинию бола-чақасидан ҳам қочур! (Чунки) **улардан ҳар бир киши учун у Кунда ўзига етарли ташвиш бўлур»** (Абаса сураси, 34–37-оятлар);

«Эй инсонлар, Парвардигорингиздан қўрқингиз! Зеро, (қиёмат) **соати** (олдидаги) **зилзила улуғ-даҳшатли нарсадир. Уни кўрар кунингизда эмизаётган** (оналар) **эмизиб турган** (боласини) **унутар ва барча ҳомиладор** (аёллар) **ўз ҳомиласини ташлаб юборар; одамларни маст-аласт ҳолда кўрурсиз, ҳолбуки улар ўзлари маст эмаслар, лекин Аллоҳнинг азоби қаттиқдир»** (Ҳаж сураси, 1-оят);

«Парвардигори (ҳузурида) **туришдан** (яъни, ўзининг Парвардигор олдида туриб ҳаёти дунёда қилиб ўтган барча амалларига жавоб беришдан) **қўрққан киши учун икки жаннат бордир»** (Раҳмон сураси, 46-оят);

«Улар бир-бирларига боқишиб, басти-жавоб қилишиб дейдилар: «Ҳақиқатан бизлар илгари (ҳаёти дунёда) **аҳли оиламиз орасида** (бўлган чоғимизда охиратда Аллоҳнинг азобига дучор бўлишдан) **қўрқар эдик. Мана, Аллоҳ бизларга марҳамат кўргузди ва бизларни самумдан** (яъни, баданларни илма-тешик қилиб юборадиган дўзахий шамолдан) **сақлади. Дарҳақиқат бизлар илгари** (ҳаёти дунёда) **У зотга дуо-илтижо қилар эдик. Албатта Унинг Ўзигина марҳаматли, меҳрибондир»** (Ват-Тур сураси, 25–28-оятлар), деб айтган.

396/1. Ибн Масъуддан ﷺ ривоят қилинади. Рост сўзловчи Расулуллоҳ ﷺ қуйидагиларни гапириб бердилар: «Ҳар бирингизнинг халқ қилинишингиз шундай: онангиз қорнида маний қирқ кун тўпланиб туради. Сўнгра яна шунча кунда қуюқ қон ва яна шунча кунда бир парча гўштга айланади. Кейин бир фаришта (онангиз қорнига) юборилиб, унга руҳ пуфлайди ва тўрт сўзни, яъни ризқингизни, ажалингизни, қандай амал қилишингизни ва бахтсиз ёки бахтлилигингизни ёзиб қўймоққа буюрилади. Ундан бошқа илоҳ йўқ бўлган Зот (Аллоҳ)га қасамки, сизлардан бирингиз ўзи билан жаннат ўртасида бир газ масофа қолгунича жаннат аҳли амалини қилиб юради-да, пировардида (онаси қорнида битилган) тақдири унга пешвоз чиқиб, дўзах аҳлига мансуб бир ишни қилиб қўяди ва дўзахга равона бўлади. Сизлардан бирингиз ўзи билан дўзах ўртасида бир газ масофа қолгунича дўзахийларга хос ишларни қилиб юради-да, пировардида (онаси қорнида битилган) тақдири унга пешвоз чиқиб, жаннат аҳли амалини қилиб қўяди ва жаннатга равона бўлади». *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

397/2. Ибн Масъуддан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «(Қиёмат куни) жаҳаннам маҳшарга келтирилади. Унинг етмиш минг жилови бўлади. Ҳар жиловида етмиш минг фаришта бўлиб, жаҳаннамни тортиб келишади», дедилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

398/3. Нўъмон ибн Баширдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Қиёмат куни дўзах аҳллари орасида гуноҳи энг енгили бир кишики, унинг икки қадами остига икки чўғ қўйилади. У чўғ миясини қайнатиб туради. Бу азобланаётган киши мендан кўра қаттиқ азобланаётган киши йўқ бўлса керак, деб гумон қилади. Ваҳоланки, азоби энг енгили шу кишидир», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

399/4. Самура ибн Жундубдан ﷺ ривоят қилинади. Аллоҳнинг набийси ﷺ: «Ўт дўзахийларнинг баъзисини икки тўпиқларигача ёндиради. Ва баъзиларини икки тиззасигача ёндиради. Ва баъзиларини иштонбоғларигача ёндиради. Ва баъзиларини бўйинларининг атрофигача ёндиради», дедилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

400/5. Ибн Умардан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «(Қиёмат куни) одамлар Аллоҳ ҳузурида тик туришади. Ҳаттоки, баъзилари қулоқларининг ярмигача ўзларининг терларига кўмилиб, кўринмай қолади», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

401/6. Анасдан ﷺ ривоят қилинади. «Расулуллоҳ ﷺ бизга хутба айтдилар. У каби хутбани ҳеч эшитмаган эдим. У зот: «Агар сизлар мен билган нарсани англаганларингизда эди, оз кулиб кўп йиғлаган бўлардингизлар», дедилар. Бу хутбани эшитган саҳобалар юзларини беркитиб пиқиллаб йиғлашар эди». *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

Бошқа ривоятда келтирилишича, Расулуллоҳ ﷺга саҳобалари томонидан бир нарса хабари етганида, у зот қуйидагича хутба айтдилар: «Менга жаннат ва дўзах кўрсатилди. Уни бугунгидек яхшилик ва ёмонликда кўрмаганман. Агар сизлар мен билган нарсани ҳис қилганингизда, оз кулиб, кўп йиғлардингизлар». Расулуллоҳ ﷺ саҳобаларига бугунгидан кўра қаттиқроқ кун бўлмаган. Улар бошларини беркитиб пиқиллаб йиғлашар эди.

402/7. Миқдоддан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Қиёмат куни халойиққа қуёш яқинлаштирилади. Ҳаттоки, у билан қуёш ўртасида бир мил (ўлчов) қолади», дедилар. (Бу ҳадиснинг ровийси Сулайм ибн Омир ﷺ қуйидагиларни Миқдоддан ривоят қилдилар: «Аллоҳга қасамки, Расулуллоҳ ﷺ милдан нимани мақсад қилганларини билмадим. У ер ўлчанадиган мил ёки кўзга сурма қўяётганда қўлланиладиган мил бўлиши мумкин».) «Сўнгра кишилар амаллари миқдорича ўз терларига ғарқ бўлишади. Улардан тўпиқларигача ғарқ бўладиганлари, тиззаларигача ғарқ бўладиганлари ва белларигача ғарқ бўладиганлари бор. Ва баъзиларини ўз терлари юганлаб қўяди», деб Расулуллоҳ қўллари билан оғизларига ишора қилдилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

403/8. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Кишилар Қиёмат куни шу даражада терлашадики, у тер етмиш газ ер қаърига сингийди. Ва яна у терлари юганлаб олганидан ҳаттоки қулоқларигача ғарқ бўлишади», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

404/9. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. «Бир куни Расулуллоҳ ﷺ билан бирга (ўтирган) эдик, у зот бир нарсанинг гупиллаган овозини эшитдилар. Ва у зот: «Бу нима эканини биласизларми?» деганларида, биз: «Аллоҳ ва Унинг расули билувчироқ», дедик. Шунда у зот: «Бу бир тош

бўлиб, у дўзахга улоқтирилганига етмиш йил бўлди. Ҳозиргача пастга шўнғишда бардавом бўлиб, энди жаҳаннам тубига етди. Сизлар ҳозир ўша тошнинг гупиллашини эшитдинглар», дедилар». *Имом Муслим ривоятлари.*

405/10. Адий ибн Ҳотимдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Қиёмат куни Аллоҳ таоло бирор кишини қолдирмасдан таржимонсиз гаплашади. У киши ўнг томонига қарайди. Ўзи юборган амалидан бошқа нарсани кўрмайди. Чап томонига қарайди. Ўзи юборган амалидан бошқани кўрмайди. Олд томонига қарайди. Ва рўпарасида дўзахдан бошқа нарсани кўрмайди. Шундай экан, хурмонинг ярмини (садақа қилиб бўлса ҳам), дўзахдан сақланинглар», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

406/11. Абу Заррдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Мен сизлар кўрмаган нарсани кўраман. Осмон ғижирлади. Ва у ғижирлашликка ҳақлидир. Осмонда тўрт бармоқ сиғадиган бирор жой йўқ. Фақат фаришта Аллоҳга сажда қилган ҳолда пешонасини у жойга қўюр. Аллоҳга қасамки, агар сизлар мен билган нарсани ҳис қилганларингизда, оз кулиб, кўп йиғлаб, ҳаттоки тўшакларингизда хотинларингиз билан лаззатланмасдан, Аллоҳдан ёрдам сўраб адирларга чиқиб кетган бўлар эдингизлар», дедилар. *Имом Термизий ривоятлари.*

407/12. Абу Барза Асламийдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Киши Қиёмат куни умрини нима билан ўтказгани, илмини нимага йўналтиргани, молини қаердан топиб, қаерга инфоқ қилгани ва жисмининг нима билан машғул бўлгани ҳақида ҳисоб-китоб қилинмагунича икки қадами жилимайди», дедилар. *Имом Термизий ривоятлари.*

408/13. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ «Ана ўша Кунда ер ўз хабарларини сўзлар», деган оятни ўқиб: «Ернинг хабари нима эканини биласизларми?» деганларида, саҳобалар: «Аллоҳ ва Унинг расули билувчироқ», дейишди. Шунда Расулуллоҳ ﷺ: «Ҳар бир эр ва аёлнинг ер устида бирор амал қилганига гувоҳ бўлиб, ундай қилгансан ва бу кун бундай қилгансан, деб айтиши хабар беришидир», дедилар. *Имом Термизий ривоятлари.*

409/14. Абу Саид ал-Худрийдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Қандай хурсанд бўлайки, сур соҳиби (Исрофил алайҳиссалом) сурни оғизга солиб, буйруқ келса, уни пуфлайман, деб қулоқ солиб турибдилар», дедилар. Расулуллоҳ ﷺнинг бу айтган гаплари гўёки саҳобаларга оғир ботгандек бўлди. Шунда у зот: «(Сизлар) «Ҳасбуналлоҳу ва ниъмал вакийл», деб айтинглар», дедилар. *Имом Термизий ривоятлари.*

410/15. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Ким қўрқса, кечанинг аввалида йўлга тушади. Ким кечанинг аввалида йўлга тушса, манзилига етиб олади. Огоҳ бўлинглар, Аллоҳнинг матоси қимматбаҳодир. Огоҳ бўлинглар, Аллоҳнинг матоси жаннатдир», дедилар. *Имом Термизий ривоятлари.*

411/16. Оишадан ﵂ ривоят қилинади. «Расулуллоҳ ﷺ: «Қиёмат куни кишилар ялангоёқ, яланғоч ва хатна қилинмаган ҳолда тўпланадилар», деганларида, мен: «Эй Аллоҳнинг расули, эркаклар ва аёллар бир-бирларига қарайверишадими?» десам, у зот: «Эй Оиша, у кун бу нарсадан ҳам қаттиқроқ (яъни, нозиклигидан андишага ўрин қолмайди)», дедилар.

Бошқа ривоятда: «Иш бир-бирларига қарашдан ҳам муҳимроқ», дейилган. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

51-БОБ
Умид қилиш ҳақида

Аллоҳ таоло:

«(Эй Муҳаммад), **Менинг ўз жонларига жиноят қилган** (турли гуноҳ-маъсиятлар қилиш билан) **бандаларимга айтинг: «Аллоҳнинг раҳмат-марҳаматидан ноумид бўлмангиз!» Албатта Аллоҳ** (Ўзи хоҳлаган бандаларининг) **барча гуноҳларини мағфират қилур. Албатта Унинг Ўзигина мағфиратли, меҳрибондир»** (Зумар сураси, 53-оят);

«Биз фақат кофир бўлган кимсагагина (мана шундай) **жазо берурмиз»** (Сабаъ сураси, 17-оят);

«Бизга ваҳий қилиндики, (Аллоҳнинг пайғамбарларини) **ёлғончи қилган ва** (уларга имон келтиришдан) **юз ўгирган кимсаларга азоб бўлур»** (Тоҳа сураси, 48-оят);

«Раҳматим – меҳрибонлигим эса ҳамма нарсадан кенгдир» (Аъроф сураси, 156-оят), деб айтган.

412/1. Убода ибн Сомитдан ﵁ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Кимки «Шериги бўлмаган якка Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ, албатта Муҳаммад алайҳиссалом Аллоҳнинг қули ва расули ҳамда Исо алайҳиссалом Аллоҳнинг қули ва расули, Унинг Марямга етказган сўзи ҳамда Унинг томонидан бўлган руҳ (соҳибидир), жаннат ҳақ, дўзах ҳақ», деб гувоҳлик берса, амали қандай бўлмасин, Аллоҳ уни жаннатга киритади», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

Имом Муслимнинг ривоятларида: «Кимки «Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ, албатта Муҳаммад алайҳиссалом Аллоҳнинг расулидир», деб гувоҳлик берса, Аллоҳ дўзахни унга ҳаром қилади», дейилган.

413/2. Абу Заррдан ﵁ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Аллоҳ таоло: «Ким бир яхшилик қилса, унга ўн баробар яхшилик бераман ёки ундан ҳам зиёда этаман. Ким бир ёмон иш қилса, ўша бир ёмонлик учун бир жазо бераман ёки кечириб юбораман. Ким Менга бир қарич яқинлашса, Мен унга бир газ яқинлашаман. Ким Менга бир газ яқинлашса, Мен унга бир қулоч яқинлашаман. Ким Менга юриб келса, Мен унга югуриб бораман. Ким ҳузуримга ер юзини гуноҳга тўлдириб келса, аммо Менга ширк келтирмаса, Мен ҳам ўша миқдорча мағфират билан унга йўлиқаман», деди», дедилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

Бу ҳадиснинг маъноси «Ким Мен томонга тоат билан яқинлашса, раҳматим билан яқинлашаман. У тоат-ибодатини зиёда қилса, Мен ҳам унга раҳматимни зиёда қиламан», деганидир.

414/3. Жобирдан ﷺ ривоят қилинади. Бир бадавий Расулуллоҳ ﷺ ҳузурларига келиб: «Эй Аллоҳнинг расули, жаннатга ва дўзахга кириш учун сабаб бўладиган икки хислат нима?» деганида, у зот: «Ким Аллоҳга бирор нарсани шерик қилмасдан вафот этса, жаннатга киради. Ким бирор нарсани шерик қилса, дўзахга киради», дедилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

415/4. Анасдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ Муоз билан бир уловга мингашиб кетишаётган эдилар. Расулуллоҳ ﷺ: «Эй Муоз», дедилар. У: «Лаббайка ва саъдайка, эй Расулуллоҳ», деди. Расулуллоҳ ﷺ: «Эй Муоз», дедилар. У: «Лаббайка ва саъдайка, эй Расулуллоҳ», деди. Расулуллоҳ ﷺ: «Эй Муоз», дедилар. У: «Лаббайка ва саъдайка, эй Расулуллоҳ», деди. Шунда Расулуллоҳ ﷺ: «Қайси бир банда Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқлигига, албатта Муҳаммад (алайҳиссалом) Унинг қули ва расули эканига сидқидилдан гувоҳлик берса, Аллоҳ унга дўзахни ҳаром қилади», дедилар. Муоз: «Эй Аллоҳнинг расули, бу ҳақда одамларга хабар берайми? Улар бу билан хурсанд бўлишади», деганида, Расулуллоҳ ﷺ: «(Йўқ), бунинг хабарини берсанг, унга суяниб (амал қилмай қўйишади)», дедилар. Аввалига Муоз хабар бермай юрди. Лекин ўлими яқинлашганда, илмни яшириб гуноҳкор бўлиб қолишдан хавф қилган ҳолда унинг хабарини берди. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

417/6. Итбон ибн Моликдан ﷺ ривоят қилинади. (Бу зот Бадр ғазотида иштирок этган саҳобалардан эди.) «Мен қавмим Бани Солимга имомлик қилиб намоз ўқиб берар эдим. Мен билан улар орасида водий бўлиб, агар у ерга ёмғир ёғса, масжид томонга ўтиш машаққат туғдирарди. Шунинг учун Расулуллоҳ ﷺ ҳузурларига бориб у зотга: «Кўзимнинг нури кетиб қолди. Агар ёмғир ёғса, мен билан қавмим ўртасидаги водийда сел оқади. Табиийки, уни кечиб ўтиш машаққат туғдиради. Хоҳлардимки, сиз уйимнинг бир чеккасида намоз ўқиб берсангиз, мен ўша жойни масжид қилиб олсам», десам, у зот: «Бораман», дедилар ва қуёш кўтарилганида Абу Бакр ﷺ билан келиб (киришга) изн сўрадилар. Мен изн бердим. У зот ҳали ўтирмасдан туриб: «Уйингнинг қаерида намоз ўқиб берай?» дедилар. Мен намоз ўқишни яхши кўрадиган жойга ишора қилдим. У зот ўринларидан туриб такбир айтдилар ва орқаларида саф тортдик. Икки ракат намоз ўқиб бердилар. Кейин салом бердилар. Ўша пайт биз ҳам салом бердик. У зотга атала пиширган эдик, шунга тўхтатдик. Расулуллоҳ ﷺ уйимда эканликларини билиб маҳалладаги одамлар тўп-тўп бўлиб кела бошлашди. Ҳатто, уйда кишилар кўпайиб кетишди. Шунда бир киши: «Моликка нима бўлдики, уни кўрмаяпман?» деганида, бошқа бир киши: «У мунофиқ-ку! Аллоҳ ва Унинг расули уни яхши кўрмайди», деди. Буни эшитган Расулуллоҳ ﷺ: «Бундай дема! Ла илаҳа иллаллоҳ, деб Аллоҳнинг розилигини талаб қилганини кўрмадингми?» деганларида, у киши: «Аллоҳ ва Унинг расули билувчи! Аммо биз, Аллоҳга қасамки, унинг мунофиқлар билан гаплашиб, дўстлашганини кўрамиз», деди. Расулуллоҳ ﷺ: «Аллоҳнинг розилигини тилаб «Ла илаҳа иллаллоҳ»ни айтган кишига Аллоҳ дўзахни ҳаром қилган», деб айтдилар». *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

418/7. Умар ибн Хаттобдан ﷺ ривоят қилинади. «Расулуллоҳ ﷺ бир неча асирлар ҳузурига бордилар. Улар орасида бир хотин бор эди. У айланиб юриб бирор ёш болани топса, уни қучоқлаб эмизар эди. Расулуллоҳ ﷺ: «Бу хотиннинг меҳрибонлигини кўрдингларми? Шу хотин боласини ўтга ташлайдими?» дегандилар, биз: «Аллоҳга қасамки, йўқ», дедик. Шунда

Расулуллоҳ ﷺ: «Аллоҳнинг бандаларига меҳрибонлиги бу хотиннинг боласига қилган меҳрибонлигидан ҳам зиёдадир», дедилар». *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

419/8. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Аллоҳ таоло халойиқни яратганда бир китобни битди. У китоб Ўз ҳузурида, яъни Аршнинг устидадир. Унда «Албатта раҳматим ғазабимга ғолиб келади», деб айтган», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

Бошқа ривоятда: «ўазабимга ғолиб келди», дейилган.

Яна бошқа ривоятда: «ўазабимдан олдинлаб кетди», дейилган.

420/9. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Аллоҳ таоло раҳматини юзга бўлиб, тўққсон тўққизтасини Ўз ҳузурида олиб қолди. Бир бўлагини ерга туширди. Ўша бир бўлак раҳмат билан халойиқ бир-бирига раҳм қилади. Ҳаттоки, ўша бир бўлак билан ҳайвон ҳам боласига озор етишидан қўрқиб, туёғини кўтариб туради», дедилар.

Бошқа ривоятда: «Аллоҳ таолонинг юз раҳмати бордир. Ундан бир қисмини инсонлар, жинлар, ҳайвонлар ва жониворлар орасида тақсимлаб қўйган. Ўша бир раҳмат туфайли улар меҳрибонлик ва раҳм қилишади. Ва ҳатто, ваҳший ҳайвонлар ҳам болаларига меҳрибонлик қилишади. Аллоҳ таоло Қиёмат куни бандаларига раҳм қилиш учун тўқсон тўққизта раҳмни олиб қўйган», дейилган. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

Имом Муслимнинг Салмон Форсийдан қилган ривоятларида: «Расулуллоҳ ﷺ: «Аллоҳ таолонинг юзта раҳмати бўлиб, ундаги бир бўлак билан халойиқ ўзаро бир-бирларига раҳм қилишади. Тўқсон тўққизтаси Қиёмат кунига қолдирилган», дедилар», дейилган.

Яна бошқа бир ривоятда: «Аллоҳ таоло еру осмонни яратган куни юз раҳматни ҳам яратган. Барча раҳмат агар жам бўлса, осмон билан ер ўртасини тўлдирар эди. Ўша раҳматлардан бирини ер юзига туширгандир. Бу билан она боласига, қушлар ва ҳатто ваҳшийлар бир-бирларига меҳрибонлик қилишади. Қиёмат кунида эса бу бир раҳматни (Ўзининг ҳузуридаги тўқсон тўққизта раҳматга қўшиб) мукаммал қилади», дейилган.

421/10. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ Раббисидан ҳикоя қилган ҳадиси қудсийда: «Бирор банда гуноҳ қилиб, «Аллоҳим, гуноҳларимни кечир», деса, Аллоҳ таоло: «Бандам гуноҳ қилди ва у гуноҳларни кечирувчи ҳамда гуноҳларга яраша жазо берувчи Раббиси борлигини билади», дейди. Кейин у банда яна гуноҳ қилиб қўйиб, «Эй Раббим! Гуноҳларимни кечир», дейди. Аллоҳ таоло: «Бандам гуноҳ қилди ва у гуноҳларни кечирувчи ҳамда гуноҳларга яраша жазо берувчи Раббиси борлигини билади», дейди. Кейин у банда яна гуноҳ қилиб қўйиб: «Эй Раббим! Гуноҳларимни кечир», дейди. Аллоҳ таоло: «Бандам гуноҳ қилди ва у гуноҳларни кечирувчи ҳамда гуноҳларга яраша жазо берувчи Раббиси борлигини билади. Ҳақиқатда бандамнинг гуноҳини кечирдим. У хоҳлаганини қилаверсин (яъни, модомики, гуноҳ қилиб, мана шу тарзда тавба қилар экан, Мен унинг гуноҳларини кечираман. Чунки тавба ўзидан аввалги гуноҳларни йўқ қилади)», дейди», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

422/11. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Жоним Унинг қўлида бўлган Зотга қасамки, агар сизлар гуноҳ қилмасангизлар, Аллоҳ сизларни кетказиб, (ўрнингизга бошқа) гуноҳ қиладиган қавмни олиб келади. Бас, улар (гуноҳларига) истиғфор айтишади, Аллоҳ эса уларнинг гуноҳларини кечиради», дедилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

423/12. Абу Аюб Холид ибн Зайддан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Агар сизлар гуноҳ қилмасангизлар, Аллоҳ таоло бошқа бир гуноҳ қиладиган халқни яратади. Улар гуноҳларига истиғфор айтишади. Ва Аллоҳ уларнинг гуноҳларини кечиради», дедилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

424/13. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. «Биз Расулуллоҳ ﷺ билан бирга ўтирган эдик. Биз билан Абу Бакр ﷺ, Умар ﷺ ва бир неча саҳобалар ҳам бор эди. Расулуллоҳ ﷺ бизнинг олдимиздан турдилар-да, ҳаяллаб кетдилар. Бир-биримиздан жудо бўлиб қолармикинмиз, деб хавф қилдик. Қўрқиб ўрнимиздан турдик. Мен биринчи бўлиб қўрқдим. Расулуллоҳ ﷺни ахтариб чиқдим. Бора-бора ансорийлардан бирининг (боғи) деворига етдим... (Ҳадисни узун ҳолатида баён қилиб, қолганини қуйидагича давом эттирдилар.) ...Расулуллоҳ ﷺ: «Боргин-да, мана бу деворнинг орқасида чин қалбидан ишонч ила «Ла илаҳа иллаллоҳ», яъни «Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ», деб айтган кишига йўлиқсанг, унга жаннат бўлишини хурсандлик билан хабарини бер», дедилар». *Имом Муслим ривоятлари.*

425/14. Абдуллоҳ ибн Амр ибн Оссдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ Аллоҳнинг Китобидаги Иброҳим алайҳиссалом дуоларини тиловат қилдилар: **«Парвардигорим, у бутлар кўпдан-кўп одамларни йўлдан оздирдилар. Бас, ким менга эргашса, ана ўша мендандир** (яъни, менинг динимдадир)**».** Ва яна Аллоҳнинг Китобидаги Исо алайҳиссалом дуоларини ҳам тиловат қилдилар: **«Агар уларни азобласанг, улар Сенинг ожиз бандаларинг. Агар уларни мағфират қилсанг, албатта Сен Ўзинг қудрат, ҳикмат эгасидирсан»**. Кейин Расулуллоҳ ﷺ қўлларини кўтариб: «Умматим, умматим», деб йиғладилар. Аллоҳ таоло буни эшитиб: «Эй Жаброил, Муҳаммаднинг олдига бориб сўра-чи, нима уни йиғлатмоқда?» деди. Ваҳоланки, Аллоҳ Ўзи билиб туриб сўрашни буюрмоқда! Жаброил алайҳиссалом Расулуллоҳ ﷺ ҳузурларига келиб, (йиғлашлари сабабини сўраб) айтган жавобларининг хабарини Аллоҳга етказдилар. Ваҳоланки, Аллоҳ буни билувчироқ эди. Шунда Аллоҳ таоло: «Эй Жаброил, Муҳаммад (алайҳиссалом) ҳузурига бориб: «Биз умматинг учун қайғураётган нарсада рози қилиб, сени хафа қилмаймиз», деб айтгин», деди. *Имом Муслим ривоятлари.*

426/15. Муоз ибн Жабалдан ﷺ ривоят қилинади. «Мен Расулуллоҳ ﷺ билан бирга эшакка мингашиб кетаётган эдим. У зот: «Эй Муоз! Бандалар устидаги Аллоҳнинг ҳаққи ва Аллоҳ зиммасидаги бандаларнинг ҳаққи нима эканини биласанми?» деганларида, мен: «Аллоҳ ва Унинг расули

билувчироқ», дедим. Шунда у зот: «Аллоҳнинг бандалари устидаги ҳаққи – Унга бирор нарсани шерик қилмасдан, Ўзига ибодат қилмоқликларидир. Бандаларнинг Аллоҳ зиммасидаги ҳақлари – бирор нарсани Унга шерик қилмаган бандасини азобламаслигидир», деб айт-дилар. Кейин мен: «Эй Аллоҳнинг расули, шундай бўлса, бу ҳақда одамларга хурсандлик хабарини берайми?» десам, у зот: «Йўқ, хабар берма. Агар хабар берадиган бўлсанг, бу нарсага суяниб амал қилмай қўйишади», дедилар». *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

427/16. Баро ибн Озибдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Агар мусулмон киши қабрда сўроқ-савол қилинса, у бандaнинг «Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ. Муҳаммад Аллоҳнинг расули», деб гувоҳлик бериши мана бу оят остига киради: **«Аллоҳ имон келтирган кишиларни ҳаёти дунёда ҳам, охиратда ҳам устивор сўз** (имон калимаси) **билан собитқадам қилур»** (Иброҳим сураси, 27-оят)», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

428/17. Анасдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Кофир кимса агар бирор яхшилик қилса, шу дунёнинг ўзида ризқлантирилади. Аммо мўмин киши бирор яхшилик қилса, Аллоҳ таоло охирати учун яхшилигини захира қилиб қўяди ҳамда тоатига ярашасини дунёда ҳам ризқ қилиб беради», дедилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

Яна бошқа бир ривоятларида: «Албатта Аллоҳ таоло мўминнинг қилган яхшилиги учун зулм қилмасдан шу дунёда ҳам беради. Охиратда эса у яхшилиги учун мукофот ҳам ато этади. Аммо кофир кимса ҳар қанча яхшилик қилмасин, шу дунёда ризқлантирилади. Қачонки, охиратга борганида, мукофотланиши учун яхшилиги бўлмайди», дейилган.

429/18. Жобирдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Беш вақт намознинг мисоли сизлардан бирингизнинг эшиги олдидан лиммо-лим бўлиб оқувчи анҳорда ҳар куни беш марта ювинадиган кишига ўхшайди», дедилар. (Яъни, ҳар куни анҳорда беш марта ювинган кишининг баданида кир қолмагани каби ҳар кун беш вақт намоз ўқиган кишида гуноҳ қолмайди.) *Имом Муслим ривоятлари.*

430/19. Ибн Аббосдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Бирор мусулмон киши вафот этса, бу вафот этган кишининг жанозасида Аллоҳга бирор нарсани шерик қилмаган қирқ киши иштирок этса, Аллоҳ бу мусулмон ҳақидаги уларнинг шафоатларини қабул қилади», дедилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

431/20. Ибн Масъуддан ﷺ ривоят қилинади. «Биз қирққа яқин киши Расулуллоҳ ﷺ билан бирга чодирда эдик. Шунда у зот: «Сизлар жаннат аҳлларининг тўртдан бири бўлишга розимисизлар?» дегандилар, биз: «Ҳа», дедик. Яна у зот: «Сизлар жаннат аҳлларининг учдан бири бўлишга розимисизлар?» дегандилар, биз: «Ҳа», дедик. Яна у зот: «Муҳаммаднинг жони Унинг қўлида бўлган Зотга қасамки, сизлар жаннат аҳлининг ярми бўлишингизга умид қиламан. Бу жаннатга мусулмон шахсларгина киришади.

Сизлар мушриклар орасида қора рангли ҳўкиз баданидаги оқ тукка ёки қизил рангли ҳўкиз баданидаги қора тукка ўхшайсизлар», дедилар». *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

432/21. Абу Мусо ал-Ашъарийдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Агар Қиёмат қоим бўлса, Аллоҳ таоло ҳар бир мусулмонга яҳудий ёки насронийни топшириб: «Мана бу сенинг дўзахдан қутулишинг учун бўлган гаровингдир», дейди», дедилар.

Бошқа ривоятда келтирилишича, Расулуллоҳ ﷺ: «Қиёмат куни мусулмонлардан иборат бўлган кишилар тоғ каби гуноҳ билан келишади. Аллоҳ эса уларнинг гуноҳларини мағфират қилади», дедилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

Ҳадисдаги «Аллоҳ таоло ҳар бир мусулмонга яҳудий ёки насронийни топшириб: «Мана бу сенинг дўзахдан қутулишинг учун бўлган гаровингдир», дейди» каби маъно Абу Ҳурайрадан қилинган ривоятда ҳам келган. У қуйидагичадир: «Ҳар бир кишининг жаннатда ва дўзахда ўрни бордир. Агар мўмин жаннатга кирса, унинг дўзахдаги ўрнига кофир киради. Чунки кофир куфри билан ўша ерга мустаҳиқдир».

Ва яна ҳадисдаги «Қутулишинг учун бўлган фидоингдир» жумласининг маъноси – «Сен дўзахга киришга дучор бўлиб турган эдинг. Бу кофир сенинг жойингга кирди. Ва сен қутулдинг. Чунки Аллоҳ таоло дўзахни тўлдириш учун бир қанча миқдорни тайин қилган. Қачонки, кофирлар гуноҳ ва куфрлари сабабли дўзахга киришса, гўёки мусулмонлар ўрнига гаров қилиниб киришган бўлади». Валлоҳу аълам.

433/22. Ибн Умардан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Мўмин банда Қиёмат куни Аллоҳга шу қадар яқинлаштириладики, У банданинг устига раҳмат пардасини қўяди. Ва гуноҳларига иқрор этади. Ҳамда: «Ундай ёки бундай гуноҳларингни биласанми?» дейди. Банда эса: «Эй Раббим, биламан», дейди. Шунда Аллоҳ таоло: «Мен дунёдалигингда гуноҳларингни фош қилмасдан сир тутдим. Бу кун гуноҳларинг-ни кечираман», дейди. Кейин у бандага яхшиликлар ёзилган саҳифа келтирилади», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

«Аллоҳга яқинлаштирилади», дейилганда карам ва яхшилик ила яқинлаштириш тушунилади. Чунки Аллоҳ масофа ила яқинлашишдан покдир.

434/23. Ибн Масъуддан ﷺ ривоят қилинади. Бир киши бир хотиндан бўса олди. Кейин Расулуллоҳ ﷺ ҳузурларига келиб хабар берди. Сўнгра Аллоҳ таоло қуйидаги оятни нозил қилди: **«Кундузнинг ҳар икки тарафида ва кечадан бир бўлагида намозни тўкис адо қилинг! Албатта яхши амаллар ёмонлик – гуноҳларни кетказур»**. Бас, ҳалиги киши: «Эй Аллоҳнинг расули, бу мен учун хосми?» деганида, у зот: «Балки бу умматимнинг барчаларига хосдир», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

435/24. Анасдан ﷺ ривоят қилинади. Бир киши Расулуллоҳ ﷺ ҳузурларига келиб: «Эй Аллоҳнинг расули, гуноҳ қилиб қўйдим. Менга

таъзир беринг», деди. (Аммо) намоз вақти бўлиб қолган эди, Расулуллоҳ ﷺ билан намоз ўқиди. Қачонки, намоз ўқиб бўлингандан кейин «Эй Аллоҳнинг расули, мен гуноҳ қилиб қўйдим. Аллоҳнинг Китобида буюрилганидек, унинг жазосини қоим қилинг», деган эди, Расулуллоҳ ﷺ: «Биз билан намозда бирга эмасмидинг?» дедилар. У киши: «Ҳа, бирга эдим», деди. Шунда Расулуллоҳ ﷺ: «Батаҳқиқ, сенинг гуноҳларинг кечирилгандир», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

«Жазони қоим қилинг» жумласидаги жазо зино ва ароқ ичгандаги ҳад (шаръий жазо) эмас. Балки таъзир маъносидаги жазодир. Чунки зино ва ароқ ичгандаги жазо намоз билан соқит бўлмайди ҳамда имомнинг у жазони тарк қилиши ҳам жоиз эмас.

436/25. Анасдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Ҳар таом еганда ва ҳар ичимлик ичганда ҳамд айтувчи бандасидан Аллоҳ таоло рози бўлади», дедилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

437/26. Абу Мусодан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Тунда Аллоҳ таоло раҳмат ва мағфират қўлини кундузи гуноҳ қилувчилар тавба этишлари учун ёзади. Ва наҳорда Аллоҳ таоло раҳмат ва мағфират қўлини тунда гуноҳ қилувчилар тавба этишлари учун ёзади. Ҳаттоки, қуёш ботганидан то чиққунича мана шундай давом этади», дедилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

438/27. Абу Нажиҳ Амр ибн Абасадан ﷺ ривоят қилинади. «Мен жоҳилият даврида одамлар залолатда, чунки улар бутга ибодат қилишгани учун ҳақиқат йўлида эмаслар, деб ўйлаб юрар эдим. Ногаҳон ўша кунларнинг бирида Маккада бир одам чиққанини эшитдим. У ҳар турли хабарларни айтаётган эмиш. Бас, уловимга ўтирдим-да, у жанобнинг ҳузурларига бордим. Ўша кунларда Расулуллоҳ ﷺ одамлардан яшириниб юрган эканлар. Чунки қавмлари суиқасд қилишга журъат этишган экан. Мен йўлини топиб, Маккада у зот ҳузурларига кириб: «Сиз кимсиз?» дедим. У зот: «Набийман», дедилар. Мен: «Набий нима ўзи?» дедим. У зот: «Аллоҳ мени шундай қилиб юборди», дедилар. Мен: «Нима ила юборди?» дедим. У зот: «Қариндош-уруғларга боғланиб борди-келди қилишга, бутларни синдиришга ҳамда Аллоҳга бирор нарсани шерик қилмасликка ва Унинг тавҳидига чақириш буйруғи ила юборди», дедилар. Мен: «Бу йўлда сиз билан кимлар бирга?» десам, у зот: «Бир озод ва бир қул киши», дедилар. Ўшанда Абу Бакр ﷺ ва Билол ﷺ бирга эдилар. «Мен ҳам сизга эргашаман», десам, у зот: «Сен бу кунларда эргашишга қодир эмассан. Менинг ва одамларнинг аҳволига қарамайсанми? Лекин ўз аҳлингга қайтгин. Агар менинг овоза бўлганимни эшитсанг, ўшанда келгин», дедилар. Кейин мен аҳлимга қайтиб келдим. Расулуллоҳ ﷺ эса Мадинага (ҳижрат қилиб) кетибдилар. Мен аҳлим билан биргалик пайтимда у зот ҳақларида суриштириб Мадинадан келганлардан сўрар эдим. Мадина аҳлидан бир неча киши келган эди. Мен: «Мадинага борган бу киши (яъни, Муҳаммад алайҳиссалом) нима қилмоқда?» деб сўрадим. Улар: «Кишилар унга

(қўшилиш учун) шошилишмоқда. Ўз қавми уни ўлдиришни хоҳлаган эди. Лекин бунга қодир бўлишмади», деб айтишди. Кейин мен Мадинага бориб у зот ҳузурларига кирдим. Ва: «Эй Аллоҳнинг расули, мени танидингизми?» десам, у зот: «Ҳа, сен билан Маккада учрашган эдим», дедилар. Мен яна: «Эй Аллоҳнинг расули, Аллоҳ сизга ўргатган ва мен билмайдиган нарсалар ҳамда намоз ҳақида хабар беринг», дедим. У зот: «Бомдод намозини ўқигин. Кейин қуёш то бир найза миқдорида кўтарилгунича тўхтаб тургин. Чунки қуёш шайтоннинг икки шохи орасидан чиқади. Ўша пайтда кофирлар қуёшга сажда қилишади. Кейин намозингни ўқийвер. Чунки намоз пайтида (кундузги) фаришталар ҳозир бўлишади. Қачонки, соя найза миқдорича бўлиб (қуёш тиккага етганда) намозни тўхтатгин. Чунки мана шу пайтда жаҳаннам қиздирилади. Қачонки, соя тушса, бунда ҳам намозингни ўқийвергин. Чунки бу намоз пайтида ҳам то аср намозини ўқигунингча фаришталар ҳозир бўлишади. Сўнгра қуёш ботгунича намоз ўқишни тўхтатгин. Чунки қуёш шайтоннинг икки шохи орасидан ботади. Ўша пайтда ҳам кофирлар қуёшга сажда қилишади», дедилар. Мен яна: «Эй Аллоҳнинг расули, энди таҳорат ҳақида хабар беринг», дедим. У зот: «Сизлардан бирингиз таҳорат сувини олиб келиб оғзини чайқаб, бурнига сув олиб уни ташласа, юзи ва бурнидаги хатолари чиқиб кетади. Агар юзини Аллоҳ буюрганидек ювса, бети ва жағи атрофидаги хатолари сув билан бирга чиқиб кетади. Кейин икки қўлини тирсагигача ювса, қўли билан қилган хатолари бармоқларидан сув билан бирга чиқиб кетади. Кейин бошига масҳ тортса, бошидаги хатолари сочлари атрофидан сув билан бирга чиқиб кетади. Кейин оёғини ошиғигача ювса, у билан қилган хатолари оёқ бармоқларидан чиқиб кетади. Агар туриб намоз ўқиб, Аллоҳ таолога ҳамду сано айтиб, Уни шаънига мос нарса билан улуғласа ҳамда қалбини Аллоҳга боғласа, худди онасидан туғилган кундаги каби хатолардан холи бўлади», дедилар».

Бу ҳадиснинг ровийси Амр ибн Абаса уни Расулуллоҳ ﷺнинг дўстлари Абу Умомага гапириб берганларида, Абу Умома: «Эй Амр ибн Абаса, нима деяётганингга қара! Бир мақомда кишига шу миқдорда даража бериладими?» деганларида, Амр ибн Абаса: «Эй Абу Умома, ёшим улғайиб, суякларим нозиклашиб, ажалим яқинлашганда, Аллоҳ ва Унинг расулига ёлғон нисбат беришимга нима эҳтиёжим бор?! Мен бу ҳадисни Расулуллоҳ ﷺдан бир, икки ёки уч, ҳатто етти марта эшитганимда ҳам гапирмас эдим. Лекин мен буни ундан ҳам кўп эшитганман», дедилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

439/28. Абу Мусо ал-Ашъарийдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Агар Аллоҳ таоло бир умматга раҳмати бўлишини хоҳласа, пешвоз чиқиш учун улардан олдин пайғамбарларининг жонини олади. Агар бирор умматни ҳалок этишни хоҳласа, пайғамбарлари тирик туриб уларни азобга гирифтор қилиб ҳалок этади. Ва у пайғамбар ёлғонга чиқариб, буйруғига осийлик қилган умматининг қандай азобланаётганини ўз кўзи билан кўриб туради», дедилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

52-БОБ
Умид қилишнинг фазилати ҳақида

Аллоҳ таолонинг Китобида солиҳ банда шундай дейди:

«Мен ўз ишимни Аллоҳга топширурман. Зеро, Аллоҳ бандаларини кўриб тургувчидир. Бас, Аллоҳ у (имон келтирган киши)**ни уларнинг ёмон макр-ҳийлаларидан сақлади»** (ўофир сураси, 44–45-оятлар).

440/1. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Аллоҳ таоло: «Бандам гумон қилган еридан топиламан. Қаерда Мени эсласа, у билан биргадирман. Аллоҳ таоло бандасининг тавбасидан саҳрода туясини йўқотиб, кейин топиб олган кишининг хурсандчилигидан ҳам кўпроқ шод бўлади. Ким Менга бир қарич яқин бўлса, Мен унга бир газ яқин бўламан. Ким Менга бир газ яқин бўлса, Мен унга бир қулоч яқин бўламан. Ким Менга юриб келса, Мен унга югуриб бораман», деди», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

441/2. Жобир ибн Абдуллоҳдан ﷺ ривоят қилинади. Бу зот: «Расулуллоҳ ﷺнинг вафотларидан уч кун олдин: «Ҳар бирингиз ўлими пайтида Аллоҳ азза ва жаллага гумонини яхши қилсин», деб айтганларини эшитдим», дедилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

442/3. Анасдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Аллоҳ таоло: «Эй одам боласи, сен Менга дуо қилдинг ва Мендан умид қилдинг. Мен эса сени гуноҳингга аҳамият бермасдан кечириб юбордим. Эй одам боласи, агар гуноҳинг осмон булутича бўлса ҳам, Менга истиғфор айтсанг, гуноҳингни кечираман. Эй одам боласи, агар Менга ер тўлалигича гуноҳ билан келиб, сўнгра Менга бирор нарсани ширк келтирмасанг, ернинг тўлалигича мағфират билан бораман», деб айтди», дедилар. *Имом Термизий ривоятлари.*

53-БОБ
Хавф ва ражо баёни

Билингки, бандага муносиб кўрилган ҳолат соғломлик пайтида хавф-ражода бўлиб бир хил турсин. Беморлик пайтида эса умидни кучайтирсин. Бунга шариат асоси бўлмиш Қуръон ва суннатда далиллар келган.

Аллоҳ таоло марҳамат этди:

«Бас, Аллоҳнинг макридан фақат зиён кўргувчи қавмгина хотиржам бўлур» (Аъроф сураси, 99-оят);

«Зеро, Аллоҳнинг раҳматидан фақат кофир қавмгина ноумид бўлур» (Юсуф сураси, 87-оят);

«(Қиёмат) **кунида** (мўминларнинг) **юзлари оқ бўлур,** (кофирларнинг) **юзлари қора бўлур»** (Оли Имрон сураси, 106-оят);

«Шубҳасиз, Парвардигорингиз (кофирлар учун) **азоби қаттиқ,** (мўминларни эса) **мағфират қилгувчи, меҳрибондир»** (Аъроф сураси, 167-оят);

«Шак-шубҳасиз, яхшилар (яъни, мўминлар) **жаннат неъматларидадирлар. Шак-шубҳасиз, фисқ-фужур қилгувчи кимсалар дўзахдадирлар»** (Инфитор сураси, 13–14-оятлар);

«Бас, энди (у кунда) **кимнинг тортилган** (яхши амаллари) **оғир келса, ана ўша** (ҳар бир инсон) **рози бўладиган – орзу қиладиган ҳаётда бўлур. Энди кимнинг тортилган** (яхши амаллари) **енгил келса, унинг жойи жарликдир»** (Ал-Қориъа сураси, 6–9-оятлар).

443/1. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Агар мўмин Аллоҳ ҳузуридаги азобни билганида эди, бирор киши жаннатга киришидан умид қилмас эди. Агар кофир Аллоҳ ҳузуридаги раҳматни билса эди, бирор киши жаннатдан ноумид бўлмас эди», дедилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

444/2. Абу Саид ал-Худрийдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Агар киши тобутга қўйилса ва одамлар ёки кишилар уни гарданларига қўйиб кўтарган ҳолда юришни бошласа, у тобутдаги киши солиҳ бўлса, «Мени тезроқ олиб боринглар, мени тезроқ олиб боринглар», дейди. Агар тобут ичидаги киши ёмон бўлса, «Вой бўлсин! Қаерга олиб кетмоқдасизлар?» дейди. Бу айтган сўзини инсондан бошқа ҳамма эшитади. Агар инсон ҳам эшитса, вафот этарди», дедилар. *Имом Бухорий ривоятлари.*

445/3. Ибн Масъуддан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Жаннат ҳар бирингизнинг пойабзали ипидан ҳам яқиндир. Дўзах ҳам шу кабидир», дедилар. *Имом Бухорий ривоятлари.*

54-БОБ
Аллоҳдан қўрқиб йиғлаш ҳамда Унга интилишнинг фазилати ҳақида

Аллоҳ таоло:

«Улар йиғлаган ҳолларида юзлари билан йиқилурлар ва (Қуръон) **уларнинг хокисорликларини зиёда қилур»** (Исро сураси, 109-оят);

«(Эй мушриклар), **ҳали сизлар мана шу сўздан** (Қуръондан) **ажабланурсизларми?** (Ундаги оятларнинг беназир ва бемисл ўгит-насиҳатларидан таъсирланиб) **йиғламасдан, ғофил бўлган ҳолларингизда кулурсизларми?»** (Нажм сураси, 59–61-оятлар) деб айтган.

446/1. Ибн Масъуддан ﷺ ривоят қилинади. «Расулуллоҳ ﷺ: «Менга Қуръон ўқиб бер», дедилар. Мен: «Эй Аллоҳнинг расули, сизга Қуръон ўқиб бераманми? Ваҳоланки, Қуръон ўзингизга нозил қилинган бўлса», десам, у зот: «Мен Қуръонни ўзимдан бошқа кишидан эшитмоқни яхши кўраман», дедилар. Шунда мен «Нисо» сурасини ўқиб **«**(Эй Муҳаммад)**, Биз ҳар бир**

умматдан (ўша умматнинг пайғамбарини) **гувоҳ келтирганимизда ва сизни ана уларга қарши гувоҳ қилганимизда, уларнинг ҳоли не кечур?»** оятига етсам, у зот: «Ҳозирча кифоя қилади», дедилар. Кейин у зотга назар солсам, икки кўзларидан ёш оқмоқда экан». *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

447/2. Анасдан ﷺ ривоят қилинади. «Расулуллоҳ ﷺ бизга хутба айтдилар. Бу каби хутбани ҳеч эшитмаган эдим. У зот: «Агар сизлар мен билган нарсани англаганларингизда эди, оз кулиб кўп йиғлаган бўлардингизлар», дедилар. Бу хутбани эшитган саҳобалар юзларини беркитиб пиқиллаб йиғлашар эди». *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

448/3. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Аллоҳдан қўрқиб йиғлаган киши ҳаттоки сут кўкракка қайтмагунича дўзахга кирмайди (яъни, сут кўкракка қайтиши қай даражада мумкин бўлмаса, мўминнинг дўзахга кириши мумкин эмас). Ва яна Аллоҳнинг йўлидаги ғубор билан жаҳаннам тутуни бир ерда жамланмайди», дедилар. *Имом Термизий ривоятлари.*

449/4. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Аллоҳ таоло етти тоифа кишини соя йўқ Кунда ўз соясидан (Қиёмат ҳароратида Аршнинг соясидан) паноҳ берур: 1) одил подшоҳ; 2) Аллоҳнинг ибодатида ўсган йигит; 3) масжидга қалби муаллақ бўлган киши, яъни масжиддан чиқиб, то унга қайтгунча қалби боғлиқ бўлувчи; 4) Аллоҳ йўлида дўст бўлувчи икки биродар шахс, улар Аллоҳ йўлида жам бўлиб, Унинг йўлида ажраладилар; 5) бир кишини ҳусну жамолда тенгги йўқ аёл (ёмон ниятда) ўз нафсига чақирса, у киши Аллоҳдан қўрқаман, деб жавоб қилса; 6) бир киши бирор садақа қилса, ўша берган садақасини шу даражада махфий қилсаки, ўнг қўли билан берганини чап қўли сезмаса; 7) бир киши холи ҳолда Аллоҳни эслаганида, кўзидан ёш оқса», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

450/5. Абдуллоҳ ибн Шаххирдан ﷺ ривоят қилинади. «Расулуллоҳ ﷺ ҳузурларига борсам, у зот намоз ўқиётган эканлар. Шу даражада йиғлаётгандиларки, ичларидан худди қозон қайнагандаги каби товуш чиқар эди». *Абу Довуд ва Термизий ривоятлари.*

451/6. Анасдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ Убай ибн Каъбга: «Аллоҳ таоло «Лам якуниллазийна кафарув» сурасини сенга ўқиб беришимни амр этди», деганларида, Убай ибн Каъб: «Аллоҳ менинг номимни зикр қилдими?» дедилар. Расулуллоҳ ﷺ: «Ҳа», дедилар. Буни эшитган Убай ﷺ йиғлаб юбордилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

Бошқа ривоятда: «Убай ибн Каъб йиғлай бошлади», дейилган.

452/7. Анасдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ вафотларидан кейин Абу Бакр ﷺ Умарга ﷺ: «Юргин, худди Расулуллоҳ ﷺ Умму Айманни зиёрат қилганларидек, биз ҳам уни зиёрат қиламиз», дедилар. Кейин икковлари Умму Айман ҳузурига боришганида, Умму Айман йиғлаб юборди. Шунда икковлари: «Нимага йиғлаяпсан? Расулуллоҳ ﷺга (бу дунёдан кўра) Аллоҳ ҳузуридаги нарса яхши эканини билмайсанми?!» дейишганида, Умму Айман:

«Мен бунинг учун йиғламадим. Албатта мен Аллоҳ ҳузуридаги нарса Расулуллоҳ ﷺга яхши эканини биламан. Лекин мени йиғлатаётган нарса (бу зот вафот этишлари билан) осмондан ваҳий тушиши тўхтаб қолганидир», деди. Умму Айманнинг йиғиси икковларини ҳаяжонга солиб, улар ҳам йиғлаб юборишди. *Имом Муслим ривоятлари.*

453/8. Ибн Умардан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺнинг касалликлари кучайганда «Намозга чиқинг», дейилди. У зот: «Абу Бакрга буюринглар, одамларга имом бўлиб намоз ўқиб берсин», дедилар. Шунда Оиша ﷺ: «Отам Абу Бакр кўнгли бўш кишилар. Агар Қуръон ўқисалар, йиғи устун келади», дегандилар, Расулуллоҳ ﷺ: «Унга буюринглар, одамларга имом бўлиб намоз ўқиб берсин», дедилар.

Бошқа ривоятда: «Оиша ﷺ: «Отам Абу Бакр агар сизнинг ўрнингизда имом бўлиб турсалар, йиғлаб юборадилар. Ва кишилар (нима ўқиётганини) эшитишмайди», дедилар», дейилган. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

454/9. Иброҳим ибн Абдураҳмон ибн Авфдан ﷺ ривоят қилинади. «Отам Абдураҳмон ибн Авфнинг ҳузурларига таом келтирилди. Ўшанда рўзадор эдилар. Ва бу зот: «Мусъаб ибн Умайр шаҳид ҳолатда ўлдирилдилар. Мендан яхши эдилар. Кафанлаш учун бир чопондан бошқа нарса топилмади. Агар ўша чопон бошларига ёпилса, оёқлари очилиб қолар эди. Агар оёқлари ёпилса, бошлари очилиб қолар эди. Бу зотдан кейин бизга дунё ҳар қанча ато қилинди. Яъни, фаравонлик бўла бошлади. Яхшиликларимиз охиратга захира қилинмасдан шу дунёнинг ўзидаёқ бериб қўйилдими, деб қўрқамиз», дедилар-да, йиғлаб юбордилар. Ва овқатланишни ҳам тарк қилдилар». *Имом Бухорий ривоятлари.*

455/10. Абу Умома Судай ибн Ажлон ал-Боҳилийдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Аллоҳ таолога икки томчи ва икки оёқ изидан маҳбуброқ нарса йўқдир. Улар: Аллоҳдан қўрқиб тўкилган ёш томчиси ва Аллоҳ йўлида тўкилган қон томчиси. Ҳамда Аллоҳ йўлида босилган қадам изи ва Аллоҳ фарзларидан бирини адо этиш учун босилган қадам изи», дедилар. *Имом Термизий ривоятлари.*

Бу бобга тааллуқли ҳадислар жуда кўпдир. Ирбоз ибн Сориядан ﷺ ривоят қилинган 157-рақамли ҳадис ҳам бу бобга далилдир.

55-БОБ
Дунёда зоҳид бўлиш ва уни (жамлашни) озайтириш ҳамда камбағалликнинг фазилати ҳақида

Аллоҳ таоло айтади:

«Дарҳақиқат, бу ҳаёти дунёнинг мисоли худди Биз осмондан ёғдирган бир сувга ўхшайди, бас, одамзот ва ҳайвонот ейдиган нарсалардан иборат бўлган ер набототи у билан аралашиб, ҳатто ер чирой олиб, ясан-тусан қилганида ва ернинг аҳли унинг устида кучли-қудратлимиз, деб ўйлай бошлаганида, ерга кечаси ё кундузи Бизнинг фармонимиз келиб, Биз уни гўё куни кеча обод бўлмагандек, вайронага айлантириб қўюрмиз. Тафаккур қила

оладиган қавм учун оятларни мана шундай муфассал баён қилурмиз» (Юнус сураси, 24-оят);

«(Эй Муҳаммад, одамларга) **ҳаёти дунё мисолини келтиринг.** (У) **худди бир сув кабидирки, Биз осмондан ёғдиргач,** (аввал – киши ҳаётининг баҳорида) **у сабабли замин набототи** (бир-бирига) **аралашиб-чирмашиб кетур, сўнгра** (ҳаёт кузи келгач) **шамоллар учириб кетадиган хас-хашакка айланиб қолур. Аллоҳ ҳамма нарсага қодир бўлган Зотдир. Мол-мулк, бола-чақа шу ҳаёти дунё зийнатидир. Парвардигорингиз наздида эса** (абадий) **қолгувчи яхши амаллар савоблироқ ва орзулироқ** (орзу қилишга арзирлироқдир)**»** (Қаҳф сураси, 45–46-оятлар);

«Билингларки, бу ҳаёти дунё фақат (бир нафаслик) **ўйин-кулгу, зеб-зийнат, ўрталарингиздаги ўзаро мақтаниш ва мол-дунё ҳамда фарзандларни кўпайтиришдир, холос.** (У) **худди бир ёмғирга ўхшарки, уни нг** (ёғиши сабабли униб чиққан) **ўт-ўлани кофирларни ҳайратга солиб** (ақлларини банд қилиб қўюр). **Сўнгра у қурир, бас, уни сарғайган ҳолда кўрурсиз. Сўнгра у қуруқ чўп бўлиб қолур.** (Ҳаёти дунёнинг ҳоли ҳам шундан ўзга эмасдир.) **Охиратда эса** (ўша тўрт кунлик дунёга алданиб қолганлар учун) **қаттиқ азоб ва** (имон-эътиқод билан ўтганлар учун) **Аллоҳ томонидан мағфират ва ризолик бордир. Ҳаёти дунё эса фақат алдагувчи матодир»** (Ҳадид сураси, 20-оят);

«Одамларга аёллар, болалар, туганмас олтин-кумуш бойликлар, (қиммат) **баҳоли отлар, чорва ва экин-тикинлар каби истак-хоҳишларга кўнгил қўйиш чиройли қилинди. Ҳолбуки, бу нарсалар ҳаёти дунёнинг** (ўткинчи) **нарсаларидир. Аллоҳнинг ҳузурида эса энг гўзал қайтадиган жой – жаннат бордир»** (Оли Имрон сураси, 14-оят);

«Эй инсонлар, албатта Аллоҳнинг (қайта тирилтириш ва бу дунёда қилиб ўтилган яхши-ёмон амалларнинг мукофот-жазосини бериш тўғрисидаги) **ваъдаси ҳақ** (ваъдадир). **Бас, ҳаргиз сизларни ҳаёти дунё алдаб қўймасин! Ва ҳаргиз сизларни Аллоҳ** (барча гуноҳларни кечиб юбораверади, деб) **алдагувчи** (шайтон) алдаб қўймасин!**»** (Фотир сураси, 5-оят);

«(Эй инсонлар), **сизлар то қабрларни зиёрат қилгунларингизча** (яъни, ўлиб қабрга киргунларингизча) **сизларни** (мол-дунё) **тўплаб кўпайтириш** (Аллоҳга тоат-ибодат қилишдан) **машғул қилди. Йўқ, сизлар яқинда** (бу қилмишларингизнинг оқибатини) **билурсизлар. Яна бир бор йўқ, сизлар яқинда билурсизлар. Йўқ, агар сизлар** (дунёга қул бўлиб қолишнинг оқибати нима эканлигини) **аниқ билиш билан билсаларингиз эди** (унга қул бўлиб қолмас эдингизлар)**»** (Такосур сураси, 1–5-оятлар);

«Бу ҳаёти дунё фақат (бир нафаслик) **ўйин-кулгидир. Агар улар билсалар, охират диёригина** (мангу) **ҳаёт** (диёридир)**»** (Анкабут сураси, 64-оят).

456/1. Амр ибн Авф Ансорийдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ Абу Убайда ал-Жарроҳни Баҳрайнга жизя (солиқ)ларни олиб келиш учун юбордилар. Абу Убайда Баҳрайндан бир қанча мол-дунё билан қайтдилар. Абу Убайданинг келгани ҳақидаги хабарни ансорийлар эшитиб, Расулуллоҳ ﷺ билан бирга бомдод намозини ўқиш учун тўпланиб келишди. Қачонки, Расулуллоҳ ﷺ намозни ўқиб бўлганларидан кейин уларга юзма-юз бўлиб қараб кулиб қўйдилар. Сўнгра: «Сизлар Абу Убайда Баҳрайндан нимадир олиб келганини эшитган бўлсангизлар керак-а?» деганларида, улар: «Ҳа, эй Аллоҳнинг расули», дейишди. Шунда у зот: «Хушнуд бўладиган нарсаларингизни орзу қилиб умид этаверинглар. Аллоҳга қасамки, мен сизларнинг камбағал бўлиб қолишингиздан қўрқмайман. Лекин сизлардан аввалги умматга ўхшаб дунё келиб, улар ўша дунёга кимўзарга мусобақалашиб, уларни бу нарса ҳалокатга элтгани каби сизларнинг ҳам улар каби дунёга мағрур бўлиб қолишингиздан қўрқаман», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

457/2. Абу Саид ал-Худрийдан ﷺ ривоят қилинади. «Бир куни Расулуллоҳ ﷺ минбарда ўтирдилар. Биз эса атрофларида ўтирдик. Шунда у зот: «Ўлимдан кейин сизлар ҳақингизда қўрқадиган нарсам дунё ўз гўзаллигу ажойиботларини очиб, сизлар ўшанга (маҳлиё) бўлишингиздир», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

458/3. Абу Саид ал-Худрийдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Албатта дунё кўм-кўк, гўзалдир. Аллоҳ эса унда сизларни тасарруф этувчи қилди. Ва сизлар дунёда қандай амал қилишингизга қарайди. Бас, дунёдан сақланинглар. Ҳамда аёллардан эҳтиёт бўлинглар», дедилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

459/4. Анасдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ дуоларида: «Аллоҳим, ҳақиқий яшаладиган ҳаёт охиратдаги ҳаётдир», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

460/5. Анасдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Вафот этган киши билан қабристонга уч нарса бирга боради. Улар: аҳли, мол-дунёси ва амали. Лекин иккови, яъни аҳли ва моли қайтиб келиб, биттаси, яъни амали бирга қолади», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

461/6. Анасдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Қиёмат куни ҳаёти дунёдалик пайтида роҳат-фароғатда яшаган, дўзахга ҳукм қилинган кишини олиб келиб, дўзахга бир чўмдирилади-да, кейин «Эй одам боласи, ҳаётингда бирор роҳат-фароғат кўрдингми?» дейилади. У эса: «Аллоҳга қасамки, йўқ, кўрмадим, эй Рабб!» дейди. Ва яна ҳаёти дунёдалик пайтида камбағаллик ва мусибатда яшаган, жаннатга ҳукм қилинган кишини олиб келиб жаннатга бир чўмдирилади-да, кейин «Эй одам боласи, ҳаётингда

бирор қийинчилик кўрдингми?» дейилади. У эса: «Аллоҳга қасамки, йўқ, кўрмадим. Менинг ҳаётимда бирор қийинчилик бўлмаган», деб айтади», дедилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

462/7. Муставрид ибн Шаддоддан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Охират роҳати олдида дунёнинг роҳати худди сизлардан бирингиз бармоғини денгизга суққанда бирга илашиб чиққан сувга қарасин, ўша қанча бўлса, шу миқдордадир», дедилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

463/8. Жобирдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ бир куни бозорда кетаётганларида қулоғи кичкина бўлган ўлимтик бир эчкининг олдидан ўтиб қолдилар. Одамлар эса бу зотнинг атрофларида эди. Кейин Расулуллоҳ ﷺ унинг қулоғидан ушлаб: «Сизларнинг қайси бирингиз буни бир дирҳамга сотиб олишни яхши кўради?» дегандилар, саҳобалар: «Биз уни сотиб олишни яхши кўрмаймиз. Буни нима ҳам қилардик?» дейишди. Расулуллоҳ ﷺ яна: «Бу сизларга бўлишини яхши кўрасизларми?» дегандилар, улар: «Аллоҳга қасамки, агар бу тирик бўлганда ҳам қулоғи кичиклиги сабаб айби бор экан. Энди ўлигига эгалик қилишни ким ҳам яхши кўрарди?» дейишди. Шунда Расулуллоҳ ﷺ: «Аллоҳга қасамки, бу дунё Аллоҳ ҳузурида сизларга мана бу ўлимтик эчки қадрсиз бўлганидан ҳам зиёда қадрсиздир», дедилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

464/9. Абу Заррдан ﷺ ривоят қилинади. «Мен Расулуллоҳ ﷺ билан бирга Мадинанинг тошлоқ ерларида кетаётган эдим, Уҳуд тоғи рўпарамиздан чиқиб қолди. Шунда у зот: «Эй Абу Зарр», дедилар. Мен: «Лаббай, эй Аллоҳнинг расули», дедим. У зот: «Агар мана шу Уҳуд тоғидек олтиним бўлса, унинг менинг ҳузуримда уч кеча бўлса ҳам қолиши хушнуд этмайди. Фақат қарзимга тўламоғим учун етарлисини қолдириб, қолганини Аллоҳ таолонинг бандалари учун ундай ва бундай ҳамда мана бундай қилиб сарф этинглар, деган бўлар эдим», дедилар-да, ўнг ва чап ҳамда орқа томонларига ишора қилдилар, сўнгра йўлга равона бўлиб «Бу дунёда мол-дунёси кўп бадавлат кишилар Қиёмат куни (савоб жиҳатидан) қашшоқдирлар. Лекин мол-дунёсини ундай ва бундай ҳамда мана бундай, яъни ўнг ва чап ҳамда орқаларидан эҳсон қилувчилар ундай эмаслар. Улар кам сонли бўлишади», дедилар, кейин: «Мен келг унимча ўрнингдан жилмай тур», деб тун қоронғусида кўздан ғойиб бўлдилар. Бироздан кейин бегона бир товушни эшитиб Расулуллоҳ ﷺга бирор нарса бўлмадимикан, деб хавотир олдим. Олдиларига бормоқчи бўлдим-у, аммо «Ўрнингдан жилмай тур», деб айтган сўзлари ёдимга тушиб бормадим. Қачонки, қайтиб келганларидан сўнг: «Эй Расулуллоҳ, бир овозни эшитиб хавотир олдим», деб воқеани эслатдим. У зот: «Ҳақиқатда эшитдингми?» дедилар. Мен: «Ҳа», дедим. У зот: «Бу Жаброил алайҳиссалом эди. Менга келиб: «Умматларингдан қайси бири Аллоҳ таолога бирор нарсани шерик қилмай вафот этса, жаннатга киради», деб айтди», дедилар. Шунда мен: «Агар зино ва ўғирлик қилса ҳамми?» десам, у зот: «Агар зино ва ўғирлик қилса ҳам», дедилар». *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.* Бу лафз Бухорийники.

465/10. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Агар Уҳуд тоғидек олтиним бўлса, уч кеча ўтмасдан менинг ҳузуримда ундан бирор нарса қолиши хушнуд этмайди. Фақатгина қарзимни тўлашга бироз олиб қолган бўлсам, ундай эмас», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

466/11. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Ўзингиздан паст (табақадаги)ларга қарайверинглар-у, аммо ўзингиздан юқоридагиларга қараманглар. Мана шундай қилишингиз Аллоҳнинг сизларга берган неъматларини паст санамаслигингиз учун муносибдир», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари. Бу Имом Муслим ривоятларидаги лафз.*

Аммо Имом Бухорий ривоятларида: «Агар сизлардан бирингиз мол-дунё ва ҳусн-жамолда юқоридаги кишига қараса, ўзидан паст бўлган кишига ҳам қарасин», дейилган. (Яъни, аввалгини кўриб ўксиган бўлса, кейингини кўриб шукр қилади.)

467/12. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Динор ва дирҳам ҳамда бахмал ва кимхоб, яъни кийимларга ўзини қул қилганлар ҳалок бўлишди. Агар уларга берсанг, рози бўлишади. Бермасанг, рози бўлишмайди», дедилар. *Имом Бухорий ривоятлари.*

468/13. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. «Мен етмишга яқин аҳли суффаларни кўрдим-у, лекин уларнинг бирортасида чопон йўқ эди. Уларда фақат ё иштон, ё кўйлак бўлиб, у кўйлакни бўйинларига боғлаб олишар эди. У тўпиқларининг ярмигача ёки ошиқларининг ярмигача етар эди. Авратлари очилиб қолмаслиги учун қўллари билан ушлаб туришар эди». *Имом Бухорий ривоятлари.*

469/14. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Дунё мўминнинг қамоқхонаси, кофирнинг эса жаннатидир», дедилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

470/15. Ибн Умардан ﷺ ривоят қилинади. «Расулуллоҳ ﷺ менинг елкамдан ушлаб: «Эй Ибн Умар, дунёда гўёки ғариб ёки йўловчи мусофир каби бўлгин», дедилар». Ибн Умар ﷺ (мана шу сўзни эшитганларидан кейин): «Агар кечлатсанг, тонг бўлишини кутма! Агар тонг оттирсанг, кеч киришини кутма! Соғ пайтингда касал пайтинг учун ҳам (тайёргарлик қилиб) ол. Ҳамда тириклик пайтингда ўлиминг учун ҳам (тайёргарлик қилиб) ол», дедилар. *Имом Бухорий ривоятлари.*

Бу ҳадиснинг шарҳида қуйидагича маъно айтишган: «Дунёга суяниб, уни ватан қилиб олма. Унда узоқ қолишни ва унга аҳамиятли бўлишни ўйлама. Дунёга алоқадорлигинг худди ватанида бўлмаган ғарибнинг алоқаси каби бўлсин. Ва ўз аҳлига қайтишни хоҳлаб юрган ғариб ўша турган жойида бирор нарсага машғул бўлмагани каби сен ҳам дунёга машғул бўлма».

471/16. Абу Аббос Саҳл ибн Саъд ас-Соъидийдан ﷺ ривоят қилинади. Бир киши Расулуллоҳ ﷺ ҳузурларига келиб: «Эй Аллоҳнинг расули, бир амалга йўналтириб қўйингки, ўшанга амал қилсам, Аллоҳ ҳамда кишилар мени яхши кўрсин», деганида, Расулуллоҳ ﷺ: «Дунёдан ўзингни тийгин, Аллоҳ сени яхши кўради. Одамлар қўлидаги нарсадан ўзингни тийгин, улар сени яхши кўришади», дедилар. *Ибн Можа ва бошқалар ҳасан иснод билан ривоят қилишган.*

472/17. Нўъмон ибн Баширдан ﷺ ривоят қилинади. Умар ибн Хаттоб ﷺ кишилар дунёдан эга бўлган нарсаларини зикр қилатуриб: «Мен Расулуллоҳ ﷺнинг қоринларини тўйғазиш учун бирор эскиб қолган бўлса ҳам хурмо топа олмасдан кун бўйи букчайиб қолганларини кўрдим», дедилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

473/18. Оишадан ﷺ ривоят қилинади. «Расулуллоҳ ﷺ вафот этганларида уйим токчасидаги бироз арпадан бошқа егани бирор егулик йўқ эди. Бир қанча пайт ундан еб юрдим. Қачонки, уни чамалаган эдим, у тугаб қолди», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

474/19. Жувайрия бинти Ҳориснинг укалари Амр ибн Ҳорисдан ﷺ ривоят қилинади. «Расулуллоҳ ﷺ вафот этаётганларида миниб юрган оқ хачирлари, силоҳлари, мусофирлар учун садақа қилиб ажратган ерларидан бошқа бирор динор ва дирҳам ҳамда бирор қул ва чўри ҳам қолдирганлари йўқ», дедилар. *Имом Бухорий ривоятлари.*

475/20. Хаббоб ибн Аратдан ﷺ ривоят қилинади. «Биз Расулуллоҳ ﷺ билан бирга Аллоҳнинг розилигини талаб этиб ҳижрат қилдик. Ажримиз эса Аллоҳнинг зиммасида эди. Биздан баъзилар ажридан ҳеч бир нарса емай, оламдан ўтиб кетишди. Улардан бири Мусъаб ибн Умайр эдилар. Бу зот Уҳуд ғазотида шаҳид бўлдилар. Биттагина жундан тўқилган рангли кийимлари бор эди, холос. Агар уни бошларига ёпсак, оёқлари очилиб қолар эди, агар уни оёқларига ёпсак, бошлари очилиб қолар эди. Шунда Расулуллоҳ ﷺ (уни) бошларига ёпишни, оёқларига эса изхир номли ўсимликни қўйишни буюрдилар. Ва яна баъзиларимизнинг мевалари ҳосилга кириб, дунёдан ўз насибаларига эга бўлишди», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

476/21. Саҳл ибн Саъд ас-Соъидийдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Агар Аллоҳ ҳузурида дунёнинг пашша қанотичалик қадри бўлганида эди, кофирларга бир ҳўплам сувни ҳам бермас эди», дедилар. *Имом Термизий ривоятлари.*

477/22. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Огоҳ бўлинг, албатта дунё ва ундаги нарсалар лаънатлангандир. Фақатгина Аллоҳнинг зикри, шунга яқин нарсалар ҳамда илм берувчи ва илм олувчилар бундай эмас», дедилар. *Имом Термизий ривоятлари.*

478/23. Абдуллоҳ ибн Масъуддан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Кўчмас мулкларга (ер-сув) эга бўлишга киришманглар. Чунки у дунёга рағбатларингизни зиёдалаштиради», дедилар. *Имом Термизий ривоятлари.*

479/24. Абдуллоҳ ибн Амр ибн Оссдан ﷺ ривоят қилинади. «Қамишдан бўлган уйимизни ислоҳ этаётганимизда Расулуллоҳ ﷺ олдимиздан ўтиб қолдилар. Ва: «Бу нима?» дегандилар, биз: «Қулаб кетган деворни ислоҳ қилмоқдамиз», дедик. Шунда Расулуллоҳ ﷺ: «Ишни бундан ҳам тезроқ деб биламан», дедилар». *Абу Довуд ва Термизийлар ривояти.*

480/25. Каъб ибн Иёздан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Ҳар бир умматнинг фитнаси бордир. Менинг умматимнинг фитнаси мол-дунёдир», дедилар. *Имом Термизий ривоятлари.*

481/26. Усмон ибн Аффондан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Одам болаларининг қуйидаги нарсалардан бошқа ҳеч бир ҳаққи йўқдир: яшайдиган уйи, авратини тўсадиган кийими, ноннинг ўзи ҳамда сув», дедилар. *Имом Термизий ривоятлари.*

482/27. Абдуллоҳ ибн Шиххирдан ﷺ ривоят қилинади. «Расулуллоҳ ﷺ ҳузурларига борсам, у зот «Алҳакумут такосуру» сурасини ўқиётган эканлар. Шунда у зот: «Одам боласи молим, молим, дейди. Эй одам боласи, молингдан еб тугатганинг ва кийиб эскитганинг ҳамда садақа қилиб сарф этганинг ўзингникидир (қолгани эса бошқаларникидир)», дедилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

483/28. Абдуллоҳ ибн Муғаффалдан ﷺ ривоят қилинади. Бир киши Расулуллоҳ ﷺга: «Эй Аллоҳнинг расули, Аллоҳга қасамки, мен сизни яхши кўраман», деди. Шунда у зот: «Нима деяётганингга қарагин», дедилар. У яна: «Аллоҳга қасамки, мен сизни яхши кўраман», деб уч марта айтди. Расулуллоҳ ﷺ: «Ундай бўлса, камбағаллик кийимини лозим тут. Чунки мени яхши кўрган кишига камбағаллик сел охирига бориб улгурмасидан ҳам тезроқ етиб боради», дедилар. *Имом Термизий ривоятлари.*

484/29. Каъб ибн Моликдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Қўйлар орасига иккита оч бўри қўйиб юборилганида, уларни қай тарзда барбод қилса, кишини мол-дунё ва шараф-иззатга бўлган ҳирси ундан ҳам кўпроқ фасод қилади», дедилар. *Имом Термизий ривоятлари.*

485/30. Абдуллоҳ ибн Масъуддан ﷺ ривоят қилинади. «Бир куни Расулуллоҳ ﷺ бўйра устида ухлаган эдилар, икки ёнларига унинг изи тушиб қолибди. Шунда биз: «Эй Аллоҳнинг расули, сизга тўшак солиб берамиз», дегандик, у зот: «Дунё билан менинг нима алоқам бор?! Дунёда мен худди

дарахт остида бироз сояланиб, кейин у ерни ташлаб кетадиган йўловчига ўхшайман», дедилар». *Имом Термизий ривоятлари.*

486/31. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Камбағаллар жаннатга бойлардан беш юз йил олдин киришади», дедилар. *Имом Термизий ривоятлари.*

487/32. Ибн Аббос ﷺ ва Имрон ибн Ҳусайнлардан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Жаннатга боқдим, кўрдимки, у ердагиларнинг аксарияти камбағаллар экан. Ҳамда дўзахга боқдим, кўрдимки, у ердагиларнинг аксарияти аёллар экан», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

488/33. Усома ибн Зайддан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Жаннат дарвозаси олдида туриб қарасам, у ерга кираётганларнинг кўплари бечора-мискинлар экан. Бойлар эса ташқарида ушлаб турилибди. Лекин дўзах аҳлларини эса дўзахга ташлаш буюрилибди», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

489/34. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Сўзларнинг энг тўғриси Лабид исмли шоирнинг: «Огоҳ бўлинг! Аллоҳдан бошқа барча нарса ботил, яъни бекордир», деб айтган сўзидир», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

56-БОБ
Оч юриш, содда ҳаёт кечириш, ейиш, ичиш, кийинишнинг озига ҳам қаноат қилиш ҳамда нафс хоҳиши ва шаҳвоний нарсаларни тарк этиш хусусида

Аллоҳ таоло: **«Сўнг, уларнинг ортидан намозни зое қиладиган ва шаҳватларга бериладиган кимсалар ўринбосар бўлдилар. Энди у** (ўринбосарлар) **албатта, ёмонликка** (яъни ёмон жазога) **йўлиқурлар. Магар тавба қилиб, иймон келтирган ва яхши амаллар қилган зотларгина** (азобга дучор қилинмаслар). **Бас, улар жаннатга кирурлар ва уларга бирон зулм қилинмас»** (Марям сураси, 59-60-оятлар).

«Сўнг, (Қорун) **қавми олдига ясан-тусан қилиб чиққан эди, ҳаёти-дунёни истайдиган кимсалар: «Эҳ, қани эди бизлар учун ҳам Қорунга ато этилган молу-давлат бўлса эди. Дарҳақиқат, у улуғ насиба эгасидир», дедилар. Илм-маърифат ато этилган кишилар эса: «Ўлим бўлсин сизларга! Иймон келтирган ва яхши амал қилган киши учун Аллоҳ берадиган ажр-савоб яхшироқ-ку!», дедилар** (Қасос сураси, 79-80-оятлар).

«Сўнгра ана ўша Кунда албатта (ҳаёти-дунёда сизларга ато этилган барча) **неъматлар тўғрисида масъул бўлурсизлар»** (Такасур сураси, 8-оят).

«Ким нақд (дунё)**ни кўзловчи бўлса, Биз** (шу дунёда улардан) **Ўзимиз истаган кимсалар учун Ўзимиз хоҳлаган нарсани нақд қилиб берурмиз. Сўнгра** (яъни охиратда) **у учун ўзи мазаммат-маломатга ва қувғинга дучор бўлган ҳолда кирадиган жаҳаннамни унинг учун жой қилиб берурмиз»** (Исро сураси, 18-оят), **деб айтган.**

490/1. Оишадан ﵂ ривоят қилинади. Бу онамиз: «Муҳаммад алайҳиссалом ҳаётлик пайтларида оилаларидагилар пайдар-пай икки кун арпа нонидан тўйиб ейишмади», деб айтдилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

Бошқа бир ривоятда: «Муҳаммад алайҳиссалом оилалари Мадинага келишганидан токи у зот вафот этгунларига қадар кетма-кет уч кун буғдойли таомни тўйиб ейишмади», дейилган.

491/2. Урвадан ﵁ ривоят қилинади. Оиша ﵂: «Аллоҳга қасамки, эй синглимнинг ўғли, бизлар биринчи янги ойни, кейин иккинчисини, сўнгра учинчисини кўрардик. Яъни учта янги ойнинг бошини икки ойда кўрардик. Ана шу муддат мобайнида Расулуллоҳ ﷺ хонадонларининг бироргасида таом учун ўт ёқилмасди», деганларида, мен: «Эй холажон! Унда қандоқ қилиб ҳаёт кечирар эдинглар», десам, у зот: «Икки қора (оддий) неъмат, яъни хурмо ва сув ҳамда Расулуллоҳнинг ﷺ ансорийлардан бўлган қўшнилари юборадиган сутлари билан эди. Ансорларга одамлар сутини ичиб туришлари учун соғиладиган ҳайвон бериб туришган эди. У зот эса бизни ўша сут ила сийлардилар», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

492/3. Абу Саид ал-Мақбурийдан ﵁ ривоят қилинади. Абу Ҳурайра ﵁ бир қавмнинг олдидан ўтдилар. Уларнинг олдиларида пиширилган қўй гўшти бор эди. Улар Абу Ҳурайрани ﵁ ҳам ўша гўштга таклиф қилишди. Абу Ҳурайра ﵁ эса емоқликни рад қилиб: «Расулуллоҳ ﷺ дунёдан ўтдилар. Лекин қоринлари арпа нонига ҳам тўймаган эди», дедилар. *Имом Бухорий ривоятлари.*

493/4. Анасдан ﵁ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ вафот этгунларига қадар хонтахтада овқатланмадилар ва юмшоғ нон емадилар. *Имом Бухорий ривоятлари.*

Фойда: Расулуллоҳ ﷺ дунё аҳллари қиладиган ишлардан юз ўгириб, зоҳидликнинг энг чиройли намунасини кўрсатдилар. Бу ишлари камбағал ва мискинларни ўкситмаслик учун эди. Лекин бундай қилиш одамларга вожиб эмас.

Имом Бухорийнинг бошқа ривоятларида: «Расулуллоҳ ﷺ жуни иссиқ сув билан олиниб, бутунича пиширилган қўйни кўзлари билан кўрмадилар», дейилган.

Фойда: Бу каби кичик қўйнинг жунини юлиб, уни бутунича пишириш исроф қилиб ҳаддан ошувчиларнинг амалидир.

494/5. Нўъмон ибн Баширдан ﷺ ривоят қилинади: «Мен набийингиз Муҳаммад ﷺ қоринларини тўйдириш учун ёмон хурмони ҳам топа олмаганларини кўрдим», деб айтдилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

495/6. Саҳл ибн Саъддан ﷺ ривоят қилинади. Бу зот: «Расулуллоҳ ﷺ пайғамбар этиб юборилганларидан то вафот этгунларига қадар оқ нон кўрмадилар», дедилар. Бу зотга: «Расулуллоҳ ﷺ замонларида элак бўлганми?» дейилганида: «Расулуллоҳ ﷺ пайғамбар қилиб юборилганларидан то вафот этгунларига қадар элак кўрмаганлар», дедилар. «Унда элакдан ўтказилмаган арпани қандоқ тановул қилардинглар?» дейилганида, у зот: «Арпани ун қилиб, сўнг уни пуфлар эдик, шунда унинг кепаклари учиб кетарди. Қолганини хамир қилиб, истеъмол қилар эдик», дедилар. *Имом Бухорий ривоятлари.*

496/7. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ кунларнинг бирида ёки кечаларнинг бирида кўчага чиққанларида, Абу Бакр ва Умарни ﷺ учратдилар. Уларга: «Сизларни бу соатда уйингиздан нима олиб чиқди?», деганларида, икковлари: «Эй Аллоҳнинг Расули, очлик», деб айтишди. Шунда Расулуллоҳ ﷺ: «Жоним Унинг қўлида бўлган Зотга қасамки, мени ҳам сизларни олиб чиққан нарса олиб чиқди. Туринглар», дедилар. Улар у зот билан туриб, ансорийлардан бир кишиникига боришди. Боришса, у уйида йўқ экан. Унинг хотини буларни кўриб: «Хуш келибсизлар, марҳабо», деб айтди. Расулуллоҳ ﷺ: «Фалон киши (яъни, эринг) қаерда?» дедилар. У аёл: «Бизга ичимлик суви олгани кетди», деди. Шу пайт ҳалиги ансорий келиб, Расулуллоҳ ﷺ ва икки биродарларини кўриб: «Аллоҳга ҳамд бўлсинки, бугун мендан кўра меҳмон жиҳатидан ҳурматлироқ киши йўқ», деди. Ва кетиб, хурмоси бор бир новда кўтариб келди. Унда пишмаган, қуритилган ва ҳўл хурмо бор эди. У: «Енглар», деб илтифот қилиб, қўлига пичоқ олувди, Расулуллоҳ ﷺ унга: «Қўйгин, сут бериб турган жониворни сўймагин», дедилар. Кейин хонадон соҳиби бир қўй сўйди. Улар бу қўйдан ва ҳалиги новдадаги хурмодан еб, ичимликлар ичишди. Қачонки қоринлари тўйиб ва сувга ташналиклари кетганидан кейин Расулуллоҳ ﷺ Абу Бакр ва Умарга ﷺ: «Жоним Унинг қўлида бўлган зотга қасамки, Қиёмат куни бу неъматлар ҳақида сўроққа тутиласизлар. Сизларни очлик уйларингиздан чиқарган эди. Сизлар эса бу неъматларга эришиб қайтмоқдасизлар», деб айтдилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

Бу ерда меҳмон қилган ансорийнинг исми Абул Ҳайсам ибн Таййиҳондир. *Бу ҳадисни Имом Муслимдан ташқари, Термизий ва бошқалар ҳам ривоят қилишган.*

497/8. Холид ибн Умар ал-Адавийдан ﷺ ривоят қилинади. Утба ибн ўазвон Басранинг амири эдилар. Аллоҳ таолога ҳамду сано айтиб, қуйидагича хутба қилдилар: «Аммо баъд! Албатта, дунё ўзининг фоний эканлигини эълон қилди. Ва тезлик ила йўлга тушди. Унда бирор қизиқарли

нарса қолмади. Фақатгина идиш тагида қолувчи сарқит каби бир нарса қолдики, уни эгаси қўлга киритиб жамлайди. Албатта, сизлар бир диёрга кўчасизларки, у ерда заволлик йўқ. Сизлар ўзингиздаги бор нарсани яхшиси ила у ерга кўчинглар. Бизга хабар берилдики, агар жаҳаннам қирғоғидан бир тош улоқтирилса, у етмиш йилда ҳам қаърига етмайди. Аллоҳга қасамки, мана шу жаҳаннам тўлдирилади. Сизлар бу айтилган сўзлардан ажабланяпсизларми? Ва яна хабар берилдики, жаннатнинг икки эшиги ораси қирқ йиллик йўлдир. Шундоқ кун келадики, одамлар издиҳом бўлганидан у ерда ҳам тўлиб кетади. Мен Расулуллоҳ ﷺ билан бирга иймон келтирганларнинг еттинчисидирман. Биз овқатланишимиз учун дарахт баргидан бошқа нарса йўқ эди. Биз уни ейаверганимиздан оғизларимиз атрофи шилиниб кетар эди. Бир куни мен устки кийим топиб олдим. Уни ўртасидан бўлиб, Саъд ибн Моликка бердим. Ярмини ўзимга иштон қилиб олдим. Саъд ҳам ўзига теккан ярмини иштон қилиб олди. Ўша пайтдагиларнинг барчалари бугун бир шаҳарга амирдир. Мен эса Аллоҳ ҳузурида кичик бўлатуриб ўзимни юқори санашдан Аллоҳ номи ила паноҳ тилайман», дедилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

498/9. Абу Мусо ал-Ашъарийдан ﷺ ривоят қилинади. Оиша ﷺ бизнинг ҳузуримизга бир кўйлак ва дағал иштон олиб чиқиб: «Расулуллоҳ ﷺ мана шу иккаласини кийиб вафот этдилар», деб айтдилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

499/10. Саъд ибн Абу Ваққосдан ﷺ ривоят қилинади. Бу зот: «Мен араблар ичида биринчи бўлиб Аллоҳ йўлида ўқ отган кишиман. Биз Расулуллоҳ ﷺ бирга ғазот қилардик. Лекин тановул қилгани акас дарахтларининг икки нави баргидан бошқа таомимиз йўқ эди. Бизлардан биримиз уни еб, таҳорат ушатадиган бўлса, худди қўй ахлат чиқаргандек (қумалоқ бўлиб) тушарди. У қоришиб кетмас эди», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

500/11. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Аллоҳим, Муҳаммад алайҳиссалом оилалари ризқини ҳаёт кечирадиган даражада кифоя этувчи қилгин», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

Фойда: Кишига Аллоҳдан ризқини кифоя этгудек даражада қилишини сўрашнинг жоизлиги келиб чиқади. Бундан Расулуллоҳ ﷺ камбағал бўлишни сўраганлари ҳам маълум бўлади.

501/12. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Бу зот: «Ундан бошқа илоҳ йўқ бўлган Зотга қасамки, мен очликдан жигаримни ерга қўйиб ётар ва қорнимга тош боғлаб маҳкамлаб юрар эдим. Кунларнинг бирида кишилар юрадиган йўлда ўтирдим. Ногаҳон Расулуллоҳ ﷺ олдимдан ўтиб қолдилар. Мени кўриб, кулиб қўйдилар. Ҳамда юзимдаги хафалик ва нафсимдаги очликни билиб: «Эй Або Ҳирр» (Абу Ҳурайранинг қисқартмаси), дедилар. Мен: «Лаббай, эй Аллоҳнинг Расули!», дедим. У зот: «Менга эргаш»,

дедилар. Мен у зотга эргашдим. У зот уйларига кириб, изн сўрадилар. Кейин менга изн бердилар. Мен ичкарига кирсам, у зот қадаҳда сут топдилар. Ва: «Бу сут қаердан келди?» дедилар. Улар: «Фалончи киши ёки фалончи аёл ҳадя қилди», дейишди. Расулуллоҳ ﷺ: «Эй Або Ҳирр», дедилар. Мен: «Лаббай, эй Аллоҳнинг Расули», дедим. У зот: «Аҳли суффа ҳузурига бориб, уларни менинг ҳузуримга олиб кел», дедилар. Аҳли суффа Ислом меҳмонлари эди. Уларнинг аҳли аёллари, мол-дунёлари ва суянадиган кишилари йўқ эди. Агар бирор садақа келадиган бўлса, Расулуллоҳ ﷺ садақани емасдан ўшаларга юборардилар. Агар ҳадя келадиган бўлса, уларга ҳам жўнатардилар ҳамда ўзларига олиб қолиб, уларни бунда шерик қилардилар. Расулуллоҳ ﷺ уларни чақиртирганлари мени бироз хафа қилди. Дилимда: «Бу сут Аҳли суффага нима ҳам бўларди? Бу сутдан бир ҳўплам ичиб бўлса ҳам, бироз куч тўплашга мен ҳақлиман», дедим. Улар келишганида, у зот менга амр қиладилар. Мен эса уларга сутни тортиқ қиламан. Бу сутдан менга нима тегади? Энди мен учун Аллоҳ ва Унинг Расулига итоат қилишдан бошқа чора йўқ эди. Кейин уларнинг ҳузурларига бориб, чақириб келдим. Улар келиб киришга изн сўрашди. Изн берилган эди, уйнинг ичидан ўз ўринларини топишди. Расулуллоҳ ﷺ: «Эй Або Ҳирр», дедилар. Мен: «Лаббай, эй Аллоҳнинг Расули!» дедим. У зот: «Мана буни олиб, уларга тортиқ қилгин», дедилар. Абу Ҳурайра: «Мен сути бор қадаҳни олиб бир кишига узатдим. У ичиб тўйди. Кейин қадаҳни бошқасига узатдим. У ҳам ичиб тўйди. Ҳаттоки Расулуллоҳга ﷺ етиб тўхтадим. Қавмнинг барчалари ичиб тўйишди. Расулуллоҳ ﷺ қадаҳни олиб қўлларига қўйдиларда, менга қараб табассум қилиб: «Эй Або Ҳирр», дедилар. Мен: «Лаббай, эй Аллоҳнинг Расули!», дедим. У зот: «Ичмаган мен ва сен қолдик, холос», дедилар. Мен эса: «Тўғри гапирдингиз эй Аллоҳнинг Расули», дедим. У зот: «Ўтириб ичгин», дедилар. Мен ўтириб, у сутдан ичдим. У зот: «Ичгин», дедилар. Мен у сутдан яна ичдим. У зот: «Ичгин», деб айтишда бардавом бўлдилар, мен эса: «Сизни ҳақ билан юборган Зотга қасамки, уни ичиш учун бошқа жой қолмади», дедим. Шунда у зот: «Уни менга узатгин», дедилар. Мен қадаҳни узатган эдим, у зот Аллоҳга ҳамд айтиб, «бисмиллоҳ»ни зикр қилиб, сутнинг қолганини ичиб қўйдилар. *Имом Бухорий ривоятлари.*

502/13. Муҳаммад ибн Сирийндан ﷺ ривоят қилинади. Абу Ҳурайра ﷺ: «Мен Расулуллоҳ ﷺ минбарлари ила Оиша ﷺ ҳужралари ўртасида ҳушимдан кетиб йиқилиб ётар эдим. Йўлдан ўтувчилар келиб, мени жинни деб ўйлаб, оёқларини бўйнимга қўйишар эди. Ваҳоланки менда очликдан бошқа жиннилик ҳам, бошқа нарса ҳам йўқ эди», деб айтдилар. *Имом Бухорий ривоятлари.*

503/14. Оишадан ﷺ ривоят қилинади. Бу онамиз: «Расулуллоҳ ﷺ вафот этганларида бир яҳудийга ўттиз соъ арпага гаровга қўйган, урушда кийиладиган совутларигина бор эди, холос», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

504/15. Анасдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ урушда кийиладиган совутларини арпа муқобилида гаровга қўйдилар. Ўша кунларда мен у зот ҳузурларига арпа нони ва ҳидланган эритилган ёғ олиб келдим. Ва у зотнинг: «Тонг отганда ҳам, кеч кирганда ҳам Муҳаммаднинг бирорта уйида бир соъ таомдан бошқа бирор нарса йўқдир», деб айтганларини эшитдим. Ўша пайтда тўққизта уйлари бор эди. *Имом Бухорий ривоятлари.*

505/16. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. «Мен етмишга яқин аҳли суффани кўрдим, лекин уларнинг бирортасида чопон йўқ эди. Уларда фақат ё иштон, ё кўйлак бўлиб, кўйлакни бўйинларига боғлаб олишарди. У тўпиқларининг ярмигача ёки ошиқларининг ярмигача етар эди. Авратлари очилиб қолмаслиги учун қўллари билан ушлаб туришар эди». *Имом Бухорий ривоятлари.*

506/17. Оишадан ﷺ ривоят қилинади. Бу онамиз: «Расулуллоҳнинг ﷺ тўшаклари теридан бўлиб, орасига хурмо дарахти пўстлоғидан солинган эди», дедилар. *Имом Бухорий ривоятлари.*

507/18. Ибн Умардан ﷺ ривоят қилинади. Биз Расулуллоҳ ﷺ билан бирга ўтирган эдик, ансорийлардан бир киши келиб, у зотга салом бердида, орқасига қайтиб кета бошлади. Шунда Расулуллоҳ ﷺ: «Эй биродар, ансорий дўстим Саъд ибн Убоданинг аҳволи қандай?» дегандилар, у ансорий: «Дуруст», деди. Расулуллоҳ ﷺ: «Ким унинг ҳолидан хабар олгани боради?» деб, ўринларидан турдилар. Биз ҳам у зот билан бирга турдик. Биз ўша пайтда ўн нафардан кўпроқ эдик. Бирортамизда кавуш ҳам, махси ҳам, дўппи ҳам, кўйлак ҳам йўқ эди. Бизлар шўр ерларни босиб ўтиб, Саъд ибн Убоданинг ҳузурларига бордик. Атрофларида ўтирган қавмлари орқага ўтишди. Расулуллоҳ ﷺ ва у зот билан бирга борган саҳобалар эса Саъд ибн Убодага яқин ўтиришди. *Имом Муслим ривоятлари.*

508/19. Имрон ибн Ҳусайндан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Сизларнинг яхшиларингиз менга асрдош бўлган одамлардир. Сўнг улардан кейингилар ва яна улардан кейингилардир (Ушбу ҳадис ровийси Имрон ﷺ: «Расулуллоҳ ﷺ «улардан кейингилар», деб икки марта айтдиларми ёки уч марта айтдиларми, била олмадим», дедилар). Улардан кейин бир қавм келадики, гувоҳликка чақирилмай туриб, гувоҳлик беришади. Хиёнатчи бўлиб, омонатдор бўлишмайди. Назр қилишади-да унга вафо этишмайди. Уларда семизлик пайдо бўлади», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

509/20. Абу Умомадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Эй одам боласи, агар заруратингдан ортиқчасини эҳсон қилсанг, ўзинг учун яхши. Агар бермасдан ушлаб қолсанг, ўзинг учун ёмон. Кифоя қилгудек ризққа

қаноат қилсанг, маломат этилмайсан. Эҳсон қилишни ўз қўл остингдагилардан бошлагин», дедилар. *Имом Термизий ривоятлари.*

510/21. Убайдуллоҳ ибн Муҳсин Ансорий ал-Хатмийдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Кимки нафси омон, хотиржам ва жасади саломат ҳамда ҳузурида бир кунлик ризқи бўлса, гўёки дунёни тўлалигича ўзига бўйсундирибди», дедилар. *Имом Термизий ривоятлари.*

511/22. Абдуллоҳ ибн Амр ибн Оссдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Кимки мусулмон бўлиб, эҳтиёжига етарли ризқ берилган бўлса ҳамда Аллоҳ таоло берган нарсасида қаноатли бўлса, батаҳқиқ нажот топибди», дедилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

512/23. Абу Муҳаммад Фазола ибн Убайд Ансорийдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Бир киши Исломга ҳидоят қилинган бўлса ҳамда эҳтиёжига етарли ризқ берилиб, у киши ўша ризққа қаноат этган бўлса, бунча ҳам яхши», дедилар. *Имом Термизий ривоятлари.*

513/24. Ибн Аббосдан ﷺ ривоят қилинади. Бу зот: «Расулуллоҳ ﷺ кечаларни кетма-кет оч ўтказардилар. Оилаларининг бирор егулиги бўлмас эди. Кўпинча ейдиган нонлари арпа унидан тайёрланган бўлар эди», дедилар. *Имом Термизий ривоятлари.*

514/25. Фазола ибн Убайддан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ агар одамларга имом бўлиб намоз ўқиб берсалар, кишилар очликдан намозда туриб йиқилиб тушишар эди. Ана шу йиқилганлар аҳли суффа эдилар. Ҳаттоки буни кўрган аъробийлар: «Мана шу йиқилганлар жиннилардир», дейишар эди. Расулуллоҳ ﷺ намозни ўқигандан кейин, уларнинг ҳузурларига бориб: «Эй биродарлар, агар сизлар Аллоҳнинг ҳузурида ўзингиз учун тайёрлаб қўйилган нарсаларни билганингизда эди, бундан ҳам зиёда оч ва муҳтож қолишни яхши кўрган бўлар эдинглар», деб айтардилар. *Имом Термизий ривоятлари.*

515/26. Абу Курайма Миқдод ибн Маъдий Карибадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Одамнинг қорнидан кўра ёмонроқ тўлдирадиган идиши йўқдир. Одам болаларига белини тиклаш учун бир неча луқма таом кифоя қилади. Агар зиёда емасликнинг иложи бўлмаса, учдан бири таом учун, учдан бири ичимлик учун ва учдан бири нафас олиш учун бўш қолсин» дедилар. *Имом Термизий ривоятлари.*

516/27. Абу Умома Иёс ибн Саълаба Ансорий ал-Ҳорисийдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ саҳобалари кунларнинг бирида бу зотнинг ҳузурларида дунёни зикр қилишди. Шунда Расулуллоҳ ﷺ: «Эшитмадингларми? Эшитмадингларми? Албатта, кўримсиз оддий

кийимларни кийиш, албатта, кўримсиз оддий кийимларни кийиш (яъни, дабдаба кийимларни тарк этиш) иймондандир», дедилар. *Абу Довуд ривоятлари.*

517/28. Абу Абдуллоҳ Жобир ибн Абдуллоҳдан ﷺ ривоят қилинади. «Расулуллоҳ ﷺ Қурайш карвонини тўсиш учун Абу Убайда бошчилигида бизни улар томонга юбордилар. Йўлда ейиш учун бизга битта халтада хурмо бердилар. Ундан бошқа нарса топа олмадилар. Бошлиғимиз Абу Убайда бизга битта-биттадан хурмо берардилар. Буни эшитиб турганлар: «Эй Жобир, ўша бир дона хурмони қандоқ қилиб ер эдинглар?» деб сўрашганида, Жобир ﷺ: «Биз у хурмони худди ёш гўдак онаси кўкрагини эмгани каби шимиб, устидан сув ичардик. Ўшанинг ўзи бизга то кечгача етар эди. Бундан ташқари асоларимиз билан баргларни тўкиб, сувда ҳўллаб тановул қилар эдик», дедилар. Кейин яна у зот: «Биз денгиз қирғоғида кетаётган эдик. Ўша қирғоқда қум уюмига ўхшайдиган нарсани топдик. Унинг олдига борсак, кашалот (тиши ўткир йиртқич кит) экан. Аввалига бошлиғимиз Абу Убайда: «Бу ўлган, еманглар», дедилар. Кейин: «Уни еявергинглар. Чунки биз Аллоҳ Расулининг элчилари ҳамда Аллоҳнинг йўлидаги кишилармиз. Буни ейишга мажбурсизлар. Бемалол тановул қилаверинглар», дедилар. Биз уч юз нафар киши унинг устида бир ой турдик. Ҳатто ундан тановул қилиб семириб ҳам кетдик. Ўшанда кўзи косасидан кўзага ёғ олар эдик. Ва ундан ҳўкиз бўлагича ёки миқдорича (гўштларни) кесиб олар эдик. Бошлиғимиз Абу Убайда биздан ўн уч кишини китнинг кўзи косасига ўтқазиб қўйдилар. Ва қовурғаларидан бирини олиб, тираб қўйдилар. Кейин катта туяни эгарлаб, унинг остидан ўтказдилар (у туя ўтиб кетди). Биз унинг гўштидан қуритиб, йўлга олиб кетдик. Қачонки Мадинага етиб келиб, Расулуллоҳ ﷺ ҳузурларига кириб, бу жонивор ҳақида зикр қилганимизда, у зот: «Бу Аллоҳнинг сизларга юборган ризқидир», деб: «Ўша гўштдан ўзинглар билан олиб келган бўлсанглар, менга ҳам беринглар», дедилар. Биз ўша гўштдан Расулуллоҳга ﷺ юборганимизда, у зот ундан едилар», дедилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

518/29. Асмо бинти Язиддан ﷺ ривоят қилинади. «Расулуллоҳ ﷺ кўйлакларининг енги билакларигача, яъни кафтлари билан билаклари ўртасигача эди», дедилар. *Абу Довуд ва Термизий ривоятлари.*

519/30. Жобирдан ﷺ ривоят қилинади. Биз Ҳандақ куни чуқур қазиётганимизда қаттиқ ери чиқиб қолди. Саҳобалар Расулуллоҳ ﷺ ҳузурларига келиб: «Бу ернинг қаттиқ жойи чиқиб қолди», дейишганида, у зот: «Мен ўзим тушаман», дедилар. Сўнгра ўринларидан турганларида қоринларига тош боғланган эди. (Расулуллоҳ ﷺ овқат топа олмай шундоқ қилардилар). Биз уч кун бирор нарса тотимаган эдик. У зот чўқморни олиб, ҳалиги қаттиқ ерни у билан ургандилар, у қумга айланиб майдаланиб кетди. Шунда мен: «Эй Аллоҳнинг Расули, уйимга боришга ижозат беринг», дедим. Кейин уйимга бориб хотинимга: «Бугун Расулуллоҳда ﷺ бир ҳолатни кўрдимки, унга ҳеч ҳам чидаб бўлмайди. Сенинг ҳузурингда бирор егулик

борми?» десам, хотиним: «Менда арпа ва эчки бор», деди. Мен ўша эчкини сўйдим ва арпани майдалаб, ун қилдим. Ҳамда гўштни қозонга солдим. Кейин хамир кўпиб, ўчоқдаги қозон таоми пишай, деганида, Расулуллоҳ ﷺ ҳузурларига бориб: «Эй Аллоҳнинг Расули! Мен озгина таом тайёрлаган эдим. Ўзлари ва бир-икки кишини олиб, қадам ранжида қилсалар», дедим, у зот: «Таоминг қанча?» дедилар. Мен унинг миқдорини айтдим. У зот: «Яхши, кўп экан. Сен хотинингга айтгин. Биз боргунимизча қозондаги овқатни сузмасин. Ва тандирдаги нонни узмасин», деб, саҳобаларига «Туринглар», деб айтдилар. Ўша жойдаги муҳожир ва ансорийлар туришди. Мен хотиним ҳузурига кириб: «Аллоҳ сенга раҳм қилсин! Расулуллоҳ ﷺ, муҳожирлар, ансорийлар ва улар билан бирга бўлган кишилар бу ерга келишди», десам, хотиним: «Расулуллоҳ ﷺ сендан нима борлигини сўрадиларми?», деган эди, мен: «Ҳа», дедим. Расулуллоҳ ﷺ саҳобаларига: «Киринглар, сиқилишмасдан ўтиринглар», деб, нонни синдириб, устига гўшт қўйиб, қозон ва тандирнинг устини ёпиб қўярдилар. Агар ундан бирор нарса олсалар, мана шундоқ нон синдириб, овқатдан сузишда бардавом бўлдилар. Ҳаттоки тўйиб, таомларидан ортиб ҳам қолди. Расулуллоҳ ﷺ: «Бундан ўзинг ҳам егин ва ҳадя ҳам қилгин. Чунки одамларга очлик етди», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

Бошқа ривоятда Жобир ﷺ қуйидагича сўзладилар: «Чуқур қазилган куни Расулуллоҳни ﷺ оч ҳолда кўрдим. Кейин хотиним олдига бориб: «Сенда егулик бирор нарса борми? Чунки мен Расулуллоҳнинг ﷺ қаттиқ оч қолганларини кўрдим», десам, хотинимда, халтада бир соъ арпа бор экан, уни олиб чиқди. Ва уйимизда бир жонивор бор экан, уни сўйдим. Хотиним арпани майдалаб, ун қилди. Мен гўштни қозонга солиб, кейин Расулуллоҳ ﷺ ҳузурларига жўнадим. Хотиним эса: «Расулуллоҳ ﷺ билан бирга кўпчиликни олиб келиб, мени шарманда қилиб қўйманг», деб қолди. У зот ҳузурларига келиб, секин паст овозда: «Эй Аллоҳнинг Расули, биз бир жонивор сўйиб ҳамда бир соъ арпани майдалаб, ун қилиб таом ҳозирлаган эдик. Ўзингиз ва сиз билан бирга бир неча нафар киши қадам ранжида қилсанглар», десам, у зот баланд овозда: «Эй Ҳандақ аҳллари, келинглар, биродарингиз Жобир сизларга зиёфат уюштирибдилар», дедилар. Кейин у зот менга: «Биз боргунимизча қозондаги таомни сузманглар ва хамирларингизни нон қилиб пиширманглар», дедилар. Кейин мен уйга келдим. Расулуллоҳ ﷺ ҳам, кишилар ҳам етиб келишди. Мен хотиним олдига кирсам, у: «Сиз ундоқ, сиз бундоқ», дея гапира бошлади. Мен: «Сен менга нима деган бўлсанг, уни Расулуллоҳга ﷺ айтдим», дедим. Хотиним хамирни олиб келганида, Расулуллоҳ ﷺ унга туфлаб ва барака тилаб, дуо қилдилар. Кейин қозон олдига бориб, унга ҳам туфлаб, барака тилаб, дуо қилдилар. Кейин у зот хотинимга: «Сен нон ёпувчи бир хотинни чақириб кел, сен билан нон ёпсин. Қозондан таомни сузиб тур. Лекин қозонни ўчоқ тепасидан туширмагин», дедилар. Жобир ﷺ: «Ўша куни ташриф буюрган саҳобалар минг нафар эди. Аллоҳга қасамки, барчалари тўйиб еб, ҳаттоки ундан қолдириб кетишди.

Қозонимиз аввалгидек қайнар ва хамиримиз аввалгидек нон қилиб пиширилар эди», дедилар.

520/31. Анасдан ﷺ ривоят қилинади. «Абу Талҳа хотинлари Умму Сулаймга: «Бугун мен Расулуллоҳнинг ﷺ овозларини заиф ҳолатда эшитяпман. Менга маълум бўлдики, у зотда очлик асорати бордир. Сенинг ҳузурингда егулик бирор нарса борми?» деганларида, Умму Сулайм: «Ҳа», деб, арпадан тайёрланган нон бериб, ўзларидан битта рўмолни чиқариб, ноннинг ярмини ўраб, сўнгра кийимимни тагига қўйиб, қолган ярмини ўзимга бердилар. Анас ﷺ: «Кейин мени Расулуллоҳ ﷺ ҳузурларига юбордилар. Мен борсам, Расулуллоҳ ﷺ масжидда намоз ўқиб ўтирган эканлар. У зот билан одамлар ҳам бор эди. Мен ҳам улар олдига борсам, у зот: «Сени Абу Талҳа жўнатдими?», дедилар. Мен: «Ҳа», дедим. «Таом учунми?» дегандилар, мен: «Ҳа», дедим. Расулуллоҳ ﷺ атрофдагиларга: «Юринглар» дегандилар, улар бирга йўлга равона бўлишди. Мен ҳам уларнинг олдиларида юриб келдим. Қачонки Абу Талҳанинг олдиларига келиб, улар етиб келишгани хабарини берганимда, Абу Талҳа хотинлари Умму Сулаймга: «Расулуллоҳ ﷺ одамлар билан келаётган эканлар. Бизда эса егулик нарса йўқдир», дегандилар, Умму Сулайм: «Аллоҳ ва Унинг Расули яхшироқ билади», дедилар. Кейин Абу Талҳа Расулуллоҳ ﷺ истиқболларига чиқиб, бирга уйга киришди. Расулуллоҳ ﷺ: «Эй Умму Сулайм, ўзингиздаги егулик нима бўлса, келтиринг», дедилар. Умму Сулайм Анасдан ﷺ бериб юборган ҳалиги нонни олиб келдилар. Расулуллоҳ ﷺ буюрувдилар, нон ушатилди. Ва Умму Сулайм теридан тайёрланган ёғ идиш олиб келиб, ундан асал ва ёғ аралаштирилган нонхўрак сиқиб чиқардилар. Кейин Расулуллоҳ ﷺ унга нималарнидир ўқидилар-да: «Ўн кишининг киришига изн беринглар», дедилар. Уларга изн берилган эди, ундан еб, тўйиб у ердан чиқиб кетишди. Кейин яна: «Ўн кишининг киришига изн беринглар», дедилар. Уларга ҳам изн берилган эди, ундан еб, тўйиб у ердан чиқиб кетишди. Кейин яна: «Ўн кишининг киришига изн беринглар», дедилар. Ҳаттоки қавмдаги барчалари еб тўйишди. Ўшанда улар етмиш ёки саксон киши эди», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

Бошқа ривоятда: «Ўн киши кириб ва чиқишида бардавом бўлишди, ҳаттоки ҳеч бир киши қолмасдан ҳаммалари кириб, еб, тўйиб чиқиб кетишди. Сўнгра овқатлангандан кейин қолган овқатни тўплашганди, аввал қандоқ бўлса, шундоқлигича эди», дейилган.

Яна бошқа ривоятда: «Ўн киши-ўн кишидан кириб ейишди, ҳаттоки саксон киши мана шу тарзда еб тўйишди. Сўнгра Расулуллоҳ ﷺ ва оилалари ҳам ундан еб тўйишганидан кейин ҳам ортиб қолди», дейилган.

Яна бошқа бир ривоятда: «Улар қўшниларигача орттириб етадиган даражада ейишди», дейилган.

Анасдан ﷺ қилинган ривоятда: «Бир куни Расулуллоҳ ﷺ ҳузурларига борсам, у зот саҳобалар билан бирга ўтирган эканлар. Ва ўша пайт қоринларини белбоғ билан танғиб олибдилар. Мен саҳобаларнинг баъзиларидан: «Нима учун Расулуллоҳ ﷺ қоринларини белбоғ билан боғлаб олганлар?» десам, улар: «Очликдан», деб айтишди. Мен Умму Сулайм бинти Милҳоннинг эри Абу Талҳа ﷺ ҳузурларига бориб: «Эй отажон! Мен Расулуллоҳнинг ﷺ қоринларини белбоғ билан боғлаб олганларини кўриб, баъзи саҳобалардан нима учун бу зот бундай қилиб олганлар десам, улар: «Очликдан», деб айтишди», десам, отам Абу Талҳа онамнинг олдига кириб: «Ҳузурингда бирор нарса борми?» дегандилар, онам: «Ҳа, нон бурдалари ва хурмолар бор. Агар Расулуллоҳ ﷺ якка ўзлари келсалар, тўйдира оламиз. Бордию бошқалар билан бирга келсалар, унда етмайди», деб ҳадиснинг қолганини зикр қилганлар.

57-БОБ
Қаноатли, иффатли ҳамда рўзғорда, эҳсон қилишда тежамкор бўлиш ва зарурат туғилмаганда кишилардан нарса сўрашнинг кароҳияти ҳақида

Аллоҳ таоло: **«Ўрмалаган нарса борки, барчасининг ризқи Аллоҳнинг зиммасидадир»** (Ҳуд сураси, 6-оят).

(Садақот-эҳсонлар) **Аллоҳнинг йўлида тўсилган** (яъни ўзларини ушлаган), **бирор ерга сафар қилишга қодир бўлмайдиган, қаноатлари сабабли билмаган одамга бой-бадавлат бўлиб кўринадиган фақир-камбағаллар учундир. Уларнинг** (фақирликларини) **сиймоларидан билиб оласиз. Улар одамлардан тиланиб туриб олмайдилар»** (Бақара сураси, 273-оят).

«Улар инфоқ-эҳсон қилган вақтларида исроф ҳам, хасислик ҳам қилмаслар, (балки эҳсонлари) **ана ўша** (хасислик билан исрофнинг) **ўртасида — мўътадил бўлур»** (Фурқон сураси, 67-оят).

«Мен жин ва инсни фақат Ўзимга ибодат қилишлари учунгина яратдим» (Ваз-зорият сураси, 56-оят), деб айтган.

Бунга далил бўладиган ҳадисларнинг аксарияти юқоридаги икки бобда келди. Қолганлари эса қуйидаги ҳадислардир:

521/1. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Мол-дунёси кўп бўлган киши бой дейилмайди. Балки ҳақиқий бой нафси тўқ бўлган кишидир», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

522/2. Абдуллоҳ ибн Умардан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Кимки мусулмон бўлиб, кифоя қилгудек ризқланган бўлса ва Аллоҳ таоло ўша берган ризқига қаноатли этиб қўйган бўлса, батаҳқиқ ўша киши нажот топибди», дедилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

523/3. Ҳаким ибн Ҳизомдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳдан ﷺ бир нарса сўраган эдим. У зот сўраган нарсамни бердилар. Кейин яна сўраган эдим. Яна бердилар. Учинчи бор сўраган эдим, яна бериб: «Эй Ҳаким, бу мол-дунё ям-яшил, гўзал нарсадир. Ким уни сахийлик (бошқаларга ҳам бериш) ниятида олса, у нарсасига барака берилади. Кимки уни ўзида ушлаб қолиш ниятида олса, у нарсасига барака берилмайди ҳамда у киши еб тўймас бўлиб қолади. Юқори қўл (эҳсон қилувчи) паст қўлдан (тиланчидан) яхшидир», дегандилар, мен: «Эй Аллоҳнинг Расули, сизни ҳақ билан юборган Зотга қасамки, сиздан кейин вафот этгунимча ҳеч бир кишидан бирор нарса сўрамайман», дедим. Абу Бакр Сиддиқ ﷺ халифалик пайтларида ҳадя бериш учун Ҳакимни ﷺ чақирганларида, Ҳаким ﷺ уни қабул этишдан бош тортдилар. Кейин Умар ибн Хаттоб ҳадя бериш учун Ҳакимни ﷺ чақиртирган эдилар, бу зот яна уни қабул этишдан бош тортдилар. Шунда Умар ﷺ: «Эй мусулмонлар жамоаси, Ҳакимнинг ﷺ қилаётган ишига гувоҳ бўлинглар. Мен унга: «Аллоҳ ўлжалардан ажратган ҳаққингни олгин», десам, у олишдан бош тортмоқда», дедилар. Мана шу тарзда Ҳаким ﷺ Расулуллоҳдан ﷺ кейин то вафотларигача ҳеч кимдан бирор нарса сўрамадилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

524/4. Абу Бурда ﷺ Абу Мусодан ﷺ ривоят қиладилар. «Биз олти киши Расулуллоҳ ﷺ билан бирга ғазотга чиқдик. Ўзимиз билан битта туя бўлиб, уни навбат билан минар эдик. Оёқларимиз ёрилиб кетди. Менинг ҳам оёғим кесилиб, тирноғим тушиб кетди. Биз оёқларимизга латта боғлаб олдик. Оёқларимизга латта боғлаганимиз учун бу уруш «Зотурриқоъ» (Яъни ямоқ ғазоти) деб номланган. Абу Бурда айтадилар: Абу Мусо ﷺ аввалига бу ҳадисни ҳадис омонати учун гапириб бердилар. Кейин кариҳ кўриб: «Нимага айтдим экан?» дедилар. Гўёки (сир) нарсани тарқатиб юбордиммикин, деб ўйлаб шундоқ дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

525/5. Амр ибн Тағлибдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ ҳузурларига мол-дунё ёки асирлар келтирилди. Расулуллоҳ ﷺ у нарсалардан баъзи кишиларга бериб, баъзиларига бермадилар. Кейин Расулуллоҳга ﷺ берилмаганлар ранжишгани хабари етиб қолди. Расулуллоҳ ﷺ Аллоҳга ҳамду сано айтиб: «Аммо баъд, Аллоҳга қасамки, мен баъзиларга бераман ва баъзиларга бермайман. Бермаган кишиларим мен учун берган кишиларимдан кўра яхшироқдир. Мен қалбида сабрсизлик, ҳирс бор кишиларга бердим. Аммо Аллоҳ қалбига беҳожатлик ва яхшиликлар битган кишиларга бермадим. Ана ўшалардан бири Амр ибн Таблиғдир», дедилар. Амр ибн Таблиғ ﷺ: «Аллоҳга қасамки, Расулуллоҳ ﷺ айтган мана шу сўзлар мен учун қизил туядан ҳам яхшироқдир», дедилар (қизил туя ўша пайтда араблардаги энг қимматбаҳо нарса эди... — Тарж). *Имом Бухорий ривоятлари.*

Фойда: Мол ва мато инсоннинг мукаррамлиги ҳамда мавқеини белгиловчи нарса эмаслиги маълум бўлади.

526/6. Ҳаким ибн Ҳизомдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Баланд қўл паст қўлдан яхшидир (яъни садақа қилувчи қўл тиланчи қўлдан яхшидир). Садақани қўл остингдагилардан бошла. Садақанинг энг яхшиси — кишининг ўзидан кейин бойлик қилиб қолдирган нарсасидир. Ким камсуқум бўлса, Аллоҳ уни камсуқум қилиб қўяди. Ким ўзини беҳожат қилса, Аллоҳ уни беҳожат қилиб қўяди», дедилар. *Имом Бухорий ривоятлари. Имом Муслим ривоятлари бундан қисқароқ бўлиб келган.*

527/7. Абу Суфён Сахр ибн Ҳарбдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Бир нарса сўрашда берувчини ўз ҳолига қўймай тиланманглар. Аллоҳга қасамки, сизлардан биринги мендан бирор нарса сўраб, бунда ҳаддан ошса, мен ундан норози бўлиб қолсам, берган нарсамда барака бўлмайди», дедилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

528/8. Абу Абдураҳмон Авф ибн Молик Ашжаъийдан ﷺ ривоят қилинади. Биз тўққиз ёки саккиз ёки етти нафар киши Расулуллоҳ ﷺ ҳузурларида эдик. Расулуллоҳ ﷺ: «Аллоҳнинг Расулига байъат қилмайсизларми?» дедилар. Биз ўша кунларда янги байъат қилган эдик. Ва: «Эй Расулуллоҳ! Биз сизга байъат қилганмиз-ку?» дедик. Расулуллоҳ ﷺ яна: «Аллоҳнинг Расулига байъат қилмайсизларми?» дегандилар, биз қўлларимизни узатиб: «Эй Расулуллоҳ, байъат қилганмизку? Қайси нарсага байъат қиламиз?», дедик. Шунда у зот: «Аллоҳга бирор нарсани шерик қилмасдан ибодат ҳамда итоат қилиш, беш вақт намоз ўқиш», деб овозларини бироз пасайтирдилар ва: «Одамлардан бирор нарса сўраманглар», дедилар. Авф ибн Молик ﷺ: «Мен байъат қилган кишиларнинг баъзиларини кўрдим, улардан бирорталарининг қамчилари ерга тушиб кетса, бирор кишига олиб бер, дейишмас эди», дедилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

529/9. Ибн Умардан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Сизлардан биринги тиланчиликда бардавом бўлса, ҳаттоки у киши Аллоҳ таолога юзида гўшт йўқ ҳолатда йўлиқади», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

530/10. Ибн Умардан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ минбарда туриб, садақа ва тиланчиликдан сақланиш ҳақида гапираётганларида: «Юқори қўл пастки қўлдан яхшидир. Юқори қўл инфоқ қилувчи ва пастки қўл тиланчидир», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

531/11. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Кимки одамлардан моли кўпайиш учун тиланчилик қилса, у одам ўзи учун чўғни сўрабди. Бас, шундоқ экан хоҳласа, чўғнинг кўпини ёки озини сўрасин», дедилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

532/12. Самура ибн Жундубдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Тиланчилик кишининг ўз юз терисини шилиш, деганидир. Фақат Аллоҳ фарз этган закот ва шунга ўхшаш нарсаларда султоннинг талаб қилиши

ҳамда чорасиз қолинганда бундан мустасно», дедилар. *Имом Термизий ривоятлари.*

533/13. Ибн Масъуддан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Кимга муҳтожлик етса, у ўша муҳтожлигини одамларга шикоят қилса, у кишидан муҳтожлик аримайди. Кимки ўша муҳтожлигини Аллоҳга арз қилса, тезда ёки бироздан кейин унга ризқ ато қилинади», дедилар. *Абу Довуд ва Термизийлар ривояти.*

534/14. Савбондан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Кимки менга одамлардан бирор нарса сўрамайман, деб кафолат берса, мен унинг жаннатга киришига кафилдурман», деганларида: «Мен сўрамасликка кафолат бераман», дедим. Ҳақиқатда Савбон ﷺ ҳеч бир кишидан бирор нарса сўрамадилар. *Абу Довуд саҳиҳ иснод ила ривоят қилганлар.*

535/15. Абу Бишр Қабийса ибн Мухориқдан ﷺ ривоят қилинади: «Мен икки жамоат орасини ислоҳ қилиб, катта маблағ тўловини бўйнимга олиб, шу тўлов хусусида сўраш учун Расулуллоҳ ﷺ ҳузурларига борсам, у зот: «Садақалар келгунича шу ерда тургин. Агар келса, ундан сенга беришларни амр этамиз» дедилар. Сўнгра у зот: «Эй Қабийса, тиланчилик уч кишидан бошқаларга ҳалол бўлмайди. 1. Бир кишининг (сен каби) товонга жавобгар бўлган маблағни қўлга киритиш учун тиланиши. Агар қўлга киритса, тиланчиликдан ўзини тияди. 2. Бир кишга, молида фалокат етсаю, у киши муҳтож бўлиб қолиб, эҳтиёжларини таъминлайдиган даражада тиланиши. 3. Бир кишига қашшоқлик етиб қолса ва ўша кишининг қавмидан бўлган ақлли уч киши: «Ҳақиқатда мана шу кишига қашшоқлик етган деб», гувоҳлик беришса, бу киши ҳам рўзғорини бутлайдиган даражада тиланчилик қилиши жоиз. Аммо бундан бошқасида, эй Қабийса, тиланчилик қилиш ҳаром. Унинг соҳиби ҳаромни еган бўлади», дедилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

536/16. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Одамларнинг олдидан айланиб юрганида бир ва икки луқма ёки битта ва иккита хурмо берсанг, олиб кетадиган киши ҳақиқий мискин эмас. Лекин ҳақиқий мискин ўзини беҳожат қиладиган нарса топа олмаса ва садақа бериш учун унинг аҳволидан бошқаларнинг хабарлари бўлмаса ҳамда ўзи ҳам тиланиб юрмайдиган кишидир», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

58-БОБ
Тиланчилик ва таъмагирлик бўлмаса, берилган нарсани олиш жоизлиги ҳақида

537/1. Солим оталари Абдуллоҳдан, Абдуллоҳ эса оталари Умардан ﷺ қилган ривоятларида, Умар ибн Хаттоб ﷺ: «Расулуллоҳ ﷺ менга ўлжалардан берганларида, мен: «Камбағалроқ кишиларга беринг», дедим. Шунда у зот: «Агар сенга мана шу каби мол келтирилса, таъма, ҳирс қилмаган ва тиланчилик этмаган ҳолда ўша молга эга бўлавер. Агар

хоҳласанг, ундан егин. Бўлмаса, садақа қил. Аммо ўзи келмаса, орқасидан югурмагин», дедилар. Солим ﷺ: «Отам Абдуллоҳ мана шу суннатга амал қилган ҳолда ҳеч бир кишидан бирор нарса сўрамас ва агар бирор нарса берилса, қайтармас эдилар», деб айтдилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

59-БОБ
Ўз касби орқали ейиш ва тиланчиликдан сақланиш ҳамда одамлар бирор нарса берармикан, дейишдан юз ўгиришга тарғиб

Аллоҳ таоло: **«Энди қачон намоз адо қилингач, ерга тарқалиб, Аллоҳнинг фазлу марҳаматидан** (ризқу рўз) **истайверинглар»** (Жумъа сураси, 10-оят), деб айтган.

538/1. Абу Абдуллоҳ Зубайр ибн Аввомдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Сизлардан бирингиз арқон олиб, тоққа чиқиб, у ердан орқасига бир боғлам ўтин ортиб, уни сотиши ва Аллоҳ бу иши билан (тиланиш, тамаъдан) сақлаб қолиши сўралганида бериб-бермайдиган кишилардан тиланишдан кўра яхшироқдир», дедилар. *Имом Бухорий ривоятлари.*

539/2. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Сизлардан бирингизнинг орқасига бир боғлам ўтинни ортиб, кун ўтказиши сўралганида бериб-бермайдиган кишилардан тиланишдан кўра яхшироқдир», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

540/3. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Довуд алайҳиссалом қўллари ила меҳнат қилиб, ўз касблари орқали тирикчилик қилардилар», деб айтдилар. *Имом Бухорий ривоятлари.*

541/4. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Закариё алайҳиссалом дурадгор эдилар», деб айтдилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

542/5. Миқдод ибн Маъди Карибадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Бирор киши қўли билан меҳнат қилиб, касби орқали еган таомидан яхшироқ таом ея олмайди. Чунки Аллоҳнинг пайғамбари Довуд алайҳиссалом ҳам ўз касблари орқали тирикчилик қилардилар», деб айтдилар. *Имом Бухорий ривоятлари.*

60-БОБ
Карамли, саховатли бўлиб ҳамда Аллоҳга эътимод қилган ҳолда яхши йўлларга инфоқ этмоқ хусусида

Аллоҳ таоло: **«Не бир нарсани инфоқ-эҳсон қилсангизлар, бас** (Аллоҳ) **унинг ўрнини тўлдирур»** (Сабаъ сураси, 39-оят),

«Қандай яхшилик (мол) **инфоқ-эҳсон қилсангизлар, бас, ўзингиз учундир. Фақат Аллоҳ Юзини истаб яхшилик инфоқ-эҳсон қилингиз!**

Қилган ҳар бир яхшилигингиз сизларга зулм қилинмаган ҳолида ўзингизга тўла-тўкис қайтарилади» (Бақара сураси, 272-оят),

«Қандай яхшилик қилсангиз, бас, албатта, Аллоҳ уни билгувчидир» (Бақара сураси, 273-оят), деб айтган.

543/1. Ибн Масъуддан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Икки кишига ҳасад қилиш жоиз. Биринчиси: Аллоҳ таоло бир кишига мол-дунё берсаю, у киши ўша мол-дунёни ҳақ йўлда инфоқ қилса. Иккинчиси: Аллоҳ таоло бир кишига ҳикмат (илм) ато этсаю, у киши ўша илми билан ҳукм қилиб ва ўша илмидан одамларга таълим берса», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

544/2. Ибн Масъуддан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Сизларнинг қайси бирингиз меросхўрингиз молини ўзингизнинг молингиздан кўра яхшироқ кўрасиз?» деганларида, саҳобалар: «Эй Аллоҳнинг Расули, орамизда ўз молидан бошқаларнинг молини яхши кўрадиган кимса йўқдир», дейишди. Шунда Расулуллоҳ ﷺ: «Киши молининг қанчасини инфоқ қилган бўлса, ўша ўзиникидир. Инфоқ қилмай йиғиб қўйгани эса меросхўрлариникидир», дедилар. *Имом Бухорий ривоятлари.*

545/3. Адий ибн Ҳотимдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Хурмонинг ярмини инфоқ қилиб бўлса ҳам дўзахдан сақланинглар», деб айтдилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

546/4. Жобирдан ﷺ ривоят қилинади. «Расулуллоҳдан ﷺ нима нарса сўрашмасин, ҳеч қачон йўқ, демас эдилар». *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

547/5. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Банда тонг оттирганида икки фариштa тушади. Улардан бири: «Аллоҳим, инфоқ қилувчиларга ўрнини қоплайдиган нарса ато эт», дейди. Иккинчиси: «Аллоҳим, хасис, зиқналарга талофат бергин», дейди», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

548/6. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Эй одам боласи, молингдан инфоқ қил. Шунда сенга ҳам инфоқ этилади», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

549/7. Абдуллоҳ ибн Амр ибн Оссдан ﷺ ривоят қилинади. Бир киши Расулуллоҳдан ﷺ: «Исломдаги қайси амал яхшироқ?», деганида, Расулуллоҳ ﷺ: «Овқат улашиб, кишиларни таомлантирмоғинг ҳамда таниган ва танимаган кишиларга салом бермоғинг», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

550/8. Абдуллоҳ ибн Амр ибн Оссдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Қирқ хислат борки, уларнинг энг олийси — сутини соғиб ичиш учун

эчкисини бермоқликдир. Кимки мана шу хислатлардан бирортасига савоб умидида ва ваъда қилинган нарсага ишонган ҳолда амал қилса, Аллоҳ таоло жаннатга киритади», дедилар. *Имом Бухорий ривоятлари.*

551/9. Абу Умома Судай ибн Ажлондан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Эй одам боласи, агар эҳтиёжингдан ортиқ молингни инфоқ қилсанг, ўзинг учун яхшидир. Агар бермасдан ўзингда ушлаб қолсанг, ўзинг учун ёмондир. Лекин ўз эҳтиёжингга кифоя қилгудегини ушлаб қолсанг, маломат қилинмайди. Сен садақани ўз қарамоғингдагиларга улашишдан бошлагин. Юқори қўл, (яъни берувчи) паст қўлдан, (яъни олувчидан) яхшироқдир», дедилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

552/10. Анасдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳдан ﷺ Ислом ҳаққи-ҳурмати бирор нарса сўралса, уни бериб юборардилар. Кунларнинг бирида ҳузурларига бир киши келганида, икки тоғ орасини тўлдирадиган даражада қўй бериб юбордилар. У киши бориб: «Эй қавм, мусулмон бўлинглар. Чунки Муҳаммад алайҳиссалом камбағал бўлиб қолишдан қўрқмаган киши каби саховат қилар эканлар», деди. Анас ﷺ: «Киши мол-дунё умидида мусулмон бўлар эди-да, озгина фурсатдан кейин у кишига дунё ва ундаги нарсалардан ҳам Ислом маҳбуброқ бўлиб қолар эди», дедилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

553/11. Умардан ﷺ ривоят қилинади. Бир куни Расулуллоҳ ﷺ мол тақсим қилдилар. Шунда мен: «Эй Аллоҳнинг Расули, бу берилганлардан кўра берилмаганлар ичида ҳақлироғи бордир», десам, у зот: «Улар мендан беҳаёлик ила сўрашни ихтиёр қилишарди. Мен уларга бериб қутулардим. Ёки мени бахилликда айблашар эди. Ваҳоланки мен бахил эмасман», дедилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

554/12. Жубайр ибн Мутъимдан ﷺ ривоят қилинади. Бу зот Расулуллоҳ ﷺ билан Ҳунайн ғазотидан қайтаётганларида аъробийлар Расулуллоҳга ﷺ ёпишиб олиб, тилана бошлашди. Охири Расулуллоҳни ﷺ самури дарахти олдига қочишга мажбур этишди. Бас, у зотнинг кийимлари унга илиниб қолди. У зот: «Кийимимни беринглар. Агар мана шу тиконли дарахтлар ададича молим бўлса ҳам, уни ўрталарингизда тақсимлаб берган бўлар эдим. Шунда сизлар менинг бахил, ёлғончи ва қўрқоқ эмаслигимни билар эдинглар», деб айтдилар. *Имом Бухорий ривоятлари.*

555/13. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Садақа бериш билан мол-дунё камайиб қолмайди. Аллоҳ таоло кечиримли бўлган бандасининг иззат-шарафини зиёда қилади. Киши Аллоҳ учун ўзини ҳокисор тутса, Аллоҳ таоло унинг мартабасини баланд қилади», дедилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

556/14. Абу Кабша Амр ибн Саъд Анморийдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Уч нарса борки, улар ҳақида мен қасамёд қилиб, сизларга

гапириб бераман. Уларни ёдлаб олинг: 1) Садақа берган банданинг моли камайиб қолмайди. 2) Бир кишига зулм қилинсада, у киши ўша нарсага сабр этса, Аллоҳ таоло унинг иззат-шарафини зиёда қилади. 3) Қайси бир банда тиланчилик эшигини очса, Аллоҳ таоло унга камбағаллик эшигини очади», ёки шунга ўхшаш сўз айтдилар. «Ва яна сизларга гапириб бераман. Уни мендан ёдлаб олинглар. Албатта, дунё тўрт кишиникидир: 1) Аллоҳ таоло бир бандасига мол-дунё ҳамда илм берган бўлса, у киши Раббисига тақво қилиб, қариндошлари билан алоқаларини боғласа ва бу топган мол-дунёсида Аллоҳнинг ҳаққи борлигини билса, шу киши энг афзал мақомдадир. 2) Аллоҳ таоло бир бандасига илм берган бўлса-ю, мол-дунё бермаган бўлса, аммо бу кишининг нияти холис бўлиб, агар менда ҳам мол-дунё бўлганида эди, фалончи киши каби яхшиликлар қилар эдим деб айтса, бу қилган нияти ила юқоридаги биринчи киши билан савоби тенгдир. 3) Аллоҳ бир бандасига мол-дунё берган бўлса-ю, аммо илм бермаган бўлса, у киши молни андишасиз, пала-партиш ишлатиб, Раббисига тақво қилмасдан, қариндошчилик алоқаларини узиб ва бу топган молида Аллоҳнинг ҳаққи борлигини билмаса, шу киши энг ёмон мақомдадир. 4) Аллоҳ таоло бир бандасига мол-дунё ҳам, илм ҳам бермаган бўлса, бу киши: «Агар менинг мол-дунёйим бўлганида, фалон киши каби (яъни учинчи кишидек) ишлатар эдим», деб айтса, бу киши мана шу нияти билан учинчи шахс каби гуноҳи тенгдир», дедилар. *Имом Термизий ривоятлари.*

557/15.Оишадан ﵂ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ хонадонларида бир қўй сўйилди. Расулуллоҳ ﷺ Оишадан ﵂ «Қўйнинг қаери қолди?» деб сўрадилар. Оиша ﵂: «Фақат қўл қисми қолди», дедилар. Шунда Расулуллоҳ ﷺ: «Ҳаммаси қолиб, фақат қўли кетибди-да», дедилар. (Яъни, «охиратда биз учун қўлидан бошқа ҳаммаси қолибди»). *Имом Термизий ривоятлари.*

558/16. Асмо бинти Абу Бакр Сиддиқдан ﵂ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ менга: «Эй Асмо, нарсаларингни (садақа бермасдан) сақлаб қўйма. Агар шундоқ қилсанг, Аллоҳ ҳам (сенинг ризқингни бермасдан) сақлаб қўяди», дедилар.

Бошқа ривоятда: «Расулуллоҳ ﷺ: «Молингни инфоқ, эҳсон қил. Уни санама. Агар санайдиган бўлсанг, Аллоҳ ҳам ризқни санаб беради. Молингни ўзингда сақлаб ушлаб турма. Агар сақлайдиган бўлсанг, Аллоҳ ҳам ризқингни бермасдан ушлаб туради», деганлар». *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

559/17. Абу Ҳурайрадан ﵂ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Бахил билан садақа берувчи (сахий)нинг мисоли худди темир совут кийган икки кишига ўхшайди. У совут кўкрагидан елкаларигачадир. Садақа берувчи сахий агар садақа қилса, совути кенгайиб, бутун баданини ўраб, ҳатто бармоқларини ёпиб, изини қолдирмайди. Аммо бахил бирор нарса садақа қиладиган бўлса, темир либосининг ҳар бир халқаси баданига ёпишиб

олади. У уни кенгайтирмоқчи бўлади. Лекин кенгайтира олмайди», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

Бунинг маъноси қуйидагичадир. Агар сахий бирор нарсани ҳар гал молидан эҳсон қилганида совути кенгайиб, узун бўлади, хаттоки у киши орқасидан судраб юрганидан, оёғи - қадам излари кўринмайди. Яъни, кийим баданни тўсганидек садақа ҳам хатоларни тўсади.

560/18. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Кимки бир дона хурмо қиймати баробаридаги ҳалол касби орқали топган нарсасини садақа қилса – чунки Аллоҳ фақат ҳалол нарсанигина қабул қилади – албатта, Аллоҳ ўнг томони билан, яъни ниҳоятда хурсандлик ила қабул қилади. Кейин унинг эгасини худди сизлардан бирингиз тойчоғини тарбия этганидек тарбия қилади. Ҳаттоки у тоғ каби бўлади», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

561/19. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ айтдилар. Бир киши чўлда кетаётган эди. Булут ичидан чиқаётган бир овозни эшитди. Унда «Фалончининг боғини суғоргин», дейиларди. Кейин ҳалиги булут жойидан силжиб, бир тошлоқ ерга борди-да, ўзидаги сувни ўша ерга бўшатди. Сел тўпланадиган ерлардан бири у сувнинг барчасини ўзида жамлади. Овоз эшитган киши сув ортидан эргашиб бориб қараса, бир киши боғида таёқ билан сувларнинг йўналишини ҳар тарафга ўзгартириб турибди. Ҳалиги овоз эшитган киши: «Эй Аллоҳнинг бандаси, исминг нима?» деган эди, бу боғдаги киши: «Фалончи», деб ҳалиги булутдан эшитилган исмни айтди. Кейин бу боғдаги киши: «Эй Аллоҳнинг бандаси, нима учун исмимни сўраяпсан?», деганида, ҳалиги киши: «Чунки мен бу сувни келтирган булутдан: «Фалончининг бўстонини суғоргин», деб сенинг исмингни зикр қилганини эшитдим», деб яна: «Сен бу ерда нима билан шуғулланасан?» деб сўраганида, боғбон: «Сен мендан сўрар экансан (бунга жавоб бераман). Мен бу ердан униб чиққан ҳосилга қараб унинг учдан бирини Аллоҳ йўлида садақа қиламан. Учдан бирини ўзим оила аъзоларим билан ейман. Қолган учдан бирини эса (уруғликка олиб қолиш ила) ўзига қайтараман», деди. *Имом Муслим ривоятлари.*

61-БОБ
Бахиллик ва хасисликдан қайтариш ҳақида

Аллоҳ таоло: **«Энди ким** (Аллоҳ йўлида хайр-саховат кўрсатишдан) **бахиллик қилса ва** (ўзини Аллоҳ ҳузуридаги ажр-мукофотлардан) **беҳожат билса ҳамда гўзал оқибатни** (яъни Аллоҳ ваъда қилган жаннатни) **ёлғон деса, бас, Биз уни** (дунё ва охиратда бахтсиз бўладиган) **оғир йўлга «муяссар» қилурмиз. Ва у** (дўзахда) **ҳалок бўлган вақтида молу дунёси унга фойда бермас»** (Вал-лайл сураси, 8-11-оятлар).

Бу бобга тааллуқли ҳадисларнинг аксарияти юқоридаги бобда келди.

562/1. Жобирдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Зулмдан қўрқинглар. Чунки зулм Қиёмат кунида зулматдир. Хасисликдан қўрқинглар. Чунки хасислик сизлардан олдингиларни ҳалок қилган. Ҳаттоки бу хасислик бир-бирларининг қонларини тўкишга ва ҳаром нарсаларни ҳалол этишгача олиб борган», дедилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

62-БОБ
Бошқаларни ўзидан ҳақдор деб билиб, уларга ҳамдард бўлиш тўғрисида

Аллоҳ таоло: **«Гарчи ўзларида эҳтиёж бўлса-да, ўзларини қўйиб** (ўзгаларни) **ийсор-ихтиёр қилурлар»** (Ҳашр сураси, 9-оят).

«Ва таомни суюб-хоҳлаб турсаларда, (ўзлари емасдан) **мискин, етим ва есирларни таомлантирурлар»** (Инсон сураси, 8-оят), деб айтган.

563/1. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Бир киши Расулуллоҳ ﷺ ҳузурларига келиб: «эй Аллоҳнинг Расули, мен очликдан қийналиб кетдим», деганида, у зот хотинларининг баъзиларидан таом сўраб, одам жўнатдилар. Шунда хотинлари: «Сизни ҳақ билан юборган Зотга қасамки, менинг ҳузуримда сувдан бошқа нарса йўқдир», деди. Кейин бошқа хотинларига одам юбордилар. У ҳам аввалгиси каби сўз айтди. Ҳаттоки барчалари: «Сизни ҳақ билан юборган Зотга қасамки, ҳузуримда сувдан бошқа нарса йўқдир», деб айтишди. Шунда Расулуллоҳ ﷺ: «Бу кечада (мана бу кишини) ким меҳмон қилади?» дедилар. Ансорийлардан бир киши: «Мен меҳмон қиламан, эй Аллоҳнинг Расули», деб, уйига борди-да хотинига: «Расулуллоҳ ﷺ меҳмонларини ҳурмат қил», деди.

Бошқа ривоятда у киши хотинига: «Сенда егулик бирор нарса борми?», деди. Хотини: «Йўқ, фақат болаларимга кифоя қилгудек овқат бор», деди. Шунда у киши: «Болаларни бирор нарса ила юпатиб тур. Агар кечки овқатни хоҳлашса, ухлатиб қўй. Меҳмонимиз уйга кирганида чироғни ўчириб қўй. Меҳмонга биз ҳам еяётгандек бўлиб кўринайлик», деди. Улар овқатга ўлтиришди. Меҳмон овқат еди. Икковлари оч ҳолда ётишди. Қачонки тонг отганида ҳалиги ансорий Расулуллоҳ ﷺ ҳузурларига борганида у зот: «Аллоҳ таоло сиз эр-хотиннинг бу кеча ўз меҳмонларингизга нисбатан қилган ишингиздан мамнун бўлди», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

564/2. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Икки кишига тайёрланган таом уч кишига кифоя қилади. Уч кишига тайёрланган таом тўрт кишига кифоя қилади», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

Имом Муслимнинг Жобирдан ﷺ қилган ривоятларида: «Бир кишининг таоми икки кишига, икки кишининг таоми тўрт кишига, тўрт кишининг таоми саккиз кишига кифоя қилади», дедилар», дейилган.

565/3. Абу Саид ал-Худрийдан ﷺ ривоят қилинади. Биз Расулуллоҳ ﷺ билан бирга сафарда эдик. Бир киши уловини минган ҳолда келиб, кўзини ўнг ва чап томонга қарата бошлади. Расулуллоҳ ﷺ: «Кимнинг эҳтиёжидан ортиқча маркаби бўлса, уни маркаби йўққа берсин. Кимнинг ортиқча таоми бўлса, таоми йўққа берсин», деб яна бошқа турли молларни ҳам зикр қилдилар. Биз бу айтган гапларини эшитгандан кейин бирор киши ортиқча молига ўзининг ҳаққи йўқ экан-да, деган қарорга келдик. *Имом Муслим ривоятлари.*

566/4. Саҳл ибн Саъддан ﷺ ривоят қилинади. Бир аёл Расулуллоҳга ﷺ тўқилган бир кийим олиб келиб: «Эй Аллоҳнинг Расули, буни сизга кийдираман, деб ўз қўлим билан тўқиганман», деди. Расулуллоҳ ﷺ ўзларига керак бўлгани учун ҳам уни олдилар. Сўнгра (ичкарига кириб), изор ўрнида кийиб, бизнинг олдимизга чиқдилар. Шунда ўша ердагилардан бири: «Мунча ҳам яхши экан, шуни менга кийдиринг», деди. Расулуллоҳ ﷺ: «Бўпти», дедилар-да, ўша ердаги мажлисда ўтириб, кейин қайтиб кетдилар. Сўнгра уйларига бориб, уни бир кийиб кўриб, ҳалиги кишига бериб юбордилар. Қавмдагилар у кишига: «Яхши иш қилмадинг, у зотнинг бирор нарса сўраган кишига йўқ демасларини яхши билар эдинг-ку», дейишди. У киши эса: «Аллоҳга қасамки, мен буни кийиш учун сўрамадим. Балки ўлганимда кафан бўлиши учун сўрадим», деди. Саҳл ﷺ: «Ҳақиқатда бу кийим ўша кишига кафанлик бўлди», дедилар. *Имом Бухорий ривоятлари.*

567/5. Абу Мусодан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Ашъарий жамоасининг урушда озуқалари тугаб қолай деса ёки Мадинада бола-чақаларининг таоми озайиб қолса, ўзларида бор нарсаларни бир чопонга жамлашар эди-да, кейин бир хил идишда баробар қилиб, ўрталарида тақсимлаб олишар эди. Улар мендан ва мен улардандирман», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

63-БОБ
Охират ишларида мусобақалашмоқ ва баракали нарсаларни кўпайтирмоқ тўғрисида

Аллоҳ таоло: «**Бас, баҳслашгувчи - мусобақа қилгувчи кишилар** (мана шундай мангу неъматга етиш йўлида) **баҳслашсинлар - мусобақа қилсинлар»** (Мутаффифун сураси, 26-оят), деб айтган.

568/1. Саҳл ибн Саъддан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ ҳузурларига бир ичимлик келтирилди. У зот ўша ичимликдан ичдилар. Ўнг томонларида бир бола ва чап томонларида қариялар бор эди. Расулуллоҳ ﷺ ҳалиги болага: «Мана бу қарияларга шу ичимликни бермоқликка ижозат берасанми?» дегандилар, ҳалиги бола: «Йўқ, эй Аллоҳнинг Расули! Аллоҳга

қасамки, сиздан ортиб қолган насибамни бирор кишига бермайман», деди. Расулуллоҳ ﷺ идишни у болани қўлига узатдилар (ўша бола Ибн Аббос эдилар). *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

569/2. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ айтдилар. Бир куни Аюб алайҳиссалом ялонғоч ҳолатда чўмилаётган эдилар, олдиларига тилла чигиртка келиб тушди. Аюб алайҳиссалом уни кийимларига ўраб олдилар. Шунда Аллоҳ азза ва жалла: «Эй Аюб, мен сени бу нарсалардан беҳожат қилмаганмидим?» деди. Аюб алайҳиссалом: «Тўғри, лекин Сенинг иззатингга қасамки, мен баракотингдан беҳожат эмасман», дедилар. *Имом Бухорий ривоятлари.*

Фойда: Барака ва фазлни талаб қилиш, ўзи ва бошқалар фойдаланиши учун мол тўплаш жоизлиги маълум бўлади. Ҳамда мол-дунё кўпайиб кетганда ҳам Аллоҳга муҳтожликни ҳис қилиб туриш лозим.

64-БОБ
Беҳожат бўлиб, шукр айтувчининг фазилати, яъни ҳалоллик билан топиб, уни ўз ўрнига ишлатиш ҳақида

Аллоҳ таоло: **«Ана энди ким** (ўз мол-давлатидаги камбағал-бечораларга берилиши лозим бўлган закот ва бошқа садақотларни) **ато этса ва** (Аллоҳдан) **қўрқса, ҳамда гўзал оқибатни** (яъни жаннат бор эканини) **тасдиқ этса, бас, Биз уни осон йўлга муяссар қилурмиз»** (Вал-лайл сураси, 5-7-оятлар).

«Ўзи покдомон бўлиб, мол-давлатини (яхшилик йўлида) **сарф қиладиган тақводор зот у** (дўзах)**дан йироқ қилинур. У** (тақводор зот) **ҳузурида-зиммасида бирон кимсага қайтариладиган неъмат йўқдир. У фақат энг олий зот бўлмиш Парвардигорининг Юзини-ризолигини истаб** (мол-давлатини сарф қилур). **Ва яқинда** (Парвардигори унга ато этадиган мукофот-жаннат неъматларидан) **рози бўлур»** (Вал-лайл сураси, 17-21-оятлар).

«Агар садақаларни ошкора ҳолда берсангиз, жуда яхши. Ва агар махфий қилиб, фақир-камбағалларга берсангиз – бу ўзингиз учун янада яхшироқдир. Ва қилган гуноҳларингизга каффорат бўлади. Аллоҳ қилаётган амалларингиздан хабардордир» (Бақара сураси, 271-оят).

«То сизлар сўйган нарсаларингиздан инфоқ-эҳсон қилиб бермагунингизча ҳаргиз яхшиликка (жаннатга) **етмагайсиз. Ҳар қандай нарсани инфоқ қилсангиз, албатта, Аллоҳ уни билур»** (Оли Имрон сураси, 92-оят).

570/1. Абдуллоҳ ибн Масъуддан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Икки кишига ҳасад қилиш жоиз. Биринчиси: Аллоҳ таоло бир кишига мол-дунё берсаю, у киши ўша мол-дунёни ҳақ йўлда инфоқ қилса. Иккинчиси:

Аллоҳ таоло бир кишига ҳикмат (илм) ато этсаю, у киши ўша илми билан ҳукм қилиб ва ўша илмини одамларга таълим берса», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

571/2. Ибн Умардан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Икки тоифа кишига ҳасад қилиш жоиз. 1. Аллоҳ бир кишига Қуръони карим ато қилса, у киши уни кечаю кундуз тиловат қилса. 2. Бир кишига мол-дунё ато қилса, у киши кечаю кундуз молидан инфоқ қилса», деб айтдилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

572/3. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Камбағал муҳожирлар Расулуллоҳ ﷺ ҳузурларига келиб: «Эй Аллоҳнинг Расули, бадавлат биродарларимиз олий даражалар ва доимий неъматларга эришишмоқда», дейишганида, у зот: «Бу нима деганинглар?» деб айтдилар. Шунда улар: «Бадавлат биродарларимиз биз ўқигандек намоз ўқишади ва биз тутгандек рўза тутишади. Ва (камига) садақа бериб ҳамда қул ҳам озод қилишади. Биз эса садақа ҳам бера олмаймиз, қул ҳам озод эта олмаймиз», дейишди. Расулуллоҳ ﷺ: «Мен сизларга бир нарсани ўргатайми? Агар шу айтган нарсамни бажарсангизлар, сизлардан ўзиб кетганларга етиб оласизлар ва кейингилардан ўзиб кетасизлар. Ҳеч ким сизлардан афзал бўла олмайди. Фақат сизлар бажаргандек амал қилишса, афзал бўлишади», деганларида, улар: «Ҳа ўргатинг», дейишди. Шунда Расулуллоҳ ﷺ: «Ҳар намоз кетидан ўттиз уч марта «Субҳаналлоҳ», ўттиз уч марта «Алҳамдулиллаҳ» ва ўттиз уч марта «Аллоҳу Акбар» деб айтишдир», дедилар. Озгина фурсатдан кейин яна камбағал муҳожирлар Расулуллоҳ ﷺ ҳузурларига келиб, «Эй Аллоҳнинг Расули, бадавлат кишилар ҳам (бизга айтган нарсаларни) эшитиб, биз амал қилганимиз каби бажаришмоқда-ку», дейишганида, Расулуллоҳ ﷺ: «Бу Аллоҳнинг фазли-карами бўлиб, хоҳлаган кишисига беради», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари. Бу Имом Муслим ривоятларидаги лафздир.*

Фойда: Аллоҳ бир кишини бадавлат қилиши ҳам, камбағал этиши ҳам синов ва имтиҳондир. Ҳақиқий мўмин камбағаллик пайтида сабр қилиб, бойиганида ҳаддидан ошмай шукр қилади.

65-БОБ
Ўлимни эслаш ҳамда орзуларни камайтириш ҳақида

Аллоҳ таоло: **«Ҳар бир жон ўлимни тотгувчидир. Ва Қиёмат кунида ҳеч шак-шубҳасиз ажр-савобларингизни комил суратда олурсиз. Бас, ким дўзахдан четлатилиб, жаннатга киритилса, муҳаққақ** (бахт-саодатга) **эришгай. Бу ҳаёти дунё эса алдагувчи матодир»** (Оли Имрон сураси, 185-оят),

«Бирон жон эртага нима иш қилишини била олмас. Бирон жон қай ерда ўлишини ҳам била олмас» (Луқмон сураси, 34-оят),

«Бас, қачон уларнинг ажаллари етиб келганида эса уни бирон соат кетга ҳам сура олмайдилар», (Наҳл сураси, 61-оят),

«Эй мўминлар, на мол-дунёларингиз ва на бола-чақаларингиз сизларни Аллоҳнинг зикридан (яъни Аллоҳга ибодат қилишдан) **юз ўгиртириб қўймасин! Кимки шундай қилса, бас, ана ўшалар зиён кўргувчи кимсалардир. Сизларнинг** (ҳар) **бирингизга ўлим келиб, у: «Парвардигорим, мени озгина муддатга** (ҳаётда) **қолдирсанг, мен хайр-садақа қилиб, солиҳ** (банда) **лардан бўлсам», деб қолишидан илгари – Биз сизларга ризқ қилиб берган нарсалардан инфоқ-эҳсон қилингиз.** (Чунки) **Аллоҳ бирон жонни ажали келган вақтида** (вафот эттирмасдан) **қолдирмас. Аллоҳ қилаётган амалларингиздан хабардордир»** (Мунофиқун сураси, 9-11-оятлар).

«Токи қачон улардан (яъни мушриклардан) **бирига ўлим келганида: «Парвардигор, мени** (яна ҳаётга) **қайтаринглар. Шояд, мен қолган умримда яхши амал қилсам», деб қолур. Йўқ!** (У асло ҳаётга қайтарилмас). **Дарҳақиқат, бу** (ҳар бир жон бераётган кофир) **айтадиган сўздир. Уларнинг ортида то қайта тириладиган кунларигача** (дунёга қайтишларидан тўсиб турадиган) **бир тўсиқ бўлур» Бас қачон сур чалинганида** (Яъни қиёмат қойим бўлганида) **ана у кунда уларнинг ўрталарида ҳеч қандай насл-насаб қолмас ва улар бир-бирлари билан савол-жавоб ъам ыила олмаслар. Энди кимнинг** (яхшилик) **мезонлари** (ёмонлик-гуноҳларидан) **оғир келса бас ана ўшалар нажот топгувчидирлар. Кимнинг мезонлари енгил бўлса** (яъни ёмонликлари яхши амалларини босиб кетса) **бас ана ўшалар ўзларига зиён қилибдилар. Улар жаҳаннамда мангу қолгувчидирлар.** (Уларга)**: «Сизларга менинг оятларим тиловат қилинган эмасмиди, сизлар уларни ёлғон деган эмасмидингиз?!».** (Мўминун сураси, 99-106-оятлар).

«Ерда қанча йил турдинглар?» деди (Аллоҳ)**. Улар айтдилар: «Бир кун ё ярим кун. Санаб тургувчи** (фаришталардан) **сўрагин»,** (Аллоҳ) **деди: «Агар сизлар биладиган бўлсангизлар** (дунёда)**, жуда оз турдингизлар** (яъни сизлар абадий деб ўйлаган дунё аслида жуда оз муддатдир)**. Ёки сизларнинг гумонингизча Биз сизларни беҳуда** (яъни дунёда сизларга бирон вазифа бермайдиган, охиратда ҳисоб-китоб қилмайдиган ҳолда) **яратдигу, сизлар Бизнинг ҳузуримизга қайтарилмайсизларми?!** (Ундоқ эмас)**»** (Мўминун сураси, 112-115-оятлар).

«Иймон келтирган зотлар учун Аллоҳнинг зикри сабабли ва нозил бўлган Ҳақ – Қуръон (тиловат қилиниши) **сабабли қалблари эриб, қўрқиш** (вақти) **мойил бўлиш** (вақти) **келмадими?** (Шунингдек улар учун) **илгари Китоб ато этилган, сўнг** (улар билан пайғамбарлари

ўртасидаги) **муддат узайгач, диллари қотиб кетган кимсалар** (яъни яҳудий ва насронийлар) **каби бўлиб қолмаслик** (вақти келмадими)**? Улардан** (яҳудий ва насронийлардан) **кўплари фосиқ-итоатсиздирлар»** (Ҳадид сураси, 16-оят), деб айтган.

573/1. Ибн Умардан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ менинг елкамдан ушлаб: «Эй Ибн Умар, дунёда гўёки ғариб ёки йўловчи мусофир каби бўлгин», дедилар. Ибн Умар ﷺ (мана шу сўзни эшитганларидан кейин): «Агар кечлатсанг, тонг бўлишини кутма! Агар тонг оттирсанг, кеч киришини кутма! Соғ пайтингда касал пайтинг учун ҳам (тайёргарлик қилиб) ол. Ҳамда тириклик пайтингда ўлиминг учун ҳам (тайёргарлик қилиб) ол», дедилар. *Имом Бухорий ривоятлари.*

574/2. Ибн Умардан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Бир мусулмон кишининг қўлида васият қиладиган нарсаси бўлатуриб, васият ёзмасдан икки кеча ўтказмоғи муносиб эмасдир», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

Бу ҳадис Бухорийнинг лафзлари бўлиб, Муслимнинг ривоятларидаги лафзда «уч кеча» бўлиб келган.

Ибн Умар ﷺ: «Мен ушбу ҳадисни Расулуллоҳдан ﷺ эшитганимдан бери, бирор кечани васиятим ёзилмаган ҳолда ўтказмадим», дедилар.

Фойда: Васиятни ёзишга шошилишга тарғиб бор. Чунки инсон қачон вафот этишини билмайди.

575/3. Анасдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ бир чизиқ чизиб: «Бу инсон ва мана бу ажали. У мана шу ҳолатдалигида яқин бўлган ажали келиб, олиб кетади», дедилар. *Имом Бухорий ривоятлари.*

576/4. Ибн Масъуддан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ тўрт бурчак шакл чизиб, унинг ўртасидан учини ташқарига чиқариб яна бир чизиқ ўтказдилар. Сўнг ана шу ўртадан ўтган чизиқнинг ёнига калта чизиқлар тортдилар-да: «Мана бу ўртадан ўтган чизиқнинг тўртбурчак ичидаги қисми инсондир. Уни ўраб турган тўртбурчак эса инсоннинг ажалидир. Ўртадан ўтган чизиқнинг ташқарига чиққан қисми инсоннинг орзу-умидларидир. Мана бу калта чизиқлар ҳар хил ҳодисалар бўлиб, биридан қутулса, иккинчисига йўлиқади. Иккинчисидан қутулса, учинчисига йўлиқади (яъни бирор сабаб бўлиб ажали етади)», дедилар. *Имом Бухорий ривоятлари.*

577/5. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Етти нарса (келишидан олдин) яхши амалларни қилиб қолишга шошилинглар. Бунда сизлар қуйидаги нарсаларни кутасизлар, холос: 1) Камбағаллик – ҳамма нарсани унуттириб юборади. 2) Бойлик – туғёнга кетишга сабабчи. 3) Беморлик – барча нарсани фасод қилади. 4) Қарилик – ҳамма нарсани хотирдан чиқариб юборади. 5) Ўлим – тамом қилиб тезлатувчи. 6) Дажжол – кутилаётган ғойиб нарсаларнинг энг ёмони. 7) Қиёмат – фалокатларнинг

энг оғири ва аччиғидир», дедилар (инсон шу етти ҳодиса юз бермасидан олдин вақт ғаниматида охират учун тайёргарлигини қилиб қўймоғи лозим... – тарж.) *Имом Термизий ривоятлари.*

578/6. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қиланади. Расулуллоҳ ﷺ: «Лаззатларни кетказувчи ўлимни эслашни кўпайтиринглар», деб айтдилар. *Имом Термизий ривоятлари.*

579/7. Убай ибн Каъбдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ кечанинг учдан бири ўтганида ўринларидан туриб: «Эй одамлар, Аллоҳни зикр қилинглар. Исрофил алайҳиссалом биринчи сурни, кетидан иккинчисини чаладиган пайт келиб қолди. Ўлим ҳам ўзидаги мавжуд қўрқинч ила етиб келди, Ўлим ҳам ўзидаги мавжуд қўрқинч ила етиб келди», деб айтдилар. Шунда мен: «Эй Аллоҳнинг Расули! Ундоқ бўлса мен сизга салавот айтишни кўпайтирайми? Кечанинг қанча қисмида сизга салавот айтайин», десам, у зот: «Хоҳлаганингча», дедилар. Мен: «Тўртдан бир қисмидами?» дедим. У зот: «Хоҳласанг, бунга зиёда қилгин. Ўзинг учун яхши бўлади», дедилар. Мен: «Ярмидами?» десам, у зот: «Хоҳласанг, бунга зиёда қилгин. Ўзинг учун яхши бўлади», дедилар. Мен: «Учдан икки қисмидами?» десам, у зот: «Хоҳласанг, бунга зиёда қилгин. Ўзинг учун яхши бўлади», дедилар. Мен: «Ундоқ бўлса, мен кечанинг ҳаммасида сизга салавот айтайми?», десам у зот: «Агар шундай қилсанг-ку, Аллоҳ барча ғамларингга ўзи кифоя қилиб, гуноҳларингни кечириб юборади», дедилар. *Имом Термизий ривоятлари.*

Фойда: Расулуллоҳ ﷺга салавот айтиб, дуо қилишнинг фазилати аён бўлади. Ва у зот умматларини Аллоҳ рози бўладиган йўлга иршод қилишга рағбатлантиришлари ҳамда киши агар ўз нафсига ғурурланишдан қўрқмаса бирор мақсад йўлида бажараётган яхши амалларини зикр қилиш жоизлиги ҳам аён бўлади.

66-БОБ
Эркакларнинг қабристонни зиёрат этишлари маҳбублиги ҳамда зиёрат қилувчининг айтадиган нарсалари ҳақида

580/1. Бурайдадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Мен сизларни қабрларни зиёрат этишдан қайтарган эдим. Энди рухсат бердим, зиёрат қилаверинглар», деб айтдилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

Бошқа ривоятда: «Ким қабрларни зиёрат этишни хоҳласа, зиёрат қилаверсин. Чунки зиёрат охиратни эсга солади», дейилган.

Фойда: Расулуллоҳ ﷺ Исломнинг дастлабки даврида қабрларни зиёрат этишдан ман қилдилар. Чунки одамлар жоҳилият амалларидан тўла халос бўлишмаган эди. Ўшанда қабрларга ибодат қилишгача боришар эди. Қачонки Ислом ақидаси одамлар қалбида мустаҳкам бўлганидан кейин қабрларни зиёрат қилишга рухсат бериб, мана шу ҳадисни айтганлар.

581/2. Оишадан ﵂ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ қачон менинг навбатимда келадиган бўлсалар, кечанинг охирида Бақийъ қабристонига чиқиб: «Ассалому ъалайкум дора қавмим муъминийна ва атокум ма тувъадуна ғодан муажжалуна ва иннаа иншааллоҳу бикум лаҳиқун. Аллоҳумма иғфир лиаҳли бақийъил ғорқад», деб айтардилар. (Маъноси: «Ассалому алайкум, эй мўминлар ҳовлисидаги қавмлар. Сизларга ваъда қилинган нарса келди. Иншааллоҳ эртага кечикиб бўлса ҳам, сизларга йўлиқамиз. Эй Раббим, Бақийъ қабристонидагиларни мағфират қил». *Имом Муслим ривоятлари.*

582/3. Бурайдадан ﵁ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ агар қабристонга чиқсалар қуйидагиларни айтишни ўргатардилар. «Ассаламу ъалайкум аҳлад дияри минал муминийна вал муслимийн. Ваинна иншааллоҳу бикум лалаҳиқун. Ас алуллоҳа лана валакумул ъафийаҳ» (Маъноси: мўминлар диёри аҳли, сизларга салом бўлсин. Иншоаллоҳ бизлар ҳам сизларга албатта, йўлиқурмиз. Ўзимизга ва сизларга офият сўрайман). *Имом Муслим ривоятлари.*

583/4. Ибн Аббосдан ﵄ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ Мадинада қабрлар олдидан ўтатуриб унга юзланиб: «Ассалому ъалайкум йа аҳлал қубур. Яғфируллоҳу лана ва лакум антум салафуна ва наҳну бил асар», (Маъноси: Ассалому алайкум, эй қабр аҳллари, Аллоҳ бизу сизни мағфират қилсин. Сизлар биздан олдин кетдинглар, бизлар изингиздан етиб оламиз.), деб айтдилар. *Имом Термизий ривоятлари.*

67-БОБ
Бирор зарар етгани сабабли ўлимни орзу қилишнинг кароҳияти. Лекин динида фитналаниб қолишдан хавфсираса, зарари йўқ

584/1. Абу Ҳурайрадан ﵁ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Сизлардан ҳеч бир киши ўлишни орзу қилмасин. Агар яхши одам бўлса, шояд яхшилиги зиёда бўлса. Агар ёмон одам бўлса, шояд тавба қилиб қолса», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари. Бу ҳадис Имом Бухорий лафзларидир.*

Имом Муслимнинг лафзларида эса Расулуллоҳ ﷺ: «Сизлардан ҳеч бир киши ўлишни орзу қилмасин ва ҳали келмаган ўлимни чақирмасин. Чунки ўладиган бўлса, қилиб турган амали тўхтаб қолади. Албатта, умрнинг зиёда бўлиши мўминга фақат яхшиликни олиб келади», дедилар.

585/2. Анасдан ﵁ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Сизлардан ҳеч бирингиз етган зарар туфайли (бесабрлик қилиб) ўлимни орзу қилмасин. Бордию чорасиз қолиб уни орзу этадиган бўлса: «Аллоҳумма аҳйиний ма канатил ҳайату хойран лий ва таваффаний иза канатил вафоту хойран лий», (Маъноси: Аллоҳим, агар менинг ҳаётда яшашим яхши бўлса, мени тирик қолдир. Агар вафотим яхши бўлса, мени вафот эттир.), деб айтсин», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

586/3. Қайс ибн Абу Ҳозимдан ﷺ ривоят қилинади. Биз Ҳаббоб ибн ал-Араттининг ﷺ аҳволларидан хабар олгани кирсак, у зот даволаниш мақсадида етти жойларини тамғалаган эканлар. Кейин Ҳаббоб ﷺ: «Биродарларимиз биздан олдин ўтиб кетишди. Дунё уларга нуқсон етказмади. Бизлар эса мол-дунё жамғариб, уни тупроқдан бошқа нарсага сарф қила олмадик. Агар Расулуллоҳ ﷺ ўзига ўлим тиламоқни ман қилмаганларида, мен ўзимга ўлим тилаган бўлар эдим», дедилар. Кейин биз Ҳабобнинг ﷺ ҳузурларига иккинчи бор кирганимизда, у зот девор ураётган эканлар. Шунда бизга қарата: «Мусулмон киши мана шу лойга сарфлаганидан бошқа барча хайр-эҳсонларига савоб олади», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари. Бу ҳадис имом Бухорий ривоятларидаги лафз.*

68-БОБ

Парҳезкор бўлиш ҳамда шубҳали нарсаларни тарк этиш ҳақида

Аллоҳ таоло:

«Ва буни енгил иш деб ўйлар эдингизлар. Ҳолбуки у Аллоҳ наздида улуғ (гуноҳдир)**»** (Нур сураси, 15-оят).

«Шак-шубҳасиз Парвардигорингиз (барча нарсани) **кузатиб тургувчидир»** (Фажр сураси, 14-оят), деб айтган.

587/1. Нўъмон ибн Баширдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Албатта, ҳалол очиқ-равшандир. Албатта, ҳаром ҳам очиқ-равшандир. Икковининг ўртасида шубҳали нарсалар бўлиб, уни кўп инсонлар билишмайди. Кимки шубҳадан тақво қилса, дини ва обрўсини покиза сақлабди. Кимки шубҳали нарсани қилса, ҳаром нарсага йўлиқибди. У худди ҳайвонларни боқувчи чўпонга ўхшайдики, ҳайвонлари ўтлатиш ман этилган жойларга кириб ўтлаб қолиши мумкин (Ва чўпон бу гуноҳи учун жазога мустаҳиқ бўлади). Огоҳ бўлинг, ҳар бир подшоҳнинг кириш ман этилган қўриқхонаси бор. Огоҳ бўлинг, Аллоҳнинг қўриқхонаси ҳаром қилган нарсаларидир. Огоҳ бўлинг, жасадда бир парча гўшт бор. Агар у ислоҳ бўлса, жасаднинг барчаси ислоҳ бўлади. Агар у фасод бўлса, жасаднинг барчаси фасод бўлади. Огоҳ бўлинг, ўша бир парча гўшт қалбдир», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

588/2. Анасдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ йўлда (кетатуриб) бир хурмо топиб олдилар. Ва: «Агар садақа бўлишдан қўрқмаганимда, уни еган бўлар эдим», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

589/3. Наввос ибн Самъондан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Хусни-хулқли бўлиш комил яхшиликдир. Гуноҳ эса дилинг тараддудланиб, одамлар ундан хабардор бўлишларини хоҳламаганингдир», дедилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

590/4. Вобиса ибн Маъбаддан ﷺ ривоят қилинади. Бир куни Расулуллоҳнинг ﷺ ҳузурларига борсам, у зот: «Яхшилик ҳақида сўрагани келдингми?» дедилар. Мен: «Ҳа», дедим. Расулуллоҳ ﷺ: «Бу ҳақда сен қалбингдан фатво сўрагин. Агар нафсинг ва қалбинг унга хотиржам бўлса, демак, у яхшиликдир. Аммо нафсингда ва қалбингда тараддуд бўлса, демак шу ёмонликдир. Агар одамлар сенга ва сен уларга фатво берсанг ҳам», дедилар. *Имом Аҳмад ва Дорамийлар ривояти.*

Фойда: Бу Расулуллоҳнинг ﷺ мўъжизаларидан бўлиб, ҳузурларидаги киши ҳали сўрамасидан туриб саволига жавоб қайтараяптилар.

591/5. Абу Сирваъата Уқба ибн Ҳорисдан ﷺ ривоят қилинади. Бу зот Абу Иҳоб ибн Азизнинг қизига (Яъни, Умму Яҳёга) уйландилар. Бир куни бир хотин келиб: «Мен сени хам, хотинингни ҳам эмизганман», деди. Шунда Уқба ﷺ: «Сен мени эмизганингни ҳам билмайман ва бу ҳақда хабар ҳам бермагансан», дедилар-да, уловларига миниб, Мадинага – Расулуллоҳ ﷺ ҳузурларига бориб, бу масала ҳақида у зотдан сўрадилар. Расулуллоҳ ﷺ: «Гап тарқаб бўпти-ку, қандоқ қилиб уни хотин қиласан», дедилар. Кейин Уқба ﷺ уни қўйиб юбордилар. У хотин эса бошқа эрга тегиб кетди. *Имом Бухорий ривоятлари.*

592/6. Ҳасан ибн Алидан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Шубҳали нарсани шубҳасизига қўй (Яъни шубҳали нарсани тарк этиб, шубҳасиз нарсани ол)», дедилар. *Имом Термизий ривоятлари.*

593/7. Оишадан ﷺ ривоят қилинади. Абу Бакр Сиддиқнинг ﷺ хизматкор болалари бўлиб, ишлаб топган нарсасидан Абу Бакр ﷺ учун ҳисса чиқариб берар эди. Абу Бакр ﷺ ўша ҳиссадан тановул қилардилар. Бир куни у бола бир нарса олиб келган эди, Абу Бакр ﷺ ундан едилар. Шунда ҳалиги бола: «Бу еган нарсангизнинг нималигини биласизми?» деди. Абу Бакр ﷺ «Нима у?» дедилар. У бола: «Мен жоҳилият пайтларида фол очишни билмасам ҳам, алдаб унга фол очган эдим. Ўша киши мен билан кўришиб, ўша нарсанинг ҳаққини берди. Сиз ўша нарсадан тановул қилдингиз», деди. Абу Бакр ﷺ эса қўлларини оғизларига тиқиб, қоринларидаги барча нарсани қайт қилиб ташладилар. *Имом Бухорий ривоятлари.*

594/8. Нофеъдан ﷺ ривоят қилинади. Умар ибн Хаттоб ﷺ илк муҳожирларга тўрт минг (дирҳам)дан тайин қилдилар. Ўғиллари Абдуллоҳга эса уч ярим минг (дирҳам) тайин этдилар. Шунда у зотга: «Бу ўғлингиз ҳам муҳожирлардан-ку, нима учун кам бердингиз?» дейилганида, у зот: «Чунки буни отаси ҳижратга олиб чиққан. Яъни ўзи ҳижрат қилганлар тоифасидан эмас», дедилар. *Имом Бухорий ривоятлари.*

595/9. Атиййа ибн Урва ас-Саъдийдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Банда, шубҳали нарсаларга йўлиқиб қолмай деб, шубҳасиз нарсаларни

ҳам қилмаса, ўшанда тақводорлар даражасига етишади», делилар. *Имом Термизий ривоятлари.*

69-БОБ
Кишининг замонаси одамлари бузилиб кетганда ёки динида фитналанишдан хавф қилганда ёки ҳаром ва шубҳали нарсаларга йўлиқишдан қўрққанда узлат қилиши, яъни одамлардан узоқ бўлишининг маҳбублиги

Аллоҳ таоло: **«Бас, Аллоҳга** (иймон келтириш учун) **чопинглар-шошинглар. Албатта, мен сизлар учун У зот** (нинг азоби)**дан очиқ огоҳлантиргувчидирман»** (Ваз-зорият сураси, 50-оят), деган.

596/1. Саъд ибн Ваққосдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Албатта, Аллоҳ таоло тақводор, қалби бой ва панада юрувчи бандасини яхши кўради», делилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

597/2. Абу Саид ал-Худрийдан ﷺ ривоят қилинади. Бир киши: «Эй, Аллоҳнинг Расули, қайси инсон афзалроқ?» деганида, Расулуллоҳ ﷺ: «Моли ва жони билан Аллоҳ йўлида жиҳод қилувчи мўмин», дедилар. У киши «кейин ким?» деганида, Расулуллоҳ ﷺ «Тоғлар орасида одамлардан ўзини панага олиб, Раббисига ибодат қилувчи киши», дедилар.

Бошқа ривоятда: «Аллоҳга тақво қилиб, одамларнинг ёмонлиги сабабли уларни тарк қилувчи киши», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

598/3. Абу Саид ал-Худрийдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Яқин кунларда мусулмоннинг энг яхши мол-дунёси қўйлар бўладики, мусулмон динини фитналардан сақлаш ниятида тоғ чўққиларида ва ёмғир ёққанда ўсиб чиқувчи майсазорларда қўйларини ўтлатиб, қочиб юради», дедилар. *Имом Бухорий ривоятлари.*

599/4. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Аллоҳ таоло бирор пайғамбарни юборган бўлса, албатта, барчалари қўй боққан», деганларида, саҳобалари: «Сиз ҳам боққанмисиз?» дейишди. Шунда у зот: «Ҳа, Макка аҳлининг қўйларини бир қийрот баробаридаги маблағ эвазига боқиб берар эдим», дедилар. *Имом Бухорий ривоятлари.*

600/5. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Аллоҳ йўлида жиҳод ниятида ҳар лаҳза отининг тизгини қўлида бўлган, уруш овози ёки қийқириғини эшитган заҳоти отини миниб, уруш бўляпти деб ҳисоблаган ерга ўлдириш ёки ўлиш, яъни ғозий ёки шаҳид бўлиш мақсадида етиб борган киши инсонлар ичида энг яхши ҳаёт ўтказаётган кишидир», дедилар. Ва яна: «Бир қанча қўйларни олиб, тоғ чўққиларига чиқиб кетган ёки бирор водий ичига кириб кетган, у ерда намоз ўқиб, закотини бериб, то ўлим келгунича Раббисига ибодат қилган ҳамда инсонлар билан фақат яхши

муомалада бўлган киши ҳам инсонлар ичида энг яхши ҳаёт кечираётган кишидир», дедилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

70-БОБ

Одамларга аралашиб, уларнинг йиғинлари, жамоатлари, яхши ўтиришлари, зикр мажлисларида қатнашиш, касаллар ҳолидан хабар олиш, жанозаларда иштирок этиш, муҳтожларга кўмак бериш, жоҳилларни тўғри йўлга чорлаш, қодир бўлса, амру маъруф, ва наҳий мункар қилиш, кишиларга озор беришдан ўзини тийиб, улардан етган озорга сабр қилишнинг фазилатлари ҳақида

Билингки, одамларга мен зикр этган кўринишда аралашиш, Расулуллоҳ ﷺ, бошқа пайғамбарлар, хулофои рошидинлар, улардан кейинги саҳобалар, тобеинлар ва булардан кейинги мусулмон уламолари ва ахёрлари ихтиёр этишган йўлдир. Аллоҳ таоло бу хусусда:

«Яхшилик ва тақво йўлида ҳамкорлик қилингиз» (Моида сураси, 2-оят), деб айтган.

71-БОБ

Мўминларнинг хушхулқ ва камтар бўлишлари ҳақида

Аллоҳ таоло: **«Ўзингизга эргашган мўминлар учун қанотингизни паст тутинг** (яъни уларга хуш хулқ билан камтарона муносабатда бўлинг)**»** (Шуаро сураси, 215-оят).

«Эй мўминлар, сизларнинг ичингиздан кимда-ким ўз динидан қайтса, Аллоҳ бошқа бир қавмни келтирурки, Аллоҳ уларни яхши кўрур, улар Аллоҳни яхши кўрурлар. Улар мўминларга ҳокисор, кофирларга эса қаттиққўл кишилардир» (Моида сураси, 54-оят).

«Эй инсонлар, дарҳақиқат, Биз сизларни бир эркак (Одам) **ва бир аёл** (Ҳавво)**дан яратдик ҳамда бир-бирларингиз билан танишишинглар** (дўст-биродар бўлишинглар) **учун сизларни** (турли-туман) **халқлар ва қабила-элатлар қилиб қўйдик. Албатта, сизларнинг Аллоҳ наздидаги энг ҳурматлироғингиз тақводорроғингиздир»** (Ҳужурот сураси, 13-оят).

«Бас, сизлар ўзларингизни покламай қўя қолинглар. Унинг ўзи тақводор бўлган кишиларни жуда яхши билгувчидир» (Ван-нажм сураси, 32-оят).

«Аъроф эгалари (яъни қилган яхши ва ёмон амаллари тенг келиб, жаннатий ҳам, дўзахий ҳам бўлмай, ўртада аъроф — деворлар устида турган кишилар) **сиймоларидан таниб олган кишиларига** (яъни дўзахийларга) **нидо қилиб дедилар: Тўплаган молу дунёингиз ва**

қилган кибру ҳавоингиз сизларга асқотмабди-ку. Сизлар «Аллоҳ уларга бирон раҳмат-марҳамат етказмайди», деб қасам ичган кишилар ана у (ҳаёти дунёдан камбағал-бечоралик билан ўтган мўъмин-мусулмон) **ларми?** (Ахир уларга) **: «Жаннатга киринглар, сизлар учун ҳеч қандай хавф-хатар йўқ ва сизлар ҳеч ғамгин бўлмайсизлар** (дейилди-ку)**»** (Аъроф сураси, 48-49-оятлар), деб айтган.

601/1. Иёз ибн Ҳимордан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Албатта, Аллоҳ таоло менга тавозуъли бўлишни ваҳий қилди. (Бундан умматим таълим олиб) ҳеч бири бошқа кишига фахрланмасин ва душманлик қилмасин», деб айтдилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

602/2. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Садақа бериш билан мол-дунё камайиб қолмайди. Аллоҳ кечиримли банданинг иззатини зиёда қилади. Киши Аллоҳ учун тавозуъда бўлса, Аллоҳ у банданинг даражасини кўтаради», дедилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

603/3. Анасдан ﷺ ривоят қилинади. Бу зот ёш болалар олдидан ўтиб, уларга салом бердилар-да: «Расулуллоҳнинг ﷺ одати шарифлари – мана шу тарзда салом берардилар», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

604/4. Анасдан ﷺ ривоят қилинади. Бу зот: «Агар Мадинадаги чўрилардан бирортаси хоҳласа, Расулуллоҳнинг ﷺ қўлларидан ушлаб, хоҳлаган жойига олиб кета олар эди», дедилар (Яъни ҳар қандай ожиз, заиф ҳам ҳузурларига кириб, арз-додини айтиб, хоҳлаган ерига бетакаллуф олиб борар эди). *Имом Бухорий ривоятлари.*

Фойда: Расулуллоҳнинг ﷺ тавозуъликлари ва кишилар ҳожатини чиқаришга ҳарисликлари аён бўлади.

605/5. Асвад ибн Язиддан ﷺ ривоят қилинади. Оишадан ﷺ: «Расулуллоҳ ﷺ уйда нима билан машғул бўлардилар?» деб сўралганида, бу онамиз: «Аҳлиялари хизматида бўлардилар. Бордию намоз вақти кириб қолса, намозга чиқиб кетардилар», дедилар. *Имом Бухорий ривоятлари.*

606/6. Абу Рифоъа Тамим ибн Усайддан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ ҳузурларига борсам, хутба айтаётган эканлар. Шунда мен: «ўариб киши келиб, дини ҳақида сўрамоқда, чунки динидаги нарсаларни билмайди», десам, у зот менга юзланиб, хутбаларини тўхтатиб, мен томонга юриб келдилар. Кейин курси келтирилди. Унга ўтириб, Аллоҳ ўргатган нарсаларни менга ўргатдилар. Сўнгра яна хутбаларини давом эттириб, унга якун ясадилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

Фойда: Расулуллоҳнинг ﷺ ўта камтарликлари ва кишиларга дин ишларини таълим беришга ҳарисликлари маълум бўлади.

607/7. Анасдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ агар таом тановул қилсалар, учта бармоқларини ялар эдилар. Анас ﷺ айтдилар: Расулуллоҳ ﷺ: «Агар сизлардан бирортангизнинг луқмаси тушиб кетса, уни тозалаб есин. Шайтонга (насибасини) қолдирмасин», дедилар. Ва яна лаганни ялашни буюриб: «Чунки таомингизнинг баракаси қаерда эканини билмайсизлар», дедилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

608/8. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Аллоҳ таоло бирор пайғамбарни юборган бўлса, албатта, барчалари қўй боққан», деганларида, саҳобалари: «Сиз ҳам боққанмисиз?» дейишди. Шунда у зот: «Ҳа, Макка аҳлининг қўйларини бир қийрот баробаридаги маблағ эвазига боқиб берар эдим», дедилар. *Имом Бухорий ривоятлари.*

609/9. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Агар ҳайвон почаси ёки қўлини пишириб, мени меҳмондорчиликка чақиришса, албатта борар эдим. Агар ҳайвон почаси ёки қўлини ҳадя қилишса, уни қабул қилар эдим», дедилар. *Имом Бухорий ривоятлари.*

Фойда: Арзимас, озгина нарса тайёрлаб чақирилса тавозуъ қилиб бориш ҳамда озгина нарса ҳадя қилинса, уни қабул қилишга тарғиб бор.

610/10. Анасдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳнинг ﷺ Азбо номли туялари билан бирорта туя мусобақалаша олмас эди. Балки мусобақалашишга яқинлаша олмасди ҳам. Иттифоқо, бир аъробий туясига ўтириб олиб, Расулуллоҳнинг ﷺ ўша туяларидан ўзиб кетди. Бу воқеъа мусулмонларга оғир ботди. Расулуллоҳ ﷺ уларнинг хафа бўлганларини билиб: «Дунёда бирор нарса баланд бўлса, Аллоҳ уни пасайтирур», дедилар. *Имом Бухорий ривоятлари.*

Фойда: Аллоҳ таоло наздида дунёнинг ҳақирлиги ва дунё ишлари мукаммал бўлмасдан, ноқис эканлиги англашилади.

72-БОБ

Кибр ва манмансирашнинг ҳаромлиги

Аллоҳ таоло айтади: **«Биз ўша охират диёрини Ер юзида зулму зўравонлик ва бузғунчилик қилишни истамайдиган кишилар учун қилурмиз. Оқибат тақво қилгувчи кишиларникидир»** (Қасас сураси, 83-оят).

«**Ер юзида кибр-ҳаво билан юрмагин»** (Исро сураси, 37-оят).

«Одамлардан (мутакаббирлик билан) **юзингни ўгирмагин ва ерда кибру ҳаво билан юрмагин. Чунки Аллоҳ барча кибр-ҳаволи, мақтанчоқ кимсаларни суймас»** (Луқмон сураси, 18-оят),

«Албатта, Қорун ўзи Мусо қавмидан эди. Бас, у (қавмдошларига) **кибру ҳаво қилди. Биз унга хазина-дафиналардан калитлари** (ни кўтариб юришнинг ўзи) **куч-қувват эгалари бўлган бир жамоатга ҳам**

оғирлик қиладиган нарсаларни ато этган эдик. Ўшанда қавмдошлари унга: «Ҳовлиқмагин. Чунки Аллоҳ ҳовлиқма кимсаларни суймас», деб айтган» (Қасас сураси, 76-оят).

611/1. Абдуллоҳ ибн Масъуддан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Кимнинг қалбида зарра мисқолича кибр бўлса, у жаннатга кирмайди», деганларида, бир киши: «Баъзи кишилар борки, яхши кийим ва яхши пойафзал кийишни яхши кўради (бу амали ҳам кибр-ҳавога киради-ми?)», деганида, у зот: «(Йўқ, бу амали кибр эмас). Албатта, Аллоҳ кўркамдир. Ва кўркамликни яхши кўради. Аслида кибр ҳақ сўзни рад этиб, одамларга паст назар билан қарашдир», дедилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

612/2. Салама ибн Акваъдан ﷺ ривоят қилинади. Бир киши Расулуллоҳ ﷺ ҳузурларида чап қўли билан таом тановул қилди. У зот: «Ўнг қўлингда егин», дедилар. Ҳалиги киши: «Бунга қодир эмасман», деди. Расулуллоҳ ﷺ: «Қодир ҳам бўлмагин, бундан фақат мутакаббирлиги ман қилди, холос», дедилар. Шундан кейин ҳалиги киши (ўнг) қўлини оғзига кўтара олмади. *Имом Муслим ривоятлари.*

613/3. Ҳориса ибн Ваҳбдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Сизларга аҳли дўзах кимлар экани ҳақида хабар берайми? Улар қўпол, дағал, гердайиб юрувчи мутакаббирлардир», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

614/4. Абу Саид ал-Худрийдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Жаннат ва дўзах мартаба талашиб хусуматлашишди. Дўзах: «Менда золимлар, мутакаббирлар бўлади», деди. Жаннат: «Менда заиф ва мискинлар бўлади», деди. Аллоҳ таоло уларнинг ўртасида ҳукм қилди ва: «Эй жаннат, сен Менинг раҳматимдирсан. Мен хоҳлаган бандамга сен билан раҳмат қиламан (яъни, сенга уни киргизаман). Эй дўзах, сен Менинг азобимдирсан. Мен хоҳлаган бандамга сен билан азоб бераман (яъни, сенга уни киргизаман). Икковларингизни тўлдириш Менинг зиммамдадир», деди», дедилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

615/5. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Кийимини такаббурлик билан судраб юрувчи кишиларга Аллоҳ таоло Қиёмат куни (раҳмат назари ила) қарамайди», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

616/6. Абу Ҳурайрарадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Уч тоифа кишилар борки, Аллоҳ таоло Қиёмат куни улар билан гаплашмайди ва покламайди. Уларга (раҳмат назари ила) қарамайди ҳам. Ҳамда улар учун аламли азоб бордир. 1) Зинокор қария. 2) Ёлғончи подшоҳ. 3) Камбағал мутакаббир», деб айтдилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

617/7. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ айтдилар: Аллоҳ таоло: «Азизлик изорим, кибрлик эса ридоимдир (яъни бу икки сифат

менга хосдир). Кимки менинг бу сифатларим устида мен билан низо қилса, уни азобимга гирифтор қиламан», деди. *Имом Муслим ривоятлари.*

618/8. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Бир киши ўзига маҳлиё бўлиб, чиройли кийиниб, сочларини тараб, мутакаббирларча қадам қўйиб юриб кетаётган эди, Аллоҳ таоло у кишини ерга ютқизиб юборди. У киши энди Қиёмат кунигача ерга шўнғиб боради», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

619/9. Салама ибн Акваъдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Киши гердайиб юришда бардавом бўлади, ҳаттоки, шафқатсиз золимлар қаторига ёзилади. Ва уларга келган азоб бу кишига ҳам келади», дедилар. *Имом Термизий ривоятлари.*

Фойда: Ким ўзини бир қавмга ўхшатса ўшалар қаторида ёзилади. Ҳамда уларга етган азобга бу ҳам гирифтор бўлади.

73-БОБ
Ҳусну хулқ ҳақида

Аллоҳ таоло: **«Албатта, сиз улуғ Хулқ устидадирсиз»** (Қалам сураси, 4-оят).

«(У тақводор зотлар)... **ғазабларини ичларига ютадиган, одамларнинг** (хато-камчиликларини) **авф этадиган кишилардир»** (Оли-Имрон сураси, 134-оят), деб айтган.

620/1. Анасдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ инсонларнинг энг хулқлиси эдилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

621/2. Анасдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳнинг ﷺ кафтларидан майинроқ ипак ҳам, кимхоб ҳам ушламадим. Ва яна Расулуллоҳ ﷺ ҳидларидан хушбўйроқ ҳидни топмадим. Ўн йил Расулуллоҳ ﷺ хизматларида бўлдим. Шу вақт мобайнида бирор марта «уф» демадилар. Ва бирор қилиб қўйган ишимга «Нима учун уни қилдинг» демадилар. Ҳамда бирор қилмаган ишимга «Уни бундоқ қилмадингми?» деб айтмадилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

622/3. Саъб ибн Жассомадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳга ﷺ ёввойи эшак ҳадя қилсам, у зот уни менга қайтариб бердилар. Қачонки юзимдаги хафаликни кўрганларида: «Агар эҳромда бўлмаганимизда, уни сенга қайтармас эдим», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

623/4. Наввос ибн Самъондан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳдан ﷺ яхшилик ва ёмонлик ҳақида сўраганимизда, у зот: «Ҳусну хулқ яхшиликдир. Қалбинг тараддудланиб, одамлар ўша қилган ишингдан хабардор бўлишларини кариҳ кўришинг ёмонликдир», дедилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

624/5. Абдуллоҳ ибн Амр ибн Оссдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ бадхулқ ҳам, шалоқ сўзли ҳам эмасдилар. Ва яна: «Сизларнинг яхшиларингиз хулқи яхшиларингиздир», дердилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

625/6. Абу Дардодан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Қиёмат куни мўмин банданинг тарозусида ҳусну хулқидан кўра оғирроқ нарса йўқдир. Албатта, Аллоҳ таоло уятсиз сўзларни айтувчи оғзи шалоқ кишиларга ғазаб қилади», дедилар. *Имом Термизий ривоятлари.*

626/7. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳдан ﷺ: «Инсонларни жаннатга кўп киргизадиган амал қайси?» деб сўралганида, у зот: «Аллоҳга қилинган тақво ва ҳусну хулқ», дедилар. Ва яна у зотдан: «Инсонларни дўзахга кўп киргизадиган амал қайси?» деб сўралганида, у зот: « Оғиз ва жинсий аъзолар орқали қилинган гуноҳ», деб айтдилар. *Имом Термизий ривоятлари.*

Фойда: Тақволи ва чиройли хулқли бўлишга тарғиб бор. Ҳамда куфр, ёлғон ва зинодан огоҳлантириш ҳам бор. Бу ҳадисда тақво билан чиройли хулқнинг ораси жамланди. Чунки тақво, инсон билан Раббиси орасини ислоҳ қилади. Чиройли хулқ эса, инсон билан бошқа инсонлар орасини ислоҳ қилади. Ва яна оғиз билан жинсий аъзолар ораси жамланди. Чунки, оғиздан куфр калимаси, ғийбат ва чақимчилик каби фаҳш сўзлар содир бўлади. Жинсий аъзодан эса, зино содир бўлади. Бу икки аъзо сақланмаса, ҳар турли балоларга сабаб бўлиб, дўзах томон олиб бориши мумкин.

627/8. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Мўминларнинг иймон жиҳатидан комили хулқи яхшиларидир. Сизларнинг яхшиларингиз хотинларига хушмуомалада бўлганларидир», дедилар. *Имом Термизий ривоятлари.*

628/9. Оишадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Мўмин киши яхши хулқи билан (кундузлари) рўзадор, (кечалари) бедор бўлганларнинг даражасига етади», дедилар. *Абу Довуд ривоятлари.*

629/10. Абу Умома ал-Боҳилийдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Ҳақ бўла туриб жанжални тарк этган кишига жаннат ёнидаги бир уйга кафилман. Ҳазилдан бўлса ҳам, ёлғонни тарк этган кишига жаннат ўртасидаги бир уйга кафилман. Чиройли хулқли кишига жаннатнинг энг юқорисидаги бир уйга кафилман», дедилар. *Абу Довуд ривоятлари.*

630/11. Жобирдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Менга маҳбубларингиз ва қиёмат кунида мажлис жиҳатидан яқинларингиз ахлоқи яхшиларингиздир. Менга ёмон кўрилганларингиз ва қиёмат кунида мендан узоқларингиз сергап-эзмаларингиз, ахлоқсиз сўзларни сўзловчиларингиз ва мутафайқиҳлардир», дедилар. Шунда саҳобалар: «Эй Расулуллоҳ, сергап ва ахлоқсиз сўзларни айтувчини билдик. Аммо мутафайқиҳлар, деганингиз

ким?» дейишганида, Расулуллоҳ ﷺ: «Мутакаббирлар», деб айтдилар. *Имом Термизий ривоятлари.*

74-БОБ
Ҳалимлик, босиқлик ва мулойимлик ҳақида

Аллоҳ таоло: **«**(У тақводор зотлар)... **ғазабларини ичга ютадиган, одамларнинг** (хато-камчиликларини) **авф этадиган кишилардир. Аллоҳ бундай яхшилик қилувчиларни севади»** (Оли Имрон сураси, 134-оят).

«(Эй Муҳаммад)**, марҳаматли бўлинг, яхшиликка буюринг ва жоҳиллардан юз ўгиринг»** (Аъроф сураси, 199-оят)**.**

«Яхшилик билан ёмонлик баробар бўлмас. Сиз (ҳар қандай ёмонликни) **энг гўзал сўзлар билан даф қилинг!** (Шунда) **баногоҳ сиз билан ўрталарингизда адоват бўлган кимса қайноқ-содиқ дўст каби бўлиб қолур. Унга** (ёмонликни яхшилик билан даф қилиш хислатига) **фақат сабр-тоқатли зотларгина эришурлар, унга фақат улуғ насиба эгасигина эришур»** (Фуссилат сураси, 34-35-оятлар)**.**

«Албатта, ким (ўзига етган озор-азиятларга) **сабр қилса ва** (интиқом олмай Аллоҳ учун) **кечириб юборса, шак-шубҳасиз бу** (иш) **ишларнинг мақсадга мувофиғидир»** (Шўро сураси, 43-оят), деб айтган.

631/1. Ибн Аббосдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ Ашаж Абдулқайсга: «Сенда икки хислат бордир. Аллоҳ ўша хислатингни яхши кўради. 1. Ҳалимлик. 2. Босиқлик», дедилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

632/2. Оишадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Албатта, Аллоҳ таоло мулойимдир. Ва ҳар бир ишда мулойимликни яхши кўради», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

633/3. Оишадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Албатта, Аллоҳ таоло мулойимдир. Ва мулойимликни яхши кўради. Ҳамда қўполлик ва бундан бошқа хислатларга бермайдиган савобни унга беради», дедилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

634/4. Оишадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Албатта, мулойимлик бирор нарсага аралашса, ўша нарсани зийнатлайди. Аммо уни ажратиб олинса, у айбли бўлади», дедилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

635/5. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Бир аъробий масжидга сийиб юборди. Одамлар унинг таъзирини бериш учун ўринларидан туришганида, Расулуллоҳ ﷺ: «Уни тек қўйинглар. Сийган жойига бир пақир сув қуйиб юборинглар. Албатта, сизлар осон этиш учун юборилгансизлар. Қийин қилиш учун юборилмагансизлар», деб айтдилар. *Имом Бухорий ривоятлари.*

636/6. Анасдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Осон қилинглар, қийин қилиб қўймангглар. Хурсандлик хабарини беринглар, қочириб юборманглар», деб айтдилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

637/7. Жарир ибн Абдуллоҳдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Кимки мулойимликдан маҳрум бўлса, яхшиликларнинг барчасидан маҳрум бўлибди», дедилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

638/8. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Бир киши Расулуллоҳга ﷺ: «Эй Аллоҳнинг Расули! Менга васият қилинг», деганида, у зот: «ўазаб қилма», дедилар. Бу киши бир неча марта сўраганида ҳам Расулуллоҳ ﷺ: «ўазаб қилмагин», дедилар. *Имом Бухорий ривоятлари.*

639/9. Абу Яъло Шаддод ибн Авсдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Албатта, Аллоҳ таоло ҳар бир иш устида яхши иш қилишни лозим этган. Агар бирор (ҳайвонни) ўлдирсангиз ёки сўйсангиз, чиройли қилиб сўйинглар. Ва сизлардан бирингиз сўядиган нарсасини қийнамасдан пичоғини ўткирлаб олсин», дедилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

640/10. Оишадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳга ﷺ қачон икки ишнинг бири ихтиёр берилса, агар унда гуноҳ бўлмаса, осонини танлар эдилар. Агар гуноҳ иш бўлса, одамларнинг ундан энг узоғи бўлардилар. У зот ўзлари учун ҳеч ҳам ўч олмасдилар. Бордию Аллоҳ муҳтарам қилган нарса беҳурмат қилинса, унда Аллоҳ учун ўч олардилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

641/11. Ибн Масъуддан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Сизларга дўзах ҳаром кишини ёки дўзах унга ҳаром бўлган кишининг хабарини берайми? У биродарларига ҳожат вақтида яқин турадиган, тавозуъли ва мулойим кишидир», дедилар. *Имом Термизий ривоятлари.*

75-БОБ
Кечиримли бўлиб, жоҳиллардан юз ўгириш ҳақида

Аллоҳ таоло: **«**(Эй Муҳаммад), **марҳаматли бўлинг, яхшиликка буюринг ва жоҳиллардан юз ўгиринг!»** (Аъроф сураси, 199-оят),

«Бас, (шундай экан, эй Муҳаммад, сиз жоҳил кимсаларнинг етказаётган озор-азиятларига сабр-тоқат қилинг ва улардан) **чиройли юз ўгириш билан юз ўгиринг!»** (Ҳижр сураси, 85-оят),

«Балки (уларни) **авф қилиб, кечирсинлар. Аллоҳ сизларни мағфират қилишини истамайсизларми?»** (Нур сураси, 22-оят),

«(У тақводор зотлар)... **одамларнинг** (хато-камчиликларини) **авф этадиган кишилардир. Аллоҳ бундай яхшилик қилувчиларни севади»** (Оли Имрон сураси, 134-оят),

«Албатта, ким (ўзига етган озор-азиятларга) **сабр қилса ва** (интиқом олмай Аллоҳ учун) **кечириб юборса, шак-шубҳасиз бу** (иш) **ишларнинг мақсадга мувофиғидир»** (Шўро сураси, 43-оят), деб айтган.

642/1. Оишадан ﵂ ривоят қилинади. Бу онамиз Расулуллоҳга ﷺ: «Уҳуд кунидан ташқари сизнинг устингизда бошқа яна қаттиқ кун бўлганми?» деганларида, Расулуллоҳ ﷺ: «Ҳа, қавмингдан озор етди. Буларнинг энг шиддатлиси Ақаба куни улардан етган озордир. Мен ибн Абдуйолил ибн Абдукулолга ўз даъватимни тақдим қилганимда, у мен хоҳлаган даъватга қулоқ ҳам тутмади. Шу алфозда хафа бўлиб йўлга равона бўлдим. Қарнуссаоълиб номли ерга борганимда, ўзимга келиб, бошимни кўтарсам, бир булут устимда соя бўлиб турибди. Қарасам, Жаброил алайҳиссалом турибдилар. Кейин у зот менга хитоб қилиб: «Албатта, Аллоҳ таоло қавмингизнинг айтган сўзини ва берган раддияларини эшитди. Ҳамда тоғлар фариштасини хизматингизга юборди. Нима хизматингиз бўлса, буюринг, у бажаради», дедилар. Кейин тоғ фариштаси олдига чақириб, менга салом берди. Сўнгра у: «Эй Муҳаммад, албатта, Аллоҳ таоло қавмингиз сизга айтган сўзини эшитди. Мен тоғ фариштасидирман. Аллоҳ мени сизнинг хоҳлаган буйруғингизни рўёбга чиқариш учун юборди. Агар хоҳласангиз, икки метин қояни бир-бирига урайин, улар орасида қолиб ҳалок бўлишсин», деди. Шунда Расулуллоҳ ﷺ: «Балки уларнинг пушти камаридан Аллоҳга бирор нарсани шерик қилмай, якка Унинг ўзига ибодат қилувчи кишилар чиқиб қолиши мумкин», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

643/2. Оишадан ﵂ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ бирор кишини ё хотинларини ёки ходимларини қўллари билан урмадилар. Фақатгина Аллоҳ йўлидаги жиҳодда қўллари билан урдилар. Ва яна бирор киши томонидан ўзларига етган озор учун ўч олмадилар. Фақатгина Аллоҳ муҳтарам қилган нарса беҳурмат қилинса, Аллоҳ учун ўч олардилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

644/3. Анасдан ﵁ ривоят қилинади. Мен Расулуллоҳ ﷺ билан бирга кетаётган эдим. У зотнинг устларида ҳошияси йўғон нажроний чопонлари бор эди. Бир аъробий у зотга етиб олиб, ҳалиги чопонларидан қаттиқ тортди. Мен у зотнинг бўйин томонларига қарасам, аъробий чопонларини қаттиқ тортганидан ҳошиясининг изи тушиб қолибди. Кейин у аъробий: «Эй Муҳаммад, ҳузурингдаги Аллоҳнинг молларидан менга ҳам бер», деди. Расулуллоҳ ﷺ унинг бу муомаласига кулиб қўйдилар. Ва кейин унга бирор нарса бериб юборишни буюрдилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

645/4. Ибн Масъуддан ﵁ ривоят қилинади. Расулуллоҳни ﷺ кўриб тургандекман. У зот набийлардан бири ҳақида (Аллоҳнинг уларга салавоти,

саломлари бўлсин) ҳикоя қилиб: «У набийни қавми уриб, юзларини қонатиб юборди. У набий эса юзларидан қонни артиб: «Аллоҳим, қавмимни кечиргин. Чунки улар билмасдан озор беришди», деди», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

646/5. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Курашда куч билан енгадиган одам кучли эмас., балки жаҳли чиққанида ғазабини босиб олган киши кучлидир», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

76-БОБ
Бошқалардан етган озорларга чидамли бўлиш ҳақида

Аллоҳ таоло: **«**(У тақводор зотлар)... **ғазабларини ичларига ютадиган, одамларнинг** (хато-камчиликларини) **авф этадиган кишилардир. Аллоҳ бундай яхшилик қилувчиларни севади»** (Оли Имрон сураси, 134-оят).

«Албатта, ким (ўзига етган озор-азиятларга) **сабр қилса ва** (интиқом олмай Аллоҳ учун) **кечириб юборса, шак-шубҳасиз бу** (иш) **ишларнинг мақсадга мувофиғидир»** (Шўро сураси, 43-оят), деб айтган.

647/1. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Бир киши Расулуллоҳ ﷺ ҳузурларига келиб, «Эй Аллоҳнинг расули, менинг қариндошларим бор. Уларга силаи раҳм қилсам ҳам, алоқани узишаверади. Уларга яхшилик қилсам ҳам, ёмонлик қилишаверади. Уларга ҳалимлик қилсам ҳам, жоҳиллик қилишаверади», деганида, у зот: «Агар айтганинг рост бўлса, уларнинг оғизларига иссиқ кулни солган бўласан. Модомики, мана шу ҳолатда бўлар экансан, Аллоҳ томонидан бир мададкор уларнинг зиддига сен билан бирга бўлади», дедилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

77-БОБ
Шариат ҳурмат этган нарсалар беҳурмат қилинганида ғазабланиш ва Аллоҳнинг динига ёрдам бериб, ҳимоя этишнинг фазилати тўғрисида

Аллоҳ таоло: **«Ким Аллоҳ ҳаром қилган нарсаларни ҳурмат** (риоя) **қилса, бас, бу Парвардигори наздида ўзи учун яхшидир»** (Ҳаж сураси, 30-оят).

«Эй мўминлар, агар сизлар Аллоҳга ёрдам берсангизлар (яъни Унинг йўлида жиҳод қилсангизлар)**, У зот ҳам сизларга ёрдам берур ва** (жанг майдонида) **қадамларингизни собит-барқарор қилур»** (Муҳаммад сураси, 7-оят), деб айтган.

648/1. Абу Масъуд Уқба ибн Амр ал-Бадрийдан ﷺ ривоят қилинади. Бир киши Расулуллоҳ ﷺ ҳузурларига келиб: «Мен фалон киши узун қироат қилгани учун бомдоддан ортда қоламан», деди. Расулуллоҳнинг ﷺ ўша

кунги ғазабланганларидек бирорта мавъизада жаҳлилари чиққанини кўрмаганман. Расулуллоҳ ﷺ: «Эй инсонлар! Сизларнинг баъзиларингиз одамларни жамоатдан қочирар экансизлар. Бундан кейин сизлардан қайси бирингиз имомлик қиладиган бўлса, намозини қисқа қилсин. Чунки унинг орқасида кекса ёшлилар, кичик ёшлилар ва ҳожатмандлар бордир», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

649/2. Оишадан ﵂ ривоят қилинади. Мен токчаларимдан бирига юпқа парда тутиб қўйган эдим. Унинг суратлари бор эди. Расулуллоҳ ﷺ сафардан келиб, ногаҳон унга кўзлари тушиб қолиб, йиртиб ташладилар. Ва (ғазаблари келганидан) юзлари ўзгариб кетди. Ва у зот: «Эй Оиша, Қиёмат куни Аллоҳнинг ҳузурида ҳаммадан кўп азобланадиган киши бир нарсани яратишда ўзларини Аллоҳга ўхшатган кишилардир», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

650/3. Оишадан ﵂ ривоят қилинади. Махзумия қабиласидаги бир аёлнинг ўғирлик қилгани қурайшликларни ғамга солиб қўйди. Шунда улар: «Ким Расулуллоҳ ﷺ билан (у аёл жазосининг ижро этилмаслиги ҳақида) гаплашади?» дейишганда, баъзилари: «Усома ибн Зайд бориб гаплашади. Чунки уни Расулуллоҳ ﷺ яхши кўрадилар», дейишди. Бас, Усома ﵁ шафеълик қилиб, бу ҳақда Расулуллоҳ ﷺ билан гаплашганларида, у зот ﷺ: «Аллоҳнинг ҳадларидан бўлган бир ҳадда, яъни жазосида шафеълик қиласанми?» дедилар-да, ўринларидан туриб, қуйидагича хутба айтдилар: «Сизлардан олдинги умматларнинг ҳалок бўлишларига сабаб, ораларида улуғ бир киши ўғирлик қилиб қўйса, жазони тарк қилишар, заиф, оддий одам ўғирлик қилса, ҳад (жазо) ижро этишар эди. Аллоҳ номига қасамки, Муҳаммад қизи Фотима ўғирлик қилса, унинг қўлини кесар эдим», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

651/4. Анасдан ﵁ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ масжиднинг қибла томонида балғам кўриб қолдилар. Бу нарса у зотга жуда оғир ботди. Ҳаттоки унинг асорати юзларида кўринди. Бас, ўринларидан туриб, уни қўллари билан ишқаб кетказдилар-да: «Сизлардан бирортангиз намозда турадиган бўлса, у намозда Раббисига мурожаат қилади. Раббиси эса у билан қибла орасида бўлади. Шундоқ экан, сизлардан бирортангиз қибла томонга тупурмасин. Балки чап томонига ёки қадами остига тупурсин», деб, кейин чопонларининг бир томонига тупурдилар-да, уни бир-бирига ишқаб: «ёки мана шундоқ қилсин», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

Фойда: Чап томони ва оёғи остига тупуриши масжиддан ташқаридадир. Агар масжид ичида тупуришга мажбур бўлиб қолса, чопонининг бир тарафига тупуриб, ишқаб ташласин.

78-БОБ
Бошлиқлар ўз қўл остидагиларга мулойим, хайрихоҳ ва

шафқатли бўлишлари, уларни алдаш, қўполлик қилиш, ҳожатмандларидан ғафлатда бўлишдан қайтариқ ҳақида

Аллоҳ таоло: **«Ўзингизга эргашган мўминлар учун қанотингизни паст тутинг** (яъни уларга хуш хулқ билан камтарона муносабатда бўлинг)**»** (Шуаро сураси, 215-оят)**,**

«Албатта, Аллоҳ адолатга, чиройли амаллар қилишга ва қавм-қариндошга яхшилик қилишга буюрур ҳамда бузуқлик, ёмон ишлар ва зўравонликлардан қайтарур» (Наҳл сураси, 90-оят), деб айтган.

652/1. Ибн Умардан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Барчаларингиз ҳомийсиз ва қўл остингиздагиларга масъулсиз. Имом ҳомийдир. Ва қўл остидагиларга масъулдир. Киши ўз аҳлига ҳомийдир. Ва қўл остидагиларга масъулдир. Хотин эрининг уйида ҳомийдир ва қўл остидагиларга масъулдир. Хизматкор бошлиғи молида ҳомийдир. Ва қўл остидагиларга масъулдир. Барчангиз ҳомийсиз ва қўл остингиздагиларга масъулсиз», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

Фойда: Ҳар бир шахснинг жамият олдидаги масъулияти, ҳар бир эркакнинг аҳли ҳузуридаги масъулияти, ҳар бир аёлнинг эри хонадонидаги масъулияти ва барча инсонларнинг бошқа кишилар олдидаги масъулияти бор.

653/2. Абу Яъло Маъқал ибн Ясордан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Бирор бандани Аллоҳ таоло бир жамоага бошлиқ қилсаю, у ўз қўл остидагиларни алдаб бу дунёдан ўтса, Аллоҳ таоло унга жаннатни ҳаром қилади», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

Бошқа ривоятда: «Бошлиқ ўз қўл остидагиларга жонкуярлик қилмаган ҳолда ўлса, жаннат ҳидини ҳидламайди», дейилган.

Имом Муслимнинг бошқа ривоятларида: «Қайси бир амир мусулмонлар ишида бошлиқ бўлсаю, уларга жонкуяр ва хайрихоҳ бўлмаса, улар билан бирга жаннатга кирмайди», дейилган.

654/3. Оишадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ менинг уйимдалик пайтларида қуйидагича сўзларни айтардилар: «Аллоҳим, кимни умматимнинг ишида бошлиқ қилсанг-у, у қўл остидагиларга бешафқат бўлса, Сен ҳам унга бешафқат бўлгин. Кимни умматимнинг бирор ишида бошлиқ қилсанг-у, у қўл остидагиларга мулойим бўлса, Сен ҳам унга мулойим бўлгин». *Имом Муслим ривоятлари.*

655/4. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Бани Исроил жамоасига пайғамбарлар бошлиқ бўлар эди. Қачон бир пайғамбар вафот этса, ўрнига бошқа пайғамбар қолар эди. Мендан кейин эса пайғамбар йўқдир. Балки мендан кейин яқин кунларда халифалар бўлиб, улар кўпайиб кетишади», дедилар. Саҳобалар: «Эй Аллоҳнинг Расули! Ўша кун келса, бизга нимани буюрасиз?» дейишди. Шунда Расулуллоҳ ﷺ: «Аввал кимга байъат қилган бўлсангиз, ўшанга вафодор туринг. Кейин ўша

аввалгининг ҳаққини адо қилиб беринг. Ўзингизнинг ҳаққингизни эса Аллоҳдан сўранг. Чунки Аллоҳ бошлиқ этиб тайинлаганлардан ўзи сўроқ-савол қилади», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

656/5. Оиз ибн Амрдан ﷺ ривоят қилинади. Бу зот Убайдуллоҳ ибн Зиёднинг ҳузурига кириб: «Эй ўғилчам, мен Расулуллоҳдан ﷺ эшитганман. Албатта, бошлиқларнинг ёмони қўл остидагиларга озор етказадиганидир. Сен ана шунақа бўлишдан четлангин», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

657/6. Абу Марям ал-Аздийдан ﷺ ривоят қилинади. Бу зот Муовияга ﷺ: «Мен Расулуллоҳдан ﷺ: «Кимни Аллоҳ мусулмонлар ишида бошлиқ қилсаю, у ўзи билан мусулмонлар орасини тўсиб турувчи қўриқчи қўйса, шу туфайли мусулмонлар ўз ҳожатлари, эҳтиёжлари ва камбағалликларини айта олишмаса, Аллоҳ таоло ҳам Қиёмат куни ўша бошлиқнинг ҳожатини ва арз-додини тингламайди», деганларини эшитдим», деб айтдилар. Муовия бу ҳадисни эшитганларидан кейин одамларнинг ҳожатини чиқарадиган бўлдилар. *Абу Довуд ва Термизий ривоятлари.*

79-БОБ
Адолатли бошлиқнинг фазилати ҳақида

Аллоҳ таоло: **«Албатта, Аллоҳ адолатга ва чиройли амаллар қилишга... буюрур»** (Наҳл сураси, 90-оят),

«(Мудом) **адолат қилинглар! Зеро Аллоҳ адолат қилгувчиларни севар»** (Ҳужурот сураси, 9-оят), деб айтган.

658/1. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Аллоҳ таоло етти тоифа кишига соя йўқ кунда ўз соясидан (Қиёмат ҳароратида Аршнинг соясидан) паноҳ берур: 1) одил подшоҳ; 2) Аллоҳнинг ибодатида ўсган йигит; 3) масжидга қалби муаллақ (боғлиқ) бўлган киши, яъни масжиддан чиқиб, то унга қайтгунича қалби боғлиқ бўлувчи; 4) Аллоҳ йўлида дўст бўлувчи икки биродар шахс, улар Аллоҳ йўлида жам бўлиб, Унинг йўлида ажраладилар; 5) бир кишини ҳусну жамолда тенгги йўқ аёл (ёмон ниятда) ўз нафсига чақирса, у киши Аллоҳдан қўрқаман, деб жавоб қилса; 6) бир киши бирор садақа қилса, ўша берган садақасини шу даражада махфий қилсаки, ўнг қўли билан берганини чап қўли сезмаса; 7) бир киши холи ҳолда Аллоҳни эслаганида, кўзидан ёш оқса», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

659/2. Абдуллоҳ ибн Амр ибн Оссдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Адолатли бўлган (бошлиқ)лар учун Аллоҳ ҳузурида нурдан бўлган минбарлар бордир. Яъни у бошлиқлар ҳукм чиқаришда, ўз аҳллари ва ўз вазифаларига адолатли бўлишади», дедилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

660/3. Авф ибн Моликдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Сизларнинг яхши ҳокимларингиз шундай кишиларки, сизлар уларни яхши кўрасизлар. Улар ҳам сизларни яхши кўришади. Сизлар улар ҳаққига дуо қиласизлар. Улар ҳам сизларнинг ҳаққингизга дуо қилишади. Ёмон ҳокимларингиз шундай кишиларки, сизлар уларни ёмон кўрасизлар. Улар ҳам сизларни ёмон кўришади. Сизлар уларни лаънатлайсизлар. Улар ҳам сизларни лаънатлашади», деганларида, биз: «Эй Аллоҳнинг Расули, ундоқ бўлса, улар билан урушайликми?» деганимизда, у зот: «Модомики намоз ўқишар экан, урушманглар», деб айтдилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

661/4. Иёз ибн Ҳимордан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Уч тоифа киши жаннат аҳлидир: 1. Адолатга муваффақ бўлган подшоҳ; 2. Қариндошлари ва мусулмон биродарларига раҳмли ҳамда қалби юмшоқ киши; 3. Болалари кўп ва ўзи муҳтож бўласа-да тиланчилик қилмайдиган киши», дедилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

80-БОБ
Гуноҳга буюришмаса, бошлиқларга итоат қилишнинг вожиблиги, агар гуноҳга буюришса, итоатда бўлишнинг ҳаромлиги тўғрисида

Аллоҳ таоло: **«Эй мўминлар, Аллоҳга итоат қилингиз ва пайғамбарга ҳамда ўзларингиздан бўлган** (яъни мусулмон) **ҳокимларга бўйинсунингиз»** (Нисо сураси, 59-оят), деб айтган.

662/1. Ибн Умардан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Ҳар бир мусулмон киши, агар гуноҳга буюрилмаса, бошлиғининг сўзига, яхши кўрса ҳам, ёмон кўрса ҳам, эшитиб итоат қилиши лозим. Агар бордию, гуноҳ бўлса, эшитиш ҳам, итоат қилиш ҳам йўқ», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

663/2. Ибн Умардан ﷺ ривоят қилинади. Биз Расулуллоҳ ﷺнинг айтган сўзларини эшитиб, итоат этишга байъат қилсак, у зот: «Агар тоқатларингиз етадиган нарсага ҳукм қилинса», дер эдилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

Фойда: Агар бошлиқ тоқат етадиган ишга буюрса итоат қилинади. Аксинча итоат йўқдир.

664/3. Ибн Умардан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Ким бошлиғига итоат қилишдан бош тортса, Қиёмат куни ҳужжати йўқ ҳолатда йўлиқади. Кимки мусулмонлар жамоатига боғланмай ўлса, жоҳилият давридагилардек ўлади», дедилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

Муслимнинг бошқа ривоятларида: «Кимки жамоатдан ажраган ҳолда вафот этса, жоҳилият замонасидагилардек ўлади», дедилар.

665/4. Анасдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Агар сизларга майиздай қора ҳабаший қул бошлиқ қилинса ҳам, эшитиб итоат қилинглар», деб айтдилар. *Имом Бухорий ривоятлари.*

666/5. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Бошлиғингга қийинчиликда ҳам, енгилчиликда ҳам, хурсандликда ҳам, хафаликда ҳам, ҳаққингни бермаганида ҳам, эшитиб итоат қил!» дедилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

667/6. Абдуллоҳ ибн Умардан ﷺ ривоят қилинади. Биз Расулуллоҳ ﷺ билан бирга сафарда юриб, бир манзилга тушдик. У ерда кимдир капасини тузатаётган эди. Ва кимдир ўқ отиш мусобақаси ила машғул эди. Ва яна кимдир ҳайвонларини ўтлатаётган эди. Шунда Расулуллоҳ ﷺ жарчиларидан бири жар солиб, жамоат намозига чақирди. Биз у зот ҳузурларига жамландик. У зот: «Мендан олдин бирор пайғамбар келган бўлса, билган яхшиликка ўз умматини далолат қилиб, билган ёмонликдан ўз умматини огоҳлантириш унинг зиммасидадир. Албатта, бу умматнинг аввалги авлодига офият насиб қилингандир. Умматнинг охирги авлодига эса балолар ва инкор қилинадиган ишлар бўлади. Шунақа фитналар бўладики, баъзиси (катта бўлганидан) баъзисини текислаб кетади. Ва яна бир фитна пайдо бўладики, мўмин киши уни кўрганда мана шу ҳалок қилади, дейди. Кейин ундан бу фитна кетади. Ва яна ҳар хил фитна бўлади. Мўмин киши: «Бу мени ҳалок қилади. Бу мени ҳалок қилади», дейди. Ким дўзахдан узоқлашиб, жаннатга киришни истаса, Аллоҳга ва охират кунига иймон келтириб ўлсин. Ва ўзига қандай муомала қилинишини яхши кўрса, одамларга ҳам шундай муомала қилсин. Ким бир имомга қўлини бериб, чин қалбдан байъат қилган бўлса, қодир бўлгунича итоат этсин. Агар иккинчи имом чиқиб, ўша байъат қилган биринчи имоми билан низо қилса, ўша иккинчисининг гарданига уринглар», деб айтдилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

668/7. Абу Ҳунайда Воил ибн Ҳужрдан ﷺ ривоят қилинади. Салама ибн Язид ал-Жаъфий ﷺ Расулуллоҳдан ﷺ: «Эй Аллоҳнинг набийси, агар бизнинг тепамизга ўз ҳақларини биздан талаб қилиб, бизларнинг ҳаққимизни адо этмайдиган амирлар келишса, нима қилмоғимизни буюрасиз?» деб сўраганларида, Расулуллоҳ ﷺ жавоб бермай, юзларини ўгирдилар. Кейин яна сўраганларида, Расулуллоҳ ﷺ: «Шунда ҳам сизлар уларнинг сўзларини эшитиб, итоат қилинглар. Чунки улар ўз вазифаларига масъулдирлар. Сизлар ҳам ўз вазифангиз (яъни итоат этиш)га масъулдирсиз», дедилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

669/8. Абдуллоҳ ибн Масъуддан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Мендан кейин лаганбардорлик, ҳамда инкор қилинадиган ношаръий ишларни кўрасизлар!» деганларида, саҳобалар: «Эй Аллоҳнинг расули, шундай кун келса, нима қилишга буюрасиз?» дейишди. Расулуллоҳ ﷺ: «Устингизда бўлган ҳақларни адо этинглар. Ва ўз ҳақларингизни Аллоҳдан талаб қилинглар», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

670/9. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Ким менга итоат қилса, батаҳқиқ Аллоҳга итоат қилибди. Ким менга осийлик қилса, батаҳқиқ Аллоҳга осийлик қилибди. Ким амирига итоат қилса, батаҳқиқ менга итоат қилибди. Ким амирига осийлик қилса, батаҳқиқ менга осийлик қилибди», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

671/10. Ибн Аббосдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Ким амирининг ишида бирор нарсани кариҳ кўрса, сабр қилсин. Чунки амирининг итоатидан бирор қарич ташқарига чиқса, жоҳилиятда ўлган каби вафот этади», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

672/11. Абу Бакрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Ким подшоҳини хўрласа, Аллоҳ ҳам уни хўрлайди», дедилар. *Имом Термизий ривоятлари.*

81-БОБ
Амирликни ўзи сўраб курсига ўтиришдан қайтариш ҳамда тайин этилмаса ёки мажбурият бўлинмаса, уни тарк қилишнинг афзаллиги

Аллоҳ таоло: **«Биз ўша Охират диёрини Ер юзида зулму зўравонлик ва бузғунчилик қилишни истамайдиган кишилар учун қилурмиз. Оқибат тақво қилгувчи кишиларникидир»** (Қасос сураси, 83-оят), деб айтган.

673/1. Абу Саид Абдураҳмон ибн Самурадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ менга: «Эй Абдураҳмон ибн Самура, амирликка ўзинг талабгор бўлма! Чунки ўзинг талабгор бўлмасдан, сени амир этсалар, у ҳолда Аллоҳ Ўзи сенинг мададкоринг бўлади. Агар ўзинг талабгор бўлиб, амир бўлсанг, бу ҳолда Аллоҳ ўзингга топшириб қўяди. Ва яна агар сен бир нарсага қасам ичсанг, кейин яхшилик унинг аксида бўлса, ўша яхшисини ихтиёр қилгин-да, бузган қасамингнинг каффоратини бергин», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

674/2. Абу Заррдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Эй Абу Зарр, мен сени бечораҳол киши, деб биламан. Ўз нафсимга нимани яхши кўрсам, сенга ҳам ўша нарса бўлишини яхши кўраман. Сенга насиҳатим шуки, ҳеч ҳам икки киши устидан бошлиқ бўлма. Ва ҳаргиз етимнинг моли топширилса, уни ола кўрма», деб айтдилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

675/3. Абу Заррдан ﷺ ривоят қилинади. Мен: «Эй Аллоҳнинг Расули, мени ҳам бирор ерга бошлиқ қилмайсизми?» деганимда, у зот қўллари билан елкамга уриб: «Эй Абу Зарр, сен бечораҳол бир кишидирсан. Бошлиқлик бу дунёда омонат, Қиёматда эса хўрлик ва надоматдир. Фақатгина ким ҳақ йўл билан уни қўлга киритиб, ҳаққини яхши суратда адо этса, хўрлик ва надомат йўқдир», дедилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

676/4. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Сизлар амир (бошлиқ) бўлишга кўп рағбат қиласизлар. Ваҳоланки бошлиқлик Қиёмат куни надоматдир», деб айтдилар. *Имом Бухорий ривоятлари.*

82-БОБ
Подшоҳ, қози ва бошқаларнинг иш бошқариш учун солиҳ вазирларни олиб, аъёнларнинг ёмонини яқинлаштирмай, маслаҳатларидан четланишларига тарғиб баёни

Аллоҳ таоло: **«У кунда дўстлар бир-бирига душмандир, магар** (Аллоҳ йўлида дўстлашган) **тақводор зотларгина** (мангу дўстдирлар)**»** (Зухруф сураси, 67-оят), деб айтган.

677/1. Абу Саид ва Абу Ҳурайралардан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Аллоҳ қайси бир пайғамбарни юборса ёки халифани тайин этса, албатта, уларнинг икки қисм сирдошлари бўлади. Бири яхшиликка буюриб, унга далолат қилади. Иккинчиси ёмонликка буюриб, унга далолат қилади. Аллоҳ асраган одам пок кимсадир», дедилар. *Имом Бухорий ривоятлари.*

678/2. Оишадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Агар Аллоҳ бир амир (бошлиқ) га яхшиликни ирода қилса, унга ростгўй вазирни насиб қиладики, бошлиқ эсидан чиқарган нарсани у эсига солади. Агар эсида бўлса, уни рўёбга чиқаришга ёрдам беради. Бордию Аллоҳ бошлиққа ёмонликни ирода қилса, унга ёмон вазирни насиб қиладики, агар бошлиқнинг эсидан чиқса, у эсига солмайди. Агар эсласа, ёрдам бермайди», дедилар. *Бу ҳадисни Абу Довуд Имом Муслимнинг шартларига мувофиқ яхши иснод билан ривоят қилганлар.*

83-БОБ
Амирликка, қозиликка ёки бошқа шу каби муҳим вазифаларга ўзи хоҳлаб, талабгор бўлган ҳамда ўзини таклиф қилган кишини ўша мансабга тайин қилишдан қайтариш хусусида

679/1. Абу Мусо ал-Ашъарийдан ﷺ ривоят қилинади. Мен ва амакимнинг икки ўғли Расулуллоҳ ﷺ ҳузурларига кирдик. Улардан бири: «Эй Аллоҳнинг Расули! Аллоҳ сизни бошлиқ этган мамлакатнинг баъзи жойларига бизни амир қилсангиз», деди. Иккинчиси ҳам аввалгига ўхшаш сўз айтди. Шунда Расулуллоҳ ﷺ: «Аллоҳ номига қасамки, биз бошлиқликка талабгор бўлиб, унга хирс қилган бирор кишини у вазифага тайинламаймиз», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

ОДОБ КИТОБИ
84-БОБ
Ҳаё ва унинг фазилати ҳамда унга одатланмоққа тарғиб қилиш ҳақида

680/1. Ибн Умардан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ ансорий бир киши олдидан ўтаётгандилар, у ансорий биродарига насиҳат қилиб турган экан (яъни жуда қаттиқ ҳаёли бўлма! Ўзингга қийин бўлади, деб). Шунда Расулуллоҳ ﷺ: «Буни ўз ҳолига қўйгин. Чунки ҳаё иймондандир (яъни иймони бор кишининг ҳаёси бўлади)», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

Фойда: Ҳаё иймонни мукаммаллигидандир. Чунки ҳаёли киши ёмон амалларни қилишдан ўзини тўхтатади. Ҳаё тоатга ундайди. Ҳаё инсон хилқатида бор бўлган ғариза бўлиб, хулқланиш, уни касб қилиш ва шариат одобларига амал қилиш орқали кучайтирилади.

681/2. Имрон ибн Ҳусайндан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Ҳаё ҳамиша яхшилик олиб келади», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

Имом Муслимнинг ривоятларида: «Ҳаёнинг ҳаммаси хайрлидир», дейилган.

682/3. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Иймоннинг етмиш нечта ёки олтмиш нечта ҳам бўлаги (шўъбаси) бордир. Уларнинг афзали «Ла илаҳа иллаллоҳ»дир. Энг пасти йўлдан азият берувчи нарсани олиб ташлашдир. Ҳаё ҳам ўша иймон бўлакларидан биридир», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

683/4. Абу Саид ал-Худрийдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ парда ортидаги бокира қиздан ҳам ҳаёлироқ эдилар. Агар у зот бирор нарсани кариҳ кўрсалар, биз у зотнинг юзларидан билиб олар эдик. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

Уламолар: «Ҳаё бир хулқдирки, кишини ёмон иш қилгани қўймайди. Ҳамда ҳақдорнинг ҳаққини адо қилишда пайдо бўладиган сустликдан ман қилади», дейишган.

Абулқосим Жунайд айтадилар: «Ҳаё — Аллоҳнинг неъматларини ва ўзининг шукридаги қусурликни ҳис этишдир. Буларнинг ўртасидаги бир ҳолат юзага келадики, у ҳаё деб номланади. Валлоҳи аълам».

85-БОБ
Сир сақлашнинг фазилати тўғрисида

Аллоҳ таоло: **«Аҳдга вафо қилинглар. Зеро аҳд-паймон** (Қиёмат куни) **масъул бўлинадиган ишдир»** (Исро сураси, 34-оят), деб айтган.

684/1. Абу Саид ал-Худрийдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Қиёмат куни Аллоҳ ҳузурида ёмон мақомдаги киши шундай кишики, у ўз хотини билан жинсий алоқада бўлиб, бир-бирларининг аъзоларига назар ташлаб, кейин хотинидаги сирларни тарқатади», дедилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

685/2. Абдуллоҳ ибн Умардан ﷺ ривоят қилинади. Умарнинг ﷺ қизлари Ҳафса бева бўлиб қолганида, Умар ﷺ Усмон ибн Аффонга йўлиқиб, Ҳафсани Усмонга ﷺ таклиф қилиб: «Хоҳласангиз, қизим Ҳафсани сизга никоҳлаб қўяман», дедилар. Усмон ﷺ: «Бир ўйлаб кўраман», дедилар. Умар ﷺ: «Бу гапдан кейин бир кеча кутдим. Сўнгра Усмон ﷺ менга йўлиқиб: «Равшан бўлдики, бугунги кунда уйлана олмас эканман», дедилар. Кейин Абу Бакр Сиддиққа ﷺ йўлиқиб. Агар хоҳласангиз, қизим Ҳафсага сизни уйлантириб қўяман», десам, у зот бирор нарса демай жим турдилар. Мен Усмонга ﷺ нисбатан Абу Бакрдан ﷺ хафа бўлдим. Шундан бир неча кун ўтгач Расулуллоҳ ﷺ совчи бўлдилар. Мен қизимни Расулуллоҳга ﷺ никоҳлаб қўйдим. Кейин Абу Бакр ﷺ менга йўлиқиб: «Эй Умар, қизингни менга таклиф қилганингда бирор жавоб қилмасдан жим турганимдан хафа бўлган бўлишинг мумкин», дегандилар. Мен: «Ҳа», деб жавоб бердим. Шунда Абу Бакр ﷺ: «Сен қизингни таклиф этганингда бирор монеълик йўқ эди. Лекин Расулуллоҳ ﷺ қизингни никоҳларига олиш истаклари борлигини билар эдим. Мен у зотнинг сирларини фош қилмай, деб жавоб бермадим. Агар у зот қизингни никоҳларига олмаганларида, албатта, мен олар эдим», дедилар». *Имом Бухорий ривоятлари.*

686/3. Оишадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳнинг ﷺ ҳамма хотинлари у зотнинг ҳузурларида туришган эди. Шу пайт қизлари Фотима ﷺ келиб қолдилар. Фотиманинг ﷺ юришлари оталарининг юришларидан ҳеч фарқ қилмас эди. Оталари Фотимани кўриб: «Марҳабо, хуш келибсиз, қизим», деб пешвоз чиқдилар. Кейин ўнг томонларига ёки чап томонларига ўтказдилар. Ва қулоқларига ниманидир пичирлаб гапирдилар. Фотима ﷺ бу сўздан қаттиқ йиғладилар. Расулуллоҳ ﷺ қизларидаги бетоқатликни кўриб, яна қизларининг қулоғига ниманидир пичирладилар. Фотима ﷺ бундан кулдилар. Шунда мен Фотимага ﷺ: «Расулуллоҳ ﷺ шунча хотинлари ичида сизни хослаб, сир айтсалар, сиз нимага йиғлайсиз?» дедим. Кейин Расулуллоҳ ﷺ ўринларидан туриб кетганларида, Фотимадан ﷺ: «Расулуллоҳ ﷺ сенга нима дедилар?» деб сўрасам, у: «Расулуллоҳнинг ﷺ сирларини фош қилмайман», деди. Расулуллоҳ ﷺ вафот этганларида, мен яна Фотимадан ﷺ: «Оналик ҳаққи-ҳурмати, Расулуллоҳ ўша куни нима дедилар?» десам, Фотима ﷺ: «Энди майли, айтиб бераман. Аввалги гал қулоғимга пичирлаганларида айтдиларки: «Жаброил алайҳиссалом ҳар йили келиб бир (ё икки) марта Қуръонни кўрикдан ўтказардилар. Ҳозир икки марта Қуръонни кўрикдан ўтказдилар. Ажалим яқинлашиб қолганини ҳис қилаяпман. Аллоҳдан тақво қилиб, сабр этгин. Мен сен учун нақадар яхши пешводирман». Шу гапдан кейин сиз гувоҳи бўлган ўша йиғи зоҳир бўлди.

Мендаги бетоқатликни кўриб, иккинчи марта қулоғимга пичирлаб: «Эй Фотима, мўмина аёлларнинг саййидаси ёки бу уммат аёлларининг саййидаси бўлишга рози эмасмисан?» дегандилар. Мана шу гапдан кейин сиз ўша гувоҳи бўлган кулгу зоҳир бўлди», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари. Лафз Имом Муслимники.*

687/4. Собит ﷺ Анасдан ﷺ қилган ривоятларида, Анас ﷺ: «Мен болалар билан ўйнаётган эдим. Расулуллоҳ ﷺ бизнинг ҳузуримизга келиб, салом бердилар ва мени бир иш билан бир жойга юбордилар. Ўша хизмат сабаб бўлиб, онамнинг хизматларидан кечикдим. Қачонки онам ҳузурларига келсам, онам: «Нима учун кеч қолдинг?» деб сўрадилар. Мен: «Расулуллоҳ ﷺ мени бир иш билан юбордилар», дедим. Онам: «Нима иш экан?» деб сўрадилар. Мен: «У – сир», деб айтдим. Шунда онам: «Расулуллоҳнинг ﷺ сирларини ҳеч бир кишига айтмагин», дедилар. Анас ﷺ: «Аллоҳга қасамки, эй Собит, агар у сирни бирор кишига айтганимда, сенга аллақачон гапириб берган бўлар эдим», дедилар. *Имом Муслим ривоятлари. Имом Бухорий эса баъзисини қисқа ҳолатда ривоят қилганлар.*

86-БОБ
Аҳдга вафо қилиш ҳамда ваъда қилган нарсани кечиктирмай бажаришнинг фазилати ҳақида

Аллоҳ таоло: **«Аҳдга вафо қилинглар. Зеро аҳд-паймон** (Қиёмат куни) **масъул бўлинадиган ишдир»** (Исро сураси, 34-оят).

«Аҳд-паймон берган вақтларингизда Аллоҳга берган аҳдингизга вафо қилингиз» (Наҳл сураси, 91-оят).

«Эй мўминлар, аҳдларга (ўзаро келишган битимларга) **вафо қилингиз«** (Моида сураси, 1-оят).

«Эй мўминлар, нега сизлар ўзларингиз қилмайдиган нарсани (қиламиз деб) **айтурсизлар? Сизларнинг ўзларингиз қилмайдиган ишни** (қиламиз деб) **айтишларингиз Аллоҳ наздида ўта манфур** (ишдир)**»** (Саф сураси, 2-3-оятлар), деб айтган.

688/1. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Мунофиқнинг аломати учтадир. Агар сўзласа, ёлғон гапиради. Агар ваъда берса, унга хилоф қилади. Агар омонат қўйилса, хиёнат қилади», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

Имом Муслим ривоятларида эса: «Агар рўза тутиб, намоз ўқиб, ўзнинг мусулмон эканини гумон қилса ҳам...» деб зиёда қилганлар.

689/2. Абдуллоҳ ибн Амр ибн Оссдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Кимда тўрт хислат бўлса, ҳақиқий мунофиқдир. Демак, кимда мана шу

хислатлардан бирортаси бўлса, уни тарк қилгунича, унда нифоқлик бордир. Агар омонат берилса, хиёнат қилади. Гапирса, ёлғон сўзлайди. Аҳдлашилса, шартнома тузилса, устидан чиқмайди. Хусуматлашилса, бузуқлик қилади», деганлар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

690/3. Жобирдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ менга: «Агар Баҳрайндан мол келса, шунча, шунча ва шунча бераман», деб икки ҳовучларини кўрсатдилар. У мол ҳали келмай туриб, Расулуллоҳ ﷺ вафот этдилар. Қачонки Баҳрайндан мол келганида, Абу Бакр ﷺ жарчиларга буюрдилар. Жарчилар эса: «Кимнинг Расулуллоҳдан ﷺ олган ваъдаси ёки берган ваъдаси бўлса, бизнинг ҳузуримизга келсин», дейишди. Кейин мен Абу Бакрнинг ﷺ ҳузурига бориб: «Расулуллоҳ ﷺ менга шунча ва шунча нарсаларни ваъда қилгандилар», дедим. Бас, Абу Бакр ﷺ менга бир ҳовуч олиб бердилар. Уни санасам, беш юз дона экан. Абу Бакр ﷺ: «Яна икки ҳисса олгин», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

87-БОБ
Одатланган яхши амалларда бардавом бўлишнинг фазилати ҳақида

Аллоҳ таоло: **«Аниқки, то бирон қавм ўзларини ўзгартирмагунларича, Аллоҳ уларнинг аҳволини ўзгартирмас»** (Раъд сураси, 11-оят).

«Қасамларингизни (бузиб) **алдов воситаси қилишингиз билан** (яъни бошқа бойроқ ва кучлироқ қавмни топсангиз, аввалги қасамингиздан кечиб кетаверишингиз билан) **худди ўзи тўқиган нарсасини пишиқ-пухта бўлганидан сўнг парча-парча қилиб, бузиб, чуватиб ташлаган хотинга ўхшаб қолмангиз»** (Наҳл сураси, 92-оят).

«(Шунингдек, улар учун) илгари Китоб ато этилган, сўнг (улар билан пайғамбарлари ўртасидаги) **муддат узайгач, диллари қотиб кетган кимсалар** (яъни яҳудий ва насронийлар) **каби бўлиб қолмаслик** (вақти келмадими)**?»** (Ҳадид сураси, 16-оят), деб айтган.

691/1. Абдуллоҳ ибн Амр ибн Оссдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ менга: «Эй Абдуллоҳ, фалончи киши каби бўлмагин. У кечаси (таҳажжуд намозига) турарди, кейин кечаси туришни тарк қилди», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

88-БОБ
Одамлар билан гаплашганда ширин сўз, очиқ чеҳрали бўлишнинг маҳбублиги тўғрисида

Аллоҳ таоло: **«Мўминлар учун қанотингизни паст тутинг** (яъни мудом камтар, тавозуъли бўлинг)**»** (Ҳижр сураси, 88-оят).

«Агар қўпол, қаттиқ дил бўлганингизда эди, албатта, (саҳобаларингиз) **атрофингиздан тарқалиб кетган бўлар эдилар»** (Оли Имрон сураси, 159-оят), деб айтган.

692/1. Адий ибн Ҳотамдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Хурмонинг ярмини (камбағалга бериб бўлса ҳам) дўзахдан сақланинглар. Кимки яримта хурмони топа олмаса, чиройли сўз билан уни сийласин», деб айтдилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

Фойда: Озгина нарса бўлса ҳам садақа беришнинг маҳбублиги, агар бирор нарса топа олмаганда эса чиройли сўзини аямаслиги маълум бўляпти.

693/2. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Яхши сўз ҳам садақадир», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

694/3. Абу Заррдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ менга: «Яхшиликлардан бирортасини паст санамагин. Биродарингга йўлиққанингда кулимсираб қарашдаги яхшиликни ҳам паст санамагин», дедилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

89-БОБ
Гапирилаётган кишига тушунарли қилиб сўзлашнинг ҳамда тушунмаса, такрор гапирмоқнинг маҳбублиги ҳақида

695/1. Анасдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ қачон гапирсалар, уч марта қайтарардилар. Эшитувчилар тушунишлари учун шундай қилардилар. Қачон бир қавмга бориб салом берсалар, уч бор такрорлардилар. *Имом Бухорий ривоятлари.*

696/2. Оишадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳнинг ﷺ сўзлари дона-дона бўлиб, эшитувчи ҳар бир киши бемалол тушунар эди. *Абу Довуд ривоятлари.*

90-БОБ
Бир киши ман қилинмаган сўзларни гапираётган бўлса, ёнидагилар унинг сўзига қулоқ солмоғи ҳамда олим ва воизлар мажлисдагиларни жим қилиши хусусида

697/1. Жарир ибн Абдуллоҳдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ менга видолашув ҳажида: «Одамларни жим қил», дедилар, кейин халойиққа қараб: «Яна сизлар мендан кейин кофир бўлиб, бир-бирингизнинг гарданингизга (қилич) уриб юрманглар», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

91-БОБ
Мавциза ва уни қисқа қилишнинг фазилати тўғрисида

Аллоҳ таоло: **«**(Эй Муҳаммад), **Парвардигорингизнинг йўли — динига донолик-ҳикмат ва чиройли панд-насиҳат билан даъват қилинг»** (Наҳл сураси, 125-оят), деб айтган.

698/1. Абу Воил Шақиқ ибн Саламадан ﷺ ривоят қилинади. Ибн Масъуд ﷺ ҳар пайшанба куни мавъиза қилиб берардилар. Шунда бир киши: «Эй Абу Абдураҳмон (ибн Масъуд), бизга ҳар куни мавъиза қилиб беришингизни истардим», деди. Ибн Масъуд: «Сизларга малол келишини кариҳ кўрмоғим мени ҳар куни мавъиза қилишдан қайтаради. Ва Расулуллоҳ ﷺ бизга малол келишидан қўрқиб мавъиза ҳавола қилганларидек, мен ҳам сизларга шундай мавъиза тақдим этаман», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

699/2. Абу Яқзон Аммор ибн Ёсирдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Кишининг намозини узун қилиб, хутбасини қисқа қилиши фақиҳлигига далолат қилувчи аломатдир. Бас, шундай экан, намозларингизни узун қилиб, хутбаларни қисқа қилинглар», деб айтдилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

700/3. Муовия ибн Ҳакам ас-Суламийдан ﷺ ривоят қилинади. Бир куни мен Расулуллоҳ ﷺ билан намоз ўқиётган эдим. Шу пайт қавм орасида бир киши акса уриб қолди. Мен: «Ярҳамукаллоҳ», десам, қавмдагиларнинг барчалари назарларини менга қаратишди. «Вой, мени онам йўқотсин, нимага менга бундай қараяпсизлар?» десам, улар қўлларини тиззаларига ура бошлашди. Улар мени жим қилмоқчи бўлишди. Лекин мен хафа ҳолда жим бўлдим. Кейин Расулуллоҳ ﷺ намоз ўқиб бўлдилар. Ота-онам у зотга фидо бўлсин, бундан олдин ҳам, кейин ҳам таълим беришда у зотдан яхшироқ муаллимни кўрмадим. Аллоҳ номига қасамки, бу ишим учун мени на жеркидилар, на урдилар ва на сўкдилар. Балки у зот: «Албатта, намоз (шу даражада улуғ ибодатки), одамлар ўз ўрталарида гапириладиган бирор сўзни гапириш дуруст эмас. Албатта, намоз фақат тасбеҳ, такбир ва Қуръон қироати каби амаллардир», дедилар. Ёки у зот шунга ўхшаш сўз айтдилар. Мен: «Эй Аллоҳнинг Расули, яқиндагина жоҳилиятдан (халос бўлган) кишиман. Мана, Ислом дини келди. Баъзиларимиз фолбинга боришади», десам, у зот: «Улар ҳузурига бормагин», дедилар. Кейин мен яна: «Бизлардан баъзиларимиз шумланишади», десам, у зот: «Шумланиш кишиларнинг қалбида бўладиган нарсадир. Лекин унинг сабабидан қилинадиган ишларни тўхтатиб қўйишмасин», дедилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

701/4. Ирбоз ибн Сориядан ﷺ ривоят қилинади: «Расулуллоҳ ﷺ бизга етук бир ваъз айтдилар. Қалблар ваҳимага тушди ва кўзлардан ёш оқди. Шунда биз: «Эй Расулуллоҳ, видолашувчи мавъиза бўлса керак, бизга васият қилинг», десак, у зот: «Сизларга Аллоҳдан тақво қилишни ҳамда агар ҳабаш қул бошлиқ этилса ҳам, эшитиб итоат этишни васият қиламан. Чунки сизлардан қайси бирингиз (узоқ) яшайдиган бўлса, кўп ихтилофларни кўради. Ана шу пайтда менинг суннатимни ва тўғри йўлдаги хулафои рошидинлар суннатини ўзингизга лозим топиб, уни озиқ тишларингиз билан

маҳкам тишланглар. Ишларнинг янгисидан четланинглар. Чунки ҳар бир бидъат залолатдир», дедилар». *Абу Довуд ва Термизийлар ривояти.*

92-БОБ
Виқорли ва босиқ бўлишнинг фазилати ҳақида

Аллоҳ таоло: **«Раҳмоннинг** (суюкли) **бандалари ерда тавозуъ билан юрадиган, жоҳил кимсалар** (бемаъни) **хитоблар қилган вақтида ҳам: «Омон бўлинг», деб жавоб қиладиган кишилардир»** (Фурқон сураси, 63-оят), деб айтган.

702/1. Оишадан ﵂ ривоят қилинади. Бу онамиз: «Расулуллоҳни ﷺ муболаға тарзда ҳамда кичик тиллари кўринадиган даражада кулганларини ҳеч ҳам кўрмадим. У зот фақат табассум қилардилар», деб айтдилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

Фойда: Кулгини озайтиришнинг маҳбублиги айтиляпти. Чунки кўп кулги Аллоҳдан ғафлатда қолишга олиб боради ҳамда дўстлар орасида обрў ва ҳайбатни кетказади.

93-БОБ
Намоз, илм мажлислари ва бошқа ибодат амалларига хотиржамлик ва виқор билан келишнинг фазилати тўғрисида

Аллоҳ таоло: **«Ким Аллоҳ қонунларини ҳурмат қилса, бас, албатта,** (бу ҳурмат) **дилларнинг тақводорлиги сабабли бўлур»** (Ҳаж сураси, 32-оят), деб айтган.

703/1. Абу Ҳурайрадан ﵁ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Агар намозга иқомат айтилса, югуриб келманглар. Балки юриб (оҳиста) келинглар. Ўзингизга хотиржамликни лозим тутинг. Имомга етиб келсангиз, у билан ўқинглар. Ўтиб кетган бўлса, охирига етказиб, ўзингиз (қолиб кетганини) мукаммал қилинглар», деб айтдилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

Имом Муслимнинг ривоятларида: «Сизлардан қайси бирингиз намоз ўқишни қасд қилса, гўёки намоз ичида турган ҳисобланади»ни зиёда қилинган.

704/1. Ибн Аббосдан ﵄ ривоят қилинади. Бу зот Арафа куни Расулуллоҳ ﷺ билан бирга эдилар. Расулуллоҳ ﷺ кетатуриб, орқа томонларидан уриб ҳайдалганидан чопиб келаётган туянинг қаттиқ овозини эшитдилар. Кейин уларга қамчилари билан ишора қилиб: «Эй инсонлар, ўзингизга хотиржамликни лозим тутинглар. Чунки яхшилик шошилиш билан бўлмайди», дедилар. *Имом Бухорий ривоятлари. Имом Муслим баъзисини ривоят қилганлар.*

94-БОБ
Меҳмонни ҳурмат қилишнинг фазилати ҳақида

Аллоҳ таоло: **«**(Эй Муҳаммад), **сизга Иброҳимнинг иззат-икромли меҳмонлари ҳақидаги хабар келдими? Ўшанда улар** (Иброҳимнинг) **ҳузурига кириб: «Салом», дейишган эди, у ҳам: «Салом.** (Булар) **нотаниш қавм-ку», деди. Сўнг у аста оиласи олдига чиқиб,** (қовурилган) **бир семиз бузоқни келтирди-да, уни уларга яқин қилиб: «**(Таомдан) **емайсизларми?», деди»** (Ваз-зорият сураси, 24-27-оятлар).

«(Дарҳақиқат, Лут пайғамбар ҳузурига йигитлар келганини эшитишгач)**, қавми унинг олдига чопиб келишди. Улар илгаридан ёмон ишлар — баччабозлик қилар эдилар. У айтди: «Эй қавмим, анави қизларим** (яъни шаҳримиздаги қизлар) **сизлар учун покроқ-ку** (яъни ўшаларга уйланаверсангиз бўлмайдими)**?! Бас, Аллоҳдан қўрқинглар ва меҳмонларим олдида мени шарманда қилманглар. Орангизда бирон тўғри йўлга юргувчи киши йўқми?!»** (Ҳуд сураси, 78-оят), деб айтган.

705/1. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Ким Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирса, қўшнисига озор бермасин. Ким Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирса, меҳмонини ҳурмат қилсин. Ким Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирса, яхши нарсаларни гапирсин ёки жим турсин», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

Фойда: Қўшнисига зулм қилмасдан яхшилик қилиш, меҳмонини ҳурматлаш ва кам гап бўлиш иймон аломатларидандир.

706/2. Абу Шурайҳ Ҳувайлид ибн Амир ал-Хузоъийдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Ким Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирган бўлса, меҳмонни ҳурмат қилиб, унинг мукофотини берсин», деганларида, саҳобалар: «Эй Аллоҳнинг Расули, унинг мукофотини бериш қанақа бўлади?» дейишди. Шунда Расулуллоҳ ﷺ: «Бир кеча ва кундуз меҳмонни яхшилаб кутсин. Меҳмондорчилик уч кундир. Ундан зиёдаси садақадир», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

Имом Муслимнинг ривоятларида Расулуллоҳ ﷺ: «Мусулмон киши биродарининг ҳузурида уни гуноҳкор қилгунча меҳмон бўлмоғи даркор эмас», деганларида, саҳобалар: «Эй Аллоҳнинг Расули, қандоқ қилиб гуноҳкор қилади?» дейишди. Шунда Расулуллоҳ ﷺ: «Унинг ҳузурида биродари шунақа кўп меҳмон бўлганидан зиёфат қилгулик бирор нарса қолмайди», дедилар.

95-БОБ
Бирор яхши ҳолат пайдо бўлса, хурсандлик ила хабарини бериб, табриклашнинг фазилати ҳақида

Аллоҳ таоло: **«Бас,** (эй Муҳаммад)**, менинг бандаларимга сўзга қулоқ тутиб, унинг энг гўзалига** (яъни нажотга элтгувчи рост сўзга) **эргашадиган зотларга хушхабар беринг!»** (Зумар сураси, 17-18-оятлар).

«Парвардигорлари уларга Ўз тарафидан раҳмат ва ризолик ҳамда улар учун бўладиган жаннатлар хушхабарини берурки, у жаннатларда доимий неъматлар бордир» (Тавба сураси, 21-оят).

«Сизларга ваъда қилинган жаннат хушхабари билан шодланинглар» (Фуссилат сураси, 30-оят).

«Бас, Биз унга бир ҳалим ўғилнинг хушхабарини бердик» (Вас-соффат сураси, 101-оят).

«Дарҳақиқат, Бизнинг элчиларимиз **— фаришталар Иброҳимга** (Исҳоқ исмли фарзанд кўриши ҳақида) **хушхабар билан келдилар»** (Ҳуд сураси, 69-оят).

«(Парда ортида Иброҳимнинг) **хотини турган эди. У** (фаришталарнинг Лут қавмини ҳалок қилиш учун келганликларини эшитиб) **кулди — хурсанд бўлди. Шунда Биз** (фаришталаримиз воситасида) **у аёлга Исҳоқ** (исмли ўғил кўриши) **ҳақида ва Исҳоқдан кейин Яъқуб** (исмли набира кўриши) **ҳақида хушхабар бердик»** (Ҳуд сураси, 71-оят).

«Сўнг меҳробда намоз ўқиб турган вақтида унга фаришталар нидо қилдилар: «(Эй Закариё)**, Аллоҳ сенга Аллоҳнинг сўзини тасдиқ этадиган,** (ўз қавмига) **хожа бўладиган,** (шаҳватлардан ўзини) **тиядиган ва солиҳ пайғамбарлардан бўладиган Яҳё исмли фарзанд хушхабарини берур»**(Оли Имрон сураси, 39-оят).

«Фаришталар дедилар: «Ё Марям, албатта, Аллоҳ сенга Ўз томонидан бир Сўз ҳақида хушхабар берадики, унинг исми ал-Масиҳ Ийсо бинни Марям бўлур» (Оли Имрон сураси, 45-оят), деб айтган.

707/1. Абдуллоҳ ибн Абу Авфодан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ Хадичага ﷺ марвариддан қурилган жаннатдаги уйнинг хушхабарини бердилар. У ерда бефойда сўз ҳам, чарчаш ҳам бўлмайди. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

708/2. Абу Мусо ал-Ашъарийдан ﷺ ривоят қилинади. Бу зот уйларида таҳорат қилиб, кўчага чиқдилар-да: «Бугун Расулуллоҳни ﷺ топиб, у зот билан бирга бўламан», дедилар. Бас, масжидга келдилар-да, Расулуллоҳ ﷺ қаерда эканликларини сўрадилар. Одамлар: «Расулуллоҳ ﷺ у томонга кетдилар», дейишди. Кейин мен у зотнинг изларидан сўраб-суриштириб, «Арис» номли қудуққача бордим. У зот ўша ерга борибдилар. Мен дарвоза олдида ўтирдим. У зот эса ҳожат чиқараётган эканлар. Кейин таҳорат қилдилар. Сўнгра мен у зотнинг ҳузурларига борсам, у зот «Арис» қудуғининг суффачасига ўтириб, оёқларини очиб, қудуққа осилтириб турган эканлар. Мен салом бердим-да, дарвоза олдига бориб: «Бугун Расулуллоҳга ﷺ дарвозабон бўламан», дедим. Бир оздан кейин Абу Бакр ﷺ келиб, дарвозани тақиллатдилар. Мен: «Бу ким?» дедим. «Абу Бакрман», дедилар. Мен: «Бир оз туринг», дедимда: «Эй Расулуллоҳ, Абу Бакр ﷺ ҳузурингизга кириш учун изн сўраяптилар», десам, у зот: «Изн бер ва жаннатга киришининг хушхабарини бер», дедилар. Мен Абу Бакр ﷺ ҳузурига бориб: «Киринг, Расулуллоҳ ﷺ сизнинг жаннатга киришингиз хушхабарини бермоқдалар», дедим. Бас, Абу Бакр ﷺ кириб, Расулуллоҳнинг ﷺ ўнг томонларида бирга ўтириб, бу зот ҳам худди Расулуллоҳ ﷺ қилганларидек икки оёқларини ошиқларигача очиб, қудуққа осилтирдилар. Кейин мен қайтиб жойимга бордим. Ўз укамни уйда қолдириб келган эдим. Таҳорат қилиб, орқамдан етиб келмоқчи эди. Ичимда: «Агар Аллоҳ бу укамга яхшиликни хоҳлаган бўлса, етиб келар», дердим. Шу пайт бир киши келиб, дарвозани тақиллатиб қолди. Мен: «Ким бу?» десам, у: «Умар ибн Хаттобман», деди. Мен: «Бир оз кутиб туринг», дедим-да, Расулуллоҳ ﷺ ҳузурларига бориб, салом бериб: «Умар ҳузурингизга кириш учун изн сўраяптилар», десам, у зот: «Унинг кириши учун изн бер ва жаннатга киришининг хушхабарини етказ», дедилар. Мен Умар ﷺ ҳузурларига бориб: «Расулуллоҳ ﷺ киришингиз учун изн бериб ва жаннатга киришингизнинг хушхабарини бермоқдалар», дедим. Умар ﷺ ҳам Расулуллоҳ ﷺ билан бирга суффада чап томонларида туриб, оёқларини қудуққа осилтириб ўтирдилар. Кейин яна олдинги жойимга қайтиб бориб ўтирдим. Ва ичимда: «Агар Аллоҳ укамга яхшиликни хоҳласа, етиб келар», дедим. Шу пайт яна бир киши келиб, дарвозани тақиллатиб қолди. Мен: «Бу ким?» десам, у: «Усмон ибн Аффонман», деди. Мен: «Бир оз кутиб туринг», дедим-да, Расулуллоҳ ﷺ ҳузурларига бориб, унинг хабарини бердим. У зот: «Унинг кириши учун изн бер ва бир оз мусибатларни тортиш билан бирга жаннатга киришининг хушхабарини бер», дедилар. Мен бориб: «Киринг, Расулуллоҳ ﷺ бир оз мусибатларни тортиш билан бирга жаннатга киришингизнинг хушхабарини бермоқдалар», дедим. Кейин Усмон ﷺ ҳам уларнинг ҳузурларига кирдилар. Кўрдиларки, қудуқ суффаси одамга тўлиб бўлган. Тўғриларидаги бошқа бир жойга бориб ўтирдилар. Саййид ибн Мусаййиб ﷺ: «Уччовларининг қабрлари бир жойда бўлиб, Усмон ﷺ нинг қабрлари алоҳида бўлади, деб таъвил қилдим», деб айтдилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

Бошқа ривоятда: «Расулуллоҳ ﷺ мени дарвозани пойлаб туришга буюрдилар. Усмонга (р.а) жаннат хушхабари берилганида, Аллоҳга ҳамд айтиб, Аллоҳ ўзи мададкор, деб айтганлари» зиёда қилинган.

709/3. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Биз Расулуллоҳ ﷺ атрофларида ўтирган эдик. Биз билан Абу Бакр ﷺ ва Умар (р.а) ҳамда бир неча саҳобалар ҳам бор эди. Расулуллоҳ ﷺ орамиздан туриб кетдилар-да, тез қайтиб келавермадилар. У зотни йўқотиб қўйдикми, деб қўрқиб кетдик. Кейин ўрнимиздан турдик. Биринчи бўлиб мен қўрқдим. Ахтаргани чиқиб, ансорийлардан бўлган Бани Нажжор қабиласининг девори ёнига бордим. Дарвозасини ахтариб, деворлари атрофини айландим. Лекин дарвозани топа олмадим. Қарасам, бир кичкина ариқ бор экан. Девор ташқарисидаги бир қудуқдан боғнинг ўртасига кираётган экан. У ердан бир оз қазидим-да, Расулуллоҳ ﷺ ҳузурларига кирдим. У зот: «Абу Ҳурайрами?» дедилар. Мен: «Ҳа, эй Аллоҳнинг Расули», дедим. У зот: «Нима учун келдинг?» дедилар. Мен: «Сиз орамизда бирга ўтириб, кейин тез қайтиб келавермаганингиздан кейин сизни йўқотиб қўйдикми, деб қўрқиб кетдик. Биринчи қўрққан киши мен бўлдим. Мана бу девордан келдим. Ва худди тулки кавлагандек кавлаб кирдим. Анави кишилар ҳам орқамда туришибди». Расулуллоҳ ﷺ икки кавушларини бериб: «Эй Абу Ҳурайра, бу кавушимни олгин-да, бу боғ ташқарисида Аллоҳ таолонинг якка ва ягоналигини чин қалбидан билиб, гувоҳлик берган кишига жаннат хушхабарини бергин», деб ҳадиснинг қолганини ҳам зикр қилдилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

710/4. Ибн Шамосадан ﷺ ривоят қилинади. Бизлар Амр ибн Осс

нинг ﷺ ҳузурларига кирсак, у зот ўлим талвасасида ётган эканлар. Кўп йиғлаб, юзларини девор тарафга қилиб олдилар. Ўғиллари: «Эй отажон! Расулуллоҳ ﷺ сиз ҳақингизда ундоқ ва бундоқ башорат қилмаганларми?» деганларида, у зот юзларини (биз томонга) буриб: «Бизларнинг энг афзал ҳисоблайдиган амалимиз «Ла илаҳа иллаллоҳу ва анна Муҳаммадан Расулулоҳ»дир. Менинг ҳаётим уч қисмга бўлинади. Биринчиси: Мен Расулуллоҳни ﷺ ҳаммадан кўпроқ ёмон кўрар эдим. Энг яхши кўрган нарсам: имкониятини топсаму у зотни қатл этсам. Агар мана шу ҳолатда вафот этганимда, дўзах аҳлидан бўлар эдим. Иккинчиси шуки: Қачонки Аллоҳ қалбимни Исломга мойил этганида Расулуллоҳ ﷺ ҳузурларига бориб, байъат қилишим учун қўлингизни беринг», десам, у зот қўлларини бердилар. Мен эса қўлимни тортиб олдим. Шунда Расулуллоҳ ﷺ: «Эй Амр, сенга нима бўлди?» дедилар. Мен: «Байъатдан олдин бир шартим бор», дедим. У зот: «Нима шартинг бор?» дедилар. Мен: «Гуноҳларим кечирилиши», дедим.У зот: «Ислом ўзидан олдинги гуноҳларни кечириши сенга маълум эмасмиди? Ҳижрат ҳам ўзидан олдинги гуноҳларни кечириши сенга маълум эмасмиди? Ҳажни адо этиш ҳам ўзидан олдинги гуноҳларни кечириши сенга маълум эмасмиди?» дедилар. Ўша кундан бошлаб менинг назаримда ҳеч ким Расулуллоҳчалик ﷺ ҳайбатли ва маҳбуб эмас эди. Мен у зотдан ҳайбатланганим сабабли кўзимни қувонтирадиган даражада у зот

юзларига боқмадим. Агар бирор киши у зотнинг (қанақа эканликларини) сифатлаб беришимни сўраб қолса, уни айтиб бера олмайман. Чунки мен кўзимни қувонтирадиган даражада у зот юзларига қарамаганман. Агар мана шу ҳолатда ўлганимда, жаннат аҳлидан бўлишликни умид қилар эдим. Учинчиси: Кейин баъзи ишларга бошлиқ қилиндик. Ҳолим нима бўлишини билмайман. Агар вафот этадиган бўлсам, орқамдан йиғловчиларни ҳам, ўт ёқувчиларни ҳам эргаштирманг. Агар дафн қилсангизлар, тупроқни оз-оздан солинглар. Сўнгра қабрим тепасида бир туяни сўйиб, гўштини тақсимлагунча вақт туринглар. Мен сизларга ҳамроҳ бўлиб, Раббим элчисига нима деб жавоб беришимга тайёрланиб олайин», дедилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

96-БОБ

Дўсти билан видолашиш ва сафарга чиқишда ёки бошқа нарсаларга ажралиб кетаётганда насиҳат қилиш ҳамда дўстининг ҳаққига дуо қилиш ва ундан дуо олиш ҳақида

Аллоҳ таоло: **«Иброҳим, у билан бирга Яъқуб ҳам болаларига шу динни васият қилиб, дедилар: «Ўғилларим, албатта, Аллоҳ сизлар учун шу динни танлади. Бас, мусулмон бўлган ҳолингиздагина дунёдан ўтинг».** (Эй яҳудийлар) **ёки Яъқубга ўлим келгач, у ўғилларига: «Мендан кейин нимага ибодат қиласизлар?» деганида «Сенинг Тангринг ва оталаринг Иброҳим, Исмоил ва Исҳоқларнинг тангриси бўлмиш ягона Аллоҳга ибодат қиламиз ва бизлар фақат Унинг ўзигагина бўйинсунувчилармиз», деб жавоб қилганларига гувоҳ бўлганмисизлар»** (Бақара сураси, 132-133-оятлар), деб айтган.

Бу бобга китобимизнинг биринчи жилдидаги Язид ибн Ҳайёндан ﵁ ривоят қилинган Зайд ибн Арқам ҳақларидаги 346-ҳадис далил бўлиб келган.

711/1. Абу Сулаймон Молик ибн Ҳувайрисдан ﵁ ривоят қилинади. Биз тенгқур йигитлар Расуллулоҳ ﷺ ҳузурларига бордик. Ва у зотнинг ҳузурларида йигирма кеча турдик. У зот раҳмдил ва мулойим киши эдилар. Гўёки биз аҳлларимизни соғинган, деб гумон қилиб, аҳлларимиздан кимларни қидирганимизни сўраб-суриштирдилар. Бизлар унинг хабарини бердик. У зот насиҳат қилиб: «Аҳлларингиз ҳузурига бориб, улар билан туринглар. Ва таълим беринглар ҳамда (шариат аҳкомларини бажаришни) буюринглар. У намозни бу пайтда ва ундай намозни бундай пайтда адо этинглар. Агар намоз вақти кирса, бирингиз азон айтсин. Ҳамда ёши улуғларингиз имом бўлсин», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

Имом Бухорий ривоятларида: «Мен қандай қилиб намоз ўқиганимни кўрсанглар, ўшандоқ ўқинглар»ни зиёда қилинган.

712/2. Умар ибн Хаттобдан ﵁ ривоят қилинади. Расулуллоҳдан ﷺ умра ибодатини адо қилиш учун изн сўрадим. У зот изн бериб: «Эй биродар,

дуоингда бизни ҳам унутмагин», дедилар. Умар ﷺ: «Расулуллоҳнинг ﷺ ушбу сўзлари шу қадар қимматлики, бунинг эвазига дунёни менга берганларида ҳам бунчалик хурсанд бўлмас эдим», дедилар.

Бошқа ривоятда у зот: «Дуоингда бизни ҳам шерик қилгин» бўлиб келган. *Абу Довуд ва Термизий ривоятлари.*

713/3. Солим ибн Абдуллоҳ ибн Умардан ﷺ ривоят қилинади. Абдуллоҳ ибн Умар ﷺ бирор киши сафар қилишни хоҳласа, унга: «Менга яқин кел, худди Расулуллоҳ ﷺ хайрлашганларидек, хайрлашаман», деб: «Аставдиъуллоҳа дийнака ва амонатака ва хавотима ъамалика »ни ўқирдилар (Маъноси: «Динингг, омонатинг ва амалингнинг хотимасини Аллоҳга топширдим»). *Имом Термизий ривоятлари.*

714/4. Абдуллоҳ ибн Язид ал-Хатмийдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ агар аскарлар билан хайрлашмоқчи бўлсалар, «Аставдиъуллоҳа дийнакум ва амонатикум ва хавотима аъмоликум», деб айтардилар. *Абу Довуд ривоятлари.*

715/5. Анасдан ﷺ ривоят қилинади. Бир киши Расулуллоҳнинг ﷺ

ёнларига келиб, «Эй Расулуллоҳ, мен сафар қилишни хоҳлайман, сафарга етарли нарса билан таъминланг», деганида, Расулуллоҳ ﷺ: «Аллоҳ сени тақво билан таъминласин», дедилар. Ҳалиги киши: «Яна зиёда қилинг», деганида, Расулуллоҳ ﷺ: «гуноҳингни кечирсин», дедилар. Ҳалиги киши: «Яна зиёда қилинг», деганида, Расулуллоҳ ﷺ: «Қаерда бўлсанг ҳам сенга яхшиликларни енгил қилсин», дедилар. *Имом Термизий ривоятлари*

Фойда: Сафар қилишни хоҳлаган киши дўстидан дуои-хайр олиб кетишининг маҳбублиги аён бўлмоқда.

97-БОБ
Истихора ва маслаҳат қилиш ҳақида

Аллоҳ таоло: **«Ва ишларингизда уларга маслаҳат солинг»** (Оли Имрон сураси, 159-оят).

«Уларнинг ишлари (мудом) **ўзаро шўро-маслаҳат** (билан) **бўлур»** (Шўро сураси, 38-оят), деб айтган.

716/1. Жобирдан ﷺ ривоят қилинади. «Расулуллоҳ ﷺ бизга ҳамма ишларда истихорани (яхшилик сўраш) худди Қуръондан сура ўргатгандек ўргатар эдилар. У зот: «Бирортангиз бир ишни қасд қилса, фарздан ташқари икки ракат намоз ўқисин. Сўнг: «Аллоҳумма инний астахийрука биъилмика, ва астақдирука биқудротика ва ас`алука мин фазликал ъазийм. Фаиннака тақдиру ва ла ақдиру ва таъламу ва ла аъламу ва анта ъалламул ғуйуб. Аллоҳумма ин кунта таъламу анна ҳазал амро хойрун лий фий дийний ва маъаший ва ъақибати амрий, ъажили амрий ва ажилиҳи, фақдурҳу лий ва йассирҳу лий, сумма барик лий фийҳи ва ин кунта таъламу анна ҳазал амро шаррун лий фий дийний ва маъаший ва ъақибати амрий, ъажили амрий ва ажилиҳи фасрифҳу ъанний васрифний ъанҳу вақдурлийал хойро ҳайсу кана сумма роззиний биҳ», деб ҳожатини айтсин», дедилар. (Маъноси: Аллоҳим, Сенинг илминг билан Сендан яхшилик сўрайман. Сенинг қудратинг билан Сендан қодирлик ва улуғ фазлингни сўрайман. Сен (ҳар нарсага) қодирсан, мен қодир эмасман. Сен (ҳар нарсани) билувчисан, мен билмайман. Сен ғайбни билувчисан. Эй Раббим, агар мана шу қилаётган ишим (ҳожатининг номини айтади) динимда, яшашимда, ишларимнинг оқибатида, дунё ва охиратимда мен учун яхши бўлса, уни менга насиб эт ва осон қил. Сўнг уни менга баракотли қил. Агар мана шу ишим (ҳожатининг номини айтади) динимда, яшашимда, ишларимнинг оқибатида, дунё ва охиратимда мен учун ёмон бўлса, мендан уни ва уни мендан узоқлаштир, қаерда бўлса ҳам, мен учун яхшиликни тақдир қил ва мени ундан рози эт.) *Имом Бухорий ривоятлари*

98-БОБ
Ибодат ўринлари кўпайиши учун ҳайит намозига, касал кўргани борганда ҳамда ҳаж, ғазот, жаноза ва бошқа нарсаларга бир йўлдан бориб, икинчи йўл билан қайтишнинг мустаҳаблиги ҳақида

717/1. Жобирдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ агар ҳайит бўлса, бориш ва келиш йўлларини ҳар хил қилардилар (яъни ибодат ўринлари кўпайиши учун бир томондан бориб, иккинчи томондан қайтардилар). *Имом Бухорий ривоятлари.*

Фойда: Имом Нававийнинг зикр қилишларича, йўлни ўзгартиришдаги ҳикматлар ибодатни кўпайтириш ёки Қиёматда иккита йўлнинг гувоҳлик

бериши ёки Аллоҳнинг зикри таралиши ёки камбағалларга садақа улашиш учун ёки мунофиқларнинг ғазабини қўзғаш учун ёки раҳматга етишиш мақсадида бўлади.

718/2. Ибн Умардан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ (Мадина шаҳридан) чиқадиган бўлсалар, дарахтлари бор ердан чиқиб, Муъаррас номли ердан кирардилар. Агар Макка шаҳрига кирадиган бўлсалар, тепа томон (Хужун)дан кириб, паст томон (Шабийка)дан чиқиб кетардилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

99-БОБ
Яхши ишларни ўнг томондан бошлашнинг маҳбублиги тўғрисида

Ўнгдан бошланадиган яхши ишлар қуйидагилар: Таҳорат, ғусл, таяммум, кийим, пойафзал, маҳси, иштон кийиш, масжидга кириш, мисвок ишлатиш ва сурма қўйиш, тирноқ олиш, мўйловни қисқартириш, қўлтиқ тукларини юлиш, соч олдириш, намоздан халос бўлгандаги салом, ейиш, ичиш, қўл бериб сўрашиш, Ҳажар ул-асвадни ушлаш, ҳожатхонадан чиқиш, бирор нарса олиш ва бериш каби ишларда ўнг томондан бажариб, буларнинг аксида эса чап томондан бошлаш жоиз. Чапдан бошланадиган ишлар қуйидагилар: бурунни чайганда, балғам ташлаганда, ҳожатхонага кирганда, масжиддан чиққанда, маҳси, пойафзал, иштон ва кийимларни ечганда, истинжода ҳамда бошқа жирканч ишларда

Аллоҳ таоло: **«Бас, энди ўз китоби — номаи аъмоли ўнг қўлидан берилган кишига келсак, бас у: «Мана, менинг китобимни ўқинглар», дер»** (Ал-Ҳаққа сураси, 19-оят).

«Бас, (у уч тоифадан биринчиси) **ўнг томон эгаларидир. Ўнг томон эгалари** (бўлмоқ) **не** (саодат)**дир.** (Иккинчи тоифа) **шум — чап томон эгаларидир. Шум — чап томон эгалари** (бўлмоқ) **не** (бахтсизлик)**дир!»** (Воқеъа сураси, 8-9-оятлар), деб айтган.

719/1 Оишадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳни ﷺ таҳорат олишда, соч тарашда ва кавуш кийишда, қўйингки, барча ишларда ўнг томондан бошлаш қизиқтирар эди. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

720/2. Оишадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳнинг ﷺ ўнг қўллари таҳорат ва таом учун, чап қўллари эса ҳожатхона ва бошқа азият берувчи нарсаларга ишлатилар эди. *Абу Довуд ривоятлари.*

721/3. Умму Атийядан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ қизлари Зайнаб (вафот этиб) ювинтирилаётганда: «Ўнг томонидан ва таҳоратда ювиладиган аъзоларидан бошлаб ювинтиринглар», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

722/4. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Сизлардан бирингиз кавуш киядиган бўлса, ўнг томондан бошласин. Ечадиган бўлса, чап томондан бошласин. Токи биринчи бўлиб уларнинг ўнгдагиси кийиладиган ва чапдагиси ечиладиган бўлсин», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

723/5. Ҳафсадан ﷺ ривоят қилинади. «Расулуллоҳнинг ﷺ ўнг қўллари таом, ичимлик ва кийим кийиш учун, чап қўллари эса бундан бошқа нарсаларга эди», дедилар. *Абу Довуд ва бошқалар ривоятлари.*

724/6. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Агар (бирор кийим) кийсанглар ёки таҳорат қилсанглар, ўнг томонларингиздан бошланглар», дедилар. *Абу Довуд ва Термизий ривоятлари.*

725/7. Анасдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ Минога келдилар ва жамрага бориб, тош отдилар. Кейин Минодаги манзилларига қайтиб, жонлиқ сўйдилар. Сўнгра сартарошга: «Бу томонини ол», деб бошларининг ўнг томонига ишора қилдилар. Кейин чап томонига ишора қилдилар. Сўнгра муборак сочларини одамларга тарқатдилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

Бошқа ривоятда: «Расулуллоҳ ﷺ жамрада тошни отиб, жонлиқ сўйиб ва сочларини олдирмоқчи бўлдилар. Мана шу ҳолда сартарошга бошларининг ўнг томонини тутиб бердилар. Сартарош ўнг томон сочларини олгандан кейин Абу Талҳа ал-Ансорийни чақириб, ўша сочни бердилар. Кейин бошларининг чап томонини тутиб бердилар. Сартарош уни ҳам олди. Расулуллоҳ ﷺ буни ҳам Абу Талҳага бериб: «Одамларга тақсим қилиб бер», дедилар».

ТАОМ ОДОБЛАРИ КИТОБИ
100-БОБ
Таомнинг аввалида «Бисмиллаҳ» ва охирида «Алҳамдулиллаҳ» деб айтишнинг фазилати ҳақида

726/1. Умар ибн Абу Саламадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ менга: «Таомнинг аввалида «Бисмиллаҳ» дегин, ўнг қўлинг билан егин ва ўз олдингдан егин», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

Фойда: Имом Нававийнинг фикрларича, овқат хусусида шундай қилиш жоиз. Лекин мевада эса хоҳлаган жойидан танлаб еяверади.

727/2. Оишадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ «Агар сизлардан бирингиз (овқат) ейдиган бўлса, ана шу таомнинг аввалида Аллоҳ исмини зикр қилсин (яъни, «Бисмиллаҳ»ни айтсин). Агар аввалида Аллоҳ исмини зикр зтишни унутса, «Бисмиллаҳи аввалаҳу ва охираҳу», деб айтсин», дедилар. (Маъноси: «Овқатнинг аввали ва охирига бисмиллаҳ») *Абу Довуд ва Термизий ривоятлари.*

728/3. Жобирдан ﷺ ривоят қилинади: «Расулуллоҳдан ﷺ қуйидагиларни эшитдим: «Ким уйига кираётганида ва таом пайтида Аллоҳни зикр қилса, шайтон шерикларига:

«Сизларга ётоқ ҳам, овқат ҳам йўқ», деб айтади. Ким уйига кираётиб, Аллоҳни зикр қилмаса, шайтон шерикларига: «Ётоқларингизга етишдингиз», дейди. Таом пайтида ҳам Аллоҳни зикр қилмаса, шайтон шерикларига: «Овқатга ҳам, ётоққа ҳам етишдингиз», дейди». *Имом Муслим ривоятлари.*

729/4. Ҳузайфадан ﷺ ривоят қилинади: «Агар Расулуллоҳ ﷺ билан бирга овқат тановул қилгани ўтирсак, у зот қўлларини узатмагунларича биз узатмас эдик. Бир гал у зот билан бирга таомда бўлганимизда бир қиз келиб, овқатга қўл узатишга шошаётганида у зот қўлидан ушлаб четга олиб қўйдилар. Кейин бир аъробий келиб, у ҳам узатмоқчи бўлганида Расулуллоҳ унинг ҳам қўлидан ушлаб, четга олиб қўйдилар. Сўнгра у зот: «Албатта, шайтон Аллоҳ исми зикр қилинмаган овқатни ўзига ҳалол қилиб олади. У (шайтон) овқатни ҳалол қилиш учун бу қизча билан келди. Мен унинг қўлидан тутдим. Сўнгра овқатни ҳалол қилиш учун бу аъробий билан келди. Унинг ҳам қўлидан тутдим. Менинг нафсим Унинг қўлида бўлган Зотга қасам-ки, у (шайтон)нинг қўли улар икковининг қўли билан менинг кафтимдадир», дедилар. Кейин Аллоҳ исмини зикр қилиб, овқат тановул қилдилар». *Имом Муслим ривоятлари.*

730/5. Умайя ибн Махшийдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ ўтирган эдилар. Бир киши овқат тановул қилиб, охирги луқма қолгунча Аллоҳ исмини зикр қилмади. Қачонки, охирги луқмани оғзига солаётганида «Бисмиллаҳи аввалаҳу ва охираҳу» (яъни, аввали-ю охирига Аллоҳнинг исми билан), деб айтди. Буни кузатиб турган Расулуллоҳ ﷺ кулдилар, сўнгра у зот: «Шайтон унинг овқатига шерик бўлиб тановул қилаётган эди. Қачонки, бу киши Аллоҳ исмини зикр қилганида қорнидагини қайт қилиб юборди», дедилар. *Абу Довуд ва Насаий ривоятлари,*

Фойда: Агар овқат ва ичимлик тановул қилинаётганида Аллоҳнинг исми зикр қилинмаса, албатга шайтон унга шерик бўлиши уқтирилмоқда. Бу ҳадиснинг шарҳида айтилишича, Расулуллоҳ бу кишининг «Бисмиллаҳ»ни тарк қилганини иш охирида билдилар. Агар аввалда билганларида жим турмасдан эслатар эдилар.

731/6. Оишадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ саҳобалардан олти нафари билан овқатланаётган эдилар. Шунда бир аъробий келиб, ўша овқатдан икки луқма билан ҳаммасини еб қўйди. Расулуллоҳ ﷺ: «Агар у Аллоҳнинг исмини зикр қилганида, сизлар тўяр эдингиз», дедилар. *Имом Термизий ривоятлари.*

732/7. Абу Умомадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ дастурхон йиғиштириб олингач: «Алҳамдулиллаҳи ҳамдан касиран таййибан муборакан фийҳи ғойра макфиййин вала мустағнан ъанҳу Роббана», дер эдилар. (Маъноси: Аллоҳга беадад пок, муборак мақтов бўлсинки, Ундан ўзга кифоятчи йўқ. Сенга муҳтож бўлмаган кимса йўқдир, эй Раббимиз), *Имом Бухорий ривоятлари.*

733/8. Муоз ибн Анасдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Ким таом еб, сўнгра «Алҳамду лиллаҳил лазий атъаманий ҳаза ва розақонийҳи мин ғойри ҳавлин минний вала қувватин», деб айтса, унинг аввалги гуноҳлари кечирилади», дедилар. (Маъноси: «Менинг куч-қувватимни кеткизмай, мана бу ризқ ила таомлантирган Аллоҳга ҳамд бўлсин».) *Абу Довуд ва Термизийлар ривояти.*

101-БОБ
Таомни айбламай, уни мақташнинг маҳбублиги ҳақида

734/1. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ ҳеч вақт таомни айбламадилар. Агар иштаҳалари бўлса, ундан едилар. Агар кўнгиллари тусамаса, уни тарк қилдилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

Фойда: Расулуллоҳга ﷺ эргашган ҳолда мусулмон киши таомни айбламаслиги лозим. Чунки таомни айб-лаш мутакаббирлик ва ҳаддан ошишлик белгисидир.

735/2. Жобирдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ аҳлияларидан нонхўрак сўрадилар. Шунда улар: «Бизда фақат сирка бор», дейишди. Расулуллоҳ ﷺ уни келтиришни буюрдилар. Ва уни еятуриб: «Мунча ҳам яхши бу нонхўрак сирка, мунча ҳам яхши бу нонхўрак сирка», деб айтдилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

Фойда: Озгина егулик нарса олиб келинса ҳам уни мақтаб қўйишнинг маҳбублиги аён бўлмоқда.

102-БОБ
Рўзадор киши таомга таклиф қилинса ОРЗини очишни хоҳламаганда айтадиган нарсалар тўррисида

736/1. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Агар сизлардан бирингиз таомга чақирилса, қабул қилсин. Бордию рўзадор бўлса, унинг ҳаққига дуо қилсин. Оғзи очиқ бўлганда эса, овқатлансин», дедилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

103-БОБ
Бирор киши овқатга чақирилсаю у ўзи билан бошқа бир кишини эргаштирса, айтиладиган нарсалар

737/1. Абу Масъуд ал-Ансорийдан ﷺ ривоят қилинади. Бир киши беш кишилик таом ҳозирлаб, бешинчиси этиб Расулуллоҳни ﷺ ҳам чақирди. Расулуллоҳ ﷺ ўзлари билан бошқа бир кишини олиб келдилар. Унинг эшиги олдига яқинлашганларида у зот уй эгасига: «Бу киши менга эргашиб келди. Агар хоҳласанг, бунга изн бер, кирсин. Агар хоҳламасанг, қайтиб кетади», деганларида, уй эгаси: «Эй Аллоҳнинг Расули, унинг киришига изн бераман», деб айтди. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

104-боб
Таомни ўз олдидан ейиш ҳамда беодоблик ила овқатланадиган кишини тартибга чақириб насиҳат қилиш ҳақида

738/1. Умар ибн Абу Саламадан ﷺ ривоят қилинади: «Мен ёшлик пайтимда Расулуллоҳнинг ﷺ қара-морларида бўлганимда, қўлимни лаганнинг ҳар томонига узатиб (овқатланаётганимда) , у зот: «Болам, Аллоҳ исмини зикр қилиб, ўнг қўлинг билан еб, ўзингнинг тарафингдан тановул қилгин», деб айтдилар». *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

739/2. Салама ибн Акваъдан ﷺ ривоят қилинади, Бир киши Расулуллоҳ ﷺ ҳузурларида чап қўли билан таом тановул қилди. У зот: «Ўнг қўлингда егин», дедилар. Ҳалиги киши: «Бунга қодир эмасман», деди. Расулуллоҳ ﷺ: «Қодир ҳам бўлмагин», бундай қилишдан фақат мутакаббирлиги ман қилди холос, дедилар. Шундан кейин ҳалиги киши (ўнг) қўлини оғзига кўтара олмади. *Имом Муслим ривоятлари.*

Фойда: Бу ерда Расулуллоҳнинг ﷺ мўъжизалари содир бўлди. Бу киши қўлини кўтаришга қодир бўла олмади. Ана шу кишининг исми Буср ибн Роъийдир.

105-БОБ
Жамоат билан овқатланганда хурмо ва шунга ўхшаш меваларни бир луқмада иккитадан тановул қилишдан қайтариғи, бу фақат биродарлари изни билангина жоизлиги ҳақида

740/1. Жабала ибн Суҳайм ﷺ ривоят қилиб айтдилар: «Ибн Зубайр билан бирга (яшаганимизда) бизга очлик етди. Сўнгра ризқландик. (Егулик) тановул қилаётганимизда, олдимиздан Абдуллоҳ ибн Умар ﷺ ўтиб: «Бир луқмада икки хурмо еманглар. Чунки Расулуллоҳ ﷺ ана шундай қилишдан қайтарганлар. Фақат биродаринг изн берса, жоиз, деганлар», деб айтдилар». *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

106-БОБ
Еб тўймайдиган кишининг айтиши лозим бўлган зикрлар

741/1. Ваҳший ибн Ҳарбдан ﷺ ривоят қилинади, Расулуллоҳнинг ﷺ саҳобалари: «Эй Расулуллоҳ ﷺ, биз еймиз-у, аммо тўймаймиз», дейишганида у зот: «Сизлар тафриқа бўлиб есангизлар керакда», деганларида, улар: «Ҳа», деб жавоб беришди Шунда Расулуллоҳ ﷺ: «Таомингизни жам бўлиб енглар. Аллоҳ исмини зикр қилинглар. Аллоҳ ўшанда сизларга барака ато қилади», дедилар. *Абу Довуд ривоятлари.*

Фойда: Тўпланиб, жамланиб ва «Бисмиллаҳ»ни айтиб ейиш барака ҳосил бўлишига ҳамда қорин тўйишига сабаб бўлади.

107-БОБ
Лаган атрофидаги овқатдан ейишга буюриш ва унинг ўртасидаги овқатни ейишдан қайтариш ҳақида

Бу бобимизга Умар ибн Саламадан ривоят қилинган 738-ҳадис ҳам далил бўлади.

742/1. Ибн Аббосдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Барака таомнинг ўртасига тушади. Шундоқ экан, унинг атрофидан енглар. Ўртасидан еманглар», деб айтдилар. *АбуДовуд ва Термизий ривоятлари.*

Фойда: Таомнинг усти ва ўртасидан ейишнинг ка-роҳияти ва унинг атрофидан ейишга буюриш бор. Шу сингари нон ҳам ўртасидан эмас атрофидан бошлаб ейилади.

743/2. Абдуллоҳ ибн Бусрдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳнинг ﷺ «ғарро» номли лаганлари бор эди. Уни тўрт киши кўтарар эди. Қачонки чошгоҳ вақти бўлиб, чош гоҳ намозини ўқишгач, ўша лаганга нон тўғраб олиб келишди. Ва ўша лаган атрофида тўпланишди. Қачон кўпчилик йирилганда, Расулуллоҳ ﷺ чўккалаб ўтирдилар. Шунда бир аъробий: «Бу қанақа ўтириш?» деди. Расулуллоҳ ﷺ эса: «Аллоҳ мени фазилатли банда қилиб яратган. Мутакаббир ва қайсар этиб яратмаган», деб, кейин яна: «Лаганнинг

атрофидаги овқатдан енглар. Тепасидан еманглар. Ўшанда барака бўлади», дедилар. *Абу Довуд риволари.*

108-БОБ
Суяниб ейишнинг кароҳияти тўғрисида

744/1. Абу Жуҳайфа Ваҳб ибн Абдуллоҳдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ «Мен суяниб емайн», дедилар. *Имом Бухорий ривоятлари.*

Хаттобий айтадилар: Ҳадиснинг арабча лафзидаги «ал-муттакий»дан мақсад — остидаги тўшакка яхши жойлашиб ўтиришдир. Бу ерда Расулуллоҳ ﷺ: «Таомни кўп ейиш мақсадида ёстиқ ва бошқа нарсаларга суяниб еювчилар каби эмас, балки омонат ўтириб кифоя қилгудек миқдорида ейман», дедилар. Бу Хаттобийнинг сўзлари эди. Лекин бошқалар «ал-муттакий» бир томонга ёнбошлашдир, дейишди.

745/2. Анасдан ﷺ ривоят қилинади. Бу зот: «Расулуллоҳ ﷺ икки думбаларини ерга қўйиб ва икки болдирларини тик қилган ҳолда хурмо еб турганларини кўрдим», дедилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

109-БОБ
Таомни учта бармоқ билан ейишнинг ва овқатдан кейин бармоқларни ялашнинг маҳбублиги ҳамда бармоқни ялашдан олдин сочиққа артишнинг кароҳияти ва лаганни ялашнинг ҳамда тўкилиб қолган луқмаларни ейишнинг маҳбублиги ҳамда бармоқларни ялагандан кейин билак, оёқ ва бошқа аъзоларга суртишнинг жоизлиги ҳақида

746/1. Ибн Аббосдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Сизлардан бирингиз овқатланадиган бўлса, бармоқларини яламасдан ёки ялатмасдан олдин артмасин», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

Фойда: Бармоқларни ювишдан олдин яламоқлик, шу сингари қошиқларни ҳам ювишдан олдин яламоқлик, табаррукона бошқаларнинг бармоқларини ялашнинг жоизлиги ойдинлашмоқда.

747/2. Каъб ибн Моликдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳнинг ﷺ уч бармоқ ила овқат еганларини кўрдим. Агар у зот овқатланиб бўлсалар, бармоқларини ялардилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

Фойда: Бармоқлар овқат тугагандан кейин яланади. Овқат тановул қилинаётган аснода эмас. Чунки тупук қолдиқлари овқатга аралашиб кетиши мумкин. Ва яна овқатни учта бармоқда ейиш маҳбубдир. Улар Имом Табароний ривоятларида келганидек бош, кўрсаткич ва ўрта бармоқлардир. Расулуллоҳ ﷺ аксар пайтларда мана шундоқ, қилганлар. Чунки уч бармоқдан озида овқат тановул қилиш мутакаббирлик аломати. Уч бармоқдан кўпида овқат тановул қилиш эса, очофатлик белгисидир.

748/3. Жобирдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ овқатдан кейин бармоқларни ва лаганни ялашга буюрдилар. Ва: «Сизлар таомингизнинг баракаси қаерида эканини билмайсизлар», деб айтдилар. *Имом Муслим ривоятлари,*

749/4. Жобирдан ﷺ ривоят қилинади. Рагулуллоҳ ﷺ: «Сизлардан бирортангизнинг луқмаси тушиб кетса, уни олсинда, чангини артиб, шайтонга қолдирмасдан ўзи есин,

Барморини яламасдан олдин сочиққа артмасин. Чунки ахир у овқатининг баракаси қаерда эканини билмайди-да», дедилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

750/5. Жобирдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Албатта, шайтон сизларнинг ҳар бир ишингизда ҳозиру нозирдир. Ҳаттоки таомингиз устида ҳам ҳозир бўлади. Агар сизлардан бирингизнинг луқмаси тушиб кетса, уни тозалаб ташласинда, шайтонга насиба қолдирмасдан ўзи есин. Овқатланиб бўлганидан кейин бармоқларини яласин. Чунки таомининг баракаси қаерида эканини билмайди-ку», дедилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

751/6. Анасдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ қачон овқат есалар, уч бармоқларини ялардилар. Ва: «Агар сизлардан бирортангизнинг луқмаси тушиб кетса, уни тозаласинда, шайтонга насиба қолдирмасдан, ўзи есин», дедилар. Ҳамда бизни лаганни ялашга буюриб: «Чунки сизлар таомингазнинг баракаси қаерида эканини билмайсизлар-ку», дедилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

752/7. Саид ибн Ҳорисдан ﷺ ривоят қилинади. Бу зот Жобирдан ﷺ: «Оловда пиширилган таом еганда таҳорат қилинадими?» деб сўраганларида, бу зот: «Йўқ, биз Расулуллоҳ ﷺ замонларида бунақа овқатни камдан-кам топар эдик. Агар топсак ҳам, қўл артгани сочиқларимиз бўлмас эди. Кафтларимиз, билакларимиз ва оёқларимизга артиб кетаверар эдик-да, кейин таҳорат қилмай намоз ўқирдик» дедилар. *Имом Бухорий ривоятлари.*

110-БОБ
Таом устида кўп қўл бўлишининг фазилати ҳақида

753/1. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Икки кишилик овқат уч кишига ва уч кишилик овқат тўрт кишига кифоя қилади», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари,*

754/2. Жобирдан ﷺ ривоят қилинади, Расулуллоҳ ﷺ*:* «Бир кишининг овқати икки кишига, икки кишининг овқати тўрт кишига ва тўрт кишининг овқати саккиз кишига кифоя қилади», дедилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

111-БОБ
Ичимлик ичишнинг одоби, бир нарса ичганда идишнинг ташқарисида уч марта нафас олиш ва сув идишни ўнгдан айлантиришнинг маҳбублиги ҳамда сув ичаётганда идиш ичида нафас олишнинг кароҳияти ҳақида

755/1. Анасдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ ичимлик ичсалар, сув идишни ошзларидан ташқарига олиб, уч марта нафас олардилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

Фойда: Бирор ичимликни уч ҳўпламдан қилиб ичишнинг ва ҳар ҳўпламдан кейин нафас олишнинг ҳамда нафас олаётганда идишдан узоқда туришнинг маҳбублиги аён бўлади. Албатта бундай қилишнинг сиҳат-саломатлик учун фойдалари кўп.

756/2. Ибн Аббосдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Туяга ўхшаб бир ҳўпламда ичманглар. Икки ва уч ҳўплам қилиб ичинглар. Ичаётганда: «Бисмиллаҳ», денглар. Ичиб бўлиб: «Алҳамдулиллаҳ», деб айтинглар», дедилар. *Имом Термизий равоятлари.*

757/3. Абу Қатодадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ сув ичаётганда идишнинг ичида нафас олишдан қайтардилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

758/4. Анасдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳга ﷺ сув қўшилган сут олиб келинди. У зотнинг ўн томонларида аъробий, чап томонларида эса Абу Бакр ﷺ эдилар. Расулуллоҳ «Ш ундан ичиб аъробийга бер дилар. Ва: «Ўнгдан беринглар», деб айтдилар. *Имоми Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

759/7. Сақл ибн Саъддан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳга ﷺ бир ичимлик олиб келинди. Ундан ичдилар. Ўнг томонларида бир ёш бола, чап томонларида эса ёши катта саҳобалар бор эди. Расулуллоҳ ﷺ ҳалиги ёш болага: «Бу идишни мана бу ёши катталарга аввал беришимга ижозат берсанми?» деганларида, ёп бола: «Йўқ, Аллоҳга қасамки, сиздан оладиган насибамга ҳеч бир кишини ўзимдан ортиқ кўра олмайман», деди. Бас, Расулуллоҳ ﷺ идишни боланинг қўлига бердилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.* Ўша ёш бола Ибн Аббос эдилар.

112-БОБ
Меш ва шунга ўхшаш идишларнинг огзидан ичишнинг кароҳияти ва бу танзиҳий (пок) кароҳият бўлиб, ҳаром кароҳият эмаслиги тўррисида

760/1. Абу Саид ал-Худрийдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ мешларнинг оғзини букиб, сув ичишдан қайтардилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

761/2. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ меш ёки бошқа идишларнинг орзидан сув ичишини таъқиқладилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

762/3. Ҳассон ибн Собитнинг ﷺ сингиллари Кабшата бинти Собитдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ менинг ҳузуримга кириб, ОСИҒЛИҚ турган мешдан тик туриб сув ичдилар. Кейин мен бориб мешнинг ОҒЗИНИ (муборак бўлгани) учун кесиб олиб қўйдим. *Имом Термизий ривоятлари,*

Бу саҳобия хотин мешнинг ОРЗИНИ кесиб олишларига сабаб, Расулулллоҳнинг ﷺ муборак оғизлари теккан нарсани эъзозлаш, бошқаларнинг қўлига тушиб, беҳурмат бўлишидан сақлаш учун, шундоқ қилдилар. Бу ҳадисдан мешнинг оғзидан сув ичилса ҳам дурустлиги ва юқоридаги икки ҳадисдан ичмаслик афзал ва комиллиги англашилади.

113-БОБ
Ичиладиган нарсага пуфлашнинг макруҳлиги ҳақида

763/1. Абу Саид ал-Ҳудрийдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ ичиладиган нарсага пуфлашдан ман қилдилар. Шунда бир киши: «Эй Аллоҳнинг Расули, идишда ифлос нарса кўрсам, нима қилай», деганида, у зот: «Уни тўкиб ташла», дедилар. Ҳалиги киши: «Мен бир нафас билан сувга қонмайман», деганида, у зот: «Ундоғ бўлса, ҳар нафас олганингда идишни оғзингдан узоқ қил», дедилар. *Имом Термизий ривоятлари.*

764/2. Ибн Аббосдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ сув идишга оғизни тутиб нафас олишдан ёки пуфлашдан ман қилдилар. *Имом Термизий ривоятлари.*

114-БОБ
Тик туриб бирор ичимлик ичишнинг жоизлиги, аммо ўтириб ичиш афзал эканлигининг баёни

Бу бобимизга Кабшата бинти Собитдан ривоят қилинган 762- ҳадис ҳам далил бўлади.

765/1. Ибн Аббосдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳни ﷺ замзам суви билан сийлаганимда, у зот тик туриб ичдилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

766/2. Наззол ибн Сабрадан ﷺ ривоят қилинади. Али ﷺ Кўфадаги «раҳаба» дарвозаси олдига келиб, тик туриб (сув) ичдиларда: «Мен Расулуллоҳнинг ﷺ худди сизлар мени кўриб турганингиздек, тик туриб ичганларини кўрганман», дедилар. *Имом Бухорий ривоятлари.*

767/3. Ибн Умардан ﷺ ривоят қилинади. Бу зот: «Биз Расулуллоҳ ﷺ замонларида юрган йўлимизда овқатланиб, тик туриб (сув) ичар эдик», дедилар. *Имом Термизий ривоятлари.*

768/4. Амр ибн Шуъайб оталаридан, оталари эса боболаридан қилган ривоятларида: «Расулуллоҳнинг ﷺ тик туриб ҳам, ўтириб ҳам сув ичганларини кўрдим», дейилган. *Имом Термизий ривоятлари.*

769/5. Ансадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ кишини тик туриб (сув) ичишдан қайтардилар. Қатода ﷺ айтадилар: Биз Анасга ﷺ*:* «Тик туриб овқатланиш-чи?» десак, Анас ﷺ*:* «Тик туриб овқатланиш тик туриб сув ичишдан ҳам ёмонроқ ва хунукроқ», дедилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

Имом Муслимнинг бошқа ривоятларида: «Расулуллоҳ ﷺ тик туриб сув ичганларни койир эдилар», бўлиб келган.

770/6. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Сизлардан бирортангиз тик туриб сув ичмасин. Кимки унутиб, тик турган ҳолда ичиб қўйса, Қайт қилиб юборсин», дедилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

Фойда: Аввалги учта ҳадисдан тик туриб ичимлик ичиш ва овқатланиш жоизлиги чиқмокда. Аммо кейинга ҳадислардан тик туриб бирор ичимлик ичишнинг макрухдига, тик туриб овқатланишнинг эса унданда қаттиқ кароҳиятли экани чиқмокда. Энди кимки тик туриб бирор нарса ичиб кўйса суннатга хилоф қилгани учун нафсини жазолаш сифатида ичган нарсасини қайт қилиб юбориши маҳбуб амалдир. Албатта суннатга хилоф қилишни қасд этгандагина шундай қилади. Аммо мухолифликни қасд қилмаса ундай эмас.

115-БОБ
Одамларни сув билан сийлаган киши ўзи охирида ичишининг маҳбублиги тўғрисида

771/1. Абу Қатодадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Одамларни сув билан сийлаган киши ўзи охирги бўлиб ичади», дедилар. *Имом Термизий ривоятлари.*

116-БОБ
Тилла ва кумушдан ташқари барча пок идишларда ва қўлда, идишсиз ОРИЗ билан анҳордан сув ичишнинг жоизлиги ҳамда сув ичишда, овқатланишда, таҳорат олишда ва бошқа ишларда тилла ва кумуш идишлар ишлатишнинг ҳаромлиги ҳақида

772/1. Анасдан ﷺ ривоят қилинади. Бир куни намоз вақти кирганида уйи яқинлар (таҳорат олиш учун) ўз хонадонларига кириб кетишди. Бошқалар эса ўша жойда қолишди. Расулуллоҳга ﷺ тошдан ясалган бир идиш олиб келинди. У идиш шу қадар кичик эдики, у зотнинг кафтлари ёзилса, сигмас эди. Ўша ердаги ҳамма одам шу идишдаги сувда таҳорат қилди. Анасдан ﷺ: «Ўшанда қанча киши эдингизлар?» деб сўрашди. Анас ﷺ: «Саксон ва ундан кўпроқ киши эдик», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

Бу имом Бухорий ривоятларидаги лафз. Имом Муслимнинг ривоятларида: «Расулуллоҳ ﷺ идишда сув олиб келинишини буюрдилар. Бас, саёз бир идишда сув келтирилди. Ва бармоқларини унга тиқиб турдилар. Анас ﷺ айтадилар: «Сувга қарасам, у зотнинг бармоқлари орасидан сув тошиб чиқаётган эди.

У ерда таҳорат қилаётганларнинг сони етмиш билан саксон ўртасида, деб тахмин қилдим».

773/2. Абдуллоҳ ибн Зайддан ﷺ ривоят қилинади. Бир куни Расулуллоҳ ﷺ ҳузуримизга келдилар. Биз у зотга мисдан бўлган идишда сув келтирдик. У зот ўша сувда таҳорат қилдилар. *Имом Бухорий ривоятлари.*

774/3. Жобирдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ бир куни саҳобалар билан бирга ансорийлардан бирининг уйига кириб: «Ҳузурингда кечаси мешга олиб қўйган сувинг бўлса, келтир. Бўлмаса, оғзимиз билан ичамиз», дедилар. *Имом Бухорий ривоятлари.*

775/4. Ҳузайфадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ ипак ва кимхоб кийишдан ҳамда тилла, кумуш идишларда сув ичишдан маън қилдилар. Ва: «Бу нарсалар бу дунёда кофирлар учун, охиратда эса сизлар учундир», дедилар. *Имоми Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

776/5, Умму Саламадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Кумуш идишларда сув ичадиганлар қорнини дўзах оловига тўлдирибди», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

Имом Муслимнинг ривоятларида: «Тилла ва кумуш идишларда сув ичувчи ва овқатланувчилар» бўлиб келган. Муслимнинг бошқа ривоятларида: «Ким тилла ёки кумуш идишда (сув) ичса, қорнини дўзах оловига тўлдирибди», дейилган.

776/5. Умму Саламадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Кумуш идишларда сув ичадиганлар қорнини дўзах оловига тўлдирибди», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

Имом Муслимнинг ривоятларида: «Тилла ва кумуш идишларда сув ичувчи ва овқатланувчилар» бўлиб келган. Муслимнинг бошқа ривоятларида: «Ким тилла ёки кумуш идишда (сув) ичса, қорнини дўзах оловига тўлдирибди», дейилган.

ЛИБОС КИТОБИ
117-БОБ
Оқ кийим кийишнинг маҳбублиги ва қизил, кўк, сариқ ва қора рангли ҳамда пахта, каноп ва жундан тўқилган кийимларни кийиш жоизлиги ҳақида

Аллоҳ таоло: **«Эй Одам болалари, Биз сизларга авратларингизни беркитадиган либосни ҳам, ясан-тусан** (либосини) **ҳам туширдик.** (Ҳаммасидан) **яхшироқ тақво либосидир»** (Аъроф сураси, 26-оят)**.**

«Сизлар учун иссиқ (совуқ)**дан асрайдиган кийимлар ва сизларни** (душманнинг) **зиён етказишидан сақлайдиган совутлар** (яратди)**»** (Наҳл сураси, 81-оят), деб айтган.

777/1. Ибн Аббосдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Оқ либосларни кийинглар. Чунки у либосларнинг яхшисидир. Ва у билан ўликларингизни кафанланглар», деб айтдилар. *Абу Довуд ва Термизий ривоятлари.*

778/2. Самурадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Оқ либос кийинглар. Чунки у пок ва ёқимлидир. Ва у билан ўликларингизни кафанланглар», деб айтдилар. *Имом Насаий ва Ҳоким ривоятлари.*

779/3. Барродан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ ўрта қоматли зот эдилар. Мен бир куни у зотни қизил бир кийимда кўрдимки, (бундан олдин) сира ундан чиройли нарсада кўрамаганман. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

780/4. Абу Жуҳайфа Ваҳб ибн Абдуллоҳдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳни ﷺ Маккани қумлик ерларида қизил теридан бўлган чайлада кўрдим. Билол ﷺ ўша чайладан Расулуллоҳнинг ﷺ таҳорат сувларини олиб чиқдилар. Кимдир ундан баданига сочди. Кимдир баданига суртиб, барака ҳосил қилди. Шу пайт Расулуллоҳ ﷺ устларида қизил кийим билан чиқдилар. Гўёки болдирларининг оппоқлигига қараб тургандекман. У зот таҳорат олдилар. Билол ﷺ эса азон айтдилар. Мен Билолнинг ﷺ оғизларига аҳамият ила қараб турдим. У зот ўнг тарафга бурилиб: «Ҳаййа ъалас-солаҳ» ва чап тарафга бурилиб: «Ҳаййа ъалал фалаҳ», деб айтдилар. Кейин Расулуллоҳнинг ﷺ олд тарафларига сутра қўйилди. Расулуллоҳ ﷺ олдинга ўтиб, намоз ўқидилар. Олдиларидан ит ва эшак ўтар эди. Ҳеч ким уларни тўсмас эди. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

781/5. Абу Римса Рифоаъ ат-Тамимийдан ﷺ ривоят қилинади. Бу зот: «Расулуллоҳ ﷺ устларида икки кўк кўйлак кўрдим», дедилар. *Абу Довуд ва Термизий ривоятлари.*

782/6. Жобирдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ Макка фатҳ бўлган куни бошларига қора салла кийган ҳолда кирдилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

Фойда: Қора кийим кийишнинг жоизлиги аниқ бўляпти. Уламолар: «Душман устидан ғалаба қозонилганда қора салла кийиш маҳбубдир», деб айтишган.

783/7. Абу Саид Амр ибн Ҳурайсдан ﷺ ривоят қилинади. «Гўёки Расулуллоҳ ﷺни кўриб тургандекман. У зотнинг бошларида қора саллалари бўлиб, печини икки кифтлари орасига ташлаб қўйгандилар». *Имом Муслим ривоятлари.*

Имом Муслимнинг бошқа ривоятларида: «Расулуллоҳ ﷺ одамларга хутба ўқидилар. У зотнинг бошларида эса қора саллалари бор эди», деб келган.

784/8. Оишадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳни ﷺ Яманнинг Саҳулийя қишлоғида пахтадан тўқилган учта оқ кийим билан кафанлашди. Булар ичида кўйлак ҳам, салла ҳам йўқ эди. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

785/9. Оишадан ﷺ ривоят қилинади. Бир куни Расулуллоҳ ﷺ тонгда туя эгари сурати туширилган қора жундан тўқилган чопон кийиб чиқдилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

786/10. Муғийра ибн Шуъбадан ﷺ ривоят қилинади. Бир кеча йўлда Расулуллоҳ ﷺ билан бирга кетаётган эдим. У зот менга: «Сувинг борми?» дедилар. Мен: «Ҳа», деган эдим, у зот уловларидан тушдилар-да, қоронғи ерга ғойиб бўлдилар. Кейин қайтиб келдилар. Мен идишдан сув қуйиб бердим. Юзларини ювдилар. Устларида жундан бўлган чопон бор эди. (Унинг енглари тор бўлганидан) билакларини чиқара олмадилар. Охири уни паст тарафдан чиқариб, икки билакларини ювиб, бошларига масҳ тортдилар. Кейин мен маҳсиларини ечиш учун қўлимни узатган эдим, у зот: «Қўявер, чунки мен уни таҳорат ила кийганман», деб унинг икковига масҳ тортдилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

Бошқа ривоятда: «У зотда енги тор шомий чопон бор эди» бўлиб келган.

Яна бошқа ривоятда: «Бу воқеъа Табук ғазотида бўлган», дейилади.

118-БОБ
Кўйлак кийишнинг маҳбублиги тўғрисида

787/1. Умму Саламадан ﷺ ривоят қилинади. Бу онамиз: «Расулуллоҳга ﷺ либосларнинг энг яхшиси кўйлак эди», дедилар. *Абу Довуд ва Термизий ривоятлари.*

119-БОБ
Кўйлак, унинг енги, иштон ва салланинг қай даражада узун бўлиши ва такаббурлик юзасидан осилтиришнинг ҳаромлиги ҳамда такаббурлик бўлмаганда бунинг макруҳлиги ҳақида

788/1. Асмо бинти Язид ал-Ансорийдан ﵂ ривоят қилинади. Бу онамиз: «Расулуллоҳ ﷺ кўйлакларининг енги билакларигача эди», деб айтдилар. *Абу Довуд ва Термизий ривоятлари.*

789/2. Ибн Умардан ﵄ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Ким такаббурлик билан либосини судраб юрса, Қиёмат куни Аллоҳ таоло назар солмайди», деганларида, Абу Бакр ﵁: «Эй Аллоҳнинг Расули, баъзида иштонимни боғлаб юрмасам, осилиб қолади, бу ҳам кибрданми?» дедилар. Шунда Расулуллоҳ ﷺ: «Сен буни такаббурлик билан қилувчилардан эмассан», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари. Муслим буларни баъзисини ривоят қилганлар.*

Фойда: Чунки амаллар ниятга қараб бўлади. Ҳукмлар ҳам ният ўзгаришига қараб ўзгаради. Аммо ким мутакаббирлик ниятида кийимини узайтириб юрса, қаттиқ ваъидлар борлиги уқтириляпти.

790/3. Абу Ҳурайрадан ﵁ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Аллоҳ таоло Қиёмат куни иштонини такаббурлик билан судраб юрувчиларга (раҳмат назари ила) қарамайди», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

791/4. Абу Ҳурайрадан ﵁ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Иштонининг икки тўпиғи пастидан тушган миқдори дўзах ўтидадир», дедилар. *Имом Бухорий ривоятлари.*

792/5. Абу Заррдан ﵁ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Уч тоифа киши борки, Аллоҳ Қиёмат кунида уларга гапирмайди ва уларни оқламайди ҳамда улар учун аламли азоб бордир», деб уч бора шу сўзни айтдилар. Шунда Абу Зарр ﵁: «Ҳасрат-надоматда қолгурлар – улар кимлар ўзи?» деганларида, Расулуллоҳ ﷺ: «Кийимларини мутакаббирлик учун узун қилиб киювчилар, миннат қилувчилар ва молини ёлғон қасамлар билан ўтказувчи кишилар», деб айтдилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

Муслимнинг бошқа ривоятларида «Иштонини узун қилиб киювчилар» бўлиб келган.

793/6. Ибн Умардан ﵄ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Иштонини, кўйлагини ва салласини такаббурлик билан судраб юрувчиларга Аллоҳ таоло Қиёмат куни (раҳмат назари ила) қарамайди», дедилар. *Абу Довуд ва Насаий ривоятлари.*

794/7. Абу Журайҳ Жобир ибн Сулаймдан ﵁ ривоят қилинади. Бир куни мен бир одамни кўрдим. Одамлар у кишининг раъйи билан иш қилишар эди.

«Бу ким?» деб сўрасам, саҳобалар: «Аллоҳнинг Расули», дейишди. Мен у зот ҳузурларига бориб: «Алайкассалом эй Аллоҳнинг Расули», деб икки марта айтсам, у зот: «Алайкассалом», деб айтма. Чунки «алайкассалом» ўликларнинг саломидир. Балки «Ассалому алайка», деб айтгин», дедилар. Мен: «Сиз Аллоҳнинг Расулимисиз?» десам, у зот: «Мен У Аллоҳнинг Расулидирманки, агар сенга бирор зарар етиб, Унга дуо қилсанг, ўша нарсани сендан аритади. Агар очарчилик йили етса Унга дуо қилсанг, мўл-кўлчилик бўлади. Агар чўлу саҳрода уловинг йўқолиб қолиб, Унга дуо қилсанг, уловингни қайтариб беради», дедилар. Мен: «Васият қилинг», десам, у зот: «Бирор кишини сўкма», дедилар. Ўша кундан кейин бирор ҳурни ҳам, қулни ҳам, туяни ҳам, қўйни ҳам сўкмадим. Ва яна у зот: «Яхшиликлардан бирортасини паст санамагин. Ҳаттоки биродарингга чеҳрангни очиб гапиришдаги яхшиликни ҳам паст санамагин. Албатта, бу ҳам яхшиликдир. Иштонингни юқори кўтариб юр. Уни болдирингнинг ярмигача, бунга кўнмасанг, икки тўпиғинггача осилтиргин, холос. Иштонни осилтириб юришдан сақлангин. Чунки бу ҳам мутакаббирликдир. Албатта, Аллоҳ таоло мутакаббирни яхши кўрмас. Агар сени бирор киши сўкса ёки сендаги айбларни билиб айбласа, сен ундаги бор нарсалар билан айблама. Ўшанда бу нарсаларнинг гуноҳи ўша кишига бўлади», дедилар. *Абу Довуд ва Термизий ривоятлари.*

795/8. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Бир киши иштонини осилтириб намоз ўқиди. Расулуллоҳ ﷺ у кишига: «Боргин, таҳорат қилиб келгин», дедилар. У бориб таҳорат қилиб келди. Расулуллоҳ ﷺ: «Бориб таҳорат қилиб келгин», дедилар. Шунда бошқа бир киши: «Эй Аллоҳнинг Расули, нима учун таҳорат қилишни буюрдингизу, кейин жим бўлиб қолдингиз?» деганида, Расулуллоҳ ﷺ: «Бу киши иштонини осилтириб намоз ўқиди. Аллоҳ таоло иштонини осилтирган кишининг намозини қабул этмайди», дедилар. *Абу Довуд саҳиҳ иснод ила ривоят қилдилар. Бу ҳадис имом Муслимнинг шартларига биноан саҳиҳдир.*

Фойда: Расулуллоҳ ﷺ у кишига иштонини осилтириб оттирган гуноҳига каффорат бўлиши учун таҳоратини янгилаб келишни буюрдилар. Чунки ҳадисларда келишича, таҳорат гуноҳларга каффоратдир.

796/9. Қайс ибн Бишр Тағлибийдан ﷺ ривоят қилинади. Отам менга гапириб бердилар. Дамашқ шаҳрида Расулуллоҳ ﷺ саҳобларидан Ибн Ҳанзалийя ﷺ исмли шахс бор эди. У зот ҳеч кимга аралашмасдан ёлғиз ўзлари юрардилар. Машғулотлари намоз эди. Қачон ундан фориғ бўлсалар, оила аъзолари ҳузурига қайтгунча, тасбеҳ ва такбир ила машғул эдилар. Бир куни биз Абу Дардо ﷺ ҳузурида эканимизда шу саҳоба олдимиздан ўтиб қолдилар. Абу Дардо ﷺ у кишига: «Бир сўз айтингки, бизга фойда бўлсин, ўзингизга зарар бўлмасин», дедилар. Ўша Ибн Ҳанзалийя ﷺ исмли саҳоба: «Расулуллоҳ ﷺ отлиқ аскарларни (жиҳодга) юбордилар. Аскарлар қайтиб келишгач, улар орасидан бир киши Расулуллоҳ ﷺ ўтирадиган жойларига ўтириб, ёнидаги бир кишига: «Бизни душманга йўлиққан пайтимизда кўрсангиз эди, бир киши душманга ҳамла қилиб, найза санчди-да: «Бу

найзани мендан олгин, мен ўифорий йигитлариданман (яъни ўифорий қабиласидаги йигитлар найза санчса, ўлдирмай қўймайди)», деди. «Сен бу йигитнинг айтган гапига қандай қарайсан?» деган эди, ҳалиги ёнидаги киши: «У савобини зое қилибди», деди. Бошқа бир киши эшитиб турган эди. «Бундай деб айтишнинг зарари йўқ-ку!» деди. Бас икковлари тортишиб қолишди. Расулуллоҳ ﷺ ҳам буларнинг тортишганларини эшитиб қолиб: «Субҳаналлоҳ, йигитнинг бундай дейишининг зарари йўқ. Бу ҳамласига савоб олиши ҳам ва кишиларни мақтовига сазовор бўлиши ҳам мумкин», дедилар. Абу Дардонинг ؓ бундан хурсанд бўлганларини кўрдим. Ибн Ҳанзалийя ؓ томонга бошларини кўтариб қарадилар-да: «Сиз буни Расулуллоҳнинг ﷺ ўзларидан эшитдингизми?» дегандилар, Ибн Ҳанзалийя ؓ: «Ҳа», дедилар. Мен уларнинг эҳтиромларини кўриб: «(Гўёки шогирд устози ҳузурида икки тиззаси билан ўтиргандек) икки тиззалари билан ўтирардилар», дер эдим. Кунларнинг бирида яна Ибн Ҳанзалийя ؓ бизнинг олдимиздан ўтиб қолдилар. Абу Дардо ؓ у кишига: «Бир сўз айтингки, у бизга фойда бериб, ўзингизга зарар бермасин», дедилар. Шунда у киши: «Расулуллоҳ ﷺ бизга айтдилар, Аллоҳ йўлида боқилаётган отларга молидан нифоқ қилувчи киши худди садақа бериш учун ҳамиша қўли очиқ, асло ёпилмайдиганга ўхшайди», дедилар. Бошқа бир куни яна олдимиздан ўтиб қолдилар. Абу Дардо ؓ у кишига: «Бир сўз айтингки, бизга фойда бериб, ўзингизга зарар қилмасин», дедилар. Шунда у киши: «Расулуллоҳ ﷺ айтганлар: Хураймул Усайдий номли киши мунча ҳам яхши, агар сочи (елкасига тушадиган даражада) узун бўлмаса ва иштони осилган бўлмаса, дедилар. Бу гап Хураймга етиб, тезда тиғ олиб, сочини қулоғининг олдигача кесиб, иштонини болдиригача кўтарди», дедилар. Кейин Ибн Ҳанзалийя ؓ яна ўтиб қолдилар. Абу Дардо ؓ: «Бир сўз айтингки, бизга фойда бериб, ўзингизга зарар қилмасин», дедилар. Ибн Ҳанзалийя ؓ айтдилар: «Расулуллоҳдан ﷺ эшитганман, у зот: «Сизлар биродарларингиз зиёратига бориб турасизлар. Уловларингиз ва либосларингизни чиройли қилиб боринглар. Гўёки одамлар орасида бадандаги хол каби бўлинглар. Чунки Аллоҳ таоло такаллуф билан ўзига ва либосларига бепарво бўлганларни яхши кўрмайди», дедилар. *Абу Довуд ҳасан иснод билан ривоят қилганлар.лимнинг шартларига биноан саҳиҳ иснод ила ривоят қилганлар. Фақатгина Қайс ибн Бишрни «Ишончлими ёки заиф кишими?» деб, шу ҳақда ихтилоф қилишган. Лекин Имом Муслим бу кишидан ҳадис ривоят қилганлар.*

797/10. Абу Саид ал-Худрийдан ؓ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Мусулмон кишининг иштони болдирининг ярмигача бўлади. Бордию болдири билан тўпиғи орасида бўлишининг ҳам зарари йўқ. Аммо тўпиғидан пасти дўзахдадир. Кимки иштонини такаббурлик ила судраб юрса, Аллоҳ таоло у кишига (раҳмат назари билан) қарамайди», дедилар. *Абу Довуд саҳиҳ иснод ила ривоят қилдилар.*

798/11. Ибн Умардан ؓ ривоят қилинади. Бир куни Расулуллоҳ ﷺ олдиларидан ўтаётган эдим, иштоним бўшаб, тушиб кетди. У зот: «Эй Абдуллоҳ, иштонингни кўтаргин», дедилар. Мен уни кўтардим. «Яна кўтар»,

дедилар. Мен уни кўтариб юрдим. Шунда қавмдагилар: «Эй ибн Умар, қаергача кўтардингиз?» дейишганида, у зот: «Болдирнинг ярмигача», дедилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

799/12. Ибн Умардан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Ким кийимини такаббурлик билан судраб юрса, Аллоҳ таоло унга Қиёмат куни (раҳмат назари билан) қарамайди», деганларида, Умму Салама ﷺ: «Унда аёллар этакларини нима қилишади?» дедилар. Расулуллоҳ ﷺ: «Бир қарич узайтиришади», дедилар. Умму Салама ﷺ эса: «Бир қаричда оёқлари очилиб қолади-ку?» дедилар. Расулуллоҳ ﷺ: «Ундай бўлса, бир газ миқдорида узайтиришсин. Лекин ундан ошириб юборишмасин», дедилар. *Абу Довуд ва Термизийлар ривоятлари.*

120-БОБ
Тавозуъ билан такаббурликдан сақланиш ниятида кийимнинг олийсини тарк этишнинг маҳбублиги ҳақида

Бу бобга тааллуқли ҳадислар 56-бобда ҳам келган.

800/1. Муоз ибн Анасдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Кимки кийинишга қодир бўла туриб, Аллоҳга тавозуъ қилган ҳолда (олий навли) либос кийишни тарк қилса, Аллоҳ таоло Қиёмат кунида халойиқнинг бошига чақириб, мўминлар (жаннатда) киядиган либоснинг хоҳлаганини танлаш ҳуқуқини беради», дедилар. *Имом Термизий ривоятлари.*

121-БОБ
Кийинишда ўртаҳол бўлишнинг маҳбублиги ҳамда зарурат ва шаръий мақсад бўлмаганда обрўини кетказадиган кийим киймаслик ҳақида

801/1. Амр ибн Шуъайб оталаридан, оталари эса боболаридан қилган ривоятларида, Расулуллоҳ ﷺ: «Албатта, Аллоҳ таоло бандаси устида берган неъмати асарини кўрмоқни севади», дедилар. *Имом Термизий ривоятлари*

122-БОБ
Эркакларга ипак кийим кийиш, ипак кўрпачада ўтириш ва ипак ёстиққа суянишнинг ҳаромлиги ҳамда аёлларга ипак кийим кийишнинг жоизлиги ҳақида

802/1. Умар ибн Хаттобдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Ипак либос кийманглар. Кимки уни дунё ҳаётида кийса, охиратда кия олмайди», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

803/2. Умар ибн Хаттобдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Албатта, ипакни охиратдан насибаси йўқлар кияди», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

Имом Бухорий ривоятларида: «охиратдан насибаси йўқлар кияди», бўлиб келган.

804/3. Анасдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Кимки шу дунёда ипак кийса, охиратда кия олмайди», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

805/4. Алидан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ ипакни ушлаб, ўнг томонларига ва тиллани ушлаб, чап томонларига қўйдилар-да, кейин: «Албатта, бу иккови умматимнинг эркакларига ҳаромдир», дедилар. *Абу Довуд ривоятлари.*

806/5. Абу Мусо ал-Ашъарийдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Ипак кийим ва тилла умматимнинг эркакларига ҳаром, аёлларига эса ҳалол қилинди», дедилар. *Имом Термизий ривоятлари.*

807/6. Ҳузайфадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ тилла ва кумуш идишларда бирор ичимлик ичишдан ва овқат тановул этишдан ҳамда ипак, кимхоб кийишдан ва унинг устида ўтиришдан ман қилдилар. *Имом Бухорий ривоятлари.*

123-БОБ
Баданида қичима касали борларга ипак кийишнинг жоизлиги ҳақида

808/1. Анасдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ Зубайр ва Абдураҳмон ибн Авфларга баданида қичима касали борлиги сабабли ипак кийим кийишларига рухсат этдилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

124-БОБ
Йўлбарс терисидан кўрпача қилишнинг ва эгар устига тўшамоқнинг ман этилгани ҳақида

809/1. Муовиядан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Ипак ва йўлбарс териси тўшалган уловни минманглар», деб айтдилар. *Абу Довуд ва бошқалар ривоятлари.*

810/2. Абу Малиҳ оталаридан қилган ривоятларида, Расулуллоҳ ﷺ йиртқичларнинг терисини ишлатишдан ман қилдилар. *Абу Довуд, Термизий ва Насаийлар ривоятлари.*

Термизийнинг ривоятларида, Расулуллоҳ ﷺ: «Йиртқичларнинг терисини тўшак қилишдан ман қилдилар», бўлиб келган.

125-БОБ
Янги кийим ёки пойафзал ва шунга ўхшаш нарсалар кийганда айтиладиган нарсалар тўғрисида

811/1. Абу Саид ал-Худрийдан ﷺ ривоят қилинади: «Расулуллоҳ ﷺ янги кийим саллами, кўйлакми ёки ридоми, кийсалар «Бисмиллоҳ»ни айтиб, сўнг қуйидаги дуони ўқир эдилар: «Аллоҳумма лакал ҳамду анта касавтанийҳи, ас`алука хойраҳу ва хойра ма суниъа лаҳу ва аъузу бика мин шарриҳи ва шарри ма суниъа лаҳу». (Маъноси: Эй Раббим, мени кийинтирганинг учун Сенга ҳамд бўлсин. Сендан бунинг яхшилигини ва унга қилинган яхшиликни сўрайман. Ва бунинг ёмонлигидан ва унга қилинган ёмонликдан паноҳ тилайман.) *Абу Довуд ва Термизий ривоятлари*

126-БОБ
Кийим кийишни ўнгдан бошлашнинг маҳбублиги тўғрисида

Биз бу ҳақда юқоридаги бобда кўплаб саҳиҳ ҳадислар келтирдик.

127-БОБ
Ухлаш, ётиш, туриш, ўтириш, бирга ўтириш ва туш кўриш одоблари ҳақида

812/1. Барро ибн Озиб ﷺ айтадилар: «Расулуллоҳ алайҳиссалом менга: «Агар тўшагингга келсанг, ўнг томонингга ёнбошлаб: «Аллоҳумма асламту нафсий илайка ва важжаҳту важҳий илайка ва фаввазту амрий илайка ва алжа`ту зоҳрий илайка, роғбатан ва роҳбатан илайк, ла малжа`а ва ла манжа минка илла илайк, аманту бикитабикаллазий анзалта ва набиййикаллазий арсалта», деб айт», дедилар. (Маъноси: Аллоҳим, нафсимни Сенга таслим этдим. Ва юзимни сенга қаратдим. Ишимни Сенга топширдим. Сенинг неъматингга рағбат қилиб, ғазабингдан қўрқиб, Сенга суяндим. Сендан бошқа қочадиганим ҳам, нажот топадиганим ҳам йўқ. Нозил қилган китобларингга ва юборган пайғамбарларингга иймон келтирдим.) *Имом Бухорий мана шу лафз ила ривоят қилганлар.*

813/2. Барро ибн Озиб ﷺ айтадилар: «Расулуллоҳ алайҳиссалом менга: «Агар ётоғингга борсанг, намозга таҳорат қилганингдек таҳорат қил, сўнг ўнг томонингга ёнбошлаб: «Аллоҳумма асламту нафсий илайка ва фаввазту амрий илайка ва алжа`ту зоҳрий илайк, роғбатан ва роҳбатан илайк, ла малжа`а ва ла манжа минка илла илайк, аманту бикитабикаллазий анзалта ва набиййикаллазий арсалта», деб айт. Ётишдан олдин охирги айтадиганинг шу бўлсин», дедилар. (Маъноси: Аллоҳим, нафсимни Сенга таслим этдим. Ишимни Сенга топширдим. Сенинг неъматингга рағбат қилиб, ғазабингдан қўрқиб, Сенга суяндим. Сендан бошқа қочадиганим ҳам, нажот топадиганим

ҳам йўқ. Нозил қилган китобларингга ва юборган пайғамбарларингга иймон келтирдим.) *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари*

814/3. Оишадан ﵂ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ кечалари ўн бир ракат намоз ўқирдилар. Агар субҳ кирса, икки ракат енгил намоз ўқиб олардилар. Кейин муаззин келиб, жамоат жам бўлди деб айтгунича, ўнг томонларига ёнбошлаб турардилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

815/4. Ҳузайфадан ﵁ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ кечаси ётоқларига ётсалар, қўлларини чаккалари остига қўйиб «Аллоҳумма бисмика амуту ва аҳйа», деб айтардилар. (Маъноси: Аллоҳим, Сенинг исминг билан тириламан ва ўламан.) Уйғонганларида: «Алҳамду лиллаҳиллазий аҳйана баъда ма аматана ва илайҳин нушур», деб айтар эдилар. (Маъноси: Бизни ўлдиргандан кейин тирилтирган Аллоҳга ҳамд бўлсин. Ва биз Унгагина қайтамиз.) *Имом Бухорий ривоятлари*

816/5. Яъиш ибн Тихфа ал-ўифорийдан ﵁ ривоят қилинади. Отам менга қуйидагиларни айтиб бердилар. Бир куни мен масжидда қорнимни ерга қаратиб ётган эдим, ногаҳон бир киши келиб, оёғи билан мени туртди-да: «Албатта, бу ётиш Аллоҳнинг ғазабини келтиради», деди. Ўгирилиб қарасам, у гапираётган киши Расулуллоҳ ﷺ эканлар. *Абу Довуд ривоятлари.*

Фойда: Қоринни ерга қаратиб ётишдан қайтарилган.

817/6. Абу Ҳурайрадан ﵁ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Ким бир ўринга ўтирсаю Аллоҳни зикр қилмаса, у учун Аллоҳ томонидан нуқсон етади. Ким бир ўринга ёнбошласаю Аллоҳни зикр этмаса, унга ҳам Аллоҳ томонидан нуқсон етади», дедилар. *Абу Довуд ривоятлари.*

Фойда: Ҳар бир мажлисда Аллоҳни зикр қилиб юришга тарғиб ҳамда Аллоҳнинг зикридан ғафлатда қолишдан огоҳлантириш бор.

128-БОБ
Чалқанча ётиш ва аврати очилиб қолишидан қўрқмаса, бир оёғини иккинчиси устига қўйишнинг ҳамда чордона қуриб ҳамда чўккалаб ўтиришнинг жоизлиги ҳақида

818/1. Абдуллоҳ ибн Язиддан ﵁ ривоят қилинади. Бу зот: «Расулуллоҳнинг ﷺ масжидда бир оёқларини иккинчиси устига қўйиб чалқанча ётганларини кўрдим», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

819/2. Жобир ибн Самурадан ﵁ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ агар бомдод намозини ўқиб бўлсалар, қуёш батамом чиққунича ўз ўринларида чордона қуриб ўтирардилар. *Абу Довуд ривоятлари.*

820/3. Ибн Умардан ﷺ ривоят қилинади. «Расулуллоҳнинг ﷺ Каъба ҳовлисида чўккалаб, яъни думбаларини ерга қўйиб, тиззаларини қучоқлаб ўтирганларини кўрдим», дедилар. *Имом Бухорий ривоятлари.*

821/4. Қайлата бинти Махрамадан ﷺ ривоят қилинади. «Расулуллоҳнинг ﷺ чўккалаб ўтирганларини кўрдим. Бас, у зотнинг ниҳоятда хушуъ билан ўтирганларини кўриб, қўрқувдан титраб кетдим». *Абу Довуд ва Термизий ривоятлари.*

822/5. Шарид ибн Сувайддан ﷺ ривоят қилинади. Мен мана шундоқ, яъни чап қўлимни орқамга қўйиб, ўнг кафтимга суяниб ўтирганимда, Расулуллоҳ ﷺ: «Аллоҳнинг ғазабига учраган яҳудийлар каби ўтирмагин», дедилар. *Абу Довуд ривоятлари.*

129-БОБ
Мажлис ва ҳамсуҳбатлар одоби ҳақида

823/1. Ибн Умардан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Сизлардан бирортангиз зинҳор бир кишини ўрнидан турғизиб, унинг жойига ўтирмасин. Лекин мажлисни кенгайтирсин», деб айтдилар. Ибн Умарнинг ﷺ одатлари – бирор киши ўрнидан туриб жой берса, у ерга ўтирмасдилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

824/2. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Агар сизлардан бирортангиз ўрнидан туриб, кейин яна жойига қайтиб келса, ўз жойига ўзи ҳақлидир», дедилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

825/3. Жобир ибн Самурадан ﷺ ривоят қилинади. Агар биз Расулуллоҳ ﷺ ҳузурларига борсак, ҳар биримиз мажлиснинг етиб келган жойига ўтирар эдик. Яъни ҳеч кимни безовта қилиб, ўрнидан турғизмас эдик. *Абу Довуд ва Термизий ривоятлари.*

826/4. Абу Абдуллоҳ Салмон Форсийдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Сизлардан бирингиз жума куни ғусл қилиб, қодир бўлганича тозаланиб, ёғ суртиб ёки уйидаги хушбўй атирлардан сепиб, уйидан чиқиб, кейин масжидга бориб, икки киши орасини ёрмасдан (бўш жойга ўтириб) фарз намозини ўқиса ва имом (хутбага) чиқиб гапираётганида жим турса, ўша жума билан нариги жума ўртасидаги гуноҳлари кечирилади», дедилар. *Имом Бухорий ривоятлари.*

827/5. Амр ибн Шуъайб оталаридан, оталари эса боболаридан қилган ривоятларида Расулуллоҳ ﷺ: «Бирор кишига икки киши орасини уларнинг изнисиз ёриб ўтириб олиш жоиз эмас», дедилар. *Абу Довуд ва имом Термизий ривоятлари.*

Абу Довуднинг ривоятларида: «Икки кишининг орасига уларнинг изнисиз ўтирилмайди» бўлиб келган.

828/6. Ҳузайфа ибн Ямондан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ ҳалқанинг (юмалоқ шаклда ўтириш) ўртасида ўтирган кишига лаънат айтдилар. *Абу Довуд ривоятлари.*

Термизий Абу Мижлаздан ﷺ қилган ривоятларида эса: «Бир киши ҳалқанинг ўртасига ўтирган эди. Ҳузайфа ﷺ: «Бу Муҳаммад алайҳиссалом тиллари билан лаънатлангандир. Ёки кимки халқанинг ўртасига ўтирса, Аллоҳ Муҳаммад алайҳиссалом тиллари билан лаънатлагандир», деб айтдилар» бўлиб келган.

829/7. Абу Саид ал-Худрийдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Мажлисларнинг энг яхшиси кенгроғидир», дедилар. *Абу Довуд ривоятлари. Бу ҳадис имом Бухорий шартларига биноан саҳиҳдир.*

830/8. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Кимки мажлисда ўтирганида бефойда сўзлар кўпайиб кетса: «Субҳанакаллоҳумма ва биҳамдика ашҳаду анла илаҳа илла анта астағфурука ваатубу илайка», деб айтса, ана шу мажлисда содир бўлган гуноҳлари кечирилади», дедилар. (Маъноси: Аллоҳим, Сенга ҳамд айтиш ила Сени поклаб ёд этаман. Гувоҳлик бераманки, Сендан бошқа илоҳ йўқ. Сенга истиғфор айтиб, тавба қиламан). *Имом Термизий ривоятлари.*

831/9. Абу Барзадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ мажлис тугаганидан кейин туришни хоҳласалар, унинг охирида «Субҳанакаллоҳумма ва биҳамдика, ашҳаду анла илаҳа илла анта астағфирука ва атубу илайка», деб айтардилар. Шунда бир киши: «Эй Аллоҳнинг расули, сиз бир сўз айтдингиз, буни аввал айтмаган эдингиз», деганида, Расулуллоҳ ﷺ: «Мана шу калималар мажлисда содир бўлган гуноҳларга каффоратдир», дедилар. *Абу Довуд ривоятлари.*

Имом Ҳоким ҳам мана шу ҳадисни «Мустадрак» китобида Оишадан ﷺ саҳиҳ иснод ила ривоят қилганлар.

832/10. Ибн Умардан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ қуйидагича дуо қилиб, мажлисдан туриб кетардилар: «Аллоҳумма ақсим лана мин хошятика ма таҳулу биҳи байнана ва байна маъсиятика ва мин тоатика ма тубаллиғуна биҳи жаннатака ва минал яқийни ма туҳаввину биҳи аълайна масоибад дунё. Аллоҳумма маттиъна биасмаъина ва абсорина ва қувватина ма аҳяйтана важъалҳул вориса минна важъал саърана ъала ман золамана вансурна ъала ман ъадана вала тажъал мусийбатана фий дийнина вала тажъалид дунё акбара ҳаммина вала маблаға ъилмина вала тусаллит ъалайна ман ла ярҳамуна». (Маъноси: «Аллоҳим, Сенга қилинадиган гуноҳ ила бизнинг орамизни тўсадиган қўрқувни ва жаннатингга етказадиган тоатингни ҳамда дунё мусибатларини бизга енгиллаштирадиган яқийнни

(тўла ишончни) улуш қилиб бер. Аллоҳим, бизни тириклигимизда қулоғимиз, кўзимиз ва қувватимиз ила нафлантириб, уни бизга меросхўр қил (Яъни, вафот этгунимизча омонда қил). Ўчимизни бизга зулм қилганларга қарат! Душманларимиз зиёнига бизга нусрат бер. Мусибатимизни динимизда қилма. Дунёни энг катта ғамимиз ва охирги илмимиз қилма. Ва бизга раҳм қилмайдиганларни бизга бошлиқ этма».) *Имом Термизий ривоятлари.*

833/11. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Бирор қавм Аллоҳни зикр қилмасдан, мажлисдан турадиган бўлса, гўёки ўлик эшак устидан туриб кетгандек бўлишади. Ва бу мажлис ўзларига надомат олиб келади», дедилар. *Абу Довуд ривоятлари.*

Фойда: Аллоҳнинг зикридан ғафлатда қолишдан огоҳлантирилмоқда. Чунки қалб касалликларининг каттаси ва гуноҳларнинг буюги Аллоҳнинг зикридан ғафлатда қолинганда содир бўлади.

834/12. Абу Ҳурайрадан ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Бирор қавм бир мажлисда ўтириб, Аллоҳни зикр қилмаса, Расулуллоҳга ﷺ салавот айтмаса, унга ҳам ноқислик етади. Агар Аллоҳ уларни хоҳласа азоблайди, хоҳласа кечиради», дедилар. *Имом Термизий ривоятлари.*

835/13. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Кимки бир ўринда ўтирса-ю, Аллоҳни зикр қилмаса, Аллоҳ томонидан унга ноқислик бўлади. Кимки бир ўринга ёнбошласа-ю, Аллоҳни зикр қилмаса, Аллоҳ томонидан унга ҳам ноқислик етади», дедилар. *Абу Довуд ривоятлари.*

130-БОБ
Туш ва унга тааллуқли нарсалар тўғрисида

Аллоҳ таоло: **«Унинг оятларидан** (яна бири) **— кечаси ва кундузи ухлашларингиздир»** (Рум сураси, 23-оят), деб айтган.

836/1. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Нубувватликдан ҳеч нарса қолмайди. Фақат башорат берувчи нарса қолади, холос», деганларида, саҳобалар: «Башорат берувчи нарса нима?» дейишди. Шунда у зот: «Яхши туш», деб айтдилар. *Имом Бухорий ривоятлари.*

837/2. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Агар охир замон яқинлашса, мўминнинг туши камдан-кам ёлғон бўлади. Ва мўминнинг туши нубувватнинг қирқ олти бўлагидан бир қисмидир», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

Бошқа ривоятларда: «Туши ростларингиз сўзи ростларингиздир», дейилган.

Фойда: Аллоҳ таоло мўминларга замон фасод бўлганда тасалли бўлиши учун мана шундай неъматларни берди. Имом Муҳаллабнинг айтишларича, пайғамбарлар туши ҳақдир. Мўминларни тушлари ҳам кўпинча ростдир. Чунки шайтон уларни қалбларидан жой эгаллай олмайди. Кофир ва

фосиқларнинг туши эса кўпинча ёлғондир. Чунки шайтон уларга ҳукмдордир.

838/3. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Ким мени тушида кўрса, тез фурсатларда уйғоқ ҳолатида ҳам кўради. Ёки уйғоқликда мени кўрибди. Чунки Шайтон менинг қиёфамга кира олмайди», дедилар.

Фойда: Ким Расулуллоҳни ﷺ тушида кўрса тез кунларда ўнгида, яъни Қиёматда кўради. Бу ўша туш кўрган киши учун хушхабардир. Расулуллоҳни ﷺ фақатгина у зотга нисбатан қалбида муҳаббат ва ҳидоятларига эргашганларгина тушида кўради. Албатта тушда Расулуллоҳни ﷺ кўриш ҳақдир. Бу алғов-далғов тушлар сирасига кирмайди. Чунки шайтон инсон кўзига Расулуллоҳ ﷺ шаклларида кўрина олмайди. Мана шу у зотнинг хусусиятларидандир.

839/4. Абу Саид ал-Худрийдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Сизлардан бирингиз яхши туш кўрса, албатта, у Аллоҳ томонидандир. Бунинг учун Аллоҳга ҳамд айтсин. Ва уни (бошқаларга) айтаверсин. (Бошқа ривоятда: «Яхши кўрган кишисига сўзлайверсин»). Агар бундан бошқаси, яъни ёмон туш кўрса, у ҳақиқатда шайтон томонидандир. У шайтоннинг ёмонлигидан паноҳ тилаб, тушини ҳеч кимга гапирмасин. Ана шунда у зарар қилмайди», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

840/5. Абу Қатодадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Солиҳ туш (бошқа ривоятда яхши туш) Аллоҳ томонидандир. Ёмон туш шайтон томонидандир. Кимки тушида ёмон нарса кўрса, чап томонига уч марта туфлаб, шайтондан паноҳ тиласин. Чунки ана шундай қилса, у зарар бера олмайди», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

841/6. Жобирдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Сизлардан бирингиз тушида ёмон нарсани кўрса, чап томонига уч марта тупурсин. Ва уч марта Аллоҳ номи ила шайтондан паноҳ тиласин. Ҳамда ётган томонидан бошқа тарафга бурилиб ётсин», дедилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

842/7. Абуласқаъ Восила ибн Асқаъдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Ёлғонларнинг энг каттаси — кишининг ўз отасидан бўлак одамни ўз отам, деб даъво қилмоғи ёки ўзи (тушида) кўрмаган нарсани кўрдим, дейиши ёки Расулуллоҳ ﷺ айтмаган нарсани айтдилар, дейишидир», деб айтдилар. *Имом Бухорий ривоятлари.*

САЛОМЛАШИШ КИТОБИ

131-БОБ

Саломлашиш фазилати ҳамда уни оммалаштиришга буюриш

Аллоҳ таоло:

«Эй мўминлар, ўз уйларингиздан бошқа уйларга то изн сўрамагунингизча ва эгаларига салом бермагунингизча кирмангиз» (Нур сураси, 27-оят).

«Бас, қачон уйларга кирсангизлар, бир-бирларингизга Аллоҳ ҳузуридан бўлган муборак покиза саломни айтинглар (яъни «Ассалому алайкум», денглар)**»** (Нур сураси, 61-оят).

«Қачон сизларга бирон ибора билан салом берилса, сизлар ундан чиройлироқ қилиб алик олинглар ёки (ҳеч бўлмаса) **ўша иборани қайтаринглар»** (Нисо сураси, 86-оят).

«(Эй Муҳаммад)**, сизга Иброҳимнинг иззат-икромли меҳмонлари ҳақидаги хабар келдими? Ўшанда улар** (Иброҳимнинг) **ҳузурига кириб, «Салом», дейишган эди. У ҳам «Салом», деди»** (Ваз-зорият сураси, 24-25-оятлар), деб айтган.

843/1. Абдуллоҳ ибн Амр ибн Оссдан ﷺ ривоят қилинади. Бир киши Расулуллоҳдан ﷺ: «Исломдаги қайси амал яхши?» деб сўраганида, у зот: «Қорни очларни тўйдиришинг ҳамда таниган ва танимаган кишига салом беришинг», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

844/2. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Аллоҳ таоло Одам алайҳиссаломни халқ қилиб, у кишига «Ана бу ўтирган бир неча фаришта олдига боргин-да, салом бергин, сўнгра уларнинг сенга оладиган алигини яхшилаб эшитгин, чунки бу сенга ва сендан тарқаладиган зурриётларингга йўлланган салом бўлади», деди. (Одам алайҳиссалом бориб: «Ассалому алайкум», дедилар. Фаришталар: «Ассалому ъалайка ва раҳматуллоҳи», деб «раҳматуллоҳи»ни зиёда қилишди», дедилар.) *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

845/3. Абу Умора Барро ибн Озибдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ етти нарсага буюрдилар:

1. Касални бориб кўрмоқни;
2. Жанозада қатнашмоқни;
3. Акса урганга жавоб қайтармоқни;
4. Кучсизга ёрдам бермоқни;
5. Мазлумга кўмак бермоқни;
6. Саломни (таниган ва танимаганлар орасида) ёймоқни;
7. Қасамга вафо қилмоқни. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

846/4. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Иймон келтирмагунингизча жаннатга кирмайсизлар. Бир-бирингизга муҳаббат қилмагунингизча иймонли бўла олмайсизлар. Агар амал қилсангиз, ўрталарингизда муҳаббат пайдо этадиган нарсага сизларни далолат

қилайми? У ораларингизда саломни ёймоқлигингиздир», дедилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

847/5. Абу Юсуф Абдуллоҳ ибн Саломдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Эй инсонлар, саломни (таниган ва танимаганлар орасида) ёйинг. Овқат билан (камбағалларни) таомлантиринг, қариндошларга етишинг. Кишилар ухлаганда намоз ўқинг, жаннатга омон ҳолатда кирасизлар», дедилар. *Имом Термизий ривоятлари.*

848/6. Туфайл ибн Убай ибн Каъбдан ﷺ ривоят қилинади. Бу зот Абдуллоҳ ибн Умарнинг ﷺ ҳузурларига келиб, у зот билан бирга бозорга боришар эди. Туфайлнинг хабар беришларича, «Бозорга борарканмиз, Абдуллоҳ ибн Умар бирор ичак-чавоқ сотувчи ёки дўкондор ёки бирор мискинга йўлиқсалар, уларга салом берардилар». Туфайл айтдилар: «Кунларнинг бирида Абдуллоҳ ибн Умарнинг олдиларига бордим. Мени ўзлари билан бозорга эргаштирдилар. У зотга «Бозорда нима қиласиз, барибир олди-сотди қилмасангиз, нархларини сўраб, баҳолашмасангиз ва бозор мажлисларида ўтирмасангиз?» десам, у зот: «Сен билан бу ҳақда ана бу ерда гаплашамиз», дедилар-да, «Я абобатн» («эй қорин отаси»), дедилар (яъни, Туфайлнинг қоринлари катта бўлгани учун шундай атадилар). Сўнг яна: «Биз бу ерга салом сабабли, яъни йўлиққан кишиларимизга салом бериш учун келамиз», дедилар». (Абдуллоҳ ибн Умар ﷺ Расулуллоҳ ﷺ суннатларини тирилтириш учун бирортасини қолдирмай мана шундай амал қилишда бошқа саҳобалардан ажраб турардилар... – тарж.) Имом Молик «Муватто» китобларида саҳиҳ иснод ила ривоят қилганлар.

132-БОБ
Салом беришнинг йўл-йўриғи тўғрисида

Саломни бошловчи салом берилаётган киши битта бўлса ҳам кўплик олмоши билан: «Ассалому алайкум», дейди. Алик олувчи «вов» ҳарфини зиёда қилиб: «Ва алайкум ассалом ва роҳматуллоҳи ва барокатуҳу», дейди.

849/1. Имрон ибн Ҳусайндан ﷺ ривоят қилинади. «Бир киши Расулуллоҳнинг ﷺ ҳузурларига келиб, «Ассалому алайкум», деди. Унга жавоб қайтариб ўтирдилар-да, ўнта савоб, дедилар. Сўнгра бошқа киши келди-да, «Ассалому алайкум ва роҳматуллоҳи», деди. Унга ҳам жавоб қайтариб ўтирдилар-да, йигирмата савоб, дедилар. Сўнгра бошқа бир киши келди-да, «Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳу ва барокатуҳу», деди. Унга ҳам жавоб қайтариб, ўттизта савоб, дедилар». *Абу Довуд ва Термизий ривоятлари.*

850/2. Оишадан ﷺ ривоят қилинади: «Расулуллоҳ ﷺ менга: «Жаброил (алайҳиссалом) сенга салом айтди», деганларида, мен ҳам: «Ва алайҳиссалом ва роҳматуллоҳи ва барокатуҳу» («У зотга ҳам Аллоҳнинг

раҳмати, саломи ва баракаси бўлсин»), дедим». *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

Фойда: Оиша онамизнинг фазллари, фаришталарнинг одамларга салом йўллаши ва ғойибдан салом айтган кишига жавоб қайтаришнинг шартлиги маълум бўлмоқда.

851/3. Анасдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ бирор гап айтсалар, эшитувчи уни англагунича уч марта қайтарардилар. Агар бирор жамоага бориб салом берсалар, уч марта салом берардилар. *Имом Бухорий ривоятлари*

Фойда: Агар жамоат кўп бўлса шундай қилинади.

852/4. Миқдоддан ﷺ қилинган узун ҳадисда келтирилишича, «Расулуллоҳга ﷺ сутдан бўлган насибаларини олиб қўйдик. У зот кечаси келиб, уйқудагилар уйғонмайдиган ва уйғоқлар эшитадиган қилиб салом берардилар. Менинг уйқум келмасди. Аммо икки шеригим ухлаб бўлишган эди. Шу куни Расулуллоҳ ﷺ келиб, аввал қандай салом берсалар, шу тарзда салом бердилар». *Имом Муслим ривоятлари.*

853/5. Асмо бинти Язиддан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ кунларнинг бирида масжиднинг ёнидан ўтаётганларида бир неча аёл ўтирган эди. Уларга қўллари ила ишора қилиб, салом бердилар. *Имом Термизий ривоятлари.*

Бу ҳадисда Расулуллоҳ ﷺ лафз ила ишорани жамладилар. *Абу Довуддан қилинган ривоят мана шу сўзни қувватлайди*.

Фойда: Узоқдаги кишиларга ишора ва лафз ила салом айтиш жоиз. Лекин ишоранинг ўзи билан кифояланиш макруҳдир. Бундай қилишдан бошқа бир ҳадисда ман қилинган. Чунки бундай қилиш мусулмон бўлмаганлар одатларидир. Расулуллоҳ ﷺ фитнадан омонда бўлганлари учун аёлларга салом бердилар. Кимда-ким фитнадан омонда бўлишга кўзи етса у кишига ҳам аёлларга салом бериши жоиз. Лекин ўзига ишонмаса салом бермагани афзал.

854/6. Абу Умомадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Аллоҳ таоло наздида одамларнинг олийси саломни (аввал) бошлаганларидир», дедилар. *Абу Довуд ва Термизий ривоятлари.*

855/7. Абу Журай ал-Ҳужаймийдан ﷺ ривоят қилинади. Мен Расулуллоҳ ﷺ ҳузурларига бориб: «Алайкассалом, эй Аллоҳнинг Расули», десам, у зот: «Алайкассалом» деб айтмагин. Чунки «Алайкассалом» ўликларнинг саломидир», дедилар. *Абу Довуд ва Термизий ривоятлари.*

133-БОБ
Салом одоблари тўғрисида

856/1. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Суворий пиёдага, пиёда ўтирганга ва озчилик кўпчиликка салом беради», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

Имом Бухорий ривоятларида: «Кичик каттага» бўлиб келган.

Фойда: Мана шу тарзда салом бериш маҳбубдир. Имом Муҳаллаб бунинг ҳикматини қуйидагича шарҳлайдилар: Чунки пиёда юрувчи кирувчи кишига ўхшайди. Шунинг учун саломни аввал бериши аълороқ. Кичик ёшли катталарни ҳурмат қилиб, уларга нисбатан тавозуъли бўлишга буюрилган. Суворий яъни бирор нарса миниб олган киши ўша миниб олган нарсасига фахрланиб кибрланмаслиги учун саломни аввал беради. Озчилик кўпчиликка салом беришига сабаб, кўпчиликнинг ҳаққи озчиликка қараганда кўпроқдир. Исломда салом бериш одоби мана шу кўринишда бўлади.

857/2. Абу Умомадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Кишиларнинг Аллоҳ ҳузуридаги олий мартабалиси саломни бошлаганидир», дедилар. *Абу Довуд ривоятлари.*

Имом Термизий ривоятларида келтирилишича, «Эй Расулуллоҳ, икки киши йўлиқиб қолса, қайси бири саломни бошлайди?» дейилганида, у зот: «Аллоҳ ҳузуридаги олий мартабалиси, (Яъни Аллоҳга тоат билан яқин бўлгани)», деб айтдилар.

134-БОБ
Такрор кўришганда, бир мажлисга кириб-чиққанда ёки дарахт ва шунга ўхшаш нарсалар орани тўсиб қўйганида қайта салом беришнинг маҳбублиги ҳақида

858/1. Абу Ҳурайрадан ﷺ намозини ёмон ҳолда ўқиган киши ҳақида ривоят қилинади. У келиб намоз ўқиди. Расулуллоҳ ﷺ унинг саломига алик олгач, «Қайтадан намоз ўқи. Чунки сен ҳали намоз ўқимадинг», дедилар. У қайтиб намоз ўқиди. Сўнгра Расулуллоҳга ﷺ салом берди. Ҳаттоки, шуни уч марта қилди. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

859/2. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Агар сизларнинг бирингиз биродарига йўлиқса, унга салом берсин. Агар улар орасини дарахт ё девор ёки тош тўсиб қўйиб, сўнгра унга яна йўлиқса, яна салом берсин», дедилар. *Абу Довуд ривоятлари.*

135-БОБ
Уйга кирганда салом беришнинг маҳбублиги тўғрисида

Аллоҳ таоло: **«Бас, қачон уйларга кирсангизлар, бир-бирларингизга Аллоҳ ҳузуридан бўлган муборак покиза саломни айтинглар** (яъни «Ассалому алайкум», денглар)**»** (Нур сураси, 61-оят), деб айтган.

860/1. Анасдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Эй ўғилчам, агар оила аъзоларинг ҳузурларига кирсанг, салом бергин. Ана шунда ўзингга ва оила аъзоларингга барака бўлади», дедилар. *Имом Термизий ривоятлари.*

Фойда: Киши уйига кирганида ўз аҳлига салом бериш маҳбуб амаллардан. Агар ҳеч ким бўлмаса «Ассалому ъалайна ва ъала ибадуллоҳис солиҳийн», деб айтмоқлиги ҳам маҳбубдир.

136-БОБ
Ёш болаларга салом бериш ҳақида

861/1. Анасдан ﷺ ривоят қилинади. Бу зот ёш болалар ёнидан ўтиб кетаётиб, уларга салом бердилар-да, «Расулуллоҳ ﷺ шундай қилардилар», деб айтдилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

137-БОБ
Кишининг ўз хотинига, маҳрам аёлга ҳамда агар фитна бўлишидан чўчимаса бегона аёлга ва аёлларга, салом бериши жоизлиги тўғрисида

862/1. Саҳл ибн Саъддан ﷺ ривоят қилинади: «Бизда бир аёл бор эди (бошқа ривоятда бошқача келтирилади: «Бизнинг бир (таниш) кампиримиз бўлиб...»), у лавлаги олиб келарди-да, қозонга солиб арпанинг майдалангани билан аралаштириб қўяр эди. Биз ҳар гал жумани ўқиб қайтаётганимизда унга салом берар эдик. У бизга ҳалиги таомни тортиқ қилар эди». *Имом Бухорий ривоятлари.*

Фойда: Мана шу каби фитна бўлишидан қўрқилмайдиган кампирларга салом беришнинг жоизлиги аён бўляпти.

863/2. Умму Ҳонеъ Фохитата бинти Абу Толибдан ﷺ ривоят қилинади: «Фатҳ куни Расулуллоҳнинг ﷺ ҳузурларига борсам, у зот ғусл қилаётган эканлар. Фотима ﷺ эса (парда билан) тўсиб турган эканлар. Бас, мен салом бердим...» деб ҳадиснинг қолганини зикр қилдилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

Фойда: Агар фитна бўлишидан қўрқилмаса аёлнинг эркак кишига салом бериши жоиз.

864/3. Асмо бинти Язиддан ривоят қилинади: «Биз аёллар билан турганимизда, Расулуллоҳ ﷺ олдимиздан ўтиб бизга салом бердилар». *Абу Довуд ва Термизий ривоятлари.*

Аммо Термизий ривоятларида айтилишича, Расулуллоҳ ﷺ кунларнинг бирида масжид ёнидан ўтаётганларида бир неча аёллар ўтиришган эди. Уларга қўллари ила ишора қилиб салом бердилар.

138-БОБ
Кофирга аввал салом беришнинг ҳаромлиги ва улар саломига алик олишнинг йўл-йўриқлари ҳамда мусулмон ва кофирлар

бирга ўтирган мажлис аҳлига салом беришнинг маҳбублиги ҳақида

865/1. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Яҳудий ва насороларга аввал салом бермангланг. Агар бирорталарингиз йўлда улар билан рўбара бўлиб қолса, кўчанинг четидан юришга мажбур қилсин», дедилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

866/2. Анасдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Агар сизларга аҳли китоблар салом беришса, уларга «Ва алайкум», деб айтинглар», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

867/3. Усома ибн Зайддан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ бир мажлисдан ўтдилар. У мажлисда оддий мусулмонлар, мушриклар, бутларга ибодат қилувчилар ва яҳудийлар бор эди. Ва уларга салом бердилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

139-БОБ
Мажлисдан турганда ва ҳамсуҳбатларидан ажралаётганда салом беришнинг маҳбублиги тўғрисида

868/1. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Сизлардан бирингиз бирор мажлисга борадиган бўлса, салом берсин. Агар туришни хоҳласа ҳам, салом берсин. Аввалгиси кейингисидан ҳақли эмасдир», дедилар. *Абу Довуд ва Термизий ривоятлари.*

Фойда: Кўришганда ва ажралаётганда салом бериш мандуб амалдир.

140-БОБ
Изн сўраш ва унинг одоблари ҳақида

Аллоҳ таоло: **«Эй мўминлар, ўз уйларингиздан бошқа уйларга то изн сўрамагунингизча ва эгаларига салом бермагунингизча кирмангиз»** (Нур сураси, 27-оят).

«Қачон гўдакларингиз балоғатга етсалар, бас, улар ҳам худди улардан илгари (балоғатга етганлар) **каби изн сўрасинлар»** (Нур сураси, 59-оят), деб айтган.

869/1. Абу Мусо ал-Ашъарийдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Изн сўраш уч мартадир. Агар изн берилса, киргин. Агар берилмаса, қайтиб кетгин», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

870/2. Саҳл ибн Саъддан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ : «Изн сўраш кўз (номаҳрамларга тушишининг олдини олиш) сабабидан жорий қилинди», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

871/3. Рибъий ибн Ҳирошдан ривоят қилинади: «Менга Бани Омир қабиласидан бўлган бир киши гапириб берди. У Расулуллоҳ ﷺ уйдаликларида олдиларига киришга изн сўраб, «Кираверайми?» деди. Шунда Расулуллоҳ ﷺ ходимларига: «Бунинг олдига чиқиб, изн сўрашни ва «Ассалому алайкум, кираверайми?» дейишни ўргат», дедилар. У киши буни эшитиб турган эди. Бас, «Ассалому алайкум, кираверайми?» деди. Расулуллоҳ ﷺ унга изн бердилар, у кирди». *Абу Довуд ривоятлари.*

872/4. Килда ибн Ҳанбалдан ﷺ ривоят қилинади. «Расулуллоҳнинг ﷺ ҳузурларига бориб, олдиларига кирдим-да, салом бермадим. Расулуллоҳ ﷺ: «Қайтиб, бошидан «Ассалому алайкум, кираверайми?» дегин», дедилар». *Абу Довуд ва Термизий ривоятлари.*

141-БОБ
Эшикни тақиллатиб, киришга изн сўровчи кишига ичкаридан «Кимсиз?» деб сўралса, «Фалончиман» деб исми ёки таниладиган лақабини айтишнинг суннат эканлиги ҳамда «Кимсиз?» дейилса, исмини айтмасдан «Мен, мен» дейишнинг кароҳияти ҳақида

873/1. Анасдан ﷺ ривоят қилинган машҳур Исро ҳодисаси ҳақидаги ҳадисда келтирилишича, «Расулуллоҳ ﷺ: «Мен Жаброил (алайҳиссалом) билан дунё осмонига кўтарилганимда, унинг очилишини талаб қилдилар. «Бу ким?» дейилганида, «Жаброилман», дедилар. «Сен билан бирга ким?» дейилганида, «Муҳаммад» (алайҳиссалом), дедилар. Сўнгра иккинчи ва учинчи ва қолганларига кўтарилганларида, ҳар бир осмонда «Бу ким?» дейилди, «Жаброилман», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

874/2. Абу Заррдан ﷺ ривоят қилинади: «Кечаларнинг бирида кўчага чиқсам, Расулуллоҳ ﷺ якка ўзлари кетаётган эканлар. Мен ҳам ойнинг соясида кетаётсам, мен томонга бурилдилар-да ва мени кўриб қолдилар. «Ким бу?» дедилар. «Абу Заррман», дедим». *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

875/3. Умму Ҳонеъдан ﷺ ривоят қилинади: «Расулуллоҳ ﷺ ҳузурларига борсам, у зот ғусл қилаётган эканлар. Фотима эса тўсиб турган экан. Шунда у зот: «Бу ким?» дедилар. Мен: «Умму Ҳонеъман», дедим». *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

876/4. Жобирдан ﷺ ривоят қилинади: «Расулуллоҳ ﷺ ҳузурларига бориб, эшикларини тақиллатдим. У зот: «Ким бу?» дедилар. «Мен», деб айтдим. Шунда у зот «мен», «мен», деб гўёки кариҳ кўргандек айтдилар». *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

Фойда: Бирор кишининг уйи тақиллатилсаю уй ичидан «Кимсиз» дейилса, у исмини айтмасдан «Мен» деб айтишининг кароҳияти бор.

142-БОБ
Акса уриб, «Алҳамдулиллаҳ» деганга, «Ярҳамукаллоҳ» деб жавоб қайтаришнинг маҳбублиги, агар акса уриб, «Алҳамдулиллаҳ» демаса, «Ярҳамукаллоҳ» деб айтишнинг кароҳияти ҳамда акса уриш, жавоб қайтариш ва эснашнинг одоблари ҳақида

877/1. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Албатта, Аллоҳ таоло акса урганни яхши кўради. Эснашни эса кариҳ кўради. Сизлардан бирингиз акса уриб, «Алҳамдулиллаҳ», деб Аллоҳга ҳамд айтса, ҳар бир эшитган мусулмон кишига «Ярҳамукаллоҳ», яъни «Аллоҳ сенга раҳм қилсин», деб айтмоғи шарт бўлади. Аммо эснаш шайтондандир. Агар сизлардан бирингиз эснайдиган бўлса, қодир бўлганича уни қайтарсин. Чунки эснаган кишига шайтон кулади», дедилар. *Имом Бухорий ривоятлари.*

Фойда: Акса уришнинг яхши кўрилишига сабаб, у фаоллик ва оч ҳолатдан юзага келади. Эснаш эса тўқлик ва дангасалик оқибатидан юзага келади.

878/2. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Сизлардан бирингиз акса берса, «Алҳамдулиллаҳ», десин. Ёнидаги оғайниси ёки дўсти «Ярҳамукаллоҳ», десин. «Ярҳамукаллоҳ», деган кишига «Яҳдикумуллоҳу ва юслиҳ балакум», яъни «Аллоҳ сизни ҳидоят қилиб, шаънингизни ислоҳ этсин», десин», дедилар. *Имом Бухорий ривоятлари.*

879/3. Абу Мусо ал-Ашъарийдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Сизлардан бирингиз акса уриб Аллоҳга ҳамд айтса, унга жавоб қайтаринг. Агар ҳамд айтмаса (яъни, «Алҳамдулиллаҳ», демаса), жавоб қайтарманг», дедилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

880/4. Анасдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ ҳузурларида икки киши акса урди. Уларнинг бирига жавоб қайтардилар. Иккинчисига жавоб қайтармадилар. Ҳалиги жавоб қайтарилмаган киши: «Фалон киши акса урувди, жавоб қайтардингиз. Мен акса урсам, жавоб қайтармадингиз», деганида, Расулуллоҳ ﷺ: «Бу «Алҳамдулиллаҳ», деди. Сен «Алҳамдулиллаҳ», демадинг», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

881/5. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ агар акса урадиган бўлсалар, қўллари ёки кийимларини оғзиларига қўйиб, овозларини пастлатардилар. *Абу Довуд ва Термизийлар ривояти.*

882/6. Абу Мусодан ﷺ ривоят қилинади. Яҳудийлар Расулуллоҳ ﷺ ҳузурларида акса уриб, Расулуллоҳнинг «Ярҳамукаллоҳ», (яъни, «Аллоҳ раҳм қилсин»), дейишларига умид қилишар эди. Расулуллоҳ ﷺ эса:

«Яҳдикумуллоҳу ва юслиҳ балакум», (яъни, «Аллоҳ сизни ҳидоят қилиб, шаънингизни ислоҳ этсин»), деб айтардилар. *Абу Довуд ва Термизий ривоятлари.*

883/7. Абу Саид ал-Худрийдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Агар сизлардан бирингиз эснайдиган бўлса, қўли билан оғзини тўссин, чунки шайтон кириб кетади», дедилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

143-БОБ
Кўришганда қўл бериб сўрашиш, очиқ чеҳра билан йўлиқиш, солиҳ кишиларнинг қўлини, ўз боласининг юзини ўпиш ва сафардан қайтган киши билан қучоқлашишнинг маҳбублиги ҳамда буларга бўйин эгишнинг кароҳияти

884/1. Абулхаттоб Қатодадан ﷺ ривоят қилинади. Мен Анасга ﷺ: «Расулуллоҳ ﷺ саҳобаларида қўл бериб сўрашиш одати бормиди?» десам, у зот: «Ҳа», деб жавоб бердилар. *Имом Бухорий ривоятлари.*

885/2. Анасдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ ҳузурларига Яман аҳли келса: «Сизларнинг ҳузурингизга Яман аҳли келишди. Улар қўл бериб сўрашишни аввал жорий қилган қавмдир», дердилар. *Абу Довуд ривоятлари.*

886/3. Бародан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Икки мусулмон йўлиқиб, қўл бериб сўрашишса, улар иккови ажралмасларидан олдин гуноҳлари кечирилади», дедилар. *Абу Довуд ривоятлари.*

887/4. Анасдан ﷺ ривоят қилинади. Бир киши: «Эй Расулуллоҳ! Киши биродари ёки дўстига йўлиқса, бош эгадими?» деганида, «Йўқ», дедилар. «Ўзига яқинлаштириб ўпадими?» деганида, «Йўқ», дедилар. «Қўлидан ушлаб сўрашадими?» деганида, «Ҳа», деб жавоб қилдилар. *Имом Термизий ривоятлари.*

888/5. Сафвон ибн Ассолдан ﷺ ривоят қилинади. Бир яҳудий дўстига «Анави набий ҳузурига бизни олиб бор», деди. Бас, улар Расулуллоҳнинг ﷺ ҳузурларига бориб, тўққизта очиқ-ойдин оят ҳақида сўрашди. (Ҳадиснинг давомида) улар Расулуллоҳнинг ﷺ қўллари ва оёқларини ўпиб, «Биз гувоҳлик берамизки, албатта, сен набийдирсан», дейишди. *Имом Термизий, ва бошқалар саҳиҳ иснод ила ривоят қилишган.*

889/6. Ибн Умардан ﷺ ривоят қилинади. Бу зот бир қиссада: «Расулуллоҳ ﷺга яқин бўлиб, қўлларини ўпдик», дедилар. *Абу Довуд ривоятлари.*

890/7. Оишадан ﷺ ривоят қилинади: «Зайд ибн Ҳориса Мадинага келганларида, Расулуллоҳ ﷺ уйимда эдилар. Зайд келиб эшикни

тақиллатдилар. Расулуллоҳ ﷺ туриб, кийимларини судраб бориб, қучоқлашиб ўпдилар». *Имом Термизий ривоятлари.*

891/8. Абу Заррдан ﷺ ривоят қилинади: «Расулуллоҳ ﷺ менга: «Яхшиликлардан бирортасини паст санама! Агар биродарингга йўлиқсанг, очиқ юз ила кўришишинг ҳам яхшиликдир», дедилар». *Имом Муслим ривоятлари.*

892/9. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ Ҳасан ибн Алини ﷺ ўпганларида, ҳузурларида Ақраъ ибн Ҳобис ат-Тамиймий бор эди. Шунда у: «Менинг ўнта болам бор-у, уларнинг бирортасини ўпмаганман», деди. Расулуллоҳ ﷺ унга қарадилар-да, «Ким раҳм қилмаса, раҳм қилинмайди», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

144-БОБ
Касални зиёрат қилиш, маййитни қабргача кузатиб қўйиш, унга дуода бўлиш, дафн маросимида ҳозир бўлиш ва дафн қилингандан кейин қабр олдида туришнинг фазилати ҳақида

893/1. Барро ибн Озибдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ бизга: «Касални бориб кўришни, жанозага эргашишни, акса урган кишига жавоб қайтаришни, қасамнинг устидан чиқишни, мазлумга ёрдам беришни, (таом ёки бирор нарсага) чақирган кишига жавоб қилишни ва салом беришни» буюрдилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

894/2. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Мусулмоннинг мусулмон устидаги ҳаққи бештадир:

1. Саломга алик олиш;
2. Касални бориб кўриш;
3. Жанозага эргашиш;
4. (Таом ёки бошқа бирор нарсага) чақирганга жавоб қилиш;
5. Акса урганга жавоб қайтариш», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

895/3. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ айтдилар. Аллоҳ таоло Қиёмат куни: «Эй одам боласи, касал бўлдим, мени кўргани бормадинг», дейди. Шунда у киши: «Эй Раббим, қандай қилиб сени кўргани бораман? Сен оламларнинг Рабби бўлсанг», дейди. Аллоҳ эса: «Билмайсанми, фалончи бандам касал бўлди, лекин уни кўргани бормадинг. Агар уни кўргани борганингда ҳузуримдан уни топар эдинг», дейди. Аллоҳ: «Эй одам боласи, сендан овқат сўрадим, менга уни бермадинг», деса, у киши: «Эй Раббим, қандай қилиб сени овқатлантираман? Сен оламлар Рабби бўлсанг», дейди. Аллоҳ эса: «Билмайсанми, фалончи бандам сендан овқат сўради, лекин сен унга таом бермадинг. Агар унга овқат берганингда

ҳузуримдан уни топар эдинг», дейди. Аллоҳ: «Эй одам боласи, сендан сув талаб қилдим. Лекин мени сув билан сийламадинг», деса, у киши: «Эй Раббим, нечук сени сув ила сийлайман? Ваҳоланки, сен оламлар Рабби бўлсанг», дейди. Аллоҳ эса: «Фалончи бандам сув талаб қилди. Сен унга сув бермадинг. Билмайсанмики, агар сув билан сийлаганингда, уни менинг ҳузуримдан топар эдинг», дейди. *Имом Муслим ривоятлари.*

896/4. Абу Мусодан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Касалларни бориб кўринглар, очларга таом беринглар ва асирларни озод қилинглар», деб айтдилар. *Имом Бухорий ривоятлари.*

897/5. Савбондан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Албатта, мусулмон киши агар бошқа бир мусулмон биродарини беморлик пайтида кўргани борса, тоинки қайтиб келгунича жаннат харфасида бўлади», деганларида, саҳобалар: «Эй Аллоҳнинг Расули, жаннат харфаси деганингиз нимаси?» дейишди. Шунда у зот: «Териб қўйилган меваларидир», дедилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

898/6. Алидан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Бирор мусулмон бошқа бир мусулмонни эрталаб кўргани борса, то кеч киргунича етмиш минг фариштa унинг ҳаққига дуода бўлишади. Агар кечқурун кўргани борса, то эрталабгача етмиш минг фариштa унинг ҳаққига дуода бўлишади. Ҳамда бу кишига жаннатда териб, йиғиб қўйилган мева бўлади», дедилар. *Имом Термизий ривоятлари.*

899/7. Анасдан ﷺ ривоят қилинади. Бир яҳудий бола Расулуллоҳга ﷺ хизмат қилар эди. Кунларнинг бирида у бетоб бўлиб қолди. Расулуллоҳ ﷺ унинг зиёратига кириб, бош томонига ўтирдилар ва «Исломга кир», дедилар. У бола эса отасига қаради. Шунда отаси: «Абул Қосимга (Яъни Расулуллоҳга) итоат қил», деди. Бас, у бола мусулмон бўлди. Расулуллоҳ ﷺ унинг ҳузуридан чиқа туриб, «Алҳамду лиллаҳиллазий анқозаҳу минан-нар» (яъни, «Уни дўзахдан халос қилган Аллоҳга ҳамд бўлсин»), дедилар. *Имом Бухорий ривоятлари.*

145-БОБ
Касалга ўқиладиган дуолар ҳақида

900/1. Оишадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳга ﷺ биров бир нарсадан – чақами, жароҳатми – шикоят қиладиган бўлса, кўрсаткич бармоқларини ерга қўйиб, сўнгра кўтариб, қуйидаги дуони ўқир эдилар:

«Бисмиллаҳи турбату арзина бирийқоти баъзина йушфа биҳи сақиймуна биизни Раббина». (Маъноси: Аллоҳнинг исми билан, ерларимизнинг тупроғи билан, баъзиларимизнинг тупуги билан Раббимизнинг изни ила касалларимиз шифо топади.) *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

901/2. Оишадан ﵂ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ аҳлларидан баъзиларига ўнг қўлларини суртиб, паноҳ тилаб, қуйидаги дуони ўқирдилар:

«Аллоҳумма Раббан наси азҳибил ба`са ишфи анта шафий ла шифаа илла шифаука шифаан ла йуғодиру сақома». (Маъноси: Аллоҳим, Сен инсонларнинг Раббисан, қийинчиликларни кетказ, шифо бер, Сен шифо берувчисан. Сенинг шифоингдан бошқа шифо йўқ. Сен берган шифо бирорта ҳам касаллик қолдирмайди.) *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

902/3. Анасдан ﵂ ривоят қилинади. Бу зот Собитга ﵂: «Расулуллоҳ дам солиб ўқийдиганлари билан дам солайми?» деб қуйидагиларни айтдилар:

«Аллоҳумма Раббан нас, музҳибал ба`си ишфи анта шафий, ла шафия илла анта шифа`ан ла йуғодиру сақома». (Маъноси: Аллоҳим, Сен инсонларнинг Раббисан, қийинчиликларни кетказ, шифо бер, Сен шифо берувчисан. Сенинг шифоингдан бошқа шифо йўқ. Сен берган шифо бирорта ҳам касаллик қолдирмайди.) *Имом Бухорий ривоятлари.*

Фойда: Дам солиш учун қуйидаги уч нарса шарт қилинди. 1. У Аллоҳнинг каломидан ёки исмларидан ёки сифатларидан бўлиши керак. 2. У араб тилида ёки ўзи тушунадиган луғатда бўлиши керак. 3. Дам солишнинг ўзи таъсир ўтказа олмайди, балки Аллоҳнинг тақдири билан фойда беради деган эътиқодда бўлиши керак. Энди юқоридаги ҳадисда келган лафз ила дам солиш маҳбуброқдир.

903/4. Саъд ибн Абу Ваққос ﵂ ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ ﷺ касаллигимда мени кўргани кириб:

«Аллоҳумма ишфи Саъдан, Аллоҳумма ишфи Саъдан, Аллоҳумма ишфи Саъдан» (Саъдга шифо бер), деб айтдилар». *Имом Муслим ривоятлари.*

904/5. Абу Абдуллоҳ Усмон ибн Абул Осийдан ﵂ ривоят қилинади. У зот ўзларига касаллик етганидан Расулуллоҳга шикоят қилдилар. Шунда Расулуллоҳ ﷺ у зотга: «Оғриётган ерингга қўлингни қўй, «Бисмиллоҳ»ни уч марта айтиб:

«Аъузу биъиззатиллаҳи ва қудротиҳи мин шарри ма ажиду ва уҳазиру», деб етти марта ўқи», дедилар. (Маъноси: Аллоҳнинг иззати ва қудрати ила ўзимда топадиган ва ҳазар қиладиган нарсанинг ёмонлигидан паноҳ тилайман.) *Имом Муслим ривоятлари.*

Фойда: Киши ўзига-ўзи, ҳадисда келган дуолар билан дам солиши маҳбублиги маълум бўлади.

905/6. Ибн Аббосдан ﵂ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Ким касал кўргани борганида, агар ажали етмаган бўлса, унинг ҳузурида етти марта:

«Ас`алуллоҳал ъазийм Раббал ъаршил ъазийм ан йашфийака», деса, Аллоҳ таоло уни касалидан халос қилади», дедилар. (Маъноси: Улуғ Аллоҳдан, буюк арш Раббидан сенга шифо беришини сўрайман.) *Абу Довуд ва Термизий ривоятлари*

906/7. Ибн Аббосдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ бир аъробийни касаллигида кўргани кирдилар. Агар касал кўргани кирсалар:

«Ла ба`са тоҳурун иншааллоҳ» (Зарари йўқ, иншааллоҳ, бу касаллик сени поклайди), деб айтиш у зотнинг ﷺ одатлари эди. *Имом Бухорий ривоятлари*

907/8. Абу Саид ал-Худрийдан ﷺ ривоят қилинади. Жаброил (а.с.) Расулуллоҳ ﷺ ҳузурларига келиб: «Эй Муҳаммад, тобингиз йўқми?» деб сўрадилар. Расулуллоҳ ﷺ: «Ҳа», деб жавоб берганларида, Жаброил (а.с.): «Бисмиллаҳи урқийка, мин кулли шай`ин йу`зийка, мин шарри кулли нафсин ав ъайнин ҳасидин, Аллоҳу йашфийка, бисмиллаҳи урқийка», деб айтдилар. (Маъноси: Аллоҳнинг исми ила дам соламан. Ҳар бир азият берувчи нарсадан, ҳар бир нафснинг ёмонлигидан ёки ҳасад қилувчи кўздан Аллоҳ сизга шифо берсин. Аллоҳнинг исми билан сизга дам соламан.) *Имом Муслим ривоятлари.*

908/9. Абу Саид ал-Худрийдан ва Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Бу икковлари Расулуллоҳнинг ﷺ қуйида айтган сўзларига гувоҳ бўлишди: «Кимки «Ла илаҳа иллаллоҳу валлоҳу Акбар» (яъни Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ, Аллоҳ улуғ), деса, уни Рабби тасдиқлаб: «Мендан бошқа илоҳ йўқ. Мен улуғдирман», дейди. Агар банда: «Ла илаҳа иллаллоҳу ваҳдаҳу ла шарийка лаҳу» (яъни якка Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ, унинг шериги ҳам йўқ, деса, Рабби: «Якка Мендан бошқа илоҳ йўқ, Менинг шеригим ҳам йўқ», дейди. Агар банда: «Ла илаҳа иллаллоҳу лаҳул мулку ва лаҳул ҳамду» (яъни Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ, мулк ва мақтов унинг учундир), деса, Рабби: «Мендан бошқа илоҳ йўқ. Мулк ва мақтов Мен учун», дейди. Агар банда: «Ла илаҳа иллаллоҳу вала ҳавла вала қуввата илла биллаҳ» (Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ ва Аллоҳдан бошқа ўзгартирувчи ҳам, қувват ҳам йўқ), деса, Рабб: «Мендан бошқа илоҳ йўқ. Ва Мендан бошқа ўзгартирувчи ҳам, қувват ҳам йўқдир», дейди. Энди кимки мана шуларни касаллигида айтиб, кейин вафот этса, дўзах уни емайди. Яъни дўзахга тушмайди», дедилар. *Имом Термизий ривоятлари.*

146-БОБ
Касаллар аҳволини сўрашнинг яхшилиги ҳақида

909/1. Ибн Аббос ﷺ ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ ﷺ ўлим тўшагида ётган эдилар. Али ибн Абу Толиб ﷺ у зотнинг ҳузурларидан чиққанларида, одамлар: «Эй Абул Ҳасан, Расулуллоҳнинг аҳволлари қандай?» деб сўрашди. Шунда Али ﷺ: «Алҳамду лиллаҳ, шифо топган ҳолда тонг оттирдилар», дедилар». *Имом Бухорий ривоятлари.*

147-БОБ
Яшашдан ноумид бўлиб қолганда айтиладиган нарсалар

910/1. Оишадан ﵂ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ менга суяниб туриб:

«Аллоҳуммағфирли варҳамний ва алҳиқний биррофиқил аъла», деганларини эшитдим». (Маъноси: Аллоҳим, мени мағфират қил ва менга раҳм эт. Мени Олий рафиқ билан қовуштир.) *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

911/2. Оиша ﵂ айтадилар: «Расулуллоҳнинг ﷺ ўлимлари яқинлашганида олдиларида бир идишда сув бор эди. Унга қўлларини тиқдилар, сўнг сувини юзларига суртиб:

«Аллоҳумма аъинний ъала ғомаротил мавти ва сакаротил мавт», деб айтдилар». (Маъноси: Аллоҳим, ўлим шиддати ва ўлим талвасасида менга ёрдам бер.) *Имом Термизий ривоятлари.*

148-БОБ
Касалнинг оиласига ва унга хизмат қилаётганларга касалга яхши қарашни ва қийинчиликларга сабр этишни насиҳат қилишнинг ҳамда ҳад ёки қасос туфайли ўлимга ҳукм этилганларга ҳам яхшилик ила насиҳат этишнинг маҳбублиги ҳақида

912/1. Имрон ибн Ҳусайндан ﵁ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ ҳузурларига Жуҳайна қабиласидан зинодан ҳомиладор бўлган бир аёл келиб: «Эй Аллоҳнинг Расули, менга ҳад уриш лозим бўлиб қолди. Уни менга қоим қилинг», деди. Расулуллоҳ ﷺ унинг яқинларини чақирдилар. «Унга чиройли муомала қил ва ҳомиласини туғиб бўлганидан кейин олиб кел», дедилар. Хотин туққанидан кейин уни келтиришди. Расулуллоҳ ﷺ аёлнинг кўйлагини маҳкам боғлашни, сўнг тошбўрон қилишни буюрдилар. Ҳукм ижро қилинганидан кейин унга жаноза намозини ўқидилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

149-БОБ
Беморнинг «Касалим қаттиқ» ёки «Оғриғим кучли» ёки «Вой бошим» дейиши, ғазабланиш ва сабрсизлик тарзида бўлмаса, жоизлиги ҳақида

913/1. Абдуллоҳ ибн Масъуд ﵁ айтадилар: «Расулуллоҳ ﷺ ҳузурларига кирсам, оғриқлари кучаяётган экан. У зотни ушлаб туриб: «Эй Расулуллоҳ, қаттиқ оғрияпсизми?» дедим. «Ҳа, мен сизлардан икки кишига бериладиган оғриқ билан касалланаман», дедилар Набий алайҳиссалом». *Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

914/2. Саъд ибн Абу Ваққос ﷺ ривоят қиладилар: «Қаттиқ касал бўлиб ётганимда, Расулуллоҳ ﷺ мени кўргани кирдилар. «Эй Расулуллоҳ, кўриб турганингиздек бетобман. Биласиз бадавлат кишиман. Битта қизимдан бошқа меросхўрим йўқ», дедим...» *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

915/3. Қосим ибн Муҳаммаддан ﷺ ривоят қилинади. Оиша ﷺ: «Вой бошим», дегандилар (Расулуллоҳ ﷺ Оишага ﷺ ёқтирмайдиган бир сўз айтдилар. Оиша ﷺ эса бу айтган сўзларига эътироз билдирганларидан кейин) Расулуллоҳ ﷺ: «Ундай бўлса, ўзимнинг бошим оғрияпти», деб, ҳадиснинг қолганини зикр қилдилар. *Имом Бухорий ривоятлари.*

150-БОБ
Ўлими яқинлашган киши олдида «Ла илаҳа иллаллоҳ»ни айтиб туриш ҳақида

916/1. Муоздан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Кимнинг охирги сўзи «Ла илаҳа иллаллоҳ» бўлса, жаннатга киради», дедилар. *Абу Довуд ва имом Ҳокимлар ривоятлари.*

917/2. Абу Саид ал-Худрийдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Ўликларингизга «Ла илаҳа иллаллоҳ»ни талқин қилиб туринглар. Яъни олдида эслатиб, унга айттиринглар», дедилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

151-БОБ
Ўлган киши кўзини юмганидан сўнг айтиладиган нарсалар

918/1. Умму Саламадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ Абу Саламанинг олдига кирганларида, у зот вафот этиб, кўзлари очиқ қолган эди. Расулуллоҳ ﷺ унинг кўзларини юмиб қўйдилар. Сўнгра: «Агар руҳ олинса, кўз унга эргашади», дедилар. Абу Саламанинг аҳлларидан бўлган кишилар баланд овоз ила қичқириб юборишди. Расулуллоҳ ﷺ: «Ўзингизга дуо қилаётганингизда фақат яхшилик сўранглар, чунки фаришталар айтаётган нарсангизга омийн, деб туришади», деб қуйидаги дуони ўқидилар: «Аллоҳуммағфир лиабий Саламата варфаъ дарожатаҳу фил маҳдиййийна вахлуфҳу фий ъақибиҳи фил ғобирийна вағфирлана ва лаҳу йа роббал ъаламийн вафсаҳ лаҳу фий қобриҳи ва наввир лаҳу фийҳи». (Маъноси: Аллоҳим, Абу Саламани мағфират қил. Унинг даражасини ҳидоят топганлар қаторига кўтар. Орқасида қолганларга Ўзинг унинг ўрнини бос. Эй оламлар Рабби, уни ва бизни мағфират қил. Унинг қабрини кенг қил, нурга тўлдир.) (Бу дуони ўқиётганда «Абу Салама»нинг ўрнига ўлган кишининг исми айтилади.) *Имом Муслим ривоятлари.*

152-БОБ
Ўлик ҳузурида айтиладиган ва маййит эгалари айтадиган нарсалар

919/1. Умму Салама онамиз ﵂ ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ ﷺ: «Агар касал ёки маййитнинг олдида ҳозир бўлсангиз, фақат яхши гапни айтинглар. Чунки фаришталар айтаётган нарсангизга омийн, деб туришади», дедилар. Абу Салама вафот этганларида, Расулуллоҳ ﷺ ҳузурларига кириб: «Эй Расулуллоҳ, Абу Салама вафот этди», дедим, у зот: «Аллоҳуммағфирлий ва лаҳу ва аъқибний минҳу ъуқба ҳасана» (Аллоҳим, мени ва уни мағфират қил ҳамда менга ундан яхшисини қолдир), деб айт», дедилар. Мен шу дуони айтганимда, Аллоҳ таоло менга эримдан ҳам афзал Расулуллоҳни ﷺ берди (яъни, у зот мени никоҳларига олдилар)». *Имом Муслим ривоятлари.*

920/2. Умму Салама онамиз ﵂ айтадилар: «Расулуллоҳ алайҳиссалом: «Бирор бандага мусибат етганида: «Инна лиллаҳи ва инна илайҳи рожиъун, Аллоҳумма ажирний фий мусийбатий вахлуфлий хойром минҳа» (Биз Аллоҳникимиз ва Аллоҳга қайтувчимиз. Эй Раббим, мусибатимда ажр қил ва менга ундан яхшироғини бер), деб айтса, Аллоҳ таоло мусибатига ажр бериб, ундан яхшисини ато этади», дедилар. Эрим Абу Салама вафот этганида, Расулуллоҳ буюрганларидек, ўша дуони айтдим. Аллоҳ таоло эрим Абу Саламадан ҳам яхшироғига – Муҳаммад алайҳиссаломнинг никоҳларига мушарраф қилди». *Имом Муслим ривоятлари.*

921/3. Абу Мусодан ﵁ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Агар бирор банданинг фарзанди вафот этса, Аллоҳ таоло фаришталарига: «Бандамнинг фарзанди руҳини олдингларми?» дейди. «Ҳа», деб жавоб беришади улар. «Қалбининг мевасини қабз қилдингларми?» дейди сўнг. «Ҳа», деб жавоб беришади яна. «Бандам нима деди?» деб сўрайди Аллоҳ таоло. Фаришталар: «Сенга ҳамд ва истиржоъ (инна лиллаҳи ва инна илайҳи рожиъун) деб айтди», дейишади. Шунда Аллоҳ таоло: «Бандам учун жаннатда бир уй қуринглар ва унинг ҳамд уйи, деб атанглар», дейди», дедилар. *Имом Термизий ривоятлари.*

922/4. Абу Ҳурайрадан ﵁ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ айтдилар: «Аллоҳ таоло: «Бир мўмин банданинг дунё аҳлидан энг яқин дўстининг руҳини қабз қилсам, у сабр этиб, шикоят қилмаса, Мен ҳузуримда унга жаннат деган мукофотни тайёрлаб қўйганман», деб айтди». *Имом Бухорий ривоятлари.*

923/5. Усома ибн Зайд ﵁ ривоят қиладилар: «Расулуллоҳнинг ﷺ қизларидан бири у зотга бир одам юбориб, неваралари ўлим бўсағасида ётганини айтди. Расулуллоҳ келган кишига: «Бориб қизимга айт, Аллоҳ берганини олувчидир. Ҳар бир нарсанинг ажали Унинг ҳузурида белгилаб

қўйилгандир. Қизимга савоб учун сабр қилишни буюр», деб ҳадиснинг қолганини зикр қилдилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

Фойда: Мана шу ҳадиси шариф дин усуллари, фуруълари, одобларини ўз ичига олган энг катта қоидаларидандир. У мусибатларга, ғам ва касалликларга ҳамда бошқа қийинчиликларга сабр қилишни ўргатади.

153-БОБ
Дод-вой солмасдан ҳамда маййит фазилатларини айтмаслик шарти билан ўлганда йиғлашнинг жоизлиги ҳақида

Дод-войлаб йиғлаш ҳаром амаллардандир. Биз, иншааллоҳ, бу ҳақда «Қайтариқлар» китобида келтирамиз. Аммо агар ўлган киши ўлимидан олдин йиғлашни васият қилган бўлса оддий йиғлашдан ҳам ман этилган ҳадислар ҳам бор. Лекин ҳақиқий — вой-додлаб ва маййит фазилатларини эслаб йиғлашнинг ман этилгани, албатта «Ўлик ўз аҳлларининг йиғиси сабаб озорланади» ҳадисига биноандир.

924/1. Ибн Умар ﷺ ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ ﷺ Абдураҳмон ибн Авф, Саъд ибн Абу Ваққос, Абдуллоҳ ибн Масъудлар билан бирга Саъд ибн Убодани кўргани кирдилар. Расулуллоҳ ﷺ унга қараб туриб, йиғлаб юбордилар. Расулуллоҳ йиғлаганларини кўриб, қолганлар ҳам йиғлашди. Шунда Расулуллоҳ ﷺ: «Эшитмадингларми, Аллоҳ кўз ёшига ва қалбнинг хафалигига азобламайди. Лекин мана бунга азоблайди ёки раҳм қилади», дедилар тилларини кўрсатиб». *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

925/2. Усома ибн Зайддан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ қизларининг ўғли вафот этиб, у зотнинг қўлларига узатилганида, кўзларидан ёш оқди. Саъд ﷺ: «Эй Аллоҳнинг Расули, бу қандай йиғи?» дедилар. Шунда Расулуллоҳ ﷺ: «Бу раҳмат йиғиси бўлиб, Аллоҳ бандаларининг қалбида пайдо қилган. Албатта, Аллоҳ раҳмли бандаларига раҳм айлайди», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

926/3. Анасдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ ўғиллари Иброҳим вафот этганида, кўзларидан кўп ёш оқди. Абдураҳмон ибн Авф: «Сиз шундоқ қиляпсизми, эй Расулуллоҳ?» деган эдилар, у зот: «Эй Ибн Авф, бу раҳматдир, — дедилар. Кейин қўшиб қўйдилар: – Кўз ёш оқизади. Қалб хафа бўлади. Биз эса, Раббимиз рози бўлган нарсани айтамиз. Албатта, биз, эй Иброҳим, сендан ажраб қолганимизга хафамиз». *Имом Бухорий ривоятлари. Имом Муслим ҳам баъзисини ривоят қилганлар.*

154-БОБ
Маййитда кўрилган бирор ёмон ҳолатни бошқаларга сўзлашдан ўзни тийиш ҳақида

927/1. Расулуллоҳнинг ﷺ мавлолари Абу Рофеъдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Кимки бирор ўликни ювиб, ундаги айбларни беркитса,

Аллоҳ таоло уни қирқ марта мағфират қилади», дедилар. *Имом Ҳоким ривоятлари. Бу ҳадис Муслимнинг шартларига биноан саҳиҳдир.*

Фойда: Юзи ўзгариб кетган ёки қабрида илон кўриб қолинган маййитнинг айбини ёпиш шартдир. Агар маййит фосиқ бўлса бошқаларга ибрат бўлиши учун айбини айтишнинг зарари йўқ.

155-БОБ
Маййитга жаноза намозини ўқиш, қабристонгача олиб бориш ва дафн маросимида қатнашишнинг фазилати ҳамда жанозада аёллар иштирок этишининг кароҳияти тўғрисида

928/1. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Кимки жаноза ўқиб тугатилгунча ўша ерда ҳозир бўлса, бир қийрот миқдорича савобга эга бўлади. Кимки дафн этилгунча ҳозир бўлса, икки қийрот миқдорича савобга эга бўлади», деганларида, саҳобалар: «Икки қийрот деганингиз нима ўзи?» деб сўрашди. Шунда у зот: «Иккита улкан тоғ миқдорича», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

929/2. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Кимки мусулмон кишининг жаноза намозида ва дафн маросимида имон ила ҳамда савоб умидида иштирок этса, икки қийрот ажр билан қайтади. Ҳар бир қийрот Уҳуд тоғи миқдоричадир. Кимки дафн этилишидан олдин жаноза намозининг ўзини ўқибоқ қайтса, бир ажр билан қайтади», дедилар. *Имом Бухорий ривоятлари.*

930/3. Умму Атиййадан ﷺ ривоят қилинади. Бу саҳобия аёл: «Биз аёллар жанозага қатнашишдан қайтарилдик. Лекин қайтариқ таъкидланган ҳолда эмас», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

156-БОБ
Жаноза намозини ўқувчилар кўп бўлишини ҳамда уч сафдан зиёда бўлишларининг маҳбублиги ҳақида

931/1. Оишадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Бирор киши вафот этса, мусулмонлардан бир жамоат унга жаноза намози ўқишса ва уларнинг ададлари юзтага етса, ҳаммалари шу маййитга шафоатларини тақдим этишса, яъни гуноҳи кечирилишини сўрашса, албатта барчаларининг шафоатлари унга нисбатан қабул қилинади», дедилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

932/2. Ибн Аббосдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Бирор мусулмон вафот этсаю, унинг жанозасида Аллоҳга бирор нарсани шерик қилмаган қирқ киши иштирок этса, уларнинг шафоатлари маййитга нисбатан қабул қилинади», дедилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

933/3. Марсад ибн Абдуллоҳ Язанийдан ﷺ ривоят қилинади. Молик ибн Ҳубайра ﷺ қачон жаноза намозини ўқимоқчи бўлиб, жамоатдагиларни оз деб ҳисобласалар, уларни уч сафга ажратардилар. Кейин: «Мен Расулуллоҳнинг ﷺ: «Қайси бир кишига уч саф бўлиб жаноза намози ўқилса, унга жаннат вожиб бўлади», деб айтганларини эшитдим», дедилар. *Абу Довуд ва Термизий ривоятлари.*

157-БОБ
Жаноза намозида ўқиладиган зикрлар

Маййитга жаноза намози ўқиш фарзи кифоядир. Шу сингари, уни ювиш, кафанлаш, дафн қилиш ҳам фарзи кифоядир. Бунга ҳамма бир овоздан иттифоқ қилган.

Жаноза намози Имом Аъзам ﷺ мазҳабларида қуйидагича ўқилади: Аввал «Аллоҳу акбар» деб, яъни, такбири таҳримани айтиб қулоқ қоқади. Сўнг Сано – «Субҳанакаллоҳумма ва биҳамдика ва табарокасмука ва таъала жаддука ва ла илаҳа ғойрук» дуосини ўқийди. Сўнгра яна такбир айтади, аммо қўлини кўтармайди. Кейин Расулуллоҳга бирор саловотни айтади. Сўнг «Аллоҳу акбар», деб жаноза дуосини ўқийди. Жаноза дуоси: «Аллоҳуммағфир лиҳаййина ва маййитина ва шаҳидина ва ғоибина ва соғийрина ва кабийрина ва закарина ва унсана. Аллоҳумма ман аҳйайтаҳу минна фааҳйиҳи ъалал ислам ва ман таваффайтаҳу минна фатаваффаҳу ъалал ийман. Аллоҳумма ла таҳримна ажроҳу ва ла тафтинна баъдаҳу». (Маъноси: Эй Раббим, тиригу ўлигимизни, ҳозиру ғойибимизни, кичигу каттамизни, эркагу аёлимизни мағфират қил. Эй Раббим, кимимизни ҳаётда қолдирадиган бўлсанг, уни Исломда қил, кимимизни ўлдирадиган бўлсанг, уни иймон билан вафот эттир. Бизни унинг ажридан маҳрум қилма. Ундан кейин бизни фитнага солма.)

Агар маййит ёш бола бўлса, қуйидаги дуони ўқийди: «Аллоҳуммажъалҳу лаҳума фаротан важъалҳу лаҳума салафан важъалҳу лаҳумо зуҳрон ва саққил биҳи мавазийнаҳума ва африғис собро ъала қулубиҳима ва ла тафтиннаҳума баъдаҳу ва ла таҳримҳума ажраҳ», сўнг яна «Аллоҳу акбар» дейди ва икки томонга салом бериб, намозни тугатади. (Маъноси: Аллоҳим, бу гўдакни ота-оналари учун ажр, фазл ва заҳира қил. У сабабли ота-онасининг тарозиларини оғир қил, қалбларига сабр ёғдир. Ундан сўнг уларни фитнага солма, уларни унинг ажридан маҳрум қилма.)

934/1. Абу Абдураҳмон Авф ибн Моликдан ﷺ ривоят қилинади. Бу зот: «Расулуллоҳ ﷺ жаноза намози ўқиганларидаги дуоларини ёдлаб олдим, унда: «Аллоҳуммағфир лаҳу варҳамҳу ва ъафиҳи ваъфу анҳу ва акрим нузулаҳу ва вассиъ мудхолаҳу вағсилҳу бил маи вас салжи вал бароди ва наққиҳи минал хотойа кама наққойтас савбал абйазо минад данаси ва абдилҳу дарон хойрон мин дариҳи ва аҳлан хойрон мин аҳлиҳи ва завжан хойрон мин завжиҳи ва адхилҳул жанната ва аъизҳу мин ъазабил қобри ва мин ъазабин нар», деб айтганлар. Шунда мен ўша маййитнинг ўрнида бўлишни орзу қилиб қолдим», деб айтдилар. (Маъноси: Эй Раббим, уни

мағфират қил, унга раҳм эт. Уни офиятда қил ва авф эт. Тушадиган ерини мукаррам, кирадиган ерини кенг қил. Уни сув, қор, дўл билан юв. Оқ кийим кирдан тоза бўлгани каби, уни хатолардан покла. Унга ҳовлисидан яхшироқ ҳовли, аҳлидан яхшироқ аҳл, жуфтидан яхшироқ жуфт бер. Уни жаннатга киргиз, қабр ва дўзах азобидан сақла.) *Имом Муслим ривоятлари*

935/2. Абу Ҳурайра, Абу Қатода ва Абу Ашҳалий оталаридан ﷺ қилган ривоятларида, Расулуллоҳ ﷺ жаноза намозида: «Аллоҳуммағфир лиҳаййина ва маййитина ва шаҳидина ва ғоибина ва соғийрина ва кабирийна ва закарина ва унсана, Аллоҳумма ман аҳйайтаҳу минна фааҳйиҳи ъалал ислам ва ман таваффайтаҳу минна фатаваффаҳу ъалал ийман. Аллоҳумма ла таҳримна ажроҳу ва ла тафтинна баъдаҳу», деб айтдилар. (Маъноси юқорида ўтди.) *Абу Довуд ва Термизий ривоятлари.*

936/3. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Агар маййитга жаноза намози ўқисангизлар, унинг учун дуони холис қилинглар», деб айтдилар. *Абу Довуд ривоятлари.*

937/4. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ жаноза намозида: «Аллоҳумма анта роббаҳа ва анта холақтаҳа ва анта ҳадайтаҳа лил ислам ва анта қобазта руҳаҳа ва анта аъламу бисирриҳа ва ъаланиййатиҳа ва қод жиънака шуфаъаа лаҳу фағфирлаҳу», дедилар. (Маъноси: Аллоҳим, Сен унинг Раббисан, Сен уни халқ қилдинг, Исломга ҳидоят этдинг ва руҳини олдинг. Сен унинг сирини ва ошкорасини билувчи зотсан. Биз унга шафеъ бўлиб келдик, унинг гуноҳларини кечир.) *Абу Довуд ривоятлари.*

938/5. Восила ибн Асқаъ ﷺ айтадилар: «Расулуллоҳ ﷺ бир мусулмон кишининг жанозасини биз билан бирга ўқидилар. Унда қуйидаги дуони ўқидилар: «Аллоҳумма инна Фулан ибн Фулан фий зимматика ва ҳабли живарика фақиҳи фитнатал қобри ва ъазабан нари ва анта аҳлул вафа вал ҳамд. Аллоҳумма фағфир лаҳу варҳамҳу иннака антал ғофурур роҳийм». (Маъноси: Аллоҳим, Фалончининг ўғли Фалончи Сенинг зиммангда ва ҳимоянгдадир. Уни қабр фитнаси ва дўзах азобидан сақла. Сен вафо ва ҳамд аҳлисан. Эй Раббим, уни мағфират қил, раҳм айла. Албатта, Сен кечирувчи ва раҳмли Зотсан.) *Абу Довуд ривоятлари.*

939/6. Абдуллоҳ ибн Авфодан ﷺ ривоят қилинади. Бу зот қизларига тўрт такбир ила жаноза намози ўқиб, тўртинчи такбирдан кейин икки такбир орасидаги миқдорича туриб, қизларига истиғфор айтиб, дуо қилдилар ва: «Расулуллоҳнинг ﷺ мана шундоқ қилганларини кўрдим», дедилар.

Бошқа ривоятда: «Тўртинчи такбирни айтиб, узоқ туриб қолганларидан биз бешинчи такбирни ҳам айтсалар керак, деб ўйладик. Лекин ўнг ва чап томонларига салом бериб, намозни тугатдилар. Қачонки намоз тамом бўлгандан кейин биз у зотга: «Бу қандай қилганингиз?» десак, у зот: «Мен

Расулуллоҳдан ﷺ нимани кўрган бўлсам, унга зиёда қилмайман» ёки «Расулуллоҳ ﷺ мана шундоқ қилдилар», деб айтдилар». *Имом Ҳоким ривоятлари.*

158-БОБ
Дафн этишни тезлатиш ҳақида

940/1. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Жанозани (дафн этишни) тезлатинглар. Агар маййит яхши бўлса, яхшиликка тезлатган бўласизлар. Агар маййит ёмон бўлса, бўйинларингиздан тезроқ қўйган бўласизлар», деб айтдилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

Имом Муслимнинг ривоятларида: «Тезроқ етказишингиз унга яхшироқдир», дейилган.

941/2. Абу Саид ал-Худрийдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Агар тобутдаги ўликни одамлар кўтариб елкаларига қўйишса, ўша тобутдаги киши солиҳ бўлса, мени тезроқ олиб боринглар, дейди. Бордию ёмон бўлса, ўз аҳлига: «Вой бўлсин, бу тобут билан қаерга олиб кетмоқдасизлар?» дейди. Бу айтган сўзни инсондан бошқа ҳамма эшитади. Агар инсон ҳам эшитганида эди, ҳушидан кетиб йиқилар эди», дедилар. *Имом Бухорий ривоятлари.*

159-БОБ
Маййит бўйнидаги қарзини тез узиш ҳамда ўлиши билан тезда, кўмиш тадорикини кўришнинг маҳбублиги ҳақида. (Аммо тўсатдан ўлиб қолган кишининг ўлик ё тириклиги аниқ бўлмагунча шошилтирилмайди)

942/1. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Мўминнинг жони қарзи туфайли муаллақ (осилган) ҳолда қолади. Қачон қарзи узилса, у қутилади» (яъни қарзи узилмаса, карам этилган мақомга эриша олмайди. Ва нажот ёки ҳалокатга ҳукм этилмай туради), дедилар. *Имом Термизий ривоятлари.*

943/2. Ҳусайн ибн Ваҳваҳдан ﷺ ривоят қилинади. Талҳа ибн Барро ибн Озиб ﷺ касал бўлганларида, Расулуллоҳ ﷺ кўргани кириб: «Мен Талҳани ўлим бўсағасида, деб гумон қилаяпман. Агар вафот этгудек бўлса, менга хабар беринглар. Ва дафн этишни тезлатинглар. Чунки мусулмон кишининг мурдаси ўз аҳли ҳузурида тўхтатиб турилиши дуруст эмас», дедилар. *Абу Довуд ривоятлари.*

160-БОБ
Қабр олдида мавъиза қилиш ҳақида

944/1. Алидан ﷺ ривоят қилинади. Биз «Бақийъул ғарқад» қабристонида дафн маросимида эдик. Расулуллоҳ ﷺ ҳузуримизга келиб ўтирдилар. Биз ҳам у зотнинг атрофларида ўтирдик. У зотнинг қўлларида асолари бор эди.

Овозларини пастлатиб, ўша асо билан ерга уриб: «Сизлардан ҳар бирингизнинг дўзах ва жаннатдан бўлган маконингиз ёзиб қўйилгандир», дедилар. Саҳобалар: «Эй Аллоҳнинг Расули, (унда амал қилиб ўтирмасдан) ўша ёзиб қўйилган тақдир китобимизга суяниб ўтираверайликми?» дейишди. Шунда Расулуллоҳ ﷺ: «Амал қилаверинглар. Ким қайси мақ0яратилган бўлса, ўша мақомга олиб борадиган ишлар унга осон қилиб қўйилади, яъни йўллаб қўйилади», деб ҳадиснинг охиригача зикр қилдилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

161-БОБ
Маййит дафн этилгач қабр олдида бироз ўтириб, унинг ҳаққига дуо, истиғфор ҳамда Қуръон тиловат қилиш ҳақида

945/1. Усмон ибн Аффондан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ маййитни дафн қилганларидан кейин унинг тепасида турдилар ва: «Биродарингиз учун истиғфор айтинглар ва уни собит туришини сўранглар, чунки ҳозир у сўроқ қилиняпти», дедилар. *Абу Довуд ривоятлари.*

946/2. Амр ибн Осдан ﷺ ривоят қилинади. Бу зот: «Мени дафн қилганларингдан кейин бир ҳайвон сўйиб, гўштини тақсимлаш миқдорича фурсат қабрим тепасида туринглар. Токи, сизларнинг ҳамроҳлигингизда Раббимнинг элчисига жавоб қайтариб олай», дедилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

Шофеъий айтдилар : «Қабр олдида Қуръондан бирор (сура) ўқиш яхши амалдир. Агар Қуръоннинг барчаси хатм қилинса, ундан ҳам яхшироқдир».

162-БОБ
Маййитга садақа қилиб, унинг ҳаққига дуо йўллаш ҳақида

Аллоҳ таоло:

«Улардан кейин (дунёга) **келган зотлар айтурлар: «Парвардигоро, Ўзинг бизларни ва бизлардан илгари иймон билан ўтган зотларни мағфират қилгин»**, (Ҳашр сураси, 10-оят) деб айтган.

947/1. Оишадан ﷺ ривоят қилинади. Бир киши Расулуллоҳга ﷺ: «Онам тўсатдан вафот этиб қолди. Гумон этишимча, агар (ўлишидан олдин) гапира олганида, бирор садақа қилиб кетган бўлар эди. Энди мен унинг номидан садақа қилсам, онамга савоби борадими?» деганида Расулуллоҳ ﷺ: «Ҳа», деб жавоб қилдилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

948/2. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Агар инсон вафот этса, унинг амали тўхтаб қолади. Фақат уч нарсада тўхтамайди, яъни номаи аъмолига ёзилиб боради. 1. Садақаи жория, яъни давом этувчи ва

йўлга қўйилган садақа. 2. Манфаатли илм, яъни таълим берилган илм ва ёзиб қолдирилган асар. 3. Ота-онасига дуо қилувчи солиҳ фарзанднинг ортда қолдирилиши», деб айтдилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

163-БОБ
Маййит ҳақида мақтовли сўзларни гапириш хусусида

949/1. Анасдан ﷺ ривоят қилинади. Саҳобалар бир жаноза олдидан ўта туриб, маййитни яхшилик билан сифатлаб мақташди. Шунда Расулуллоҳ ﷺ: «Вожиб бўлди», дедилар. Сўнгра бошқа жаноза олдидан ўтиб, маййитни ёмонлик билан сифатлаб қоралашди. Расулуллоҳ ﷺ яна «Вожиб бўлди», дедилар. Умар ибн Хаттоб ﷺ: «Нима вожиб бўлди?» деганларида, Расулуллоҳ ﷺ: «Ҳалиги яхшилик билан сифатланган кишига жаннат, ёмонлик билан сифатланган кишига дўзах вожиб бўлди. Сизлар эса, Аллоҳнинг ердаги гувоҳларидирсиз», деб айтдилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

950/1. Абул Асваддан ﷺ ривоят қилинади. Бу зот: «Мадинага бориб, Умар ибн Хаттоб ﷺ ҳузурларида ўтирган эдим. Бир тобутни олиб ўтиб қолишди. Шунда маййит яхшилик ила сифатланди. Умар ибн Хаттоб ﷺ: «Вожиб бўлди», дедилар. Сўнгра бошқаси олиб ўтилди. Ундаги маййит ҳам яхши сифат ила мақталди. Умар ибн Хаттоб ﷺ: яна: «Вожиб бўлди», дедилар. Кейин учинчи маййитни олиб ўтишди. Уни ёмонлик ила сифатлашди. Умар ибн Хаттоб ﷺ: «Вожиб бўлди», дедилар. Шунда мен: «Нима вожиб бўлди эй Мўминлар амири?», деб сўраган эдим, Умар ибн Хаттоб ﷺ худди Расулуллоҳ ﷺ айтганларидек: «Қай бир мусулмон кишининг яхши эканига тўрт киши гувоҳлик берса, Аллоҳ уни жаннатига киргизади», дедилар. Шунда биз: «Учта бўлса-чи?» деб сўрадик, «Учта бўлса ҳам», дедилар. «Иккита бўлса-чи?» деган эдик, «Иккита бўлса ҳам», дедилар. Аммо «Битта бўлса-чи?» деб сўрамадик», дедилар. *Имом Бухорий ривоятлари.*

164-БОБ
Балоғатга етмаган ёш болалари ўлган кишиларнинг фазилатлари ҳақида

951/1. Анасдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Қайси бир мусулмон кишининг балоғат ёшига етмаган уч фарзанди вафот этса, Аллоҳ таоло уларнинг ота-оналарини фазли ва марҳамати билан жаннатга киргизади», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

952/2. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Мусулмонлардан қайси бир кишининг учта фарзанди вафот этса, дўзахга тушмайди. Фақат қасамнинг ижро этилиши учунгина тушиб чиқилади», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

Қасамнинг ижро этилишидан мақсад Аллоҳнинг:

«Сизлардан ҳар бирингиз унга (жаҳаннамга) **тушгувчидирсиз»** сўзи ирода қилингандир (Марям сураси, 71-оят).

953/3. Абу Саид ал-Худрийдан ﷺ ривоят қилинади. Бир хотин Расулуллоҳ ﷺ ҳузурларига келиб: «Эй Аллоҳнинг Расули!, эркаклар айтиб берган ҳадисларингиз орқали (илмда) ўзиб кетишди. Биз аёлларга ҳам бир кунингизни ажратиб, Аллоҳ сизга ўргатган нарсалардан бизга ҳам таълим берсангиз», деганида, Расулуллоҳ ﷺ: «Шу, шу кунлари тўпланингиз», деб буюрдилар. Бас, аёллар жамланишди. Расулуллоҳ ﷺ ҳам келиб, Аллоҳ ўргатган нарсалардан аёлларга таълим бердилар. Кейин у зот: «Қайси бир хотин учта боласини (ўзидан олдин қабрга) жўнатса, ўша болалари у аёл учун дўзахдан тўсиқ бўлади», дедилар. Шунда бир хотин: «Иккита бўлса-чи?» деди. Расулуллоҳ ﷺ: «Иккита бўлса ҳам», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

165-БОБ
Золимлар қабри ёнидан ўтганда қўрқиб йиғлаш, Аллоҳга муҳтожликни изҳор қилиш ва улардан ғафлатда қолишдан сақланиш хусусида

954/1. Ибн Умардан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ Самуд қавмининг диёри Ҳижр номли жойга етганларида, саҳобаларга: «Мана бу азобланаётганлар ерига фақат йиғлаган ҳолда киринглар. Агар йиғламасанглар, кирманглар. Ана шунда уларга етган нарса сизларга етмайди», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

Бошқа ривоятда Расулуллоҳ ﷺ, қачонки Ҳижр номли жойдан ўта туриб: «Ўз жонларига зулм қилган мискинлар диёридан йиғлаган ҳолда ўтинглар. Уларга етган мусибат сизларга ҳам етиб қолмасин», деб, бошларини ўраб, ўша водийдан тезлик ила чиқиб кетдилар.

САФАР ОДОБЛАРИ КИТОБИ

166-БОБ
Сафарга пайшанба куни ҳамда куннинг аввалида чиқишнинг маҳбублиги ҳақида

955/1. Каъб ибн Моликдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ Табук ғазотига пайшанба куни чиқдилар. У зот пайшанба куни чиқмоқни яхши кўрардилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

Икки саҳиҳ китобидаги ривоятларнинг бирида: «Расулуллоҳ ﷺ сафарга кўпинча пайшанба куни чиқардилар», дейилган.

956/2. Сахр ибн Вадоъа ал-ўомидийдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Аллоҳим, умматимнинг кундуз аввалида (яъни тонгда ишларини бажаридаганларига) барака ато қилгин», деб дуо қилдилар. Расулуллоҳ ﷺ агар озми-кўпми бирор ерга қўшин юборадиган бўлсалар, кундузнинг аввалида (яъни тонгда) юборар эдилар. Мана шу ҳадиснинг ровийси Сахр ﷺ савдогар эдилар. Бу зотнинг одатлари, агар тижоратларини юборадиган бўлсалар, кундузнинг аввалида (яъни тонгда) юборар эдилар. Мана шундан эрта тонгда ишларини бажаришлари сабабли мол-дунёлар кўпайиб, бадавлат бўлиб кетдилар. *Абу Довуд ва Термизий ривоятлари.*

167-БОБ
Сафарга чиқаётганларнинг ўзларига ҳамроҳ олиб ва бўйсуниладиган бир кишини бошлиқ этиб тайинлашлари маҳбублиги ҳақида

957/1. Ибн Умардан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Агар инсонлар якка юришнинг зарарини мен билганчалик ҳис қилишганида эди, бирор йўловчи кечаси ёлғиз ўзи юрмас эди», дедилар. *Имом Бухорий ривоятлари.*

958/2. Амр ибн Шуъайб оталаридан, оталари эса боболаридан қилган ривоятларида Расулуллоҳ ﷺ: «Бир йўловчи битта шайтон, икки йўловчи икки шайтон, учтаси эса ҳақиқий йўловчидир», дедилар. *Абу Довуд, Термизий ва Насаийлар ривоятлари.*

Бу ҳадисдан сафарда бир ва икки киши бўлса, шайтоннинг ёмонлигидан омон бўлмасликлари мумкинлиги, агар уч ва ундан кўп бўлса, ҳақиқий йўловчи бўлиб, шайтоннинг ёмонлигидан, иншоаллоҳ, омонда бўлишлари тушунилади. Валлоҳи аълам.

959/3. Абу Саид ﷺ ва Абу Ҳурайралардан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Агар уч нафар киши сафарга чиқса, ичларидан битталарини амир (бошлиқ) этишсин», дедилар. *Абу Довуд ривоятлари.*

960/4. Ибн Аббосдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Ҳамсафарларнинг яхшиси тўрт ададлигидир. Отлиқларнинг яхшиси тўрт юз ададлигидир. Қўшинларнинг яхшиси тўрт минг ададлигидир. Ўн икки минг қўшин озликдан ҳеч ҳам мағлуб бўлмайди», дедилар. *Абу Довуд ва Термизий ривоятлари*.

168-БОБ
Сафарда бир ерга тушиш, юриш, ётиш, ухлашнинг одоблари ҳамда сафарда кечаси юриш, ҳайвонларга мулойим бўлиб, уларнинг фойдасига иш юритиш, ҳайвонлар ҳаққини

билмаганларга уни ўргатиш ва агар улов тоқат қилса, мингаштиришнинг жоизлиги ҳақида

961/1. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Агар кўкаламзор, ҳосилдор ерга сафар қилсангиз, туяга ердаги насибасини беринглар. Яъни ўтлатиб ўтинглар. Агар қуруқ, унумсиз ерга сафар қилсангиз, туяни тезлатиб юргизинглар, токи иликлари эримасдан, кўзлаган манзилга етиб олинглар. Агар бирор ерга қўнадиган бўлсангиз, йўл устига қўнишдан четланинг, яъни йўлдан узоқроққа тушинг. Чунки у кечқурун ҳайвонларнинг йўллари ва зарарли ҳашаротларнинг жойларидир», дедилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

Фойда: Бу ҳадисда Ислом ҳайвонлар ҳуқуқини қай даражада ҳимоя қилганига ишора бордир.

962/2. Абу Қатодадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳнинг ﷺ одатлари, – агар сафарга чиқиб, кечаси бирор ерга қўнсалар, ўнг томонларига ёнбошлардилар. Агар субҳ олдидан бирор ерга қўнсалар, билакларини тикка қилиб, бошларини кафтларига қўйиб ухлардилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

Уламолар: «Расулуллоҳ ﷺ билакларини тикка қилиб, бошларини кафтларига қўйиб ухлашларидан мақсад, уйқуга шўнғиб, бомдод намози ўтиб кетишидан хавф қилганлари учун», дейишган.

963/3. Анасдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Сафарга чиқсанглар, кечқурун юринглар. Чунки кечаси масофа тез босиб ўтилади», дедилар. *Абу Довуд ривоятлари.*

964/4. Абу Саълаба ал-Хушнийдан ﷺ ривоят қилинади. Одамлар сафар қилиб, бирор манзилга тушишса, дара ва водийлар орасига тарқалиб кетишарди. Буни кўрган Расулуллоҳ ﷺ: «Албатта, дара ва водийлар орасига тарқаб кетишингиз шайтон томонидандир», дедилар. Бундан кейин улар бирор ерга тушадиган бўлишса, бир-бирларига қўшилиб, жипслашиб олишар эди. *Абу Довуд ривоятлари.*

965/5. Саҳл ибн Амр Ансорийдан ﷺ ривоят қилинади (бу зот Ибн Ҳанзалийя номи билан машҳур бўлиб, Ризвон байъатида иштирок этган саҳобалардандир). Бир куни Расулуллоҳ ﷺ бир туя олдидан ўтдилар. У туя очликдан қорни ичига тортиб кетган эди. Расулулоҳ ﷺ: «Бу тилсиз ҳайвонлар хусусида Аллоҳдан қўрқинглар. Бас, қорнини тўйғазиб мининглар. Ва семиртириб, сўйиб енглар», деб айтдилар. *Абу Довуд ривоятлари.*

966/6. Абу Жаъфар Абдуллоҳ ибн Жаъфардан ﷺ ривоят қилинади. Бир куни Расулуллоҳ ﷺ орқаларига мени мингаштириб, бир сирни айтдилар. Мен ўша сирни инсонлардан бирортасига гапирмайман. Расулулоҳ ﷺ таҳорат

ушатадиган бўлсалар, бирор баландлик ёки хурмо дарахтидан бўлган боғ-тўсиқ бўлар эди... *Имом Муслим мана шу кўринишдаги қисқа ҳолда ривоят қилганлар.*

Аммо имом Барқоний имом Муслимнинг иснодлари ила «Хурмо дарахтидан бўлган боғ-тўсиқ бўлар эди» сўзидан кейин қуйидагиларни зиёда қилдилар:

«Бас, Расулуллоҳ ﷺ ансорийлардан бир кишининг тўсиб қўйган ерига кирдилар. Қарасалар, бир туя турибди. У зот туяга қараган эдилар, туя овоз чиқариб, кўзидан ёш оқизди. Расулуллоҳ ﷺ унинг ўркачи ва қулоғи ортидан силадилар. Ва: «Бу туянинг эгаси ким, бу туя кимга қарашли?» дедилар. Ансорийлардан бир йигит келиб: «Эй Аллоҳнинг Расули, менга қарашли», деди. Расулуллоҳ ﷺ: «Аллоҳ сени эга қилган бу ҳайвон ҳақида Аллоҳдан қўрқмайсанми? Бу туя оч қолдириб, кўп ишлатишингдан менга шикоят қилди», дедилар. *Абу Довуд ҳам Барқоний каби ривоят қилганлар.*

967/7. Анасдан ﷺ ривоят қилинади. Бу зот: «Агар бирор манзилга тушсак, ҳаттоки юкларни улов устидан тушириб, эгарларни ечмагунимизча, намоз ўқимас эдик», дедилар. *Абу Довуд имом Муслимнинг шартларига тўғри келадиган иснод ила ривоят қилганлар.*

169-БОБ
Дўстларга ёрдам бериш ҳақида

Юқорида келган «Бир банда биродарининг ёрдамида бўлса, Аллоҳ ҳам ўша банда ёрдамидадир» ҳадиси ва яна «Ҳар бир яхшилик садақадир» ҳадислари ҳам бу бобимизга тааллуқлидир.

968/1. Абу Саид ал-Худрийдан ﷺ ривоят қилинади. Биз сафарда эдик. Бир киши ўз уловига миниб келиб, назарини ўнг ва чап томонига ташлай бошлади. Бас, Расулуллоҳ ﷺ: «Кимнинг ортиқча минадиган нарсаси бўлса, улови йўқларга берсин. Кимнинг ортиқча сафар таоми бўлса, йўқларга берсин», деб ва яна ҳар турли мол-дунёларни зикр қилдилар. Ҳаттоки, биз кимда ортиқча нарса бўлса, ўзиники бўлмай, балки муҳтожларнинг ҳаққи экан-да, деб ўйлаб қолдик. *Имом Муслим ривоятлари.*

969/2. Жобирдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ ғазот қилмоқчи бўлиб: «Эй муҳожир ва ансорийлар жамоаси, ораларингиздаги баъзи тоифадаги биродарларингизнинг на мол-дунёлари ва на қариндош-уруғлари бор. Шундоқ экан, сизлар ўзларингизга икки ёки уч кишини қўшиб олинг», дедилар. Бизлардан бирортамизда ортиқча минадиган нарса йўқ эди. Фақат навбат билан минар эдик. Мен ҳам улардан иккита ёки учтасини қўшиб олдим. Менинг туямни навбат билан минишар эди. *Абу Довуд ривоятлари.*

970/3. Жобирдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ сафарда юрсалар, орқада қолиб кетардилар. Заифларни олдинда юргизиб ва баъзиларини мингаштириб ҳам олардилар. Ҳамда уларнинг ҳаққига дуода бўлардилар. *Абу Довуд ривоятлари.*

170-БОБ
Сафарга чиқишни ният қилиб, уловга минганда айтиладиган зикрлар

Аллоҳ таоло: **«Ўша зот сизлар учун кемалар ва чорва ҳайвонларидан - сизлар минадиган нарсалар** (пайдо) **қилди. Токи сизлар уларнинг устига ўрнашгайсизлар, сўнгра унга ўрнашиб олгач, Парвардигорингизнинг неъматини эслаб: «Бизларга бу** (кема ёки от-уловни) **бўйсундириб қўйган зот** (яъни Аллоҳ барча айбу нуқсондан) **покдир. Бизлар ўзимиз бунга қодир эмас эдик. Шак-шубҳасиз бизлар** (барчамиз) **Парвардигоримизга қайтгувчидирмиз», дегайсизлар»** (Зухруф сураси, 12-14-оятлар), деб айтган.

971/1. Ибн Умардан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ сафарга чиқадиган бўлиб, уловларига ўрнашиб олганларидан кейин уч марта такбир айтар, сўнгра «Субҳаналлазий саххара лана ҳаза ва ма кунна лаҳу муқринийн ва инна ила роббина ламунқолибун. Аллоҳумма инна насъалука фий сафарина ҳаза ал-бирро ваттақва ва минал ъамали ма тарзо, Аллоҳумма ҳаввин ъалайна сафарана ҳаза ватви ъанна буъдаҳу, Аллоҳумма антас соҳибу фиссафари валхалийфату фил аҳли. Аллоҳумма инний аъузу бика мин ваъсоис сафари ва каобатил манзари ва суʻ ил мунқолаби фил мали вал аҳли вал валади», деб айтардилар. (Маъноси: «Бизларга бу (кема ёки от-улов)ни бўйсундириб қўйган Зот (яъни, Аллоҳ барча айбу нуқсондан) покдир. Биз ўзимиз бунга қодир эмас эдик. Шак-шубҳасиз, бизлар (барчамиз) Раббимизга қайтгувчидирмиз. Аллоҳим, Сендан бу сафаримизда яхшилик ва тақвони ҳамда Сен рози бўладиган амални сўраймиз. Аллоҳим, бу сафаримизни бизга енгил қилиб, узоқлигини яқин қилгин. Аллоҳим, сафардаги йўлдош ҳам, хонадонда қолувчи ўринбосар ҳам Ўзингдирсан. Аллоҳим, мен Сендан сафар машаққатларидан, маҳзунлик манзараси ва молу-мулк, оилага ва фарзандларга етадиган зиён-заҳматдан паноҳ беришингни сўрайман».)

Агар сафардан қайтсалар, юқоридаги дуони айтиб, қуйидагиларни қўшимча қилардилар: «Ойибуна, тоибуна, обидуна, лироббина ҳамидуна». (Маъноси: «(Биз) қайтувчи, тавба қилувчи, ибодат қилувчи ва Раббимизга ҳамд айтувчилармиз».) *Имом Муслим ривоятлари.*

972/2. Абдуллоҳ ибн Саржисдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ агар сафар қилсалар, «Аллоҳумма инний аъузу бика мин ваъсоис сафари ва каобатил мунқолаби вал ҳаври баъдал кавни ва даъватил мазлуми ва суʻил манзари фил аҳли вал мали», деб айтардилар. (Маъноси: «Аллоҳим, мен Сендан сафар машаққати, хафалик етиши, истиқомат ёки зиёдаликдан ноқисликка қайтиш, мазлум дуоси ва молу-мулк, оиладаги ёмон манзарадан паноҳ тилайман».) *Имом Муслим, Термизий ва Насаий ривоятлари.*

973/3. Али ибн Рабийъадан ривоят қилинади. Али ибн Абу Толиб ﷺ отларини мингани келиб, оёқларини уловга қўйганларида «Бисмиллаҳ», дедилар. Қачонки, унинг устига ўрнашганларида «Алҳамду лиллаҳиллазий

саххара лана ҳаза ва ма кунна лаҳу муқринийн ва инна ила роббина ламунқолибун», деб айтдилар. (Маъноси: «Бизга буларни бўйсундириб қўйган Зотга ҳамд бўлсин. Бизлар ўзимиз бунга қодир эмас эдик. Барчамиз Парвардигоримизга қайтувчидирмиз».) Сўнгра уч марта «Алҳамдулиллаҳ» ва уч марта «Аллоҳу акбар», сўнгра «Субҳанака инний золамту нафсий фағфирлий иннаҳу ла йағфируз зунуба илла анта», деб кулиб қўйдилар. «Эй мўминларнинг амири, қайси нарсадан куляпсиз?» дейилганида, у зот айтдилар: «Расулуллоҳ ﷺ ҳам худди шу амални қилиб кулганларида, «Эй Расулуллоҳ, нима нарсадан кулдингиз?», деганимда, у зот: «Албатта Раббинг бирор банда гуноҳимни кечир, деб айтса, У: «Мендан бошқаси кечира олмаслигини билади», деб ажабланади», дедилар». *Абу Довуд ва Термизий ривоятлари.*

171-БОБ
Мусофир тепаликка (довонга) кўтарилганда такбир, паст (водий) га тушганда тасбиҳ айтиши ҳамда такбир айтаётганда муболаға тарзида овозини баландлатишдан қайтариш ҳақида

974/1. Жобирдан ﷺ ривоят қилинади: Бу зот: «Агар тепаликка кўтарилсак, такбир айтардик. Агар пастликка тушсак, тасбеҳ айтардик», деб айтдилар. *Имом Бухорий ривоятлари.*

975/2. Ибн Умардан ﷺ ривоят қилинади. Расулулоҳ ﷺ ва аскарлари агар тепаликка кўтарилишса, такбир айтишар эди. Агар пастликка тушишса, тасбеҳ айтишар эди. *Абу Довуд ривоятлари.*

976/3. Ибн Умардан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ агар ҳаж ёки умрадан (ровий: «ғазот деб айтганларини биламан холос», дедилар) қайтадиган бўлиб, тепалик ёки саҳро ерига кўтариладиган бўлсалар, уч марта такбир айтиб, сўнгра «Ла илаҳа иллаллоҳу ваҳдаҳу ла шарика лаҳу, лаҳул мулку ва лаҳул ҳамду ва ҳува ъала кулли шай’ин қодийр. Ойибуна обидуна сажидуна лироббина ҳамидуна, содақоллоҳу ваъдаҳу ва насоро абдаҳу ва ҳазамал аҳзоба ваҳдаҳу», деб айтардилар. (Маъноси: «Якка Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ. Унинг шериги ҳам йўқ. Мулк У учундир. Ҳамд ҳам У учундир. У ҳар бир нарсага қодирдир. (Бизлар) қайтгувчи, тавба қилгувчи, ибодат қилгувчи ва Раббимизга ҳамд айтгувчилармиз. Аллоҳнинг ваъдаси ҳақдир. Қулига нусрат бериб, аҳзобларни (гуруҳларни) якка Ўзи енгади.) *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

977/4. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят этилади. Бир киши: «Эй Аллоҳнинг Расули, мен сафар қилишни хоҳлайман, менга васият қилинг», деганида, Расулуллоҳ ﷺ: «Сенга, Аллоҳдан тақво этишингни ва ҳар бир баландликка кўтарилишда такбир айтишингни васият қиламан», дедилар. Ҳалиги киши орқасига қайтиб кетганида Расулуллоҳ ﷺ: «Аллоҳумма итви лаҳул буъда ва ҳаввин ъалайҳис сафара», деб айтдилар. (Маъноси: «Аллоҳим, узоғини яқинлаштиргин ва сафарни унга енгил қилгин».) *Имом Термизий ривоятлари.*

978/5. Абу Мусо ал-Ашъарий ﷺ ривоят қилиб айтдилар: «Расулуллоҳ ﷺ билан бирга сафарда бўлганимизда, агар бирор водийга кўтарилсак, таҳлил ва такбир айтардик. Шунда овозимизни баланд қилиб кўтарар эдик. Буни эшитган Расулуллоҳ ﷺ: «Эй инсонлар, нафсларингизни мулойим тутинглар. Чунки сизлар кар ёки бу ерда йўқ бўлган Зотга дуо қилмаяпсизлар. Зеро У зот сизлар билан биргадир. Албатта У эшитгувчи ва яқинда турувчи Зотдир», дедилар». *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

172-БОБ
Сафарда дуо қилишнинг маҳбублиги тўғрисида

979/1. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Шак-шубҳасиз, уч хил дуо ижобат қилингандир: мазлумнинг дуоси, мусофирнинг дуоси, отанинг фарзандига қилган дуоси», деб айтдилар. *Абу Довуд ва Термизий ривоятлари. Термизий бу ҳадисни ҳасан, деб айтдилар. Абу Довуддан қилинган ривоятда «фарзандига» деган лафз йўқ.*

173-БОБ
Кишилардан ёки бошқа нарсалардан хавфга тушганда айтиладиган зикр

980/1. Абу Мусо ал-Ашъарийдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ агар бирор қавмдан қўрқсалар, «Аллоҳумма инна нажъалука фий нуҳуриҳим ва наъузу бика мин шурурихим», деб айтардилар. (Маъноси: «Аллоҳим, биз Сени уларга рўбарў қўямиз ва Сенинг номинг ила ёмонлигидан паноҳ тилаймиз».) *Абу Довуд ва Насаий ривоятлари.*

174-БОБ
Бирор манзилга тушганда айтиладиган зикрлар

981/1. Ҳавла бинти Ҳакимдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Ким бир манзилга тушиб «Аъузу бикалиматиллаҳит таммати мин шарри ма холақ», деб айтса, тоинки бошқа манзилга кўчгунича бирор нарса зарар етказа олмайди», деб айтдилар. (Маъноси: «Аллоҳимнинг ҳамма калималари билан У яратган нарсаларнинг ёмонлигидан паноҳ тилайман».) *Имом Муслим ривоятлари.*

982/2. Ибн Умардан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ агар сафар қилсалар, ана шу куни кечаси «Йа арзу роббий ва роббукиллоҳу, аъузу биллаҳи мин шаррики ва шарри ма фийки, ва шарри ма хулиқо фийки, ва шарри ма йадиббу ъалайки, Аъузу бика мин шарри асадин ва асвада ва минал ҳаййати вал ъақраби ва мин сакинил балади ва мин волидин вама валада», деб айтардилар. (Маъноси: «Эй ер, менинг ва сенинг Раббинг

Аллоҳдир. Аллоҳнинг номи билан сенинг ёмонлигингдан, сендаги ёмонликдан, сенда халқ қилинган ёмонликдан, сенда судралиб юрадиганларнинг ёмонлигидан паноҳ тилайман. Ва яна шердан, шахслардан, илондан, чаёндан, ерда яшовчи жинлардан, иблис ҳамда шайтондан паноҳ тилайман».) *Абу Довуд ривоятлари.*

175-БОБ
Мусофир режасидаги ишларни бажариб бўлганидан кейин ўз аҳли ҳузурига тез қайтишининг маҳбублиги ҳақида

983/1. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Сафар азобдан бир бўлакдир. Чунки киши овқат, ичимлик ва уйқусидан қолади. Шундоқ экан, сизлардан биринингизнинг сафардаги режалаштирган иши битса, бола-чақаси ҳузурига қайтишга шошилсин», деб айтдилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

176-БОБ
Мусофир сафардан қайтганида ўз аҳли ҳузурига кундузи киришининг маҳбублиги ва узрсиз кечаси киришининг кароҳияти ҳақида

984/1. Жобирдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Агар сизлардан бирортангиз сафарда узоқ муддат қолиб кетса, ўз аҳли ҳузурига кечқурун кирмасин», дедилар. Бошқа ривоятда Расулуллоҳ ﷺ кечаси аҳли ҳузурига киришдан қайтардилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

985/2. Анасдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ кечаси ўз аҳллари ҳузурига кирмас эдилар. Балки кундузининг аввалида ёки охирида кирар эдилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

177-БОБ
Сафардан қайтиб, ўз шаҳрини кўрганда айтиладиган зикрлар

986/1. Анасдан ﷺ ривоят қилинади. «Биз Расулуллоҳга ﷺ йўлиқиб, ҳаттоки, Мадина кираверишига етиб келганимизда: «Ойибуна, таибуна, ъабидуна, лираббина ҳамидуна», деб айтишда бардавом бўлдилар, шу ҳолда Мадинага кириб келдик» (Маъноси: биз қайтгувчи, тавба қилгувчи, ибодат қилгувчи ва Раббимизга ҳамд айтгувчидирмиз). *Имом Муслим ривоятлари.*

178-БОБ
Сафардан қайтган киши аввал ўз маҳалласидаги масжидда икки

ракаат намоз ўқишининг маҳбублиги тўғрисида

987/1. Каъб ибн Моликдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ агар сафардан қайтсалар, аввал масжидда икки ракат намоз ўқирдилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

179-БОБ
Аёл кишининг ёлғиз сафарга чиқиши ҳаромлиги ҳақида

988/1. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Аллоҳга ва охират кунига имон келтирган аёлга бир кеча ва кундузлик масофага маҳрамсиз сафар қилиш ҳалол эмас», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

989/2. Ибн Аббосдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Киши маҳрами бўлмаган аёл билан холи қолмасин. Маҳрами бўлмаган аёл сафарга чиқмасин», деганларида, бир киши: «Эй Аллоҳнинг Расули, менинг хотиним ҳажга кетди. Мен эса фалон ва фалон ғазотда иштирок этиш учун номимни ёздириб қўйдим», деди. Шунда Расулуллоҳ ﷺ: «Боргин, хотининг билан бирга ҳаж қил (чунки маҳрам бўлиб бормасанг, унинг сафари шаръий бўлмайди)», деб айтдилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

ФАЗИЛАТЛАР КИТОБИ
180-БОБ
Қуръон ўқишнинг фазилати

990/1. Абу Умомадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Қуръон ўқинглар. Чунки у (Қуръон) Қиёмат кунида ўқигувчиларига шафеъ бўлади», дедилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

991/2. Наввос ибн Самъондан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Қиёмат куни Қуръон ва унга дунёда амал қилувчилар олиб келинса, Бақара ва Оли Имрон суралари илгарилаб, ўқувчиларига ҳужжатлашишади, яъни шафеъ бўлишади», дедилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

992/3. Усмон ибн Аффондан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Сизларнинг яхшиларингиз Қуръондан таълим олиб, бошқаларга ҳам ўргатган кишидир», дедилар. *Имом Бухорий ривоятлари.*

993/4. Оишадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Қуръонни моҳирлик ила, яъни лафзларини ўз ўрнидан чиқариб тиловат қилувчи киши улуғ, итоаткор мирзалар, яъни фаришталар билан бирга бўлади. Энди ким

Қуръонни тутилиб-тутилиб машаққат ила ўқиса, икки ажр бўлади», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

994/5. Абу Мусо ал- Ашъарийдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Қуръон ўқувчи мўмин ширин лимонга ўхшайди. Ҳиди ҳам, таъми ҳам яхши. Қуръон ўқимайдиган мўмин хурмога ўхшайди. Ҳиди йўғу таъми ширин. Қуръон ўқийдиган мунофиқ райҳонга ўхшайди. Ҳиди яхши, лекин таъми аччиқ. Қуръон ўқимайдиган мунофиқ заққум (ғоят аччиқ мева) га ўхшайди. Ҳиди ҳам йўқ, таъми ҳам аччиқ», деб айтдилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

995/6. Умар ибн Хаттобдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Албатта, Аллоҳ бу китоб, яъни Қуръон билан баъзи қавмларни юксак даражага ва баъзи қавмларни паст даражага туширади», дедилар. *Имом Муслим ривоятлари.* (Яъни салафларимизга ўхшаб, Қуръон ўқиб, унга амал қилинса, юксак мақомларга кўтарилади. Лекин акси бўлса, бизларнинг аҳволимизга ўхшаб қолади).

996/7. Ибн Умардан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Фақат икки тоифа кишиларга ҳасад қилиш жоиз. 1. Аллоҳ бир кишига Қуръон ҳифзи ва илми неъматини берган бўлса, у киши кечасию кундузи уни ўқиса ва амал қилса; 2. Ва бир кишига Аллоҳ мол-дунё берган бўлса, ўша киши мол-дунёсидан кечасию кундузи инфоқ қилса», деб айтдилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

997/8. Баро ибн Озибдан ﷺ ривоят қилинади. Бир киши Каҳф сурасини ўқир эди. Ҳузурида арқонга боғланган оти турар эди. Бир булут пайдо бўлиб, у отига яқинлашган эди, оти ҳуркиб кетди. Тонг отганда бу киши Расулуллоҳ ﷺ ҳузурларига келиб, бўлиб ўтган воқеа ҳақида хабар берганида, Расулуллоҳ ﷺ: «Бу хотиржамлик бўлиб, қачон Қуръони карим (аҳамият ила) ўқилса, ана шу хотиржамлик тушади», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

998/9. Ибн Масъуддан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Ким Аллоҳнинг китобидан бир ҳарф ўқиса, (номаи аъмолига) битта яхшилик ёзилади. Ҳар бир яхшилигингиз ўн баробар мислича қилиб берилади. Мен «Алиф, лом мим»ни бир ҳарф демайман. Балки «алиф» бир ҳарф, «лом» бир ҳарф ва «мим» бир ҳарфдир», дедилар. *Имом Термизий ривоятлари.*

999/10. Ибн Аббосдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Қуръондан ҳеч бир нарса ёдламаган киши хароба уйга ўхшайди», дедилар. *Имом Термизий ривоятлари.*

1000/11. Абдуллоҳ ибн Амр ибн Оссдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Қиёмат куни аҳли Қуръон жаннатга дохил бўлган фурсатда унга: сен

дунёда Қуръонни қандоқ тартил (қироат) ила ўқиган бўлсанг, бу ерда ҳам ўшандоқ дона-дона қилиб, қироат билан ўқиб, юқорига кўтарилгин. Қайси зина устида ёд билган оятларинг тамом бўлса, «Сенга аталган мақом ўшадир», дейилади», деб айтдилар. *Абу Довуд ва Термизий ривоятлари.*

181-БОБ
Қуръонни ёд олгандан кейин уни такрорлаб, эсда сақлашга буюриш ҳамда уни унутишдан эҳтиёт бўлиш тўғрисида

1001/1. Абу Мусодан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Қуръонни ёд олгандан кейин тез-тез ўқиб, такрорлаб туринглар. Муҳаммаднинг жони унинг қўлида бўлган зот (Аллоҳ)га қасамки, Қуръон (агар ўқиб турилмаса), эгасининг хотирасидан арқони ечилган туядан ҳам тезроқ қочади», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

1002/2. Ибн Умардан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Қуръон соҳиби (яъни, уни ёд олган киши) боғлаб қўйилган туяга ўхшайди. Агар уни маҳкам тутсанг, ўрнида туради. Агар бўш қўйсанг, кетиб қолади», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

182-БОБ
Қуръон ўқиганда овозини чиройли қилувчининг ва овози чиройли кишидан Қуръон тиловат қилиб беришни талаб этишнинг ҳамда у ўқиётганда қулоқ солиб туришнинг маҳбублиги ҳақида

1003/1. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Аллоҳ таоло ҳеч бир овозни, набий Қуръонни жарангдор овозда оҳанг билан ўқиганларини эшитганчалик эшитмаган», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

1004/2. Абу Мусо ал-Ашъарийдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ бу кишига «Довуд алайҳиссаломга берилган яхши овоздан сенга ҳам бир оз берилгандир», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

Имом Муслимнинг ривоятларида: «Расулуллоҳ ﷺ бу зотга: «Мен кеча сенинг қироатингни эшитганимни кўрганингда эди», деб айтдилар».

1005/3. Баро ибн Озибдан ﷺ ривоят қилинади. «Расулуллоҳ ﷺ хуфтон намозида «ват-тийни ваз-зайтуни» сурасини ўқидилар. Мен у зотникидан кўра чиройли овозни эшитмаганман», деб айтдилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

1006/4. Абу Лубоба Башир ибн Абдулмунзирдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Кимки Қуръон ўқиганда овозини чиройли қилмаса, биздан (яъни бизнинг йўлимиздан юрувчи) эмас», дедилар. *Абу Довуд ривоятлари.*

1007/4. Ибн Масъуддан ﷺ ривоят қилинади. «Расулуллоҳ ﷺ: «Менга Қуръон ўқиб бер», дедилар. Мен: «Эй Аллоҳнинг расули, сизга Қуръон ўқиб бераманми? Ваҳоланки, Қуръон ўзингизга нозил қилинган бўлса», десам, у зот: «Мен Қуръонни ўзимдан бошқа кишидан эшитмоқни яхши кўраман», дедилар. Шунда мен «Нисо» сурасини ўқиб «(Эй Муҳаммад), Биз ҳар бир умматдан (ўша умматнинг пайғамбарини) гувоҳ келтирганимизда ва сизни ана уларга қарши гувоҳ қилганимизда, уларнинг ҳоли не кечур?» оятига етсам, у зот: «Ҳозирча кифоя қилади», дедилар. Кейин у зотга назар солсам, икки кўзларидан ёш оқмоқда экан». *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

183-БОБ
Махсус суралар ва оятлар тиловатига тарғиб

1008/1. Абу Саид Рофеъ ибн Муъаллодан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ менга: «Эй Абу Саид, масжиддан чиқишингдан олдин сенга Қуръондаги энг улуғ сурани ўргатайми?» деб қўлимдан ушлаб (юра бошладилар). Масжиддан чиқмоқчи бўлганимизда мен: «Эй Аллоҳнинг Расули, сиз менга Қуръондаги энг улуғ сурани ўргатаман, дедингиз», десам, Расулуллоҳ ﷺ: «У етти оятдан иборат «алҳамдулиллаҳи роббил оламийн» бўлиб, менга берилган улуғ Қуръон (сура) шудир», дедилар. *Имом Бухорий ривоятлари.*

1009/2. Абу Саид ал-Худрийдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ «қул ҳуваллоҳу аҳад» сурасини қироат қилиш ҳақида қуйидагича сўз айтдилар: «Менинг жоним Унинг қўлида бўлган зотга қасамки, албатта, бу сура Қуръоннинг учдан бирига тўғри келади».

Бошқа ривоятда Расулуллоҳ ﷺ саҳобаларга: «Сизлардан бирингиз бир кечада Қуръоннинг учдан бирини ўқишга ожизми?» деганларида, бу сўз саҳобаларга оғир ботди. Ва: «Эй Аллоҳнинг Расули, қайсимиз бир кечада Қуръоннинг учдан бир қисмини ўқий олади?» дейишганида, Расулуллоҳ ﷺ: «Қул ҳуваллоҳу аҳад Аллоҳуссомад» сураси Қуръоннинг учдан бир қисмига тўғри келади», дедилар. *Имом Бухорий ривоятлари.*

1010/3. Абу Саид ал-Худрийдан ﷺ ривоят қилинади. Бир киши бошқа бир кишининг «Қул ҳуваллоҳу аҳад» сурасини ўқиётганини эшитди. Тонг отганида Расулуллоҳ ﷺ ҳузурларига бориб, гўё у киши қилган амалини кичик санагандек қилиб зикр этди. Шунда Расулуллоҳ ﷺ: «Менинг жоним Унинг қўлида бўлган зотга қасамки, албатта, бу сура (ўзи кичик бўлишига

қарамасдан) Қуръоннинг учдан бирига тенг келади», дедилар. *Имом Бухорий ривоятлари.*

1011/4. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ «Қул ҳуваллоҳу аҳад» сураси ҳақида: «Албатта, бу сура Қуръоннинг учдан бир қисмига тенг келади», дедилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

1012/5. Анасдан ﷺ ривоят қилинади. Бир киши: «Эй Аллоҳнинг Расули, мен «Қул ҳуваллоҳу аҳад» сурасини яхши кўраман», деганида, Расулуллоҳ ﷺ: «Албатта, буни яхши кўришинг сени жаннатга киргизади», дедилар. *Имом Термизий ривоятлари. Имом Бухорий ҳам «Саҳиҳ»ларида таълиқ ҳолда ривоят қилганлар.*

1013/6. Уқба ибн Омирдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Бу кеча менга нозил қилинган оятларга қарамайсизларми? Бу каби сура ҳали кўрилмаган. Ўша сура «Қул аъузу бироббил фалақ» билан «Қул аъузу бироббин нас»дир», дедилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

1014/7. Абу Саид ал-Худрийдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ иккита «қул аъузу» нозил бўлишидан олдин жинлардан ва инсонларнинг кўзи тегишидан паноҳ тилаб юрардилар. «Қул аъузу» сураси нозил бўлганидан сўнг у иккиси билан паноҳ тилаб, бошқа паноҳ тиланадиган нарсаларни тарк қилдилар. *Имом Термизий ривоятлари.*

1015/8. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Қуръонда ўттиз оятли бир сура бор. У (ўқиб юрган) кишини шафоат қилади. Ҳаттоки гуноҳлари мағфират қилинади. Ўша сура «Таборакаллазий биядиҳил мулк»дир», дедилар. *Абу Довуд ва Термизий ривоятлари.*

1016/9. Абу Масъуд ал-Бадрийдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Ким кеч кирганда Бақара сурасининг охиридаги икки оятни ўқиса, унга кифоя қилади», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

(Яъни ўша кечаси буладиган турли офатлар етишидан кифоя қилади. Ёки ўша кечаси қоим бўлишига кифоя қилади).

1017/10. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Уйларингизни (намоз ўқилмайдиган) қабр каби қилманглар. Албатта, шайтон Бақара сураси ўқиладиган уйдан қочади», дедилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

1018/11. Убай ибн Каъбдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Эй Абу Мунзир, Аллоҳнинг китобидан сен ёд қилган қайси оят улуғ эканини биласанми?» дегандилар, мен: «Аллоҳу ла илаҳа илла ҳувал ҳаййул қойюм», дедим. Шунда у зот кўкрагимга уриб: «Илм муборак бўлсин, эй Абу Мунзир», дедилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

1019/12. Абу Ҳурайра ﷺ ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ ﷺ мени Рамазон закотига қўриқчи қилдилар. Шунда бир киши келиб, таомдан ҳовучлаб ола бошлади. Мен уни ушлаб: «Аллоҳга қасамки, сени Расулуллоҳ ҳузурларига олиб бораман», дедим. У : «Болаларим кўп, жуда муҳтожман», деб айтган эди, қўйиб юбордим. Тонг оттирганимда, Расулуллоҳ ﷺ: «Эй Абу Ҳурайра, кечаги асиринг нима қилди?» дедилар. Мен: «Эй Расулуллоҳ, эҳтиёжи жуда қаттиқлигини ва болалари кўплигини айтган эди, унга раҳм қилиб қўйиб юбордим», дедим. Расулуллоҳ: «У сенга ёлғон гапирган бўлмасин, яна келади», дедилар. Мен Расулуллоҳнинг сўзларидан унинг тағин келишини билиб, кутдим. У келиб, яна таомдан ҳовучлаб ола бошлади. Ушлаб олиб: «Сени Расулуллоҳ ҳузурларига олиб бораман», дедим. У яна: «Мени қўйиб юбор, болаларим кўп, шунга жуда муҳтожман, бошқа қайтиб келмайман», деб айтди. Раҳмим келиб, яна қўйиб юбордим. Тонг отгач, Расулуллоҳ ﷺ: «Эй Абу Ҳурайра, асиринг нима қилди?» дедилар. Мен: «Эҳтиёжи жуда қаттиқлигини ва болалари кўплигини айтган эди, раҳм қилиб қўйиб юбордим», дедим. Расулуллоҳ ﷺ: «Сенга ёлғон гапирётган бўлмасин, у яна қайтади», дедилар. Учинчи бора кута бошладим. У келиб, яна таомдан ҳовучлаб ола бошлади. Уни ушлаб олдим ва: «Келмайман, дейсан-да, яна қайтиб келаверасан, бу охиргиси, сени Расулуллоҳнинг ҳузурларига олиб бораман», дедим. Шунда у: «Мени қўйиб юбор, агар қўйиб юборсанг, сенга бир нечта калималарни ўргатиб қўяман, у билан Аллоҳ сенга наф беради», деди. «Қайси калималар?» деганимда, «Тўшагингга ётсанг, Оятул курсийни ўқи, Аллоҳнинг қўриқчиси доим сени қўриқлаб туради, тонг отгунича шайтон сенга яқинлаша олмайди», деди, сўнг мен уни қўйиб юбордим. Тонг отгач, Расулуллоҳ ﷺ: «Кечаги асиринг нима қилди?» деб сўрадилар. Мен: «Эй Расулуллоҳ, у Аллоҳ фойда берадиган калималарни ўргатувди, қуйиб юбордим», дедим. Расулуллоҳ: «Қайси калималар экан?» дедилар. Мен: «Агар тўшагингга ётсанг, Оятул курсийни ўқи, Аллоҳнинг қўриқчиси доим сени қўриқлаб туради, тонг отгунича шайтон сенга яқинлаша олмайди», деб айтди», дедим. Шунда Расулуллоҳ ﷺ: «Ўзи ёлғончи бўлса ҳам, рост гапирибди. Эй Абу Ҳурайра, уч кундан бери сен билан гаплашаётган киши кимлигини биласанми?» дедилар. «Йўқ», дедим. «У шайтон эди», деб айтдилар Набий алайҳиссалом». *Имом Бухорий ривоятлари.*

1020/13. Абу Дардодан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Кимки Каҳф сурасининг аввалидан ўн оят ёдласа, дажжолдан омонда бўлади», дедилар. Бошқа ривоятда «Каҳф суранинг охиридан» бўлиб келган. *Имом Муслим ривоятлари.*

1021/14. Ибн Аббосдан ﷺ ривоят қилинади. Бир куни Жаброил алайҳиссалом Расулуллоҳ ﷺ ҳузурларида ўтирган эдилар, устларида янграётган бир овозни эшитдилар. Ва бошларини кўтариб, бу осмондаги бир эшик бўлиб, бугун шу эшик очилди. Фақат бугун очилди, холос. Ҳамда у ердаги бир фариштa тушди. Шу фариштa ер юзига бугун тушди, холос. Бундан олдин тушмаган эди. Фариштa салом бериб, Расулуллоҳга ﷺ икки

нур башоратини берди. Ва: «Бундан олдин бирор пайғамбарга берилмаган, деди. У Фотиҳа сураси ва Бақара сурасининг охиридир. Ундан бирор ҳарф ўқисангиз, унинг савоби берилади», деди. *Имом Муслим ривоятлари.*

184-БОБ
Қуръонни тўпланиб ўқишнинг маҳбублиги ҳақида

1022/1. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Бирор қавм Аллоҳнинг уйларидан бирига тўпланиб, Аллоҳнинг китобини тиловат қилса ва ўзаро бир-бирларига айтишса, уларга хотиржамлик тушиб, раҳмат қоплайди ва фаришталар ўраб олишади. Ҳамда Аллоҳ уларни Ўзининг ҳузуридагилар, яъни (фаришталар) билан эслайди» , дедилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

185-БОБ
Таҳоратнинг фазилати тўғрисида

Аллоҳ таоло: **«Эй мўминлар, қачон намозга турганингизда юзларингиз ҳамда қўлларингизни тирсакларигача ювингиз, бошларингизга масҳ тортингиз** (яъни нам қўлларингиз билан силангиз) **ва оёқларингизни ошиқларигача** (ювингиз!)**» Агар жунуб бўлсаларингиз, покланингиз – чўмилингиз.! Агар бемор ё мусофир бўлсангизлар ёки сизлардан биров ҳожатхонадан чиққан бўлса ёки хотинларингизга қўшилган бўлсаларингиз ва** (мазкур ҳолатларда) **сув топа олмасангиз, покиза тупроқни таяммум қилингиз – яъни юзингиз ва қўлларингизни** (покиза тупроқ) **билан силангиз. Аллоҳ сизларни бирор танглик-машаққатга соллмоқни истамайди, балки сизларни поклашни ва сизларга ўз неъматини комил қилиб беришни истайди. Шоядки, шукур қилсаларингиз»**, деб айтган (Моида сураси, 6-оят).

1023/1. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Қиёмат куни умматимнинг таҳоратда ювадиган аъзолари ялтирашидан таниб чақирилади. Кимки ўша ялтироқни узун қилишга қодир бўлса, бажараверсин, яъни таҳорат қилаётганида аъзоларининг кўпроқ қисмига сув етказаверсин», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

1024/2. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Дўстим Расулуллоҳ ﷺ: «Мўмин бандага (жаннатда) кийгизиладиган тақинчоқ таҳоратда сув теккизган еригача етказилади. Яъни қаеригача ювган бўлса, ўша еригача тақинчоқ тақилади», дедилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

1025/3. Усмон ибн Аффондан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Кимки таҳорат қилса ва уни чиройли тарзда адо этса, унинг жасадидан хатолари чиқиб кетади. Ҳаттоки тирноқлари остидан чиқиб кетади», дедилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

1026/4. Усмон ибн Аффондан ﷺ ривоят қилинади. «Расулуллоҳнинг ﷺ мен каби таҳорат қилганларини кўрдим. Сўнгра у зот: «Кимки мана шу тарзда таҳорат қилса, аввалги гуноҳлари кечирилади. Энди ўқиган намози ва масжидга юриб боргандаги савоби эса ёнига қолади», дедилар», деди. *Имом Муслим ривоятлари.*

1027/5. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Агар мусулмон ёки мўмин банда таҳорат қилиб юзини ювса, кўзи билан қилган барча хатолари юзидан сув билан ёки охирги томчи сув билан чиқиб кетади. Агар қўлини ювса, қўли орқали қилган барча хатолари қўлидан сув билан ёки охирги томчи сув билан чиқиб кетади. Ҳаттоки, гуноҳлардан покиза ҳолда чиқади. Агар икки оёғини ювса, оёғи билан қилган барча хатолари сув билан бирга ёки охирги томчи сув билан чиқиб кетади, ҳаттоки у гуноҳлардан покиза ҳолда чиқади», дедилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

1028/6. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ Бақийъ қабристонига келиб: «Ассалому алайкум дора қавмин муминийн, ваинна иншааллоҳу бикум лоҳиқун» (яъни мўминлар қавми ҳовлисидагилар, сизларга салом бўлсин. Аллоҳ хоҳласа, бизлар ҳам сизларга қўшиламиз), деб, яна у зот: «Биродарларимни кўргим келаяпти», дедилар. Шунда атрофларидагилар: «Эй Аллоҳнинг Расули, биз биродарларингиз эмасмизми?» дейишди. Расулуллоҳ ﷺ: «Сиз саҳобаларимсиз. Биродарларимиз ҳали дунёга келишмади», дедилар. Атрофларидагилар: «Эй Расулуллоҳ, ҳали дунёга келмаган умматингизни қандоқ қилиб танийсиз?» дейишганида, Расулуллоҳ ﷺ: «Агар бир кишининг қора отлар ичида оқ қашқали оти бўлса, ўша отини таний оладими?» дегандилар, улар: «Албатта, танийди», дейишди. Шунда Расулуллоҳ ﷺ: «Улар Қиёмат куни таҳоратлари сабаб пайдо бўладиган ялтироқ оқ қашқалари билан келишади. Мен ҳавзу Кавсарда уларга пешвоз чиқиб кутиб оламан», дедилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

1029/7. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Хатоларни ўчириб, даражаларни кўтарадиган нарсага далолат қилайми?» деганларида, саҳобалар: «Ҳа», дейишди. Шунда у зот: «Қийинчилик пайтида таҳоратни мукаммал қилиш ва масжидга қадамни (боришни) кўпайтириш ҳамда намоздан кейин намозни кутиш. Мана шу нарсалар Аллоҳга марғуб нарсалардир Мана шу нарсалар Аллоҳга марғуб нарсалардир», дедилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

1030/8. Абу Молик ал-Ашъарийдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Поклик иймоннинг ярмидир», дедилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

Бу ҳадис узун ҳолатида «Сабр» бобида келган. Ҳамда «Умид қилиш» боби охирида Амр ибн Абасадан қилинган ривоятда ҳам келган. Бу улуғ ҳадислардан бўлиб, кўп яхшиликларни ўзида мужассам қилгандир.

1031/9. Умар ибн Хаттобдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Ким таҳорат қилиб бўлиб: «Ашҳаду алла илаҳа иллаллоҳу ваҳдаҳу ла шарийка лаҳу ва ашҳаду анна Муҳаммадан ъабдуҳу ва росулуҳу», деса, унга жаннатнинг саккизта эшиги очилиб, хоҳлаганидан кираверади», дедилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

Термизий: «Аллоҳуммажъалний минат таввабийна важъалний минал мутатоҳҳирийн» калимасини зиёда қилганлар.

186-БОБ
Азоннинг фазилати ҳақида

1032/1. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Агар одамлар азоннинг ва аввалги сафнинг фазилатини билишганида эди, уни қўлга киритиш учун қуръа ташлашга мажбур бўлиб қолишса, қуръа ташлаб бўлса ҳам у фазилатни қўлга киритишга ҳаракат қилишар эди. Агар жамоатга эрта боришнинг фазилатини билишганда эди, унга ошиқишар эди. Агар хуфтон ва бомдод намозидаги фазилатни билишганида эди, эмаклаб бўлса ҳам боришар эди», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

1033/2. Муовиядан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Қиёмат куни муаззинлар энг бўйи узун кишилар бўлишади (яъни даражалари баланд кишилар бўлишади)», дедилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

1034/3. Абдуллоҳ ибн Абдураҳмон ибн Абу Саъсаъадан ﷺ ривоят қилинади. Абу Саид ал-Худрий ﷺ Абдуллоҳга: «Сенинг қўйлар ва яйловларни яхши кўришингни биламан. Агар қўйларинг ҳузурида ёки яйловда бўлсанг, намоз учун азон айт. Азон айтаётганда овозингни баланд қил. Чунки муаззиннинг овозини бирор жон ёки инсон ёки бошқа бирор нарса эшитса, Қиёмат куни (унинг мўминлигига) гувоҳлик беришади», дедилар. Абу Саид ушбу ҳадисни Расулуллоҳдан ﷺ эшитганман, дедилар. *Имом Бухорий ривоятлари.*

1035/4. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Агар намозга азон айтилса, шайтон орқасини ўгириб, ел чиқариб, азон эшитилмайдиган ергача қочади. Агар азон айтиб бўлинса, яна қайтиб келади. Ва намозга такбир айтилса, яна орқа ўгириб қочади. Такбир айтиб бўлинганидан кейин яна қайтиб келиб, намоз ўқиётган кишининг фикрига ҳар хил бўлмағур фикрларларни олиб келиб, ҳали ҳеч хаёлига келмаган нарсаларни эслатиб, уни эслагин, буни эслагин, деб васваса қилади. Ҳаттоки бу киши қанча намоз ўқиганини билмай қолади», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

1036/5. Абдуллоҳ ибн Амр ибн Осс ﷺ ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ ﷺ: «Муаззиннинг азон айтаётганини эшитсанглар, у айтганидек қайтаринглар. Сўнгра менга саловот йўлланглар. Ким менга битта саловот айтса, Аллоҳ таоло унга ўнта саловот айтади. Кейин менга Аллоҳдан василани сўранглар.

У (яъни, васила) жаннатдаги бир макондир. У макон Аллоҳнинг бандаларидан биттасига насиб этади. Ўша банда мен бўлишимга умид қиламан. Ким менга васила сўраса, унга шафоатим насиб этади», дедилар. *Муслим ривоятлари.*

1037/6. Абу Саид ал-Худрийдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Азонни эшитганингларда муаззин нима деса, ўшани айтинглар», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

1038/7. Жобирдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Ким азон эшитганида, «Аллоҳумма робба ҳазиҳид даъватит таммаҳ вассолатил қоимаҳ, ати Муҳаммаданил васийлата валфазийлаҳ вабъасҳу мақомам маҳмуданиллазий ваъадтаҳ», деса, унга шафоатим ҳосил бўлади», дедилар. *Имом Бухорий ривоятлари.*

1039/8. Саъд ибн Абу Ваққосдан ﷺ ривоят қилинишича, Расулуллоҳ ﷺ бундай деганлар: «Ким муаззинни эшитган пайтда: «Ашҳаду алла илаҳа иллаллоҳу ваҳдаҳу ла шарийка лаҳу ва анна Муҳаммадан ъабдуҳу ва росулуҳ, розийту биллаҳи роббан ва би Муҳаммадин ﷺ росулан ва бил-Ислами дийна», деса, унинг гуноҳлари кечирилади».

Бошқа ривоятда:

«Ва ана ашҳаду», деса, дейилган. *Имом Муслим ривоятлари.*

1040/9. Анасдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Азон билан иқоматнинг орасидаги дуо рад қилинмайди», дедилар. *Абу Довуд ва Термизий ривоятлари.*

Термизийнинг ривоятларида қуйидаги жумла зиёда қилинган: «Эй Расулуллоҳ, бу иккаласининг орасида нима деймиз?» деб сўрашди. У зот ﷺ: «Аллоҳдан дунё ва охиратда офият беришини сўранглар», дедилар».

187-БОБ
Намозларнинг фазилати тўғрисида

Аллоҳ таоло: **«Албатта, намоз бузуқлик ва ёмонликдан тўсар»** (Анкабут сураси, 45-оят), деб айтган.

1041/1. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Қарамайсизларми, агар сизлардан бирортангизнинг эшигингиз олдидан анҳор ўтса, шу киши анҳорда ҳар куни беш марта ювинса, у кишида бирор кир қоладими?» дегандилар, саҳобалар: «Йўқ, ҳеч кир қолмайди», дейишди. Шунда Расулуллоҳ ﷺ: «Беш вақт намозларингиз ҳам шу анҳор кабидир. Аллоҳ таоло беш вақт намоз ўқувчи кишининг ҳам гуноҳларини ўчиради», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

1042/2. Жобирдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Беш вақт намоз худди сизлардан бирингизнинг эшиги олдидан лиммо-лим бўлиб оқувчи анҳорга ўхшайди. У киши анҳорда ҳар куни беш марта чўмилади», дедилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

1043/3 . Ибн Масъуддан ﷺ ривоят қилинади. Бир киши бир хотиндан бўса олди. Кейин Расулуллоҳ ﷺ ҳузурларига келиб хабар берди. Сўнгра Аллоҳ таоло қуйидаги оятни нозил қилди: «Кундузнинг ҳар икки тарафида ва кечадан бир бўлагида намозни тўкис адо қилинг! Албата яхши амаллар ёмонлик – гуноҳларни кетказур». Бас, ҳалиги киши: «Эй Аллоҳнинг расули, бу мен учун хосми?» деганида, у зот: «Балки бу умматимнинг барчаларига хосдир», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

1044/4. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Беш вақт намоз вақт орасида ҳамда жумадан жумагача ўз ўрталарида бўлган гуноҳларга каффоратдир. Агар кабира (катта) гуноҳлардан сақланилган бўлса», дедилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

1045/5. Усмон ибн Аффондан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Қайси бир мусулмон фарз намозига ҳозир бўлганида таҳоратини чиройли қилиб, намозидаги хушуъ ва рукуъларини чиройли адо этса ва бу орада катта гуноҳ содир этмаса, аввалги кичик гуноҳларига каффорат бўлади. Бу ваъда (менинг замонимга мос бўлмай, балки) ҳар замонга хосдир», деб айтдилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

188-БОБ
Бомдод ва аср намозларининг фазилати ҳақида

1046/1. Абу Мусодан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Ким бомдод ва аср намозларини адо этса, жаннатга киради», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

Фойда: Бу икки намозни фазилатли бўлишига сабаб, чунки бомдод пайтида уйқу ғолиб келади. Аср вақтида эса ишлар кўпайиб, тижоратда кўплаб фойда қўлга киритиш пайида бўлинади.

1047/2. Абу Зуҳайр Умора ибн Рувайбадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Қайси бир киши қуёш чиқиши ва қуёш ботишидан олдин, яъни бомдод ва аср намозларини ўқиса, дўзахга тушмайди», дедилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

1048/3. Жундуб ибн Суфёндан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Ким бомдод намозини ўқиса, у киши Аллоҳнинг аҳди ва омонидадир. Аллоҳ сизларни ҳаргиз аҳдини зое қилган ҳолда топмасин», дедилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

(Яъни, субҳи намози ва қолганларини ҳам ўқиган киши ёмонлик қилишдан огоҳлантириляпти.)

1049/4. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Сизларнинг ҳузурингизга кечқурун бир жамоа ва кундузи бир жамоа фаришталар орқама-орқа келиб, бомдод ва аср намозларида жам бўлишади.

Кечқурун турган фаришталар Аллоҳ ҳузурига чиқишганда, Аллоҳ ўзи билган ҳолда: «Бандаларимни қай ҳолда тарк қилдинглар?», деб сўрайди. Фаришталар: «Уларни тарк қилганимизда ҳам, борганимизда ҳам намоз ўқишаётган эди», дейишади. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

1050/5. Жарир ибн Абдуллоҳ ал-Бажалийдан ﷺ ривоят қилинади. Биз Расулуллоҳ ﷺ ҳузурларида эдик. У зот тўлин ойга қараб: «Сизлар яқин кунларда Раббингизни худди мана шу ойни равшан кўргандек кўрасизлар. Қодир бўлсангизлар, қуёш чиқиши ва ботишидан олдинги, яъни бомдод ва аср намозларни тарк қилманглар», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

Бошқа ривоятда: «Ўн тўрт кунлик ой», бўлиб келган.

1051/6. Бурайдадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Кимки аср намозини тарк қилса, амалларини ҳабата қилибди», дедилар. *Имом Бухорий ривоятлари.*

189-БОБ
Масжидга пиёда боришнинг фазилати ҳақида

1052/1. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Ким кундузи ва кечқурун масжидга борса, ҳар бориб-келишига Аллоҳ зиёфат ҳозирлаб қўяди», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

1053/2. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Ким уйида таҳорат олиб, Аллоҳнинг уйларидан бир уйга Унинг фарзларидан бирини бажариш учун борса, қадамининг бири хатоларини ўчирса, иккинчиси даражаларини кўтаради», дедилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

1054/3. Убай ибн Каъбдан ﷺ ривоят қилинади: «Ансорийлардан бир киши бор эди. Бу кишидан бошқа бирор кишини масжиддан узоқроқ жойда туришини билмайман. У бирор намозни қолдирмас эди. Ўша кишига «Агар бир эшак сотиб олиб, уни қоронғи зулматда ва қаттиқ иссиқ бўлганда миниб келсанг бўлмайдими?» деб айтганимда, у киши: «Манзилим масжид ёнида бўлиши мени хурсанд қилмайди. Мен масжидга боришимдаги ва аҳлимга қайтишимдаги қадамларимга (савоб) ёзилишини хоҳлайман», деди. Расулуллоҳ ﷺ (буни эшитиб): «Аллоҳ таоло сенга бу нарсаларнинг ҳаммасини жамлаб берди», дедилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

1055/4. Жобирдан ﷺ ривоят қилинади. Масжид ёнида бир ўрин бўшаб қолиб, Бани Салама масжид яқинидаги ўша жойга кўчишни хоҳлашганида, бу хабар Расулуллоҳга ﷺ етиб келди. Расулуллоҳ ﷺ: «Сизлар масжид яқинига кўчиб келишни хоҳлаяпсизларми?» деганларида, улар: «Ҳа, эй Аллоҳнинг расули, биз шуни хоҳлаяпмиз», дейишди. Шунда Расулуллоҳ ﷺ: «Ўз жойларингизни (қўлдан бой бермай) сақланг. Қадамларингизга (савоб)

ёзилади», деб айтгандилар, улар: «Бу гапдан кейин ана шу ердан кўчиш бизни хурсанд қилмас эди», дейишди. *Имом Муслим ривоятлари.*

1056/5. Абу Мусодан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Кишиларнинг намозда ажр олиш жиҳатидан энг улуғлари узоқдан йўл юриб келувчиларидир. Имом билан ўқиш учун кутиб ўтирган кишининг савоби ўзи ўқиб кейин ухлаган кишиникидан улуғроқдир», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

1057/6. Бурайдадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Қоронғида масжидга юриб борувчи кишиларга Қиёмат куни мукаммал нур бўлишини башорат қилинглар», деб айтдилар. *Абу Довуд ва Термизий ривоятлари.*

1058/7. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Хатоларни ўчириб, даражаларни кўтарадиган нарсага далолат қилайми?» деганларида, саҳобалар: «Ҳа», дейишди. Шунда у зот: «Қийинчилик пайтида таҳоратни мукаммал қилиш ва масжидга қадамни (боришни) кўпайтириш ҳамда намоздан кейин намозни кутиш. Мана шу нарсалар Аллоҳ йўлида жиҳод кабидир. Мана шу нарсалар Аллоҳ йўлида жиҳод кабидир», дедилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

1059/8. Абу Саид ал-Худрийдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Агар масжидга боришга одатланган кишини кўрсангизлар, унинг иймонли эканига гувоҳлик беринглар. Чунки Аллоҳ таоло: «**Аллоҳнинг масжидларини фақат Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирганларгина обод қилурлар**», деб айтган. *Имом Термизий ривоятлари.*

190-БОБ
Намозни интизорлик билан кутишнинг фазилати тўғрисида

1060/1. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Жамоат билан ўқиш ниятида масжидда ўтирган киши, агар уйига кетишидан намозгина тўхтатиб турган бўлса, (масжидга кирганидан чиққунига қадар) намоз ичида ҳисобланади», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

1061/2. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Киши намозхонада таҳоратини синдирмай ўтирар экан, фаришталар унинг ҳаққига: «Аллоҳим, мағфират эт, Аллоҳим унга раҳм қил», деб дуода бўлишади», дедилар. *Имом Бухорий ривоятлари.*

1062/3. Анасдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ бир кеча хуфтон намозини туннинг ярмига қадар кечиктирдилар. Кейин намоз ўқиб тугатгач, бизга юзландилар-да: «Одамлар намоз ўқиб, ухлаб ҳам бўлишди. Сизлар эса (масжидга кириб) уни кутганингиздан бери унинг ичида ҳисобланасизлар (яъни ўшанинг ҳисобича савобга эга бўласизлар)», деб айтдилар. *Имом Бухорий ривоятлари.*

191-БОБ
Жамоат билан намоз ўқишнинг фазилати ҳақида

1063/1. Ибн Умардан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Жамоат билан ўқилган намоз ёлғиз ўқилган намоздан йигирма етти даража афзалдир», деб айтдилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

1064/2. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Кишининг жамоат билан ўқиган намози уйда ва бозорда ўқиган намозидан йигирма беш баробар афзалдир. Агар ўша киши чиройли таҳорат қилиб, фақат намоз ўқишни ният этиб, масжидга чиқса, Аллоҳ унинг даражасини баланд қилиб, хатоларини ўчиради. Киши намозхонасида таҳоратини синдирмасдан ўтирар экан, фаришталар унинг ҳаққига: «Аллоҳим, мағфират эт, Аллоҳим, унга раҳм қил», деб дуода бўлишади. Улар (масжидга кириб), уни кутганидан бери намозда турган ҳисобланади», деб айтдилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.Бу ҳадис лафзи Бухорийники.*

1065/3. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Бир кўзи ожиз киши Расулуллоҳ ﷺ ҳузурларига келиб: «Эй Аллоҳнинг Расули, мениг етаклаб масжидга олиб борувчи кишим йўқ», деб, у зотдан масжидга бормасдан уйда намоз ўқишга рухсат сўради. Расулуллоҳ ﷺ у кўзи ожиз кишига рухсат бердилар. У киши энди орқа ўгириб кетаётган эди, Расулуллоҳ ﷺ уни чақириб: «Намозга айтиладиган азонни эшитасанми?» дедилар.У киши: «Ҳа», деб жавоб берган эди, Расулуллоҳ ﷺ: «Муаззиннинг азонига жавоб қил, яъни жамоатга боргин», деб айтдилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

1066/4. Ибн Умму Мактум куняси билан таниқли муаззин Абдуллоҳ ибн Қайсдан ﷺ ривоят қилинади. Бу зот: «Эй Аллоҳнинг Расули, Мадина зарарли ҳашарот ва йиртқичлари кўп шаҳардир. (Менга жамоатга бормасдан, уйда намоз ўқишимга рухсат берасизми?)» деганларида, Расулуллоҳ ﷺ: «Ҳаййа ъалас солат, ҳаййа ъалал фалаҳ» калималарини эшитасанми? Агар эшитадиган бўлсанг, жамоатда ҳозир бўл», дедилар. *Абу Довуд ривоятлари.*

1067/5. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Менинг жоним Унинг қўлида бўлган зотга қасамки, мен ўтин териб келишни буюришга қасд қилсам. Бас, ўтин териб келинса. Кейин намоз ўқишга буюрсам, у намозга азон айтилса, кейин бир кишига буюрсам, у одамларга намоз ўқиб берсаю мен бунга хилоф қилиб, жамоатга келмаганларнинг уйига ўт қўйиб юборсам», деб айтдилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

1068/6. Ибн Масъуддан ﷺ ривоят қилинади. Бу зот: «Кимни эртага Аллоҳ таолога мусулмон ҳолда йўлиқиш хурсанд қилса, азон айтиладиган масжидда намозларини адо этсин. Албатта, Аллоҳ набийларингизни ҳидоят

йўлига йўналтириб қўйган. Албатта, беш вақт намозни масжидда жамоат билан ўқиш ҳидоят йўлларидандир. Агар сизлар ҳам уйида намоз ўқувчи кишилар каби уйингизда ўқисангиз, набийларингиз суннатини тарк қилган бўласизлар. Агар набийларингиз суннатини тарк қилсангизлар, залолатга кетасизлар. Биз саҳобаларни кўрар эдик. Маълум бир нифоқи бор мунофиқ бўлмаса, жамоат намозидан қолмас эди. Икки кишининг орасида келиб бўлса ҳам, сафда турар эди», дедилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

Имом Муслимнинг бошқа ривоятларида: «Албатта, Расулуллоҳ ﷺ бизга ҳидоят йўлини ўргатдилар. Азон айтиладиган масжидда намозни жамоат билан ўқиш ҳидоят йўлларидандир», дедилар.

1069/7. Абу Дардодан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Уч нафар киши бирор қишлоқ ёки саҳрода жамланишсаю жамоат бўлиб намоз ўқишмаса, шайтон уларга ғолиб келади. Бас, шундоқ экан, жамоатни ўзингизга лозим тутинг. Чунки бўри ҳам ёлғиз юрган қўйни ейди», деб айтдилар. *Абу Довуд ривоятлари.*

192-БОБ
Бомдод ва хуфтон намозларини жамоат билан ўқишга тарғиб

1070/1. Усмон ибн Аффондан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Ким хуфтон намозини жамоат билан ўқиса, кечанинг ярмини ибодат билан бедор ўтказгандай бўлади. Кимки бомдод намозини жамоат ила ўқиса, бутун кечани ибодат билан ўтказгандай бўлади», дедилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

Имом Термизийнинг Усмон ибн Аффондан ﷺ қилган ривоятларида Расулуллоҳ ﷺ: «Ким хуфтон намозини жамоат билан ўқиса, кечанинг ярмини ибодат билан бедор ўтказганнинг савобига эришибди. Ким хуфтон ва бомдод намозларини жамоат билан ўқиса, кечанинг барчасини бедор ўтказганнинг савобига эришибди», дедилар. *Имом Термизий бу ҳадиси шарифни саҳиҳ, ҳасан, деб айтганлар.*

1071/2. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Агар одамлар хуфтон ва бомдод намозини жамоат билан ўқишнинг савобини билишганида эди, унга эмаклаб бўлса ҳам келишар эди», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

1072/3. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Мунофиққа бомдод ва хуфтондан оғирроқ намоз йўқдир. Агар улар икковидаги савобни билишганида эди, эмаклаб бўлса ҳам келишар эди», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

193-БОБ
Беш вақт намозни муҳофаза этишга буюриш ҳамда уни қасддан тарк қилганларни қаттиқ ваъийдлар билан қайтариш тўғрисида

Аллоҳ таоло: **«Барча намозларни ва хусусан, ўрта намозни** (аср намозини) **сақланглар — ўз вақтларида адо этинглар»** (Бақара сураси, 238-оят).

«Энди агар тавба қилсалар ва намозни тўкис адо қилишиб, закотни берсалар, уларнинг йўлларини тўсмангиз! (яъни улар билан урушишни бас қилингиз)**»** (Тавба сураси, 5-оят), деб айтган.

1073/1. Ибн Масъуддан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳдан ﷺ: «Қайси амал афзал?» деб сўрасам, у зот: «Вақтида ўқилган намоз», дедилар. «Кейин қайси?» десам, у зот: «Ота-онага яхшилик қилиш», дедилар. «Кейин қайси?» десам, у зот: «Аллоҳ йўлидаги жиҳод», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

1074/2. Ибн Умардан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Ислом беш нарса устига қурилган: «Ла илаҳа иллаллоҳ ва анна Муҳаммадан Расулуллоҳ» калимаси; намозни адо этиш; закот бериш; Байтуллоҳни ҳаж қилиш; Рамазон рўзасини тутиш», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

1075/3. Ибн Умардан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Кишилар «Ла илаҳа иллаллоҳу ва анна Муҳаммадан расулуллоҳ», деб айтмагунларича, намозни адо этмагунларича ва закотни бермагунларича улар билан уришмоқликка буюрилдим. Агар мана шу айтилган нарсаларни бажаришса, улар ўз жонлари ва молларини мендан сақлашибди. Лекин Ислом ҳақларида (яъни, ҳад ва қасосларда) бундай эмас. Бунинг ҳисоби Аллоҳ таолога ҳаволадир», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

1076/4. Муоздан ﷺ ривоят қилинади. «Расулуллоҳ ﷺ мени Яманга юбораётиб, «Сен аҳли китоб бўлган қавмнинг ҳузурига кетяпсан. Агар борсанг, уларни «Ла илаҳа иллаллоҳ ваанна Муҳаммадан расулуллоҳ» шаҳодатига чақир. Агар бунга итоат қилишса, Аллоҳ уларга ҳар кеча ва кундузда беш вақт намозни фарз қилганини билдиргин. Агар бунга ҳам итоат қилишса, Аллоҳ уларга бойларидан олиб, камбағалларига бериладиган садақани фарз қилганини билдир. Агар бунга ҳам итоат қилишса, закот олаётганингда уларнинг яхши молларини танлаб олишдан сақлангин. Ҳамда мазлумнинг дуосидан қўрққин. Чунки у билан Аллоҳ ўртасида парда бўлмайди», дедилар». *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

1077/5. Жобирдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Бир киши билан ширк ва куфр орасидаги фарқ намозни тарк қилишдир», дедилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

1078/6. Бурайдадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Биз билан уларнинг (мунофиқларнинг) орасидаги фарқ намоздир. Бас, кимки уни тарк қилса, батаҳқиқ кофир ҳолича қолибди», дедилар. *Имом Термизий ривоятлари.*

1079/7. Буюк тобеъинлардан эканлигига иттифоқ қилинган Шақиқ ибн Абдуллоҳдан ﷺ ривоят қилинади. «Расулуллоҳнинг ﷺ саҳобалари намозни тарк қилишдан бошқа бирор амални тарк қилишни кофирлик деб ҳисоблашмас эди», дедилар. *Имом Термизий ривоятлари.*

1080/8. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Қиёмат куни бандaнинг биринчи бўлиб ҳисоб қилинадиган амали намоздир. Агар у яроқли бўлса, нажот топиб, муваффақиятга эришибди. Агар яроқсиз бўлса, ҳасрат-надоматда қолибди. Агар бордию фарз амалларидан бирор камчилик бўлса. Аллоҳ таоло: «Бандамнинг нафл амалларига қаранглар-чи?» дейди. Агар нафл амаллар бўлса, фарзнинг камчиликлари тўлдирилади. Кейин бошқа амаллари ҳам мана шу тарзда ижро этилади», дедилар. *Имом Термизий ривоятлари.*

194-БОБ
Аввалги сафнинг фазилати ҳамда аввалги сафни тўлдириб жипслаш ва текис қилишга буюриш ҳақида

1081/1. Жобир ибн Самурадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ ҳузуримизга чиқиб: «Фаришталар Раббилари ҳузурида саф тортгани каби сизлар ҳам саф тортмайсизларми?» дедилар. Биз: «Эй Аллоҳнинг Расули, фаришталар Раббилари ҳузурида қандай саф тортишади?» десак, у зот: «Аввалги сафни тўлдириб ва сафни жипс қилишади», дедилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

1082/2. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Агар одамлар азон ва аввалги сафнинг фазилатини билишганида эди, уни қўлга киритиш учун қуръа ташлашга мажбур бўлиб қолишса, қуръани ташлаб бўлса ҳам у фазилатни олишга ҳаракат қилишар эди», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

1083/3. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Эркаклар сафининг яхшиси аввалги сафдир. Охирги саф эса ёмонидир. Аёллар сафининг яхшиси охиридир. Аввалги саф эса ёмонидир», дедилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

1084/4. Абу Саид ал-Худрийдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ саҳобаларининг орқа (саф)да турганларини кўриб): «Олдинга ўтинглар. Бас, менга иқтидо қилинглар. Орқангиздагилар сизларга иқтидо қилсин. Баъзи тоифа кишилар доим ортда қолишади. Аллоҳ ҳам уларни ортда қолдиради», дедилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

1085/5. Абу Масъуддан ﷺ ривоят қилинади. «Расулуллоҳ ﷺ намоз (олдидан) елкаларимизни ушлаб: «Баробар туринглар. Ҳар турли бўлиб турманглар. Қалбларингиз ҳам ҳар турли бўлиб қолади. Менга балоғатга етган ақллиларингиз яқин турсин. Кейин ақлда уларга яқинлари турсин. Сўнгра уларга яқинлари турсин», деб айтардилар». *Имом Муслим ривоятлари.*

1086/6. Анасдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Сафларингизни баробар қилинглар. Чунки сафни баробар қилиш намознинг мукаммал бўлишига сабабчидир», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

Имом Бухорий ривоятларида: «Сафларни баробар қилиш намозни қоим этишдир», дейилган.

1087/7. Анасдан ﷺ ривоят қилинади. Бир куни намозга такбир айтилганида Расулуллоҳ ﷺ бизларга юзларини қаратдилар-да: «Сафларингизни текислаб, жипслаштиринглар. Чунки мен сизларни орқамдан ҳам кўраман», дедилар. *Имом Бухорий шу лафз билан имом Муслим мана шу маънода ривоят қилганлар.*

Имом Бухорийнинг бошқа ривоятларида: «Бизлар сафда турсак, елкамиз ёнимиздагининг елкасига, оёғимиз ёнимиздагининг оёғига ёпишиб турар эди», дейилган.

1088/8. Нўъмон ибн Баширдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Сафларингизни баробар қилинглар. (Агар бундай қилмасангизлар) Аллоҳ таоло (қалбларингизни ихтилофли қилиб, ораларингизга ғазаб-адоватни солиб қўйиш билан) юзларингизни бир-бирига мухолиф қилиб қўяди», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

Имом Муслимнинг ривоятларида қуйидагича айтилади: «Расулуллоҳ ﷺ сафларимизни гўёки камон ўқларини тергандек текислаб қўярдилар. Бизнинг тушунганимизни кўргунларича шундай қилдилар. Кейин бир куни (намозга киришиш учун) такбир айтаман, деб турганларида, бир киши кўкрагини (бошқаларникига қараганда) бироз чиқариб турганини кўриб, «Эй Аллоҳнинг бандалари, сафларингизни баробар қилинглар. (Агар бундай қилмасангизлар) Аллоҳ таоло юзларингизни бир-бирига мухолиф қилиб қўяди», дедилар».

1089/9. Баро ибн Озибдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ сафнинг орасига кириб, бу томондан нариги томонгача юрдилар-да олд томонларимизни ва елкаларимизни қўллари билан баробар қилиб: «Сафларингизни ҳар турли қилманглар. Агар ҳар турли қилсанглар, Аллоҳ қалбларингизни мухолиф қилиб қўяди», дедилар. Ва яна у зот: «Албатта, Аллоҳ ва унинг фаришталари аввалги сафдагиларга дуою салавот айтурлар», деб айтардилар. *Абу Довуд ривоятлари.*

1090/10. Ибн Умардан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Сафларингизни тўғриланглар. Елкаларингизни баробар қилинглар. Сафдаги очиқ жойларни тўлдиринглар. Биродарларингиз сафни қўллари билан тўғрилайман, дейишса, уларга мулойим бўлинг. Ҳамда шайтон учун сафда бўш жой қолдирманг. Ким сафни етказса, Аллоҳ ҳам уни етказади. Ким сафни узса, Аллоҳ ҳам ундан узилади», дедилар. *Абу Довуд ривоятлари.*

1091/11. Анасдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Сафларингизни жисплаштиринглар ва унинг орасини яқин қилинглар ҳамда елкаларингизни текисланглар. Менинг жоним Унинг қўлида бўлган зотга қасамки, мен шайтонларни сафларнинг очиқ ерида кичкина қора қўзичоқлар каби ўтиб турганини кўраман», дедилар. *Абу Довуд ривоятлари. Бу ҳадис Муслимнинг шартларига биноан саҳиҳдир.*

1092/12. Анасдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Олдинги сафни тўлдиринглар. Сўнгра ундан кейинги сафни тўлдиринглар. Тўлмайдиган саф охирги саф бўлсин», дедилар. *Абу Довуд ривоятлари.*

1093/13. Оишадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Албатта, Аллоҳ ва унинг фаришталари сафнинг ўнг томонидагиларга дуою салавот айтурлар», деб айтдилар. *Абу Довуд ривоятлари.*

1094/14. Бародан ﷺ ривоят қилинади. Агар биз Расулуллоҳнинг ﷺ орқаларида намоз ўқийдиган бўлсак, у зотнинг ўнг томонларида туришни яхши кўрар эдик. У зот юзларини бизга қаратиб, қуйидагича айтган сўзларини эшитдик: «Эй Раббим, бандаларингни қайта тирилтирадиган ёки Маҳшаргоҳга тўплайдиган кунда азобингдан сақла!». *Имом Муслим ривоятлари.*

1095/15. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Имомларингизни ўртага олинглар. Ҳамда сафдаги очиқ жойларни тўлдиринглар», деб айтдилар. *Абу Довуд ривоятлари.*

195-БОБ
Фарзлар билан бирга ўқиладиган таъкидланган суннатларнинг фазилати ҳамда уларнинг савоб жиҳатидан оз, кўп, ўртачалари баёни

1096/1. Уммул Мўъминин Умму Ҳабиба Рамла бинти Абу Суфёндан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Бирор мусулмон банда Аллоҳ учун ҳар куни ўн икки ракат фарздан ташқари нафл намоз ўқиса, Аллоҳ таоло у киши учун жаннатда уй қуради ёки у киши учун жаннатда уй қурилади», дедилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

(Бизнинг Ҳанафия мазҳабимиздаги фарздан олдинги ва кейинги суннат намозларни ўқиш мана шу ҳадисга асосандир. – Тарж).

1097/2. Ибн Умардан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ билан бирга пешин намозидан олдин ва кейин жума намозидан кейин, икки ракат, шом намозидан кейин икки ракат ҳамда хуфтон намозидан кейин икки ракат намоз ўқидим» дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

(Бизнинг Ҳанафия мазҳабимизда бомдоднинг фарзидан олдин икки ракъат суннат, пешинни фарзидан олдин тўрт ракъат, кейин икки ракъат суннат, жума намозида эса, фарзидан олдин ҳам кейин ҳам тўрт ракъат суннат, шом намозида эса фарзидан кейин икки ракъат суннат, хуфтонни фарзидан кейин икки ракъат суннат ўқилади. Бу айтилган гапларга, келгусида келадиган саҳиҳ ҳадислардан далиллар бордир. – Тарж).

1098/3. Абдуллоҳ ибн Муғаффалдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Икки азон орасида намоз бордир. Икки азон орасида намоз бордир. Икки азон орасида намоз бордир (яъни азон билан иқомат орасида) деб, учинчисидан кейин: «Хоҳлаган киши учун», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

196-БОБ
Бомдод намозининг икки ракат суннати таъкидланган суннат экани ҳақида

1099/1. Оишадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ пешин фарзидан олдин тўрт ракат ва бомдод фарзидан олдинги икки ракат суннатни ҳеч тарк қилмасдилар. *Имом Бухорий ривоятлари.*

1100/2. Оишадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ бирор ихтиёрий намозга бомдод намозининг икки ракат суннатига эътибор берганчалик аҳамият бермасдилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

1101/3. Оишадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Бомдод намозининг икки ракат суннати дунё ва ундаги нарсалардан яхшидир», дедилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

Имом Бухорий ва Муслимнинг бошқа ривоятларида «Бу бомдод намозининг икки ракат суннати дунёдаги ҳамма нарсадан яхшироқдир», дейилган.

1102/4. Абу Абдуллоҳ Билол ибн Рабоҳдан ﷺ ривоят қилинади. Бу зот бомдод намозини билдириш учун Расулуллоҳ ﷺ ҳузурларига келдилар. Ногаҳон Оиша ﷺ Билолдан ﷺ бир нарса сўраб, машғул қилиб қўйдилар. Ҳаттоки тонг ёришиб кетди. Кейин Билол туриб қайта-қайта чақирдилар. Расулуллоҳ ﷺ эса чиқавермадилар. Кейин одамларга намоз ўқиб берганларидан сўнг Билол ﷺ: «Оиша бир нарса сўраган эди. Ўша нарсага машғул бўлиб кечикиб қолдим. Ҳаттоки тонг ёришиб кетди. Сиз ҳам, эй Расулуллоҳ, кечикиб чиқдингиз. Бунга нима сабаб?» деганларида, Расулуллоҳ ﷺ: «Мен бомдоднинг икки ракат суннатини ўқиётган эдим»,

дедилар. Шунда Билол ﷺ: «Эй Аллоҳнинг Расули, тонг жуда ёришиб кетган эди-ку?» дегандилар, Расулуллоҳ ﷺ: «Агар тонг бундан кўпроқ ёришганида ҳам икки ракат суннатни мукаммал, чиройли суратда адо қилар эдим», дедилар. *Абу Довуд ривоятлари.*

197-БОБ
Бомдоднинг икки ракат суннатини енгил ўқиш ва унда ўқиладиган нарсалар ҳамда унинг қайси вақтда ўқилиши баёни

1103/1. Оишадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ бомдод намозининг азони билан иқомати орасида икки ракат енгил намоз ўқир эдилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

Икковларининг бошқа ривоятларида: «Расулуллоҳ ﷺ бомдод намозининг икки ракат суннатини шу қадар енгил ўқирдиларки, ҳаттоки: «У зот Фотиҳа сурасини ўқидилармикан?» деб ўйлаб қолардим», деб келган.

Имом Муслимнинг бошқа ривоятларида: «Расулуллоҳ ﷺ агар азон эшитсалар, бомдод намозининг суннатини ўқиб, уни енгил қилардилар», дейилган.

Яна бир бошқа ривоятда: «Агар субҳ кирса» бўлиб келган.

1104/2. Ҳафсадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳнинг ﷺ одатлари агар муаззин бомдод намозига азон айтса ва субҳ ёришса, енгилгина қилиб икки ракат бомдод намозининг суннатини ўқиб олардилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

Имом Муслимнинг ривоятларида: «Агар субҳ ёришса, енгил қилиб фақатгина бомдод намозининг икки ракат суннатини ўқиб олардилар», деб келган.

1105/3. Ибн Умардан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ кечасининг (таҳажжуд) намозини икки ракаат-икки ракат қилиб ўқирдилар. Кечанинг охирида эса бир ракат витр ўқирдилар. Бомдоднинг фарзидан олдин икки ракат суннатини ўқирдилар. Буни азон айтилиши билан ўқиб олардилар. Гўёки такбир қулоқларига етиб тургандек эди. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

(Яъни аввалги вақти ўтиб кетишидан қўрққан ҳолда намоз такбирини эшитган киши шошгани каби тезлик билан ўқиб олардилар. Бу ҳадисга биноан Имом Шофеъий мазҳабидагилар витрни бир ракат ўқишади. Бизнинг Ҳанафия мазҳабида эса, витрни 1171-рақамли ва бошқа саҳиҳ ҳадисга мувофиқ уч ракат ўқилади. – Тарж).

1106/4. Ибн Аббосдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ бомдод намозининг суннатини аввалги ракатида Бақара сурасидаги «Қулу аманна биллаҳи ва ма унзила илайна» оятини, иккинчи ракатида «оманна биллаҳи вашҳад бианна муслимун» оятини ўқир эдилар.

Бошқа ривоятда эса «Иккинчи ракатида «Оли Имрон» сурасидаги «таъолав ила калиматин саваъин байнана ва байнакум» оятини ўқирдилар» бўлиб келган. *Бу икковини Имом Муслим ривоят қилганлар.*

1107/5. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ бомдод намозининг икки ракат суннати биринчи ракатида «Қул йа аййуҳал кафирун» ва иккинчи ракатида «Қул ҳуваллоҳу аҳад» сураларини ўқир эдилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

1108/6 . Ибн Умардан ﷺ ривоят қилинади. «Расулуллоҳнинг ﷺ бир ой мобайнида бомдод намозининг икки ракатлик суннати биринчи ракатида «Қул йа аййуҳал кофирун» сурасини ва иккинчи ракатида эса «Қул ҳуваллоҳу аҳад» сурасини ўқиганларини кўрдим». *Имом Термизий ривоятлари.*

198-БОБ
Бомдоднинг икки ракат суннатидан кейин ўнг томонга ёнбошлаш ҳамда хоҳ тунги таҳажжуд намози, хоҳ бош-қа намоз бўлсин, шу нарсани тарғиб этиш маҳбублиги ҳақида

1109/1. Оишадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ агар бомдод намозининг икки ракат суннатини ўқиб олсалар, ўнг томонларига ёнбошлаб олардилар. *Имом Бухорий ривоятлари.*

1110/2. Оишадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ хуфтон билан бомдоднинг орасида ўн бир ракат намоз ўқир эдилар. Ва ҳар икки ракатида салом бериб, охирида бир ракат Витр ўқирдилар. Агар муаззин келиб, бомдод азонини айтса, тонг киргани аниқ бўлса, икки ракат енгил суннатини ўқиб, то муаззин такбир айтиб бўлгунича ўнг томонларига ёнбошлаб олардилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

(Юқорида айтганимиздек, Витрни бир ракат ўқиш ҳадиси бизнинг Ҳанафия мазҳабимизда олинмаган. Балки унинг муқобилидаги бошқа бир саҳиҳ ҳадис олинган. – Тарж.)

1111/3. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Агар сизлардан бирингиз бомдоднинг икки ракат суннатини ўқиб бўлса, ўнг томонига ёнбошлаб олсин», дедилар. *Абу Довуд ва Термизий ривоятлари.*

199-боб
Пешиннинг суннати ҳақида

1112/1. Ибн Умардан ﷺ ривоят қилинади. Бу зот: «Расулуллоҳ ﷺ билан бирга пешиннинг фарзидан олдин ва кейин икки ракат намоз ўқидим», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

(Ҳанафия мазҳабида бунинг муқобилидаги 1114-рақамли саҳиҳ ҳадисга амал қилинади. Яъни фарзидан олдин тўрт ракат, кейин икки ракат суннат ўқилади. -Тарж...)

1113/2. Оишадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ пешиннинг фарзидан олдин тўрт ракат суннат ўқишни ҳеч тарк қилмас эдилар. *Имом Бухорий ривоятлари.*

1114/3. Оишадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ пешиннинг фарзидан олдин тўрт ракат суннат уйимда ўқиб, кейин одамларга тўрт ракат фарзини ўқиб берардилар. Сўнгра яна кириб икки ракат суннат ўқирдилар. Ва шом намозини ҳам одамларга ўқиб бериб, кейин уйимга кириб, икки ракат суннатини ўқирдилар. Ва хуфтон намозини ҳам одамларга ўқиб бериб, икки ракат суннатини ўқирдилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

1115/4. Умму Ҳабибадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Кимки пешин фарзидан олдин тўрт ракат суннат ва кейин тўрт ракат суннат ўқишда бардавом бўлса, Аллоҳ унинг дўзахда абадий қолишини ҳаром қилади», дедилар. *Абу Довуд ва Термизий ривоятлари.*

(Ҳанафия мазҳабида бу ҳадиснинг ўрнига бундан олдинги саҳиҳ ҳадис ихтиёр қилинган. – Тарж.)

1116/5. Абдуллоҳ ибн Соибдан ﷺ ривоят қилинади. «Расулуллоҳ ﷺ қуёш заволга келганидан кейин пешиннинг фарзидан олдин тўрт ракат суннат ўқирдилар. Ва яна у зот: «Албатта, бу бир фурсатки, бунда осмон эшиклари очилади. Менинг солиҳ амалларим мана шу пайтда кўтарилишини яхши кўраман», дердилар. *Имом Термизий ривоятлари.*

1117/6. Оишадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ агар пешиннинг фарзидан олдин тўрт ракат суннат ўқимаган бўлсалар, кейин ўқиб олардилар. *Имом Термизий ривоятлари.*

200-БОБ
Асрнинг суннати тўғрисида

1118/1. Али ибн Абу Толибдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ асрдан олдин тўрт ракат намоз ўқирдилар. Уларнинг орасини муқарраб фаришталар ва уларга тобе бўлган мўмин-мусулмонларга салом бериш ила ажратиб, иккига бўлардилар. *Имом Термизий ривоятлари.*

1119/2. Ибн Умардан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Асрнинг фарзидан олдин тўрт ракат намоз ўқиган кишини Аллоҳ раҳматига олсин», дедилар. *Абу Довуд ва Термизий ривоятлари.*

1120/3. Али ибн Абу Толибдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ аср намози фарзидан олдин икки ракат намоз ўқир эдилар. *Абу Довуд ривоятлари.*

(Бизнинг Ҳанафия мазҳабимизда аср намозининг фарзидан олдин ҳам, кейин ҳам суннат намози ўқилмайди. Лекин фарзидан олдин нафл намоз ўқилаверади. Ҳанафия мазҳаби уламолари юқоридаги ҳадислар муқобилидаги бошқа саҳиҳ ҳадисларни далил қилиб келтиришган. – Тарж)

201-БОБ
Шом намозининг фарзидан олдин ҳам, кейин ҳам ўқиладиган суннат намози ҳақида

Бу бобимизга Ибн Умар ﷺ ва Оишалардан ﷺлардан: «Албатта, Расулуллоҳ ﷺ шом намозидан кейин икки ракат суннат намозини ўқир эдилар», деб ривоят қилинган, Мана шу саҳиҳ ҳадис ҳам далилдир.

1121/1. Абдуллоҳ ибн Муғаффалдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Шомдан олдин икки ракат намози ўқинглар», деб икки марта айтиб, учинчисида: «Хоҳлаган киши ўқисин», дедилар. *Имом Бухорий ривоятлари.*

1122/2. Анасдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳнинг ﷺ кибор саҳобалари шом пайтида масжид устунлари орқасида намоз ўқиш учун шошаётганларини кўрдим. *Имом Бухорий ривоятлари.*

1123/3. Анасдан ﷺ ривоят қилинади. Бу зот: «Бизлар Расулуллоҳ ﷺ замонларида қуёш ботгандан кейин шом намозидан олдин икки ракат ўқир эдик», деганларида, «Расулуллоҳ ﷺ ҳам буни ўқирмидилар?» деб сўрашди. Шунда Анас ﷺ: «Расулуллоҳ ﷺ бизнинг ўқиганимизни кўрардилар-да, лекин ўқишни буюрмас ва қайтармас эдилар» дедилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

1124/4. Анасдан ﷺ ривоят қилинади. Бизлар Мадинада эканимизда агар муаззин шом намозига азон айтса, одамлар устун нарёғида намоз ўқишга шошар ва у ерда икки ракат намоз ўқир эди. Агар мусофир киши масжидга кирадиган бўлса, бу икки ракатни ўқувчилар кўплигидан шом намозининг фарзи ўқиб бўлинибди, деб гумон қилар эди. *Имом Муслим ривоятлари.*

(Бизнинг Ҳанафия мазҳабида шомнинг фарзидан олдин икки ракат суннат ўқилмайди. Балки фарзидан кейин икки ракат суннат ўқилади. Ҳанафия мазҳабидагилар ҳам бу сўзларига саҳиҳ ҳадислардан далил қилиб келтиришган. – Тарж)

202-БОБ
Хуфтон фарзидан олдин ҳам, кейин ҳам икки ракат суннат ўқиш тўрисида

Бу бобимизга ибн Умардан ривоят қилинган 1097-ҳадис ва Абдуллоҳ ибн Муғаффалдан ривоят қилинган 1098-ҳадислар далил қилинган.

(Бизнинг Ҳанафия мазҳабимизда хуфтонни фарзидан кейин икки ракат суннат ўқилади. Тарж...)

203-БОБ
Жуманинг суннати ҳақида

Бу бобимизга Ибн Умардан ривоят қилинган 1097-ҳадис ҳам далил бўлади.

1125/1. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Қачон сизлардан биринги жума намозини ўқиса, орқасидан тўрт ракат намоз ўқисин», дедилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

1126/2. Ибн Умардан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ жума намозидан кейин масжидда ҳеч бир намозни ўқимас эдилар. Фақат уйларига бориб, икки ракат намоз ўқирдилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

(Расулуллоҳ ﷺ жумадан кейин икки ёки тўрт ракат уйларида ўқирдилар. Ҳанафия мазҳабидагилар Расулуллоҳнинг жуманинг фарзидан олдин ҳам, кейин ҳам тўрт ракат суннат ўқиганларидаги ҳадисни ихтиёр қилишган. – Тарж)

204-БОБ
Нафл намозларини хоҳ таъкидлангани, хоҳ бошқаси бўлсин, уйда ўқишнинг маҳбублиги ҳамда фарз ўқиган еридан бошқа жойда нафл ўқишга ёки икковининг орасини гаплашиш билан ажратишга буюриш ҳақида

1127/1. Зайд ибн Собитдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Эй инсонлар, уйларингизда ҳам намоз ўқинглар. Чунки кишининг фарз намозларидан ташқари энг афзал намози уйда ўқиган намозидир. Лекин фарз намозларини масжидда ўқиш афзалдир», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

Фойда: Нафл намозларини уйда ўқишнинг маҳбублиги аён бўлмоқда. Чунки шундай қилиш риёдан узоқлаштириб, хонадонга барака олиб келишга сабаб бўлади.

1128/2. Ибн Умардан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Баъзи намозларингизни уйларингизда ҳам ўқиб туринглар. Уйларингизни қабристон қилиб олмангизлар (яъни ҳеч қандай амал қилиш мумкин бўлмаган қабристон каби қилиб олманглар)», деб айтдилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

1129/3. Жобирдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Сизлардан бирортангиз масжидда намоз ўқиб бўлса, уйидаги намоздан бўлган насибасини ҳам қолдирсин. Чунки Аллоҳ таоло уйдаги намозидан хонадонидагиларга яхшилик ато қилади», дедилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

1130/4. Умар ибн Атодан ﷺ ривоят қилинади. Нофеъ ибн Жубайр ﷺ бу зотни Соиб ибн Ухти Намир ﷺ ҳузурларига Муовиянинг намозлари ҳақидаги фикрларини сўраб келишга юбордилар. Соиб ﷺ: «Ҳақиқатда мен Муовия билан масжиднинг ёнидаги хонада жума намози ўқидим. Имом салом бериб намозни тугатганида, мен жойимда намознинг қолганини ўқидим. Муовия кириб, менга бир одамни юбориб: «Бу қилган ишингни такрорлама. Агар жумани ўқиб бўлсанг, то бирор киши билан гаплашмагунча ёки у ердан чиқиб кетмагунча, намозни ўқимагин. Чунки Расулуллоҳ ﷺ бирор киши билан гаплашилмагунча ёки у ердан чиқиб кетилмагунча намозни бошқа намозга уламасликка буюрдилар», деб айтдилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

Фойда: Фарз намозлари билан нафл ва бундан бошқа намозларни орасини, сўзлашиш ёки фарз ўқиган ўрнини ўзгартириш ёки масжиддан уйига чиқиб кетиш билан ажратиш, суннат амалдир.

205-БОБ
Витр намозига тарғиб ва унинг таъкидланган суннат эканлиги ҳамда унинг вақтининг баёни ҳақида

(Бизнинг ҳанафия мазҳабимизда витр намози вожиб бўлиб, уч ракаатлидир. Вақти эса хуфтон намозидан кейин то бомдод намозигачадир. Ким витр намозини бомдод намозидан олдин уйғониб ўқиб олишига ишонмаса, хуфтон намозидан кейин ўқиб олади. Аксинча, уйғонишига ишонса, бомдод намози вақти киришидан олдин ўқиб олади. - Тарж)

1131/1. Али ﷺ айтдилар. Витр бошқа фарз намозлари каби фарз эмас. Лекин Расулуллоҳ ﷺ уни суннат қилганлар. Албатта Аллоҳ тоқдир. Тоқни яхши кўради. Эй Қуръон аҳллари, сизлар ҳам витрни тоқ қилинглар. *Абу Довуд ва Термизий ривоятлари.*

1132/2. Оишадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ кечанинг ҳар бир қисмида, яъни аввалида, ўртасида ва охирида то субҳгача витр намозини ўқирдилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

1133/3. Ибн Умардан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Кечасидаги охирги намозингиз витр бўлсин», дедилар. *Имом Бухорий Муслим ривоятлари.*

1134/4. Абу Саид ал-Худрийдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Тонг отишидан олдин витр намозини ўқинглар», деб айтдилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

1135/5. Оишадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ кечаси намоз ўқир эдилар. Оиша ﷺ у зотнинг олдиларида кўндаланг бўлиб ётар эдилар. Витрнинг ўзи қолганида эса Оишани ﷺ уйғотиб, витрни ўқир эдилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

Муслимнинг бошқа ривоятларида: «Витрнинг ўзи қолса: «Эй Оиша, тургин, витрни ўқиб олгин», дер эдилар», деб келган.

1136/6. Ибн Умардан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Субҳ вақти киришидан олдин витр намозини ўқиб олишга шошилинг», дедилар. *Абу Довуд ва Термизий ривоятлари.*

1137/7. Жобирдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Ким витр ўқиш учун кечанинг охирида тура олмасам керак, деб қўрқса, кечанинг аввалида ўқисин. Ким кечанинг охирида туришидан умид қилса, витрни ўшанда ўқийверсин. Чунки кечанинг охиридаги намозга фаришталар шоҳид бўлишади. Мана шу вақтдагиси энг афзалидир», дедилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

206-БОБ
Зуҳо (чошгоҳ) намозининг фазилати ва унинг оз, кўп, ўртача ададининг баёни ҳамда уни бардавом адо этишга тарғиб

1138/1. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Дўстим Расулуллоҳ ﷺ ҳар ойда уч кун рўза тутишни, икки ракаат зуҳо (чошгоҳ) намози ўқишни ва ухлашдан олдин витр намозини ўқишни васият қилдилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

Ухлашдан олдин витрни ўқиш кечанинг охирида уйғонишига ишонмаган кишилар учун мустаҳабдир. Агар уйғонишига ишонса, кечанинг охирида ўқиш афзалдир.

1139/2. Абу Заррдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Сизларнинг ҳар битта аъзоингизга садақа вожибдир. Ҳар бир тасбиҳингиз (яъни, «Субҳаналлоҳ», дейишингиз) садақа, ҳар бир ҳамдингиз (яъни, «Алҳамдулиллаҳ», дейишингиз) садақа, ҳар бир таҳлилингиз (яъни, «Ла илаҳа иллаллоҳ», дейишингиз) садақа, ҳар бир такбирингиз (яъни, «Аллоҳу акбар», дейишингиз) садақа, яхшиликка буюришингиз – садақа, ёмонликдан қайтаришингиз – садақа. Энди буларнинг ҳаммаси учун икки ракаат зуҳо намози ўқишингиз кифоядир», дедилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

1140/3. Оишадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ зуҳо (чошгоҳ) намозини тўрт ракаат ўқир эдилар. Ва Аллоҳ хоҳлаганича ундан ҳам зиёда қилаверардилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

1141/4. Умму Ҳонеъ Фохитата бинти Абу Толибдан ﷺ ривоят қилинади. Бу саҳобия: «Фатҳ куни Расулуллоҳ ﷺ ҳузурларига борсам, ювинаётган эканлар. Қачонки ювиниб бўлганларидан кейин саккиз ракъат намоз ўқидилар. Ана шу зуҳо (чошгоҳ) намози эди», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

207-БОБ
Қуёш кўтарилганидан то заволга келгунча зуҳо намози

ўқишнинг жоизлиги. Лекин иссиқ қаттиқлашганда ва чоштгоҳ кўтарилганда ўқишнинг афзаллиги ҳақида

1142/1. Зайд ибн Арқамдан ﷺ ривоят қилинади. Бу зот зуҳо намози ўқиётган бир қавмни кўриб: «Булар мана шу ўқиётган фурсатларидан бошқа пайтда ўқишнинг афзаллигини билишмайдими? Албатта Расулуллоҳ ﷺ: «Аввобийн (Аллоҳга тавба-тазарру қилувчи) ларни зуҳо намози ўқийдиган пайтлари туя боласи иссиқ қаттиқлашганидан туёғини ерга қўя олмайдиган пайтдир», деганлар», деб айтдилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

208-БОБ
Таҳиятул масжид намозини ўқишга тарғиб ҳамда қайси вақтда масжидга кирса, намоз ўқишдан олдин (хоҳ у икки ракаат таҳиятул масжид, хоҳ фарз, хоҳ суннат ёки бошқа намоз бўлсин) ўтиришнинг кароҳияти тўғрисида

1143/1. Абу Қатодадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Агар сизлардан бирингиз масжидга кирадиган бўлса, то икки ракаат намоз ўқимагунча ўтирмасин», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

1144/2. Жобирдан ﷺ ривоят қилинади: «Расулуллоҳ ﷺ ҳузурларига борсам, у зот масжидда эканлар. Менга: «Икки ракаат намоз ўқигин», деб буюрдилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

Фойда: Бу ҳадисдан Таҳиятул масжид намозининг аҳамиятли экани тушунилади.

209-БОБ
Таҳоратдан кейин икки ракаат нафл намози ўқишнинг маҳбублиги ҳақида

1145/1. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ Билолга ﷺ: «Эй Билол, Исломга кирганингдан кейин савобини энг умид қиладиган амалингни менга гапириб бер. Чунки мен жаннатда олд томонимдан кавушинг овозини эшитдим», дедилар. Шунда Билол ﷺ: «Амалларим ичида савоби умид қилинадиган энг яхши амалим агар кечаси ёки кундузи мен (таҳорат қилибми, ғусл ёки таяммум қилибми) покланадиган бўлсам, ана шу поклик билан насиб қилганича намоз ўқир эдим», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

210-БОБ
Жума кунининг фазилати, унинг шартлиги, у кунда ғусл қилиш, хушбўй нарсалар суртиш, кечикмасдан эртароқ бориш, дуо билан машғул бўлиш ва Расулуллоҳга ﷺ салавот айтишнинг фазилати. Ҳамда у кунда дуолар ижобат бўладиган вақт баёни ва жумадан кейин Аллоҳнинг зикрини кўпайтиришнинг маҳбублиги

Аллоҳ таоло: **«Энди қачон намоз адо қилингач, ерга тарқалиб, Аллоҳнинг фазлу марҳаматидан** (ризқу рўз) **истайверинглар. Аллоҳни кўп зикр қилингларки, шояд нажот топурсизлар»**, (Жумъа сураси, 10-оят) деб айтган.

1146/1. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Кунларнинг энг яхшиси жума кунидир. Чунки жума куни Одам яратилган ва жаннатга киритилган ҳамда жума куни у ердан чиқарилган», дедилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

1147/2. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Кимки чиройли таҳорат қилиб, кейин масжидга келиб, ваъзга жим қулоқ тутиб турса, икки жума ўртасидаги ва яна уч кунни қўшиб, ҳаммаси бўлиб, ўн кун ичидаги гуноҳи кечирилади. Кимки хутба пайтида майда тошларни ушласа, бефойда (лағв) ишни бажарибди», дедилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

1148/3. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Жумадан жумагача, Рамазондан Рамазонгача беш вақт намоз шу вақт орасида бўлиб ўтган кичик гуноҳларга каффоратдир. Агар кабира (улкан) гуноҳлардан сақланилган бўлса», дедилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

1149/4. Абу Ҳурайра ﷺ ва Ибн Умардан ﷺ ривоят қилинади. Икковлари Расулуллоҳнинг ﷺ минбарда туриб айтган қуйидаги сўзларини эшитдилар. Расулуллоҳ ﷺ: «Қавмлар жумани тарк қилишдан тўхташсин. Бўлмаса Аллоҳ уларнинг қалбларига муҳр уриб қўяди. Сўнгра ғофиллардан бўлиб қоладилар», дедилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

1150/5. Ибн Умардан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Агар сизлардан бирингиз жума намозига келса, ювиниб (ғусл қилиб) келсин», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

1151/6. Абу Саид ал-Худрийдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Жума куни ювиниш (ғусл қилиш) ҳар бир балоғатга етган кишига таъкидланган буйруқдир», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

1152/7. Самурадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Кимки жума куни таҳорат қилиб, (жума намозига) келса, яхши. Агар ювиниб, (ғусл қилса) афзалдир», дедилар. *Абу Довуд ва Термизий ривоятлари.*

1153/8. Салмондан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Киши жума куни ювиниб, имкони борича тозаланиб, хушбўй ёғлардан, атирлардан суртиб, кейин масжидга борса, у ерда икки киши орасидан суқилиб ўтмаса, насиб қилганича намоз ўқиса, имом хутбада ваъз қилаётганда жим туриб эшитса, ўша жума билан кейинги жума орасидаги гуноҳлари кечирилади», дедилар. *Имом Бухорий ривоятлари.*

1154/9. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Кимки жума куни худди жунубликдан ювингани каби ғусл қилиб, кейин масжидга борса, гўёки бир туяни қурбонлик қилибди. Кимки иккинчи соатда, яъни иккинчи бўлиб масжидга борса, гўё бир сигирни қурбонлик қилибди. Кимки учинчи соатда масжидга келса, гўё шохли бир қўчқорни қурбонлик қилибди. Кимки тўртинчи соатда масжидга келса, гўё товуқни қурбонлик қилибди. Кимки бешинчи соатда масжидга келса, гўё бир тухумни эҳсон қилиб, Аллоҳга қурбат (яқинлашиш) ҳосил қилибди. Агар имом хутба айтиш учун жойидан чиқса, фаришталар зикр эшитиш учун ҳозир бўлишади», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

Фойда: Жума намозига эртароқ боришнинг фазилати ва унга тарғиб ҳақида сўз боряпти. Қанчалик эрта борса, савоби шунчалик кўп бўлади. Ва жума куни фаришталар ҳозир бўлиб, хотиржамлик, раҳмат олиб келишади.

1155/10. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ жума кунини зикр қилатуриб: «У кунда бир фурсат бор. Агар мусулмон бандининг намозда Аллоҳдан бирор нарсани сўраши ўша пайтга мувофиқ келса, Аллоҳ у сўраган нарсани беради», дедилар. Лекин Расулуллоҳ ﷺ ўша фурсатнинг жуда қисқа эканлигига қўллари билан ишора қилдилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

1156/11. Абу Бурда ибн Абу Мусо ал-Ашъарийдан ﷺ ривоят қилинади. Абдуллоҳ ибн Умар ﷺ: «Сиз отангиздан Расулуллоҳнинг ﷺ жума кунидаги дуолар қабул бўладиган фурсат ҳақидаги ҳадисларини эшитганмисиз?» деганларида, Абу Бурда ﷺ: «Ҳа, эшитганман. Расулуллоҳ ﷺ: «У фурсат имом хутбага ўтирганидан намоз охиригача бўлган вақт оралиғидадир», деганлар», деб айтдилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

1157/12. Авс ибн Авсдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Кунларингизнинг энг афзали жумадир. Ўша кунда менга салавот айтишни кўпайтиринглар. Чунки салаватларингиз менга кўрсатилади», дедилар. *Абу Довуд ривоятлари.*

211-БОБ
Бирор неъматга эришилганда ёки бирор балодан халос бўлинганда шукр намози ўқишнинг маҳбублиги ҳақида

1158/1. Саъд ибн Абу Ваққосдан ﷺ ривоят қилинади. Биз Расулуллоҳ ﷺ билан бирга Мадинага боришни хоҳлаб Маккадан чиқдик. Макка яқинидаги Азваро номли жойга етганимизда (уловларидан) тушиб, қўлларини кўтариб, Аллоҳга бир қанча фурсат дуо қилдилар. Кейин саждага бориб, унда узоқ турдилар. Яна ўринларидан туриб, қўлларини кўтариб, дуо қилиб, саждага бош қўйдилар. Уч бор шундай қилдилар. Ва: «Мен Раббимдан умматимга шафоат сўрадим. Умматимнинг учдан бирига у берилди. Дарҳол саждага чўкиб, Раббим учун шукр намозини ўқидим. Кейин бошимни кўтариб, Раббимдан умматим учун шафоат сўрадим. Умматимнинг учдан бирига у берилди. Дарҳол яна саждага чўкиб, Раббимга шукр намозини ўқидим. Сўнгра бошимни кўтариб, умматимга шафоат сўрадим. Умматимнинг қолган уч қисмига шафоат сўрадим. Бас, қолган уч қисмига ҳам берилди. Дарҳол яна саждага чўкиб, Раббим учун шукр намозини ўқидим», дедилар. *Абу Довуд ривоятлари.*

212-БОБ
Кечаси бедор қоим бўлишнинг фазилати ҳақида

Аллоҳ таоло: **«Кечанинг** (бир қисмида) **уйғониб, ўзингиз учун нафл** (ибодат) **бўлган намозни ўқинг! Шоядки Парвардигорингиз сизни** (Қиёмат кунида) **мақтовли мақомда тирилтирур»** (Исро сураси, 79-оят)**.**

«Уларнинг ёнбошлари ўрин-жойларидан йироқ бўлур (яъни тунларини ибодат билан ўтказиб, оз ухлайдилар)**»** (Сажда сураси, 16-оят)**.**

«Улар кечадан озгина (фурсатгина) **кўз юмар эдилар»** (Ваз-Зариёт сураси, 17-оят), деб айтган.

1159/1. Оишадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ кечалари бедор бўлганларидан икки оёқлари шишиб кетар эди. Шунда мен у зотга: «Нима учун бундай қиласиз, эй Аллоҳнинг расули? Сизнинг аввалгию кейинги гуноҳларингиз мағфират этилган бўлса?» десам, у зот: «Нима, шукр қилувчи банда бўлмайми?» дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

1160/2. Алидан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ кечаси қизлари Фотима ﷺ ҳузурларига келиб: «Сизлар намоз ўқимадингларми?» дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

Фойда: Тунги намознинг фазилати улуғ бўлгани учун бошқаларни ҳам тунги намозга уйғотиш ва огоҳ этишга рухсат берилган.

1161/3. Солим ибн Абдуллоҳ ибн Умар ибн Хаттобдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Абдуллоҳ мунча ҳам яхши инсон, агар у кечалари (таҳажжуд) намозини ўқиса», дедилар. Солим ﷺ: «Абдуллоҳ ибн Умар мана шу сўздан кейин кечаси озгина ухлайдиган бўлди», деб айтдилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

1162/4. Абдуллоҳ ибн Амр ибн Оссдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Эй Абдуллоҳ, фалон киши каби бўлмагин. Аввалига у киши кечаси намоз ўқирди, кейин кечаси туришни тарк қилди», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

1163/5. Ибн Масъуддан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ ҳузурларида кечасидан то субҳгача ухлайдиган киши зикр қилинганида Расулуллоҳ ﷺ у кишининг икки ёки бир қулоғига шайтон бавл қилиб қўйгандир, дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

1164/6. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ айтадилар: «Ухлаётган вақтингизда шайтон бўйнингизга учта тугун тугиб қўяди. Ҳар тугунни ҳаракатга келтириб, кеча ҳали узун, ётавер, дейди. Агар киши уйғониб, Аллоҳни зикр қилса, тугунларнинг бири ечилади. Агар таҳорат қилса, иккинчиси ечилади. Намоз ўқиса, тугунларнинг ҳаммаси ечилади ва киши нафси пок, фаол ва ғайратли бўлиб тонг орттиради. Аммо уйқуда ётаверса, нафси ифлос, дангаса бўлиб уйғонади». *Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

1165/7. Абдуллоҳ ибн Саломдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Эй инсонлар, саломни (таниган ва танимаганлар орасида) ёйинг. Овқат билан (камбағалларни) таомлантиринг, қариндошларга етишинг. Кишилар ухлаганда намоз ўқинг, жаннатга омон ҳолатда кирасизлар», дедилар. *Имом Термизий ривоятлари.*

1166/8. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Рамазондан кейинги рўзаларнинг энг афзали муҳаррам ойидаги нафл рўзасидир. Фарз намозларидан кейинги энг афзал намоз тундаги таҳажжуд намозидир», дедилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

1167/9. Ибн Умардан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Тунги таҳажжуд намози икки-икки ракаатдир. Агар субҳ кириб қолишидан чўчисанг, бир ракаат витр ўқигин», дедилар. Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари (Бу ҳадисни Шофеъий мазҳабидагилар ихтиёр қилишган. Бизнинг Ҳанафия мазҳабимизда эса витр уч ракаат ўқилади. Албатта бунга Ҳанафия мазҳаби уламолари келгусидаги Оишадан ривоят қилинган 1171-рақамли ва бошқа саҳиҳ ҳадисни далил қилиб келтиришган. – Тарж).

1168/10. Ибн Умардан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ кечаси икки ракат-икки ракаат ўқиб, бир ракаат витр ўқирдилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

(Юқорида айтганимиздек, бу ҳадисга Шофеъий мазҳабида амал қилишади. Тарж.)

1169/11. Анасдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ баъзи ойларда оғизлари очиқ юрардиларки, ҳатто биз рўза тутмадилар шекилли, деб гумон қилар эдик. Ва баъзи ойларда рўза тутардиларки, ҳатто биз оғиз очмадилар

шекилли, деб гумон қилар эдик. Агар у зотни кечалари намозда топишни хоҳласанг, намозда топар эдинг. Агар кечқурун уйқуда топишни хоҳласанг, уйқуда топар эдинг. *Имом Бухорий ривоятлари.*

Фойда: Ибодатларни кўпайтиришга тарғиб бор. Хусусан, тундаги нафл ва таҳажжудларни ҳуқуқларни поймол қилмай ва шартларини камайтирмасдан бажариш жоиз. Энг афзали тунни намоз ила бедор ўтказиш ва баъзи кунларда рўза тутишликни тайин қилмасликдир. Чунки доим рўза тутишни одат қилиб олинса, нафсга машаққат олиб келади. Ва бу билан савоби озайиб кетади.

1170/12. Оишадан ﵂ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ кечаси ўн бир ракаат намоз ўқирдилар. Бундаги саждада сизлардан бирингиз бош кўтаришидан олдин эллик оят ўқиш миқдорича турардилар. Бомдоднинг фарзидан олдин икки ракаат намоз ўқирдилар. Кейин муаззин намозга чақиргунча ўнг томонга ёнбошлаб турардилар. *Имом Бухорий ривоятлари.*

1171/13. Оишадан ﵂ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ Рамазонда ёки бошқа ойда кечқурундаги намозларини ўн бир ракаатдан оширмасдилар. Аввал тўрт ракаат ўқирдилар. Сизлар буни чиройли қилиб, узун ҳолатда ўқиганларини сўраманглар. Яъни ниҳоятда чиройли ва узун қилиб ўқирдилар. Кейин яна тўрт ракаат намоз ўқирдилар. Сизлар буни чиройли қилиб ва узун ҳолатда ўқиганларини сўраманглар. Кейин уч ракаат ўқирдилар. Шунда мен: «Эй Аллоҳнинг расули, витр ўқишдан олдин ухлайсизми?» десам, у зот: «Эй Оиша, кўзим ухласа ҳам, қалбим ухламайди», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари*

(Ҳанафия мазҳабида ушбу ҳадис ва бундан бошқа ҳадисларга биноан витрни уч ракаат ўқишади. – Тарж).

1172/14. Оишадан ﵂ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ кечанинг аввалида ухлаб, охирида туриб намоз ўқирдилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

1173/15. Ибн Масъуддан ﵁ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ билан бир кеча намоз ўқидим. У зот тик туравергандаридан мен бир ёмон нарсани қасд қилдим. Шунда: «Нимани қасд қилдингиз?» дейилганида Ибн Масъуд ﵁: «Расулуллоҳни ﷺ тик қўйиб, ўзим ўтириб олишни», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

1174/16. Ҳузайфадан ﵁ ривоят қилинади. Бир кечаси Расулуллоҳ ﷺ билан бирга намоз ўқидим. У зот Бақара сурасини бошладилар. Юз оятда рукуъ қилсалар керак, деб ўйладим. Аммо намозда давом этдилар. Ҳаммасини ўқиб бўлиб, рукуъ қилсалар керак, деб ўйладим. Аммо намозда давом этдилар. Сўнг Оли Имрон сурасини бошладилар. Кейин Нисо сурасини шу тахлит ўқидилар. Оҳиста ва шошилмай қироат қилдилар. Бирор оятни ўқиётганларида тасбеҳ келса, тасбеҳ айтдилар, сўраладиган нарса келса, сўрадилар, паноҳ тилайдиган оят келса, паноҳ тиладилар. Кейин рукуъ қилиб, унда: «Субҳана роббиял ъазийм», дедилар. Рукуълари қиёмларига

яқин бўлди. Кейин: «Самиаллоҳу лиман ҳамидаҳ, роббана лакал ҳамд», дедилар. Унда ҳам узун турдилар. Бу ҳам рукуъларига яқин бўлди. Кейин сажда қилдилар. Унда: «Субҳана роббиял аъло», дедилар. Саждалари ҳам қиёмларига яқин бўлди. *Имом Муслим ривоятлари.*

1175/17. Жобирдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳга ﷺ: «Намозлардан қайси бири афзал?» дейилганида, у зот: «Қиём (тик туриш)ни узун бўлганидир», дедилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

1176/18. Абдуллоҳ ибн Амр ибн Оссдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Аллоҳ таоло учун намозларнинг яхшиси Довуд алайҳиссаломнинг намозларидир. Аллоҳ таоло учун рўзаларнинг энг яхшиси Довуд алайҳиссаломнинг рўзаларидир. У зот кечанинг аввалги ярмида ухлаб, қолган уч қисмида намозга машғул бўлардилар. Охирги ҳиссасида, яъни олтидан бир қисмида ухлардилар. Бир кун рўза тутиб, бир кун оғизлари очиқ бўлар эди. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

1177/19. Жобирдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Кечасида бир фурсат бор. Агар мусулмон киши ўша фурсатга мувофиқ келиб, Аллоҳ таолодан дунё ва охират ишларидан бирор яхшилик сўраса, албатта Аллоҳ уни беради. Бу фурсат ҳар кеча бўлади», дедилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

1178/20. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Агар сизлардан бирингиз кечаси таҳажжуд учун турса, аввало енгилгина қилиб, икки ракаат намоз ўқиб олсин», дедилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

Фойда: Расулуллоҳга ﷺ эргашган ҳолда тундаги намозни икки ракаат енгилгина намоз билан бошлаш лозимлиги маълум бўляпти. Албатта бундай қилиш уйқу асоратини кетказиб, олдиндаги намозга тайёргарликдир.

1179/21. Оишадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ турсалар, аввало икки ракаат енгилгина намоз ўқиш билан (таҳажжуд намози билан) очардилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

1180/22. Оишадан ﷺ ривоят қилинади. Агар Расулуллоҳ ﷺ касаллик ёки бошқа бирор сабаб билан кечаси таҳажжуд намозини ўқий олмасалар, кундузи ўн икки ракаат нафл намози ўқиб олардилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

1181/23. Умар ибн Хаттобдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Қайси бир мусулмон кечаси ўқийдиган вазифасининг ҳаммасини ёки баъзисини ўқимасдан ухлаб қолиб, кейин бомдод ва пешин намози орасида ўқиб олса, у киши вазифасини ўз вақтида ўқиган кабидир», дедилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

1182/24. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Аллоҳ бир кишига раҳм қилсинки у кечаси туриб намоз ўқийди ва хотинини уйғотади. Аммо хотини туришдан воз кечади, ҳаттоки унинг юзига сув сепса ҳам. Яна

бир хотинга раҳм қилсинки, у хотин кечаси туриб намоз ўқийди ва эрини уйғотади. Бироқ эри туришдан бош тортади, ҳатто унинг юзига сув сепса ҳам», дедилар. *Абу Довуд ривоятлари.*

1183/25. Абу Саид ва Абу Ҳурайралардан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Агар киши кечаси ўз аҳли аёлини уйғотиб, икковлари ёки барчалари икки ракаатдан намоз ўқишса, зикр қилувчи эркаклар ва зикр қилувчи аёллар қаторига ёзилишади», дедилар. *Абу Довуд ривоятлари.*

1184/26. Оишадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Агар сизлардан бирингизнинг намозда уйқуси келса, то уйқуси кетгунча ором олсин. Чунки уйқусираб намоз ўқиса, дуо қиляпман деб ўз-ўзини сўкиб қўйиши мумкин», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

1185/27. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Агар сизлардан бирингиз кечаси таҳажжуд намозига уйғониб, Қуръон ўқишга тили қовушмаса ва нима деяётганини ўзи билмаса, ётиб ухласин», дедилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

Фойда: Кечки таҳажжуд намозига тарғиб бор ва уни фаоллик, хушуъ ва қалби билан Аллоҳга юзланиш ила адо этиш маълум бўлмоқда.

213-БОБ
Рамазон кечасида қоим бўлиш, яъни таровеҳ намоз ўқишнинг маҳбублиги ҳақида

1186/1. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Ким Рамазон ойи (кечасидаги таровеҳ намозини адо этиш) фазилатига ишониб, савобини умид қилган ҳолда қоим қилса, олдинги гуноҳлари мағфират қилинади, дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

1187/2. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ Рамазон кечаси (таровеҳ намозини адо этишга) тарғиб қилиб, шарт этмасдан қуйидагича сўзларни айтардилар: «Кимки таровеҳнинг фазилатига ишониб, савобини умид қилган ҳолда қоим қилса, олдинги гуноҳлари кечирилади». *Имом Муслим ривоятлари.*

214-БОБ
Қадр кечасида ибодат ила бедор бўлмоқнинг фазилати ҳамда Рамазон кечаларининг савоби энг умидли экани баёни

Аллоҳ таоло: **«Албатта Биз у** (Қуръон)**ни қадр кечасида нозил қилдик.** (Эй Муҳаммад)**, қадр кечаси нима эканлигини сиз қаердан билар эдингиз. Қадр кечаси минг ойдан яхшироқдир. У** (кеча)**да фаришталар ва Руҳ** (яъни Жаброил алайҳиссалом) **Парвардигорларининг изни-ихтиёрила** (йил давомида қилинадиган)

барча ишлар билан (осмондан заминга) **тушурлар. У** (кеча) **то тонг отгунича тинчлик-омонликдир».** (Қадр сураси, 1-5-оятлар).

«Албатта биз уни бир муборак — барокатли кечада нозил қилдик» (Духон сураси, 3-оят), деб айтган.

1188/1. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Кимки Қадр кечаси унинг фазилатига ишониб, савоб умидида кечани бедор ўтказса, олдинги гуноҳлари кечирилади», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

1189/1. Ибн Умардан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ саҳобаларидан бўлган кишилар Рамазоннинг охирги ўн кунлигининг етинчисида Лайлатул-қадрни тушларида кўришди. Расулуллоҳ ﷺ: «Мен сизларнинг тушингизда Рамазон ойи охирги ўн кунлигининг еттинчисида Қадр кечасига мувофиқ бўлганингизни кўрдим. Бас, ким бу муборак кечани топмоқчи бўлса, Рамазон ойи охирги ўн кунлигининг еттинчисидан ахтарсин», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

1190/3. Оишадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ Рамазон ойининг охриги ўн кунлигида эътикоф ўтириб: «Қадр кечасини Рамазон ойининг охирги ўн кунидан ахтаринглар», дердилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

1191/4. Оишадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Қадр кечасини Рамазон ойи охирги ўн кунлигининг тоқ кунларидан ахтаринг», деб айтдилар. *Имом Бухорий ривоятлари.*

1192/5. Оишадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ агар Рамазон ойининг охирги ўн кунлиги кирса, кечанинг барчасини ухламасдан ўтказардилар. Ва ўз аҳли-аёлларини ҳам уйғотиб, енгларини шимариб ибодатга астойдил шўнғирдилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

1193/6. Оишадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ бошқа ойларда қилмаган (ибодатларини) Рамазон ойида астойдил бажарардилар. Рамазон ойида бажармаган (ибодатларини) охирги ўн кунлик (даҳа) да бажарардилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

1194/7. Оишадан ﷺ ривоят қилинади. Мен: «Эй Аллоҳнинг расули? Қадр кечаси қайси кунлигини билсам, нима деб айтай?» десам, у зот: «Аллоҳумма иннака афуввун туҳиббул ъафва фаъфу ъанний», деб айтгин», дедилар (Маъноси: эй Раббим, сен авф қилгувчисан ва авф қилишни яхши кўрасан. Мени авф эт). *Имом Термизий ривоятлари.*

215-БОБ
Мисвок ҳамда фитрат хислатлари фазилати ҳақида

1195/1. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Агар умматимга ёки одамларга машаққат бўлмаганида, ҳар бир намозда мисвок қилишни буюрар эдим», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

1196/2. Ҳузайфадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ агар уйқудан турсалар, оғизларини мисвок билан тозалардилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

1197/3. Оишадан ﷺ ривоят қилинади. Биз Расулуллоҳ ﷺ ишлатишлари учун мисвок ва таҳорат сувларини тайёрлаб қўяр эдик. Аллоҳ у зотни қачон турғизишни хоҳласа, у зот туриб, оғизларини мисвок билан тозалаб, таҳорат қилиб, намоз ўқирдилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

1198/4. Анасдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Мен сизларга мисвокнинг фойдаси ҳақида кўп гапирдим», деб айтдилар. *Имом Бухорий ривоятлари.*

1199/5. Шурайҳ ибн Ҳонеъдан ﷺ ривоят қилинади. Мен Оишага ﷺ: «Расулуллоҳ ﷺ агар уйларига кирсалар, қайси амалдан бошлар эдилар?» десам, Оиша ﷺ: «Мисвокдан», деб айтдилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

1200/6. Абу Мусо ал-Ашъарийдан ﷺ ривоят қилинади. Мен Расулуллоҳ ﷺ ҳузурларига кирсам, мисвокнинг олди тарафи муборак тиллари устида экан. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари. Бу лафз имом Муслимники.*

1201/7. Оишадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Мисвок оғизни тозалаб, Аллоҳни рози қилур», дедилар. *Имом Насаий ва Ибн Ҳзайма ривоятлари.*

1202/8. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Фитрат бештадир ёки беш нарса фитратдандир. 1. Хатна қилмоқ; 2. Киндик ости тукларини олмоқ; 3. Тирноқларни қисқартирмоқ; 4. Қўлтиқ ости тукларини тозаламоқ; 5 Мўйловни қисқартирмоқ», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

1203/9. Оишадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Фитрат ўнтадир», дедилар. Улар: 1. Мўйловни қисқартириш; 2. Соқол қўйиш; 3. Мисвок ишлатиш; 4. Бурунга сув олиш; 5. Тирноқларни қисқартириш; 6. Бармоқлар орасини ювмоқ; 7. Қўлтиқ тукларини тозаламоқ; 8. Киндик ости тукларини тозаламоқ; 9. Истинжо қилмоқ. «Ўнинчисини унутдим. Оғизга сув олиш бўлса керак», деб шу ҳадис ровийларидан бири Вакийъ ﷺ айтганлар. *Имом Муслим ривоятлари.*

1204/10. Ибн Умардан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Мўйловларни қисқатириб, соқолларни қўйиб юборинглар», деб айтдилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

(Фитрат — хилқат. Бу ерда қадимги пайғамбарлар суннати, одати тушунилади – Тарж).

216-БОБ
Закот шарт эканининг таъкидланиши ва унинг фазилатлари ҳамда унга тааллуқли нарсалар ҳақида

Аллоҳ таоло: **«Намозни тўкис адо қилинглар ва закотни беринглар»** (Бақара сураси, 43-оят)**,**

«Ҳолбуки улар фақат ягона Аллоҳга, у зот учун динни холис қилган, Тўғри йўлдан оғмаган ҳолда ибодат қилишга ва намозни тўкис адо этишга ҳамда закотни (ҳақдорларга) **ато этишга буюрилган эдилар. Мана шу Тўғри** (йўлдаги миллатнинг) **динидир»** (Баййина сураси, 5-оят)**,**

«(Эй Муҳаммад), **сиз уларнинг молларидан бир қисмини ўзларини поклаб тозалайдиган садақа сифатида олинг»** (Тавба сураси, 103-оят).

1205/1. Ибн Умардан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Ислом беш нарса устига қурилган: «Ла илаҳа иллаллоҳ ва анна Муҳаммадан Расулуллоҳ» калимаси; намозни адо этиш; закот бериш; Байтуллоҳни ҳаж қилиш; Рамазон рўзасини тутиш», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

1206/2. Талҳа ибн Убайдуллоҳдан ﷺ ривоят қилинади. Нажд аҳлидан бўлган, сочлари тўзиган бир киши Расулуллоҳ ﷺ ҳузурларига келди. Биз унинг овозини эшитсак-да нима деяётганини англолмадик. Ҳаттоки бу киши Расулуллоҳ ﷺ ёнларига келиб, Ислом ҳақида сўради. Расулуллоҳ ﷺ: «Бир кеча ва кундузда беш вақт намоз ўқиш», дедилар. Ҳалиги киши: «Бундан бошқаси ҳам борми?» деган эди, у зот: «Йўқ, фақатгина нафл-ихтиёрий намозлар бор», деб, яна у зот: «Рамазон ойида рўза тутиш», дегандилар, у киши: «Менга бундан бошқаси ҳам борми?» деди. У зот: «Йўқ! Фақатгина ихтиёрий нафл рўзалари бордир», деб, яна у зот ҳалиги кишига: «Закот бермоқлик»ни зикр қилдилар. Ҳалиги киши: «Бундан бошқаси ҳам борми?» деган эди, у зот: «Йўқ», фақатгина ихтиёрий-нафл садақалар бордир», дедилар. Шунда ҳалиги киши орқага қайтиб кетаётиб: «Аллоҳга қасамки, мана шундан зиёда ҳам қилмайман, камайтирмайман ҳам», деди. Расулуллоҳ ﷺ: «Агар рост айтаётган бўлса, нажот топибди», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

1207/3. Ибн Аббосдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ Муозни ﷺ Яманга жўнатаётиб: «Уларни аввало Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ ва мен Аллоҳнинг расули эканимга даъват қил. Агар бунга итоат қилишса, Аллоҳ ҳар кеча ва кундузда беш вақт намоз фарз қилганини билдир. Агар бунга ҳам итоат қилишса, бойлардан олиб камбағалларга бериладиган садақани Аллоҳ фарз қилганини билдиргин» дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

Фойда: Исломга даъват қилишда одамларга оғирлик туғдирмаслик учун уни босқичма-босқич олиб бориш ҳамда даъватни аввало тавҳиддан бошлаш жоиз. Чунки тавҳид диннинг аслидир. Аллоҳ ваҳдониятини эътироф этмасдан олдин ҳеч нарса дуруст эмас.

1208/4. Ибн Умардан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Кишилар «Ла илаҳа иллаллоҳу ва анна Муҳаммадан Расулуллоҳ», дейишмагунича, намозни қоим қилишмагунича, закотни беришмагунича улар билан урушмоққа буюрилдим. Агар мана шуларни қилишса, қонлари-ю моллари мендан омонда бўлади. Фақат Ислом ҳақида ундай эмас (яъни, ҳадларда). Ва уларнинг ҳисоби Аллоҳ таологадир», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

1209/5. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ вафот этдилар. Абу Бакр ﷺ халифалик пайтларида араблардан кофир бўлганлари кофир бўлишди. Умар ﷺ: «Эй Абу Бакр, одамлар билан қандай урушасиз? Ваҳоланки Расулуллоҳ ﷺ: «Одамлар «Ла илаҳа иллаллоҳ» дейишмагунча улар билан урушишга буюрилдим. Кимки «Ла илаҳа иллаллоҳ» деб айтса, батаҳқиқ, мендан моли ва жонини сақлабди. Фақат Ислом ҳақида ундай эмас (яъни ҳадларда). Уларнинг ҳисоби Аллоҳ Таологадир», деб айтган бўлсалар», деганларида Абу Бакр ﷺ: «Аллоҳга қасамки, кимки намоз билан закотнинг орасини ажратса, у билан урушавераман. Чунки закот молнинг ҳаққидир. Аллоҳга қасамки, агар Расулуллоҳ ﷺ замонларида бериб юрган уловнинг арқоничалик нарсани менга беришдан бош тортишса, уруш эълон қиламан», дедилар. Умар ﷺ: «Аллоҳга қасамки, Абу Бакрга қараб, Аллоҳ у зотнинг қалбларини улар билан урушишга мойил қилиб қўйганини кўрдим. Билдимки, албатта бу зот ҳақ эдилар», деб айтдилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

1210/6. Абу Аюбдан ﷺ ривоят қилинади. Бир киши Расулуллоҳга ﷺ: «Эй Аллоҳнинг Расули! Мени жаннатга олиб кирадиган амал ҳақида хабар беринг», деганда Расулуллоҳ ﷺ: «Аллоҳга ибодат қил. Унга бирон нарсани шерик қилма, намозни адо эт. Закотни ҳақдорларга бер. Ва қариндошчилик ришталарини боғлагин», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

1211/7. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Бир аъробий Расулуллоҳ ﷺ ҳузурларига келиб: «Эй Аллоҳнинг Расули! Мени бир амалга йўллаб қўйингки, агар унга амал қилсам, жаннатга кирайин», деди. Шунда Расулуллоҳ ﷺ: «Аллоҳга бирон нарсани шерик қилмасдан ибодат қиласан.

Намозни адо этасан. Фарз қилинган закотни берасан. Рамазон ойида рўза тутасан», дедилар. Ҳалиги аъробий: «Менинг жоним Унинг қўлида бўлган зотга қасамки, бунга зиёда қилмайман», деди. Аъробий орқасига ўгирилиб қайтиб кетганида, Расулуллоҳ ﷺ: «Кимни жаннат аҳлидан бўлган кишига қарамоқлик хурсанд қилса, мана бу аъробийга қарасин», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

1212/8. Жарир ибн Абдуллоҳдан ﷺ ривоят қилинади. Бу зот: «Расулуллоҳга ﷺ намозни адо этишга, закотни беришга, ҳар бир мусулмонга нисбатан хайрихоҳ бўлишга байъат бердим», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

1213/9. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Бирор тилла ёки кумуш эгаси унинг ҳаққини адо этмаса, яъни закотини бермаса, Қиёмат кунида ўша тилла-кумушлар ўтда эритилиб, текислаб, жаҳаннам оловида қиздирилиб, эгасининг ёни, пешонаси ва орқа томонларига босилади. Ҳар гал совиганда қайтадан қиздирилади. Бу нарса бир куни эллик минг йилга тўғри келадиган кунда содир бўлади. Яъни Аллоҳ таоло аввалгию охирги одамни ҳисоб-китоб қилиб, ҳукмини эшиттиргунча, у одам шу азобда бўлади. Сўнгра у киши ўз йўлига қўйиб юборилади. У жаннат ё дўзахга равона бўлади», деганларида саҳобалар сўрашди: «Унда туясига закот бермаганларнинг аҳволи қандай бўлади?» Расулуллоҳ ﷺ: «Агар туя эгалари унинг ҳаққини адо этишмаса, яъни закотини беришмаса ва ҳақларидан яна бири — унинг сутидан соғиб, ёрдамчиларга ва муҳтожларга бермаса, текис саҳрога юзи билан ётқизилади. Барча туялар, ҳатто энг кичик боласи ҳам, эгаларини туёғлари билан босиб, оғизлари билан тишлашади. Босиб, тишлаб охирига етишса, яна бошидан бошлашади. Бу ҳол бир куни эллик минг йилга тўғри келадиган кунда содир бўлади. Туя эгаси бутун халойиқ ҳисоб-китобдан фориғ бўлгунча шу тарзда жазоланади. Кейин жаннат ёки дўзахдаги маконига равона бўлади», дедилар. Яна саҳобалар сўрашди: «Унда мол ва қўйларига закот бермаганларнинг аҳволи қандай бўлади?» Расулуллоҳ ﷺ: «Агар мол ва қўй эгалари унинг ҳаққини адо қилишмаса, яъни закот беришмаса, текис саҳрога юзи билан ётқизилади. Мол ва қўйларнинг барчаси келади. Улар орасида шохи қийшайгани, шохи йўғи ва шохи сингани бўлмайди. Улар эгаларини шохлари билан сузиб, туёқлари билан эзғилашади. Охирига етишса, яна қайтадан бошлашади. Бу ҳол бир куни эллик минг йилга тўғри келадиган кунда содир бўлади. Мол ва қўй эгаси бутун халойиқ ҳисоб-китобдан фориғ бўлгунча шу азобда жазоланади. Кейин жаннат ёки дўзахдаги маконига равона бўлади», дедилар. Саҳобалар сўрашди: «Эй Аллоҳнинг Расули? Отга закот бермаганлар-чи?» Расулуллоҳ ﷺ: «От уч турли бўлади. 1. Эгасига гуноҳ олиб келадиган; 2. Эгасига дўзахдан тўсиқ бўлади; 3. Эгасига савоб олиб келадиган. Гуноҳ олиб келадигани — эгаси риё (хўжакўрсинга), фахрланиш ва Исломга душманлик қилиш учун олган отлар. Дўзахдан тўсиқ бўладигани — эгаси уни Аллоҳ йўлида боғлаб боқса ва устидаги, гарданидаги ҳақларини унутмасдан адо этса, у от эгасига дўзахдан тўсиқ бўлади. Савоб

олиб келадигани — эгаси уни Ислом учун Аллоҳ йўлида кўкаламзор ерга боғлаб боқса, от ўша кўкаламзор боғдан бирор нима еса, ўша егани ададича, тезаги ҳамда сийдиги миқдорича ҳасанот ёзилади. Агар у от тизгинини узиб, бир тепаликдан бошқа тепаликка ўтса, унинг қадамлари ва тезаклари ададича ҳасанот ёзилади. Ва яна эгаси бирор анҳор ёқасидан ўтсаю отини суғоришни истмаса ҳам от ўша сувдан ичса, бунда ҳам ичганининг ададича ҳасанот ёзилади», дедилар. Яна саҳобалар сўрашди: «Эй Аллоҳнинг Расули! Эшак ҳақида-чи?» Расулуллоҳ ﷺ: «Эшак ҳақида менга ҳамма маънони ўз ичига олувчи қуйидаги оятгина нозил бўлгандир», дедилар.

«Бас, ким (ҳаёти – дунёдалик пайтида) **зарра мисқоличалик яхшилик қилса,** (Қиёмат кунида) **ўшани кўрур. Ким зарра мисқоличалик ёмонлик қилса, уни ҳам кўрур»** (Залзала сураси, 7-8-оятлар). *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари. Бу ҳадис лафзи Муслимники.*

217-БОБ
Рўза тутишнинг шартлиги ва рўзанинг фарзлиги ҳамда унга тааллуқли нарсалар ҳақида

Аллоҳ таоло: **«Эй мўминлар, тақволи кишилар бўлишингиз учун сизлардан илгари ўтганларга фарз қилингани каби сизларга ҳам саноқли кунларда рўза тутиш фарз қилинди. Энди сизлардан бирор киши хаста ёки мусофир бўлса, у ҳолда** (рўза тута олмаган кунларининг) **саноғини бошқа кунларда тутади»** (Бақара сураси, 183-оят). деб айтган.

Рўза ҳақидаги баъзи ҳадислар юқоридаги бобда ҳам келтирилди.

1214/1. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ айтдилар: Аллоҳ азза ва жалла: «Ҳар бир одам боласининг амали ўзи учундир. Лекин рўзаси Мен учундир. Унинг мукофотини Ўзим бераман», деди. Рўза дўзахдан тўсиқдир. Агар сизлардан бирингиз рўза тутса фаҳш ҳамда лағв сўзларни гапирмасин. Агар бирор киши сўкса ёки урушса, «мен рўзадорман», десин. Муҳаммаднинг жони Унинг қўлида бўлган зотга қасамки, рўзадорнинг оғзидаги ҳидининг ўзгариб қолиши Аллоҳнинг ҳузурида мушкнинг ҳидидан ҳам хушбўйроқдир. Рўзадорга икки хурсандчилик бордир. Бири: оғзини очганида. Иккинчиси: рўзаси билан хурсанд бўлиб Раббисига йўлиққанида». *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

Бу ҳадис лафзи имом Бухорий ривоятларидандир. Ва яна бошқа ривоятларда: «(Аллоҳ айтади): « Рўзадор таомини, шаробини ва шаҳватини Мен сабабли тарк қилади. Рўзасини Мен учун тутади. Мен Ўзим уни мукофотлайман. Ҳар яхшилиги учун Мен ўн баробар қилиб бераман», дейилган.

Имом Муслим ривоятларида қуйидагича келтирилади: «Одам боласининг ҳар бир амалига ўндан бошлаб етти юз баробаргача берилади. Аллоҳ таоло: «(Банда) рўзани Мен учун тутади. Уни ўзим мукофотлайман. Чунки у Мен учун овқати ва шаҳватини тарк қилади», деди. Рўзадор учун икки хурсандчилик бор. Бири: оғзини очганида. Иккинчиси: Роббисига йўлиққан пайтда. Рўзадорнинг оғзидаги ҳид Аллоҳнинг ҳузурида мушкнинг ҳидидан ҳам яхшидир».

1215/2. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Ким Аллоҳ йўлида икки уловини инфоқ қилса жаннат эшикларидан чақирилади. Эй Аллоҳнинг бандаси, бу яхшидир. Ким намоз аҳлидан бўлса намоз эшигидан чақирилади. Ким жиҳод аҳлидан бўлса жиҳод эшигидан чақирилади. Ким рўза аҳлидан бўлса Раййон (чанқоқбосди) эшигидан чақирилади. Ким садақа аҳлидан бўлса садақа эшигидан чақирилади», деганларида, Абу Бакр ﷺ: «Ота- онам фидо бўлгур эй Аллоҳнинг Расули! Бу эшикларнинг биридан киришда ноқислик йўқ-ку, лекин бирор киши бу эшикларнинг барчасидан чақириладими?» дедилар. Шунда Расулуллоҳ ﷺ: « Ҳа, сени ўшалардан бўлишингни умид қиламан», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

1216/3. Саҳл ибн Саъддан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Жаннатда бир эшик бор. Уни Раййон дейилади. Қиёмат куни ундан фақат рўзадорлар киради. Улардан бошқалар киришмайди. «Рўзадорлар қаерда?» деб чақирилади. Улар ўринларидан туришади. Булардан бошқа бирор киши кирмайди. Агар рўзадорлар киришса эшик ёпилади. Бошқа бирор киши кира олмайди», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

1217/4. Абу Саид ал-Худрийдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Қайси бир банда бир кун Аллоҳ йўлида рўза тутса, Аллоҳ ўша рўзаси сабабли у кишининг юзини етмиш йиллик масофага қадар дўзахдан узоқ қилади», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

1218/5. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Ким Рамазон ойида унинг фарзлигига ишониб, савоб умидида рўза тутса, унинг аввалги гуноҳлари кечирилади», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

1219/6. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Агар Рамазон ойи келса, жаннат эшиклари очилиб, дўзах эшиклари ёпилади. Ва шайтонлар кишанланади», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

1220/10. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Рамазон ойининг чиққанини кўриб рўза тутинглар. Шаввол ойининг чиққанини кўриб, оғиз очинглар. Агар осмон булутли бўлиб ой кўринмаса, шаъбон ойини ўттиз кун мукаммал қилиб тутинглар», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.* Бу лафз Бухорийники.

Имом Муслимнинг ривоятларида эса: «Осмон булутли бўлиб янги ой кўрилмаса ўттиз кун мукаммал рўза тутинглар», бўлиб келган.

218-БОБ
Рамазон ойида хайр-саховат ҳамда яхшиликларда бардавом бўлиш, хусусан бундай яхши ишларни охирги ўн кунликда кўпайтиришнинг фазилати ҳақида

1221/1. Ибн Аббосдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ одамларнинг ичида энг сахийси эдилар. Рамазон ойида Жаброил алайҳиссаломга йўлиққан пайтларида янада сахий бўлиб кетардилар. Жаброил алайҳиссалом Рамазоннинг ҳар кечасида бу зот билан кўришиб, Қуръонни дарс қилишар эди. Расулуллоҳ ﷺ Жаброил алайҳиссаломга йўлиққанларида яхшилик қилишда юборилган шамолдан ҳам сахий бўлиб кетардилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

1222/2. Оишадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ агар Рамазоннинг охирги ўн кунлиги кирса кечани бедорлик ила ўтказар эдилар. Ва аҳлларини ҳам уйғотиб, белларини ибодатга маҳкам боғлар эдилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

219-БОБ
Ўн бешинчи шаъбондан кейин Рамазон кирмай туриб рўза тутиш ман этилгани, фақат аввалдан тутиб келаётган бўлса ёки душанба ва пайшанбадаги одатларига тўғри келиб қолса зарари йўқлиги ҳақида

1223/1. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Сизлардан ҳеч бир киши шаъбон ойининг охирги бир ёки икки кунида рўза тутиб Рамазон ойига кирмасин. Лекин бир кишининг одатига тўғри келиб қолса рўза тутишининг зарари йўқдир», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

1224/2. Ибн Аббосдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Рамазондан олдин рўза тутманглар. Янги ойни кўриб рўза тутинглар. Янги ойни кўриб оғиз очинглар. Агар булут янги ойни кўришга монеълик қилса ўттиз кун мукаммал қилиб рўза тутинглар», деб айтдилар. *Имом Термизий ривоятлари.*

(Яъни, агар янги ойни кўриш имкони бўлмаса шаъбон ойини ўттиз кун мукаммал қилиб кейин рўза тутилсин. Ҳамда шаввол ойини кўриш имкони бўлмаса ўттиз кун тўла рўза тутиб, кейин оғиз очилсин. – Тарж)

1225/3. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ «Агар шаъбон ойининг ярми қолган бўлса (нафл) рўза тутманглар», дедилар. *Имом Термизий ривоятлари.*

1226/4. Абу Яқзон Аммор ибн Ёсирдан ﷺ ривоят қилинади. Бу зот: «Ким шак кунида рўза тутса, батаҳқиқ Абулқосимга ﷺ осийлик қилибди», дедилар. *Абу Довуд ва Термизий ривоятлари.*

220-БОБ
Янги чиққан ойни кўрганда айтиладиган зикрлар

1227/1. Талҳа ибн Убайдуллоҳдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ агар янги чиққан ойни кўрсалар: «Аллоҳумма аҳиллаҳу ъалайна бил амни вал иймони вассаломати вал исломи роббий ва роббукаллоҳу, ҳилолу рушдин ва хойрин», деб айтардилар. (Маъноси: Аллоҳим бу ойни бизларга эмин, омон, имон, саломатлик ва Ислом ойи қилгин. (Эй ҳилол) Менинг Раббим ҳам, сенинг Раббинг ҳам Аллоҳдир. Бу ой ҳидоят ва хайрли ой бўлсин). *Имом Термизий ривоятлари.*

221-БОБ
Саҳарлик қилишнинг ҳамда субҳ кириб қолишидан хавф қилмаса уни кечиктиришнинг фазилати ҳақида

1228/1. Анасдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Саҳарлик қилинглар. Чунки саҳарлик қилишда барака бордир», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

1229/2. Зайд ибн Собитдан ﷺ ривоят қилинади. Бу зот: «Биз Расулуллоҳ ﷺ билан бирга саҳарлик қилдик. Кейин намозга турдик», деганларида, ёнларидагилар томонидан: «Унинг орасидаги муддат қанча эди?» деб савол берилди. Шунда Зайд ﷺ: «Эллик оят ўқиш миқдорича фурсат эди», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

1230/3. Ибн Умардан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳнинг ﷺ икки муаззинлари бор эди. Бири Билол ﷺ, иккинчиси Ибн Умму Мактум ﷺ. Икковлари ҳақида Расулуллоҳ ﷺ: «Билол (тонг отмасидан олдин) кечаси азон айтади. Сизлар у азон айтганида то Ибн Умму Мактум айтгунича бемалол еб-ичаверинглар», дедилар. Ибн Умар ﷺ: «Бу икки азон ўртасида бирлари чиқиб, иккинчилари тушгунчалик фурсат ўтар эди», дедилар. *Имом Муслим ва Бухорий ривоятлари.*

1231/4. Амр ибн Оссдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Биз билан аҳли китоблар (яҳудий ва насронийлар) нинг рўзаси орасидаги фарқ саҳарлик қилишдадир», дедилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

Фойда: Ислом умматининг бошқалардан устун бўлган хусусиятларидан бири ифторлик қилишдир.

222-БОБ
Оғиз очишни кечиктирмасдан вақтида бажаришнинг фазилати

ҳамда оғиз очиладиган нарсалар ва оғиз очилгандан кейин айтиладиган зикрлар ҳақида

1231/1. Саҳл ибн Саъддан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Одамлар оғиз очишни кечиктирмасдан вақтида бажаришар экан, улар яхшиликдадирлар», дедилар. *Имом Муслим ва Бухорий ривоятлари.*

1233/2. Абу Атиййадан ﷺ ривоят қилинади. Мен ва Масруқ ﷺ Оишанинг ﷺ ҳузурларига кирдик. Масруқ ﷺ Оишага ﷺ: «Расулуллоҳнинг ﷺ иккита (улуғ) саҳобалари бор. Икковлари ҳам яхшилик қилишда бир-бирларидан кам эмас. Бирлари шомни ва оғиз очишни тезлатади. Иккинчилари шомни ва оғиз очишни кечиктиради. (Яъни буларнинг қайсилари афзал?)» деганларида, Оиша ﷺ: «Қайси бирлари шом ва оғиз очишни тезлатса», дедилар. Масруқ ﷺ: «Абдуллоҳ ибн Масъуд тезлатадилар», дедилар. Шунда Оиша ﷺ: «Расулуллоҳ ﷺ ҳам Абдуллоҳ ибн Масъуднинг ﷺ қилгани каби бажарганлар. Яъни Абдуллоҳ ибн Масъуд ﷺ Расулуллоҳнинг ﷺ суннатларига амал қилар эканлар», деб айтдилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

1234/3. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ айтдилар: Аллоҳ азза ва жалла: «Бандаларимнинг менга маҳбуброғи оғиз очишни тезлатганлари», деб айтди. *Имом Термизий ривоятлари.* Бу ҳадис ҳасан иснодлидир.

1235/4. Умар ибн Хаттобдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Агар кеч машриқ томондан келиб, кундузи мағриб томондан кетса ва қуёш ботса, батаҳқиқ, рўзадор оғиз очадиган фурсат бўлибди», дедилар. *Имом Муслим ва Бухорий ривоятлари.*

1236/5. Абу Иброҳим Абу Абдуллоҳ ибн Абу Авфодан ﷺ ривоят қилинади. Биз Расулуллоҳ ﷺ билан бирга кетаётган эдик. У зот рўзадор эдилар. Қуёш ботаётганда у зот қавмдаги бир кишига: «Эй фалончи, тушгин, бизга талқонни сувга аралаштириб келтиргин», дедилар. У киши: «Эй Аллоҳнинг расули, бироз кеч кирсин», деган эди, Расулуллоҳ ﷺ: «Тушгин, бизга талқонни сувга аралаштириб келтиргин», дедилар. У киши (уловдан) тушиб, улар учун талқонни сувга аралаштириб келди. Расулуллоҳ ﷺ ундан ичиб, кейин қўллари билан машриқ томонга ишора қилиб: «Агар кеч» «мана бу томондан келса, батаҳқиқ рўзадор оғзини очадиган вақт бўлибди», дедилар. *Имом Муслим ва Бухорий ривоятлари.*

1237/6. Салмон ибн Омир аз-Заббийдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Агар сизлардан бирингиз оғиз очадиган бўлсангиз, хурмоларда оғиз очинг. Агар топа олмасангиз, сувда очинг. Чунки сув (маънавий ва ҳиссий) нопокликларни тозаловчидир», дедилар.

1238/7. Анасдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ намоз ўқишдан олдин ҳўл хурмо билан оғиз очардилар. Агар ҳўл хурмо топа олмасалар, қуруғи билан оғиз очардилар. Агар хурмолардан бирор турини топа олмасалар, бир ёки бир неча қултум сув билан оғиз очардилар. *Абу Довуд ва Термизий ривоятлари.*

Фойда: Ҳўлу қуруқ хурмолар билан оғиз очишнинг бир неча ҳикматлари бор. Улардан бири Расулуллоҳнинг ﷺ суннатларига эргашиш бўлса, яна бири ошқозондан ортиқча нарсаларни чиқариб юборади. Ҳамда хурмода жисм эҳтиёжи бўлган кўпдан-кўп моддалар бор.

223-БОБ
Рўзадор кишини тили ва аъзоларини урушиш ва сўкишиш ҳамда шунга ўхшаш нарсалардан тиймоғига буюриш ҳақида

1239/1. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Агар сизлардан бирингиз рўза тутса, фаҳш ҳамда лағв сўзларни сўзламасин. Агар бирор киши сўкса ёки урушса: «Мен рўзадорман», десин» деб айтдилар. *Имом Муслим ва Бухорий ривоятлари.*

1240/2. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Ким рўза тутиб, ёлғон сўз ва амални ташламаса, унинг овқат ва ичимликдан тийилиб юришининг Аллоҳга кераги йўқдир», дедилар. *Имом Бухорий ривоятлари.*

224-БОБ
Рўзага тегишли масалалар ҳақида

1241/1. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Агар сизлардан бирингиз унутиб бирор нарсани еб ёки ичиб қўйса, рўзасини давом эттираверсин. Чунки Аллоҳ у кишини овқатлантириб, ичимлик ила сийлабди», дедилар. *Имом Муслим ва Бухорий ривоятлари.*

1242/2. Лақит ибн Сабрадан ﷺ ривоят қилинади. Мен: «Эй Аллоҳнинг Расули, таҳорат ҳақида хабар беринг», десам, у зот: «Таҳоратингни мукаммал қил ва бармоқларинг орасини ҳилол қил, яъни бир-бирига кириштириб, сув етказ. Бурунга сув олганда муболаға қилиб, адо эт. Лекин рўзадор бўлсанг, бундай қилмагин», деб айтдилар. *Абу Довуд ва Термизий ривоятлари.*

1243/3. Оишадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ жунуб бўлиб қолиб, ғусл қилишларидан олдин субҳ содиқ кириб қоларди. Кейин ғусл қилиб рўзаларини тутаверардилар. *Имом Муслим ва Бухорий ривоятлари.*

1244/4. Оиша ﷺ ва Умму Саламалардан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ жунублик ҳолларида тонг отиб қолар эди. Бу жунублик эҳтилом бўлганларидан эмас, балки аёллари билан шаръий қовушганларидан содир

бўлар эди. Кейин у зот рўзаларини давом эттираверардилар. *Имом Муслим ва Бухорий ривоятлари.*

Фойда: Жумҳур салафлар ва кейинги уламолар ижмоъси субҳдан олдинги жанобат хоҳ эҳтилом сабабли, хоҳ аёли билан қовушиш орқали бўлсин, зарари йўқ дейишган. Бунга Аллоҳнинг сўзидаги: «Сизларга рўза кечасида хотинларингизга қўшилиш ҳалол қилинди», дегани оят далилдир. Аммо субҳдан кейин аёли билан қовушиш орқали жунуб бўлиш ман этилгандир.

225-БОБ
Муҳаррам, шаъбон ва ҳурматли ойларда рўза тутишнинг фазилати ҳақида

1245/1. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Рамазондан кейин рўзаларнинг афзали муҳаррам ойидаги (нафл) рўзадир. Фарз намозидан кейинги намозларнинг афзали кечасидаги (таҳажжуд) намозидир», дедилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

1246/2. Оишадан ﷺ ривоят қилинади. Бу онамиз: «Расулуллоҳ ﷺ шаъбон ойида тутганчалик кўп рўза тутмасдилар. Шаъбон ойининг деярли ҳаммасида рўза тутардилар», деб айтдилар.

Бошқа ривоятда: «Шаъбон ойида рўза тутиб, фақат баъзи кунлари оғизлари очиқ бўлар эди», дейилган. *Имом Муслим ва Бухорий ривоятлари.*

1247/3. Мужийба ал-Боҳилий оталари ёки амакиларидан қилган ривоятларида бу зот Расулуллоҳ ﷺ ҳузурларига келиб, бироз туриб, қайтиб кетдилар. Бир йил ўтгандан кейин яна келдилар. Аввалги ҳолатлари ва кўринишлари ўзгариб кетган эди. Бу киши: «Эй Аллоҳнинг Расули! Мени танимаяпсизми?» деганди, Расулуллоҳ ﷺ: «Сен кимсан?» дедилар. У киши: «Аввалги йил ҳузурингизга келган Боҳилийман», деди. Расулуллоҳ ﷺ: «Сен яхши кўринишда эдинг-ку? Сени нима ўзгартириб юборди?» дедилар. У киши: «Ўша сиздан ажраб кетганимдан кейин фақат кечқурун овқатландим. Яъни кундузи рўзадор бўлдим», деди. Расулуллоҳ ﷺ: «Нафсингга азоб берибсан-ку!», деб, яна: «Сабр ойи, яъни Рамазон ойида тўла рўза тутгин. Ва ҳар ойда бир кун рўза тут», дедилар. У киши: «Менга зиёда қилинг. Чунки менинг рўза тутишга қувватим етарли», деди. Расулуллоҳ ﷺ: «Икки кун рўза тут», дедилар. У киши: «Менга яна зиёда қилинг», деди. Расулуллоҳ ﷺ: «Уч кун рўза тутгин», дедилар. У киши: «Яна зиёда қилинг», деди. Расулуллоҳ ﷺ: «Ҳурматли ойларда (яъни ражаб, зулқаъда, зулҳижжа, муҳаррам) уч кундан рўза тут ва тарк қил», деб учта бармоқларини букиб-очдилар. *Абу Довуд ривоятлари.*

226-БОБ
Зулҳижжа ойининг аввалги ўн кунида рўза тутиш ва бошқа ибодатларни бажаришнинг фазилати ҳақида

1248/1. Ибн Аббосдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Зулҳижжа ойининг аввалги ўн кунида бажарилганчалик бирор солиҳ амал Аллоҳга маҳбуб эмас», деганларида, саҳобалар: «Эй Аллоҳнинг Расули, Аллоҳ йўлидаги жиҳод ҳам у кундаги амалчалик маҳбуб эмасми?» дейишди. Шунда Расулуллоҳ ﷺ: «Ҳа, Аллоҳ йўлидаги жиҳод ҳам. Фақат жони ва молини тикиб Аллоҳ йўлида чиққану қайтиб келмаган кишининг амали энг маҳбуб амалдир», дедилар. *Имом Бухорий ривоятлари.*

Фойда: Зулҳижжа ойининг аввалги ўн кунида ибодат ва хайрли ишлар қилиш Аллоҳ таолога энг маҳбуб амалдир.

227-БОБ
Арафа куни, яъни зулҳижжанинг тўққизинчи ҳамда муҳаррам ойининг тўққизинчи ва ўнинчи куни рўза тутишнинг фазилати тўғрисида

1249/1. Абу Қатодадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳдан ﷺ арафа куни, яъни зулҳижжа ойининг тўққизинчи кунида тутилган рўза ҳақида сўрашди. У зот: «Ўтиб кетган ва келаётган йилдаги гуноҳларга каффоратдир», дедилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

Фойда: Ҳаждаги кишиларга бу кунда рўза тутиш маҳбуб эмас. Чунки талбия, зикр ва дуо қилишдан сусайтириб қўяди.

1250/2. Ибн Аббосдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ муҳаррам ойининг ўнинчи куни рўза тутдилар. Ва бошқаларни шу куни рўза тутишга буюрдилар. *Имом Муслим ва Бухорий ривоятлари.*

1251/3. Абу Қатодадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳдан ﷺ муҳаррам ойининг ўнинчи куни рўзаси ҳақида сўралганида, у зот: «Ўтган йилдаги гуноҳларга каффорат бўлади», дедилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

1252/4. Ибн Аббосдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Келгуси йилгача ўлмай турсам, албатта муҳаррам ойининг тўққизинчи куни рўзасини тутаман», дедилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

228-БОБ
Шаввол ойида олти кун рўза тутишнинг маҳбублиги ҳақида

1253/1. Абу Аюбдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Ким Рамазон ойида рўза тутиб, кейинги шаввол ойида олти кун рўзани уласа, гўёки замон (йил) бўйи рўза тутгандек бўлади», дедилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

Фойда: Ким Рамазон ойида рўза тутиб, унга шаввол ойидан олти кунни уласа, гўёки замон (йил) бўйи рўза тутибди. Чунки Аллоҳ таоло: «Ким

бирон чиройли амал қилса, унга ўн баробар қилиб (қайтарилур)», деб айтган. Демак, бир ой Рамазон ўн ойга тўғри келса, олти кунимиз ўн баробарга кўпайтирсак, олтмиш кун, яъни икки ой бўлади. Ҳаммасини қўшсак, ўн икки ой бўлади.

229-БОБ
Душанба ва пайшанба кунлари нафл рўза тутишнинг маҳбублиги ҳақида

1254/1. Абу Қатодадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳдан ﷺ душанба куни рўза тутиш ҳақида сўралганида у зот: «Бу кунда мен дунёга келдим ва пайғамбар қилиб юборилдим» ёки «бу кунда менга ваҳий қилинди», деб айтдилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

1255/2. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Амаллар душанба ва пайшанба куни кўрсатилади. Яъни фаришталар кўрсатишади. Амалларим кўрсатилаётган кунда рўзадор бўлишим мени хурсанд қилади» дедилар. *Имом Термизий ривоятлари. Имом Муслим ҳам рўзани зикр қилмасдан ривоят этганлар.*

1256/3. Оишадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ душанба ва пайшанба кунлари эҳтимом ила рўза тутардилар. *Имом Термизий ривоятлари.*

230-боб
Ҳар ойда уч кун рўза тутишнинг маҳбублиги тўғрисида

Оқлик кунлари, яъни ойнинг ўн уч, ўн тўрт ва ўн бешинчи кунлари рўза афзал. Баъзилар ойнинг ўн икки, ўн уч ва ўн тўртинчи кунлари рўза тутиш афзал, дейишган. Лекин аввалгиси машҳурроқдир.

1257/1. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Дўстим Расулуллоҳ ﷺ менга уч нарса — 1. Ҳар ойда уч кун рўза тутиш; 2. Икки ракаат зуҳо (чошгоҳ) намозини ўқиш; 3. Ухлашдан олдин витр намозини ўқишни васият қилдилар. *Имом Муслим ва Бухорий ривоятлари.*

1258/2. Абу Дардодан ривоят қилинди Расулуллоҳ ﷺ менга уч нарсани васият қилдилар. То ҳаёт эканман, уни ҳеч қачон тарк этмайман. Булар: 1. Ҳар ойда уч кун рўза тутиш; 2. Зуҳо (чошгоҳ) намозини ўқиш; 3. Витр ўқимасдан олдин ухламаслик», дедилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

1259/3. Абдуллоҳ ибн Амр ибн Оссдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Ҳар ойда уч кун рўза тутиш замон (йил) бўйи рўза тутиш билан тенгдир», дедилар. *Имом Муслим ва Бухорий ривоятлари.*

1260/4. Муоза ал-Адавиядан ﷺ ривоят қилинади. Бу саҳобия Оишадан ﷺ: «Расулуллоҳ ﷺ ҳар ойда уч кун рўза тутармидилар?» деб сўраганларида, Оиша ﷺ: «Ҳа», дедилар. Мен: «Ойнинг қайси кунида тутардилар?» десам,

Оиша ﵂: «Ойнинг қайси куни эканлигига аҳамият бермасдан тутаверардилар», деб айтдилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

1261/5. Абу Заррдан ﵁ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Агар ойда уч кун рўза тутсанг, уни ўн уч, ўн тўрт ва ўн бешинчи кунлари тутгин», дедилар. *Имом Термизий ривоятлари.*

1262/6. Қатода ибн Милҳондан ﵁ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ бизга оқлик кунлари, яъни ўн уч, ўн тўрт ва ўн бешинчи куни рўза тутишга буюрдилар. *Абу Довуд ривоятлари.*

(Оқлик аталишига сабаб 13, 14, 15-кунлари ой тўлишиб, оқаради – Тарж.)

1263/7. Ибн Аббосдан ﵄ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ хоҳ сафарда, хоҳ муқимликда бўлсинлар, оқлик кунлари, яъни ойнинг ўн уч, ўн тўрт ва ўн бешинчи кунлари оғизлари очиқ бўлмас эди. Яъни шу кунлари рўзадор бўлардилар. *Имом Насаий ривоятлари.*

231-БОБ
Ифторлик қилишнинг фазилати ва ўзи рўзадор бўлиб олдида бошқалар овқат еб турган кишининг фазилати ҳамда овқат тортиқ қилган кишига қилинадиган дуо ҳақида

1264/1. Зайд ибн Холид ал-Жуҳанийдан ﵁ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Ким рўзадор кишига ифторлик қилиб берса, у кишига ҳам рўза тутганнинг ажридек савоб берилади. Бу билан рўзадан бирор нарса камайтирилмайди», дедилар. *Имом Термизий ривоятлари.*

1265/2. Умму Умора Ансориядан ﵂ ривоят қилинади. Бир куни Расулуллоҳ ﷺ бу саҳобия ҳузурларига киргандилар, у киши Расулуллоҳга ﷺ таом тортиқ қилдилар. Расулуллоҳ ﷺ: «Ўзинг ҳам егин», дегандилар, саҳобия: «Мен рўзадорман», дедилар. Шунда Расулуллоҳ ﷺ: «Рўза тутган қайси одамнинг олдида бошқалар овқатланса, то еб тугатгунларича (ёки тўйгунларича) фаришталар рўзадор ҳаққига дуода бўлишади», дедилар. *Имом Термизий ривоятлари.*

1266/3. Анасдан ﵁ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ Саъд ибн Убоданикига ифторлик қилгани борганларида, у нон ва ёғ қўйди. Расулуллоҳ ﷺ улардан тановул қилиб, сўнг: «Афтора ъиндакум соимуна ва акала тоъамакум ал-аброро ва соллат ъалайкум ал-малаикаҳ», деб айтдилар. (Маъноси: Рўзадорлар сизларнинг ҳузурингизда ифтор қилишди. Яхшилар овқатларингиздан танаввул қилишди. Ва фаришталар сизларга саловот айтишди.) *Абу Довуд ривоятлари.*

232-БОБ
Эътикоф фазилатлари

1267/1. Ибн Умардан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ Рамазоннинг охирги ўн кунлигида эътикоф ўтирардилар. *Имом Муслим ва Бухорий ривоятлари.*

1268/2. Оишадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ то вафот этгунларига қадар Рамазоннинг охирги ўн кунлигида эътикоф ўтирдилар. Кейин хотинлари ҳам шу тарзда эътикоф ўтиришди. *Имом Муслим ва Бухорий ривоятлари.*

1269/3. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ ҳар Рамазон ойида ўн кун эътикоф ўтирардилар. Вафот этадиган йиллари эса йигирма кун эътикоф ўтирдилар. *Имом Бухорий ривоятлари.*

«Риёзус-солиҳийн» китобининг иккинчи қисми шу ерга келганда ниҳоясига етди. Иншоаллоҳ, учинчи қисмни «Ҳаж китоби»дан бошлаймиз.

Ҳаж китоби
233-БОБ
Ҳажнинг фазилати ҳақида

Аллоҳ таоло:

«Ва йўлга қодир бўлган инсонлар зиммасида Аллоҳ учун мана шу Уйни ҳаж-зиёрат қилиш бурчи бордир. Кимда-ким кофир бўлса (яъни, Каъбани зиёрат қилиш фарз эканини инкор қилса)**, бас, албатта Аллоҳ бутун оламлардан бехожат бўлган Зотдир»** (Оли Имрон сураси, 97-оят), деб айтган.

1270/1. Ибн Умар розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Ислом беш нарса устига қурилган: «Ла илаҳа иллаллоҳ ва анна Муҳаммадан Расулуллоҳ» шаҳодатини айтиш, намозни адо қилиш, закот бериш, Байтуллоҳни ҳаж қилиш ва рўза тутиш», дедилар. Имом Бухорий, Муслим, Аҳмад ва Термизий ривоятлари.

1271/2. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади: «Расулуллоҳ бизга хутбада: «Эй инсонлар, албатта Аллоҳ таоло сизларга ҳаж қилишни фарз этди. Шундай экан, ҳаж амалини адо қилинглар», деганларида, буни эшитаётганлардан бири: «Ҳар йилими, эй Расулуллоҳ?» деган эди, у зот уч марта сўралганида ҳам сукут қилдилар. Кейин: «Агар ҳа, деб айтсам, шарт бўлиб қолади. Қодир бўлганингизча адо этаверинг», дедилар. Сўнг яна у зот: «Сукут қилиб сўзламаган нарсани савол бериб сўраманглар. Чунки сизлардан аввалгилар кўп савол бергани ва Пайғамбарларига ихтилоф қилгани сабабли ҳалок бўлишди. Агар сизларга бирор нарса буюрсам, қодир

бўлганингизча амал қилинг. Агар бирор нарсадан қайтарсам, уни тарк қилинглар», деб айтдилар». *Имом Муслим ривояти.*

1272/3. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳдан ﷺ «Қайси амал афзал?» деб сўралганида, у зот: «Аллоҳ ва расулига иймон келтириш», дедилар. «Кейин қайси?» дейилганида, у зот: «Аллоҳ йўлида жиҳод», дедилар. «Кейин қайси?» дейилганида, у зот: «Ҳажжи мабрур, яъни гуноҳ содир этилмаган ҳаж», деб айтдилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

1273/4. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Ким ҳаж амалини адо этсаю, унда беҳаё нарсаларни ва гуноҳ ишларни содир қилмаса, худди онасидан янги туғилган боладек (уйига) қайтади», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

1274/5. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Бир умра иккинчи умрага қадар орсидаги гуноҳлар учун каффоратдир. Мабрур ҳаж, яъни гуноҳ содир этилмаган ҳаж учун жаннатдан бошқа мукофот йўқдир», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

1275/6. Оишадан ﷺ ривоят қилинади. Бу онамиз: «Эй Аллоҳнинг расули! Биз жиҳодни амалларнинг энг афзали, деб биламиз, жиҳод қилайликми?» деганларида, Расулуллоҳ ﷺ: «Лекин жиҳодларнинг энг афзали гуноҳ содир этилмаган ҳаждир», дедилар. *Имом Бухорий ривояти.*

1276/7. Оишадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Аллоҳ таоло арафа кунидагичалик бошқа бирор кунда кўп бандаларини дўзахдан озод қилмайди», дедилар. *Имом Муслим ривояти.*

1277/8. Ибн Аббосдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Рамазонда адо этилган умра ҳаж баробарида ёки мен билан ҳаж қилган баробарида бўлади», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

1278/9. Ибн Аббосдан ﷺ ривоят қилинади. Бир аёл: «Эй Аллоҳнинг расули! Аллоҳ бандаларига ҳаж қилишни фарз этганида отамнинг ёши улғайиб қолган эди. Уловда мустаҳкам тура олмасди. (У ҳажни адо этмай вафот этди.) Мен отам номидан ҳаж қилсам бўладими?» деганида, Расулуллоҳ ﷺ: «Ҳа, бўлаверади», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

1279/10. Лақийт ибн Омирдан ﷺ ривоят қилинади. Бу Зот Расулуллоҳ ﷺ ҳузурларига бориб: «Отам кексайиб қолдилар. На ҳаж ёки умра қилиш ва на йўл юришга қодир эмаслар», деганларида, Расулуллоҳ ﷺ: «Отанг номидан ҳаж ва умра қилавергин», дедилар. *Абу Довуд ва Термизий ривоятлари.*

1280/11. Соиб ибн Язиддан ﷺ ривоят қилинади: «Мен Расулуллоҳ ﷺ билан бирга ҳаж қилдим. Ўшанда етти ёшда эдим». *Имом Бухорий ривояти.*

1281/12. Ибн Аббосдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ Равҳо деган жойда отлиқларга йўлиқдилар. Ва: «Сизлар кимсизлар?» дедилар. Улар: «Мусулмонлармиз», дейишди. Улар: «Ўзингиз кимсиз?» дейишди. У зот: «Аллоҳнинг расулиман», дедилар. Бир хотин боласини кўтариб турган эди, Расулуллоҳдан ﷺ «Мана шу бола ҳам ҳаж қилиши мумкинми?» деб сўради. У зот: «Ҳа, ҳажи ҳаж бўлиб, сенга савоб бўлади», дедилар. *Имом Муслим ривояти.*

1282/13. Анасдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ бир туя устида ҳаж қилдилар. Юклари ҳам ўша туя устида эди. *Имом Бухорий ривояти.*

1283/14. Ибн Аббосдан ﷺ ривоят қилинади. Укоз, Мижанна ва Зулмажоз бозорлари жоҳилият давридаги бозорлар эди. Саҳобалар гуноҳга ботсак керак, деб гумон қилиб ҳаж мавсумида савдо қилишдан ўзларини тийишар эди. Кейин Аллоҳ таоло Бақара сурасининг 198-оятини нозил қилди: «(Ҳаж сафарида тижорат қилиш билан) Парвардигорингиздан фазлу карам исташингизда сизлар учун ҳеч қандай гуноҳ йўқдир». *Имом Бухорий ривояти.*

235-БОБ
Шаҳидлар ва уларга тенглаштирилганлар ҳақида

1352/1. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Шаҳидлар бештадир: 1. Вабода ўлган. 2. Қорни оғриб ўлган. 3. Чўкиб ўлган. 4. Иморат остида қолиб ўлган. 5. Аллоҳ йўлида вафот этган», деб айтдилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

1353/2. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Сиз кимларни шаҳид, деб ҳисоблайсиз?» деганларида, саҳобалар: «Эй Аллоҳнинг расули, кимки Аллоҳ йўлида ўлдирилса, у шаҳиддир», дейишди. Расулуллоҳ ﷺ: «Ундай бўлса, менинг умматимда шаҳидлар оз экан-да!» дедилар. Саҳобалар: «Унда шаҳидлар ким, Эй Аллоҳнинг расули?» дейишди. Шунда Расулуллоҳ ﷺ: «Ким Аллоҳ йўлида ўлдирилса, у шаҳиддир. Ким Аллоҳ йўлида вафот этса, у шаҳиддир. Ким вабога чалиниб ўлса, у шаҳиддир. Ким қорин оғриғи билан ўлса, у шаҳиддир. Ким чўкиб ўлса, у ҳам шаҳиддир», дедилар. *Имом Муслим ривояти.*

1354/3. Абдуллоҳ ибн Амр ибн Осдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Ким моли остида (яъни, ҳимоя қилаётиб) ўлдирилса, у шаҳиддир», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

1355/4. Ашараи мубашшарадан бири Абул Аъвар Саид ибн Зайд ибн Нуфайлдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Ким моли остида (яъни, ҳимоя қилаётиб) ўлдирилса, у шаҳиддир. Ким қони ҳимоясида ўлдирилса, у шаҳиддир. Ким дини ҳимоясида ўлдирилса, у шаҳиддир. Ким аҳли ҳимоясида ўлдирилса, у шаҳиддир», дедилар. *Абу Довуд ва Термизий ривоятлари.*

1356/5. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Бир киши Расулуллоҳ ﷺ ҳузурларига келиб: «Эй Аллоҳнинг расули! Айтинг-чи, агар бир киши молимни тортиб олишни хоҳласа, нима қилай?» деганида, у зот: «Молингни бермагин», дедилар. «Агар мен билан уришишни хоҳласа-чи?» деган эди, Расулуллоҳ ﷺ: «У билан уришгин», дедилар. У киши: «Агар мени ўлдирса-чи?» деди. Расулуллоҳ ﷺ: «Сен шаҳидсан», дедилар. У киши: «Агар мен уни ўлдирсам-чи?» деган эди, Расулуллоҳ ﷺ: «У дўзахдадир», дедилар. *Имом Муслим ривояти.*

236-БОБ
Қул озод қилишнинг фазилати ҳақида

Аллоҳ таоло:

«Бас, у (мақтанчоқ кимса яхшилик) **довонини ошиб ўтмади.** (Эй Муҳаммад алайҳиссалом)**, довон** (ошиш) **нима эканини сиз қаердан билар эдингиз.** (У бир қул) **бўйнини** (қулликдан) **озод қилмоқ»** (Балад сураси, 11–13-оятлар), деб айтган.

1357/1. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади: «Расулуллоҳ ﷺ менга: «Ким мусулмон қулни озод қилса, Аллоҳ таоло қулнинг аъзоси баробарида озод қилувчининг аъзоларини дўзахдан халос этади. Ҳаттоки, фаржи (жинсий аъзо) баробарида озод қилувчининг фаржини дўзахдан халос этади», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

1358/2. Абу Заррдан ﷺ ривоят қилинади: «Мен: «Эй Аллоҳнинг расули, қайси амал афзал?» деганимда, у зот: «Аллоҳга иймон келтириш ва Аллоҳ йўлидаги жиҳод», дедилар. Мен: «Қайси қулни озод қилиш афзалроқ?» деганимда, у зот: «Эгаси наздида яхши бўлгани ҳамда нархи қиммат бўлганини», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

237-БОБ
Қулларга яхшилик қилишнинг фазилати тўғрисида

Аллоҳ таоло:

«Аллоҳга бандалик қилинглар ва Унга ҳеч нарсани шерик қилманглар! Ота-онангизга ҳамда қариндош-уруғ, етим ва мискинларга, қариндош қўшни ва бегона қўшнига, ёнингиздаги ҳамроҳингизга, йўловчи мусофирга ва қўлларингиздаги қулларингизга яхшилик қилингиз!» (Нисо сураси, 36-оят) деб айтган.

1359/1. Маърур ибн Сувайддан ﷺ ривоят қилинади: «Абу Заррнинг ﷺ устларида бир тўнни кўрдим. Хизматкор болалари устида ҳам худди ўшандоқ тўн кўрдим. Ва бунинг сабабини у зотдан сўраганимда, Абу Зарр

ﷺ: «Расулуллоҳ ﷺ замонларида Абу Зарр бир кишини сўкиб онасини айбладилар. Шунда Расулуллоҳ ﷺ: «Сенда ҳали ҳам жоҳилият одатлари бор экан. У қуллар сизларнинг биродарларингиз ва хизматкорларингиздир. Аллоҳ уларни сизларнинг қўл остингизда қилган. Кимнинг биродари қўл остида бўлса, ўзи еган нарсадан унга ҳам едирсин. Ва ўзи кийган нарсадан унга ҳам кийдирсин. Тоқати етмайдиган нарсага буюрмасин. Агар буюрадиган бўлса, унга ёрдамлашсин», дегандилар», деб айтдилар». *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

1360/2. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Агар сизлардан бирортангиз ҳузурига хизматкори овқат олиб келса-ю, ўзи билан ўтқазмайдиган бўлса, бир ёки икки луқма узатсин. Чунки бу хизматкор хожаси учун ишламоқда-ку», дедилар. *Имом Бухорий ривояти.*

238-БОБ
Аллоҳнинг ва кейин ўз хожасининг ҳаққини адо этадиган қулнинг фазилати ҳақида

1361/1. Ибн Умардан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Албатта хизматкор хожаси ишларини чиройли суратда бажариб, Аллоҳга ибодатини ҳам яхши адо этса, унга иккита ажр берилади», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

1362/2. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Солиҳ хизматкор учун икки ажр бор», дедилар. «Абу Ҳурайранинг жони Унинг қўлида бўлган Зотга қасамки, агар Аллоҳ йўлидаги жиҳод, ҳаж қилиш ва онамга яхшилик қилиш бўлмаганида эди, мен қул бўлиб ўлишни яхши кўрар эдим», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

1363/3. Абу Мусо ал-Ашъарийдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Раббига чиройли ибодат қилиб, хожасининг ҳаққини адо этишда хайрихоҳ ва итоатда бўлса, унга иккита ажр бордир», дедилар. *Имом Бухорий ривояти.*

1364/4. Абу Мусо ал-Ашъарийдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Уч тоифа кишилар борки, улар учун икки ажр бор: ўзи аҳли китоб бўлиб, набийсига, кейин Муҳаммад алайҳиссаломга иймон келтирган кишига ва Аллоҳнинг ҳаққи ва хожасининг ҳаққини адо этган қулга ҳамда хизматкор қизни тарбиясига олиб, унга чиройли одоб, яхши таълим бериб, кейин уни озод қилиб турмушга узатган кишига иккита савоб бор», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

239-боб
Фасод-фитна кўпайиб кетганида ибодатга машғул бўлишнинг фазилати тўғрисида

1365/1. Маъқал ибн Ясордан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Қийинчиликда ибодат қилиш менга (яъни, Маккадан Мадинага) ҳижрат қилинган кабидир», дедилар. *Имом Муслим ривояти.*

240-боб
Олди-сотди, олди-берди ва қарз бериш-қарз олишда мулойим бўлиш ҳамда ўлчаш ва тортишда кўпайтириб беришнинг фазилати ҳақида

Аллоҳ таоло:

«Қандай яхшилик қилсангиз, шубҳасиз, Аллоҳ уни билгувчидир» (Бақара сураси, 215-оят);

«Эй қавмим, ўлчов ва тарозини адолат билан тўла тортингиз! Одамларнинг нарсаларини уриб қолмангиз ва ерда бузғунчилик билан санқиб юрмангиз» (Ҳуд сураси, 85-оят);

«(Ўлчов ва тарозидан) **уриб қолгувчи кимсаларга ҳалокат бўлгай. Улар одамлардан** (бирон нарсани) **ўлчаб олган вақтларида тўла қилиб оладиган, уларга ўлчаб ёки тортиб берган вақтларида эса кам қилиб берадиган кимсалардир. Улар ўзларининг улуғ бир Кунда – барча одамлар бутун оламлар Парвардигори ҳузурида тик туриб** (ҳисоб-китоб берадиган қиёмат) **Кунида қайта тирилгувчи эканликларини ўйламайдиларми?»** (Мутаффифун сураси, 1–6-оятлар) деб айтган.

1366/1. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Бир киши Расулуллоҳдан ﷺ қарзини қўполлик билан талаб қилди. Бу нарсани кўриб саҳобалар (уни жазолашга) қасд қилишди. Расулуллоҳ ﷺ: «Қўйинглар, чунки ҳақдор кишининг сўзлашга ҳаққи бор», дедилар. Кейин у зот: «Туяга тенг туя беринглар», деган эдилар, саҳобалар: «Эй Аллоҳнинг расули, унинг туяси каби кичиги йўқ экан, ундан каттаси бор экан, холос», дейишди. Шунда Расулуллоҳ ﷺ: «Бераверинглар, сизларнинг яхшиларингиз қарзини чиройли тарзда тўловчиларингиздир», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

1367/2. Жобирдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Олди-сотдида ва қарзни талаб этишда мулойимлик қилган кишига Аллоҳ раҳм этсин», дедилар. *Имом Бухорий ривояти.*

1368/3. Абу Қатодадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «қиёмат куни кимни Аллоҳнинг қийинчиликлардан халос этиши хурсанд қилса, қарз берган бўлса, уни тез тўлашга мажбурламасин ёки берган қарзини кечиб юборсин», дедилар. *Имом Муслим ривояти.*

1369/4. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Бир киши одамларга қарз бериб юрар эди. Ва ўз яқинларига: «Агар қарздор киши қарзини бера олмаса, ундан олмай кечиб юборгин. Шоядки, Аллоҳ биздан ҳам қилган гуноҳларимизни кечиб юборса», дер экан. Қачонки, у вафот этиб Аллоҳга йўлиққанида, Аллоҳ ҳам унинг гуноҳини кечиб юборди», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

1370/5. Абу Масъуд ал-Бадрийдан ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Сизлардан аввал ўтганлардан бир киши ҳисобга чақирилди. Унинг номаи аъмолида бирор яхшилик топилмади. Лекин бу киши ҳаётлик пайтида бадавлат бўлиб, одамларга аралашиб юрарди. Ва ўзига қарашли болаларга қийналиб қолган кишиларнинг қарзидан кечиб юборишни буюрарди. Аллоҳ таоло: «Кечиб юборишга ундан кўра Биз ҳақлимиз. Унинг гуноҳини кечириб юборинглар», деди», дедилар. *Имом Муслим ривояти.*

1371/6. Ҳузайфадан ﷺ ривоят қилинади. Аллоҳ таоло ҳузурига бир бадавлат киши олиб келинди. Аллоҳ таоло унга: «Дунё ҳаётида нима қилдинг?» дейди. (Ҳузайфа ﷺ «қиёматда Аллоҳдан ҳеч бир сўзни яширмаслар» оятини ўқидилар.) Бу киши: «Эй Раббим, менга мол-дунёни бердинг. Мен одамлар билан олди-сотди қилар эдим. Одатларимдан бирига кўра, ўзига тўқларга қарз берган бўлсам, мулойим муомала қилар эдим. Агар қийналиб турган кишига қарз берсам, тўлаш учун узоқ муҳлат берар эдим», деди. Шунда Аллоҳ таоло: «Сендан кўра кечиб юборишга Мен ҳақлидирман. Унинг гуноҳини кечириб юборинглар», дейди.

Уқба ибн Омир ва Абу Масъуд Ансорийлар: «Биз Расулуллоҳ ﷺ оғизларидан мана шундай эшитдик», дейишди *(Имом Муслим ривояти)*.

1372/7. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Ким қарзини тўлашга қурби етмаган кишига тўлаши учун муҳлат берса ёки кечиб юборса, Аллоҳ таоло бирор соя йўқ кунда (қиёмат кунида) Аршдаги Ўз сояси ила соялантиради», дедилар. *Имом Термизий ривояти.*

1373/8. Жобирдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ бу кишидан бир туя сотиб олдилар. Ва пулини кўпайтириб бердилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

1374/9. Абу Савфон Сувайд ибн Қайсдан ﷺ ривоят қилинади: «Мен ва Маҳрама Абдий икковимиз Баҳрайн яқинидаги Ҳажар номли шаҳардан кийимлар олиб келдик. Расулуллоҳ ﷺ ҳузуримизга келиб иштонларни баҳолашдилар. Менинг бир тарозибоним бор эди. У ҳақ олиш эвазига нарсаларимни тортиб берар эди. Расулуллоҳ ﷺ ўша тарозибонимга: «Тортгин ва бироз оғирлатгин», дедилар». *Абу Довуд ва Термизий ривоятлари.*

1406/12. Абу Ҳумайд ас-Соъидийдан ﷺ ривоят қилинади. Саҳобалар: «Эй Аллоҳнинг расули, сизга қай тарзда саловот айтамиз?» дейишганида, Расулуллоҳ ﷺ: «(Сизлар) «Аллоҳумма солли ъала Муҳаммадин ва ъала азважиҳи ва зурриятиҳи кама соллайта ъала Иброҳима ва барик ъала Муҳаммадин ва ъала азважиҳи ва зурриятиҳи кама бараката ъала Иброҳима иннака ҳамидум мажид», деб айтинглар», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

Зикрлар китоби
244-боб
Зикрнинг фазилати ва унга тарғиб қилиш ҳақида

Аллоҳ таоло:

«Аниқки, Аллоҳни зикр қилмоқ (барча нарсадан) **улуғроқдир»** (Анкабут сураси, 45-оят);

«Бас, Мени эслангиз, Мен ҳам сизларни эслайман» (Бақара сураси, 152-оят);

«Парвардигорингизни ичингизда ёлвориб, қўрқиб, дилдан эртаю кеч ёд қилинг ва ғофил кимсалардан бўлманг!» (Аъроф сураси, 205-оят);

«Аллоҳни кўп зикр қилингларки, шояд, нажот топурсизлар» (Жума сураси, 10-оят);

«... Аллоҳни кўп зикр қилгувчи эркаклар ва (Аллоҳни кўп) **зикр қилгувчи аёллар – улар учун Аллоҳ мағфират ва улуғ мукофот** (яъни, жаннат) **тайёрлаб қўйгандир»** (Аҳзоб сураси, 35-оят);

«Эй мўминлар, Аллоҳни кўп зикр қилинглар. Ва эрта-ю кеч У Зотни поклаб-тасбеҳ айтинглар» (Аҳзоб сураси, 41–42-оятлар), деб айтган.

1407/1. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Икки калима борки, улар тилга енгил, тарозида оғир ва Раҳмонга маҳбубдир. Улар: «Субҳаналлоҳи ва биҳамдиҳи, субҳаналлоҳил ъазийм»дир», деб айтдилар (маъноси: «Аллоҳни ҳамд айтиш ва улуғлаш билан поклайман»). *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

1408/2. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Менинг «Субҳаналлоҳи валҳамду лиллаҳи ва ла илаҳа иллаллоҳу валлоҳу акбар», дейишим мен учун қуёш чиқиб нур сочганидан яхшироқдир», дедилар. *Имом Муслим ривояти.*

1409/3. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Ким «Ла илаҳа иллаллоҳу ваҳдаҳу ла шарийка лаҳ, лаҳул мулку ва лаҳул ҳамду ва ҳува ъала кулли шай`ин қодийр», деб бир кунда юз марта айтса, ўнта қул озод қилган баробарида бўлибди. Унга юзта ҳасанот ёзилиб, юзта ёмонлиги ўчирилади, кеч киргунича шайтондан омонда бўлади. Унинг бу амалидан афзалроқ ишни ҳеч ким қила олмайди. Фақат шу калималарни кўпроқ айтган киши ўзиб кетиши мумкин», дедилар. Ва яна Расулуллоҳ: «Ким «Субҳаналлоҳи ва биҳамдиҳи», деб бир кунда юз марта айтса, хатолари денгиз кўпигича бўлса ҳам, кечиб юборилади», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

1410/4. Абу Айюб Ансорийдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Ким «Ла илаҳа иллаллоҳу ваҳдаҳу ла шарийка лаҳ, лаҳул мулку ва лаҳул ҳамду ва ҳува ъала кулли шай`ин қодийр», деб ўн марта айтса, Исмоил зурриётидан тўрт кишини озод қилгандек бўлади», дедилар (маъноси: «Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ, У ёлғиз, Унинг шериги ҳам йўқ, бутун мулк Уники, ҳамд ҳам Унга хос ва У ҳар бир нарсага қодирдир»). *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

1411/5. Абу Заррдан ﷺ ривоят қилинади: «Расулуллоҳ ﷺ менга: «Аллоҳ таолога энг маҳбуб бўлган каломни айтайми? Аллоҳ таоло учун каломларнинг энг яхшиси «Субҳаналлоҳи ва биҳамдиҳи», деб айтишингдир», дедилар». *Имом Муслим ривояти.*

1412/6. Абу Молик Ашъарийдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Поклик иймоннинг ярмидир. «Алҳамдулиллаҳ» калимаси тарозини

тўлдиради. «Субҳаналлоҳи валҳамду лиллаҳи» эса ер билан осмонни тўлдиради», дедилар. *Имом Муслим ривояти.*

1413/7. Саъд ибн Абу Ваққосдан ﷺ ривоят қилинади. Бир аъробий Расулуллоҳ ﷺ ҳузурларига келиб: «Менга бир калом ўргатинг, уни айтиб юрай», деди. Шунда Расулуллоҳ ﷺ: «Ла илаҳа иллаллоҳу ваҳдаҳу ла шарийка лаҳ. Аллоҳу акбар кабийро валҳамду лиллаҳи касийро ва субҳаналлоҳи роббил ъаламийн, ла ҳавла ва ла қуввата илла биллаҳил ъазийзил ҳакийм»ни ўргатдилар. (Маъноси: «Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ, У яккаю ёлғиздир. Унинг шериги ҳам йўқ. Аллоҳ жуда буюк, Аллоҳга чексиз ҳамд бўлсин, оламлар Рабби Аллоҳ барча айбу нуқсонлардан покдир, ҳаким ва азиз бўлган Аллоҳдан ўзгада ўзгартириш ҳам, қувват ҳам йўқ».) Кейин ҳалиги аъробий: «Эй Расулуллоҳ, бу айтганларингиз Раббим учун, мен учун-чи?» деб сўради. Расулуллоҳ: «(Унда) «Аллоҳуммағфир лий варҳамний ваҳдиний варзуқний», деб айт», дедилар (маъноси: «Аллоҳим, мени мағфират қил, менга раҳм айла, мени ҳидоят эт, мени ризқлантир». *Имом Муслим ривояти.*

1414/8. Савбондан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ намозни тугатсалар, уч марта «Астағфируллоҳ», деб, сўнгра «Аллоҳумма антас салом ва минкас салом, таборакта йа зал Жалали вал икром», деб айтадилар (маъноси: «Эй Аллоҳим, Сен саломсан ва салом Сендандир. Эй улуғ ва ҳурматли Зот, Сен баракотлисан»). Мана шу ҳадис ровийларидан бири Авзоъийга «Истиғфор қандай бўлади?» дейилганда, у зот: «(Унда) «Астағфируллоҳ, астағфируллоҳ», дейилади», деб айтдилар. *Имом Муслим ривояти.*

1415/9. Муғийра ибн Шўъбадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ намоздан фориғ бўлсалар, «Ла илаҳа иллаллоҳу ваҳдаҳу ла шарийка лаҳ, лаҳул мулку ва лаҳул ҳамду ва ҳува ъала кулли шай`ин қодир. Аллоҳумма ла маниъа лима аътойта ва ла муътийа лима манаъта ва ла йанфаъу зал жадди минкал жадд»ни ўқир эдилар (маъноси: «Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ, Унинг шериги ҳам йўқ. Мутлақ мулк Уники ва ҳамд ҳам Унгадир. У ҳар нарсага қодирдир. Эй Раббим, Сен берган нарсани ман қилувчи йўқ. Ва Сен ман қилган нарсани берувчи йўқ. Буюклик Сендандир, бошқанинг буюклиги фойда бермайди»). *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

1416/10. Абдуллоҳ ибн Зубайрдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ ҳар намоз кетидан салом бергандан кейин «Ла илаҳа иллаллоҳу ваҳдаҳу ла шарийка лаҳ, лаҳул мулку ва лаҳул ҳамду ва ҳува ъала кулли шай`ин қодийр. Ла ҳавла ва ла қуввата илла биллаҳ, ла илаҳа иллаллоҳу ва ла наъбуду илла иййаҳ, лаҳун ниъмату вал фазлу ва лаҳус санаул ҳасан, ла илаҳа иллаллоҳу мухлисийна лаҳуд дийна ва лав кариҳал кафирун», деб айтар эдилар (маъноси: «Якка Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ. Унинг шериги ҳам йўқ. Мутлақ мулк Уники ва ҳамд ҳам Унгадир. У ҳар бир ишга қодирдир.

Аллоҳдан бошқада ўзгартириш ва қувват йўқ. Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ. Унгагина ибодат қиламиз. Неъмат, фазл, чиройли сано У учундир. Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ. У учун дин холис қилинади, гарчи кофирлар кариҳ кўрсалар ҳам»).

Ибн Зубайр: «Расулуллоҳнинг ﷺ ўзлари ҳам ҳар намоз кетидан таҳлил айтар эдилар», деб айтдилар. *Имом Муслим ривояти.*

1417/11. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Камбағал муҳожирлар Расулуллоҳ ﷺ ҳузурларига келиб: «Эй Аллоҳнинг расули, бадавлат биродарларимиз олий даражалар ва доимий неъматларга эришишмоқда, улар биз ўқигандек намоз ўқишади ва биз тутгандек рўза тутишади. (Камига) садақа бериб ҳаж ва умра ибодатларини бажариб, жиҳодларда ҳам иштирок этишади», дейишганда, Расулуллоҳ ﷺ: «Мен сизларга бир нарсани ўргатайми? Агар шу айтган нарсамни бажарсанглар, сизлардан ўзиб кетганларга етиб оласизлар ва кейингилардан ўзиб кетасизлар. Ҳеч ким сизлардан афзал бўла олмайди. Фақат сизлар бажаргандек амал қилишса, афзал бўлишади», деганларида, улар: «Ҳа, ўргатинг», дейишди. Шунда Расулуллоҳ ﷺ: «Ҳар намоз кетидан ўттиз уч марта «Субҳаналлоҳ», ўттиз уч марта «Алҳамдулиллаҳ» ва ўттиз уч марта «Аллоҳу акбар», деб айтинглар», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

Имом Муслим ривоятларида эса қуйидагилар билан зиёда қилинган: «Озгина фурсатдан кейин яна камбағал муҳожирлар Расулуллоҳ ﷺ ҳузурларига келиб: «Эй Аллоҳнинг расули, бадавлат кишилар ҳам (бизга айтган нарсаларни) эшитиб, биз амал қилганимиз каби бажаришмоқда-ку», дейишганида, Расулуллоҳ ﷺ: «Бу Аллоҳнинг фазлу карами бўлиб, хоҳлаган кишисига беради», деб айтдилар».

Фойда: Аллоҳнинг бир кишини бадавлат қилиши ҳам, камбағал этиши ҳам синов ва имтиҳондир. Ҳақиқий мўмин камбағаллик пайтида сабр қилиб, бойиганда ҳаддидан ошмай, шукр қилади.

1418/12. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Ким ҳар намоз сўнгида ўттиз уч марта «Субҳаналлоҳ», ўттиз уч марта «Алҳамдулиллаҳ» ва ўттиз уч марта «Аллоҳу акбар», деб, охирида юзинчисини «Ла илаҳа иллаллоҳу ваҳдаҳу лаа шарийка лаҳ, лаҳул мулку ва лаҳул ҳамду ва ҳува ъала кулли шайъин қодир», деб айтса, агар гуноҳлари денгиз кўпигича бўлса ҳам, кечиб юборилади», дедилар. *Имом Муслим ривояти.*

1419/13. Каъб ибн Ужрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Фарз намозлари сўнгидан бажариладиган бир неча тасбеҳлар борки, уни айтувчи киши ноумид қолмайди. Улар ўттиз уч марта «Субҳаналлоҳ», ўттиз уч марта «Алҳамдулиллаҳ», ўттиз тўрт марта «Аллоҳу акбар»дир», деб айтдилар (Имом Муслим ривояти».

1420/14. Саъд ибн Абу Ваққосдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ ҳар намоз сўнгида ушбу калималарни айтиб паноҳ тилар эдилар: «Аллоҳумма инний аъузу бика минал жубни вал бухли ва аъузу бика мин ан арудда ила арзалил ъумури ва аъузу бика мин фитнатид дунйа ва аъузу бика мин фитнатил қобр» (маъноси: «Эй Раббим, қўрқоқликдан ва бахилликдан, умрнинг зое бўлишидан, дунё фитнасидан ва қабр фитнасидан паноҳ беришингни тилайман»). *Имом Бухорий ривояти.*

1421/15. Муоздан ﷺ ривоят қилинади: «Расулуллоҳ ﷺ қўлларимдан ушлаб: «Эй Муоз, Аллоҳга қасамки, мен сени яхши кўраман ва сенга ҳар намоз сўнгида «Аллоҳумма аъинний ъала зикрика ва шукрика ва ҳусни ъибадатик»ни айтишни тавсия қиламан», дедилар» (маъноси: «Эй Аллоҳим, Сени зикр этишда, Сенга шукр қилишда ва ибодатингни гўзал бажаришда менга ёрдам бер»). *Абу Довуд ривояти.*

1422/16. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Агар бирортангиз охирги ташаҳҳудни ўқиб бўлса, тўртта нарсадан паноҳ сўрасин: жаҳаннам азобидан, қабр азобидан, ҳаёт ва ўлим фитнасидан, Масиҳ Дажжолнинг фитнасидан», деб айтдилар. *Имом Муслим ривояти.*

1423/17. Алидан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ намозга турсалар, ташаҳҳуд билан саломнинг орасида (яъни, саловотдан кейин) «Аллоҳуммағфирлий ма қоддамту ва ма аххорту ва ма асрорту ва ма аъланту ва ма асрофту ва ма анта аъламу биҳи минний, антал муқоддим ва антал муаххир, ла илаҳа илла анта»ни ўқир эдилар (маъноси: «Эй Раббим, олдингию кейинги, ошкораю махфий ва исрофгарчилик билан қилган гуноҳларимни ва мендаги Ўзинг билган гуноҳларимни кечир. Албатта, Сен аввалги ва охиргидирсан, Сендан бошқа илоҳ йўқ»). *Имом Муслим ривояти.*

1424/18. Оишадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ (с.а.в) рукуълари ва саждаларида «Субҳанака аллоҳумма роббана ва биҳамдика, аллоҳуммағфирлий», деб айтишни кўпайтирардилар (маъноси: «Эй Раббим, Сенга ҳамд айтиб, Сени поклайман. Эй Раббим, гуноҳларимни мағфират қил»). *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

1425/19. Оишадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ рукуъ ва саждаларида «Суббуҳун қуддусур роббул малаикати варруҳ» («Фаришталар ва Жаброилнинг Рабби суббуҳ ва қуддус сифатли Аллоҳдир»), деб айтар эдилар. *Имом Муслим ривояти.*

1426/20. Ибн Аббосдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Рукуъда Аллоҳни улуғланглар, саждада дуони кўпайтиринглар, чунки (саждадаги дуо) ижобат бўлишга лойиқдир», дедилар. *Имом Муслим ривояти.*

1427/21. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Банданинг Раббига энг яқин бўладиган пайти саждада турганидадир. Унда (саждада) дуони кўпайтиринглар», дедилар. Имом Муслим ривояти.

1428/22. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ саждаларида «Аллоҳуммағфирлий замбий куллаҳу, диққоҳу ва жиллаҳу ва аввалаҳу ва ахироҳу ва ъаланийатаҳу ва сирроҳ»ни айтар эдилар (маъноси: «Эй Аллоҳим, гуноҳларимнинг ҳаммасини, озини ва кўпини, аввалгиси ва охиргисини, очиқчасини ва махфийини кечир»). *Имом Муслим ривояти.*

1429/23. Оишадан ﷺ ривоят қилинади: «Бир куни Расулуллоҳни ﷺ тополмай қолдим. Ахтариб борсам, рукуъ (ёки сажда) қилаётган эканлар. Унда «Субҳанака ва биҳамдика ла илаҳа илла анта»ни айтаётган эдилар» (маъноси: «Сенга ҳамд айтиш билан Сени поклайман. Сендан бошқа илоҳ йўқ»). Бошқа ривоятда Оиша онамиз айтадилар: «Менинг қўлим Расулуллоҳнинг ﷺ оёқларига тегиб кетди. У зот оёқларини узатиб саждада турганларида «Аллоҳумма аъузу бика биризока мин сахотика ва бимуъафатика мин ъуқубатика ва аъузу бика минка, ла ахсий санаан ъалайк, анта кама аснайта ъала нафсик»ни ўқиётган эдилар» (маъноси: «Эй Раббим, Сенинг розилигингни шафеъ қилиб ғазабингдан, офиятингни шафеъ қилиб уқубатингдан паноҳ тилайман. Сенинг номинг ила ғазабингдан паноҳ тилайман. Мен Сенга сано айта олмасликдан паноҳ тилайман. Сен Ўзингга сано айтганингдексан»).

1430/24. Саъд ибн Абу Ваққосдан ﷺ ривоят қилинади: «Биз Расулуллоҳнинг ﷺ ҳузурларида эдик. У зот: «Бирортангиз бир кунда мингта ҳасанот касб қила оладими?» деб сўрадилар. Ўтирганлардан бири: «Мингта ҳасанотни қандай қилиб олиш мумкин?» деди. Расулуллоҳ ﷺ: «Ким юзта тасбеҳ айтса, мингта ҳасанот ёзилиб, мингта хатоси ўчирилади», дедилар». *Имом Муслим ривояти.*

1431/25. Абу Заррдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Сизлардаги ҳар бир бўғимингиз учун ҳар куни тонг отганда садақа бордир. Ҳар бир тасбеҳингиз (яъни, «Субҳаналлоҳ», дейишингиз) садақадир. Ҳар бир ҳамдингиз (яъни, «Алҳамдулиллаҳ», дейишингиз) ҳам садақадир. Ҳар бир таҳлилингиз (яъни, «Ла илаҳа иллаллоҳ», дейишингиз) ҳам садақадир. Ҳар бир такбирингиз (яъни, «Аллоҳу акбар», дейишингиз) ҳам садақадир. Яхшиликка буюришингиз ҳамда ёмонликдан қайтаришингиз ҳам садақадир. Чошгоҳ (зуҳо) пайтидаги икки ракат ўқиган намозингиз буларнинг барчасига кифоя қилади», дедилар. *Имом Муслим ривояти.*

1432/26. Уммул мўминин Жувайриядан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ эрталаб субҳ намози пайтида унинг (Жувайрия онамизнинг) ҳузуридан чиқиб кетдилар. У намоз ўқийдиган хонасида эди. Сўнгра зуҳо намозини ўқиб бўлиб қайтиб келсалар, Жувайрия онамиз ҳали ҳам ўтирган эди.

Шунда Расулуллоҳ: «Чиқиб кетганимдан бери шу ҳолатда ўтирибсанми?» деб сўрадилар. Онамиз ﵂: «Ҳа», дея жавоб берди. Расулуллоҳ ﷺ: «Мен сендан кейин тўртта калимани уч мартадан айтдим, агар улар тарозида ўлчанса, сен бугун айтган нарсалардан оғир келади. Улар: «Субҳаналлоҳи ва биҳамдиҳи ъадада холқиҳи ва ризо нафсиҳи ва зината ъаршиҳи ва мидада калиматиҳи» (маъноси: «Яратганларининг ададича, нафси рози бўлгунича, Аршнинг вазнича, калималарининг узунлигича Аллоҳга ҳамд айтаман ва Уни поклайман»)дир», дедилар. *Имом Муслим ривояти.*

Имом Муслимнинг бошқа бир ривоятида «Субҳаналлоҳи ъадада холқиҳи, субҳаналлоҳи ризо нафсиҳи, субҳаналлоҳи зината ъаршиҳи, субҳаналлоҳи мидада калиматиҳи», дейилган. (Маъноси: «Халқининг ададича Аллоҳни поклайман, нафси рози бўлгунича Аллоҳни поклайман, Аршнинг оғирлигича Аллоҳни поклайман, калималарининг узунлигича Аллоҳни поклайман».)

Имом Термизий ривоятида эса «Субҳаналлоҳи ъадада холқиҳи, субҳаналлоҳи ъадада холқиҳи, субҳаналлоҳи ъадада холқиҳи, субҳаналлоҳи ризо нафсиҳи, субҳаналлоҳи ризо нафсиҳи, субҳаналлоҳи ризо нафсиҳи, субҳаналлоҳи зината ъаршиҳи, субҳаналлоҳи зината ъаршиҳи, субҳаналлоҳи зината ъаршиҳи, субҳаналлоҳи мидада калиматиҳи, субҳаналлоҳи мидада калиматиҳи, субҳаналлоҳи мидада калиматиҳи» бўлиб келган.

1433/27. Абу Мусо Ашъарийдан ﵁ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Аллоҳни зикр қилиб юрадиган киши билан зикр қилмайдиган кишининг мисоли худди тирик билан ўликнинг мисоли кабидир», дедилар. *Имом Бухорий ривояти.*

Имом Муслимнинг ривоятларида «Аллоҳни зикр қилинадиган уй билан зикр қилинмайдиган уйнинг мисоли худди ўлик билан тирикнинг мисоли кабидир» бўлиб келган.

1434/28. Абу Ҳурайрадан ﵁ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ айтдилар: «Аллоҳ таоло: «Мен бандамни гумонидекдирман. Яъни, Менга қандай гумон қилса, ўшандоқ топади. Агар Мени зикр қилса, у билан биргадирман. Агар ёлғиз ўзи зикр қилса, Мен ҳам Ўзим зикр қиламан. Агар Мени жамоат орасида зикр қилса, Мен унинг жамоатидан яхшироқ бўлган гуруҳ орасида, яъни фаришталар орасида эслайман», деди». *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

1435/29. Абу Ҳурайрадан ﵁ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Муфарридлар олдинга ўзиб кетишди», дедилар. Шунда саҳобалар: «Муфарридлар деганингиз кимлар, эй Аллоҳнинг расули?» деб сўрашди. Расулуллоҳ ﷺ: «Аллоҳни зикр қилувчи эркаклар ва аёллар», дедилар. *Имом Муслим ривояти.*

1436/30. Жобирдан ﵁ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Зикрларнинг афзали «Ла илаҳа иллаллоҳ»дир», дедилар. *Имом Термизий ривояти.*

1437/31. Абдуллоҳ ибн Бусрдан ﷺ ривоят қилинади. Бир киши: «Эй Расулуллоҳ, Ислом шариати менга оғирлик қиляпти. Менга бир нарса ўргатингки, ана шуни маҳкам ушлай», деди. Шунда Расулуллоҳ ﷺ: «Доимо тилинг Аллоҳнинг зикри билан нам бўлиб юрсин», дедилар. *Имом Термизий ривояти.*

1438/32. Жобирдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Ким «Субҳаналлоҳи ва биҳамдиҳи», деса, у киши учун жаннатда бир хурмо экилади», дедилар. *Имом Термизий ривояти.*

1439/33. Ибн Масъуддан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ бундай деганлар: «Исро кечаси Иброҳим алайҳиссаломга йўлиқдим. У зот: «Эй Муҳаммад, умматингизга мендан салом айтинг ва жаннатнинг тупроғи пок, суви ширин ва ўзи текис, ўсимлиги «Субҳаналлоҳи валҳамду лиллаҳи ва ла илаҳа иллаллоҳу валлоҳу акбар» эканини уларга хабар беринг», дедилар». *Имом Термизий ривояти.*

1440/34. Абу Дардодан ﷺ ривоят қилинади. Набий ﷺ: «Раббингиз ҳузурида амалларнинг яхшиси, даражангизни баланд қилувчиси, пул ва олтинларни инфоқ қилишдан афзалроқ бўлганини ва душманингизга йўлиқиб, унинг бўйнига қилич уришдан ҳам яхши нарсани айтаймми?» деганларида, саҳобалар: «Айтинг», дейишди. Шунда Расулуллоҳ ﷺ: «Аллоҳни зикр қилиш», дедилар. *Имом Термизий ривояти.*

Имом Ҳоким бу ҳадис исноди саҳиҳдир, дедилар.

1441/35. Саъд ибн Абу Ваққосдан ﷺ ривоят қилинади. Бу зот Расулуллоҳ алайҳиссалом билан бир аёлнинг ҳузурига кирдилар. Унинг олдида данак (ёки майда тошлар) бор эди. Аёл ана шуларни санаб тасбеҳ айтарди. Расулуллоҳ ﷺ унга: «Бундан енгилроқ ва афзалроқ нарсани айтайми? «Субҳаналлоҳи ъадада ма холақо фис-самаи ва субҳаналлоҳи ъадада ма холақо фил-арзи ва субҳаналлоҳи ъадада ма байна залика ва субҳаналлоҳи ъадада ма ҳува холиқ», деб айт», дедилар. (Маъноси: «Осмонда яратган нарсалари ададича Аллоҳни поклайман, ерда яратган нарсалари ададича Аллоҳни поклайман, у иккаласи орасидаги нарсалар ададича Аллоҳни поклайман ва У яратадиган нарсалари ададича Аллоҳни поклайман».) «Аллоҳу акбар», «алҳамдулиллаҳ», «ла илаҳа иллаллоҳ», «ла ҳавла ва ла қуввата илла биллаҳ» калималарини ҳам худди «субҳаналлоҳ»ни айтгандек айтади. (Яъни, «Аллоҳу акбар ъадада ма холақо фис-самаи ва Аллоҳу акбар ъадада ма холақо фил-арзи...» деб.) *Имом Термизий ривояти.*

1442/36. Абу Мусо Ашъарийдан ﷺ ривоят қилинади: «Расулуллоҳ ﷺ менга: «Жаннат хазиналаридан бирини сенга айтаймми?» дедилар. Мен: «Ҳа, айтинг, эй Расулуллоҳ», дедим. Шунда у зот: «(Сен) «Ла ҳавла ва ла

қуввата илла биллаҳ»ни айт, у жаннат хазиналаридандир», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

245-боб
Аллоҳ таолони тик туриб, ўтириб ва ёнбошлаб зикр қилиш ҳақида

Аллоҳ таоло:

«Албатта осмонлар ва ернинг яралишида ҳамда кеча ва кундузнинг алмашиниб туриш ида ақл эгалари учун (бир яратувчи ва бошқариб тургувчи Зот мавжуд эканлигига) **оят-аломатлар бор. Улар турганда ҳам, ўтирганда ҳам, ётганда ҳам Аллоҳни эслайдилар»** (Оли Имрон сураси, 190–191-оятлар), деб айтган.

1443/1. Оишадан ﵂ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ барча ҳолатларда Аллоҳни зикр қилиб юрардилар. *Имом Муслим ривояти.*

1444/2. Ибн Аббосдан ﵄ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Агар сизлардан бирингиз ўз аҳли ҳузурига келиб, (жимоъ қилишни хоҳлаб) «Бисмиллоҳи, аллоҳумма жаннибнаш шайтона ва жаннибиш шайтона ма розақтана», деса, ўрталарида бола бўлиб қолса, унга у (шайтон) зарар бера олмайди», дедилар (маъноси: «Аллоҳнинг исми ила, Аллоҳим, бизни шайтондан ва шайтонни Сен бизга ризқ қилиб берган фарзандимиздан йироқ қилгин»). *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

246-боб
Ухлашга ётаётганда ва уйғонганда айтиладиган зикрлар

1445/1. Ҳузайфа ва Абу Заррдан ﵄ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ агар тўшакларига ётсалар: «Бисмикаллоҳумма аҳя ва амувту», яъни «Аллоҳим, Сенинг исминг билан тириламан ва ўламан», деб айтардилар. Агар уйғонсалар: «Алҳамду лиллаҳиллазий аҳяна баъда ма аматана ва илайҳин нушур», яъни «Ўлдиргандан кейин қайта тирилтирган Аллоҳга ҳамд бўлсин. Қайтиш, яъни тирилиш Унинг Ўзигадир», деб айтардилар. *Имом Бухорий ривояти.*

247-боб
Зикр халқаларининг фазилати, унда бардавом бўлишга даъват ҳамда узрсиз уни тарк қилишдан қайтарилгани ҳақида

Аллоҳ таоло:

«Сиз ўзингизни эртаю кеч Парвардигорларининг юзини – розилигини истаб, Унга дуо-илтижо қиладиган зотлар билан бирга

тутинг! Кўзларингиз ҳаёти дунё зийнатларини кўзлаб, улардан ўтиб (ўзга аҳли дунёларга боқмасин)**»** (Каҳф сураси, 28-оят), деб айтган.

1446/1. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Аллоҳнинг фаришталари зикр аҳлларини қидириб йўлларда айланиб юришади. Агар Аллоҳни зикр қилиб юрган қавмни топишса, бир-бирларини чақириб, эҳтиёжларингизга керакли нарсага келинглар, дейишади. Ва ўша зикр қилувчиларни қанотлари билан ўраб, то дунё осмонигача етишади. Аллоҳ таоло билиб туриб: «Бандаларим нима дейишмоқда?» деб сўрайди. Фаришталар: «Бандаларинг тасбеҳ (Субҳаналлоҳ), такбир (Аллоҳу акбар), ҳамд (Алҳамдулиллаҳ) айтиб Сени улуғлашмоқда», дейишади. Аллоҳ таоло: «Бандаларим Мени кўришганми?» деб сўрайди. Фаришталар: «Йўқ, Сени кўришмаган», дейишади. Аллоҳ таоло: «Агар кўришса, нима қилишар эди?» дейди. Фаришталар: «Агар кўришганида эди, яна ҳам кўпроқ ибодат қилишар ҳамда улуғлаш, тасбеҳ айтишни кўпайтиришар эди», дейишади. Аллоҳ таоло: «Улар Мендан нимани сўрашмоқда?» дейди. Фаришталар: «Бандаларинг жаннат сўрашади», дейишади. Аллоҳ таоло: «Жаннатни кўришганми?» дейди. Фаришталар: «Валлоҳи, эй Рабб, кўришмаган», дейишади. Аллоҳ таоло: «Агар кўришса, қандай бўлар эди?» дейди. Фаришталар: «Агар жаннатни кўришганида, бундан кўра ҳарис, талабгор бўлиб, рағбат қилишар эди», дейишади. Аллоҳ таоло: «Нима нарсадан паноҳ тилашмоқда?» деб сўрайди. Фаришталар: «Дўзахдан паноҳ тилашади», дейишади. Аллоҳ таоло: «Дўзахни кўришганми?» деб сўрайди. Фаришталар: «Йўқ, кўришмаган», дейишади. Аллоҳ таоло: «Агар кўришса, қандай бўлар эди?» дейди. Фаришталар: «Агар кўришганида эди, бундан-да қаттиқ қўрқиб қочишар эди», дейишади. Шунда Аллоҳ таоло: «Сизлар гувоҳ бўлинглар, Мен уларнинг гуноҳларини кечирдим», дейди. Фаришталардан бири: «Уларнинг ичида фалон киши бу тоифадан эмас. Фақатгина ўзининг ҳожати учун келиб қўшилмоқда», дейди. Аллоҳ таоло: «У зикр аҳллари билан суҳбатдошдир. Зикр аҳллари билан бир ўтирганлар ҳаргиз бадбахт бўлишмайди», деб айтади», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

Имом Муслимнинг Абу Ҳурайрадан ﷺ қилган ривоятида айтилишича, Расулуллоҳ ﷺ: «Албатта Аллоҳ таолонинг (саёҳат қилувчи Ҳафаза номли фаришталаридан бошқа) Фузало номли фаришталари бўлиб, улар зикр қилинувчи мажлисларни ахтариб юришади. Агар зикр қилинаётган мажлисни топишса, улар билан бирга ўтиришади. Бир-бирларини қанотлари билан ўраб, зикр қилувчилар ўтирган мажлис билан осмон ўртаси фаришталарга тўлиб кетади. Қачонки, мажлис аҳли тарқалиб кетишса, фаришталар ҳам осмонга кўтарилишади. Аллоҳ таоло билиб туриб: «Қаердан келдинглар?» деб сўрайди. Фаришталар: «Ердаги бандаларинг ҳузуридан. Улар сенга тасбеҳ, такбир, таҳлил ва ҳамд айтиб, Сендан (ҳожатларини) сўрашмоқда», дейишади. Аллоҳ таоло: «Мендан нимани сўрашмоқда?» деса, фаришталар: «Жаннатингни сўрашади», дейишади.

Аллоҳ таоло: «Жаннатимни кўришганми?» деса, фаришталар: «Йўқ, эй Рабб», дейишади. Аллоҳ таоло: «Агар жаннатимни кўришса, қандай бўлар эди?» деса, фаришталар: «Сенинг паноҳингга қочишар эди», дейишади. Аллоҳ таоло: «Нимадан паноҳимга қочишади?» дейди. Фаришталар: «Эй Рабб, дўзахингдан», дейишади. Аллоҳ таоло: «Дўзахимни кўришганми?» дейди. Фаришталар: «Йўқ», дейишади. Аллоҳ таоло: «Агар дўзахимни кўришса, қандай бўлар эди?» дейди. Фаришталар: «Истиғфор айтишади», дейишади. Аллоҳ таоло: «Мен уларнинг гуноҳларини кечирдим. Сўраган нарсаларини бердим. Паноҳ тилаган нарсаларидан паноҳ бердим», дейди. Фаришталар: «Эй Рабб, уларнинг ичида хатокор фалончи бир банда бордир. У аҳли зикрлар олдиларидан ўта туриб улар билан бирга ўтириб қолди», дейишса, Аллоҳ таоло: «Унинг ҳам гуноҳларини кечирдим, чунки бу жамоа билан ўтирган одам бадбахт бўлмайди», дейди», дедилар.

1447/2. Абу Ҳурайра ва Абу Саиддан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Бир қавм ўтириб Аллоҳни зикр қилса, уларни фаришталар ўраб олишади ва раҳмат қоплайди. Устиларига хотиржамлик тушади. Аллоҳ уларни Ўзининг ҳузуридагилар (яъни, фаришталар) билан эслайди», дедилар. *Имом Муслим ривояти.*

1448/3. Абу Воқид Ҳорис ибн Авфдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ масжидда одамлар билан бирга ўтирган эдилар. Уч нафар киши келиб, иккиси Расулуллоҳга ﷺ юзланди. Аммо бири (мажлисга қатнашмай) кетиб қолди. Яъни, иккиси Расулуллоҳ ﷺ ҳузурларида тўхтаб, уларнинг бири халқадан бўш жой топиб, у ерга ўтирди. Иккинчиси эса орқага ўтирди. Учинчиси орқа ўгириб кетиб қолди. Қачонки, Расулуллоҳ ﷺ фориғ бўлганларидан кейин: «Мен сизларга мана бу уч нафар киши ҳақида хабар берайми? Уларнинг бири Аллоҳга яқин бўлган эди, Аллоҳ ҳам унга яқин бўлди. Иккинчиси ҳаё қилган эди, Аллоҳ ҳам ҳаё қилди. Учинчиси (ўтиришдан) юз ўтирган эди, Аллоҳ ҳам ундан юз ўгирди», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

1449/4. Абу Саид ал-Худрийдан ﷺ ривоят қилинади. Бир куни Муовия ﷺ масжиддаги (зикр) халқаларидан бирига чиқиб: «Сизларни бундай ўтиришга нима нарса ундади?» деб сўраганларида, улар: «Аллоҳни зикр қилиш учун ўтирибмиз», дейишди. Муовия ﷺ: «Аллоҳга қасамки, сизлар фақат шунинг учун ўтирдиларингми?» дегандилар, улар: «Ҳа, фақат шунинг учун ўтирдик», дейишди. Шунда Муовия ﷺ: «Мен сизларга туҳмат қилиб қасам бермадим, лекин ҳеч ким Расулуллоҳга ﷺ менчалик яқин эмас. Яқин бўлишимга қарамасдан у зотдан оз ҳадис ривоят қилганман. Бир куни саҳобалар халқа бўлиб ўтирганларида, Расулуллоҳ ﷺ уларнинг олдиларига чиқиб: «Сизларни бундай ўтиришга нима нарса ундади?» деб сўрадилар. Саҳобалар: «Аллоҳни зикр қилиш ва бизни Исломга ҳидоят қилганига ҳамд айтиш учун ўтирибмиз», дейишди. Шунда Расулуллоҳ ﷺ: «Аллоҳга қасамки, мана шунинг учун ўтирдингларми? Мен сизларга туҳмат қилиб қасам

бермадим. Лекин менга Жаброил (алайҳиссалом) келиб, Аллоҳ таоло сизлар билан фаришталарига фахрланаётганининг хабарини берди», дедилар», деб айтдилар. *Имом Муслим ривояти.*

248-боб
Эрталаб ва кечқурун Аллоҳнинг зикри билан машғул бўлиш ҳақида

Аллоҳ таоло:

«Парвардигорингизни ичингизда ёлвориб, қўрқиб, дилдан эртаю кеч ёд қилинг ва ғофил кимсалардан бўлманг» (Аъроф сураси, 205-оят);

«Қуёш чиқишидан илгари ва ботишидан аввал Парвардигорингизга ҳамду сано айтиш билан (У Зотни) **покланг – намоз ўқинг»** (Тоҳо сураси, 130-оят);

«Туну кун Парвардигорингизга ҳамду сано айтиш билан (У Зотни) **покланг»** (ўофир сураси, 55-оят);

«(У чироқ) **бир уйларда** (яъни, масжидларда ёқилурки)**, Аллоҳ уларни баланд кўтариб,** (бино) **қилинишига ва уларда Ўзининг номи зикр қилинишига изн берган** (яъни, амр қилган) **эди.** (У масжидларда) **эртаю кеч У Зотни поклайдиган кишилар борки, уларни на тижорат ва на олди-сотди Аллоҳни зикр қилишдан, намозни тўкис адо этишдан ва закотни** (ҳақдорларга) **ато этишдан машғул қила олмас»** (Нур сураси, 36-оят);

«Албатта Биз тоғларни кечки пайт ва эрталаб (яъни, мудом) **у билан бирга тасбеҳ айтадиган қилиб бўйинсундириб қўйдик»** (Сод сураси, 18-оят), деб айтган.

1450/1. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ «Ким тонг отганда ва кеч кирганда «Субҳаналлоҳи ва биҳамдиҳи», деб юз марта айтса, қиёмат куни бирор киши ундан афзал бўла олмайди. Фақатгина у каби айтса ёки ундан зиёда қилса, афзал бўлади, холос», дедилар. *Имом Муслим ривояти.*

1451/2. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Бир киши Расулуллоҳ ﷺ ҳузурларига келиб: «Эй Расулуллоҳ, кеча мени чаён чақиб олди», деди. Шунда Набий ﷺ: «Кеч кирганида «Аъузу бикалиматиллаҳит таммати мин шарри ма холақ», десанг, сенга ҳеч нарса зарар бермайди», дедилар (маъноси: «Аллоҳнинг ҳамма калималари билан У яратган нарсаларнинг ёмонлигидан паноҳ тилайман»). *Имом Муслим ривояти.*

1452/3. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ тонг отганида: «Аллоҳумма бика асбаҳна ва бика амсайна ва бика наҳйа ва бика намуту ва илайкан нушур» («Аллоҳим, Сенинг номинг ила тонг оттирдик, Сенинг номинг ила кеч киргиздик. Сенинг номинг ила тириламиз ва Сенинг номинг ила ўламиз. Ва Сенга қайтажакмиз»), дер эдилар. Кеч кирганида эса: «Аллоҳумма бика амсайна ва бика наҳйа ва бика намуту ва илайкан нушур» («Аллоҳим, Сенинг номинг ила кеч киргиздик. Сенинг номинг ила тириламиз ва Сенинг номинг ила вафот этамиз. Ва Сенга қайтажакмиз»), деб айтар эдилар. *Абу Довуд ва Термизий ривоятлари.*

1453/4. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Абу Бакр Сиддиқ ﷺ: «Эй Расулуллоҳ, менга бирор калимани ўргатинг, уни тонг отганида ва кеч кирганида айтиб юрай», дедилар. Шунда Расулуллоҳ ﷺ: «(Сиз) «Аллоҳумма фатирос самавати вал арзи ъалимал ғойби ваш шаҳадати робба кулли шай`ин ва малийкаҳ, ашҳаду алла илаҳа илла анта, аъузу бика мин шарри нафсий ва шарриш шайтони ва ширкиҳи», деб тонг отганида, кеч кирганида ва тўшагингизга ётганингизда айтиб юринг», дедилар (маъноси: «Эй еру осмонни бор қилган Аллоҳим, эй ғойибни ва шоҳидни билувчи Раббим, Сен ҳар бир нарсанинг Парвардигори ва подшоҳидирсан. Гувоҳлик бераманки, Сендан бошқа илоҳ йўқ. Нафсимнинг ёмонлигидан ва шайтоннинг ёмонлигию ҳийласидан Сенинг номинг ила паноҳ тилайман»). *Абу Довуд ва Термизий ривоятлари.*

1454/5. Абдуллоҳ ибн Масъуддан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ кеч кирса: «Амсайна ва амсал мулку лиллаҳ, валҳамду лиллаҳи ла илаҳа иллаллоҳу ваҳдаҳу ла шарийка лаҳ, лаҳул мулку ва лаҳул ҳамду ва ҳува ъала кулли шай`ин қодийр. Робби ас`алука хойро ма фий ҳазиҳил лайлати ва хойро ма баъдаҳа ва аъузу бика мин шарри ма фий ҳазиҳил лайлати ва шарри ма баъдаҳа, робби аъузу бика минал касали ва су`ул кибар. Аъузу бика мин ъазабин нари ва ъазабин фил қобр», деб айтар эдилар. Агар тонг отса: «Асбаҳна ва асбаҳал мулку лиллаҳ», деб, қолганини юқоридегидек давом эттирардилар (маъноси: «Биз ҳам, бутун мулк ҳам Аллоҳники бўлган ҳолда кеч киргизди. Аллоҳга ҳамд бўлсин. Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ. Унинг шериги ҳам йўқ. Мутлақ мулк Уникидир. Мақтов ҳам Унга хосдир. У ҳар нарсага қодирдир. Эй Раббим, Сендан бу кечанинг яхшиликларини ва ундан кейинги яхшиликларни сўрайман. Бу кечанинг ёмонлигидан ва ундан кейинги кечанинг ёмонлигидан Сендан паноҳ тилайман. Эй Раббим, Сенинг номинг ила дангасаликдан ва ёмон кибрликдан паноҳ тилайман. Яна дўзах ва қабр азобидан ҳам паноҳ тилайман». *Имом Муслим ривояти.*

1455/6. Абдуллоҳ ибн Хубайбдан ﷺ ривоят қилинади: «Расулуллоҳ ﷺ менга «(Сен) «Қул ҳуваллоҳу аҳад... », «Қул аъузу бироббил фалақ... », «Қул аъузу бироббин нас... » сураларини кечки пайт ва эрталаб уч мартадан айтсанг, сенга ҳар бир нарсада кифоя қилади», дедилар». *Абу Довуд ва Термизий ривоятлари.*

1456/7. Усмон ибн Аффондан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Бирор бир банда ҳар тонгда ва тунда «Бисмиллаҳиллазий ла йазурру маъасмиҳи шай`ун фил арзи ва ла фис самаи ва ҳувас самийъул ъалийм», деб уч марта айтса, унга бирор нарса зарар бермайди», дедилар (маъноси: «Шундай Аллоҳнинг исми билан бошлайманки, Унинг исми туфайли еру осмонда бирор нарса зарар бера олмайди. У эшитувчи ва билувчи Зотдир»). *Абу Довуд ва Термизий ривоятлари.*

249-боб
Ухлаш олдидан айтиладиган зикрлар ҳақида

Аллоҳ таоло:

«Албатта осмонлар ва ернинг яралишида ҳамда кеча ва кундузнинг алмашиниб туришида ақл эгалари учун (бир яратувчи ва бошқариб тургувчи Зот мавжуд эканлигига) **оят-аломатлар борздир. Улар турганда ҳам, ўтирганда ҳам, ётганда ҳам Аллоҳни эслайдилар ҳамда осмонлар ва ернинг яралиши ҳақида тафаккур қиладилар»** (Оли Имрон сураси, 191-оят), деб айтган.

1457/1. Ҳузайфа ﷺ ва Абу Заррдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ ўринларига ётсалар: «Бисмикаллоҳумма аҳйа ва амуту», дер эдилар. (Маъноси: «Аллоҳим, Сенинг исминг билан тириламан ва ўламан».) *Имом Бухорий ривояти.*

1458/2. Алидан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ Фотима билан Алига (розийаллоҳу анҳумо): «Тўшакка ёки ўрнингизга ётсангиз, ўттиз уч мартадан «Субҳаналлоҳ», «Алҳамдулиллаҳ», «Аллоҳу акбар», денглар», деб тайинлаганлар.

Бошқа ривоятда айтилишича, Расулуллоҳ ﷺ: «Тасбеҳни ўттиз тўрт марта айтингиз», яна биттасида «Такбирни ўттиз тўрт марта айтингиз», деганлар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

1459/3. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Киши тўшакка ётаётганида кўрпа ва изорини қоқиб ташласин. Чунки унинг орасида нима борлигини билмайди. Сўнг «Бисмика Роббий вазоъту жамбий ва бика арфаъуҳу, ин амсакта нафсий фарҳамҳа ва ин арсалтаҳа фаҳфазҳа бима таҳфазу биҳи ъибадакас солиҳийн», деб айтсин», дедилар. (Маъноси: «Эй Раббим, Сенинг исминг билан ётдим ва Сенинг исминг билан тураман. Агар менинг руҳимни олсанг, унга раҳм қил. Агар уни қўйиб юборсанг, яъни ҳаётда бардавом қилсанг, худди солиҳ бандаларингни сақлаганингдек, уни ҳам ҳифзу ҳимоянгга ол».) *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

1460/4. Оишадан ﵂ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ тўшакларига ётсалар, қўлларига суфлаб иккита «Қул аъузу... »ни ўқир, сўнг таналарига суртар эдилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

Икковларидан қилинган бошқа ривоятда айтилишича, Расулуллоҳ ﷺ агар кўрпаларига кирсалар, икки кафтларини жамлаб туриб, унга «Қул ҳуваллоҳу аҳад... », «Қул аъузу бироббил фалақ... », «Қул аъузу бироббиннас... » сураларини ўқиб қўллари етган жойларигача суртар эдилар. У икки кафтларини бошлари, юзлари ва жасадларининг олд томонидан бошлаб уч мартадан бажарардилар.

1461/5. Барро ибн Озибдан ﵁ ривоят қилинади: «Расулуллоҳ алайҳиссалом менга: «Агар тўшагингга келсанг, намозга таҳорат қилганингдек таҳорат ол, сўнг ўнг томонингга ёнбошлаб «Аллоҳумма асламту нафсий илайка ва важжаҳту важҳий илайка ва фаввазту амрий илайка ва алжа`ту зоҳрий илайк, роғбатан ва роҳбатан илайк, ла малжа`а ва ла манжа минка илла илайк, аманту бикитабикаллазий анзалта ва набиййикаллазий арсалта», деб айт. Бу нарсаларни ўқиб ётиб ўша кечаси вафот этсанг, Ислом фитратида ўласан. Ётишдан олдин охирги айтадиганинг шу бўлсин», дедилар». (Маъноси: «Аллоҳим, нафсимни Сенга таслим этдим. Юзимни Сенга қаратдим. Ишимни Сенга топширдим. Сенинг неъматингга рағбат қилиб, ғазабингдан қўрқиб, Сенга суяндим. Сендан бошқа қочадиганим ҳам, нажот топадиганим ҳам йўқ. Нозил қилган китобларингга ва юборган пайғамбарларингга иймон келтирдим».) *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

1462/6. Анасдан ﵁ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ тўшакларига ётадиган бўлсалар: «Алҳамду лиллаҳиллазий атъамана ва сақона ва кафана ва авана факам мимман ла кафийа лаҳу ва ла му`вий», деб айтар эдилар. (Маъноси: «Бизни едирган, ичирган, кифоя қилган ва бошпана берган Аллоҳга ҳамд бўлсин. Қанчадан-қанча кишиларнинг сақлагувчиси ва бошпана бергувчиси йўқ».) *Имом Муслим ривояти.*

1463/7. Ҳузайфадан ﵁ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ ётишни хоҳласалар, ўнг қўлларини чаккаларининг тагига қўйиб: «Аллоҳумма қиний ъазабака йавма табъасу ъибадак», деб айтардилар. (Маъноси: «Аллоҳим, бандаларингни қайта тирилтирадиган Кундаги азобингдан сақла».) *Имом Термизий ривояти.*

Абу Довуд ҳам Ҳафса онамиздан худди шу маънодаги ҳадисни ривоят қилиб «уч марта», деган сўзни қўшиб қўйдилар.

Дуолар китоби
250-боб
Дуолар фазилати ҳақида

Аллоҳ таоло:

«Парвардигорларингиз: «Менга дуо-илтижо қилинглар. Мен сизларга (қилган дуоларингизни) **мустажоб қилурман»** (ўофир сураси, 60-оят);

«Парвардигорингизга тазарру билан ичингизда (махфий) **дуо-илтижо қилингиз! Зотан, у ҳаддан ошувчи кимсаларни** (яъни, эл кўзига кўрсатиш учун риёкорлик қилувчиларни) **севмас»** (Аъроф сураси, 55-оят);

«Бандаларим сиздан (Эй Муҳаммад) **Мен ҳаққимда сўрасалар, Мен** (уларга) **яқинман. Менга дуо қилган пайтларида дуогўйларнинг дуосини ижобат қиламан»** (Бақара сураси, 186-оят);

«Ёки музтар-ночор одам дуо-илтижо қилган вақтида (дуосини) **ижобат қиладиган Зот... »** (Намл сураси, 62-оят) деб айтган.

1464/1. Нуъмон ибн Баширдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Дуо – ибодатдир», дедилар. *Абу Довуд ва Термизий ривоятлари.*

1465/2. Оишадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ кўп нарсаларни ўзида қамровчи дуоларни яхши кўрардилар. Ва бундан бошқасини тарк қилардилар. Абу Довуд ривояти.

1466/3. Анасдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳнинг ﷺ кўп (қилиб юрадиган) дуолари «Аллоҳумма атина фид-дуня ҳасанатав вафил ахирати ҳасанатав вақина азабан-нар» эди. (Маъноси: «Парвардигоро, бизга бу дунёда ҳам яхшилик ато қилгин, охиратда ҳам яхшилик ато қилгин ва бизни дўзах азобидан асрагин».) *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

Муслимнинг ривоятларида шундай зиёда қилинган: «Агар Анас ﷺ илтижо қилмоқни хоҳласалар, мана шуни айтардилар. Агар дуо қилишни хоҳласалар ҳам, мана шуни айтардилар».

1467/4. Ибн Масъуддан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Аллоҳумма инний ас'алукал ҳуда ваттуқо вал ъафофа вал ғина», деб айтардилар. (Маъноси: «Аллоҳим, Сендан ҳидоят, тақво, иффат ва бойлик сўрайман».) *Имом Муслим ривояти.*

1468/5. Ториқ ибн Ушамдан ﷺ ривоят қилинади. Агар (бирор) киши Исломга кирадиган бўлса, Расулуллоҳ ﷺ унга намоз ўргатардилар. Сўнгра мана бу калималар ила дуо қилмоқни буюрардилар: «Аллоҳумма иғфир лий варҳамний ваҳдиний ва офиний варзуқний». (Маъноси: «Аллоҳим, мени мағфират қил, раҳм айла, ҳидоят қил, офият этиб ризқлантиргин».) *Имом Муслим ривояти.*

Имом Муслимнинг Ториқдан ﷺ қилган бошқа бир ривоятида келтирилишича, Расулуллоҳ ﷺ ҳузурларига бир киши келиб: «Эй Расулуллоҳ, Раббимдан сўраган пайтимда қандай қилиб айтаман?» деганида, у зот: «(Унда): «Аллоҳумма иғфир лий варҳамний, ва офиний варзуқний», деб айтгин. Чунки мана шу калималар дунёинг ва охиратингни жамловчидир», дедилар. (Маъноси: «Аллоҳим, мени мағфират қил, менга раҳм эт, мени офиятда қил ва ризқлантир».)

1469/6. Абдуллоҳ ибн Амр ибн Оссдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Аллоҳумма йа мусаррифал қулуб сарриф қулубана ъала тоъатика», деб айтардилар. (Маъноси: «Эй қалбларни буриб қўювчи Аллоҳим, қалбимизни тоатингга буриб қўйгин».) *Имом Муслим ривояти.*

1470/7. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Аллоҳ номи билан машаққатли балодан, бахтсизликнинг энг паст даражасидан, қазо (қадар)нинг ёмонидан ва душманнинг ичқоралигидан паноҳ тиланглар», деб айтдилар, яъни «(Сизлар): «Аъузу биллаҳи мин жаҳдил бало ва даракиш шақои ва суʻил қазо ва шамотатил аъдои», деб дуо қилинглар», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

1471/8. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Аллоҳумма аслиҳ лий диниллазий ҳува ъисмату амрий, ва аслиҳ лий дунъяллатий фийҳа маъаший ва аслиҳ лий охиратиллатий фийҳа маъадий, важъалил ҳаёта зиёдатан лий фий кулли хайрин важъалил мавта роҳатан лий мин кулли шаррин», деб айтардилар. (Маъноси: «Аллоҳим, ишларимни сақловчи динимни ислоҳ қил. Яшайдиганим дунёимни ислоҳ эт. Қайтишим унга бўлган охиратимни ислоҳ қил. Ҳар бир яхшиликда ҳаётимни зиёда қил. Ва ҳар бир ёмонликда ўлимни роҳат қил».) *Имом Муслим ривояти.*

1472/9. Алидан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «(Сен): «Аллоҳуммаҳдиний ва саддидний» («Аллоҳим, мени ҳидоят эт ва собитқадамликда қил»), деб айт», дедилар.

Бошқа бир ривоятда «Аллоҳумма инний асʻалукал ҳуда вассадода» бўлиб келган. (Маъноси: «Аллоҳим, мен Сендан ҳидоятни ва собитқадамликни сўрайман».) *Имом Муслим ривояти.*

1473/10. Анасдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Аллоҳумма инний аъузу бика минал ъажзи вал касали вал жубни вал ҳарами вал бухли ва аъузу бика мин ъазобил қабри ва аъузу бика мин фитнатил маҳя вал мамоти», (бошқа ривоятда) «Ва зилаъиддайни ва ғалабатир ижал», деб айтардилар. (Маъноси: «Аллоҳим, Сенинг номинг билан ожизликдан, дангасаликдан, қўрқоқликдан, мункиллаб қария бўлишдан, бахилликдан, қабр азобидан, тирик ва ўликлар фитнасидан ҳамда қарз юкидан ва кишиларнинг ғолиб келишидан паноҳ тилайман».) *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

1474/11. Абдуллоҳ ибн Амр ибн Оссдан ﷺ ривоят қилинади. Абу Бакр Сиддиқ ﷺ Расулуллоҳга ﷺ: «Менга бир дуо ўргатингки, у билан намозимда илтижо қилайин», деганларида, Расулуллоҳ ﷺ: «(Сен): «Аллоҳумма инний золамту нафсий зулман касийрон вала яғфируз зунуба илла анта фағфирлий мағфиратан мин ъиндика, варҳамний иннака антал ғофурур роҳийм», деб айт», дедилар. (Маъноси: «Аллоҳим, мен нафсимга кўп зулм қилдим. Гуноҳларни Сендан бошқаси кечира олмайди. Ўзингнинг ҳузурингдан бўлган мағфират ила мени кечиргин. Ва менга раҳм қилгин, албатта Сен кечиргувчи, раҳмли Зотсан».) *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

1475/12. Абу Мусодан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ бу дуо билан илтижо қилардилар: «Аллоҳумма иғфирлий хатий'атий ва жаҳлий ва исрофий фий амрий вама анта аъламу биҳи минний, Аллоҳумма иғфир лий жиддий ва ҳазлий ва хатоий ва ъамдий ва куллу залика ъиндий, Аллоҳумма иғфирлий ма қоддамту вама аххарту вама асрарту вама аъланту вама анта аъламу биҳи минний, антал муқаддиму ва антал муаххиру ва анта ъала кулли шай'ин қодир». (Маъноси: «Аллоҳим, хатоларимни, жоҳиллигимни, ишдаги исрофларимни кечиргин. Сен уни мендан кўра билувчироқсан. Аллоҳим, жиддийлигимни, ҳазилимни, хатоимни, қасдимни ва менинг ҳузуримдаги барчасини кечиргин. Аллоҳим, олдинги қилган гуноҳларимни, кейингиларини, яширин қилганларимни, очиқча қилганларимни кечиргин. Сен уни мендан кўра билувчироқсан. Сен аввалги-ю охиргисан. Сен ҳар бир нарсага қодирсан».) *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

1476/13. Оишадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ дуоларида «Аллоҳумма инний аъузу бика мин шарри ма ъамилту ва мин шарри ма лам аъмал», деб айтардилар. (Маъноси: «Аллоҳим, мен Сендан амал қилган ва амал қилмаган нарсаларимнинг ёмонидан паноҳ тилайман».) *Имом Муслим ривояти.*

1477/14. Ибн Умардан ﷺ ривоят қилинади. Қуйидагилар ҳам Расулуллоҳ ﷺ дуоларидан эди: «Аллоҳумма инний аъузу бика мин заволи ниъматика ва таҳаввули ъофиятика ва фуж'ати ниқматика ва жамийъи сахатика». (Маъноси: «Аллоҳим, берган неъматинг завол бўлишидан, берган офиятинг ўзгариб кетишдан, тўсатдан келувчи ўчингдан ва жамики ғазабингдан паноҳ тилайман».) *Имом Муслим ривояти.*

1478/15. Зайд ибн Арқамдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Аллоҳумма инний аъузу бика минал ъажзи вал касали вал бухли вал ҳарами ва ъазабил қобри, Аллоҳумма ати нафсий тақвоҳа ва заккиҳа анта хайру ман закаҳа анта валиййуҳо ва мавлаҳа, Аллоҳумма инний аъузу бика мин ъилмин ла янфаҳу ва мин қолбин ла яхшаъу вамин нафсин ла ташбаъу ва мин даъватин ла юстажобу лаҳа», деб айтардилар. (Маъноси: «Аллоҳим, Сенинг номинг ила ожизликдан, дангасаликдан, бахилликдан, қариликдан, қабр азобидан паноҳ тилайман. Аллоҳим, нафсимнинг тақвосини бергин, уни поклагин ва Сен покловчиларнинг яхшисисан. Сен дўст ва хожасан. Аллоҳим, Сенинг номинг ила фойда бермайдиган илмдан, қўрқмайдиган

қалбдан, тўймайдиган нафсдан ва ижобат қилинмайдиган дуодан паноҳ тилайман».) *Имом Муслим ривояти.*

1479/16. Ибн Аббосдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Аллоҳумма лака асламту ва бика аманту ва ъалайка таваккалту ва илайка анабту ва бика хосамту ва илайка ҳокамту фағфирлий ма қоддамту ва ма аххорту ва ма асрарту вама ъаланту антал муқаддиму ва антал муаххиру ла илаҳа илла анта» (баъзи ривоятда «ва ла ҳавла ва ла қуввата илла биллаҳ» зиёда қилинган), деб айтардилар. (Маъноси: «Аллоҳим, Сенга бўйсундим, Сенга иймон келтирдим, Сенга таваккал қилдим. Барча ишларимда Сенга қайтдим. Сенинг номинг ила хусуматлашдим. (Яъни, Сенинг номинг ила урушдим). Муҳокама этиш учун Сенинг ҳузурингга қайтаман. Олдинги-ю кейинги ва махфий-у ошкора гуноҳларимни кечиргин. Сен энг аввалги ва энг охиргидирсан. Сендан бошқа илоҳ йўқ (Аллоҳдан бошқа бирор ўзгартирувчи ҳам, қувват ҳам йўқ)дир.) *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

1480/17. Оишадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ мана бу калималар билан дуо қилардилар: «Аллоҳумма инний аъузу бика мин фитнатин нари ва ъазобин нар ва мин шаррил ғина вал фақри». (Маъноси: «Аллоҳим, дўзах фитнасидан, дўзах азобидан, бойлик ва камбағаллик ёмонликларидан Сенинг номинг ила паноҳ тилайман».) *Абу Довуд ва Термизий ривоятлари.* Бу Абу Довуд лафзидир.

1481/18. Зиёд ибн Илоқа амакилари Қутба ибн Моликдан ﷺ қилган ривоятларида айтилишича, Расулуллоҳ ﷺ: «Аллоҳумма инний аъузу бика мин мункаротил ахлоқи вал аъмоли вал‘аҳва», деб айтардилар. (Маъноси: «Аллоҳим, хулқларнинг, амалларнинг, хоҳиш-истакларнинг бемаънисидан Сенинг номинг ила паноҳ тилайман».) *Имом Термизий ривояти.*

1482/19. Шакал ибн Ҳумайддан ﷺ ривоят қилинади. Бу зот: «Эй Расулуллоҳ, менга дуо ўргатинг», деганларида, Расулуллоҳ ﷺ: «(Сен): «Аллоҳумма инний аъузу бика мин шарри самъий вамин шарри басарий вамин шарри лисоний вамин шарри қолбий вамин шарри маниййи», деб айтгин», дедилар. (Маъноси: «Аллоҳим, эшитганимнинг ёмонидан, кўрганимнинг ёмонидан, тилимнинг ёмонидан, қалбимнинг ёмонидан ва манийимнинг ёмонидан Сенинг номинг ила паноҳ тилайман».) *Абу Довуд ва Термизий ривоятлари.*

1483/20. Анасдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Аллоҳумма инний аъузу бика минал бараси вал жунуни вал жузоми ва саййи‘ил асқоми», деб айтардилар. (Маъноси: «Аллоҳим, Сенинг номинг ила песликдан, жинниликдан, моховдан ва ёмон касалликлардан паноҳ тилайман».) *Абу Довуд саҳиҳ иснод билан ривоят қилган.*

1484/21. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Аллоҳумма инний аъузу бика минал жувъи фаиннаҳу би‘са аз-зажиъ. Ва аъузу бика минал хиёнати фаиннаҳо би‘сатил битонату», деб айтардилар. (Маъноси:

«Аллоҳим, Сенинг номинг ила очликдан паноҳ тилайман. Чунки у ёмон ётоқдошдир. Ва хиёнатдан паноҳ тилайман. Чунки у ёмон ички туйғудир».) Абу Довуд ривояти.

1485/22. Алидан ﷺ ривоят қилинади. Бир қул озод бўлиш учун шартлашилган баҳодаги маблағни тополмай, ҳазрат Алидан ﷺ ёрдам сўради. Шунда у зот: «Сенга Расулуллоҳ ﷺ ўргатган калималарни ўргатайми? Агар «Аллоҳумма акфиний биҳалалика ъан ҳаромика ва ағниний бифазлика ъамман сивака» дуосини ўқиб юрсанг, қарзинг тоғ миқдорича бўлса ҳам, халос бўласан», дедилар. (Маъноси: «Эй Раббим, ҳаром (аралаштирмай) ҳалолинг билан менга кифоя эт. Фазлинг ила Ўзингдан бошқалардан беҳожат қил».) *Имом Термизий ривояти.*

1486/23. Имрон ибн Ҳасиндан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ бу зотнинг оталари Ҳасинга дуо қилиб юришлари учун икки калима ўргатдилар. У «Аллоҳумма алҳимний рушдий ва аъизний мин шарри нафсий» эди. (Маъноси: «Аллоҳим, мени ҳидоятга мувофиқ қилиб, нафсимнинг ёмонлигидан паноҳ бергин».) *Имом Термизий ривояти.*

1487/24. Аббос ибн Абдулмутталибдан ﷺ ривоят қилинади. «Эй Расулуллоҳ, менга бир нарса ўргатингки, мен у билан Аллоҳдан сўрайин», деганларида, Расулуллоҳ ﷺ: «Аллоҳдан офиятни сўранглар», деб айтдилар. Бир неча кундан сўнг бориб: «Эй Аллоҳнинг расули, менга бир нарса ўргатингки, мен у билан Аллоҳдан сўрайин», десалар, у зот: «Эй Аббос, эй Аллоҳ расулининг амакиси, Аллоҳдан дунё ва охиратда офиятни сўранглар», деб айтдилар. *Имом Термизий ривояти.*

1488/25. Шаҳр ибн Ҳувшабдан ﷺ ривоят қилинади. Бу зот Умму Саламага ﷺ: «Эй мўминлар онаси, Расулуллоҳ ﷺ сизнинг ҳузурингизда бўлганларида энг кўп қиладиган дуолари қайси эди?» деганларида, Умму Салама ﷺ: «Кўп дуолари «Йа муқаллибал қулуб саббит қолбий ъала дийник» эди», дедилар. (Маъноси: «Эй қалбларни ўзгартирувчи, қалбимни динингда собит қил».) *Имом Термизий ривояти.*

1489/26. Абу Дардодан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Довуднинг дуолари «Аллоҳумма инний ас'алука ҳуббака ва ҳубба ман йуҳиббука вал ъамалаллазий йубаллиғуний ҳуббака. Аллоҳумма ижъал ҳуббака аҳабба илаййа мин нафсий ва аҳлий ва минал ма'ил бариди» эди», деб айтдилар. (Маъноси: «Аллоҳим, Сенинг муҳаббатингни ва Сени яхши кўрган кишининг муҳаббатини ҳамда Сенинг муҳаббатингга етказадиган амални Сендан сўрайман. Аллоҳим, муҳаббатингни нафсимдан, аҳлимдан ва совуқ сувдан ҳам менга маҳбуброқ қилгин».) *Имом Термизий ривояти.*

1490/27. Анасдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Йа зал жалоли вал икром» дуосини лозим тутинглар ва кўпайтиринглар», деб айтдилар. (Маъноси: «Эй улуғлик ва иззат-ҳурмат эгаси».) *Имом Термизий ривояти.*

Худди шу маънодаги ҳадис Насаийнинг китобларида Рабийҳа ибн Омирдан ﷺ ривоят қилинади. Ҳоким эса бу ҳадиснинг исноди саҳиҳ, деганлар.

1491/28. Абу Умомадан ﷺ ривоят қилинади: «Расулуллоҳ ﷺ жуда кўп дуолар билан илтижо қилардилар-у, биз ундан бирортасини ёдлаб қола олмас эдик. Шунда мен: «Эй Расулуллоҳ, кўп дуолар билан илтижо қиласиз-у, биз ундан бирортасини ёдламаймиз», десам, у зот: «Ана шу дуоларнинг барчасини ўзида жамлаганига далолат қилайми? У «Аллоҳумма инний асъалука мин хойри ма сa'алака минҳу набиййука Муҳаммадун ﷺ ва наъузу бика мин шарри мастаъозака минҳу набиййука Муҳаммадун ﷺ ва антал мустаъону ва ъалайкал балағу вала ҳавла вала қуввата илла биллаҳ»дир», дедилар». (Маъноси: «Аллоҳим, набиййинг Муҳаммад алайҳиссалом сўраган нарсаларнинг яхшисини Сендан сўрайман. Ва набиййинг Муҳаммад алайҳиссалом паноҳ сўраган нарсаларнинг ёмонидан паноҳ сўрайман. Ва Сен ёрдам сўралувчи Зотсан. Етуклик Сенгадир. Аллоҳдан бошқа ўзгартирувчи ва қувват йўқдир».) *Имом Термизий ривояти.*

1492/29. Ибн Масъуддан ﷺ ривоят қилинади. «Аллоҳумма инний ас'алука мужибати роҳматика ва ъазоима мағфиротика, вассаламата мин кулли исмин вал ғониймата мин кулли биррин вал фавза билжаннати ван нажота минаннар» ҳам Расулуллоҳ ﷺ дуоларидан эди. (Маъноси: «Аллоҳим, раҳматингга мустаҳиқ бўладиган нарсани, мағфиратингни вожиб қиладиган нарсани, ҳар бир гуноҳдан саломат бўлишни ва ҳар бир яхшиликда ғаниматни ҳамда жаннат билан зафар қозонишни ва дўзахдан нажот топишни сўрайман».) Имом Ҳоким ривояти. Бу ҳадис Муслимнинг шартларига биноан саҳиҳдир.

251-боб
Ғойибдан дуо қилишнинг фазилати ҳақида

Аллоҳ таоло: **«Улардан кейин** (дунёга) **келган зотлар айтурлар: «Парвардигоро, Ўзинг бизларни ва бизлардан илгари иймон билан ўтган зотларни мағфират қилгин»** (Ҳашр сураси, 10-оят);

«Ўз гуноҳингиз учун ҳамда мўмин-мўминалар (нинг гуноҳлари) **учун мағфират сўранг»** (Муҳаммад сураси, 19-оят);Иброҳим алайҳиссалом тилларидан хабар бериб

«Парвардигоро, ҳисоб-китоб қилинадиган (қиёмат) **куни мени, ота-онамни ва** (барча) **мўминларни мағфират қилгин»** (Иброҳим сураси, 41-оят), деб айтган.

1493/1. Абу Дардодан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Бирон бир мусулмон банда ғойибдан биродарига дуо қиладиган бўлса, фариштa:

«Сенга ҳам ўша (дуонинг) мислидек бўлсин», дейди», дедилар. *Имом Муслим ривояти.*

1494/2. Абу Дардодан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Мусулмон кишининг ғойибдан биродарига қилган дуоси мустажобдир. (Дуо қилувчининг) бош тарафида вакил қилинган фаришта туради. Ҳар гал биродарига яхшилик билан дуо қилганида, фаришта: «Омин, сенга ҳам унинг мислидек бўлсин», дейди», деганлар. *Имом Муслим ривояти.*

252-боб
Дуодаги турли масалалар ҳақида

1495/1. Усома ибн Зайддан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Кимга яхшилик қилинса, яхшилик қилувчи кишига «Жазокаллоҳу хойрон», яъни «Аллоҳ сизни яхшиликлар ила мукофотласин», деб айтса, мақтовнинг энг етугини қилибди», дедилар. *Имом Термизий ривояти.*

1496/2. Жобирдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Нафсингиз, болаларингиз, хизматкорларингиз, молларингиз зарарига дуо қилманглар. Чунки Аллоҳ талаб қилувчининг талабини берадиган соатга мувофиқ келиб қолсангиз, (қарғишингизни) ижобат этиб қўяди», дедилар. *Имом Муслим ривояти.*

1497/3. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Банданинг Раббига энг яқин бўладиган пайти саждада турганидадир. Унда (саждада) дуони кўпайтиринглар», дедилар. *Имом Муслим ривояти.*

1498/4. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ «Сизлардан бирингиз ошиқмаса, яъни дуо қилдим-у, ижобат бўлмаяпти, демаса, дуоси ижобат қилинади», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

Имом Муслимнинг ривоятида айтилишича, Расулуллоҳ ﷺ: «Модомики, банда гуноҳ учун ёки қариндошлик ришталарини узиш учун дуо қилмаса ва шошилмаса, дуолари ижобат қилинади», деганларида, саҳобалар: «Эй Аллоҳнинг расули, шошиш, деганингиз нима?» дейишди. Шунда Расулуллоҳ ﷺ: «Дуо қилдим, дуо қилдим, аммо дуоим ижобат қилинганини кўрмадим, деб қийин ҳолатда қолади-да, дуо қилишни тарк этади», дедилар.

1499/5. Абу Умомадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳга ﷺ «Қайси дуо тезроқ қабул бўлади?» деб савол берилганида, у зот: «Кечанинг ўртасида ва фарз намозлари орқасидан қилинган дуо», деб айтдилар. *Имом Термизий ривояти.*

1500/6. Убода ибн Сомитдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Агар ер юзидаги бирор мусулмон Аллоҳ таолога дуо билан илтижо қилса, Аллоҳ унга сўраган нарсасини беради ёки ундан ўша миқдорча ёмонликни кетказади. Модомики, ўша мусулмон гуноҳни ёки қариндошликдан узилишни сўраб дуо қилмаса», деганларида, қавмдан бир киши: «Ундай

бўлса, дуони кўпайтирайликми?» деди. Шунда Расулуллоҳ ﷺ: «Аллоҳ сўраб дуо қилганингиздан ҳам кўпайтириб берувчи», дедилар. *Имом Термизий ривояти.*

Имом Ҳоким Абу Саиддан ﷺ худди мана шу ҳадисни ривоят қилиб, «У каби савобни ўша кишига заҳира қилиб беради»ни зиёда қилдилар.

1501/7. Ибн Аббосдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ маҳзунликда: «Ла илаҳа иллаллоҳул ъазиймул ҳалийм, Ла илаҳа иллаллоҳу роббул ъаршил ъазийм, Ла илаҳа иллаллоҳу роббус самавати ва роббул арзи роббул ъаршил карийм», деб айтардилар. (Маъноси: «Ҳалим ва улуғ Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ. Улуғ аршнинг Рабби бўлган Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ. Мукаррам аршнинг ва еру осмонларнинг Рабби бўлган Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ».) *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

253-боб
Авлиёлар кароматлари ва уларнинг фазилати ҳақида

Аллоҳ таоло: **«Огоҳ бўлингизким, албатта Аллоҳнинг дўстларига** (охиратда) **бирон хавф-хатар йўқдир ва улар ғамгин бўлмайдилар. Иймон келтирган ва** (Аллоҳдан) **қўрқувчи бўлган зотлар учун ҳаёти дунёда ҳам, охиратда ҳам хушхабар бордир. Аллоҳнинг сўзлари** (оятлари) **ўзгартирилмас. Мана шу** (мазкур неъматларга эришиш) **буюк саодатдир»** (Юнус сураси, 62–64-оятлар);

«Мана шу (қуриб қолган) **хурмо шохини силкитгин, у сенга янги хурмо меваларини ташлар. Энди сен еб-ичгин»** (Марям сураси, 25-оят);

«Ҳар қачон Закариё (Марямнинг) **олдига – хужрага кирганида унинг ҳузурида бир ризқ-насиба кўрди. У: «Эй Марям, бу нарсалар сенга қаёқдан келди?» деб сўраганида** (Марям) **жавоб қилди: «Булар Аллоҳ ҳузуридандир. Албатта Аллоҳ Ўзи истаган кишиларга беҳисоб ризқ берур»** (Оли Имрон сураси, 37-оят);

«(Йигитлар) **модомики, улардан** (мушриклардан) **ва Аллоҳдан ўзга – улар сиғинаётган нарсалардан юз ўгирган экансиз, энди ғорга паноҳ топиб боринглиз. Парвардигорингиз сизларга Ўз раҳмат-марҳаматини кенг-сероб қилур ва сизларнинг ишларингизни ўнглар. Қуёш чиқишида уларнинг ғорларидан ўнг тарафдан ўтиб кетганини, ботишда эса улардан сўл томонга йироқлашиб кетганини кўрурсан»** (Каҳф сураси, 16–17-оятлар), деб айтган.

1502/1. Абу Муҳаммад Абдураҳмон ибн Абу Бакрдан ﷺ ривоят қилинади. Аҳли суффадаги кишилар камбағаллардан ташкил топган эди. Расулуллоҳ ﷺ

кунларнинг бирида: «Кимнинг икки кишилик таоми бўлса, (аҳли суффадагилардан бирини олиб) уч киши бўлиб борсин. Кимнинг тўрт кишилик таоми бўлса, беш-олти киши бўлиб борсин» (ёки шунга ўхшаш сўзларни) айтдилар. Бу сўздан кейин Абу Бакр ﷺ улардан учтасини олиб келдилар. Расулуллоҳ ﷺ эса ўнтасини олиб кетдилар. Абу Бакр ﷺ кечки овқатни Расулуллоҳ ﷺ ҳузурларида тановул қилиб, сўнгра хуфтон намозини ўқиб бўлгунча ўша ерда турдилар. Кейин кечанинг Аллоҳ ҳохлаганча қисми ўтганидан кейин келганларида хотинлари: «Меҳмонларингиз хизматида бўлишдан нима тўхтатиб қўйди?» деди. Абу Бакр ﷺ: «Нима, уларга овқат бермадингларми?» дедилар. Хотинлари: «Биз уларга овқат тортиқ этдик, лекин улар (хонадон соҳиби) келмагунча емаймиз, дейишди», деди. (Шунда) Абдураҳмон ибн Абу Бакр ﷺ айтадилар: «Мен бориб беркиниб олдим. Отам: «Эй пасткаш, бурни кесилгур», деб дашном бериб мени сўкдилар. Меҳмонларга: «Олинглар, енглар. Аллоҳга қасамки, бундан ҳечам емайман», дедилар. Аллоҳга қасамки, ундан бирор луқма олинса, яна остидан кўпайиб зиёдалашар эди. Ҳаттоки, улар ундан еб тўйишди. Ва олдингидан ҳам таомлари кўпайиб қолган эди». Абу Бакр ﷺ таомга боқиб хотинларига қарата: «Эй бани фирослик, бу нима?» деганларида, хотинлари: «Кўзимнинг қувончи ҳаққи! Бу таом аввалги ҳолатига қараганда уч баробар кўпдир», деди. Абу Бакр ﷺ: «Ана шу таомдан емайман, деб қасам ичишим шайтондандир», дедилар. Сўнгра ундан бир луқма едилар. Кейин Расулуллоҳ ﷺ ҳузурларига олиб бордилар. У таом Расулуллоҳ ﷺ ҳузурларида тонггача турди. (Яна Абдураҳмон ибн Абу Бакр ﷺ айтадилар): «Шу кунларда биз билан бир қавм ўртасида шартнома бўлиб, унинг муддати тугаган эди. Ўша ердагилар ўн иккига бўлиндик. Ҳар биримиз билан бир қанча киши бор эди. Қанча одам борлигини Аллоҳ билади. Ўшаларнинг ҳаммаси у таомдан ейишди».

Бошқа ривоятда келтирилишича, Абу Бакр ﷺ у овқатдан емайман, деб қасам ичдилар. Хотинлари ҳам емайман, деб қасам ичди. Меҳмонлар ҳам (хонадон соҳиблари) ейишмагунча емаймиз, деб қасам ичишди. Абу Бакр ﷺ: «Бу қасам шайтондандир», деб овқатни олиб келишни буюрдилар. Қачонки, овқат олиб келинганида, ундан едилар. Улар ҳам ейишди. Бирор луқма олинса, остидан кўпайиб зиёдалашаверар эди. Абу Бакр ﷺ: «Эй бани фирослик, бу нима?» деганларида, хотинлари: «Кўзимнинг қувончи ҳаққи! Ҳозир бу таом еганимизнинг аввалги ҳолатидан ҳам кўпайгандир», деди. Улар бу таомдан ейишди. Ҳамда Расулуллоҳга ﷺ бундан юбордилар. Ва Расулуллоҳ ﷺ ундан еганларини зикр қилдилар.

Бошқа ривоятда айтилишича эса, Абу Бакр ﷺ ўғиллари Абдураҳмонга: «Меҳмонларингни уйга олиб боргин. Мен Расулуллоҳ ﷺ ҳузурларига бораман. Мен бормасдан меҳмонларнинг овқатларини бергин», дедилар. Абдураҳмон меҳмонларни олиб келиб уйдаги таомни келтирди ва: «Бундан енглар», деди. Меҳмонлар: «Хонадон соҳиби қани?» дейишди. Абдураҳмон яна: «Олинглар, енглар», деди. Меҳмонлар: «Хонадон соҳиби келмагунча емаймиз», дейишди. Абдураҳмон: «Зиёфатларингизни биздан қабул қилиб олинглар. Чунки хонадон соҳиби келсалар, сизлар овқатланмаганингизни кўриб ғазаблари келади», деганида, меҳмонлар қабул қилишмади. «Билдимки, отам келсалар, (бу қилган ишим учун) мендан хафа бўлардилар. Отам келганларида, мен яшириниб олдим. Отам: «Меҳмонларга нима тайёрладинглар?» деб сўраганларида, уйдагилар (бўлиб ўтган воқеадан) хабар беришди. Отам: «Эй Абдураҳмон», дедилар. Мен жим турдим. Кейин яна: «Эй Абдураҳмон», дедилар. Мен жим турдим. Отам: «Эй пасткаш,

қасам ичаманки, агар овозимни эшитаётган бўлсанг, чиқ», дедилар. Мен чиқиб: «Меҳмонлардан сўранг», дедим. Меҳмонлар: «Ўғлинг рост гапиряпти. Бизга овқат олиб келди», дейишди». Абу Бакр ﷺ: «Сизлар мени кутдингларми? Аллоҳга қасамки, мен бу кеча овқатланмайман», дедилар. Қолган кишилар ҳам: «Аллоҳга қасамки, сен овқатланмагунингча биз ҳам тановул қилмаймиз», дейишди. Абу Бакр ﷺ: «Вой бўлсин! Нима учун зиёфатларингизни биздан қабул қилмайсизлар?» деб таомни келтиришни буюрдилар. Қачонки, у келтирилганида, овқатга қўлларини қўйиб «Бисмиллаҳ», деб аввалги қасам шайтондандир, дедилар. У зот овқат ейишни бошладилар, улар ҳам ейишни бошлашди. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

1503/2. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ «Сизлардан аввал ўтган умматлардан (пайғамбар бўлмаса ҳам, пайғамбарлар каби) сўзлайдиганлари бор эди. Агар умматимда шундай илҳомланган киши бор бўлса, ўша Умардир», дедилар. *Имом Бухорий ривояти.*

Имом Муслим ҳам худди шу лафздаги ҳадисни Оишадан ﷺ ривоят қилганлар.

1504/3. Жобир ибн Самурадан ﷺ ривоят қилинади. Куфа аҳли Умарга ﷺ Саъд ибн Абу Ваққосдан ﷺ шикоят қилишганида, бу кишини ишдан бўшатиб, уларга Амморни бошлиқ этиб тайинладилар. Уларнинг арз қилишларича, Саъд ибн Абу Ваққос намозни чиройли суратда адо этмайди. Умар ﷺ у зотга: «Эй Абу Исҳоқ! Улар сизни чиройли суратда намозни адо қилмайди, деб гумон қилишмоқда», десалар, Саъд: «Аллоҳ номига қасамки, мен уларга Расулуллоҳнинг ﷺ намозларини ўқиб беряпман, ундан ҳеч нарсани камайтирмаяпман. Ва хуфтон намозининг аввалги икки ракатида узун сура ўқиб, кейинги икки ракатида қисқа қилмоқдаман», дедилар. Умар ﷺ: «Бу сизнинг гумонингиз, эй Абу Исҳоқ», деб бу ҳақда суриштириш учун бир киши ёки бир неча кишини Куфага юбордилар. Улар бирор масжид қолдирмасдан бу ҳақда сўрашганида, барчалари Саъднинг яхшиликларини айтиб мақташди. Қачонки, бир масжидга киришганида, Абу Саъда Усома ибн Қатода исмли шахс туриб: «Агар сиз суриштирадиган бўлсангиз, албатта Саъд ибн Абу Ваққос сариййа (уруш)ларга бормайди, ўлжани тенг тақсимламайди. Қозиликда одиллик қилмайди», деди. Буни эшитган Саъд ибн Абу Ваққос ﷺ: «Аллоҳга қасамки, мен сени уч нарса ила дуоибад қиламан: Аллоҳим, агар мана шу қулинг ёлғончи ва ўзини кўрсатиб риё учун буни қилган бўлса, умрини узоқ, камбағаллигини узун ва ўзини фитнага дучор қилгин», дедилар. Мана шундан кейин шайх: «Саъднинг дуоибади менга етиб фитнага дучор бўлдим», деб айтди. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

Жобир ибн Самурадан ривоят қилган ровий Абдулмалик ибн Умайр шундай дейди: «Мен у шайхни қариб кетганидан икки қоши икки кўзи устига тушган ҳолда кўрдим. У йўлда учраган қизларга кўз қисар эди».

1505/4. Урва ибн Зубайрдан ﷺ ривоят қилинади. Саид ибн Зайд ﷺ билан Арво бинти Авс хусуматлашиб Марвон ибн Ҳакам ҳузурига келишди. У аёл еридан бир парчасини Саид ибн Зайд олганини даъво қилди. Саид: «Мен Расулуллоҳдан ﷺ бунинг ёмонлиги ҳақида эшитганимдан кейин ҳам

еридан бир парча олармидим?» деганида, «Расулуллоҳдан ﷺ нима эшитгансан?» деди Марвон. Шунда Саид: «Расулуллоҳ ﷺ: «Ким зулм билан ердан бир қаричига эга бўлиб олса, етти (қават) ерга ўралади», деганларини эшитганман», деди. Буни эшитган Марвон: «Бундан кейин сендан далил-исбот сўрамайман», деди. Саид эса: «Аллоҳим, агар бу аёл ёлғончи бўлса, кўзини кўр қилиб ўз ерида ўлдиргин», деди. Айтишларича, бу аёлнинг кўзи ўлишидан олдин кўр бўлди, ўз ерида кета туриб бир чуқурга тушиб вафот этди. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

1506/5. Жобир ибн Абдуллоҳдан ﷺ ривоят қилинади: «Уҳуд куни кечаси отам мени чақириб: «Гумонимча, бугун Расулуллоҳ ﷺ саҳобалари ичида биринчи ўлдирилган киши мен бўлсам керак. Ўзимдан кейин Расулуллоҳни ﷺ ҳисобга олмаганда сендан кўра азизроқ киши йўқдир. Албатта менинг бўйнимда қарзларим бор. Сен уларни узгин. Ака-укаларингга яхши муомалада бўлгин», дедилар. Ҳақиқатда ўша куни биринчи ўлдирилган киши отамиз бўлдилар. Мен отамни бир кишига қўшиб қабрга дафн этдим. Кейин қилган ишимдан кўнглим таскин топмади. Олти ой ўтгандан кейин қайта қазиб олдим. Отам қабрга қўйган кунимдагидек қулоқларидан бошқа аъзолари ўзгармаган ҳолатда турибдилар. Мен танҳо ўзларини қабрга қўйдим». *Имом Бухорий ривояти.*

1507/6. Анасдан ﷺ ривоят қилинади. Саҳобалардан иккитаси Расулуллоҳ ﷺ ҳузурларидан зулумот кечада чиқишганида олдиларида чироқ каби иккита нур бор эди. Қачонки, ҳар иккилари бир-бирларидан алоҳида бўлишган эди, ўша нур ҳам алоҳида бўлиб иккига бўлинди. Ҳаттоки, икковлари уйларига нур билан боришди. *Имом Бухорий ривояти.*

Бу икки саҳобадан бирларининг исми Усайд ибн Ҳузайр, иккинчисининг исмлари Аббод ибн Бишрдир.

1508/7. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ ўн нафар кишини хабар олиб келиш учун юбордилар. Уларга Осим ибн Собит Ансорийни бошлиқ этиб тайинладилар. Улар йўлга чиқиб, Макка билан Усфон оралиғидаги Худат деган жойда кетишаётганида Ҳузайл қабиласидан Бани Лиҳён, деб аталувчи қавмга буларнинг кетишаётгани маълум бўлди. Улар юзга яқин чавандоз билан ахтариб изларидан тушишди. Осим ва унинг биродарларига Бани Лиҳённинг издан тушгани хабари етиб келганида, улар бир маконга қочиб чиқишди. Бани Лиҳён эса уларни ўраб олди ва: «Пастга тушинглар, қўлларингизни беринглар. Биз сизлардан бирортангизни ўлдирмасликка аҳд берамиз», дейишди. Осим ибн Собит ﷺ: «Эй қавм, мен кофирнинг аҳдига (ишониб) пастга тушмайман. Аллоҳим, биз ҳаққимизда набиййингга хабар бер», дедилар. Душманлар камондан ўқ уза бошлашди ва Осимни ўлдиришди. Улардан уч нафари душманнинг аҳдига ишониб (пастга) тушишди. Улар Ҳубайб, Зайд ибн Дасина ва бошқа бир киши (унинг исми Абдуллоҳ ибн Ториқ) эди. Қачонки, душман қўлга туширганидан кейин камонлари ипини ечиб уларни боғлай бошлади. Бу ҳолатни кўрган учинчи киши: «Мана шу биринчи хиёнатдир. Аллоҳ номига қасамки, мен сизлар

билан бирга кетмайман. Балки ўлганларга эргашаман, (яъни) мен ҳам шаҳидлар каби ўлишни хоҳлайман», деди. Душманлар уни тортиб судрашди. Бу зот (яъни, Абдуллоҳ ибн Ториқ) бирга юришдан бош тортган эди, душманлар ўлдириб юборишди. Лекин Ҳубайб ва Зайд ибн Дасиналарни олиб бориб Маккада сотиб юборишди. Ҳубайбни Ҳорис ибн Омир ибн Навфалнинг болалари сотиб олишди. Чунки Ҳубайб Бадр куни Ҳорисни қатл этган эди. Ҳубайб уларнинг ҳузурида асир бўлиб қолди. Ҳориснинг болалари уни ўлдиришга келишиб олишди. Кунларнинг бирида Ҳубайб покланиш учун Ҳорис қизларининг биридан устара сўради. У хотин устара келтирди. Ўша хотиннинг бир ёш боласи ўйнаб-ўйнаб, онаси бехабар ҳолда Ҳубайбнинг олдига келиб қолди. Онаси қараса, боласи Ҳубайбнинг тиззасида турибди. Қўлида эса ҳалиги устара. Онаси қаттиқ қўрқиб кетди. Ҳубайб онаси қўрқиб кетганини кўриб: «Боламни ўлдиради, деб қўрқяпсанми? Ҳаргиз бундай қилмайман», деди. Шунда у хотин: «Аллоҳ номига қасамки, Ҳубайбдан кўра яхшироқ асир кўрмаганман. Ва яна Аллоҳ номига қасамки, мен унинг қўлида бир шингил узум кўрдим. Қўллари боғлиқ бўлиб, ундан тановул қилаётган эди. Ўша кунларда Маккада узум йўқ эди. Бу Аллоҳнинг Ҳубайбга ато қилган ризқи эди», деб айтди.

Қачонки, Ҳубайбни Ҳарамнинг чегарасидан ташқарига ўлдириш учун олиб чиқишганида, икки ракат намоз ўқигунча ҳоли қўйишларини сўради. Ҳоли қўйишганида икки ракат намоз ўқиб: «Аллоҳ номига қасамки, сизлар мени қўрққанидан намозимни узун қилди, деб гумон қилмаганингларда эди, бундан ҳам зиёда қилган бўлар эдим. Аллоҳим, уларнинг ададларини ҳисоблаб, бирорта қолдирмасдан барчаларини ҳалок қилгин», деб қуйидаги байтни ҳам айтди:

«Қандай ўлишимнинг не қизиғи бор,
Мусулмон ҳолимда шаҳид бўлсам, бас!
Ўлимим Аллоҳнинг йўлида бўлгач,
Унинг измида-ку ҳар қандай нафас».

Ҳубайб ҳар бир шаҳид этилган мусулмон учун қатлдан олдин икки ракат намоз ўқишни суннат қилиб кетган зот эди.

Расулуллоҳ ﷺ буларга етган мусибат хабарини саҳобаларига маълум қилдилар.

Қурайшликлар Осим ибн Собитнинг ўлганини эшитиб, бирор аъзосини бўлса ҳам, олиб келиш учун бир неча одам юборишди. Чунки Осим Қурайшнинг катталаридан бирини қатл этган эди. Аллоҳ таоло Осим мурдасига ғуж-ғуж асалариларни юборди. Улар Осимнинг мурдасини (душманлар етказиши мумкин бўлган зарардан) ҳимоя қилишди. Душманлар бирор аъзосини кесишга қодир бўлишмади. *Имом Бухорий ривояти.*

Бу бобга тегишли саҳиҳ ҳадислар юқорида ҳам ўтди. Масалан, Роҳиб билан сеҳргар ўртасида қатновчи бола воқеаси, Журайж воқеаси, ғорнинг оғзи харсанг тош билан ёпилиб қолгани ҳақидаги ҳикоя ва бир кишининг булутдан чиққан «Фалон кишининг боғини суғоргин», деган овозни эшитгани ҳақидаги воқеа каби ва бунга ўхшаш ҳадислар.

1509/8. Ибн Умардан ﷺ ривоят қилинади. Бу зот: «Қачонки, Умар ﷺ бирор нарса ҳақида гумонимча, бундай бўлса керак, десалар, албатта ўйлаганларидек бўлар эди», дедилар. *Имом Бухорий ривояти.*

Қайтарилган ишлар ҳақидаги китоб
254-боб
ғийбатнинг ҳаромлиги ва тилни сақлашга буюриш ҳақида

Аллоҳ таоло: **«Айримларингиз айримларни ғийбат қилмасин! Сизлардан бирон киши ўзининг ўлган биродарининг гўштини ейишни яхши кўрурми?! Ана ёмон кўрдингизми?!** (Бас, гуноҳи бундан-да ортиқ бўлган ғийбатни ҳам ёмон кўрингиз!) **Аллоҳдан қўрқингиз! Албатта Аллоҳ тавбаларни қабул қилгувчи, меҳрибондир»** (Ҳужурот сураси, 12-оят);

«(Эй инсон)**, ўзинг аниқ билмаган нарсага эргашма! Чунки қулоқ, кўз, дил – буларнинг барчаси тўғрисида** (ҳар бир инсон) **масъул бўлур** (яъни, эшитган, кўрган ва ишонган ҳар бир нарсаси учун киши қиёмат кунида жавоб беради)**»** (Ал-Исро сураси, 36-оят);

«У (инсон) **бирон сўзни талаффуз қилмас, магар** (талаффуз қилса) **унинг олдида ҳозиру нозир бўлган бир кузатувчи** (фаришта у сўзни ёзиб олур)**»** (Қоф сураси, 18-оят), деб айтган.

Билинг, албатта ҳар бир оқил киши тилини барча сўзлардан сақламоғи лозим. Фақатгина манфаат бўлгандагина гапириши лозим. Энди қачонки гапириш ва гапирмасликдаги манфаат баробар бўлиб қолса, гапирмасдан тилни тиймоқ суннат амалдир. Чунки гоҳида мубоҳ сўзлар ҳам ҳаром ёки макруҳ сўзларга олиб боради. Одатда кўпинча шунақа ишлар бўлади. Омон қолишни эса бирорта нарсага алмаштириб бўлмайди.

1510/1. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Ким Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирса, яхши сўз айтсин ёки жим турсин», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

Бу ҳадис агар яхшилик бўлсагина гапирмоқ лозимлигини кўрсатмоқда. Агар гапида манфаат бўлмаса, сўзламаслиги лозим.

1511/12. Абу Мусо ал-Ашъарийдан ﷺ ривоят қилинади. «Эй Расулуллоҳ, мусулмонларнинг қайсиниси афзал?» деб сўралганида, у зот: «Агар мусулмонлар унинг тилидан ва қўлидан омонда бўлишса, ана шуниси афзал», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

1512/3. Саҳл ибн Саъддан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Ким менга икки жағи ва икки оёғи орасини (сақлашга) кафолат берса, унинг жаннатга киришига кафолат бераман», дедилар. *Имом Бухорий ривояти.*

1513/4. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Банда ўйламасдан бир сўзни айтиб қўяди-да, кейин у сабабли дўзахга шу қадар пастлаб тушиб кетадики, унинг оралиги мағриб ва машриқчадир», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

1514. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Бир банда Аллоҳ таоло рози бўладиган сўзни айтиб, натижасини ўйламай юраверади-да, аммо Аллоҳ таоло Ўзи билиб, унинг даражасини кўтаради. Яна бир банда Аллоҳ таолони норози қиладиган бир сўзни айтиб, оқибатини ўйламай юраверади-да, бироқ Аллоҳ таоло буни ҳам Ўзи билиб, жаҳаннамга ташлайди», дедилар. *Имом Бухорий ривояти.*

1515/6. Билол ибн Ҳорис ал-Музанийдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Киши Аллоҳнинг розилигидан бўлган сўзни гапириб, у билан олий даражага етишни фикр қилади. Аллоҳ таоло сўзи сабабли Унга йўлиқадиган кунгача розилигини ёзиб қўяди. Ва яна бир киши Аллоҳнинг ғазабини келтирувчи сўзни гапириб, у билан олий даражага етишни фикр қилади. Аллоҳ таоло сўзи сабабли Унга йўлиқадиган кунгача ғазабини ёзиб қўяди», дедилар. *Имом Молик ва Термизий ривоятлари.*

1516/7. Суфён ибн Абдуллоҳдан ﷺ ривоят қилинади: «Мен: «Эй Расулуллоҳ, бир ишни айтиб беринг, уни маҳкам ушлай», деганимда, у зот: «Раббим Аллоҳ, деб айт, кейин шу сўзингга мувофиқ истиқоматда (собитқадам) бўл», дедилар. Яна «Эй Расулуллоҳ, менга қўрқиладиган нарсанинг энг хавфлиси (хабарини беринг)», деганимда, у зот тилларини ушлаб «Бу», дедилар». *Имом Термизий ривояти.*

1517/8. Ибн Умардан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Аллоҳнинг зикридан бошқа сўзларни кўпайтирманглар. Чунки Аллоҳнинг зикридан бошқа сўзлар бағритош қилиб қўяди. Инсонларнинг Аллоҳдан энг узоғи бағритошларидир», дедилар. *Имом Термизий ривояти.*

1518/9. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Аллоҳ кимни икки жағи орасидаги ёмонликдан ва икки оёғи орасидаги ёмонликдан сақласа, у жаннатга киради», дедилар. *Имом Термизий ривояти.*

1519/10. Уқба ибн Омирдан ривоят қилинади: «Мен: «Эй Аллоҳнинг расули, нажот нимада?» десам, у зот: «Тилингни тийгин, уйингга сиғиб ўтир, яъни рўзғорга керакли нарсаларни қилиб қўй ва хатоларингга йиғлагин, шунда нажот топган бўласан», деб айтдилар». *Имом Термизий ривояти.*

1520/11. Абу Саид ал-Худрийдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Агар одам боласи тонг оттирса, аъзоларнинг барчаси тилни койиб: «Бас, эй тил, Аллоҳдан қўрқ! Биз ҳам сенданмиз. Агар сен тўғри бўлсанг, биз ҳам

тўғри бўламиз. Агар сен эгри бўлсанг, биз ҳам эгри бўламиз», дейди», деб айтдилар. *Имом Термизий ривояти.*

1521/12. Муоздан ﷺ ривоят қилинади: «(Мен): «Эй Расулуллоҳ, менга бир амалнинг хабарини берингки, у мени жаннатга киритиб, дўзахдан узоқ қилсин», десам, у зот: «Сен жуда катта нарса сўрадинг. Албатта у Аллоҳ осон қилган кишига енгилдир», дедилар, сўнгра: «Аллоҳга бирор нарсани ширк келтирмасдан ибодат қиласан. Намозни қоим қиласан. Закотни берасан. Рамазон рўзасини тутасан. Байтуллоҳни ҳаж қиласан», дедилар. Ва яна у зот: «Сени эшикларнинг яхшисига далолат қилайми? Рўза пардадир. Садақа хатоларни худди сув оловни ўчиргандек ўчиради», деб кишининг кечанинг ўртасидаги намози ҳақида қуйидаги оятни ўқидилар:

«Уларнинг ёнбошлари ўрин-жойларидан йироқ бўлур (яъни, тунларини ибодат билан ўтказишиб, оз ухлайдилар)**. Улар Парвардигорларига қўрқув ва умидворлик билан дуо-илтижо қилурлар ва Биз уларга ризқ қилиб берган нарсалардан инфоқ-эҳсон қилурлар. Бас, уларнинг қилиб ўтган амалларига мукофот қилиб улар учун беркитиб қўйилган кўзлар қувончини** (яъни, охират неъматларини) **бирор жон билмас»** (Сажда сураси, 16–17-оятлар). Сўнгра яна у зот: «Ишнинг боши ва устуни ҳамда юксак чўққисининг хабарини берайми?» деганларида, «Ҳа, эй Расулуллоҳ», дедим. Шунда у зот: «Ишнинг боши – Ислом. Устуни – намоз. Юксак чўққиси жиҳоддир», дедилар. Яна у зот: «Буларнинг ҳаммасидан ҳам асосийсининг хабарини берайми?» деганларида, «Ҳа, эй Расулуллоҳ», дедим. Бас, у зот тилларини ушлаб: «Сен мана буни тийгин», дедилар. Шунда мен: «Эй Расулуллоҳ, гапирган нарсаларимизга ҳам сўроқ қилинамизми?» десам, у зот: «Онанг боласиз қолгур, кишиларнинг юзлари билан дўзахга ағдарилишлари фақат тиллари айтган нарсалар сабабидандир», дедилар». *Имом Термизий ривояти.*

1522/13. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «ғийбат нима эканлигини биласизларми?» деганларида, саҳобалар: «Аллоҳ ва Унинг расули билувчироқ», дейишди. Расулуллоҳ ﷺ: «Кариҳ кўрадиган нарсаси билан биродарингни зикр қилмоғинг», дедилар. Шунда: «Айтган нарсам биродаримда бўлса-чи?» дейилганида, у зот: «Айтаётган нарсанг биродарингда бўлса, ғийбат қилибсан. Агар айтаётган нарсанг биродарингда бўлмаса, унда бўҳтон қилибсан», дедилар. *Имом Муслим ривояти.*

1523/14. Абу Бакрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ қурбонлик куни Минодаги видолашув ҳажида: «Бу кунингиз, бу шаҳрингиз, бу ойингизда қон тўкиш ҳаром бўлгани каби сизларнинг қонингиз, молингиз ва обрўйингизга (тажовуз қилмоқлигингиз) ҳаромдир. Огоҳ бўлинг, етказдимми?» дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

1524/15. Оишадан ﷺ ривоят қилинади: «Расулуллоҳга ﷺ «Сафийянинг ундай ёки бундайлиги (баъзи ривоятларда келтирилишича, паканалиги) мисол сифатида етарлидир», десам, у зот: «Сен бир калима айтдингки, агар у денгиз сувига аралаштириб юборилса, таъми ёки ҳиди ўзгариб кетарди», дедилар. Ва яна у зотга бир инсонни ҳикоя қилдим. Шунда у зот: «Менда у ёки бу нарса бўлатуриб, бошқа бировни гапиришни яхши кўрмайман», дедилар». *Абу Довуд ва Термизий ривоятлари.*

Бу ҳадис ғийбатчиларга энг катта дашном берувчи ҳадисдир. Мана шу даражада ғийбатни ёмонлашда етук бўлган бошқа бирор ҳадисни билмайман.

«Ва у Расулуллоҳ ﷺ (Қуръонни) **ўз ҳавойи-хоҳиши билан сўзламас. У** (Қуръон) **фақат ваҳий қилинаётган** (туширилаётган) **бир ваҳийдир»** (Нажм сураси, 3–4-оятлар).

1525/16. Анасдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Мен осмонга кўтарилганимда (яъни, Меърож кечасида) бир қавмнинг олдидан ўтдим. Уларнинг мисдан тирноқлари бўлиб, юзлари ва кўкракларини тирнашар эди. Шунда мен: «Эй Жаброил, анавилар ким?» десам, у зот: «Улар шундай шахсларки, кишилар гўштини еб (яъни, ғийбат қилиб), обрўларига бўҳтон қилишарди», дедилар», деб айтдилар. *Абу Довуд ривояти.*

1526/17. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Ҳар бир мусулмон бошқа бир мусулмоннинг қонига, обрўсига ва молига (тажовуз қилиши) ҳаромдир», деб айтдилар. *Имом Муслим ривояти.*

255-боб

Ғийбатга қулоқ солишнинг ҳаромлиги, ғийбатни эшитганда гапирувчи кишига раддия бериб ғийбатдан тўхтатиш, агар бундан ожиз бўлса ёки гапирувчи қабул қилмаса, имконини топиб ўша мажлисни тарк этишга буюриш ҳақида

Аллоҳ таоло: **«Қачонки беҳуда** (сўз ё ишни) **эшитсалар, ундан юз ўгирурлар»** (Қасос сураси, 55-оят);

«Улар беҳуда-фойдасиз (сўз ва амаллардан) **юз ўгирувчи кишилардир»** (Мўминлар сураси, 3-оят);

«(Эй инсон)**, ўзинг аниқ билмаган нарсага эргашма! Чунки қулоқ, кўз, дил – буларнинг барчаси тўғрисида** (ҳар бир инсон) **масъул бўлур** (яъни, эшитган, кўрган ва ишонган ҳар бир нарсаси учун киши қиёмат кунида жавоб беради)**»** (Исро сураси, 36-оят);

«Қачон Бизнинг оятларимизни (масхара қилишга) **киришаётган кимсаларни кўрсангиз, то бошқа гапга киришмагунларича улардан юз ўгиринг! Энди агар шайтон ёдингиздан чиқарса,**

эслаганингиздан сўнг бу золим қавм билан бирга ўтирманг!» (Анъом сураси, 68-оят) деб айтган.

1527/1. Абу Дардодан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Ким биродари обрўси тўкилаётганда уни ҳимоя қилса, Аллоҳ таоло қиёмат кунида ўша кишининг юзини дўзахдан ҳимоя қилади», деб айтдилар. *Имом Термизий ривояти.*

1528/2. Итбон ибн Моликдан ﷺ ривоят қилинган узун ҳадисда келтирилишича, Расулуллоҳ ﷺ ўринларидан туриб намоз ўқидилар. Ва: «Молик ибн Духшум қаерда?» дедилар. Шунда бир киши: «У мунофиқ-ку, Аллоҳ ва Унинг расули мунофиқни яхши кўрмайди», деганида, Расулуллоҳ ﷺ: «Ундай дема, унинг «Ла илаҳа иллаллоҳ», деганига қарамайсанми? У буни айтиш билан Аллоҳнинг розилигини хоҳлайди. Албатта Аллоҳ бундай деб айтувчига дўзахни ҳаром қилди», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

1529/3. Каъб ибн Моликдан ﷺ ривоят қилинади. Тавба ҳақидаги узун ҳадисда келтирилишича, Расулуллоҳ ﷺ Табукда қавм орасида ўтирганларида: «Каъб ибн Моликка нима бўлди?» дедилар. Шунда бани саламалик бир киши: «Эй Расулуллоҳ, унинг кийимлари ҳамда икки ёнига назар солиши (яъни, бойлигига ажабланиши) бу ерга келишидан тўсиб қўйди», деди. Буни эшитган Муоз ибн Жабал: «Айтган нарсанг бунча ҳам ёмон. Аллоҳга қасамки, эй Расулуллоҳ, биз унда фақат яхшилик кўрганмиз», деганларида, Расулуллоҳ ﷺ сукут қилдилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

256-боб
Рухсат этилган ғийбат баёни

Билингки, ғийбат ҳаром бўлса-да, баъзи ҳолатларда ислоҳ учун рухсат этилган. Ана шу ислоҳ саҳиҳ, шаръий мақсадда бўлиб, ундан бошқа йўл билан етишиш мумкин бўлмаса, ўшанда рухсат этилган. У қуйидаги олтита сабабларнинг бирида бўлади:

Биринчиси – шикоят. Мазлум султонга ё қозига ёки золимни инсофга чақиришга қурби етадиган шунга ўхшаш бирор бошлиққа шикоят қилиб: «Фалон киши менга зулм қилди» ёки «Мендан буни тортиб олди» каби сўзларни айтмоғи жоиз.

Иккинчиси – мункар нарсани ўзгартиришга ва осийни тўғри йўлга қайтаришга ёрдам сўрамоқ. Бас, у ана шу мункар нарсани кетказишга қудрати етадиган кишига «Фалон киши бундай ишларни қилиб юрибди, уни бундан тўхтатиб қўйинг» каби сўзларни айтади. Ана шу пайтда унинг мақсади мункар нарсани кетказишга қаратилмоғи керак. Унинг мақсади бундай бўлмаса, ҳаром бўлади.

Учинчиси – фикр-мулоҳаза сўраш. Масалан, муфтийга «Отам ё иним ёки фалончи менга зулм қилди, ундан халос бўлиш, ҳаққимни олиш ва зулмни ўзимдан даф этиш йўли қанақа?» деб айтмоғи жоиз. Ва шу сингари

«Хотиним мени ундай қилди» ёки «Эрим бундай қилди», деб ҳожати учун айтмоғи жоиз. Яна ҳам тўғрироғи, «Бир кишининг ана бу ишида нима дейсиз?» ёки «Эр ёки хотин бундай қилди», деб тайин қилмасдан мақсадини ҳосил қилмоғи ҳам дуруст.

Кейинги бобда зикр этиладиган Ҳиндан ﵂ қилинган ривоят тайин қилишнинг жоизлигини кўрсатади. У эри Абу Суфённинг бахил-зиқна эканини айтганида, Расулуллоҳ ﷺ уни бу ғийбатидан қайтармадилар.

Тўртинчиси – мусулмонларни ёмонликдан огоҳ этиб, уларга насиҳат қилиш. У бир нечта кўринишда бўлади. Улардан ҳадис ривоят қилувчи ровийларнинг гувоҳлик кўрсатмаларини мажруҳлиги учун рад этмоқ. Мана шу мусулмонлар ижмоъи билан жоиздир. Балки эҳтиёж бўлгани учун вожибдир. Айтадилар: «Бир киши ё никоҳ йўли билан қариндошлик муносабатларига киришини, ё ишда шерик бўлишини, ё омонат олишини, ё унинг ҳузурига омонат қўйишни, ё бундан бошқа нарсаларда муомала қилишни сендан маслаҳат сўраса, насиҳат юзасидан у ҳақда билган нарсангни айтмоғинг вожиб бўлади. Агар сен унга «Муомала қилиш ёки никоҳ ила қариндош бўлиш дуруст бўлмайди» ё «Бундай қилмагин», деб айтиш билан мақсад ҳосил бўлса, ёмонлигини ортиқча зикр қилиш жоиз эмас. Энди борди-ю, мақсад ҳосил бўлмаса, унда очиқчасига зикр қилавергин». Ва яна айтадилар: «Ўғрилиги, зинокорлиги, ичувчилиги ила машҳур бўлган қулни сотиб олаётган кишини кўрсанг, уни сотиб олувчи киши билмайдиган бўлса, баён қилмоғинг лозим бўлади. Нафақат бу қул сотиб олишда, балки ҳар бир сотиб олинаётган нарсанинг айбини билсанг, агар сотиб олувчи билмаса, баён этмоғинг вожиб бўлади». Яна айтадилар: «Агар бир фиқҳ ўрганувчи бидъатчи ёки фосиқ ҳузурига бориб, ундан илм ўрганаётган бўлса ва сен у фиқҳ ўрганувчи зарар топмоғидан қўрқсанг, унга насиҳат қилмоғинг ва ҳолини баён қилмоғинг лозим бўлади. Шу шарт биланки, сен бунда насиҳатни қасд қилмоғинг керак. Мана шу нарсада кўпинча хатога йўл қўйилади. Гоҳида бу ҳасадга олиб келади ёки шайтон алдаб қўяди. У эса бу қилган ишини насиҳат ва шафқат, деб хаёл қилади. Сен буни идрок этиб, фаросатли бўл». Яна айтадилар: «Бир киши бошлиқ бўлса-ю, солиҳ бўлмагани ёки фосиқ ва муғаффал бўлгани сабабли ишни яхши кўринишда бажармаса, ундан ҳам каттароқ бўлган бошлиққа унинг айбини зикр қилмоғинг вожиб бўлади. Ана шу катта бошлиқ уни ишдан четлатиб, ундан-да салоҳиятлисини тайинлайди. Ёки унинг ҳолатини билса, уни тўғри йўлда бўлишга ундайди».

Бешинчиси – фосиқлиги, бидъатчилиги ошкора бўлган кишиларни ғийбат қилиш жоиз. Масалан, ароқни ошкора ичувчи, кишиларнинг молини солиқ солиб, мусодара қилиб, зулм билан тортиб олувчи ҳамда ботил ишларни юргизувчилар шулар жумласидандир. Мана шу ишларни ошкора қилувчини ғийбат қилиш жоиз. Аммо бундан бошқаларида, юқоридаги зикр қилганларимиздан ташқари ҳолатларда жоиз эмас.

Олтинчиси – танишлик учун. Агар киши кўзи хира, оқсоқ, кар, кўр, ғилай, бурни пачоқ ва шунга ўхшаш нуқсонли лақаб билан танилган бўлса, танитиш ниятида танитмоқлик жоиз. Аммо ноқислик томонини бундан бошқа мақсадда айтиш ҳаром. Агар айбини айтмасдан бошқа йўл билан бўлса,

жуда ҳам яхши. Мана шу зикр қилинган олтита сабабларда уламолар ғийбат қилиш жоиз, деб айтишган. Бунинг далили саҳиҳ ҳадисларда зоҳирий ҳолда келтирилган.

1530/1. Оишадан ﵂ ривоят қилинади. Бир киши Расулуллоҳ ﷺ ҳузурларига кириш учун изн сўради. Расулуллоҳ ﷺ унинг киришига изн беринглар, деб кейин: «Бу одам ўз жамоасининг ёмон кишисидир», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

Имом Бухорий ёмон ва ишончсиз кишиларни ғийбат қилиш жоиз эканига бу ҳадисни ҳужжат қилганлар.

1531/2. Оишадан ﵂ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Фалон ва фалон кишиларни динимиздан бирор нарса билишади, деб гумон қилмайман», дедилар. *Имом Бухорий ривояти.*

Ушбу ҳадис ровийларидан бири Лайс ибн Саъд бу икки киши мунофиқлардан эди, дедилар.

1523/3. Фотима бинти Қайсдан ﵂ ривоят қилинади: «Мен Расулуллоҳ ﷺ ҳузурларига бориб: «Абулжаҳм ва Муовиялар совчи юборишяпти, нима қилайин?» десам, у зот: «Муовия камбағал, унинг мол-дунёси йўқ. Абулжаҳм эса елкасидан ҳассасини ташламайди (яъни, хотинларига қаттиққўл)», дедилар». *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

Имом Муслим ривоятларида «Абулжаҳм хотинларини урувчидир» бўлиб келган.

«Елкасидан ҳассасини ташламайди», деганларини баъзилар кўп сафар қилувчи, деб ҳам шарҳлашган.

1533/4. Зайд ибн Арқамдан ﵂ ривоят қилинади: «Биз Расулуллоҳ ﷺ билан бирга сафарга чиққанимизда кишиларга қийинчилик етди. (Мунофиқ) Абдуллоҳ ибн Убай: «Расулуллоҳ ﷺ ҳузурларидаги кишиларга (саҳобаларга) ҳеч нарса бермангланг. Шунда атрофидаги кишилар тарқалиб кетади. Агар Мадинага қайтсак, кучли бўлганлар кучсизларни у ердан чиқариб юборади» (яъни, ўзини кучли, Расулуллоҳни эса кучсиз, деб айтмоқчи), деганида, мен бунинг хабарини Расулуллоҳга ﷺ етказдим. У зот Абдуллоҳ ибн Убайни олиб келиш учун одам юбордилар. У (мунофиқ) келиб бу сўзларни айтмадим, деб қасам ичди. Шунда одамлар: «Зайд ибн Арқам Расулуллоҳга □ нисбатан ёлғон ишлатибди», дейишди. Бу сўзлар мени ранжитди. Ҳатто Аллоҳ таоло менинг сўзимни тасдиқлаб «Қачон мунофиқлар сизнинг олдингизга келсалар... » оятини нозил қилди. Кейин Расулуллоҳ уларни қилган гуноҳларига истиғфор айтиш учун чақиртирдилар. Лекин улар бошларини эгиб келмадилар». *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

1534/5. Оишадан ﵂ ривоят қилинади. Абу Суфённинг хотини Ҳинд Расулуллоҳ ﷺ ҳузурларига келиб: «Эрим Абу Суфён зиқна киши. Менга ва

болаларига кифоя қилгудек нарса бермайди. Шунинг учун унга билдирмасдан баъзи нарсаларни оламан. Бунинг ҳукми қандай бўлади?» деганида, у зот: «Ўзингга ва болаларингга кифоя қилгудегини яхшилик билан олавергин», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

257-боб
Чақимчилик (одамлар ўртасида фасод қилиш мақсадида сўз ташимоқ)нинг ҳаромлиги ҳақида

Аллоҳ таоло: **«**(Эй Муҳаммад)**, яна сиз ҳар бир тубан қасамхўр, ғийбатчи-ю гап ташувчи кимсага итоат этманг»** (Қалам сураси, 11-оят);

«У (инсон) **бирон сўзни талаффуз қилмас, магар** (талаффуз қилса) **унинг олдида ҳозиру нозир бўлган бир кузатгувчи** (фаришта у сўзни ёзиб олур)**»** (Қоф сураси, 18-оят), деб айтган.

1535/1. Ҳузайфадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Чақимчи жаннатга кирмайди», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

1536/2. Ибн Аббосдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ икки қабр олдидан ўтиб: «Бу иккита қабрдагилар азобланишмоқда. Уларнинг гумонларича, бу катта (гуноҳ) эмас. Лекин аслида каттадир. Уларнинг бири чақимчилик қилиб юрарди. Иккинчиси эса сийдикдан сақланмасди», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

1537/3. Ибн Масъуддан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Сизларга бўҳтон нима эканининг хабарини берайми? У чақимчилик ва одамлар орасида (бузиш учун) сўз ташиш», дедилар. *Имом Муслим ривояти.*

258-боб
Зарурат бўлмаганда одамлар сўзини бошқаларга етказишдан қайтарилгани, фасод хавфи бўлса, жоизлиги ҳақида

Аллоҳ таоло: **«Гуноҳ ва ҳаддан ошиш йўлида ҳамкорлик қилмангиз»** (Моида сураси, 2-оят), деб айтган.

1538/1. Ибн Масъуддан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Саҳобаларимдан бирортаси бошқаси ҳақида бирор нарса етказмасин. Чунки мен сизларнинг олдингизга қалбим соғлом ҳолда чиқмоқни яхши кўраман», дедилар. *Абу Довуд ва Термизий ривоятлари.*

259-боб
Иккиюзламачиликнинг ёмонлиги ҳақида

Аллоҳ таоло:**«Улар** (ўзларининг жиноятларини) **одамлардан яшира оладилар, аммо Аллоҳдан яшира олмайдилар. Улар** (Аллоҳ) **рози бўлмайдиган гапларнинг режасини хуфёна тузаётган пайтларида ҳам У Зот улар билан бирга бўлур. Аллоҳ уларнинг қилаётган**

амалларини иҳота қилгувчи-ўраб олгувчи бўлган Зотдир» (Нисо сураси, 108-оят), деб айтган.

1539/1. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Сизлар одамларни конларга ўхшатингларки, уларнинг жоҳилият давридаги яхшилари Исломда ҳам яхшиларидир. Шу шарт биланки, агар улар шариат ҳукмларини билишса. Ва яна инсонларнинг яхшиси раҳбарликни ёмон кўрганларидир. Инсонларнинг ёмони эса иккиюзламачилардир. Улар бир жамоага бир юз билан ва наригисига бошқа юз билан боради», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

Фойда: чунки бошлиқ бўлишни ёмон кўрган киши мабодо бошлиқ қилинса ҳам, у киши Аллоҳнинг чегарасини бузиб ўтмайди. Сабаби – у кишини бошлиқликдан бўшатилиш қўрқитмайди.

1540/2. Муҳаммад ибн Зайддан ﷺ ривоят қилинади. Бир неча киши Абдуллоҳ ибн Умарнинг ﷺ ҳузурларига келиб: «Бизлар бошлиқларимиз ҳузурига кирамиз. Агар у ердан чиқсак, айтган нарсамизнинг хилофини гапирамиз. Яъни, олдиларида мақтаб, чиққанда ёмонлаймиз», дейишганида, Абдуллоҳ ибн Умар ﷺ: «Биз бунақа ишларни Расулуллоҳ ﷺ замонларида мунофиқлик, деб ҳисоблар эдик», дедилар. *Имом Бухорий ривояти.*

260-боб
Ёлғоннинг ҳаромлиги ҳақида

Аллоҳ таоло: **«**(Эй инсон)**, ўзинг аниқ билмаган нарсага эргашма»** (Исро сураси, 36-оят);

«У (инсон) **бирон сўзни талаффуз қилмас, магар** (талаффуз қилса) **унинг олдида ҳозиру нозир бўлган бир кузатувчи** (фаришта у сўзни ёзиб олур)**»** (Қоф сураси, 18-оят), деб айтган.

1541/1. Ибн Масъуддан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Ростгўйлик яхшиликка олиб боради. Яхшилик эса жаннатга олиб боради. Киши рост сўзлаб юради. Оқибатда Аллоҳ ҳузурида сиддиқ (ростгўй), деб ёзилади. Ёлғончилик ёмонликка олиб боради. Ёмонлик эса дўзахга олиб боради. Киши ёлғон сўзлаб юради. Ва Аллоҳ ҳузурида каззоб (ёлғончи), деб ёзилади», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

1542/2. Абдуллоҳ ибн Амр ибн Оссдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Сизларда тўрт тоифа киши борки, уларда аниқ мунофиқлик бор. Кимда ана шу хислат бўлса, то уни тарк қилмагунича ундаги нифоқлик хислати кетмайди. Агар омонат берилса, хиёнат қилади. Агар гапирса, ёлғон сўзлайди. Агар аҳдлашса (шартнома тузилса), бузади. Агар хусуматлашилса, номуссизлик қилади», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

1543/3. Ибн Аббосдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Ким кўрмаган тушини кўрдим, деб айтса, қиёмат куни қўлига иккита арпа бериб,

уни бир-бирига боғлаш буюрилади. У эса бу ишни ҳаргиз қила олмайди. Ким бир жамоанинг (ўзаро) суҳбатига қулоқ солса, улар эса бунинг тарқалишини кариҳ кўришса, қиёмат куни эшитган кишининг икки қулоғига қалайи қуйилади. Ким бирор сурат чизса, чизган кишини қиёмат кунида азоблаб, унга жон киритишга буюрилади. У эса бунинг уддасидан чиқа олмайди», дедилар. *Имом Бухорий ривояти.*

1544/4. Ибн Умардан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Киши кўрмаган нарсасини кўзим билан кўрдим, деса, ўша ёлғончиларнинг энг ёлғончисидир», дедилар. *Имом Бухорий ривояти.*

1545/5. Самура ибн Жундубдан ﷺ ривоят қилинади: «Расулуллоҳ ﷺ кўпинча саҳобаларидан «Сизлардан бирортангиз туш кўрдими?» деб сўрардилар. Агар саҳобалар орасида туш кўргани бўлса, Аллоҳ хоҳлаганича сўзлаб берар эди. Кунларнинг бирида Расулуллоҳ ﷺ тонгда ҳузуримизга чиқиб кўрган тушларини қуйидагича сўзлаб бердилар: «Тунда икки киши келиб, биз билан юргин, дейишди. Мен улар билан бирга кетдим. Юриб ётган бир кишининг олдига бордик. Қарасак, унинг олдида тош кўтариб бошқа бир киши турибди. Ўша турган киши ётганнинг бошига тош билан урар, унинг боши эса майдаланиб кетарди. Тош эса узоққа думалаб кетарди. Урган киши тошнинг орқасидан бориб олиб келгунича, ётган кишининг боши яна аввалги ҳолига айланиб қолар эди. Турган киши аввалги урганидек яна қайтадан ураверар эди. Мен ўзим билан келган икки кишига: «Субҳаналлоҳ (ажабланганда шундай дейилади), бу қанақаси?» десам, улар: «Юр-юр», дейишди. Мен улар билан бирга кетдим. Юриб чалқанча ётган бир кишининг олдига бордик. Қарасак, унинг олдида темир омбур ушлаб бошқа бир киши турарди. У ётган кишининг юз томонига келиб, жағи, бурни, кўзининг орқасига омбур билан тортиб (гўшти ва терисини тортгандек) иккинчи томонини ҳам тортар эди. Бир томондан фориғ бўлмай туриб, аввалги томони асли ҳолатига қайтиб қолар эди. У бу ишини қайта-қайта қилар эди. Мен: «Субҳаналлоҳ, булар нима қилишмоқда?» десам, мен билан келган икки киши: «Юр-юр», дейишди. Юриб тандирга ўхшаш нарсанинг олдига бордик. (Ровий Расулуллоҳ ﷺ қуйидагича сўзладилар, деб ўйлайман, дедилар.) Ўша тандирга ўхшаган нарса ичида шовқин-сурон ва ҳар хил овозлар эшитилар эди. Қарасак, яланғоч эркак ва аёллар туришибди. Уларнинг остиларидан олов ёқилар эди. Олов уларга етиб келган пайтда улар дод-вой қилишар эди. Мен: «Булар ким?» десам, ҳамроҳларим: «Юр-юр», дейишди. Юриб бир анҳорнинг олдига бордик. (Ровий айтадилар: «Ўша анҳорнинг рангини Расулуллоҳ ﷺ қон рангидек, дедилар».) Ўша анҳорда бир киши сузиб юрар эди. Анҳорнинг қирғоғида эса бошқа бир киши бир қанча тошларни тўплаб ўтирар эди. Бояги одам хоҳлаганича сузиб, кейин тош тўплаган кишининг олдига келарди. У эса сузиб келган кишининг оғзини очиб, йиғиб қўйган тошларини тиқиб юборар эди. У эса яна сузиб кетар ва қайтиб келар эди. Ҳар гал қайтиб келганида оғзини очиб, тошни тиқиб юборар эди. Мен: «Булар ким?» десам, у икковлари: «Юр-юр», дейишар эди. Юриб бир

бадбашара кишининг олдига бордик. Сен ундай кишини кўрмагансан. Унинг олдида олов турибди. Ўша оловни ёқиб атрофида айланиб турибди. Ҳамроҳларимдан «Бу нима?» деб сўрасам, улар: «Юр-юр», дейишар эди. Юриб кўкаламзор боққа бордик. У ерда ҳар турли баҳор гуллари бор экан. Ўша боғнинг ўртасида узун бўйли бир киши турибди. У киши бўйининг узунлигидан боши осмонда эди. Уни кўра олмас эдим. Бу кишининг атрофида кўпгина ёш болалар туришибди. Мен ҳеч бундай болаларни кўрмаганман. Шунда мен ҳамроҳларимдан: «Булар ким? Анавилар-чи?» деб сўрасам, улар: «Юр-юр», дейишар эди. Юриб катта бир дарахтнинг олдига бордик. Мен бу каби улкан ва чиройли дарахтни кўрмаганман. Ҳамроҳларим: «Бу дарахтнинг устига чиқинг», дейишди. Унинг устига чиқсак, тилла ва кумуш ғиштлардан қурилган шаҳар бор экан. Шаҳар дарвозаси олдига бориб, уни очишларини сўрадик. Очишган эди, ичига кирдик. У ерда одамлар бор экан. Таналарининг ярми жуда чиройли суратда. Сен бундай хушсурат кишиларни кўрмагансан. Ярмилари эса жуда хунук. Сен бундай хунук кишиларни кўрмагансан. Ҳамроҳларим уларга: «Мана бу анҳорга бориб тушинглар», дедилар. У анҳор оқиб турган бўлиб, оқлиги сутга ўхшар эди. Улар бориб ўша анҳорга тушишди-да, кейин олдимизга қайтиб келишди. Келишганида улардан ҳалиги хунуклик кетиб, хушсурат бўлиб қолишган эди. Ҳамроҳларим: «Бу Адн жаннатидир. Мана бу эса сизнинг манзилингиз», дейишди. Кўзимни юқорига қаратиб боқсам, у оқ булут каби қаср экан. Улар яна: «Бу сизнинг манзилингиздир», дейишди. Мен уларга: «Аллоҳ сизларга барака берсин. Қўйинглар, бу ерга кирайин», десам, улар: «Ҳозирча йўқ. Лекин албатта киражаксиз», дейишди. Мен: «Унда бу кеча кўрган ажойиб нарсаларимнинг хабарини беринглар», десам, улар: «Албатта хабар берамиз», дейишди. «Аввалги боши тош билан майдаланаётган киши (ҳаётлик вақтида) Қуръони каримни ёд олиб, кейин ташлаб қўйган киши ва фарз намозларини ўқимасдан ухловчи кишидир. Иккинчиси, жағи, бурни, кўзининг орқасига омбур билан тортиб (гўшти ва терисини айлантириб) кесилаётган киши (ҳаётлик вақтида) эрта билан уйидан чиқиб бир ёлғон сўзни гапирардики, ўша ёлғон бутун оламга ёйилар эди. Учинчиси, тандирга ўхшаган жойдаги яланғоч эркак ва аёллар ҳаётлик вақтларидаги зинокор эркак ва аёллардир. Тўртинчиси, анҳорда сузиб юрганда оғзига тош солинадиган киши (ҳаётлик вақтида) рибо (судхўрлик билан) еювчидир. Бешинчиси, кўриниши хунук бўлган, олов ёқиб унинг атрофида айланиб юрувчи кимса дўзах хазинабони Молик исмли фариштадир. Олтинчиси, боғдаги узун бўйли киши Иброҳим алайҳиссаломдирлар. Атрофларидаги ёш болалар эса (Ислом) фитратида вафот этган ёш гўдаклардир», дейишди». (Имом Барқоний ривоятларида эса «(Ислом) фитратида туғилган болалардир» бўлиб келган.) Бу сўзни эшитиб турган баъзи мусулмонлар: «Эй Аллоҳнинг расули, мушрикларнинг болалари-чи?» дейишган эди, Расулуллоҳ ﷺ: «Мушрикларнинг ҳам болалари шундоқ», дедилар. Яна: «Ҳамроҳларим: «Ҳалиги ярим қисми чиройли ва ярим қисми хунук бўлган кишилар (ҳаётлик вақтларида) яхши амаллар билан ёмон амалларни аралаштириб юборганлардир. Аллоҳ эса уларнинг гуноҳларини кечириб юборди», дейишди», дедилар». *Имом Бухорий ривояти.*

Бошқа ривоятда қуйидагича келтирилади: «Бу кеча (тушимда) икки киши келиб мени муқаддас ерга олиб чиқишди. Кейин биз тандир каби ғорга бордик. Унинг юқориси тор ва ости кенг эди. Остидан олов ёқилар эди. Агар олов баландласа, улар ҳам кўтарилиб чиқиб кетишларига оз қолар эди. Агар олов сўнса, яна пастлашар эди. Унинг ичида яланғоч эркагу аёллар бор эди. Ҳатто биз қондан бўлган анҳор олдига келдик. Бунинг қон эканига шак-шубҳа йўқ. Анҳорнинг ўртасида бир киши, қирғоғида эса олдига тошларни тўплаб бошқа киши турар эди. Агар анҳор ўртасидаги киши қирғоққа чиқишни хоҳласа, қирғоқдаги киши унинг оғзига тош отиб, уни аввалги жойига қайтариб қўяр эди. Ҳар гал сувдан чиқиш учун қирғоққа келса, оғзига тош билан уриб, аввалги жойига қайтариб қўяр эди». Шу ривоятда яна айтилади: «Икковлари мен билан дарахтга кўтарилишди. Ва бир ҳовлига олиб киришди. Мен бундай чиройли уйни ҳеч кўрмаганман. У ерда кекса ва кичик ёшли кишилар бор экан». Яна келтирилади: «Жағи иккига бўлинаётган киши (ҳаётлик вақтида) каззоб эди. У ёлғонни гапирарди. Ўша ёлғон бутун оламга ёйилар эди. Бунга азоб то қиёмат кунигача берилади». Шу ривоятда яна: «Боши янчилаётган киши (ҳаётлик вақтида) Аллоҳ унга Қуръонни ўргатган эди-ю, лекин у кечаларини уйқу билан ўтказиб, кундузи у Қуръон ичидаги нарсаларга амал қилмас эди. Юқоридаги азоб билан қиёмат кунигача жазоланади. Аввалги кирган ҳовли умумий мўминлар ҳовлисидир. Мана буниси эса шаҳидлар ҳовлисидир. Мен Жаброилман. Бу эса Микоилдир. Энди бошингни кўтаргин, дейишди. Бошимни кўтариб қарасам, устимда булут каби нарса турибди. Икковлари: «Бу сенинг манзилингдир», дейишди. Мен: «Қўйиб юборинглар, ўз манзилимга кирайин», десам, икковлари: «Ҳали тугамаган умринг қолди. Агар умринг охирига етса (яъни, вафот этсанг), ўз манзилингга албатта борасан», дейишди», дейилади. *Имом Бухорий ривояти.*

261-боб
Ёлғончиликда рухсат берилган ўринлар тўғрисида

Билгинки, ёлғончиликнинг асли ҳаромдир. Шу билан бирга баъзи ҳолатларда шартларга мувофиқ келса, уни ишлатиш жоиздир. Мен буни «Ал-Азкор» китобида баён қилганман. Қисқача қилиб айтганда, «Калом мақсадга эришиш йўлидаги воситадир. Ҳар бир мақтовчида мақсадга ростгўйлик билан, ёлғонсиз эга бўлиш имкони бўлса, ёлғон гапириш харомдир. Агар ростгўйлик билан эришиш имкони бўлмай, фақат ёлғон билан имкон бўлса, ёлғон жоиздир. Агар қўлга киритиладиган мақсад мубоҳ бўлса, ёлғон ҳам мубоҳдир. Агар мақсад вожиб бўлса, ёлғон ҳам вожибдир. Масалан, бирор мусулмон киши қатл қилувчи золимдан яшириниб олган бўлса-ю, золим у мусулмон ҳақида сўраса, уни яшириб ёлғон ишлатиш вожибдир. Шу сингари ўзида ёки бошқа кишида омонат бўлса ва золим ўша молни тортиб олишни хоҳласа, уни яшириб ёлғон гапириш вожиб бўлади. Яна ҳам қамровлироғи «таврия», яъни лафзнинг зоҳирида ёлғон бўлса ҳам, унга нисбатан ёлғон бўлмаган соғлом мақсадли ибора қўллайди. Мабодо,

таврияни тарк қилиб, ана шу ҳолда ёлғон иборани қўлласа ҳам, ҳаром эмас. Уламолар мана шунақа ҳолатларда ёлғон ишлатишнинг жоизлигига Умму Гулсумнинг ﵂ Расулуллоҳдан ﷺ эшитган қуйидаги ҳадисларини далил қилиб келтиришади. Расулуллоҳ ﷺ: «Инсонлар орасини ислоҳ қилиш ниятида ёлғондан яхши хабар етказувчи ва яхши сўзларни гапирувчи ёлғончи эмас», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

Имом Муслим ривоятларида эса «Умму Гулсум ﵂: «Одамлар ишлатиб юрадиган сўзларнинг уч хилидан ташқари бошқа бирортасида ёлғон ишлатишга Расулуллоҳ ﷺ рухсат бермадилар. Улар: урушда, одамлар орасини ислоҳ қилишда, эр-хотин ўрталарида бўладиган сўзларда», деб айтганлар» зиёда қилинган.

262-боб
Гап гапираётганида яхшилаб текшириб, кейин сўзлашга тарғиб ҳақида

Аллоҳ таоло:**«**(Эй инсон)**, ўзинг аниқ билмаган нарсага эргашма»** (Исро сураси, 36-оят);

«У (инсон) **бирон сўзни талаффуз қилмас, магар** (талаффуз қилса) **унинг олдида ҳозиру нозир бўлган бир кузатувчи** (фаришта у сўзни ёзиб олур)**»** (Қоф сураси, 18-оят), деб айтган.

1546/1. Абу Ҳурайрадан ﵁ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Киши ҳар бир эшитган нарсасини гапиравериши унинг ёлғончи эканига кифоя қилади», дедилар. *Имом Муслим ривояти.*

1547/2. Самурадан ﵁ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Ким мендан бирорта ҳадисни ривоят қилса ва унинг ёлғонлигини ҳам ҳис қилса, ўша киши ёлғончиларнинг биридир», дедилар. *Имом Муслим ривояти.*

1548/3. Асмодан ﵂ ривоят қилинади. Бир аёл: «Эй Аллоҳнинг расули! Менинг бир кундошим бор. Агар ўзимни унинг олдида эрим бермаган нарса ила тўқ қилиб кўрсатсам, менга гуноҳ бўладими?» деганида, Расулуллоҳ ﷺ: «Берилмаган нарса ила ўзини тўқ қилиб кўрсатувчи киши икки ёлғон либосини киювчига ўхшайди», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

Бунинг маъноси қуйидагичадир: масалан, киши ўзи илм ва зуҳд аҳли бўлмасдан кишиларни алдаб уларнинг либосларини кийиб юради. Ёки бадавлат бўлмай, зодагонлар либосини кийиб юради. Бу либос билан улар эришган мақомларга етишни хоҳлайди. Бу ҳадисда эса одамнинг ичи билан усти бир хил бўлишига тарғиб қилинмоқда.

263-боб
Ёлғон гувоҳлик бериш оғир ҳаром амаллардан эканлиги ҳақида

Аллоҳ таоло: **«Ва ёлғон сўздан йироқ бўлингиз»** (Ҳаж сураси, 30-оят);

«(Эй инсон)**, ўзинг аниқ билмаган нарсага эргашма!»** (Исро сураси, 36-оят);

«У (инсон) **бирон сўзни талаффуз қилмас, магар** (талаффуз қилса) **унинг олдида ҳозиру нозир бўлган бир кузатувчи** (фаришта у сўзни ёзиб олур)**»** (Қоф сураси, 18-оят);

«Шак-шубҳасиз, Парвардигорингиз (барча нарсани) **кузатиб тургувчидир»** (Вал-фажр сураси, 14-оят);

«Улар (яъни, Раҳмоннинг суюкли бандалари) **ёлғон гувоҳлик бермаслар»** (Фурқон сураси, 72-оят), деб айтган.

1549/1. Абу Бакра Нуфайъ ибн Ҳорисдан ﷺ ривоят қилинади: «Расулуллоҳ ﷺ: «Сизларга кабира (улкан) гуноҳлар ҳақида хабар берайми?» деб сўрадилар. Биз: «Ҳа, айтинг, эй Аллоҳнинг расули!» дедик. Шунда у зот: «Аллоҳга бирор нарсани шерик қилмоқ, ота-онага оқ бўлмоқ, – деб суяниб тургандилар, тўғри ўтириб олиб, – огоҳ бўлинглар, ёлғон сўз ва ёлғон гувоҳлик бермоқ», деб такрорлайвердилар, ҳатто биз: «Қанийди, жим бўлсалар-ку», деб умид қилдик». *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

264-боб
Бирор киши ёки ҳайвонни лаънатлашнинг ҳаромлиги ҳақида

1550/1. Абу Зайд ибн Собит ибн Заҳҳок ал-Ансорийдан ﷺ ривоят қилинади. (Бу зот Ризвон байъатида иштирок этган саҳобалардан биридир.) Расулуллоҳ ﷺ: «Ким қасддан бир нарсага ёлғондан қасам ичиб (бу иш шундоқ бўлса ё бўлмаса) Исломдан бошқа миллатда (яъни, яҳудий, насроний ва ёки мажусий) бўлай, деса, ўша ният қилиб айтган динида бўлади (яъни, Исломдан чиқади). Ким ўз жонига ўзи бирор нарса билан қасд қилса, қиёмат куни ўша нарса билан азоб берилади. Ким бажаришга қодир бўлинмайдиган нарсани назр қилса, уни бажариш лозим эмас. Мўминни лаънатлаш уни ўлдириш кабидир», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

1551/2. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Лаънатни кўп айтиш чин мусулмонга лойиқ эмас», дедилар. *Имом Муслим ривояти.*

1552/3. Абу Дардодан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Кўп лаънат айтувчи киши қиёмат кунида шафоатчи ҳам, гувоҳлик берувчи ҳам бўлмайди», дедилар. *Имом Муслим ривояти.*

1553/4. Самура ибн Жундубдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Аллоҳнинг лаънати бўлсин, Аллоҳнинг ғазаби бўлсин ва Аллоҳнинг дўзахи бўлсин, деб сўкишманглар», дедилар. *Абу Довуд ва Термизий ривоятлари.*

1554/5. Ибн Масъуддан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Мўмин киши кўп сўкувчи ҳам, кўп лаънатловчи ҳам, фаҳш сўзларни айтувчи ҳам, одобсиз ҳам бўлмайди», дедилар. *Имом Термизий ривояти.*

1555/6. Абу Дардодан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Агар банда бирор нарса ила лаънатласа, лаънати осмонга кўтарилади. Осмон эшиклари унинг рўпарасида ёпилади. Сўнгра ерга тушади. Бас, унинг эшиклари ҳам ёпилади. Сўнгра ўнг ва чап томонга боради. Агар имконият топа олмаса, лаънатланган кишига қайтади. Агар унинг соҳиби ўша лаънатга аҳл (муносиб) бўлса, унда қолади. Агар аҳл бўлмаса, айтган кишининг ўзига қайтади», дедилар. *Абу Довуд ривояти.*

1556/7. Имрон ибн Ҳусайндан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ сафарларнинг бирида эканликларида ансорийлардан бир аёл туядан аччиқланиб, уни лаънатлади. Буни Расулуллоҳ ﷺ эшитиб: «Бундаги нарсаларни олиб, туяни қолдиринглар, чунки туя лаънатлангандир», дедилар. Имрон ﷺ: «Мен у туяни ҳозир кўргандекман. У кишилар орасида юради-ю, аммо унга бирор киши юзланмайди», деб айтганлар. *Имом Муслим ривояти.*

1557/8. Абу Барзадан ﷺ ривоят қилинади. Бир жория қиз қавмнинг юки турган туяда эди. Тоғнинг тор жойида у Расулуллоҳни ﷺ кўриб туяга «Тўхта! Аллоҳ сени лаънатласин», деб юборди. Шунда Расулуллоҳ ﷺ: «Бу лаънатланган туяни бизга ҳамроҳ қилманг», дедилар. *Имом Муслим ривояти.*

Билингки, бу ҳадис мушкул, деб билинади. Аслида бу ҳадисда ишкаллик йўқдир. Яъни, туянинг бирга юришини Расулуллоҳ ﷺ хоҳламаяптилар, холос. Бу ўша туяни сотиш, сўйиш ва минишдан қайтариқ, дегани эмас. Валлоҳу аълам.

265-боб
Номини тилга олмасдан гуноҳкорларга лаънат айтишнинг жоизлиги тўғрисида

Аллоҳ таоло: **«Огоҳ бўлингизким, бундай золимларга Аллоҳнинг лаънати бўлур»** (Ҳуд сураси, 18-оят);

«Бас, уларнинг ўрталарида бир жарчи: «Золимларга Аллоҳнинг лаънати бўлгай», деб жар солур» (Аъроф сураси, 44-оят), деб айтган.

Гуноҳкор кишиларни лаънатлашнинг жоизлиги ҳақида машҳур саҳиҳ ҳадисларда собит бўлишича, Расулуллоҳ ﷺ: «Соч уловчи ва соч улатганни, рибо еювчини, расм чизувчини, ер қозиғини (қўшни ҳаққини) ўзгартирувчини, тухум ўғрисини, отасини лаънатлаганни, Аллоҳдан бошқага қилинган қурбонликни Аллоҳ лаънатлади. Ким бизнинг ишимизда янгилик яратса ёки янгиликка йўл берса, унга Аллоҳнинг фаришталари ва одамларнинг барчасининг лаънати бўлсин», дедилар. Ва яна: «Аллоҳим, Риъл, Закавон ва Усаййа қабилаларини лаънатлагин. Улар Аллоҳ ва

расулига осийлик қилишди. Булар араб қабилаларидан учтасидир. Яна У яҳудийларни лаънатлади. Яна Аллоҳ таоло яҳудий ва насронийларни пайғамбарлар қабрларини масжид қилиб олишгани учун лаънатлади. Ва яна аёлларга ўзини ўхшатган эркакларни ва эркакларга ўзини ўхшатган аёлларни лаънатлади», дедилар.

Бу ҳадислар лафзи Имом Бухорий ва Муслимнинг «Саҳиҳ»ларида келган. Буларнинг баъзиси иккитасида, баъзиси бирида келган.

266-боб
Мусулмонни ноҳақ сўкишнинг ҳаромлиги ҳақида

Аллоҳ таоло: **«Мўмин ва мўминаларга улар бирон гуноҳ қилмасликларидан озор берадиган кимсалар ҳам бўҳтон ва очиқ гуноҳни ўз устларига олибдилар»** (Аҳзоб сураси, 58-оят), деб айтган.

1558/1. Ибн Масъуддан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Мусулмонни сўкиш фосиқликдир. Ўлдириш эса кофирликдир», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

1559/2. Абу Заррдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Киши бошқа бир кишини фосиқ ёки кофир, деб сўкмасин. Чунки бу айблар сўкилган кишида бўлмаса, сўкувчининг ўзига қайтади», дедилар. *Имом Бухорий ривояти.*

1560/3. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Икки сўкишганнинг гуноҳи аввал бошлаганигадир. Лекин мазлум ҳаддан ошиб кетса, унда гуноҳ мазлумга бўлади», дедилар. *Имом Муслим ривояти.*

1561/4. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ хузурларига ароқ ичган бир киши олиб келинди. Расулуллоҳ ﷺ: «Буни уринглар», деб буюрдилар. Абу Ҳурайра ﷺ: «Бизлардан кимдир уни қўли билан, кимдир пойабзали билан, яна кимдир кийими билан урди», дедилар. Қачонки, у ўғри қайтиб кетаётган эди, қавмидагилардан бири: «Аллоҳ сени хўрласин», деди. Буни эшитган Расулуллоҳ ﷺ: «Бунақа сўзларни айтманглар. Чунки бу кишига ғолиб келиши учун шайтонга ёрдам берган бўласизлар (яъни, шайтон бу кишига ароқ ичишни зийнатлаб кўрсатган эди. Энди уни хўрлаётганингизни кўриб шайтон хурсанд бўлади)», дедилар. *Имом Бухорий ривояти.*

1562/5. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Ким қули (хизматкори)ни зино қилганликда айбласа ва бу айблаган нарсаси унда мавжуд бўлмаса, қиёмат куни ўша айбловчига ҳад (дарра) урилади», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

267-боб
Ўликларни ноҳақ ва шаръий манфаатсиз сўкишнинг ҳаромлиги ҳақида

Шаръий манфаат шуки, бидъатчи ва фосиқларга эргашиб қолинишдан бошқаларни огоҳлантириб уларни сўкиш.

Бунга юқоридаги бобда келган оят ва ҳадислар далил бўлади.

1563/1. Оишадан ﵂ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Ўлганларни сўкманглар, чунки амаллари билан борадиган жойларига бориб бўлдилар», деб айтдилар. *Имом Бухорий ривояти.*

268-боб
Озор беришдан қайтарилгани ҳақида

Аллоҳ таоло: **«Мўмин ва мўминаларга улар бирон гуноҳ қилмасликларидан озор берадиган кимсалар ҳам бўҳтон ва очиқ гуноҳни ўз устларига олибдилар»** (Аҳзоб сураси, 58-оят), деб айтган.

1564/1. Абдуллоҳ ибн Амр ибн Оссдан ﵄ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Қўли ва тилидан мусулмонлар омонда бўлса, ўша киши ҳақиқий мусулмондир. Аллоҳ ман қилган нарсалардан ўзини четда тутган киши ҳақиқий муҳожирдир», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

1565/2. Абдуллоҳ ибн Амр ибн Оссдан ﵄ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Кимни дўзахдан узоқлашиш ва жаннатга кириш хурсанд қилса, ўладиган пайтда Аллоҳга ва охират кунига иймон келтириб вафот этсин. Ҳамда ўзига қилинишни маҳбуб кўрган муомалани ўзидан бошқаларга ҳам раво кўрсин» (яъни, бошқаларга ҳам ўшандай яхши муомалада бўлсин), дедилар. *Имом Муслим ривояти.*

Бу ҳадис юқоридаги «Бошлиқларга тоат қилиш» бобида келган узун ҳадиснинг бир қисмидир.

269-боб
Мусулмонлар бир-бирларини ёмон кўришлари, алоқаларини узиб, тескари бўлиб кетишларидан қайтарилгани ҳақида

Аллоҳ таоло: **«Мўминлар ҳеч шак-шубҳасиз оға-инилардир»** (Ҳужурот сураси, 10-оят);

«Улар мўминларга ҳокисор, кофирларга эса қаттиққўл кишилардир» (Моида сураси, 54-оят);

«Муҳаммад Аллоҳнинг пайғамбаридир. У билан бирга бўлган (мўмин)**лар кофирларга қаҳрли, ўз ораларида** (мўминлар билан) **эса раҳм-шафқатлидирлар»** (Фатҳ сураси, 29-оят), деб айтган.

1566/1. Анасдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Бир-бирингизни ёмон кўрманг. Бир-бирингизга ҳасад қилманг. Бир-бирингизга орқа ўгириб кетманг. Ҳамда бир-бирингиздан алоқа узманг. Эй Аллоҳнинг бандалари, бир-бирингизга биродар бўлинглар. Мусулмон кишининг бошқа бир мусулмон билан уч кундан ортиқ гаплашмасдан аразлашиб юриши ҳалол эмас», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

1567/2. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Душанба ва пайшанба кунлари жаннат эшиклари очилади. Ҳамда Аллоҳ таолога бирор нарсани шерик қилмаган бандаларнинг гуноҳлари кечирилади. Лекин бир кишининг биродари билан адовати бўлса, гуноҳлари кечирилмайди. Ва: «Бу иккови ярашгунча муҳлат бериб туринглар. Бу иккови ярашгунча муҳлат бериб туринглар», деб айтилади», дедилар. *Имом Муслим ривояти.*

Имом Муслимнинг бошқа ривоятларида «Амаллар пайшанба ва душанба кунлари кўрсатилади» бўлиб келган.

270-боб
Ҳасаднинг ҳаромлиги ҳақида

Ҳасад – хоҳ диний, хоҳ дунёвий неъматларга биродари эришса, ўша неъмат ундан йўқ бўлишини орзу қилишдир.

Аллоҳ таоло: **«Ёки одамларга** (яъни, Муҳаммад алайҳиссаломга) **Аллоҳ ўз фазлу карамидан берган нарсага** (яъни, пайғамбарликка) **ҳасад қиляптиларми?»** (Нисо сураси, 54-оят) деб айтган.

Бу бобга яна аввалги бобда келган 1566-рақамли ҳадис ҳам далилдир.

1568/1. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Ҳасаддан четланинглар. Чунки олов ўтин ёки ўт-хашакларни еганидек, ҳасад ҳам яхши амалларни еб битиради», дедилар. *Абу Довуд ривояти.*

271-боб
Жосусликдан ҳамда яширин гапларга қулоқ солишдан қайтарилгани тўғрисида

Аллоҳ таоло: **«Жосуслик қилиб юрманглар»** (Ҳужурот сураси, 12-оят);

«Мўмин ва мўминаларга улар бирон гуноҳ қилмасликларидан озор берадиган кимсалар ҳам бўҳтон ва очиқ гуноҳни ўз устларига олибдилар» (Аҳзоб сураси, 58-оят), деб айтган.

1569/1. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Гумондан четланинглар. Чунки гумон сўзларнинг энг ёлғонидир. Бировларнинг айбларини ахтарманглар. Ва сўзларига қулоқ тутманглар, яъни жосуслик қилманглар. Бирор нарсага фақат ўзингиз эга бўлишга ошиқманг. Ҳасад қилманг. Бир-бирингизга ғазаб қилманг. Ҳамда орқа ўгириб муносабатларни бузманг. Эй Аллоҳнинг бандалари, сизларга буюрилганидек биродар бўлинглар. Мусулмон мусулмон билан ака-укадир. Унга зулм қилмайди,

ёрдамсиз қўймайди ва паст ҳам санамайди», дедилар ва «Тақво – бу ерда», «Тақво – бу ерда», деб қалбларига ишора қилдилар. Яна давом этиб: «Киши мусулмон биродарини паст санамоғи унинг ёмон эканига кифоя қилади. Ҳар бир мусулмоннинг бошқа бир мусулмоннинг қони, моли ва обрўсига тажовуз қилмоғи ҳаромдир. Албатта Аллоҳ таоло жисмларингиз, кўринишингиз ва амалларингизга қарамайди. Лекин сизларнинг қалбингизга қарайди», дедилар.

Бошқа ривоятда Расулуллоҳ ﷺ: «Бир-бирингизга ҳасадлашманг. Бир-бирингизга ғазаб қилманг. Бир-бирингизнинг сўзингизга қулоқ тутманг. Ҳамда айбларингизни ахтарманг. Ўзаро нархларни ошириб юборманг (яъни, сотиб олиш нияти йўқ ҳолда баҳосини ошириш учун ёлғондан баҳолашманг). Эй Аллоҳнинг бандалари, биродар бўлинглар», деб айтганлар. Бошқа ривоятда яна Расулуллоҳ ﷺ: «Ўзаро алоқаларни узманг. Бир-бирингизга орқа ўгириб муносабатларни бузманглар. Ҳамда ғазаб қилманглар. Ва бир-бирингизга ҳасадлашманглар. Эй Аллоҳнинг бандалари, биродар бўлинглар», деб айтганлар.

Бошқа ривоятда Расулуллоҳ ﷺ: «Бир-бирингиз билан аразлашманг. Ҳамда баъзиларингиз баъзиларингиз савдоси устига савдо қилмасин», деганлар. Бу ҳадисларни Имом Муслим ривоят қилганлар. Кўпи Имом Бухорий ривоят қилган ҳадислардир.

1570/2. Муовиядан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Агар сен мусулмонларнинг айбини ахтариб кетидан тушсанг, уларни бузасан ёки бузишга яқин борасан», дедилар. *Абу Довуд ривояти.*

1571/3. Ибн Масъуддан ﷺ ривоят қилинади. Бу зот ҳузурларига бир киши олиб келинди. Ва бу кишининг соқолидан ароқ томчилаб турибди, дейилди. Шунда Ибн Масъуд ﷺ: «Биз бировларнинг айбини ахтариб жосуслик қилишдан қайтарилганмиз. Лекин бирор айб ўзича маълум бўлиб қолса, уни жазога тортамиз», дедилар. *Абу Довуд Имом Бухорий ва Муслим шартларидаги иснод ила ривоят қилганлар.*

272-боб
Мусулмонларни заруратсиз ёмон гумон қилишдан қайтарилгани тўғрисида

Аллоҳ таоло: **«Эй мўминлар, кўп гумон**(лар)**дан четланинглар! Чунки айрим гумон**(лар) **гуноҳдир»** (Ҳужурот сураси, 12-оят), деб айтган.

1572/1. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Гумондан четланинглар. Чунки гумон сўзларнинг энг ёлғонидир!» дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

273-боб
Мусулмонларни таҳқирлашнинг ҳаромлиги ҳақида

Аллоҳ таоло: **«Эй мўминлар,** (сизлардан бўлган) **бир қавм** (бошқа) **бир** (мўмин) **қавмдан масхара қилиб кулмасин – эҳтимолки,** (ўша масхара қилинган қавм) **улардан яхшироқ бўлсалар. Яна** (сизлардан бўлган) **аёллар ҳам** (бошқа мўмина) **аёллар устидан масхара қилиб** (кулмасинлар) **– эҳтимолки,** (ўша масхара қилинган аёллар) **улардан яхшироқ бўлсалар. Ўзларингизни** (яъни, бир-бирларингизни) **мазах қилманглар ва бир-бирларингизга лақаблар қўйиб олманглар. Иймондан кейин фосиқлик билан номланиш** (яъни, мўмин кишининг юқорида ман қилинган фосиқона ишлар билан ном чиқариши) **нақадар ёмондир. Ким тавба қилмаса, бас, ана ўшалар золим кимсалардир»** (Ҳужурот сураси, 11-оят);

«Барча (кишиларга дилозорлик қилиб, уларнинг обрўларини тўкиб юрадиган) **бўҳтончи-ғийбатчига ҳалокат бўлгай»** (Ҳумаза сураси, 1-оят), деб айтган.

1573/1. Абу Ҳурайрадан ﵁ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Киши мусулмон биродарини паст санамоғи унинг ёмон эканига кифоя қилади», дедилар. *Имом Муслим ривояти.*

1574/2. Ибн Масъуддан ﵁ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Қалбида зарра миқдорича кибри бор киши жаннатга кирмайди», дедилар. Шунда бир киши: «Эй Расулуллоҳ, киши чиройли кийим ва чиройли пойабзал кияди (бу ҳам кибр бўладими?)» деганида, Расулуллоҳ ﷺ: «Албатта Аллоҳ чиройлидир. Чиройлини яхши кўради. Кибр эса ҳақни бузиш ва кишиларга наст назар билан қараш», дедилар. *Имом Муслим ривояти.*

1575/3. Жундуб ибн Абдуллоҳдан ﵁ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ айтдилар: «Бир киши: «Аллоҳ номига қасамки, Аллоҳ фалон кишининг гуноҳини кечирмайди», дейди. Аллоҳ таоло (бу кишининг сўзига эътироз билдириб): «Бу киши Менинг номимга қасам ичиб, фалон кишининг гуноҳини кечмаслигимни айтмоқда. Лекин Мен унинг гуноҳини кечириб, сенинг савобли амалларингни йўққа чиқардим, яъни ҳабата қилдим», деб айтади». *Имом Муслим ривояти.*

Фойда: бу ҳадисда Аллоҳнинг бандаларига нисбатан раҳмати ва мағфирати кенглиги ҳамда мусулмонларнинг бирортасини ҳаққир санамаслиги баён этилмоқда.

274-боб
Мусулмонга мусибат етганда хурсанд бўлишдан қайтарилгани тўғрисида

Аллоҳ таоло: **«Мўминлар ҳеч шак-шубҳасиз оға-инилардир»** (Ҳужурот сураси, 10-оят);

«Албатта иймон келтирган кишилар ўртасида бузуқликлар ёйилишини истайдиган кимсалар учун дунёда ҳам, охиратда ҳам аламли азоб бордир» (Нур сураси, 19-оят), деб айтган.

1576/1. Восила ибн Асқаъдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Биродарингга мусибат етганда хурсанд бўлма! Борди-ю, хурсанд бўлсанг, Аллоҳ унга раҳм қилиб мусибатдан халос этади, ўзингни эса мусибатга солиб қўяди», дедилар. *Имом Термизий ривояти.*

Яна бу бобимизга юқорида Абу Ҳурайрадан ривоят қилинган 1569-ҳадис ҳам далил бўлади.

275-боб
Шариат зоҳирида собит бўлган насабни ҳақоратлашнинг ҳаромлиги ҳақида

Аллоҳ таоло:**«Мўмин ва мўминаларга улар бирон гуноҳ қилмасликларидан озор берадиган кимсалар ҳам бўҳтон ва очиқ гуноҳни ўз устларига олибдилар»** (Аҳзоб сураси, 58-оят), деб айтган.

1577/1. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Инсонларда икки хислат борки, улар ана шу икки хислат билан куфрдадирлар: насабини ҳақорат қилиш ва маййитга баланд овоз билан йиғлаш», дедилар. *Имом Муслим ривояти.*

276-боб
Фирибгарлик ва алдамчиликдан қайтарилгани ҳақида

Аллоҳ таоло: **«Мўмин ва мўминаларга улар бирон гуноҳ қилмасликларидан озор берадиган кимсалар ҳам бўҳтон ва очиқ гуноҳни ўз устларига олибдилар»** (Аҳзоб сураси, 58-оят), деб айтган.

1578/1. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Ким бизга қарши қурол кўтарса ҳамда фирибгарлик қилса, биздан эмас», дедилар. *Имом Муслим ривояти.*

Имом Муслимнинг бошқа ривоятларида айтилишича, Расулуллоҳ ﷺ бир ғарам ғалла олдидан ўтиб, қўлларини унга тиқдилар. Қўлларига намлик тегди. У зот: «Эй ғалла эгаси, бу нимаси?» дедилар. У: «Ёмғир тегиб шунақа нам бўлиб қолибди, эй Аллоҳнинг расули», деди. Шунда Расулуллоҳ ﷺ: «Унда сен бу нам бўлганларини одамларнинг кўзи тушиши учун тепасига қўймадингми?» деб, яна: «Ким бизни алдаб фирибгарлик қилса, биздан эмас», дедилар.

1579/2. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Ўзаро нархларни ошириб юборманглар (яъни, сотиб олиш нияти йўқ, лекин баҳоси ошиши учун ёлғондан баҳолашманглар)», деб айтдилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

1580/3. Ибн Умардан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ ўзаро нархларни оширишдан қайтардилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

1581/4. Ибн Умардан ﷺ ривоят қилинади. Бир киши Расулуллоҳга ﷺ доим савдода алданишини зикр қилди. Шунда Расулуллоҳ ﷺ унга: «Агар олди-сотди қилсанг, алдаш йўқдир, деб айтгин», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

1582/5. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Ким бирор кишининг хотинини ёки хизматкорини йўлдан уриб бузса ва алдаса, биздан эмас», дедилар. *Абу Довуд ривояти.*

277-боб
Хиёнат, бевафоликнинг ҳаромлиги ҳақида

Аллоҳ таоло: **«Эй мўминлар, аҳдларга** (ўзаро келишган битимларга) **вафо қилингиз»** (Моида сураси, 1-оят);

«Аҳдга вафо қилинглар, зеро аҳд-паймон (қиёмат куни) **масъул бўлинадиган ишдир»** (Исро сураси, 34-оят), деб айтган.

1583/1. Абдуллоҳ ибн Амр ибн Оссдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Сизларда тўрт тоифа киши борки, уларда соф мунофиқлик бор. Кимда ана шу хислат бўлса, то уни тарк қилмагунича ундан нифоқлик хислати кетмайди. Агар омонат берилса, хиёнат қилади. Агар гапирса, ёлғон сўзлайди. Агар аҳдлашса (шартнома тузилса), бузади. Агар хусуматлашилса, номуссизлик қилади», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

1584/2. Ибн Масъуд, Ибн Умар ва Анаслардан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Ҳар бир хиёнатчига қиёмат кунида аломат бўлиши учун байроқ ушлатилади. Ва фалончининг хиёнати учун бундай қилинди, деб айтилади», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

1585/3. Абу Саид ал-Худрийдан ﷺ ривоят қилинади. Расуллоҳ ﷺ: «қиёмат куни барча хиёнаткорлар думбаси олдида байроқ бўлади. Ва унинг хиёнати миқдорича кўтарилади. Огоҳ бўлинг! Оммага бошлиқ бўлганларнинг хиёнатидан кўра буюкроқ хиёнат йўқдир», дедилар. *Имом Муслим ривояти.*

1586/4. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ айтдилар: «Аллоҳ таоло: «Қиёмат куни Мен уч киши билан хусуматдадирман. Бир киши Менинг номим билан бир кишига аҳд беради-да, кейин хиёнат қилади. Ва бир киши озод (ҳур) кишини сотиб юбориб, пулини ейди. Ва яна бир киши ишчини ёллаб ишлатади-да, унинг ҳаққини адо этмайди», деди». *Имом Бухорий ривояти.*

278-боб
Берган нарсасини миннат қилишдан қайтарилгани тўғрисида

Аллоҳ таоло: **«Эй мўминлар, берган садақаларингизни миннат ва озор билан йўққа чиқарманг»** (Бақара сураси, 264-оят);

«Молларини Аллоҳ йўлида сарфлаб, сўнгра берган нарсаларига миннат ва озорни эргаштирмайдиган зотлар учун Парвардигорлари ҳузурида улуғ ажр бордир» (Бақара сураси, 262-оят), деб айтган.

1587/1. Абу Заррдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Уч тоифа киши борки, Аллоҳ қиёмат кунида уларга гапирмайди ва уларни оқламайди ҳамда улар учун аламли азоб бордир», деб уч бора шу сўзни айтдилар. Шунда Абу Зарр ﷺ: «Ҳасрат-надоматда қолгурлар, улар кимлар ўзи?» деганларида, Расулуллоҳ ﷺ: «Кийимларини мутакаббирлик учун узун қилиб киювчилар, миннат қилувчилар ва молини ёлғон қасамлар билан ўтказувчи кишилар», деб айтдилар. *Имом Муслим ривояти.*

Муслимнинг бошқа ривоятларида «Иштонини ва кўйлагини такаббурона узун қилиб киювчилар» бўлиб келган.

279-боб
Фахрланиш ва ҳаддан ошишдан қайтарилгани ҳақида

Аллоҳ таоло: **«Бас, сизлар ўзларингизни покламай қўя қолинглар. Унинг Ўзи тақводор бўлган кишиларни жуда яхши билгувчидир»** (Ван-нажм сураси, 32-оят);

«Фақат одамларга зулм қиладиган ва ерда ноҳақ ҳаддиларидан ошадиган кимсалар (ни айблаш ва зулм-у зўравонликлари учун жазолаш)**гагина йўл бордир. Ана ўшалар учун аламли азоб бордир»** (Шўро сураси, 42-оят), деб айтган.

1588/1. Иёз ибн Ҳимордан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Албатта Аллоҳ таоло менга тавозуъли бўлмоқни ва бирор киши бошқа бир кишига жабр қилмаслигини ҳамда мақтанмаслигини ваҳий қилди», деб айтдилар. *Имом Муслим ривояти.*

1589/2. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Агар бир киши одамлар ҳалок бўлди (яъни, бузилиб кетди), деса, ўша кишининг ўзи ҳаммадан кўпроқ ҳалок бўлгувчидир», дедилар. *Имом Муслим ривояти.*

Бу ривоят мана шу маънода машҳурдир. Бу ерда ўз нафсига ажабланиб одамларга паст назар ила қараш, уларга нисбатан ўзини баланд тутиб бундай дейиш ҳаром саналмоқда. Лекин одамлар дин ишларида камчиликка йўл қўйганда уларнинг аҳволларига қайғуриб бундай сўзни айтишнинг зарари йўқ. Машҳур имомлардан Молик ибн Анас, Хаттобий, Ҳумайдий ва

бошқалар бу ҳадисни шундай шарҳлашган. Мен бу ҳақда «Ал-Азкор» китобида сўз юритганман.

280-боб
Мусулмонларнинг уч кундан ортиқ аразлашиб юришларининг ҳаромлиги, лекин бидъатчи ёки фосиқлиги очиқ бўлган киши билан аразлашишнинг зарари йўқлиги ҳақида

Аллоҳ таоло: **«Мўминлар ҳеч шак-шубҳасиз оға-инилардир. Бас, сизлар икки оға-инингизнинг ўртасини ўнглаб қўйинглар!»** (Ҳужурот сураси, 10-оят);

«Гуноҳ ва ҳаддан ошиш йўлида ҳамкорлик қилмангиз» (Моида сураси, 1-оят), деб айтган.

1590/1. Анасдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Ўзаро алоқаларни узманг. Бир-бирингизга орқа ўгириб муносабатларни бузманглар. Ҳамда ғазаб қилманглар. Ва бир-бирингизга ҳасадлашманглар. Эй Аллоҳнинг бандалари, биродар бўлинглар. Мусулмон кишининг биродари билан уч кундан кўп аразлашиб юриши ҳалол эмас», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

1591/2. Абу Айюбдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Мусулмон кишининг биродари билан уч кундан кўп аразлашиб юриши ҳалол эмас. Кўришганда у юзини ўгириши ёки буниси юзини буриши яхши эмас. Балки саломни аввал бошлагани яхшисидир», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

1592/3. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Ҳар душанба ва пайшанба куни амаллар Аллоҳга тақдим қилинади. Аллоҳга бирор нарсани шерик қилмаган кишининг гуноҳлари кечирилади. Аммо биродари билан адовати бўлган кишига нисбатан: «Бу икковини то ярашгунларича тек қўйинглар», дейилади», дедилар. *Имом Муслим ривояти.*

1593/4. Жобирдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Албатта шайтон Араб ярим оролида намозхонларни ўзига ибодат қилдиришдан умидини узди. Лекин ораларини бузиб, бир-бирларига мухолиф қилишдан умидини узгани йўқ», дедилар. *Имом Муслим ривояти.*

1594/5. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Мусулмон киши биродари билан уч кундан кўп аразлашиши ҳалол эмас. Ким уч кундан кўп аразлашиб вафот этса, дўзахга киради», дедилар. *Абу Довуд Имом Бухорий ва Муслим шартларига биноан ривоят қилганлар.*

1595/6. Абу Хирош Ҳадрад ибн Абу Ҳадраддан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Ким биродари билан бир йил аразлашиб юрса, гўёки унинг қонини тўкибди», дедилар. *Абу Довуд ривояти.*

1596/7. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Мўмин киши бошқа бир мўмин киши билан уч кундан кўп аразлашиб юриши ҳалол эмас. Агар уч кундан кўп ўтиб кетса, аразлаган кишиси билан йўлиқиб, унга салом берсин. Агар у саломга алик олса, савобда шерикдир. Агар алик олмаса, аразлашишнинг гуноҳи ўша алик олмаган кишига бўлади. Салом берган киши эса алоқа узиш гуноҳидан қутулади», дедилар. *Абу Довуд ривояти.*

Абу Довуд: «Аллоҳ йўлидаги алоқа узиб аразлашиш юқоридаги сўзларга ўхшаш эмасдир», деб айтдилар.

281-боб
Уч кишидан иккиси учинчисидан изн олмай махфий гаплашишдан қайтарилгани ҳақида

Аллоҳ таоло: **«**(Яҳудий ва мунофиқларнинг) **ўзаро шивир-шивирлари фақат шайтон томонидандир»** (Мужодала сураси, 10-оят), деб айтган.

1597/1. Ибн Умардан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Агар уч киши турган бўлса, бирларини қолдириб икки киши пичирлаб махфий гаплашмасин», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

Абу Довуд ҳам бу ҳадисни ривоят қилиб қуйидагиларни зиёда қилганлар: «Абу Солиҳ ﷺ Ибн Умарга ﷺ: «Агар тўрт киши турганда икки кишини қолдириб гаплашса бўладими?» деганларида, Ибн Умар ﷺ: «Зарари йўқ», деб айтдилар».

Имом Молик ҳам «Муватто» китобларида қуйидагиларни ривоят қилганлар: «Абдуллоҳ ибн Динор: «Мен ва Ибн Умар ﷺ Холид ибн Уқбанинг бозор яқинидаги уйи олдида турганимизда, бир киши келиб Ибн Умар билан махфий гаплашишни хоҳлади. Ўшанда Ибн Умар ﷺ билан мендан бошқа бирор киши йўқ эди. Ибн Умар ﷺ эса тўрт киши бўлишимиз учун яна бир кишини чақириб, менга ва ҳалиги чақиртирган кишига: «Бир оз тўхтаб туринглар, чунки мен Расулуллоҳ ﷺ: «Агар уч киши бўлса, бир кишини қолдириб гаплашмасин», деб айтганларини эшитдим», дедилар», деб айтдилар».

1598/2. Ибн Масъуддан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Агар уч киши бўлсангиз, бир кишининг ўзини қолдириб иккитангиз гаплашманг. Қачонки, у бошқаларга қўшилиб кетса, унда зарари йўқ. Чунки бир кишини қолдириб, икки киши алоҳида гаплашса, ҳалиги бир киши хафа бўлиб қолади», деб айтдилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

282-боб
Хизматкорини, ҳайвонларни, хотинини ва боласини шаръий сабабсиз ёки одоб чегарасидан чиқиш даражасида қийнамоқдан қайтарилгани ҳақида

Аллоҳ таоло: **«Ота-онангизга ҳамда қариндош-уруғ, етим ва мискинларга, қариндош қўшни ва бегона қўшнига, ёнингиздаги ҳамроҳингизга, йўловчи мусофирга ва қўлларингиздаги қулларингизга яхшилик қилингиз! Албатта Аллоҳ ўзлари бахиллик қиладиган ва ўзга одамларни ҳам бахилликка чақирадиган ҳамда Аллоҳ фазлу карамидан берган неъматларни яширадиган мутакаббир ва мақтанчоқ бўлган кимсаларни севмайди»** (Нисо сураси, 36-оят), деб айтган.

1599/1. Ибн Умардан ﵄ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Бир хотин мушук сабабли азобга мустаҳиқ бўлди. Яъни, уни қафасга қамаб ўлдиргани сабаб дўзахга дохил бўлди. У хотин мушукни қафасга солиб овқат ҳам, ичимлик ҳам бермади. Агар қамамасдан қўйиб юборганда эди, ердаги (ўз насибаси бўлган) ҳашаротларни еб (ҳаётини сақлар) эди», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

1600/2. Ибн Умардан ﵄ ривоят қилинади. Бу зот бир куни қурайшлик йигитлар олдидан ўтдилар. Улар бир тирик қушни нишон қилиб унга (найза) отишаётган эди. Йигитлар Ибн Умарни кўриб қолиб тарқалиб кетишди. Ибн Умар ﵄: «Буни ким қилди? Аллоҳ лаънатлагур, қайси киши қилди? Расулуллоҳ ﷺ ҳам тирик жонни нишон қилган кишини лаънатлаганлар», деб айтдилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

1601/3. Анасдан ﵁ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ ҳайвонларни (найза отиб ўлдириш ниятида) нишон қилишдан ман қилдилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

1602/4. Абу Али Сувайд ибн Муқриндан ﵁ ривоят қилинади: «Мен Муқриннинг еттита болаларидан биридирман. Бизнинг бир хизматкоримиз бор эди. Кичик укам унга шапалоқ тортиб юборибди. Расулуллоҳ ﷺ бизга ана шу хизматкорни озод қилишни буюрдилар». *Имом Муслим ривояти.*

1603/5. Абу Масъуд ал-Бадрийдан ﵁ ривоят қилинади: «Мен бир хизматкоримни қамчи билан ураётган эдим, ногаҳон орқамдан «Билгин, эй Абу Масъуд», деган овозни эшитдим. Жаҳлим чиқиб тургани сабабли кимнинг овозилигини англамадим. Гапираётган киши Расулуллоҳ ﷺ эканлар. У зот: «Билгинки, эй Абу Масъуд, сен бу болага азоб беришингдан кўра, Аллоҳ сени азоблашга қодирроқдир», дедилар. Буни эшитгандан кейин бундан сўнг бирорта қулни асло урмайман, деб айтдим».

Бошқа ривоятда «У зотнинг ҳайбатларидан қўлимдаги қамчи тушиб кетди» бўлиб келган.

Яна бошқа ривоятда: «(Мен): «Эй Аллоҳнинг расули, Аллоҳнинг розилиги учун бу озоддир», десам, у зот: «Агар шундай қилмаганингда ҳам дўзах сени куйдирар ёки ўзига олар эди», деб айтдилар», дейилади. Буларнинг ҳаммасини *Имом Муслим ривоят қилганлар.*

1604/6. Ибн Умардан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Ким қилмаган ишига хизматкорини жазоласа ёки шапалоқ урса, унинг каффорати қулни озод қилишдир», деб айтдилар. *Имом Муслим ривояти.*

1605/7. Ҳишом ибн Ҳаким ибн Ҳизомдан ﷺ ривоят қилинади. Бу зот Шом шаҳрида бир неча деҳқоннинг олдидан ўтдилар. Ўша деҳқонларни қуёш тагига қўйиб, устиларидан ёғ қуйилаётган экан. Ҳишом ﷺ: «Бу нимаси?» дедилар. «Хирож (солиғи) беришмагани сабабли азобланишмоқда», дейилди. (Бошқа ривоятда: «Жизя беришмагани сабабли ҳибс қилинган», дейилган.) Ҳишом ﷺ: «Гувоҳлик бериб айтаманки, Расулуллоҳ ﷺ: «Албатта Аллоҳ ҳаёти дунёда одамларни азоблайдиганларга азоб беради», деб айтганларини эшитганман», дедилар. Ва бошлиқнинг олдига кириб унга ҳам бу сўзларни айтгандилар, бошлиқ уларни бўшатишни буюрди. *Имом Муслим ривояти.*

1606/8. Ибн Аббосдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ юзига тамға урилган эшакни кўриб бу ҳолатдан ранжидилар. Ибн Аббос ﷺ: «Аллоҳга қасамки, юзига ҳеч тамға урмайман. Фақатгина юзидан пастга тамға ураман», дедилар. Эшакларини олиб келиш буюрилди. Ва икки сони юқори тарафидаги думи атрофига тамға урилди. Ибн Аббос эшагини ана шу ерига тамға урдирганларнинг биринчисидирлар. *Имом Муслим ривояти.*

1607/9. Ибн Аббосдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ юзига тамға урилган эшакнинг олдидан ўта туриб: «Аллоҳ мана шунақа тамға қилувчиларни лаънатлаган», деб айтдилар. *Имом Муслим ривояти.*

Имом Муслимнинг бошқа ривоятларида «Расулуллоҳ ﷺ юзга уришдан ва юзга тамға туширишдан ман этдилар» бўлиб келган.

283-боб
Қандай жонивор бўлишидан қатъий назар, ҳаттоки бит ва шунга ўхшаш нарсаларни ҳам олов билан азоблашнинг ҳаромлиги ҳақида

1608/1. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади: «Расулуллоҳ ﷺ бизни бир жойга жўнатиб: «Агар қурайшлик фалончи ва фалончини топсанглар,

оловда ёқиб юборинглар», дедилар. Қачонки, чиқишни хоҳлаб турсак, у зот: «Мен сизларга фалончи ва фалончини ёқиб юборишни буюрган эдим. Албатта олов билан фақат Аллоҳ азоблайди. Агар уларни тутиб олсангиз, ёқмасдан қатл қилинглар», деб айтдилар». *Имом Бухорий ривояти.*

1609/2. Ибн Масъуддан ﷺ ривоят қилинади: «Биз Расулуллоҳ ﷺ билан бирга сафарда кетаётган эдик. У зот ҳожат чиқаргани борганларида, биз бир қушнинг боласи билан турганини кўрдик. Боласини ушласак, у қуш келиб қаноти билан устимизда уча бошлади. Расулуллоҳ ﷺ келиб: «Ким бунинг болаларини ушлаб олиб хафа қилди? Унинг болаларини ўзига қайтаринглар», деб айтдилар. Кейин яна биз ўт ёқиб куйдирган чумоли уйини кўриб: «Буни ким куйдирди?» деганларида, «Биз», деб жавоб бердик. Шунда у зот: «Олов билан куйдириш фақат ўша оловнинг Раббиси Аллоҳ учун хосдир», дедилар». *Абу Довуд саҳиҳ иснод билан ривоят қилганлар.*

284-боб
Ҳақдор ҳаққини талаб этганида бадавлат киши унинг ҳаққини кечиктириши ҳаромлиги ҳақида

Аллоҳ таоло: **«Албатта Аллоҳ сизларни омонатларни ўз эгаларига топширишга буюради»** (Нисо сураси, 58-оят);

«Агар бир-бирларингизга омонат қўйсангиз, омонат қўйилган киши омонатини адо қилсин» (Бақара сураси, 283-оят), деб айтган.

1610/1. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Бадавлат кишининг (қарзини, омонатини ва бировларнинг ҳаққини беришда) кечиктириши зулмдир. Агар (камбағал киши) пулдор кишидан қарзини бериб юборишини талаб қилса, қабул этсин», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

285-боб
Киши бераётган нарсасини ҳали топширмасдан олдин қайтариб олиши ва боласига берган ёки ҳали беришга улгурмаган нарсасини қайтариб олишининг кароҳияти ҳақида

1611/1. Ибн Аббосдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Берган нарсасини қайтариб олувчи киши қусиғини қайта (еган) ит кабидир», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

Бошқа ривоятда «Берган садақасини қайтариб олувчи киши қусиб, ўша қусиғини қайта еган итга ўхшайди» бўлиб келган.

Яна бошқа ривоятда: «Берган нарсасини қайтариб олувчи қусиғини қайта еювчига ўхшайди», дейилган.

1612/2. Умар ибн Хаттобдан ﷺ ривоят қилинади: «Мен отимни бир мужоҳидга Аллоҳ йўлида садақа қилдим. Кейин у отни оздириб юборганини кўриб, сотиб олишни хоҳладим. Ва арзон берар, деб гумон қилдим. Сўнгра Расулуллоҳдан ﷺ бу ҳақда сўрасам, у зот: «Сотиб олма! Гарчи бир дирҳамга берса ҳам, садақангни қайтариб олма. Чунки садақасини қайтариб олувчи қусиғини қайта еювчига ўхшайди», дедилар». *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

286-боб
Етим молини ейиш таъкидланган ҳаром экани ҳақида

Аллоҳ таоло: **«Етимларнинг молларини зулм йўли билан ейдиган кимсалар ҳеч шак-шубҳасиз қоринларига оловни еган бўлурлар. Ва албатта дўзахга киражаклар»** (Нисо сураси, 10-оят);

«Етимнинг молига то у вояга етгунча фақат энг чиройли йўл билангина яқинлашингиз» (Анъом сураси, 152-оят);

«Яна сиздан етимларнинг (моллари) **ҳақида сўрайдилар. Айтинг: «Уларни ислоҳ қилиш яхшидир. Агар** (молларингизни) **уларнинг** (моллари) **билан қўшиб юборсангиз** (зарари йўқ)**. Зеро, улар биродарларингиздир. Аллоҳ ким бузғунчи, ким ўнгловчи – ислоҳ қилувчи эканини билади»** (Бақара сураси, 220-оят), деб айтган.

1613/1. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ «Еттита ҳалокатга элтувчи амаллардан сақланинглар», деганларида, саҳобалар: «Эй Аллоҳнинг расули, улар қайси?» дейишди. Шунда Расулуллоҳ ﷺ: «1. Аллоҳга шерик бор дейиш. 2. Сеҳргарлик. 3. Аллоҳ ўлдиришни ҳаром қилган жонни ўлдириш. Аммо ҳақ билан бўлса, яъни ҳад, қасос ва шунга ўхшаш нарсаларда зарари йўқ. 4. Судхўрлик орқасидан кун кечириш. 5. Етимнинг молини ейиш. 6. Урушда орқага чекиниш. 7. Ҳеч нарсадан хабари йўқ, покиза, афифа аёлларни (фоҳишаликда) айблаш», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

287-боб
Судхўрлик улкан ҳаромлардан эканлиги ҳақида

Аллоҳ таоло: **«Судхўр бўлган кимсалар** (қиёмат кунида қабрларидан) **турмайдилар, магар жин чалган мажнун каби турадилар. Бунга сабаб уларнинг: «Байъ** (олди-сотди) **ҳам судхўрликнинг ўзи-ку!» деганларидир. Ҳолбуки, Аллоҳ байъни ҳалол, судхўрликни ҳаром қилган. Бас, кимга Парвардигоридан мавъиза – насиҳат етгач,** (судхўрликдан) **тўхтаса, у ҳолда аввал ўтгани ўзига ва унинг иши Аллоҳга** (топширилади)**.** (Яъни, Ўзи хоҳласа, авф қилар.) **Ва ким** (судхўрликка) **қайтса, ўшалар жаҳаннам эгаларидир ва унда абадий қолажаклар. Аллоҳ судхўрликнинг** (фойдасини) **йўқ қилади ва садақаларнинг** (фойдасини) **зиёда қилади. Аллоҳ ҳар қандай**

(судхўрликни ҳалол, деб биладиган) **кўрнамакни ва** (судхўрлик қиладиган) **жиноятчини севмайди»** (Бақара сураси, 275–276-оятлар);

«Эй мўминлар, Аллоҳдан қўрқингиз ва агар чиндан мўмин бўлсангизлар, судхўрлик сарқитларини тарк қилингиз (яъни, одамларга берган қарзларингиздан чиқадиган фойдани олмангиз)**!»** (Бақара сураси, 278-оят) деб айтган.

Бу ҳақда машҳур саҳиҳ ҳадислар кўпдир. Юқорида Абу Ҳурайрадан ﵁ ривоят қилинган 1613-рақамли ҳадис ҳам бу бобимизга тааллуқлидир.

1614/1. Ибн Масъуддан ﵁ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ судхўрлик ила еювчини ва уни едиргувчини лаънатладилар. *Имом Муслим ривояти.*

Имом Термизий ва бошқалар ҳам бу ҳадисни ривоят қилиб, «Унинг устида гувоҳ бўлувчини ва ёзув-чизув қилувчини ҳам лаънатладилар»ни зиёда қилишган.

288-боб
Риёнинг ҳаромлиги ҳақида

Аллоҳ таоло: **«Ҳолбуки, улар фақат ягона Аллоҳга У Зот учун динни холис қилган, тўғри йўлдан оғмаган ҳолларида ибодат қилишга... буюрилган эдилар»** (Баййина сураси, 5-оят);

«Эй мўминлар, молини одамларга кўрсатиш учун берадиган, Аллоҳга ва охират кунига ишонмайдиган кимсага ўхшаб, берган садақаларингизни миннат ва озор билан йўққа чиқарманг!» (Бақара сураси, 264-оят);

«(У мунофиқлар) **қачон намозга турсалар, дангасалик билан одамлар кўрсин, деб турадилар ва Аллоҳни камдан-кам ёдга оладилар»** (Нисо сураси, 142-оят), деб айтган.

1615/1. Абу Ҳурайрадан ﵁ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ айтдилар: «Аллоҳ таоло: «Мен ҳаммадан кўра шерикдан беҳожатман. Ким бир амални бажариб, унга Мендан бошқани шерик қилса, Мен унинг ўзини ҳам, шерик қилган (амалини) ҳам тарк қиламан», деди». *Имом Муслим ривояти.*

1616/2. Абу Ҳурайрадан ﵁ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Қиёмат куни биринчи ҳукм қилинадиган шахс Аллоҳ йўлида шаҳид бўлган кишидир. У кишини олиб келиб Аллоҳ берган неъматларини танитади. Бу киши у нарсаларни танийди. Кейин унга: «Дунё ҳаётида нима қилдинг?» деса, у киши: «Сенинг йўлингда жанг қилиб, ҳаттоки шаҳид бўлдим», дейди. Шунда Аллоҳ таоло: «Ёлғон сўзладинг. Лекин сен одамлар жасур, довюрак, дейишлари учун жанг қилдинг. Ҳақиқатда дунё ҳаётида шундай ҳам деб

аталдинг», дейди. Сўнгра уни юзи билан судраб олиб келишга буюрилиб, ҳаттоки дўзахга улоқтирилади. Ундан кейин бир киши ҳукм қилинадики, у киши дунё ҳаётида илм ўрганиб, бошқаларга ҳам ўргатиб, Қуръон ўқирди. Бу киши ҳам Аллоҳ ҳузурига олиб келинади. Аллоҳ бу кишига ҳам берган неъматларини танитади. У киши ҳам у неъматларни танийди. Аллоҳ таоло: «Дунё ҳаётида нима қилдинг?» деса, у киши: «Илм ўрганиб, уни бошқаларга ҳам ўргатиб, Сенинг йўлингда Қуръон ўқидим», дейди. Шунда Аллоҳ таоло: «Ёлғон гапирдинг. Лекин сен одамлар олим, дейишлари учун таълим олиб ва қори, дейишлари учун Қуръон ўқидинг. Ҳақиқатда ҳам дунё ҳаётида бу номларга эга бўлдинг», дейди. Кейин уни юзи билан судраб олиб келишга буюриб, ҳаттоки дўзахга улоқтирилади. Бундан кейин бир киши ҳукм қилинадики, уни Аллоҳ таоло дунё ҳаётида кенг-мўл қилиб, турли мол-дунё ато қилган эди. Бу киши ҳам Аллоҳ ҳузурига олиб келинади. Аллоҳ бу кишига ҳам берган неъматларини танитади. У киши у неъматларни танийди. Аллоҳ таоло: «Дунё ҳаётида нима қилдинг?» деса, у киши: «Инфоқ қилинадиган бирорта йўлингни қолдирмасдан барчасида маблағларни инфоқ-эҳсон қилдим», дейди. Шунда Аллоҳ таоло: «Ёлғон сўзладинг. Лекин сен буларни одамлар сахий, ҳотамтой, дейишлари учун бажардинг. Ҳақиқатда ҳам дунё ҳаётида бу номларга эга бўлдинг», дейди. Кейин уни юзи билан судраб олиб келишга буюрилиб, ҳаттоки дўзахга улоқтирилади», дедилар. *Имом Муслим ривояти.*

1617/3. Ибн Умардан ﷺ ривоят қилинади. Одамлар бу зотнинг ҳузурларига келиб: «Бизлар бошлиқларимиз ҳузурига кирамиз. Агар у ердан чиқсак, айтган нарсамизнинг хилофини гапирамиз. Яъни, олдиларида мақтаб, чиққанда ёмонлаймиз», дейишганида, Абдуллоҳ ибн Умар ﷺ: «Биз бунақа ишларни Расулуллоҳ ﷺ замонларида мунофиқлик, деб ҳисоблар эдик», дедилар. *Имом Бухорий ривояти.*

1618/4. Жундуб ибн Абдуллоҳ ибн Суфёндан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Ким бирор (яхши) амални одамлар эшитиши ва кўриши учун бажарса, Аллоҳ таоло қиёмат куни уни шарманда қилади. Ким бирор (яхши) амални одамлар назарида мўътабар бўлишини ният қилиб кўрсатса, Аллоҳ таоло қиёмат куни бутун халойиқ ҳузурида ичида беркитган нарсасини очиб расво қилади», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

1619/5. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Ким Аллоҳнинг розилиги талаб қилинадиган илмлардан бирини озгина дунё матосига эришиш учун ўрганса, қиёмат кунида жаннат ҳидини ҳидламайди», дедилар. *Абу Довуд саҳиҳ иснод билан ривоят қилганлар.*

289-боб
Одамлар риё, деб гумон қилишса-ю, аслида гумон қилаётган нарсалари риё эмаслиги ҳақида

1620/1. Абу Заррдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳдан ﷺ «Одамлар яхши ишларни бажаришса, баъзи кишилар шу қилган ишларини мақташади. Шу киши ҳам риёкорми?» деб сўралганида, Расулуллоҳ ﷺ: «Бу нарса мўминга бериладиган савобларнинг нақдидир. Яъни, риё эмасдир», дедилар. *Имом Муслим ривояти.*

290-боб
Бегона, номаҳрам аёлга ва чиройли ўғил болага шаръий ҳожат бўлмаганда қарашнинг ҳаромлиги ҳақида

Аллоҳ таоло: **«**(Эй Муҳаммад алайҳиссалом)**, мўминларга айтинг, кўзларини** (номаҳрам аёлларга тикишдан) **тўссинлар»** (Нур сураси, 30-оят);

«Албатта қулоқ, кўз, дил – буларнинг барчаси тўғрисида (ҳар бир инсон) **масъул бўлур** (яъни, эшитган, кўрган ва ишонган ҳар бир нарсаси учун киши қиёмат кунида жавоб беради)**»** (Исро сураси, 36-оят);

«(Аллоҳ) **кўзларнинг хиёнати** (яъни, қараш ҳаром қилинган нарсага ўғринча кўз ташлашни) **ҳам, диллар яширадиган нарсаларни ҳам билур»** (ўофир сураси, 19-оят);

«Шак-шубҳасиз, Парвардигорингиз (барча нарсани) **кузатиб тургувчидир»** (Фажр сураси, 14-оят), деб айтган.

1621/1. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Одам боласига зинодан бўлган насибаси ёзиб-битиб қўйилган. Ёзиб қўйилгандан кейин албатта уни бажаради. Ундан тўхташнинг иложи йўқ. Икки кўз зиноси ҳаром нарсаларга қарашдир. Икки қулоқ зиноси ҳаром нарсаларни тинглашдир. Тилнинг зиноси эса ҳаром нарсаларни гапиришдир. Қўлнинг зиноси ҳаром нарсаларни ушлашдир. Оёқнинг зиноси ҳаром нарсаларга қадам босиб боришдир. Кишини кўнгли тусайди ва орзу қилади. Ўша орзуни жинсий аъзолар ростга чиқаради ёки ёлғонга чиқаради», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари. Бу лафз Муслимники. Бухорий ривоятларида эса қисқароқдир.*

1622/2. Абу Саид ал-Худрийдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Йўл юзасида ўтиришдан четланинглар!» деганларида, саҳобалар: «Эй Аллоҳнинг расули, йўл юзасида ўтиришга мажбурмиз. Чунки биз у ерда баъзи нарсаларни гаплашамиз», дейишди. Расулуллоҳ ﷺ: «Агар гапимга кирмасдан ўтирадиган бўлсанглар, унда йўлнинг ҳаққини адо қилинглар», дедилар. Саҳобалар яна: «Эй Аллоҳнинг расули, йўлнинг ҳаққи нима?» дейишганида, Расулуллоҳ ﷺ: «Кўзни (ҳар хил нарсаларга) қаратишдан тийиш, озор берувчи нарсаларни тўхтатиш, саломга алик олиш, яхшиликка буюриб, ёмонликдан қайтариб ўтириш», деб айтдилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

1623/3. Абу Талҳа Зайд ибн Саҳлдан ﷺ ривоят қилинади: «Бизлар уй олдидаги саҳнда ўтириб гаплашаётсак, Расулуллоҳ ﷺ келиб, устимизда туриб: «Сизларга нима бўлдики, йўллар устида ўтирибсизлар?» дедилар. (Саҳобалар): «Бизлар безарар гаплашиб ва баъзи нарсаларни муҳокама қилиб ўтирибмиз», дейишди. Шунда Расулуллоҳ ﷺ: «Агар ўтирмасликнинг чораси йўқ бўлса, унда йўлнинг қуйидаги ҳақларини адо этиб ўтираверинглар. Улар: кўзни (ҳар хил нарсаларга) қаратишдан тийиш, саломга алик олиш ва яхши сўзларни гаплашиш», дедилар». *Имом Муслим ривояти.*

1624/4. Жариpдан ﷺ ривоят қилинади: «Расулуллоҳдан ﷺ номаҳрамларга кўз тўсатдан тушиб қолиши ҳақида сўрасам, у зот: «Кўзингни тезлик билан бошқа тарафга қаратгин», дедилар». *Имом Муслим ривояти.*

1625/5. Умму Саламадан ﷺ ривоят қилинади: «Мен Расулуллоҳ ﷺ ҳузурларида турсам, Маймуна ﷺ ҳам у зот ҳузурларида эдилар. Шу пайт кўзи ожиз Умму Мактум келиб қолдилар. Бу нарса номаҳрам эркаклардан тўсинишга буюрилганимиздан кейин бўлган эди. Расулуллоҳ ﷺ: «Бу кишидан тўсининглар», дедилар. Биз: «Эй Аллоҳнинг расули, бу кишининг кўзи ожиз-ку, у бизни кўрмайди ҳам, танимайди ҳам», десак, у зот: «Сизларнинг икковингизнинг ҳам кўзингиз ожизми? Сизлар ҳам уни кўрмаяпсизларми?» дедилар». *Абу Довуд ва Термизий ривоятлари.*

1626/6. Абу Саиддан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Эркак киши бошқа эркакнинг авратига қарамасин. Аёл киши бошқа аёл кишининг авратига қарамасин. Эркак киши бошқа эркак билан яланғоч бир кўрпада ётмасин. Аёл киши бошқа бир аёл билан яланғоч бир кўрпада ётмасин», дедилар. *Имом Муслим ривояти.*

291-боб
Бегона номаҳрам аёл билан танҳо ўтиришнинг ҳаромлиги ҳақида

Аллоҳ таоло: **«Қачон сизлар** (Пайғамбар аёлларидан) **бирон нарса сўрасангизлар парда ортида туриб сўранглар»** (Аҳзоб сураси, 53-оят), деб айтган.

1627/1. Уқба ибн Омирдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Номаҳрам хотинлар олдига киришдан четланинглар», деганларида, ансорийлардан бир киши: «Эрининг қариндошларидан бирортаси кирса-чи (яъни, эрининг ака-укалари, уларнинг болалари ва амакиларининг болалари)?» деб сўради. Шунда Расулуллоҳ ﷺ: «Ўша эрининг қариндошларига ҳалокат бўлади», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

1628/2. Ибн Аббосдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Сизлардан бироргангиз номаҳрам аёл билан танҳо қолмасин. Лекин у билан бирор маҳрами бўлса, унда зарари йўқ», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

1629/3. Бурайдадан ﷺ ривоят қилинади: «Расулуллоҳ ﷺ: «Жиҳодга кетган мужоҳидлар хотинининг ҳурмати жиҳодга бормаган кишиларга нисбатан оналари ҳурмати кабидир. Жиҳодга бормаган бирор киши жиҳодга кетган бирор кишининг аҳлига ўринбосар, яъни улар хонадонидан ҳол-аҳвол сўраб туриш масъулиятини бўйнига олган бўлса-ю, кейин уларга хиёнат қилса, қиёмат куни ўша хиёнатчи тек қилиб қўйилиб, мужоҳидга ўша хиёнатчининг яхшиликларидан хоҳлаганини то рози бўлгунча олиш ихтиёри берилади», деб бизга ўгирилиб қарадилар-да, кейин у зот: «Сизлар нима гумон қиласизлар (яъни, савобга ҳарис ҳамда ўч олиш ҳиссиёти қўзғолиб турган мужоҳидга хиёнатчининг барча яхшиликларини олиш ихтиёри берилса, нима бўлишига гумонингиз қандай)?» дедилар». *Имом Муслим ривояти.*

292-боб
Кийиниш, хатти-ҳаракат ва бошқа нарсаларда эркаклар ўзларини аёлларга, аёллар ўзларини эркакларга ўхшатишининг ҳаромлиги ҳақида

1630/1. Ибн Аббосдан ﷺ ривоят қилинади. Ўзи эркак бўлатуриб хатти-ҳаракати ва сўзлашишини аёлларга ўхшатувчини ҳамда ўзи аёл бўлатуриб хатти-ҳаракати ва сўзлашишини эркакларга ўхшатувчини Расулуллоҳ ﷺ лаънатладилар.

Бошқа ривоятда келтирилишича, Расулуллоҳ ﷺ ўзини аёлларга ўхшатувчи эркакни ҳамда ўзини эркакларга ўхшатувчи аёлни лаънатладилар. *Имом Бухорий ривояти.*

1631/2. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ аёлларнинг либосини киювчи эркакни ва эркакларнинг либосини киювчи аёлни лаънатладилар. *Абу Довуд ривояти.*

1632/3. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Дўзахда икки тоифа киши борки, (мен уларни дўзахда кўргандим) дунё ҳаётида ҳозиргача кўрмадим. Бири шундай тоифаки, қўлларига молнинг думига ўхшаш қамчини олиб, у билан одамларни уришади. Иккинчиси шундай хотинларки, кийимлари бўлатуриб яланғочдирлар. Яъни, тор ва юпқалигидан кийимлари бўлса ҳам, йўққа ўхшаб туради. Улар бошқаларни ўзларига мойил қилиб, ўзлари ҳам бошқаларга мойил бўлишади. Буларнинг бошлари туянинг ўркачлари каби бир тарафга эгилиб туради. Бундай аёллар ҳаргиз жаннатга киришмайди. Унинг ҳидини ҳам топа олишмайди. Чунки жаннат ҳидини унча ёки бунча, яъни узоқ масофадан топилади», дедилар. *Имом Муслим ривояти.*

293-боб
Киши ўзини шайтонга ва кофирларга ўхшатишдан қайтарилгани ҳақида

1633/1. Жобирдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Чап қўлингиз билан таом еманглар. Чунки шайтон чап қўли билан овқатланади», дедилар. *Имом Муслим ривояти.*

1634/2. Ибн Умардан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Сизлардан бирортангиз чап қўли билан овқатланмасин. Ҳамда чап қўли билан бирор ичимлик ичмасин. Чунки шайтон чап қўли билан овқатланиб, чап қўли билан ичимлик ичади», дедилар. *Имом Муслим ривояти.*

1635/3. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Яҳудий ва насронийлар (соч, соқолларини) бўяшмайди. Сизлар уларга хилоф қилиб бўяйверинглар», деб айтдилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

Яъни, оқарган соч ва соқолни сариқ ёки қизилга бўяш жоиз. Аммо қора рангга бўяшдан қайтарилган. Буни кейинги бобда зикр қиламиз, иншааллоҳ.

294-боб
Эркак киши соч-соқолини, аёл киши эса сочини қора рангга бўяши ман этилгани ҳақида

1636/1. Жобирдан ﷺ ривоят қилинади. Макка фатҳ қилинган куни Абу Бакр Сиддиқнинг оталари Абу Қуҳофа олиб келинди. Абу Қуҳофанинг соч ва соқоллари Сағома номли дарахтнинг гули ва мевасига ўхшаб оқариб кетган эди. Расулуллоҳ ﷺ: «Бу зотнинг соч ва соқолини бўяб қўйинглар. Лекин қора рангга бўяманглар», деб айтдилар. *Имом Муслим ривояти.*

295-боб
Бошнинг у ер-бу ерида қолдириб соч олишдан қайтариш ва эркаклар сочларининг барчасини олдириши мубоҳ эканлиги ҳақида

1637/1. Ибн Умардан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ бошдаги сочнинг баъзисини олиб, баъзисини қолдиришни ман қилдилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

1638/2. Ибн Умардан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ бошидаги сочининг баъзиси олиниб, баъзиси олинмаган бир ёш болани кўриб, бундан қайтардилар. Ва: «Агар соч олдирсангиз, ҳаммасини олдиринглар. Қолдирсангиз, ҳаммасини қолдиринглар», деб айтдилар. *Абу Довуд Имом Бухорий ва Муслимнинг шартларига биноан саҳиҳ иснод ила ривоят қилганлар.*

1639/3. Абдуллоҳ ибн Жаъфардан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ Жаъфарнинг оилаларига (мотам қилишлари учун) уч кун муҳлат бердилар.

Кейин уларнинг ҳузурларига келиб: «Бугундан кейин биродарим Жаъфарга мотам қилиб йиғламанглар», дедилар. Сўнгра у зот яна: «Биродарим Жаъфарнинг болаларини менинг ҳузуримга келтиринглар», дедилар. «Қачонки, биз у зотнинг ҳузурларига келганимизда, отамизнинг вафотларидан қайғуриб йиғлайверганимиздан жўжадек (нимжон) бўлиб қолган эдик. У зот сартарошни чақиртирдилар. Ва бизнинг сочларимизни олишни буюрдилар». *Абу Довуд Имом Бухорий ва Муслимнинг шартларига биноан саҳиҳ иснод билан ривоят қилганлар.*

1640/4. Алидан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ аёлларга сочни буткул олдиришни ман қилдилар. *Имом Насаий ривояти.*

296-боб
Сочга соч улаш, баданга игна билан ёзувлар (татуировка) чизиш ва тишларни ўткирлаш ҳамда орасини очишнинг ҳаромлиги ҳақида

Аллоҳ таоло: **«Улар** (яъни, Аллоҳга ширк келтирган кимсалар) **Аллоҳни қўйиб, фақат** (Лот, Узза, Манот) **каби санамларга сиғинадилар ва фақат итоатсиз шайтонга сиғинадилар. Аллоҳ уни** (шайтонни) **лаънатлади.** (Шунда) **у деди: «Қасамки, бандаларинг орасидан ўзимга тегишли насибани албатта оламан. Ва уларни йўлдан оздираман, хом хаёлларга мубтало қиламан, буюрсам, улар чорваларининг қулоқларини кесадилар, буюрсам, Аллоҳ яратган нарсаларни ўзгартириб-бузадилар»** (Нисо сураси, 117–119-оятлар), деб айтган.

1641/1. Асмодан ﷺ ривоят қилинади. Бир аёл Расулуллоҳдан ﷺ: «Эй Аллоҳнинг расули, қизимга қизамиқ тошиб, сочлари тўкилиб кетди. Мен уни эрга узатмоқчиман. Энди ўша тушиб кетган сочлари ўрнига соч уласам бўладими?» деганида, у зот: «Аллоҳ соч уловчи ва сочига соч улатган аёлни лаънатлаган», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

Бошқа ривоятда «Соч улагувчи ва соч улатувчи аёлни Аллоҳ лаънатлаган» бўлиб келган. Имом Бухорий ва Муслим Оиша онамиздан ҳам худди шу маънода бошқа бир ҳадисни ҳам ривоят қилишган.

1642/2. Ҳумайд ибн Абдураҳмондан ﷺ ривоят қилинади. Бу зот Муовия ﷺ ҳажга келган йиллари минбар устида туриб, ёнларида соқчилари қўлига бир тутам сочни ушлатиб қуйидагича айтган сўзларини эшитдилар: «Эй Мадина аҳллари, уламоларингиз қаерда? Мен Расулуллоҳдан ﷺ мана шунақа (соч улашга ўхшаш) ишлардан ман этганларни эшитганман. Расулуллоҳ ﷺ: «Бани Исроил қавми хотинлари мана шунақа ишларни қилишганда қайтармаганлари сабабли ҳалок бўлишган», деб айтдилар». *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

1643/3. Ибн Умардан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ соч улагувчи ва соч улатувчи ҳамда (холга ўхшаш бирорта) белги қўювчи ва қўйдирувчи аёлларни лаънатладилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

1644/4. Ибн Масъуддан ﷺ ривоят қилинади. Бу зот: «Аллоҳ таоло (ҳолга ўхшаш бирорта) белги қўювчи ва қўйдиргувчи, қошларни териб ингичка қилдирувчи, яккам-дуккам тишларни чиройли бўлиши учун эговлатувчи ва Аллоҳ яратган нарсаларга ўзгартиш киритувчиларни лаънатлаган», деганларида, бир хотин Ибн Масъудга эътироз билдирган эди, шунда Ибн Масъуд ﷺ: «Аллоҳнинг расули лаънатлаган бўлса, қандай қилиб мен лаънатламайин?! Ҳолбуки, Аллоҳ таоло Қуръони каримда: «Пайғамбар ўзи сизларга ато этган нарсани олинглар, у зот сизларни қайтарган нарсадан қайтинглар» (Ҳашр сураси, 7-оят) деган», деб жавоб қилдилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

297-боб
Соч ва соқолнинг оқини юлиш ҳамда йигитларнинг янги соқолни юлишдан қайтарилгани ҳақида

1645/1. Амр ибн Шуъайб оталаридан, оталари эса боболаридан қилган ривоятларида айтилишича, Расулуллоҳ ﷺ: «(Соч ва соқолнинг) оқини юлманглар. Чунки у қиёмат куни мусулмонга нур бўлади», деб айтдилар. *Абу Довуд, Термизий ва Насаийлар ҳасан иснод билан ривоят қилишди.*

1646/2. Оишадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Ким бирор амал қилса-ю, у бизнинг шариатимизда йўқ бўлса, ана шу рад қилингандир», дедилар. *Имом Муслим ривояти.*

298-боб
Ўнг қўл билан истинжо қилиш ҳамда жинсий аъзоларни ушлаш макруҳ экани ҳақида

1647/1. Абу Қатодадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Агар сизлардан бирингиз бавл қилса (сиядиган бўлса), закарини (олатини) ўнг қўли билан ушламасин ва ўнг қўли билан истинжо қилмасин ҳамда идиш ичида нафас олмасин», деб айтдилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

299-боб
Битта пойафзал ёки маҳсида узрсиз юриш ҳамда пойафзали ва маҳсисини узрсиз тик туриб кийишнинг кароҳияти ҳақида

1648/1. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Бир пойафзални кийиб юрмасин. Икковини кийиб юрсин ёки икковини ечиб қўйиб юрсин», дедилар.

Бошқа ривоятда «Ёки яланг оёқ бўлиб юрсин» бўлиб келган. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

1649/2. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Агар сизлардан бирингизнинг пойафзали тасмаси узилиб кетса, токи узилганни тузатмагунча иккинчисини кийиб юрмасин», дедилар. *Имом Муслим ривояти.*

1650/3. Жобирдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ тик туриб пойафзал кийишдан ман қилдилар. *Абу Довуд ҳасан иснод билан ривоят қилганлар.*

Фойда: чунки мана шундай ҳолатда юриш кишидан виқорни кетказиб, бошқалар олдида масхара бўлиб юришга ёки юришни қийинлаштириб, ҳатто йиқилишга сабаб бўлиши мумкин.

300-боб
Уйда ухлаш олдидан олов, чироқ ёки шунга ўхшаш нарсаларни ёқилган ҳолда қолдиришдан қайтарилгани ҳақида

1651/1. Ибн Умардан ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Ухлаётган пайтингизда уйларингизда оловларни ёқилган ҳолда қолдирманглар», деб айтдилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

1652/2. Абу Мусо ал-Ашъарийдан ﷺ ривоят қилинади. Мадина аҳлидан бўлган бир кишининг уйи кечаси ёниб кетди. Бу ҳақда Расулуллоҳга ﷺ хабар берилганда, у зот: «Албатта олов сизларнинг душманларингиздир. Қачон ухламоқчи бўлсангиз, уни ўчириб ётинглар», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

1653/3. Жобирдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Идишларингиз қопқоғини ёпинглар, мешларнинг оғзини боғланглар, дарвозаларни занжирлаб беркитинглар. Чироқларни ўчиринглар. Чунки ана шундай қилсангиз, шайтон мешларнинг оғзини ечолмайди, дарвозаларни очолмайди ва идишнинг қопқоғини кўтаролмайди. Агар сизлардан бирортангиз идишни ёпиш учун қопқоқ топа олмаса, бирор чўпни бўлса ҳам, идишнинг устига ташлаб Аллоҳнинг исмини зикр қилиб қўйсин. Чунки сичқонча уйда ўша уй эгаларига оловни илаштириб юборади», дедилар. *Имом Муслим ривояти.*

Фойда: юқоридаги учта ҳадисдан ухлаш пайтида оловларни хоҳ у ёритиш мақсадидаги чироқ ва шам бўлсин ёки иситиш мақсадидаги газ ва печка бўлсин, барчасини ўчирмасдан ухлашнинг кароҳияти тушунилмоқда. Қолдиқ овқатларнинг, идишдаги сувларнинг устини ёпишга ҳам буюрилмоқда. Чунки уларнинг усти очиқ қолса, ҳар хил зарар берувчи ҳашаротлар ва микроблар тушиши мумкин.

301-боб
Такаллуф (дин ва дунёга фойдаси бўлмаган сўз ва амаллар)дан қайтарилгани ҳақида

Аллоҳ таоло: **«**(Эй Муҳаммад, уларга) **айтинг: «Мен** (Қуръонни етказганим учун) **сизлардан бирон ажр-ҳақ сўрамайман ва мен сохтакорлардан** (яъни, ёлғондан пайғамбарликни даъво қилгувчи кимсалардан) **ҳам эмасман»** (Сод сураси, 86-оят), деб айтган.

1654/1. Ибн Умардан ﷺ ривоят қилинади. Бу зот: «Биз такаллуфдан ман этилдик», деб айтдилар. *Имом Бухорий ривояти.*

1655/2. Масруқдан ﷺ ривоят қилинади: «Биз Абдуллоҳ ибн Масъуд ҳузурларига кирсак, у зот: «Эй одамлар, кимки бирор нарсани билса, уни айтсин. Агар билмаса, Аллоҳу аъламу, яъни Аллоҳ билувчироқ, деб айтсин. Чунки билмайдиган нарсасини Аллоҳ билувчироқ, деб айтиш ҳам илмли эканига далолат қилади. Бу ҳақда Аллоҳ таоло пайғамбарига: «Мен (Қуръонни етказганим учун) сизлардан бирон ажр-ҳақ сўрамайман ва мен сохтакорлардан ҳам эмасман», деб айтинг», деди», деб айтаётган эканлар». *Имом Бухорий ривояти.*

302-боб
Ўлган кишига дод-вой солиб йиғлаш, юзини тирнаб, ёқаларини йиртиш, сочларини юлиб олишдан ҳамда ҳалокат ва дўзах сўраб дуо этишдан қайтарилгани ҳақида

1656/1. Умар ибн Хаттобдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Ўликка йиғланса, ўша сабабдан унга азоб берилади», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

Бошқа ривоятда «Йиғлагани муддатича азоб берилади» бўлиб келган.

1657/2. Абдуллоҳ ибн Масъуддан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Ким юзига уриб, ёқаларини йиртиб, жоҳилият даъволари билан дод-вой қилса, биздан эмас», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

1658/3. Абу Бурдадан ﷺ ривоят қилинади. Абу Мусони ﷺ қаттиқ оғриқ тутиб ҳушларидан кетиб қолдилар. Ўша пайтда у зотнинг бошлари хотинларининг тиззаларида эди. Хотинлари у зотдаги бу ҳолатни кўриб бақир-чақир қилиб юборди. Абу Мусо эса уларни бундай қилиб дод-вой қилишдан ман этишга қурбилари етмади. Қачонки, ҳушларига келганларида: «Мен Расулуллоҳ ﷺ дахлсиз бўлган амалдан йироқдирман. Чунки Расулуллоҳ ﷺ ўлган кишини турли сифатларини айтиб вой-додлаб йиғловчидан, сочларини юлувчидан ва кийимларини йиртувчидан ўзларини узоқ тутганлар», деб айтдилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

1659/4. Муғийра ибн Шўъбадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Ким вафот этса, унга овоз чиқариб йиғланса, қиёмат куни йиғлангани сабабидан азобланади», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

1660/5. Умму Атиййадан ﷺ ривоят қилинади: «Расулуллоҳ ﷺ биздан ўлганларга дод-войлаб йиғламаслик ҳақида ҳам байъат олдилар». *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

1661/6. Нўъмон ибн Баширдан ﷺ ривоят қилинади. Абдуллоҳ ибн Равоҳа ﷺ ҳушларидан кетиб қолганларида, сингиллари «Вой тоғим, вой ундоғим, вой бундоғим», деб турли нарсаларни айтиб додлаб йиғлади. Қачонки, Абдуллоҳ ибн Равоҳа ҳушларига келиб, сингилларига «Нимани айтиб йиғлаган бўлсанг, менга «Ҳақиқатда шундаймидинг?» деб фаришталар томонидан дашном бериларди», дедилар. *Имом Бухорий ривояти.*

1662/7. Ибн Умардан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ Абдураҳмон ибн Авф, Саъд ибн Абу Ваққос, Абдуллоҳ ибн Масъудлар билан бирга Саъд ибн Убодани кўргани кирдилар. Қачонки, кирганларида уни беҳуш ҳолатда кўриб: «Вафот этдими?» деб сўрадилар. Оила аъзолари: «Йўқ, эй Аллоҳнинг расули», дейишди. Кейин Расулуллоҳ ﷺ унга қараб туриб йиғлаб юбордилар. Расулуллоҳ йиғлаганларини кўриб қавмдагилар ҳам йиғлашди. Шунда Расулуллоҳ ﷺ: «Эшитмадингларми, Аллоҳ кўз ёшига ва қалбнинг хафалигига азобламайди. Лекин мана бунга азоблайди ёки раҳм қилади», дедилар тилларини кўрсатиб. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

1663/8. Абу Молик Ашъарийдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Ўликларга дод-вой солиб йиғловчи аёл агар бу дунёда тавба қилиб олмаса, қиёмат куни оловни алангалатувчи қора суюқ моддадан кўйлак ва қўтирдан бошқа кийим-кечаклар кийгизилиб тик қилиб қўйилади», дедилар. *Имом Муслим ривояти.*

1664/9. Тобеъин Усайд ибн Усайддан ривоят қилинади. Байъат қилган хотинлардан бири: «Расулуллоҳ ﷺ биздан осийлик қилмасликка, дод-вой солмасликка, ёқаларни йиртмасликка ва сочларни тўзғитиб юбормасликка байъат олдилар», деб айтди. *Абу Довуд ҳасан иснод ила ривоят қилганлар.*

1665/10. Абу Мусодан ﷺ ривоят қилинади Расулуллоҳ ﷺ: «Бирор одам вафот этса-ю, унинг атрофидагилар «вой (ишонган) тоғим», «вой хожам» ёки шунга ўхшаш нарсаларни айтиб йиғласа, икки вакил қилинган фаришта: «Ҳақиқатда шундаймисан?» деб вафот қилган кишининг кўкрагига уришади», дедилар. *Имом Термизий ривояти.*

1666/11. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Инсонларда икки хислат борки, улар ана шу икки хислат билан куфрдадирлар: насабини ҳақорат қилиш ва маййитга баланд овоз билан йиғлаш», дедилар. *Имом Муслим ривояти.*

303-боб
Коҳин, мунажжим, фолбин ҳамда қум, тош, арпа ва шуларга ўхшаш нарсалар ёрдамида фол очувчилар ҳузурига боришдан қайтарилгани ҳақида

1667/1. Оишадан ﵂ ривоят қилинади. Одамлар Расулуллоҳ ﷺ ҳузурларига келиб коҳин ва фолбинлар ҳақида сўрашганида, у зот: «Улар гапининг ўрни йўқ», дедилар. Одамлар: «Эй Аллоҳнинг расули, гоҳида ўша фолбинлар айтган сўз тўғри чиқиб қолади-ку?» дейишган эди, у зот: «Аслида бу сўзлар ҳақ бўлиб, уни жинлар илиб олишади, ўз дўстлари – фолбинлар қулоғига етказиб беради. Фолбинлар эса ўша нарсаларга юзта ёлғонни қўшиб, одамларга етказади», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

Имом Бухорийнинг Оишадан қилган ривоятларида келтирилишича эса, Расулуллоҳ ﷺ: «Фаришталар булутга тушиб, осмонда ҳукм қилинган ишлар хусусида гаплашишса, шайтон уларнинг сўзларига ўғринча қулоқ тутиб эшитиб олади-да, фолбинларга эшитган нарсасини етказади. Ўз-ўзидан фолбинлар ўзларидан юз хил ёлғонни қўшиб халққа тарқатишади», дедилар.

1668/2. Сафиййа бинти Абу Убайднинг Расулуллоҳнинг ﷺ баъзи хотинларидан қилган ривоятларида айтилишича, Расулуллоҳ ﷺ: «Ким фолбин ёки мунажжим ҳузурига бориб бирор нарса ҳақида сўраса, кейин фолбин берган жавобга ишонса, ўша кишининг қирқ кун ўқиган намози қабул этилмайди», дедилар. *Имом Муслим ривояти.*

1669/3. Қубайса ибн Мухориқдан ﵁ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Таёқча билан ерга чизиқ тортиб бирор нарса ҳақида хабар бериш, ёмон нарса билан шумланиш ва қушларни учириб фол очиш, яъни ўнг томонга учса, ишини бажариб, чап томонга учса, шумланиш сеҳр амалидандир», дедилар. *Абу Довуд ҳасан иснод билан ривоят қилганлар.лимнинг шартларига биноан саҳиҳ иснод ила ривоят қилганлар.*

1670/4. Ибн Аббосдан ﵄ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Ким мунажжимлик илмидан таълим олиб ўзлаштирса, сеҳргарликдан бир қисм ўрганибди. Яъни, мунажжимлик илмидан таълим олишни кўпайтирса, сеҳргарликдан ҳам ўшанчасини ўзлаштирибди», дедилар. *Абу Довуд саҳиҳ иснод билан ривоят қилганлар.*

1671/5. Муовия ибн Ҳакамдан ﵁ ривоят қилинади: «Мен: «Эй Аллоҳнинг расули! Ўзим Исломга кирганимга оз кун бўлди. Аллоҳ таоло дунёга Ислом динини олиб келди. Орамизда шундай кишилар борки, ҳали ҳам фолбинларга боришади», десам, у зот: «Сен бормагин», дедилар. Ва яна: «Орамизда яна шундай кишилар ҳам борки, баъзи нарсаларда ёмон

шумланишади», десам, у зот: «Бу нарса уларнинг қалбларида пайдо бўладиган нарсадир. Агар шундай бўлса, у шумланиш уларни қиладиган ишларидан тўсмасин», дедилар. Мен яна: «Орамизда яна шундай кишилар борки, (баъзи нарсаларни билиш учун ерга) чизиқ тортишади», десам, у зот: «Илгариги пайғамбарлардан бирлари ҳам чизиқ тортар эди. Кимнинг чизиғи ўша пайғамбарнинг чизиғига мувофиқ кела олса, зарари йўқдир. Яъни, ўша пайғамбарнинг чизиғидек торта олмайди. Шунинг учун чизиқ тортмасин», дедилар». *Имом Муслим ривояти.*

1672/6. Абу Масъуд ал-Бадрийдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ (с.а.в) ит сотиб, унинг пулини олишдан, бузуқ хотинни (бирорта кишига) топшириб, унинг маҳрини олишдан ҳамда фолбинларга ҳадя (ширинлик) беришдан ман этдилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

304-боб
Шумланишдан қайтарилгани ҳақида

Бу ҳақда юқоридаги бобларда ҳам ҳадислар келди.

1673/1. Анасдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Касал юқиши ҳамда ёмон шумланиш йўқдир. Яхшиликка йўйиш (некбинлик) менга маъқул нарсадир», деганларида, саҳобалар: «Некбинлик нима?» деб сўрашди. Шунда Расулуллоҳ ﷺ: «Яхши(ликка йўйилган) сўзлар», деб айтдилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

1674/2. Ибн Умардан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Касал юқиши ҳамда ёмон шумланиш йўқ нарсадир. Агар бирор нарсада шумланиш бўлса, ҳовлида, хотинда ва отда бўлади», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

Фойда: уйнинг шумлиги унинг торлиги ва қўшниларнинг ёмонлигида бўлади. Хотиннинг шумлиги диёнатсиз, бадхулқлигида бўлади. Отнинг шумлиги эса эгасини миндирмаслигида бўлади.

1675/3. Бурайдадан ривоят қилинади. Бу зот: «Расулуллоҳ ﷺ ёмон шумланмас эдилар», деб айтдилар. Абу Довуд саҳиҳ иснод билан ривоят қилганлар.

1676/4. Урва ибн Омирдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ ҳузурларида шумланиш ҳақида зикр этилганида, у зот: «Уларнинг энг яхшиси некбинлик (яхшиликка йўйиш)дир. Мусулмон кишининг бундай шумликлар иродасидан қайтара олмайди. (Чунки мусулмон ҳамма нарса Аллоҳ таолодан бўлишлигини, ундан бошқаси таъсир ўтказа олмаслигини билади.) Агар сизлардан бирингиз табиатига маъқул келмаган нарсаларни кўриб қолса, «Аллоҳумма ла яътий бил ҳасаноти илла анта. Вала ядфаъу саййиоти илла анта. Ва ла ҳавла ва ла қуввата илла бика» дуосини ўқисин», дедилар. (Маъноси: «Аллоҳим, Сендан бошқа яхшилик келтиргувчи

ва Сендан бошқа ёмонликни кетказувчи ҳамда Сендан бошқа куч-қувватли Зот йўқдир».) *Абу Довуд ривояти.*

305-боб
Гиламга, тошга, кийимга, дирҳамга, динорга, болишга, ёстиққа ва бошқа нарсаларга ҳайвонлар (ва бошқа жонли нарсалар) суратини чизишнинг ҳаромлиги ҳақида

1677/1. Ибн Умардан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Албатта бу суратларни чизганларга қиёмат куни азоб берилади. Ва уларга «Суратларни чизиш орқали дунёга келтирдинглар. Энди мана шу яратган нарсаларингизга жон киритинглар», дейилади», деб айтдилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

1678/2. Оишадан ﷺ ривоят қилинади: «Расулуллоҳ ﷺ сафардан келганларида уйим токчасига сурати бор қизил чойшаб тўсиб қўйган эдим. У зот буни кўриб (ғазаблари келганидан) юзлари ўзгариб кетди. Ва: «Эй Оиша! Қиёмат куни Аллоҳ ҳузурида азоби энг қаттиқ киши Аллоҳ яратган нарсаларга ўхшаш яратувчи, яъни сурат туширувчилардир», дедилар. Кейин биз чойшабни қирқиб, ундан (бир ёки) иккита ёстиқ қилдик». *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

1679/3. Ибн Аббосдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Ҳар бир (жонли сурат) чизувчи дўзахдадир. Яъни, ҳар бир чизган сурати ўрнига унинг ўзига жон киритиб, жаҳаннамда азоблайди», дедилар. Ибн Аббос ﷺ: «Агар сурат чизмасликнинг иложи йўқ бўлса, унда дарахтларни ва жони йўқ нарсаларни чизавергин», деб айтдилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

1680/4. Ибн Аббосдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Ким дунёдаги ҳаётида (жонли) сурат чизса, қиёмат куни ўша чизган нарсасига жон киритиш масъулияти юкланади. У (бечора) эса унга асло жон кирита олмайди», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

1681/5. Ибн Масъуддан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Қиёмат куни азоби энг қаттиқ киши сурат чизувчилар», деб айтдилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

1682/6. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Аллоҳ таоло: «Мен каби яратмоқчи бўлган шахсдан кўра золимроқ киши борми? Агар яратиш ниятлари бўлса, унда бирор чумоли ё уруғ ёки арпа яратиб кўрсинлар-чи!» дейди», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

1683/7. Абу Талҳадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ «Қайси бир уйда ит ёки (жонли) суратлар бўлса, ўша уйга фаришталар киришмайди», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

1684/8. Ибн Умардан ﷺ ривоят қилинади. Жаброил алайҳиссалом Расулуллоҳ ﷺ ҳузурларига келишга ваъда қилган эдилар. Ваъда вақтида келавермай, кўп кечикдилар. Расулуллоҳ ﷺ бундан қайғуга тушдилар. Ташқарига чиққандилар, Жаброил алайҳиссалом келиб қолдилар ва: «Биз фаришталар ит ва (жонли) сурат бор уйга кирмаймиз», деб шикоят қилдилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

1685/9. Оишадан ﷺ ривоят қилинади. Жаброил алайҳиссалом Расулуллоҳ ﷺ билан (бир пайтни аниқлаб) ўша соатда учрашишга ваъдалашдилар. Қачонки, ўша фурсат бўлганда келавермадилар. Оиша ﷺ айтадилар: «Расулуллоҳнинг ﷺ қўлларида ҳасса бор эди, ўша ҳассани ирғитиб: «Аллоҳ ҳам, Унинг элчилари ҳам ваъдага хилоф қилмас», деб ўгирилиб қараган эдилар, каравотлари остида бир кучук боласи турибди. У зот: «Бу ит қачон кириб олди?» дегандилар, мен: «Билмасам», дедим. Кейин буюрган эдилар, у ит чиқариб ташланди. Сўнгра Жаброил алайҳисалом келгандилар, Расулуллоҳ ﷺ: «Сиз менинг ҳузуримга келишга ваъда қилган эдингиз. Мен келишингизни кутиб ўтирдим. Лекин сиз нима сабабдандир келавермадингиз?» деб сўрадилар. Жаброил алайҳиссалом: «Мени ваъда қилинган вақтда кўришишдан уйингиздаги ит ман қилди. Чунки биз фаришталар ит ва (жонли) сурат бор уйга кирмаймиз», деб айтдилар». *Имом Муслим ривояти.*

1686/10. Абу Таййоҳ Ҳаййон ибн Ҳусайндан ﷺ ривоят қилинади: «Али ибн Абу Толиб менга: «Расулуллоҳ ﷺ мени юборган нарсага сени ҳам юборайми? Бирор (жонли) сурат қолдирмасдан йўқ қилгин. Бирор баланд қабр қолдирмасдан ер билан баробар қилгин», дедилар». *Имом Муслим ривояти.*

306-боб
Ит боқишнинг ҳаромлиги, лекин ов, чорвани қўриқлаш ва экинларни пойлаш учун боқишнинг жоизлиги ҳақида

1687/1. Ибн Умардан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ «Ким итга эга бўлса, яъни уни боқса, ҳар куни унинг савобидан икки қийрот камайтирилади. Лекин ити ов учун ёки чорваларни пойлаш учун бўлса, унда зарари йўқ», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

Бошқа ривоятда «Бир қийрот» бўлиб келган.

1688/2. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Ким ит боқса, ҳар куни унинг амалидан бир қийрот камайтирилади. Лекин экин ва чорваларни пойловчи ит бундай эмас», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

Имом Муслимнинг бошқа ривоятларида Расулуллоҳ ﷺ: «Ким ит боқса-ю, ўша ити ов учун ёки чорва ва ерларни пойлаш учун бўлмаса, ҳар куни унинг савобидан икки қийрот камайтирилади», дедилар.

307-боб
Туя ва бошқа ҳайвонларнинг бўйнига қўнғироқ осишнинг ҳамда сафарда ит ва қўнғироқ олиб юришнинг кароҳияти ҳақида

1689/1. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Қайси бир (карвонда) ит ёки қўнғироқ бўлса, уларга раҳмат фаришталари ҳамроҳ бўлишмайди», дедилар. *Имом Муслим ривояти.*

1690/2. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Қўнғироқ шайтоннинг карнай ва сурнайларидандир», дедилар. *Абу Довуд Имом Муслимнинг шартларига биноан саҳиҳ иснод ила ривоят қилганлар.*

308-боб
Ахлатларни ейдиган туяни минишнинг кароҳияти, агар у пок нарсаларни ейишни бошласа, гўшти ҳалол бўлиб, кароҳият кетиши ҳақида

1691/1. Ибн Умардан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ нопок нарсаларни еювчи (жалола) туяни минишдан ман қилдилар. Абу Довуд ривояти.

309-боб
Масжидга тупуришдан қайтариш, агар тупук кўриб қолинса, уни тозалашга ва масжидларни ифлос нарсалардан пок тутишга буюрилгани ҳақида

1692/1. Анасдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Масжидга тупуриш хатокорликдир. Бу хатонинг каффороти уни кўмиб қўйишдир», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

Бу ўриндаги «кўмиб қўйишдан» мақсад агар масжидда тупроқ, қум ёки шунга ўхшаш нарсалар бўлса, тупукни ана шулар остига яширишдир.

Абул Маҳосин ар-Рувёний «Баҳр» номли китобларида «Кўмишдан мақсад уни масжиддан чиқариб ташлашдир. Лекин масжид ерига тош ётқизилган ёки гипс (асфалт ва семент) бўлса, уни оёғи билан аксар жоҳиллар каби босиб кетиб қолса, уни кўмиш, дейилмайди. Балки бу зиёда хатокорлик ва масжидни ифлослантиришдир. Энди босиб кетган киши ўша тупукни кийими ёки қўли ё бошқа нарса билан чиқариб ташламоғи ёки ювмоғи лозим», деб айтдилар.

1693/2. Оишадан ﵂ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ қибла (томон) деворида тупук ёки балғам кўриб қолиб, уни сидириб ташладилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

1694/3. Анасдан ﵁ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Албатта масжид сийдик ва бошқа нопокликлар учун муносиб эмас. Аслида масжид Аллоҳ зикри ва Қуръон тиловат қилинадиган жой», дедилар ёки шунга ўхшаш сўз айтдилар. *Имом Муслим ривояти.*

310-боб
Масжидда жанжаллашиб овоз кўтариш, йўқолган нарсасини излаш, олди-сотди, ижара ва шунга ўхшаш муомалаларни амалга оширишнинг кароҳияти ҳақида

1695/1. Абу Ҳурайрадан ﵁ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Ким йўқолган нарсасини масжидда овоза қилиб эълон этаётган кишини эшитса, «Аллоҳ уни сенга қайтармасин, масжидлар бу мақсадда қурилмаган», деб айтсин», дедилар. *Имом Муслим ривояти.*

1696/2. Абу Ҳурайрадан ﵁ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Агар масжидда олди-сотди қилаётган кишини кўрсанглар, «Аллоҳ тижоратингга фойда бермасин», деб айтинглар. Агар масжидда йўқолган нарсани овоза қилиб эълон этаётган кишини кўрсангизлар, «Аллоҳ уни сенга қайтармасин», деб айтинглар», дедилар. *Имом Термизий ривояти.*

1697/3. Бурайда ﵁ айтадилар: «Бир киши масжидда: «Ким менга йўқолган қизил туямни олиб келади?» деди. Шунда Расулуллоҳ ﷺ: «Топа олма. Масжидлар нима учун қурилган бўлса, ўшанга хослангандир», дедилар». *Имом Муслим ривояти.*

1698/4. Амр ибн Шуъайб оталаридан, оталари эса боболаридан қилган ривоятларида Расулуллоҳ ﷺ масжидда олди-сотди қилишдан, йўқолган нарсасини эълон қилишдан ва шеърлар ўқишдан ман этдилар. *Абу Довуд ва Термизий ривоятлари.*

1699/5. Соиб ибн Язиддан ﵁ ривоят қилинади: «Мен масжидда турсам, бир киши майда тошларни отди. Ўгирилиб қарасам, отган киши Умар ибн Хаттоб эканлар. У зот: «Ана у икки кишини ҳузуримга келтир», дедилар. Қачонки, уларни олиб келсам, у зот: «Қаерликсизлар?» деб сўрадилар. Икковлари: «Тоифданмиз», деб жавоб беришди. У зот: «Агар сизлар мадиналик бўлганингизда, таъзирингизни бериб қўяр эдим. Сизлар Расулуллоҳнинг ﷺ масжидларида овозингизни баланд қиласизларми?» дедилар». *Имом Бухорий ривояти.*

311-боб
Саримсоқ, пиёз, кўк пиёз ва шунга ўхшаш бадбўй нарсаларни

тановул қилиб, оғзидан ҳиди кетмай туриб, заруратсиз масжидга киришдан қайтарилгани ҳақида

1700/1. Ибн Умардан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Ким мана бу ўсимликдан, яъни саримсоқ еган бўлса, масжидимизга яқинлашмасин», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

Имом Муслимнинг бошқа ривоятларида «масжидларимизга яқинлашмасин» бўлиб келган.

1701/2. Анасдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Ким мана бу ўсимликлардан (саримсоқ, пиёз) еса, бизга яқин келиб, бирга намоз ўқимасин», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

1702/3. Жобирдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Ким саримсоқ ёки пиёз еса, биздан ва масжидларимиздан узоқ турсин», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

Имом Муслимнинг ривоятларида «Ким пиёз, саримсоқ ва кўк пиёз еса, масжидларимизга яқинлашмасин. Чунки фаришталар ҳам одам болалари озорланган нарсадан озор топишади» бўлиб келган.

1703/4. Умар ибн Хаттобдан ривоят қилинади. Жумаларнинг бирида бу зот: «Эй одамлар, сизлар икки ўсимлик – пиёз ва саримсоқни ейсизлар. Мен уни ёмон нарса деб биламан», дедилар.

Расулуллоҳ ﷺ агар масжидда (саримсоқ егани сабабли оғзидан) ҳид ёйилиб турган кишини топсалар, Бақийъ (қабристони)га ўша кишини чиқариб ташлашни буюрардилар. Кейин у киши ўша ерга олиб борилар эди. «Ким саримсоқ ва пиёзларни ейдиган бўлса, пишириб, ҳидини қолдирмасдан еяверсин», дедилар. *Имом Муслим ривояти.*

312-боб

Имом жума куни хутба айтиб турганида, икки оёқни қорингга ёпиштириб, қўлни халқа қилиб ўтиришнинг кароҳияти ҳақида (чунки бундай ўтириш уйқу келтириб, хутбани эшиттирмаслиги ва таҳоратни кетказиши мумкин)

1704/1. Муоз ибн Анас ал-Жуҳанийдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ жума куни имом хутба айтиб турганида икки оёқни қорингга ёпиштириб, қўлни халқа қилиб маҳкамлаб ўтиришдан ман этдилар. *Абу Довуд ва Термизий ривоятлари.*

313-боб
Зулҳижжа ойининг аввалги ўн кунлиги кирса, қурбонлик қилиш ниятида юрган кишига қурбонлик қилиб бўлгунича сочини ва тирноғини олиши ман этилгани ҳақида

1705/1. Умму Саламадан ﵂ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Кимнинг сўядиган қурбонлиги бўлса ва зулҳижжа ойи кириб қолса, то қурбонлигини сўймагунча соч ва тирноқларини олмасин», дедилар. *Имом Муслим ривояти.*

Фойда: бундай қилишнинг ҳикмати ана шундай мағфират кунларида баданининг барча аъзолари ҳам иштирок этиши кўзда тутилган.

314-боб
Пайғамбар, Каъба, фаришта, осмон, оталар, ҳаёт, жон, бош, подшоҳ неъмати, фалончининг қабри ва омонатларга ўхшаш махлуқотлар билан қасам ичишдан қайтарилгани ҳақида

1706/1. Ибн Умардан ﵄ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Албатта Аллоҳ таоло ота-боболарингиз номига қасам ичишингиздан ман қилган. Ким қасам ичадиган бўлса, Аллоҳ номи билан қасам ичсин. Ундай бўлмаса, жим турсин», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

Бошқа саҳиҳ ривоятда «Ким қасам ичадиган бўлса, Аллоҳ номига ичсин. Ундай бўлмаса, сукут қилсин» бўлиб келган.

1707/2. Абдураҳмон ибн Самурадан ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Бут-санамлар ва ота-боболарингиз номига қасам ичманглар», деб айтдилар. *Имом Муслим ривояти.*

1708/3. Бурайдадан ﵁ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Ким омонат билан қасам ичса, биз (нинг йўлимиз)дан эмас», дедилар. Абу Довуд ривояти.

Фойда: қасам Аллоҳ ва Унинг сифатлари билан бўлади. Чунки омонат фақат Аллоҳнинг буйруқлари ва фарзларидан бири бўлгани учун булар билан қасам ичишдан қайтарилди. Ва яна омонат билан қасам ичиш Аллоҳнинг исмлари билан қасам ичишга тенглашиб қолишидан хавф бор. Абу Ҳанифа ﵁ ва бу зотнинг асҳоблари: «Аллоҳнинг омонати агар қасам бўлса, унга каффорат лозимдир», дейишди.

1709/4. Бурайдадан ﵁ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Ким қасам ичиб унда: «Мен Исломдан йироқман», деса, агар ёлғон қасам бўлса, ҳақиқатда Исломдан йироқ бўлади. Борди-ю, қасами рост бўлса, шундай ҳам Исломга саломат қайтмайди», дедилар. *Абу Довуд ривояти.*

1710/5. Ибн Умардан ﵄ ривоят қилинади. Бу зот бир кишининг: «Каъба номига қасамки, ундай эмас», деб турганини эшитиб: «Аллоҳдан бошқа

нарса номига қасам ичмагин. Чунки мен Расулуллоҳнинг ﷺ «Ким Аллоҳ номидан бошқа нарса ила қасам ичса, батаҳқиқ куфр ёки ширк келтирибди», деб айтганларини эшитганман», дедилар. *Имом Термизий ривояти.*

Баъзи уламолар Расулуллоҳнинг ﷺ «Куфр ёки ширк келтирибди», деган сўзларини зиёда қўрқитиш учун истеъмол қилганлар, деб шарҳлашди. Чунки Расулуллоҳ ﷺ бошқа бир ҳадисларида: «Риё ширкдир», деб қўрқитиш мақсадида айтганлар.

315-боб
Қасддан ёлғон қасам ичишнинг оғир гуноҳ эканлиги ҳақида

1711/1. Ибн Масъуддан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Ким бирор мусулмон кишининг молига ноҳақ эга бўлиш мақсадида (ёлғон) қасам ичса, Аллоҳни ғазабли ҳолида топади», дедилар, кейин бу сўзларини тасдиқлаб Аллоҳнинг оятидан қуйидагиларни ўқидилар:

«Аллоҳга берган аҳду паймон ва қасамларни озгина қийматга сотиб юборадиган кимсалар учун охиратда ҳеч қандай насиба йўқдир. Қиёмат кунида Аллоҳ уларга сўз қотмайди, раҳмат назари билан боқмайди ва гуноҳларидан покламайди. Улар учун аламли азоб бордир» (Оли Имрон сураси, 77-оят). *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

1712/2. Абу Умома Иёс ибн Саълаба ал-Ҳорисийдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Ким бирор мусулмон кишининг ҳаққига (ёлғон) қасам ичиб эгалик қилиб олса, Аллоҳ таоло унга дўзахни вожиб қилиб, жаннатни ҳаром этади», деганларида, бир киши: «Агар ана шу озгина ва арзимас нарса бўлса-чи?» деди. Шунда у зот: «Агар арок дарахтининг новдасичалик нарса бўлса ҳам», дедилар. *Имом Муслим ривояти.*

1713/3. Абдуллоҳ ибн Амр ибн Оссдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ Аллоҳга ширк келтириш, ота-онага оқ бўлиш, бирор жонни ўлдириш ва ёлғон қасам ичиш кабира (улкан) гуноҳлардандир», дедилар. *Имом Бухорий ривояти.*

Имом Бухорийнинг бошқа ривоятларида айтилишича, бир аъробий киши Расулуллоҳ ﷺ ҳузурларига келиб: «Эй Аллоҳнинг расули! Кабира (улкан) гуноҳлар қайси?» деганида, у зот: «Аллоҳга бирор нарсани шерик қилиш», дедилар. «Кейин қайси?» деган эди, у зот: «Ёлғон қасам», дедилар. «Ёлғон қасам қанақа бўлади?» деган эди, у зот: «Ёлғон қасам мусулмон кишининг молига эгалик қилиш мақсадида ичиладиган қасам», дедилар.

316-боб
Бирор нарсага қасам ичилса-да, кейин ундан яхшироқ нарса кўриб қолса, у ҳолда қасамини бузиб, каффоратини бериши, ўша яхши деб билган ишини бажарабериши марғуб экани ҳақида

1714/1. Абдураҳмон ибн Самурадан ﷺ ривоят қилинади: «Расулуллоҳ ﷺ менга: «Агар бирор нарсага қасам ичсанг-да, кейин унинг акси яхши эканини билиб қолсанг, ўша яхши деб билганингга амал қилавергин-да, қасамингни бузганинг учун каффорат тўлаб қўй», дедилар». *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

1715/2. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Ким бирор нарсага қасам ичса-да, кейин ундан бошқаси яхши эканини билиб қолса, қасамига каффорат тўласин-да, ўша яхши деб билганига амал қилаверсин», дедилар. *Имом Муслим ривояти.*

1716/3. Абу Мусодан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Аллоҳ номига қасам, мен бирор нарсага қасам ичмайман. Борди-ю, қасам ичсам, кейин ундан яхшироғини кўриб қолсам, ўша ичган қасамимни бузганим учун каффорат бераман-да, ўша яхши деб билганимга амал қилаверaман», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

1717/4. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Киши ўз аҳли аёли хусусида бирор нарсага қасам ичиб қўйиб, шу қасамига (агар у зарарли бўлса ҳам) амал қилса, яъни қасамини бузмаса, Аллоҳнинг ҳузурида қасамини бузиб, Аллоҳ фарз қилган каффорат (жарима)ни берувчи кишидан ҳам гуноҳкорроқдир», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

317-боб
Лағв қасамга каффорат йўқлиги ҳақида

Аллоҳ таоло: **«Аллоҳ сизларни тилларингиздаги беҳуда қасамларингиз сабабли жазоламайди. Балки** (дилларингиздаги) **маҳкам туккан қасам сабабли** (агар шундай қасамни бузсангиз) **жазолайди. Бас, унинг каффорати ўз оилангизни боқадиган ўртача таомлардан ўнта мискинга таом бериш ёки уларнинг сарпосини қилиш ёхуд бир қулни озод қилишдир. Ким** (бу нарсаларни) **топа олмаса, уч кун рўза тутсин! Мана шу – қасам ичган** (ва уни бузган) **пайтингиздаги қасамларингиз каффоратидир. Қасамларингизни** (бузишдан) **сақланингиз»** (Моида сураси, 89-оят), деб айтган.

1718/1. Оишадан ﷺ ривоят қилинади. «Аллоҳ сизларни тилларингиздаги беҳуда қасамларингиз сабабли жазоламайди», деб айтилган оят ҳар бир сўзида «Валлоҳи, бундай» ёки «Валлоҳи, бундай эмас», деб бўлар-бўлмасга қасам ичувчи киши ҳақида нозил бўлган, деб айтдилар бу онамиз. *Имом Бухорий ривоятлари.*

Фойда: лағв – шофеъий мазҳабида қасамни ният қилмай, тилга ўзича келиб қолган лафз. Бизнинг ҳанафия мазҳабимизда эса лағв – бирор нарса шундай, деб гумон қилиб (қасам) ичилади-да, лекин ҳаққиқат унинг акси бўлиб чиққандаги қасам тушунилади.

Қасам уч турли бўлади: 1. Ёлғон қасам. 2. Лағв қасам. 3. Мунъақида (боғланган), яъни бирор нарсани бажаришга ёки бажармасликка қасд қилиб ичилган қасам. Буларнинг аввалгиси – ёлғон қасам кабира (улкан) гуноҳ экани ҳақида юқорида ҳадислар ўтди. Иккинчиси – лағв қасам гуноҳ ҳам эмас, каффорот ҳам лозим бўлмайди. Учинчиси – мунъақид қасамида эса агар уни бузса, каффорат лозим. Каффорат уч нарсанинг бирини бажариш билан бўлади: ўнта мискинни овқатлантириш ёки кийинтириш ё қул озод этиш. Бу учтасидан бири ихтиёр қилинади. Агар бу учтадан бирортасига қодир бўлмаса, уч кун рўза тутади. Бизнинг ҳанафия мазҳабимизда ана шу рўзанинг ораси узилмай пайдар-пай тутиш шарт қилинган.

318-боб
Сотувчининг агар ростгўй бўлса ҳам, қасам ичишининг кароҳияти ҳақида

1719/1. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Қасам молнинг тез сотилишига сабаб бўлади. Лекин баракасини кетказади», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

1720/2. Абу Қатодадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Молни сотишда кўп қасам ичишдан сақланинглар. Чунки қасам билан мол сотилиб кетади. Кейин баракаси ҳам бирга кетади», дедилар. *Имом Муслим ривояти.*

319-боб
Аллоҳ номи ила жаннатдан бошқани тилашнинг ҳамда Аллоҳ номини айтиб сўраган кишига бермасликнинг кароҳияти ҳақида

1721/1. Жобирдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Аллоҳ зоти ила жаннатдан бошқа нарса сўралмайди», дедилар. *Абу Довуд ривояти.*

Фойда: дунё матоларини Аллоҳ зоти ила сўраб тавассул қилишнинг кароҳияти бор.

1722/2. Ибн Умардан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Ким Аллоҳни восита қилиб сизлардан паноҳ тиласа, унга паноҳ бериб ҳимоя қилинглар. Ким Аллоҳни восита қилиб бирор нарса сўраса, ўша сўраган нарсасини беринглар. Ким таом тайёрлаб чақирса, унга боринглар. Бирор киши яхшилик қилса, уни мукофотлаб қўйинглар. Агар мукофотлайдиган нарса топа олмасангиз, унинг ҳаққига дуо қилиб қўйинг. Шундай мукофотлангларки, унинг асоратини (юзида) кўринглар, яъни хурсанд бўлсин», деб айтдилар. *Абу Довуд ва Насаий ривоятлари.*

320-боб
Подшоҳни Шаҳаншоҳ, деб чақиришнинг ҳаромлиги ҳақида, бу лафз Аллоҳдан бошқа кишига ишлатилмайди

1723/1. Абу Ҳурайрадан ﵁ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Бир кишини подшоҳларнинг подшоҳи (шаҳаншоҳ), деб исмлаш Аллоҳ ҳузуридаги энг ёмон исмлардандир», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

Суфён ибн Уяйна: «Подшоҳларнинг подшоҳи худди Шаҳаншоҳ, дейишнинг ўзидир», деганлар.

321-боб
Фосиқ ва бидъатчи ҳамда шуларга ўхшаш кишиларни саййид, деб хитоб қилишдан қайтарилгани ҳақида

1724/1. Бурайдадан ﵁ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Мунофиқ учун «саййид» (бошлиқ), деган сўзни ишлатманглар, чунки мунофиқни бошлиқ деб билсангизлар, Раббингизнинг ғазабини келтирган бўласизлар», деб айтдилар. *Абу Довуд ривояти.*

322-боб
Иситма касаллигини сўкишнинг кароҳияти ҳақида

1721. Жобирдан ﵁ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ Умму Соиб (ёки Умму Мусаййаб)нинг ҳузурига кириб: «Эй Умму Соиб (ёки Умму Мусаййаб), сенга нима бўлдики, титраяпсан?» деганларида, Умма Соиб (ёки Умму Мусаййаб): «Иситма сабабли титраяпман. Аллоҳ бу иситманинг баракасини кетказсин», деди. Шунда Расулуллоҳ ﷺ: «Иситма касаллигини сўкманглар. Чунки босқон темир зангини кетказганидек, иситма ҳам одам болаларининг хатосини кетказади», дедилар. *Имом Муслим ривояти.*

323-боб
Шамолни сўкишдан қайтариш ҳамда шамол эсганда айтиладиган зикрлар ҳақида

1726/1. Убай ибн Каъбдан ﵁ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Шамолни сўкманглар, агар бирор кариҳ нарсани кўрсанглар: «Аллоҳумма инна нас`алука мин хойри ҳазиҳир рийҳи ва хойри ма фийҳа ва хойри ма умирот биҳи ва наъузу бика мин шарри ҳазиҳир рийҳи ва шарри ма фийҳа ва шарри ма умират биҳи», деб айтинглар», дедилар. (Маъноси: «Аллоҳим, Сендан шамолнинг яхшисини ва ундаги яхшиликларни ва у билан буюрилган нарсаларнинг яхшилигини сўрайман. Ва Сендан шамолнинг ёмонидан, ундаги ёмонликлардан ва у билан буюрилган ёмонликлардан паноҳ сўрайман».) *Имом Термизий ривояти.*

1727/2. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ (с.а.в): «Шамол бандаларга юборилган раҳматдир. Гоҳида у раҳмат билан келади, гоҳида азоб билан. Агар шамол эсса, уни сўкманглар. Аллоҳдан унинг яхшисини сўраб, ёмонидан паноҳ тиланглар», дедилар. *Абу Довуд ривояти.*

1728/3. Оиша онамиз ﷺ ривоят қиладилар: «Агар қаттиқ шамол бўлса, Расулуллоҳ ﷺ: «Аллоҳумма инний ас`алука хойроҳа ва хойро ма фийҳа ва хойро ма урсилат биҳи ва аъузу бика мин шарриҳа ва шарри ма фийҳа ва шарри ма урсилат биҳи», деб айтар эдилар». (Маъноси: «Эй Раббим, Сендан унинг яхшисини, ундаги яхшиликни ва у билан юборилган нарсанинг яхшисини сўрайман. Эй Раббим, Сендан унинг ёмонидан, ундаги ёмонликдан ва у билан юборилган нарсанинг ёмонлигидан паноҳ сўрайман».) *Имом Муслим ривояти.*

324-боб
Хўрозни сўкишдан қайтарилгани ҳақида

1729/1. Зайд ибн Холид ал-Жуҳанийдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Хўрозни сўкманглар, чунки у (таҳажжуд ва бомдод) намозига уйғотади», дедилар. *Абу Довуд ривояти.*

325-боб
«Фалон юлдуз сабабли ёмғир ёғди», деб айтишдан қайтарилгани ҳақида

1730/1. Зайд ибн Холид Жуҳаний ﷺ ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ ﷺ Ҳудайбияда кечаси ёққан ёмғирдан намиққан ерда бизга бомдод намозини ўқиб бердилар. Намоз тугаганидан кейин одамларга юзланиб: «Парвардигорларингиз нима деб айтганини биласизларми?» дедилар. Саҳобалар: «Аллоҳ ва Унинг расули билгувчироқ», дейишди. Шунда Расулуллоҳ ﷺ: «Аллоҳ таоло: «Бандаларим Менга мўмин ёки кофир бўлган ҳолда тонг оттирадилар. Ким Аллоҳнинг фазли ва раҳмати сабабли ёмғир ёғдирилди, деса, ана шу киши Менга иймон ва сайёрага куфр келтирган бўлади. Аммо ким сайёрадаги ундай ва бундай ўзгаришлар сабабли ёмғир ёғдирилди, деса, ана шу киши Менга куфр ва сайёрага иймон келтирган бўлади», деди», дедилар». *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

326-боб
Мусулмон кишини «Эй кофир!» деб айтишнинг ҳаромлиги ҳақида

1731/1. Ибн Умардан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Агар киши биродарига «Эй кофир!» деса, икковидан бирига бу сўз қайтади. Яъни, агар биродари айтганидек бўлса, айтувчига ҳеч нарса бўлмайди. Борди-ю, ундай бўлмаса, айтувчининг ўзи кофир бўлади», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

1732/2. Абу Заррдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Ким бошқа бир кишини кофир ёки Аллоҳ душмани, деб айтса-ю, ўша нарса у кишида бўлмаса, айтувчининг сўзи ўзига қайтади. Яъни, ўзи кофир ва Аллоҳ душмани бўлади», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

327-боб
Тилни беҳаё ва фаҳш сўзларга ишлатишдан ман этилгани ҳақида

1733/1. Ибн Масъуддан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Мўмин киши кўп сўкувчи ҳам, кўп лаънатловчи ҳам, фаҳш сўзларни айтувчи ҳам, одобсиз ҳам бўлмайди», дедилар. *Имом Термизий ривояти.*

1734/2. Анасдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Фаҳш нарса борки, у шармандалик келтиради. Ҳаё нарса борки, у зийнат келтиради», дедилар. *Имом Термизий ва Ибн Можа ривоятлари.*

328-боб
Сўзда жимжимадорлик ва сўзамоллик учун энг қийин, нозик ибораларни ишлатиб, авомга хитоб қилишнинг кароҳияти ҳақида

1735/1. Ибн Масъуддан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Сўзда чуқур кетувчи, синчковлар ҳалок бўлишди», деб уч марта (таъкидлаб) айтдилар. *Имом Муслим ривояти.*

1736/2. Абдуллоҳ ибн Амр ибн Оссдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Гапирганда худди сигир тилига хашак ўрагани каби сўзни ўраб гапирувчи кишиларни Аллоҳ таоло ёмон кўради», дедилар. *Абу Довуд ва Термизий ривоятлари.*

1737/3. Жобирдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Менга маҳбубларингиз ва қиёмат кунида мажлис жиҳатидан яқинларингиз ахлоқи яхшиларингиздир. Менга ёмон кўрилганларингиз ва қиёмат кунида мендан узоқларингиз сергап-эзмаларингиз, ахлоқсиз сўзларни сўзловчиларингиз ва мутакаббирлардир», дедилар. *Имом Термизий ривояти.*

329-боб
«Қусгим келяпти», деб айтишнинг кароҳияти ҳақида

1738/1. Оишадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Сизлардан бирортангиз «кўнглим айнияпти», деган сўзни «хабусат» (арабчада) лафзи ила эмас, балки «лақисат» лафзи ила айтсин», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

Фойда: худди ўзбек тилидаги «қусгим келяпти» ўрнига чиройли қилиб «кўнглим айнияпти», деб айтганга ўхшаш.

330-боб
Узумни арабчада «Ал-Карму» лафзи ила ишлатишнинг кароҳияти ҳақида

1739/1. Абу Ҳурайрадан ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Узумни арабчада «Ал-Карму» лафзи ила айтманглар. Чунки «Ал-Карму» лафзи мусулмон, деган маънони англатади», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.* Бу Муслим ривоятларидаги лафз.

Бошқа ривоятда «Ал-Карму» мўминнинг қалбидир, дейилган.

Имом Бухорий ва Муслимнинг бошқа ривоятларида: «(Кишилар узумни) ал-Карму, деб айтадилар. «Ал-Карму» эса аслида мўминнинг қалби, деган маънони англатади», дейилган.

1740/2. Воил ибн Ҳужрадан ﷺ ривоят қилади. Расулуллоҳ ﷺ: «(Узумни) «Ал-Карму» лафзи ила айтманглар, балки «Ал-Инаб» ва «Ал-Ҳабала» лафзи ила айтинглар», дедилар. *Имом Муслим ривояти.*

Фойда: бу ҳадисда узумни «Ал-Карму», деб аташдан ман этилмоқда. Сабаби жоҳилиятда узум мевасидан маст қилувчи шаробни тайёрловчилар мана шундай исмни салбий маънода айтишар эди. Ҳозир ҳам баъзилар шундай айтишади. Расулуллоҳ ﷺ бундай аташдан қайтармоқдалар.

331-боб
Бегона хотиннинг ҳуснини бегона эркак олдида гапиришдан ман этилгани ҳақида (лекин уйланиш ва бошқа мақсадларни кўзлаб, шаръий эҳтиёж туғилганда зарари йўқ)

1741/1. Ибн Масъуддан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Аёл киши бошқа бир аёлнинг баданига қараб, уни ўз эрига сифатлаб берса, гўёки эри ўша бегона хотиннинг баданига қарагандек бўлибди», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

Фойда: буни ман этилишидаги ҳикмат фитнага йўлиқишнинг олдини олишдир.

332-боб
«Аллоҳим, агар хоҳласанг, мени кечир», деб айтишнинг кароҳияти ҳақида (Аллоҳдан бирор нарса сўралаётганда жазм ва қатъият ила сўралади)

1742/1. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Сизлардан бирортангиз «Аллоҳим, агар хоҳласанг, мени кечир» ёки «Аллоҳим, агар хоҳласанг, менга раҳм қил», деб айтмасин. Балки жазм ва қатъият билан

сўрасин. Чунки Аллоҳ таолони (бир нарса беришга ҳеч ким) мажбурлай олмайди», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

Муслимнинг ривоятларида «Лекин қасд қилиб, қаттиқ сўрасин. Аллоҳ наздида бирор (хоҳ дунёвий, хоҳ ухровий) нарсанинг каттаси бўлмайди, албатта беради» бўлиб келган.

1743/2. Анасдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Қачон сизлардан бирингиз дуо қилса, қатъият ила тиласин. «Аллоҳим, агар хоҳласанг, бергин», деб қатъиятсизлик ила сўрамасин. Чунки Аллоҳни (ҳеч ким бир нарса беришга) мажбурлай олмайди», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

333-боб
«Аллоҳ ва фалон киши хоҳласа», деб айтишнинг кароҳияти ҳақида

1744/1. Ҳузайфа ибн Ямондан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Аллоҳ хоҳласа ва фалон киши хоҳласа, деб («ва» сўзини қўшиб) айтманглар. Балки «Аллоҳ хоҳласа, кейин фалон киши хоҳласа», деб («кейин» сўзини қўшиб) айтинглар», дедилар. *Абу Довуд ривояти.*

Фойда: чунки Аллоҳнинг хоҳиши билан инсоннинг хоҳиши орасида катта фарқ бор. Аллоҳнинг хоҳиши азалий ва қадимийдир. Инсоннинг хоҳиши эса янги пайдо бўлган нарсадир.

334-боб
Хуфтон намозидан кейин (бефойда) сўзларни гаплашишнинг кароҳияти ҳақида

Бошқа вақтларда мубоҳ бўлган сўзларни хуфтондан кейин гаплашиш кароҳиятлидир. Аммо бошқа пайтларда ҳаром ёки макруҳ бўлган сўзларни хуфтондан кейин гаплашиш ундан-да қаттиқ ҳаром ва макруҳдир. Хуфтондан кейин гаплашиш жоиз бўлганлари: илм музокара қилиш, солиҳлар ҳикоясини ва яхши ахлоқларга ундовчи суҳбатларни тинглаш ҳамда меҳмон ва ҳожатманд каби кишилар билан сўзлашишдир. Фавқулодда узрли бўлинганда ҳам кароҳияти йўқ. Балки шу айтилган нарсаларни бу пайтда гаплашиш мустаҳабдир. Бу айтилган нарсалар саҳиҳ ҳадисларда ворид бўлгандир.

1745/1. Абу Барзадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ хуфтондан олдин ухлашни ва хуфтондан кейин гапиришни кариҳ кўрардилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

1746/2. Ибн Умардан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ ҳаётларининг охирги пайтида хуфтон намозини ўқиб салом берганларидан кейин: «Бу кеча ҳақида хабар беринглар-чи. Бу кечадан юз йил ўтгандан кейин ҳозир ер юзида мавжуд бўлганларнинг бирортаси тирик қолмайди, деб мен хабар бераман», деб айтдилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

Фойда: Расулуллоҳ ﷺ хабар берганларидек, охирги вафот этган саҳоба Абу Туфайл Омир ибн Воилдир. Бу зот Расулуллоҳ ﷺ бу сўзни айтганларидан юз йил ўтгандан кейин бир юз ўнинчи йили вафот этганлар. Яъни, Расулуллоҳ ﷺ ҳижратнинг ўнинчи йилида бу сўзни айтганлар.

1747/3. Анасдан ﷺ ривоят қилинади. Бир кеча саҳобалар Расулуллоҳни ﷺ (масжиди набавийда) кутиб ўтиришган эди, у зот кечанинг ярмида келиб, уларга хуфтон намозини ўқиб бердилар. Кейин қуйидагича хутба айтдилар: «Огоҳ бўлинг! Албатта одамлар намоз ўқиб бўлиб ором олишмоқда. Сизлар қанча кутган бўлсангиз, ўшанча муддат намозда турган ҳисобланасизлар». *Имом Бухорий ривояти.*

Фойда: бу икки ҳадисдан хуфтондан кейин яхши сўзларни гаплашиш жоизлиги тушунилади.

335-боб
Эр ўз хотинини тўшагига (жимоъ ниятида) чақирса-ю, хотин шаръий узри бўлмай, унга боришдан бош тортишининг ҳаромлиги ҳақида

1748/1. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Агар киши ўз хотинини (жимоъ ниятида) тўшагига чақирганда, у хотин бош тортса ва эри ундан норози бўлса, тонг отгунча фаришталар у хотинни лаънатлаб туришади», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

Бошқа ривоятда «Қайтгунича» бўлиб келган.

336-боб
Эр сафарда бўлмай, уйдалигида аёлига унинг рухсатисиз нафл рўза тутишининг ҳаромлиги ҳақида

1749/1. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Эри сафарга бормасдан уйда бўлган пайтида хотинга эрининг изнисиз нафл рўза тутиши ва изнисиз уйига бирор шахсни киритиши ҳалол эмас», деб айтдилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

337-боб
Иқтидо қилган киши рукуъ ва саждада имомдан олдин бош кўтаришининг ҳаромлиги ҳақида

1750/1. Абу Ҳурайрадан ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «(Рукуъ ёки саждада) сизлардан бирингиз имомдан олдин бошини кўтарса, Аллоҳ унинг бошини эшакнинг бошига ёки суратини эшак суратига айлантириб қўйишидан қўрқмайдими?» деб айтдилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

Фойда: баъзилар бу сўз киноядир. Яъни, эшакка ўхшаб ақли ноқис бўлади, дейишади. Баъзилар эса бундай бўлиши мумкин, дейишади. Шайх Ибн Ҳажар ал-Ҳайтамий ўзларининг «Мўъжам»ларида мана шу ҳодиса юз берганини ёзганлар. Аллоҳ Ўзи асрасин.

338-боб
Намозда турган киши қўлини ёнбошига қўйишининг кароҳияти ҳақида

1751/1. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ намозда қўлни ёнбошга қўйиб туришдан ман этдилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

Фойда: чунки намозда бундай туриш мутакаббирликка далолат қилади.

339-боб
Таом ҳозир бўлиб турганда ҳамда хожати қистаб турганда намоз ўқишнинг макруҳлиги ҳақида

1752/1. Оишадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Таом ҳозир бўлганда ва ҳожати қистаб турганда, яъни пешоб ва ични бўшатгиси келиб турганда намоз йўқдир», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

Фойда: чунки бундай ҳолатларда намоз ўқувчи кишидан хушуъ кетади. Албатта намоз вақти кенг бўлса, шундай. Лекин намоз вақти торайиб кетса, кароҳият кўтарилади.

340-боб
Намозда турганда осмонга қарашнинг ман этилгани ҳақида

1753/1. Анас ибн Моликдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Одамларга нима бўлдики, намозда кўзларини осмонга қаратишади?» дедилар ва яна ҳам шиддатлашиб: «Ёки бундай қилишдан тўхташсин, бўлмаса, кўзларидан жудо бўлиб қолишади», дедилар. *Имом Бухорий ривояти.*

341-боб
Намозда узрсиз у ёқ-бу ёққа қарашнинг кароҳияти ҳақида

1754/1. Оишадан ﷺ ривоят қилинади: «Расулуллоҳдан ﷺ намозда у ёқ-бу ёққа, яъни ўнг ва чап томонларга қараш ҳақида сўрасам, у зот: «У нарса банданинг намозидан шайтоннинг юлиб олган ҳиссасидир», дедилар». *Имом Бухорий ривояти.*

1755/2. Анасдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Намозда у ёқ-бу ёққа қарашдан четлангин. Чунки намозда қараш ҳалокатга сабаб бўлади. Агар чорасиз қолсанг, нафл намозларида майли-ю, лекин фарз намозларида жоиз эмас», деб айтдилар.

342-боб
Қабрларга юзланиб намоз ўқишдан қайтарилгани ҳақида

1756/1. Абу Марсад Каннноз ибн Ҳусайндан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ қабрларга юзланиб намоз ўқишдан ва унинг устига ўтиришдан ман этдилар. *Имом Муслим ривояти.*

343-боб
Намоз ўқиётган кишининг олдидан ўтишнинг ҳаромлиги тўғрисида

1757/1. Абу Жуҳайм Абдуллоҳ ибн Ҳорис ибн Симмадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Намоз ўқиб турганнинг олдидан ўтувчи киши агар бу ишнинг ёмонлигини билганида эди, қирқ (кун ё ой ёки йил) намоз ўқувчининг олдидан ўтмасдан тўхтаб туриши яхши бўлар эди», дедилар. Ушбу ҳадис ровийи қирқ кунми ё қирқ ойми ёки қирқ йилми, аниқ билмадим, деб айтди. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

344-боб
Муаззин фарзга иқомат (такбир) айтгандан кейин хоҳ нафл, хоҳ ўша намознинг суннати бўлсин, бошлаб юборишнинг кароҳияти ҳақида

1758/1. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Агар намозга иқомат айтилса, фарздан бошқа намоз йўқдир», дедилар. *Имом Муслим ривояти.*

345-боб
Жума кунининг кундузини рўзага ва кечасини намозга хослаб олишнинг кароҳияти тўғрисида

1759/1. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Кечалардан жума кечасини таҳажжуд намозига, кундузлардан жума кунини рўзага хослаб олманглар. Лекин одатдаги рўзага тўғри келиб қолса, зарари йўқ», дедилар. *Имом Муслим ривояти.*

1760/2. Абу Ҳурайрадан ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Ҳеч бир киши жума кунининг ёлғиз ўзида рўза тутмасин. Лекин жумага пайшанбани ёки шанбани қўшиб тутса, зарари йўқ», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

1761/3. Муҳаммад ибн Аббоддан ﷺ ривоят қилинади: «Жобирдан ﷺ «Расулуллоҳ ﷺ жума кунининг ўзида рўза тутишдан ман қилганларми?» деб сўрасам, у зот: «Ҳа», деб жавоб қилдилар». *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

1762/4. Уммул мўминин Жувайрия бинти Ҳорисдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ жума куни бу онамиз ҳузурларига кирсалар, рўзадор эканлар. Расулуллоҳ ﷺ у кишидан: «Кеча рўза тутган эдингми?» деб сўрадилар. Жувайрия ﷺ: «Йўқ», деб жавоб бердилар. Расулуллоҳ ﷺ: «Эртага рўза

тутишни хоҳлайсанми?» дедилар. Жувайрия ﵂: «Йўқ», дедилар. Шунда Расулуллоҳ ﷺ: «Ундай бўлса, очиб юбор, яъни рўза тутмагин», дедилар. *Имом Бухорий ривояти.*

346-боб
Икки ёки ундан кўпроқ кун емасдан-ичмасдан рўза тутишнинг ҳаромлиги ҳақида

1763/1. Абу Ҳурайра ва Оишадан ﵄ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ (икки ёки ундан кўпроқ кун) оғиз очмай рўза тутишдан ман этдилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

1764/2. Ибн Умардан ﵄ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ (икки ёки ундан кўпроқ кун) оғиз очмай рўза тутишдан ман этганларида, саҳобалар: «Ўзингиз шундай қиласиз-ку», дейишди. Шунда Расулуллоҳ ﷺ: «Мен сизлар каби эмасман. Чунки мен (Раббим томонидан) таом ва ичимлик ила сийланаман», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари. Бу ҳадис лафзи эса Имом Бухорийники.*

347-боб
Қабр устига ўтиришнинг ҳаромлиги ҳақида

1765/1. Абу Ҳурайрадан ﵄ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Сизлардан бирингиз қабр устига ўтирганидан кўра чўғ устига ўтириб, кийими куйиши ва баданига илашиши яхшироқдир», дедилар. *Имом Муслим ривояти.*

348-боб
Қабр устини сувашдан ва унинг устига бино қуришдан қайтарилгани ҳақида

1766/1. Жобирдан ﵄ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ қабрларни (оқ нарса билан) сувашдан, устига ўтиришдан ва устига бино қуришдан ман этганлар. *Имом Муслим ривояти.*

349-боб
Қул ўз ҳожаси қўлидан қочиб кетишининг қаттиқ ҳаромлиги ҳақида

1767/1. Жаридан ﵁ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Қайси бир қул ҳожаси қарамоғидан қочиб кетса, у Ислом паноҳидан чиқибди», дедилар. *Имом Муслим ривояти.*

1768/2. Жаридан ﵁ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Агар қул ҳожаси ҳузуридан қочиб кетса, ўқиган намозлари қабул бўлмайди», дедилар. *Имом Муслим ривояти.*

Бошқа ривоятда: «Қочиб кетса, кофир бўлибди», дейилган.

350-боб
Шаръий жазоларда ўртага тушиб шафеъ бўлишнинг ҳаромлиги ҳақида

Аллоҳ таоло: **«Зинокор аёл ва зинокор эркак – улардан ҳар бирини юз даррадан уринглар. Агар сизлар Аллоҳга ва охират кунига иймон келтиргувчи бўлсангизлар, Аллоҳнинг** (бу) **ҳукмида** (яъни, зинокорларни дарралашда) **сизларни уларга нисбатан раҳм-шафқат** (туйғулари) **тутмасин»** (Нур сураси, 2-оят), деб айтган.

1769/1. Оишадан ﵂ ривоят қилинади. Махзумия қабиласидаги бир аёлнинг ўғирлик қилгани қурайшликларни ғамга солиб қўйди. Шунда улар: «Ким Расулуллоҳ ﷺ билан (у аёл жазосининг ижро этилмаслиги ҳақида) гаплашади?» дейишганида, баъзилари: «Усома ибн Зайд бориб гаплашади. Чунки уни Расулуллоҳ ﷺ яхши кўрадилар», дейишди. Бас, Усома ﵁ шафеълик қилиб, бу ҳақда Расулуллоҳ ﷺ билан гаплашганларида, у зот ﷺ: «Аллоҳнинг ҳадларидан бўлган бир ҳадда, яъни жазосида шафеълик қиласанми?» дедилар-да, ўринларидан туриб қуйидагича хутба айтдилар: «Сизлардан олдинги умматларнинг ҳалок бўлишларига сабаб ораларида улуғ бир киши ўғирлик қилиб қўйса, жазони тарк қилишар, заиф, оддий одам ўғирлик қилса, ҳад (жазо)ни ижро этишар эди. Аллоҳ номига қасамки, Муҳаммаднинг қизи Фотима ўғирлик қилса, унинг қўлини кесар эдим». *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

Бошқа ривоятда айтилишича, Расулуллоҳ ﷺ бу сўзни эшитганларида ғазаблари келганидан юзлари ўзгариб кетди. Ва: «(Эй Усома), сен Аллоҳнинг жазосида ўртага тушиб шафеълик қилмоқчимисан?» деганларида, Усома ﵁: «Эй Расулуллоҳ, менинг гуноҳимга истиғфор айтинг», дедилар. Кейин бу хотинга ҳукм ижро этишни буюрдилар ва унинг қўли (ўғирлик қилгани учун) кесилди.

351-боб
Одамларнинг йўлларига, сояланадиган жойларига ва сув оладиган ерларига ҳожат ушатишдан қайтарилгани ҳақида

Аллоҳ таоло:

«Мўмин ва мўминаларга улар бирон гуноҳ қилмасликларидан озор берадиган кимсалар ҳам бўҳтон ва очиқ гуноҳни ўз устларига олибдилар» (Аҳзоб сураси, 58-оят), деб айтган.

1770/1. Абу Ҳурайрадан ﵁ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Лаънатга сабаб бўлувчи икки ишдан четланинглар», деганларида, саҳобалар: «Лаънатга сабаб бўлувчи у икки иш нима?» дейишди. Шунда у зот: «Одамларнинг йўли ва сояланадиган маконларидан ҳожатхона ўрнида фойдаланиш», деб айтдилар. *Имом Муслим ривояти.*

352-боб
Кўлмак сувга пешоб қилишдан қайтарилгани ҳақида

1771/1. Жобирдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ оқмасдан кўлмак бўлиб турган сувга пешоб қилишдан ман этдилар. *Имом Муслим ривояти.*

353-боб
Ота болаларига нарса беришда баъзиларини афзал кўришининг кароҳияти ҳақида

1772/1. Нўъмон ибн Баширдан ﷺ ривоят қилинади. Башир ﷺ ўғиллари Нўъмонни Расулуллоҳ ﷺ ҳузурларига олиб бориб: «Мен бу ўғлимга бир хизматкор бола ҳадя қилдим», деганларида, Расулуллоҳ ﷺ: «Мана шу каби нарсани барча болаларингга ҳадя қилдингми?» дедилар. Башир ﷺ: «Йўқ», дегандилар, Расулуллоҳ ﷺ: «Берган нарсангни қайтариб ол», дедилар.

Бошқа ривоятда айтилишича, Расулуллоҳ ﷺ: «Болаларингнинг барчасига шундай қилдингми?» деганларида, Башир: «Йўқ», дедилар. Шунда Расулуллоҳ ﷺ: «Болаларингиз ҳақида адолатли бўлинглар», деб айтдилар. Кейин Башир келиб ҳалиги берган садақаларини қайтариб олдилар.

Яна бошқа ривоятда келтириладики, Расулуллоҳ ﷺ: «Эй Башир! Сенда бундан бошқа фарзанд борми?» деганларида, Башир: «Ҳа», дедилар. Расулуллоҳ ﷺ: «Фарзандларингнинг барчасига шундай ҳадя бердингми?» дегандилар, Башир: «Йўқ», дедилар. Шунда Расулуллоҳ ﷺ: «Ундай бўладиган бўлса, мени гувоҳ қилмагин. Чунки мен зулмга гувоҳ бўлмайман», дедилар.

Яна бошқа бир ривоятда «Мени зулмга гувоҳ қилмагин» бўлиб келган. Бошқа ривоятда айтилишича, Расулуллоҳ ﷺ: «Бу ишингга мендан бошқани гувоҳ қил», деб, кейин «Болаларинг сенга яхшилик ва хизмат қилишда баробар бўлишлари хурсанд қиладими?» дегандилар, Башир ﷺ: «Ҳа», дедилар. Шунда Расулуллоҳ ﷺ: «Ундай бўлса, уларни ажратмасдан баробар тутгин», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

354-боб
Аёл кишига оиласидан бирор киши ўлса, уч кундан кўп аза-мотам (хафалик либосини кийиб, зийнатни тарк) қилиши ҳаромлиги ҳақида (лекин эри ўлса, тўрт ой-у ўн кун идда ўтириши лозим)

1773/1. Зайнаб бинти Абу Саламадан ﷺ ривоят қилинади: «Мен мўминалар онаси Умму Ҳабиба ҳузурларига оталари Абу Суфён ибн Ҳарб

вафот этганларида кирсам, Умму Ҳабиба ﵂ сариқ рангли хушбўй суюқлик келтиришни буюрдилар. Ва у хушбўй нарса келтирилганда хизматкор қизга ҳамда ўзларининг икки яноқларига суртдилар. Кейин Умму Ҳабиба ﵂: «Аллоҳ номига қасамки, менда ҳозир бу нарсани суртишга ҳожат йўқ. Лекин мен Расулуллоҳнинг ﷺ минбарда туриб: «Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирган аёлга бирор кишиси вафот этса, уч кечадан кўп аза-мотам (хафалик либосини кийиб, зийнатни тарк) қилиши ҳалол эмас. Лекин эри вафот этса, тўрт ой-у ўн кун идда ўтиради», деб айтганларини эшитганман», дедилар».

Зайнаб бинти Абу Салама ﵂: «Кейин Зайнаб бинти Жаҳшнинг ҳузурларига инилари вафот этганида кирсам, бу саҳобия аёл ҳам хушбўй нарса келтиришни буюрдилар. Қачонки, у нарса олиб келинганда, ўша нарсадан суртиб: «Аллоҳ номига қасамки, ҳозир бу нарсани суртишга ҳожат йўқ. Лекин мен Расулуллоҳнинг ﷺ минбарда туриб: «Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирган аёлга бирор кишиси вафот этса, уч кундан кўп аза-мотам қилиши ҳалол эмас. Лекин ўз эри вафот этса, тўрт ой-у ўн кун идда ўтиради», деб айтганларини эшитдим», дедилар». *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

Фойда: демак, ўз эридан бошқа шахс вафот этса, аёлларга фақат уч кун аза-мотам қилишга рухсат берилмоқда. Лекин ундан зиёдаси ман этилган. Аммо ўз эри вафот этган хотинлар тўрт ой-у ўн кун идда ўтиришади.

Идда – эри ўлган аёлнинг бошқа эрга тегиши мумкин бўлмаган муддат. Идданинг ҳикматларидан бири ҳомила бор-йўқлигини билиб, наслнинг эгасини аниқлашдир. Ҳамда Ислом шариати эрнинг аёл устидаги ҳаққи ҳаттоки вафотидан кейин ҳам борлигини эътироф этишидир. Ҳа, Ислом насл мусаффолигини мана шундай таъминлайди.

355-боб
Шаҳарликларнинг қишлоқдагилар олиб келган (ғалла, мева, сабзавот ва бошқа) нарсаларни сотиши, карвондагилар билан ташқарида кўришиб (сотиб бериш мақсадида) уларнинг молларини қўлга киритиши, биродари савдосини бузиб, ўз молини сотиши ва ўзи қайтмай ёки изн бермай туриб биродари совчи бўлган аёлга совчи юборишининг ҳаромлиги ҳақида

1774/1. Анасдан ﵁ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ шаҳарлик одамнинг қишлоқдан келган кишининг молини сотиб беришидан ман қилдилар. Гарчи у қишлоқлик киши ота-она бир иниси бўлса ҳам. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

1775/2. Ибн Умардан ﵄ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Ташқаридан келган молларни шаҳар бозорига етиб келмасидан олдин йўлига чиқиб сотиб олманглар», деб айтдилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

1776/3. Ибн Аббосдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Карвон йўлига чиқиб, молини сотиб олманглар ва шаҳарлик одам ташқаридан келган кишининг молини сотмасин», деганлар. Имом Товус Ибн Аббосдан ﷺ: «Шаҳарлик қишлоқдан келадиганнинг молини сотмасин, дейилгани нима?» деб сўраганларида, Ибн Аббос: «Даллоллик қилмасин, яъни қишлоқдан келган киши ўзи олиб келган нарсасини ўзи сотсин», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

1777/4. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ шаҳарлик қишлоқдан келган кишининг молини сотишдан ман этдилар. Ва: «Бошқаларни алдаб нархини оширмасин, биродари савдоси устига савдолашмасин, биродари совчи бўлган қизга совчи юбормасин, кундошли хотин кундошини талоқ қилиб юборишини, яъни ҳамма нарсага ўзи эга бўлиб олишни эридан сўрамасин», дедилар.

Бошқа ривоятда айтилишича, Расулуллоҳ ﷺ карвон ҳали шаҳарга кирмай туриб уни сотиш ниятида қўлга киритишдан, хотин бўлажак кундошига талоқ берилса, никоҳга чиқишини шарт қилишдан ва биродари савдоси устига савдолашишдан ҳамда нархларни сохталик билан оширишдан ва соғиладиган ҳайвонни бир неча кун соғмасдан сутини кўпайтириб сотишдан ман қилдилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

Фойда: қишлоқда яшовчи киши қийинчилик билан нарсаларни йиғиб-териб олиб келса-ю, шаҳарда яшовчилар уни алдаб бозорда нарх-наво пастлаб кетганини айтиб, деҳқонни шунга ишонтиришлари ғирромликдир. Ислом ғирромликнинг барча турини ман этади.

1778/5. Ибн Умардан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Баъзиларингиз баъзиларингиз савдосини бузиб ўз нарсаларини сотмасин. Биродари совчи бўлган аёлга совчи юбормасин. Лекин ўзи изн берса, унда жоиз», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари. Бу лафз Муслимники.*

1779/6. Уқба ибн Омирдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Мўмин мўминнинг биродаридир. Мўмин кишига биродари савдосини бузиб ўз нарсаларини сотмасин ҳамда биродари совчи бўлган хотинга то ўзи тарк қилмагунча совчи юбормасин», дедилар. *Имом Муслим ривояти.*

356-боб
Мол-дунёни шариат рухсат бермаган жойларга сарф қилиб, зое этмоқдан қайтарилгани ҳақида

1780/1. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Албатта Аллоҳ таоло сизлардан уч нарсада мамнун ва уч нарсада норозидир. Мамнун бўладигани – Аллоҳга бирор нарсани шерик қилмасдан ибодат қилиш, Аллоҳнинг арқони бўлмиш Исломни жам бўлиб маҳкам ушлаш ва фирқаланиб кетмасликдир. Норози бўладигани – фойдасиз сўзларни

гапириш, кўп савол бериш ва мол-дунёни беҳудага сарф қилиш», деб айтдилар. *Имом Муслим ривояти.*

1781/2. Муғийранинг котиблари Варроддан ﷺ ривоят қилинади. Муғийра ﷺ Муовияга ﷺ жўнатиш мақсадида бир мактуб ёздирдилар. У қуйидагича эди: «Расулуллоҳ ﷺ ҳар фарз намози сўнггидан «Ла илаҳа иллаллоҳу ваҳдаҳу ла шарика лаҳу, лаҳул мулку ва лаҳул ҳамду ва ҳува ъала кулли шайъин қодир. Аллоҳумма ла маниъа лима аътойта ва ла муътия лима манаъта ва ла йанфаъу зал жадди минкал жадд»ни ўқирдилар». (Маъноси: «Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ, Унинг шериги ҳам йўқ. Мутлақ мулк Уники ва ҳамд ҳам Унгадир. У ҳар нарсага қодирдир. Эй Раббим, Сен берган нарсани ман қилувчи йўқ. Ва Сен ман қилган нарсани бергувчи йўқ. Буюклик Сендандир, бошқанинг буюклиги фойда бермайди»). Ва яна Варрод ﷺ мактубда қуйидагиларни ёздилар: «Расулуллоҳ ﷺ фойдасиз сўзларни гапиришдан, мол-дунёни беҳудага сарф қилишдан, кўп савол беришдан, оналарга оқ бўлишдан, қизларни тириклай кўмишдан, вожиб амалларни тарк этишдан ва хиралик билан сўраб олишдан ман этдилар». *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

357-боб
Мусулмон кишига силоҳ (қурол) ва шунга ўхшаш нарсалар ила хоҳ жиддий, хоҳ ҳазил билан бўлсин, ишора қилишдан ҳамда қилични яланғочлаб юришдан ман этганлари ҳақида

1782/1. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Сизладан бирортангиз биродарига силоҳ (қурол, қилич, пичоқ ва шунга ўхшаш нарсалар) билан ўқталмасин. Чунки ўша силоҳи қўлида турганида, шайтон васваса қилиб (яъни, биродарининг ўлимига сабабчи этиб) дўзах чуқурларидан бирортасига тушириб юбориши мумкин», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

Имом Муслимнинг ривоятларида айтилишича, Расулуллоҳ ﷺ: «Ким биродарига ўткир нарса билан ўқталса, то ташламагунча фаришталар лаънатлаб туришади, гарчи ишора қилинадиган киши ота-она бир туғишган иниси бўлса ҳам», дедилар.

Фойда: Ислом инсон саломатлиги ва мукаррамлигини мана шундай муҳофаза қилади. Қарияларимиз: «Пичоқдан эҳтиёт бўлинглар, у одамга қараб югуради», деб бежиз айтишмайди.

1783/2. Жобирдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ қилични ғилофдан чиқариб, яланғочлаб юришдан ман этдилар. *Абу Довуд ва Термизий ривоятлари.*

358-боб
Азон айтилгандан кейин фарзни ўқимасдан туриб узрсиз масжиддан чиқиб кетишнинг кароҳияти ҳақида

1784/1. Абу Шаъсодан ﵁ ривоят қилинади: «Биз Абу Ҳурайра ﵁ билан бирга масжидда ўтирган эдик, муаззин азон айтиб қолди. Бир киши ўрнидан туриб масжиддан чиқиб кетди. У киши чиқиб кетгунича Абу Ҳурайра орқасидан қараб қолдилар. Ва: «Бу киши Абулқосимга осий бўлди, яъни Расулуллоҳ ﷺ буйруқларига итоат қилмади», деб айтдилар». *Имом Муслим ривояти.*

359-боб
Райҳонга ўхшаш бирор хушбўй нарса тортиқ этилса, уни узрсиз рад этишнинг кароҳияти ҳақида

1785/1. Абу Ҳурайрадан ﵁ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Кимга райҳонга ўхшаш хушбўй нарса тортиқ этилса, рад қилмасин. Чунки у нарсаларнинг вазни енгил ва ҳиди хушбўйдир», дедилар. *Имом Муслим ривояти.*

1786/2. Анас ибн Моликдан ﵁ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ хушбўй нарсаларни рад этмасдилар. *Имом Бухорий ривояти.*

360-боб
Мақталганда салбий таъсир қилиб, мақтовни кўтара олмайдиган кишининг юзига мақташнинг кароҳияти ҳақида (лекин бундай салбий таъсирланишдан омонда қолувчи кишининг юзига мақташ жоиз)

1787/1. Абу Мусо ал-Ашъарийдан ﵁ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ бир кишининг бошқа бир кишини кўкларга кўтариб мақтаётганини эшитиб: «Уни ҳалок қилдинглар ёки бу кишининг белини синдирдинглар-ку», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

1788/2. Абу Бакрадан ﵁ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ ҳузурларида бир киши зикр қилинди. Шунда бошқа бир киши унинг яхшилигини гапириб мақтаб юборди. Буни эшитган Расулуллоҳ: «Дўстингнинг бўйнини синдирдинг-ку», деб бир неча марта айтдилар. Сўнгра у зот: «Агар сизлардан бирингиз мақташга мажбур бўлиб қолса, уни ундай-бундай ва шу сингари, деб ўйлайман, десин. Агар мен билганимдек ана шу сифатларга эга бўлса, «Ҳасийбуҳу Аллоҳ вала юзаккий ъалаллоҳу аҳада» (маъноси: «Унинг кифоячиси Аллоҳдир. Аллоҳнинг олдида бирор киши айбсиз эмас»), десин», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

1789/3. Ҳаммом ибн Ҳорис ва Миқдоддан ﷺ ривоят қилинади. Бир киши Усмонни ﷺ мақтаганида Миқдод ﷺ тиззаларини букиб, унинг юзига майда тошларни отиб юбордилар. Шунда Усмон ﷺ: «Бу нима қилганингиз?» деганларида, Миқдод ﷺ: «Расулуллоҳнинг ﷺ «Агар мақтовчиларни кўрсангиз, юзларига тупроқ сочинг», деганларини эшитдим», дедилар. *Имом Муслим ривояти.*

Юқорида келтирган ҳадисимиз юзга мақташни ман этувчи ҳадислардандир. Юзга мақташ мубоҳ эканини англатувчи саҳиҳ ҳадислар ҳам кўпдир. Уламолар икки томон ҳадисларини жамлаб, қуйидаги фикрларни айтишган: «Агар мақталаётган киши комил иймонли, ишончли, риёзатли, маърифатли бўлиб, ўша мақтовдан фитналанмаса ва ғурурга кетмаса, ҳаром ҳам, макруҳ ҳам эмас. Агар бу ишларнинг бирортасидан қўрқилса, юзга мақташлик қаттиқ макруҳ бўлади». Шунга асосланиб бу ҳақдаги турли саҳиҳ ҳадисларни келтирмоқдамиз:

Расулуллоҳ ﷺ Абу Бакрга ﷺ: «Жаннатга киришда ҳамма эшигидан чақирилувчилардан бўлишингни умид қиламан», бошқа ҳадисда: «Сен иштонингни мутакаббирлик ниятида узайтириб юрувчилардан эмассан», деганлар. Умарга ﷺ эса: «Агар шайтон сени кўриб қолса, сен юраётган йўлни қўйиб, бошқа йўлга равона бўлади», деганлар. Юзга мақташ жоиз бўлган ҳадислар кўп бўлиб, бу ҳақда «Ал-Азкор» китобида батафсил сўзланган.

361-боб
Вабо тарқаган шаҳардан қочиб чиқиб кетишнинг ҳамда вабо тарқаган шаҳарга киришнинг кароҳияти ҳақида

Аллоҳ таоло: **«Қаерда бўлсангиз, ҳатто мустаҳкам қалъалар ичида бўлсангиз ҳам, ўлим сизларни топиб олур»** (Нисо сураси, 78-оят);

«Ва ўзингизни ҳалокатга ташламанг» (Бақара сураси, 195-оят), деб айтган.

1790/1. Ибн Аббосдан ﷺ ривоят қилинади: «Умар ибн Хаттоб Шом шаҳрига жўнадилар. Қачонки, Сарғ номли жойга етиб келганимизда, шаҳар амири Абу Убайда ибн Жарроҳ ва ёронлари кутиб олгани чиқиб, Шомда вабо касали тарқаганининг хабарини беришди. Умар ﷺ менга: «Аввалги муҳожирларни, яъни икки қиблага қараб намоз ўқиганларни чақир», дедилар. Мен бориб уларни чақириб келдим. Умар ﷺ улар билан маслаҳатлашиб, Шомда вабо касали тарқаганининг хабарини бердилар. Улар бунда ихтилоф қилишди. Баъзилари: «Улуғ бир ишни (яъни, душман билан урушишни) қасд қилиб чиққансиз, у режадан орқага чекинишингизни эп кўрмаймиз», дейишди. Баъзилари эса: «Сиз билан бирга бошқа одамлар ва Расулуллоҳнинг ﷺ саҳобалари ҳам бор. Уларни мана бу вабо касалига олиб боришингизни эп кўрмаймиз», дейишди. Умар ﷺ: «Менинг ҳузуримдан туринглар», деб айтдилар. Кейин у зот: «Ҳузуримга ансорийларни чақир», дедилар. Мен уларни чақириб келган эдим, улар билан ҳам маслаҳатлашдилар. Ансорийлар ҳам муҳожирлар каби ихтилоф қилиб икки

хил фикр айтишди. Умар ﷺ уларга ҳам: «Ҳузуримдан туринглар», деб айтдилар. Сўнгра у зот: «Ҳузуримга Макка фатҳ бўлишидан олдин Исломга кирган Қурайш оқсоқолларини чақир», дедилар. Мен уларни чақирдим. Улардан ҳеч бир киши ихтилоф қилмади. Улар: «Эй Умар ибн Хаттоб, сиз одамлар билан қайтиб кетишингизни маслаҳат берамиз. Мана бу вабо касали тарқаган жойга уларни олиб кирманг», деб айтишди. Шу маслаҳатдан кейин Умар ﷺ одамларга қарата: «Тонгда мен (Мадинага) қайтиб кетаман. Сизлар ҳам қайтинглар», дедилар. Абу Убайда ал-Жарроҳ ﷺ Аллоҳнинг қадаридан (тақдири азалида битиб қўйилган нарсасидан) қочиб кетяпсизми?» дедилар. Умар ﷺ: «Қанийди, бу гапни сендан бошқа киши айтганда эди», дедилар. Чунки Умар ﷺ Абу Убайдага хилоф чиқишни ёмон кўрардилар. Ва яна Умар ﷺ: «Ҳа! Аллоҳнинг (ёмон) қадаридан Аллоҳнинг (яхши) қадарига қочяпмиз. Эй Абу Убайда, менга хабар бер-чи, агар сенда туялар бўлса ва улар бир водийга тушса-да, у водийнинг иккита майдони бўлса, бири кўкаламзор, иккинчиси эса қуп-қуруқ бўлса ва сен кўкаламзорда ўтлатишинг ҳам Аллоҳнинг қадари, қуп-қуруқ ерида ўтлатишинг ҳам Аллоҳнинг қадари эмасми?» дедилар. Шу пайт Абдураҳмон ибн Авф келиб қолдилар. Бу саҳоба баъзи зарур ишлари туфайли бу ерда йўқ эдилар. Абдураҳмон ибн Авф ﷺ: «Менинг бу ҳақда Расулуллоҳдан ﷺ эшитган нарсам бор. Расулуллоҳ ﷺ: «Агар бир жойда вабо тарқалибди, деб эшитсангизлар, у ерга кирманглар. Агар сизлар турган маконда вабо тарқаса, у ердан қочиб чиқиб кетманглар», деганлар», деб айтдилар. Буни эшитган Умар ибн Хаттоб Аллоҳ таолога ҳамд айтдилар ва (Мадинага) жўнадилар». *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

1791/2. Усома ибн Зайддан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Агар бир ерда ўлат (вабо) касали тарқабди, деб эшитсангизлар, у ерга кирманглар. Агар сизлар яшаб турган жойда ўлат касали тарқаса, у ердан чиқиб кетманглар», деб айтдилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

Фойда: эпидемия тарқаган жойга кириш ёки ўзи яшаб турган жойда тарқалса, у ердан қочиб чиқиб кетиш тақиқланмоқда. Бугунги кунимизда буни «карантин», деб номлашади. Чунки яшаб турган маконда вабо тарқаса, у ердан қочиб чиққан киши ўзи билан бирга зарарли микробларни эргаштириб, соғлом кишиларга юқтириши мумкин. Мана шу нарсага амал қилиш Аллоҳ таолога таваккал қилишга қарама-қарши нарса эмас. Балки сабабларнинг олдини олиш ва ҳалокатга элтувчи нарсалардан ўзини узоқ тутиш ва айни Аллоҳга таваккал қилишликдир.

362-боб
Сеҳрнинг оғир ҳаромлардан экани ҳақида

Аллоҳ таоло: **«Сулаймон кофир эмас эди, балки одамларга сеҳр ўргатадиган шайтонлар кофир эдилар»** (Бақара сураси, 102-оят), деб айтган.

1792/1. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Еттита ҳалокатга элтувчи амаллардан сақланинглар», деганларида, саҳобалар: «Эй Аллоҳнинг расули, улар нима?» дейишди. Шунда Расулуллоҳ ﷺ: «1. Аллоҳга шерик бор, дейиш. 2. Сеҳргарлик. 3. Аллоҳ ўлдиришни ҳаром қилган жонни ўлдириш. Аммо ҳақ билан бўлса, яъни ҳад, қасос ва шунга ўхшаш нарсаларда зарари йўқ. 4. Судхўрлик орқасидан кун кечириш. 5. Етимнинг молини ейиш. 6. Урушда орқага чекиниш. 7. Ҳеч нарсадан хабари йўқ, покиза, афифа аёлларни (фоҳишаликда) айблаш», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

363-боб
Агар душман қўлига тушишидан хавф этилса, ғайримуслим ўлкаларга Қуръон китоби билан сафар қилишдан ман этилгани ҳақида

1793/1. Ибн Умардан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ Қуръони карим билан душман ерига сафар қилишдан ман этдилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

364-боб
Ейиш, ичиш, таҳорат қилиш ва бошқа ишларда тилла ва кумуш идишларни ишлатишнинг ҳаромлиги ҳақида

1794/1. Умму Саламадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Кумуш идишларда сув ичадиганлар қорнини дўзах оловига тўлдирибди», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

Имом Муслимнинг ривоятларида «Тилла ва кумуш идишларда сув ичувчи ва овқатланувчилар» бўлиб келган.

1795/2. Ҳузайфадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ ипак ва кимхоб кийишдан ҳамда тилла, кумуш идишларда сув ичишдан ман қилдилар. Ва: «Бу нарсалар бу дунёда кофирлар учун, охиратда эса сизлар учундир», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

Икки «Саҳиҳ» китобида келган Ҳузайфа ﷺ ривоятларида Расулуллоҳ ﷺ: «Ипак ва кимхобдан тайёрланган кийимлар кийманглар, тилла, кумуш идишларда сув ичманглар ва тилла, кумуш тақсимчаларда овқат еманглар», деб айтдилар.

1796/3. Анас ибн Сийриндан ривоят қилинади: «Анас ибн Молик ﷺ билан бирга бир неча мажусийлар ҳузурида ўтирганимизда, кумушдан ясалган идишда қиём олиб келинди. У зот бундан емадилар. Олиб келган кишига бу идишингни алмаштириб кел, деб айтилган эди, у киши кумуш идишни халанж дарахтидан ишланган косага алиштириб келди. Анас ибн Молик бу идишдаги қиёмдан тановул қилдилар». *Имом Байҳаққий ҳасан иснод билан ривоят қилганлар.*

365-боб
Заъфарон рангли кийим кийишнинг ҳаромлиги ҳақида

1797/1. Анасдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ кишиларга заъфарон рангли либос кийишни ман этдилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

1798/2. Абдуллоҳ ибн Амр ибн Оссдан ﷺ ривоят қилинади: «Расулуллоҳ ﷺ бир куни менинг устимда иккита сарғиш, заҳил рангга бўялган кийимни кўриб: «Онанг мана шуни кийишга буюрдими?» дедилар. Мен: «Рангини кетказиб ювиб юборайми?» десам, у зот: «Балки ёндириб ташлагин», дедилар».

Бошқа ривоятда айтилишича, Расулуллоҳ ﷺ: «Бу каби сарғиш, заҳил рангли либослар кофирларнинг кийимидир. Сен бундай кийимларни киймагин», деб айтганлар. *Имом Муслим ривояти.*

366-боб
Кундузидан кечасигача жим (сукут қилиб) юришдан қайтарилгани ҳақида

1799/1. Алидан ﷺ ривоят қилинади: «Расулуллоҳнинг ﷺ «Балоғатга етгандан кейин етимлик йўқ. Кундузидан кечасигача жим (сукут қилиб) юриш йўқ», деб айтганларини эшитдим». *Абу Довуд ривояти.*

Имом Абу Сулаймон Хаттобий Маъолус «Сунан» номли китобларида бу ҳадисни қуйидагича шарҳлаганлар: «Жим юриш жоҳилият аҳлининг амалларидан эди. Улардан бири бир кеча ва кундуз эътикоф ўтирарди-да, ҳеч нарса гапирмай, сукут қиларди. Ислом келгандан кейин бундан қайтарилди ва яхшиликларни зикр этишга буюрилди».

1800/2. Қайс ибн Абу Ҳозимдан ﷺ ривоят қилинади. Абу Бакр Сиддиқ ﷺ аҳмаслик Зайнаб исмли аёлнинг олдига кирдилар. Унинг гапирмаётганини кўрдилар. Ва унга: «Нима учун гапирмаяпсан?» дедилар. Атрофидагилар: «Ҳаж қилган, гапирмайди», деб айтишди. Шунда Абу Бакр унга: «Гапиргин, бу (ишинг) ҳалол бўлмайди. Ва бу жоҳилият амалларидандир», деганларида, у хотин гапирди. *Имом Бухорий ривояти.*

367-боб
Киши ўз отасини қўйиб бошқа кишига ҳамда ўз ҳомийси туриб бошқага нисбат берилишининг ҳаромлиги ҳақида

1801/1. Саъд ибн Абу Ваққосдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Ким бир одамнинг отаси эмаслигини билатуриб ҳақиқий отам шудир, деса, жаннат унга ҳаромдир», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

1802/2. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Ҳақиқий оталарингиздан тониб юз ўгирманглар. Ким ўз отасини тан олмай юз ўгирса, бу иши куфрликдир», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

1803/3. Язид ибн Шарик ибн Ториқдан ﷺ ривоят қилинади: «Алининг ﷺ минбарда туриб қуйидагича хутба айтаётганларини эшитдим: «Бизнинг ҳузуримизда ўқиш учун фақат Аллоҳнинг китоби бордир. Ва яна мана бу саҳифа ҳам борки, бунда товон қилиб бериладиган туяларнинг ёшлари ва жароҳатларга оид масалалар ҳамда Расулуллоҳнинг ﷺ қуйидаги айтган сўзлари бордир», деб у саҳифани очдилар. Унда Расулуллоҳ ﷺ: «Мадинанинг Айр тоғи билан Савр тоғи оралигидаги масофаси (Макка каби) Ҳарамдир. Ким у ерда бирор бидъат (янгилик)ни пайдо қилса ёки бидъатчига жой берса, унга Аллоҳнинг, фаришталарнинг ва барча одамларнинг лаънати бўлсин. Аллоҳ қиёмат куни унинг тавбасини ҳам, тўлайдиган маблағини ҳам қабул этмайди. Мусулмонларнинг аҳдлари бордир. Уларнинг энг паст табақадагилари ҳам унга эришади. Ким ана шу аҳдга хилоф иш тутса, унга Аллоҳнинг, фаришталарнинг ва барча одамларнинг лаънати бўлсин. Аллоҳ қиёмат куни унинг тавбасини ҳам, тўлайдиган маблағини ҳам қабул этмайди. Ким ўз отасидан бошқа кишини отам деса ёки ҳомийсидан бошқа ҳомийни иддао қилса, унга Аллоҳнинг, фаришталарнинг ва барча одамларнинг лаънати бўлсин. Аллоҳ қиёмат куни унинг тавбасини ҳам, тўлайдиган маблағини ҳам қабул этмайди», дедилар». *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

1804/4. Абу Заррдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Ким билатуриб ўз отасини тан олмай, бошқа кишини отам, деса, кофир бўлибди. Ким ўзиники бўлмаган нарсани меники, деб даъво қилса, биздан эмасдир. Ва жойини дўзахдан тайёрлаб қўяверсин. Ким бирор кишини «эй кофир» ёки «эй Аллоҳнинг душмани», деса ва айтилган бу сифатлар у кишида бўлмаса, айтувчининг ўзига қайтади», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

368-боб
Аллоҳ ва Унинг расули ман қилган нарсаларни содир этишдан огоҳлантириш ҳақида

Аллоҳ таоло: **«**(Пайғамбарнинг) **амрига хилоф иш қиладиган кимсалар ўзларига бирон фитна – кулфат етиб қолишидан ёки аламли азоб етиб қолишидан ҳазир бўлсинлар!»** (Нур сураси, 63-оят);

«Аллоҳ сизларни Ўзининг (азобидан) **огоҳ қилур»** (Оли Имрон сураси, 30-оят);

«(Эй Муҳаммад алайҳиссалом)**, шак-шубҳасиз, Парвардигорингизнинг** (кофирларни азоб билан) **ушлаши қаттиқдир»** (Буруж сураси, 12-оят);

«Парвардигорингиз (аҳли-эгалари) **золим бўлган шаҳарларни ушлаганида, мана шундай ушлар. Унинг ушлаши – азоби аламли ва қаттиқдир»** (Ҳуд сураси, 102-оят), деб айтган.

1805/1. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Албатта Аллоҳ ғазаб қилади. Аллоҳнинг ғазаби бир киши Аллоҳ ҳаром этган нарсаларни бажарса, рўёбга чиқади», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

369-боб
Ман этилган нарсани қилиб қўйган кишининг айтиши ва бажариши лозим бўлган нарсалар ҳақида

Аллоҳ таоло: **«Агар сизни шайтон томонидан бирон васваса йўлдан оздириб** (мазкур хислат эгаси бўлишдан қайтармоқчи бўлса)**, у ҳолда Аллоҳдан паноҳ сўранг»** (Фуссилат сураси, 36-оят);

«Тақво қилгувчи зотларни қачон шайтон томонидан бирон васваса ушласа, (Аллоҳни) **эслайдилар-да, бас,** (тўғри йўлни) **кўра бошлайдилар»** (Аъроф сураси, 201- оят);

«(У тақводор зотлар) **қачон бирон-бир фаҳш-гуноҳ қилиб қўйсалар ёки** (қандайдир нолойиқ иш қилиш билан) **ўзларига зулм қилсалар, дарҳол Аллоҳни эслаб, гуноҳлари учун мағфират – кечирим сўрайдиган, – ҳар қандай гуноҳни ёлғиз Аллоҳгина мағфират қилур, – билган ҳолларида қилган гуноҳларида давом этмайдиган кишилардир. Уларнинг мукофотлари Парвардигорлари томонидан мағфират ва тагларидан дарёлар оқиб тургувчи жаннатлар бўлиб, улар ўша жойда абадий қолажаклар. Яхши амал қилгувчиларнинг ажрлари нақадар яхши ажр!»** (Оли Имрон сураси, 135–136-оят);

«Барчаларингиз Аллоҳга тавба қилинглар, эй мўминлар! Шоядки, (шунда) **нажот топсангизлар»** (Нур сураси, 31-оят), деб айтган.

1806/1. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Ким қасам ичиб, у қасамни Лот ва Уззо бутларининг номи билан ичса, (тезда) «Ла илаҳа иллаллоҳ», десин. Ким дўстига кел қимор ўйнаймиз, деса, (бу тарзда гуноҳ ишга журъат қилгани учун) садақа берсин», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

Фойда: араблар жоҳилиятда ана шу Лот ва Уззо номли бутлар номи билан қасам ичишар эди. Мусулмон бўлишгандан кейин ҳам баъзилари одатланиб қолишгани учун бу номлар билан бехосдан қасам ичиб қўйишар эди. Расулуллоҳ ﷺ бу муаммони ҳал этиб, муолажа сифатида юқоридаги сўзни айтдилар.

Турли малоҳатли (гўзал, чиройли) ҳадислар китоби
370-боб
Дажжол, Исонинг (алайҳиссалом) тушишлари, Яъжуж-Маъжуж ва ер ҳайвони ҳақида

1807/1. Наввос ибн Самъондан ﷺ ривоят қилинади: «Бир куни Расулуллоҳ ﷺ Дажжолни зикр қилдилар. У зот бу ҳақда гоҳ овозларини пасайтириб, гоҳ баландлатиб гапирганларидан биз ўша Дажжол (яқин орадаги) хурмозорларнинг бирида бўлса керак, деб гумон қилдик. Қачонки, (эртасига) у зот ҳузурларига борсак, биздаги (ваҳимани) кўриб: «Сизларга нима бўлди?» дедилар. Биз: «Эй Аллоҳнинг расули! Кеча овозингизни гоҳ пасайтириб, гоҳ баландлатиб Дажжол ҳақида гапирдингиз. Биз бу оҳангда гапирганингиздан ўша Дажжол (яқин орадаги) хурмозорларнинг бирида бўлса керак, деб гумон қилдик», десак, у зот: «Дажжолдан бошқа нарса мени қўрқитмоқда. Агар у Дажжол мен сизларнинг орангизда эканимда пайдо бўлса, ўзим унинг чорасини кўраман. Борди-ю, мен сизларнинг орангизда бўлмаганимда пайдо бўлса, ҳар бир киши чорасини ўзи кўради. Аллоҳ Ўзи ҳар бир мусулмонга мададкордир. Албатта у Дажжолнинг сочи жингалак, қўнғироқдир. Кўзи эса бўртиб чиққан. Худди Абдулуззо ибн Қатонга ўхшайди. Ким уни учратиб қолса, Каҳф сурасининг аввалги оятларидан (ўн оят) ўқисин. Албатта Дажжол Шом билан Ироқ оралиғида чиқиб, ўнг ва чап тарафига фасод тарқатади. Эй Аллоҳнинг бандалари, динларингизда мустаҳкам бўлинглар», дедилар. Биз: «Эй Аллоҳнинг расули! У ер юзида қанча туради?» десак, у зот: «Қирқ кун туради. Биринчи куни бир йил каби. Иккинчи куни бир ой каби. Учинчи куни ҳафта каби. Қолган кунлари сизларнинг кунларингиз кабидир», дедилар. Биз: «Эй Аллоҳнинг расули! Унинг бир йиллик кунида бизнинг бир кунлик намозимиз кифоя қиладими?» дедик. У зот: «Йўқ! Кифоя қилмайди. Сизлар ўз кунларингизга тенг келадиган бир муддатни тахмин қилиб беш вақт намозни ўқийсизлар», дедилар. Биз: «У Дажжол юришининг тезлиги қай даражада?» дедик. У зот: «Шамол учириб юрган булут каби юради. У бир қавмга келиб, уларни ўз йўлига даъват этади. У қавм Дажжолга иймон келтириб, унинг сўзларини ижобат қилишади. Дажжол кейин осмонга ҳукм қилади. Осмон уларга ёмғир ёғдиради. Ерга ҳукм қилади. Ер ўзида гиёҳларни ўстиради. Жониворлар гиёҳлардан еб кечқурун қайтганида, таналари баланд, елинлари сутга тўлган ва ёнлари семирган ҳолда бўлади. Кейин Дажжол бошқа бир қавм ҳузурига келиб, уларни ҳам ўз йўлига даъват қилади. Улар Дажжолнинг даъватини қабул этишмайди. Қабул этишмаганидан кейин улардан ёмғир узилиб, қаҳатчилик етади. Қўлларида ҳеч қанақа бойлик қолмайди. Сўнгра у бир хароба ерга боради. Ва у ерга: «Эй ер ичингдаги хазиналарни чиқар», деса, хазиналар чиқиб, худди асалари подшоси орқасидан эргашгани каби Дажжолга эргашади. Кейин ёш бир йигитни чақириб, уни қилич билан уриб иккига ажратиб ташлайди. Кейин ўлган йигитни чақирса, у чеҳраси очиқ, кулимсираб чиқади. Дажжол шундай ишларни қилиб турганида, Аллоҳ таоло

Масиҳ ибн Марям (Исо алайҳиссалом)ни юборади. У зот Димашқ шарқидаги оқ минорага либос кийиб, икки фаришта қанотига кафтларини қўйиб тушадилар. Агар бошларини энгаштирсалар, сув (тер) оқади. Агар бошларини кўтарсалар ҳам, марварид доналари каби сув оқади. Қачонки, бирор кофирга у зотнинг нафаслари етса, у дарҳол ўлади. Энди нафаслари назарлари етган жойгача етади. Исо алайҳиссалом Дажжолни Байтулмақдис яқинидаги Лудди номли шаҳардан ахтариб-топиб қатл қиладилар. Кейин Исо алайҳиссалом Дажжол фитнасидан омонда қолган бир қавм ҳузурига бориб, (ҳориган) юзларига шафқат қўлини суртадилар. Ва уларнинг жаннатдаги ўринларининг хабарларини берадилар. Исо алайҳиссалом шундай турганларида Аллоҳ таоло у зотга ваҳий қилиб: «Мен шундай бир жамоани ер юзида пайдо қиламанки, улар билан урушишга бирор кишининг кучи етмайди. Шунинг учун сиз мусулмон бандаларимни олиб Тур тоғига боринг», дейди. Кейин Аллоҳ Яъжуж ва Маъжуж тоифасини юборади. Улар ҳар баландликдан (сел каби) тезлик билан ер юзига тарқалишади. Уларнинг аввалгилари Табариййа номли кўлмак олдидан ўтиб, сувнинг (ҳаммасини) ичиб кетишади. Уларнинг охиргилари (у кўлмакда сув қолмаганини кўриб): «Ўзи бу ерда бирор марта сув бўлганми?» дейишади. Бу пайтда Исо алайҳиссалом ва у зотнинг асҳоблари бир томонда ётишади. Қийналиб кетишганидан бирорталарига битта ҳўкиз боши топилиши юз динордан яхшидир. Аллоҳнинг набийси Исо алайҳиссалом ва у зотнинг асҳоблари Аллоҳга ёлвориб (бу фожеадан халос этишни) сўрашади. Аллоҳ таоло уларнинг дуоларини ижобат қилиб, ёмон қавмга қурт балосини юборади. Барчалари бир дафъада ҳалок бўлишади. Кейин Аллоҳнинг набийси Исо алайҳиссалом ва у зотнинг асҳоблари (тоғлардан) ерга тушишади. Ва у ерда улар бадбўй ҳид тарқалмаган бирор қарич жой топа олишмайди. Яна Аллоҳнинг набийси Исо алайҳиссалом ва у зотнинг асҳоблари Аллоҳга ёлвориб (бу ҳидлар бартараф бўлишини сўраб) дуо қилишади. Аллоҳ таоло уларнинг дуоларини ижобат қилиб, туянинг бўйнидек қушларни юборади. У қушлар қуртларни олиб Аллоҳ хоҳлаган томонга элтиб ташлайди. Кейин Аллоҳ таоло бир ёмғирни юборади. У ёмғир бирор уй ёки чайла қолдирмай оқизиб кетади. Ҳатто ер тозаланганидан сирпанчиқ бўлиб силлиқланади. Кейин ерга «Меваларингни ҳосилга киргизиб, баракаларингни ато эт», дейилади. Ана ўша кунларда бир дона анорга катта бир жамоа тўйиб, пўстлоқларини соябон қилишади. Аллоҳ сутларга ҳам шу даражада барака берадики, битта сутли туя одамларнинг катта бир жамоасига кифоя қилади. Ва яна битта сутли мол катта бир қабилага кифоя қилади. Сутли бир эчки катта бир оилага кифоя этади. Улар шунақа тўкинчилик билан туришганида, Аллоҳ таоло бир хушбўй ҳаво юборади. Ҳаво уларнинг қўлтиғи остига жойлашиб, унинг асаридан барча мўмин ва мусулмонлар вафот этишади. Ер юзида фақат ёмон кишилар қолишади. Уларнинг эркаклари аёллар билан худди эшаклар бир-бири билан жинсий алоқа қилишгани каби хотиржам иш бажараверишади. Улар шу ҳолатда туришганида қиёмат қоим бўлади», дедилар». *Имом Муслим ривояти.*

1808/2. Рибъий ибн Ҳирошдан ﷺ ривоят қилинади: «Абу Масъуд ал-Ансорий билан бирга Ҳузайфа ибн Ямоннинг ﷺ ҳузурларига бордик. Абу Масъуд ﷺ Ҳузайфага ﷺ: «Расулуллоҳдан ﷺ Дажжол ҳақида эшитган нарсангизни гапириб беринг», дедилар. Ҳузайфа ﷺ: «Дажжол ҳақиқатда чиқади. У билан бирга сув ва олов бўлади. Одамлар унда сув, деб кўрган нарсалари аслида куйдирадиган олов бўлади. Одамлар унда олов, деб кўрган нарсалари аслида ширин, муздек сув бўлади. Ким Дажжол замонида яшаса, олов, деб кўринган нарсага тушаверсин. Чунки аслида у пок, ширин сувдир», дедилар. Абу Масъуд ﷺ: «Мен ҳам Расулуллоҳдан ﷺ худди шуни эшитганман», дедилар». *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

1809/3. Абдуллоҳ ибн Амр ибн Осдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Дажжол (бир кун келиб) умматимда зоҳир бўлади. Ва қирқ (кун, ой, йил) туради. (Ровий: «Кунми, ойми, йилми, аниқ билмайман», дедилар.) Кейин Аллоҳ таоло Исо ибн Марямни юборади. У зот Дажжолни ахтариб топиб, уни ҳалок этадилар. Кейин одамлар етти йил осойишта яшашади. Шу даражада тинч яшашганидан икки киши орасида адовати борлари учратилмайди. Сўнгра Аллоҳ таоло Шом томонидан совуқ бир шамолни юборади. Унинг асоратидан ер юзида қалбида зарра миқдорича яхшилик ёки иймон бор киши тирик қолмайди. Агар ўша яхши ёки иймонли киши тоғ бағрига кириб кетса ҳам, ҳалиги шамол унинг ортидан кириб ўлдириб чиқади. Ер юзида фақат енгил қушлар ва беақл йиртқичлар каби ёмонга шошувчи разил кишилар қолади. Улар на яхшиликни танийди ва на ёмонликни инкор этади. Шайтон уларга бир суратда кўриниб: «Сизлар менинг сўзимга қулоқ солмаяпсизлар», дейди. Улар: «Нимани бажаришимизни буюрасан?» дейишади. У бутларга ибодат қилишни буюради. Улар шайтоннинг айтганини қилишганидан кейин ризқлари мўл-кўл бўлиб, ҳаётлари яхшиланади. Кейин сур чалинади. Уни эшитган кимса бўйнининг бир томони мойил бўлиб, иккинчи томони кўтарилиб қолади. Бу сурнинг овозини биринчи бўлиб туяси (сув ичадиган) ҳавзани ислоҳ қилиб турган киши эшитади. Аввал ўша киши ўлади. Кейин атрофидаги кишилар ўла бошлайди. Сўнгра Аллоҳ таоло шудринг каби (майда) ёмғир туширади. У ёмғир уларнинг жасадларини етилтиради. Кейин иккинчи дафъа сур чалинганида, барча халойиқ тирилиб (маҳшаргоҳни) кўради. Сўнгра: «Эй одамлар, Раббиларингиз томон келинглар», деган овоз бўлади. Ва фаришталарга: «Уларни тўхтатинглар, чунки улар (дунё ҳаётида қилган амалларидан) сўроқ қилинади», деб буйруқ этилади. Кейин яна: «Дўзахга борадиганларини ажратинглар», деб буйруқ қилинади. Фаришталар: «Қанча кишидан нечтасини ажратиб олайлик?» дейишади. Шунда: «Ҳар мингтадан тўққиз юз тўқсон тўққизтасини», деб жавоб қилинади. Ана ўша кунда (қиёмат даҳшатидан) ёш болаларнинг сочи оқариб кетади. Ана ўша кунда ишларнинг ҳаққиқати очилади», дедилар. *Имом Муслим ривояти.*

1810/4. Анасдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Дажжол барча шаҳарларга киради. Фақатгина Макка билан Мадинага кира олмайди. Чунки бу икки шаҳарнинг тешикларида фаришталар саф бўлиб қўриқлаб

туришади. Қачонки, Дажжол Мадина ташқарисидаги шўр ерларга етганида, Мадинада уч бора ер силкинади. У сабабли Аллоҳ таоло барча кофир ва мунофиқларни у ердан чиқариб юборади», дедилар. *Имом Муслим ривояти.*

1811/5. Анасдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Дажжолга Исфаҳон яҳудийларидан етмиш мингтаси эргашади. Уларнинг устиларида аъёнлар киядиган яшил рангли махсус кийим бўлади», дедилар. *Имом Муслим ривояти.*

1812/6. Умму Шарикдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Одамлар Дажжол фитнасидан хавфсираб тоғларга қочиб кетишади», дедилар. *Имом Муслим ривояти.*

1813/7. Имрон ибн Ҳусайндан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Одам (алайҳиссалом) яратилишлари билан қиёмат куни оралиғида Дажжолдан кўра каттароқ фитна бўлмайди», дедилар. *Имом Муслим ривояти.*

1814/8. Абу Саид ал-Худрийдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Дажжол пайдо бўлганида мўминлардан бир киши у билан кўришиш мақсадида йўлга чиқади. Унга етмасдан Дажжолнинг жосуслари билан учрашиб қолади. Улар мўминга: «Қаёққа кетишни қасд қиляпсан?» дейишади. Мўмин: «Янги пайдо бўлган Дажжолнинг ҳузурига», дейди. Улар: «Ўша сен Дажжол, деб айтаётганинг бизнинг раббимиздир. Сен бизнинг раббимизга иймон келтирмадингми?» дейишади. Мўмин: «Бизнинг Раббимиз махфий эмасдир», дейди. Улар: «Ўлдиринглар», дейишади. Шунда уларнинг баъзилари баъзиларига: «Раббиларингиз ўзининг изнисиз бирор кишини ўлдиришидан ман этмаганми?» дейишади-да, мўминни Дажжол ҳузурига олиб боришади. Қачонки, мўмин Дажжолни кўрганда: «Эй одамлар! Расулуллоҳ ﷺ зикр этган Дажжол мана шудир», деб хабар беради. Дажжол: «Буни ушлаб, бошини ёринглар», дейди. Мўмин орқаси ва қорнига қаттиқ зарб ила калтакланади. Дажжол: «Менга иймон келтирмайсанми?» деса, мўмин: «Сен ўша ёлғончи Дажжолдирсан», дейди. Кейин у мўминни арралаб юборишни амр қилади. Ва ўртасидан арра тортиб бўлиб ташланади. Ҳатто оёғини ҳам иккига бўлиб юборишади. Сўнгра Дажжол иккига бўлинган қисм орасидан юриб: «Ўрнингдан тур», дейди. У мўмин ўрнидан туради. Дажжол: «Энди менга иймон келтирасанми?» деса, мўмин: «Менга шубҳасиз маълум бўлдики, сен ўша Дажжолсан. Эй одамлар! Дажжол менга қилган қилиғини бошқа ҳеч кимга қила олмайди», дейди. Дажжол мўминни сўйиш мақсадида ушлаганида, Аллоҳ таоло мўминнинг гардани билан бўйни орасини (сўя олмаслиги учун) мислаб қўяди. Дажжол уни сўйишга йўл топа олмайди. Йўл топа олмаганидан кейин оёқ-қўлидан ушлаб оловга улоқтириб юборади. Одамлар уни оловга ташланди, деб гумон қилишади. Аслида у жаннатга ташлангандир. Мана шу киши оламлар Рабби ҳузуридаги шаҳидларнинг энг улуғ мақомидагисидир», дедилар. *Имом Муслим ривояти. Имом Бухорий мана шу маънодаги ҳадиснинг баъзи қисмини ривоят қилганлар.*

1815/9. Муғийра ибн Шуъбадан ﷺ ривоят қилинади: «Бирор киши Расулуллоҳдан ﷺ Дажжол ҳақида менчалик сўрамаган. У зот: «Сенга Дажжол зарар бера олмайди», деганлар. Мен: «Одамлар Дажжол ихтиёрида тоғдек нони ва анҳорда суви бор, дейишади», десам, у зот: «Дажжол Аллоҳ қошида бу қадар нарсага лойиқ эмасдир», дедилар». *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

1816/10. Анасдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Бирор пайғамбар келган бўлса, албатта уммaтларини бир кўзли ёлғончи (Дажжол)дан қўрқитганлар. Огоҳ бўлинглар, Дажжол бир кўзлидир. Раббиларингиз азза ва жалла бир кўзли эмасдир. Дажжолнинг икки кўзи орасига к, ф, р ҳарфлари, яъни «кофир бўлди», деб ёзиб қўйилгандир», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

1817/11. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Мен сизларга Дажжол ҳақида бирор пайғамбар ўз қавмига айтмаган нарсанинг хабарини бераман. У Дажжол бир кўзлидир. У ўзи билан бирга жаннат ва дўзах мисолидаги нарсани олиб келади. Дажжол жаннат, деб кўрсатган нарсаси аслида ҳақиқий дўзахдир», деб айтдилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

1818/12. Ибн Умардан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ бир куни одамлар орасида туриб: «Албатта Аллоҳ таоло бир кўзли эмасдир. Масиҳ-ад-Дажжол эса бир кўзлидир. Ўнг кўзи йўқдир. Бор кўзи эса сувда балқиб турган узум донаси кабидир», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

1819/13. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Мусулмонлар билан яҳудийлар урушмагунча қиёмат қоим бўлмайди. Ўша пайтда яҳудийлар тош ва дарахтлар орқасига яшириниб олишади. Тош ва дарахтлар тилга кириб: «Эй мусулмон, мана орқамда яҳудий турибди, келиб уни ўлдиргин», дейди. Фақатгина ўарқад номли тиконли дарахт чақирмайди. Чунки у яҳудийлар дарахтидир», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

1820/14. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Менинг жоним Унинг қўлида бўлган Зотга қасамки, киши қабр олдидан ўтиб, у қабрга юзларини суртиб: «Кошкийди, мана шу қабр ичида мен бўлсам», деб айтмагунича дунё тамом бўлмайди. У киши бу сўзларни диндорлигидан эмас, балки турли мусибатларга дучор бўлганидан айтади», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

1821/15. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «(Ироқдаги) Фурот дарёси остидан тилла тоғ топилмагунча қиёмат қоим бўлмайди. Уни деб одамлар уришишади. Ва ҳар юзтадан тўқсон тўққизтаси ҳалок бўлади. Уларнинг ҳар бири «Кошки, мен унга эришсам», деб умид қилади», дедилар.

Бошқа ривоятда айтилишича, Расулуллоҳ ﷺ: «Яқин кунларда Фурот дарёси остидан тилла кони топилади. Ким ўша пайтда ҳозир бўлса, ундан бирор нарса олмасин», деб айтганлар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

1822/16. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Мадиналиклар бир кун келиб у ер ниҳоятда яхши бўлганида ташлаб кетишади. У вақтда Мадинада йиртқичлар ва қушларгина қолади. Мадинада охирги йиғиладиганлар Музайна қабиласидан бўлган икки чўпон бўладики, улар Мадинани кўзлаб кетишаётган эди. Яқинига боришганида қўйлари овоз чиқариб юборади. Улар Мадинани ваҳший ҳайвонлар билан тўлган ҳолда топишади. Қачонки, Саниятул вадоъга етишганида юзлари билан йиқилиб (жон беришади)», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

1823/17. Абу Саид ал-Худрийдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Замон охирлаганда халифаларингиздан шундай бир киши бўладики, мол улашса, ҳовучлаб беради, санаб ўтирмайди», дедилар. *Имом Муслим ривояти.*

1824/18. Абу Мусо ал-Ашъарийдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Одамларга шундай замон келадики, унда бир одам тилладан бўлган закотни олиб айланиб юради, аммо уни оладиган бирор киши топа олмайди. Ва яна бир эркак қарамоғида қирқта хотин бўлади. Ҳаммалари унга тобеъ бўлишади. Бу нарса ўша пайтда хотинлар кўп бўлиб, эркаклар озайиб кетганлигидан содир бўлади», дедилар. *Имом Муслим ривояти.*

1825/19. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Бир киши бошқа бир кишидан ер сотиб олади. Сотиб олган киши ўша ердан бир хум тилла топиб олади. Кейин у киши аввалги эгасига бориб: «Тиллангни олгин. Мен сендан ер сотиб олганман, тилла эмас», дейди. Аввалги эгаси эса: «Ўзинг ол. Чунки мен сенга ер ва ундаги нарсаларни сотганман», дейди. Икковлари келиша олмасдан бир кишини ҳакам қилишади. У ҳакам: «Икковингизда фарзанд борми?» деб сўрайди. Бири: «Ўғлим бор», дейди. Иккинчиси: «Қизим бор», дейди. Ҳакам: «Уларнинг икковини никоҳлаб, тиллани ўшаларга ишлатинглар», дейди. Икковлари ҳакамнинг айтганини қилишади», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

Фойда: бу аввалги умматлар шариатидаги нарса бўлиб, бизнинг шариатимизга мувофиқ эмас. Бизнинг шариатимизда топиб олинган нарсалар ҳақидаги маълумот фиқҳ китобларида батафсил сўзланган.

1826/20. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «(Ўтган замонда) иккита хотин бор эди. Икковининг ёш гўдаги турганида, бўри келиб боланинг биттасини олиб кетди. Бири: «Бўри сенинг болангни олиб кетди», дейди. Иккинчиси: «Сенинг болангни олиб кетди», дейди. Икковлари келиша олмасдан Довуд алайҳиссаломни ҳакам қилишади. Довуд алайҳиссалом каттасининг фойдасига ҳал қилиб берадилар. Яъни, қолган болани унга берадилар. Улар ташқарига чиқишганда, Довуднинг ўғиллари Сулаймон алайҳимссаломни учратиб, бўлиб ўтган воқеанинг хабарини

беришади. Сулаймон алайҳиссалом: «Пичоқ олиб келинглар, мен уни иккига бўлиб, икковингизга тақсимлаб бераман», дейдилар. Бу сўзни эшитиб кичиги: «Аллоҳ сизга раҳм қилсин. Бу бола уникидир, энди даъво қилмайман. Бола қаерда бўлса ҳам, соғ-саломат юрса бўлди», дейди. Сулаймон алайҳиссалом ҳаққиқатни англаб: «Қолган бола шу кичик хотинга тегишли», деб ҳукм қиладилар», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

1827/21. Мирдос ал-Асламийдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Солиҳ ва тақводор зотлар орқама-орқа ўтиб кетишади. Хурмо ёки арпа сарқитлари каби одамларнинг қолдиқ (ёмон)лари қолишади. Аллоҳ таоло уларга парво қилмайди ва аҳамият бермайди», дедилар. *Имом Бухорий ривояти.*

Фойда: солиҳ зотларнинг вафот этиб, камайиб боришлари ҳам қиёмат аломатларидан биридир.

1828/22. Рифоъа ибн Рофеъ аз-Зурақийдан ﷺ ривоят қилинади. Жаброил алайҳиссалом Расулуллоҳ ﷺ ҳузурларига келиб: «Сизлар Бадр ғазотида қатнашганларни қандай мавқеъда, деб биласизлар?» деганларида, Расулуллоҳ ﷺ: «Биз уларни мусулмонларнинг энг афзали, деб биламиз», дедилар. (Ёки шунга ўхшаш бир сўз айтдилар.) Шунда Жаброил алайҳиссалом: «Биз ҳам Бадр жангида иштирок этган фаришталарни энг афзалимиз, деб биламиз», дедилар. *Имом Бухорий ривояти.*

1829/23. Ибн Умардан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Агар Аллоҳ таоло бирор қавмга азоб юборса, у азоб ўша қавмнинг яхшиси-ю ёмонига бирдек етади. Лекин қиёматда амалларига қараб қайта тирилишади», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

Фойда: азоб тушса, яхши-ю ёмонни ҳалок қилади. Лекин қиёматда ниятларига қараб, яъни яхши бўлса, яхшилар қаторида, ёмон бўлса, ёмонлар қаторида тирилади. Шунинг учун ёмонлар билан аралашиб юришдан огоҳлантирилади.

1830/24. Жобирдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ хурмо тўнкаси устига чиқиб хутба айтдилар. Қачонки, минбар қўйиб берилганида, у тўнкадан овоз чиққанини эшитдик. Овоз қорнида ҳомиласи ўн ойлик бўлган туянинг овозига ўхшарди. Расулуллоҳ ﷺ у тўнка хафа бўлганини кўриб, ҳалиги янги қуриб берилган минбардан тушиб қўлларини ўша тўнка устига қўйгандилар, у овоз чиқаришдан тўхтади.

Бошқа ривоятда «Жума куни Расулуллоҳ ﷺ (хутба айтиш учун янги ўрнатилган) минбар устига чиққан эдилар, аввал устига чиқиб хутба ўқийдиган хурмо тўнкаси қаттиқ овоз чиқарди. Ҳатто ёрилиб кетишига оз қолди» бўлиб келган.

Яна бошқа ривоятда келтирилишича, «... у тўнка худди ёш гўдак каби овоз чиқарди. Расулуллоҳ ﷺ (янги қуриб берилган минбардан) тушиб,

ҳалиги тўнкани ўз бағирларига босган эдилар, у худди ёш гўдак каби инграб турган жойида жим бўлиб тинчиб қолди. Расулуллоҳ ﷺ: «У аввалари эшитиб юрган зикрларни энди эшитмас эканман-да, деб йиғлаяпти», дедилар». *Имом Бухорий ривояти.*

1831/25. Абу Саълаба ал-Хушанийдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Албатта Аллоҳ таоло фарзларни фарз этди, уларни зое қилманглар. Ва ҳадларни чегара қилди, ундан ўтиб кетманглар. Ва нарсаларни ҳаром қилди, уни бузманглар. Ва унутмасдан сизларга раҳмат қилган ҳолда кўп нарсаларда сукут қилди, сизлар у ҳақда баҳс қилманглар», дедилар. *Дориқутний ҳасан иснод билан ривоят қилганлар.*

1832/26. Абдуллоҳ ибн Абу Авфодан ﷺ ривоят қилинади. Бу зот: «Биз Расулуллоҳ ﷺ билан еттита ғазотда бирга бўлдик. Ҳаммасида емишимиз чигиртка бўлди», дедилар.

Бошқа ривоятда «Биз у зот билан бирга чигиртка едик» бўлиб келган. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

1833/27. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Мўмин киши бир тешикдан икки марта чақилмайди», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

Фойда: мўмин киши эҳтиёткор ва фатонатли бўлгани учун икки марта қоқилмайди, худди ўзбек мақолидаги «Кўр ҳассасини бир марта йўқотади», дейилгани каби.

1834/28. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Уч тоифа кишилар борки, қиёмат куни Аллоҳ таоло улар билан гаплашмайди ва покламайди, уларга (раҳмат назари ила) қарамайди ҳам ҳамда улар учун аламли азоб бордир: 1. Бир киши саҳродалик пайтида ортиқча суви бўлса-ю, уни йўловчиларга бермаса. 2. Бир киши асрдан кейин бошқа бир кишига Аллоҳ номига қасам ичиб бир нарса сотса ва шунча-шунчага олганман, деса ва олувчи сотувчининг гапини тасдиқласа, ваҳоланки, унинг акси бўлиб чиқса. 3. Бир киши бир имомга мол-дунёга эришиш ниятида байъат қилса. Агар имом мол-дунёдан бериб турса, байъатига вафо қилиб, агар бермаса, вафо қилмайдиган бўлса», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

1835/29. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Исрофил алайҳиссаломнинг сурга икки марта пуфлашлари орасидаги фарқ қирқдир», деганларини эшитган саҳобалар: «Эй Абу Ҳурайра! Ўшанда Расулуллоҳ ﷺ қирқ кун, дедиларми?» дейишди. Абу Ҳурайра ﷺ: «Билмасам», дедилар. Улар: «Қирқ йилми?» дейишди. Абу Ҳурайра ﷺ: «Билмасам», дедилар. Улар: «Қирқ ойми?» дейишди. Абу Ҳурайра ﷺ: «Билмасам», деб, кейин яна: «Инсоннинг барча аъзоси йўқ бўлиб кетиб, фақат думғазаси чиримай қолади. Иккинчи бора қайта яралиш ана шу аъзо асосида бўлади. Кейин Аллоҳ таоло осмондан сув туширади. Инсонлар ана шу сув сабабли худди

кўкатлар ўсгани каби униб чиқишади», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

1836/30. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Бир куни Расулуллоҳ ﷺ мажлисларнинг бирида гапириб турсалар, бир аъробий келди-да, «Қиёмат куни қачон?» деб сўраб қолди. Расулуллоҳ ﷺ (унинг гапига парво қилмай) сўзлашда давом этавердилар. Баъзилар: «Расулуллоҳ ﷺ унинг гапини эшитдилар-у, лекин маъқул кўрмадилар», дейишди. Баъзилар эса: «Эшитмадилар, шунинг учун сўзлашда давом этдилар», деб фикр билдиришди. Қачонки, Расулуллоҳ ﷺ сўзлашдан тўхтаганларида: «Қиёмат ҳақида сўраётган қани?» дедилар. Ҳалиги сўраган киши: «Мен эдим, эй Аллоҳнинг расули», деди. Расулуллоҳ ﷺ: «Агар омонат зое этилса, қиёматни кутавер», дедилар. У киши: «Нечук зое бўлади?» деган эди, Расулуллоҳ ﷺ: «Агар ишлар унинг аҳли бўлмаган кишилар қўлига топшириб қўйилса, қиёмат кунини кутавергин», дедилар. *Имом Бухорий ривояти.*

1837/31. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Имомлар сизларга намоз ўқиб беришади. Агар уни хатосиз тўғри ўқишса, сизларга (яъни, имомга эргашганларга) ва у имомларнинг ўзига савоб бўлади. Бордию, хатога йўл қўйишса, сиз эргашганларга савоб-у, гуноҳи имомларнинг ўзларига бўлади», деб айтдилар. *Имом Бухорий ривояти.*

1838/32. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Бу зот Аллоҳнинг китобидаги «(Эй уммати Муҳаммад), одамлар учун чиқарилган миллатларнинг энг яхшиси бўлдингиз» оятини қуйидагича тафсир қилдилар: «Одамларнинг одамлар учун хайрлиси Исломга киргизиш ниятида бўйинларига занжир солиб олиб келувчилардир».

1839/33. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ айтдилар: «Аллоҳ таоло жаннатга занжирда кирувчи жамоадан ажабланади. Яъни, асирга олиниб занжирбанд қилингандан кейин Исломга киришади-да, оқибатда жаннатга дохил бўлишади». Икковини Имом Бухорий ривоят қилдилар.

1840/34. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Аллоҳ таолога шаҳарларнинг маҳбуб (мақоми) масжидлардир. Шаҳарларнинг ёмон (мақоми) бозорлардир», дедилар. *Имом Муслим ривояти.*

Фойда: чунки масжидларда қалблар таскин топувчи ва Аллоҳнинг розилигига элтувчи зикрлар намоз ҳамда Қуръон тиловати каби амаллар бўлади. Бозорларда эса Аллоҳнинг зикридан тўсувчи ғафлат, алдов, ёлғон, фириб ва ёлғон қасам каби шайтоннинг буйруқлари амалга оширилади.

1841/35. Салмон Форсийдан ﷺ ривоят қилинади. Бу зот: «Агар қодир бўлсанг, бозорга аввалгиларидан бўлиб кирувчи ва охиргиларидан бўлиб чиқувчи кимса бўлма. Чунки бозор шайтоннинг жанг маъракасидир. У бозорга байроғини тикади», дедилар. *Имом Муслим ривояти.*

Имом Барқоний «Саҳиҳ»ларида Салмондан ﷺ қилган ривоятларида келтирилишича, Расулуллоҳ ﷺ: «Сен бозорга аввалгилардан бўлиб кирувчи ва охиргилардан бўлиб чиқувчи кимса бўлма! Чунки шайтон бозорга тухум қўйиб, ўша ерда жўжа очади», дедилар.

Фойда: «Шайтон бозорга тухум қўйиб, ўша ерда жўжа очади», деган сўз киноя бўлиб, бозорлар аслида гуноҳ, фисқу-фужур ва алдовлар маконидир. Шайтон мана шундай разолатга буюриб, васваса қилади ҳамда ана шундай ёмон ишларни болалатиб юборади.

1842/36. Осим ал-Аҳвал Абдуллоҳ ибн Саржисдан ﷺ қилган ривоятларида Абдуллоҳ ибн Саржис Расулуллоҳга ﷺ: «Эй Аллоҳнинг расули! Аллоҳ гуноҳларингизни мағфират айласин», деганида, у зот: «Сенинг ҳам гуноҳингни кечирсин», дедилар. Осим ﷺ Абдуллоҳга ﷺ: «Расулуллоҳ ﷺ сизнинг гуноҳингизни кечиришини сўрадиларми?» деганларида, Абдуллоҳ ﷺ: «Ҳа, сизнинг ҳам гуноҳингизни кечиришини сўрадилар», деб қуйидаги оятни тиловат қилдилар: «(Эй Муҳаммад), ўз гуноҳингиз учун ҳамда мўмин-мўминалар (нинг гуноҳлари) учун мағфират сўранг!» *Имом Муслим ривояти.*

1843/37. Абу Масъуд ал-Ансорийдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Аввалги пайғамбарлар сўзидан одамлар ўртасида қолгани «Агар ҳаё қилмасанг, хоҳлаган ишингни бажаравер», деган жумладир», дедилар. *Имом Бухорий ривояти.*

1844/38. Ибн Масъуддан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Қиёмат куни одамлар орасида биринчи бўлиб ҳукм қилинадиганлар қон тўкиб, одам ўлдирганлар бўлади», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

1845/39. Оишадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Фаришталар нурдан яратилган. Жинлар эса қизил, сариқ, кўк рангли аланга-оловдан яратилган. Одам эса сизларга (аввал) васф қилинганидек, (сопол каби қуриган қора лойдан) яратилган», дедилар. *Имом Муслим ривояти.*

1846/40. Оишадан ﷺ ривоят қилинади. Бу онамиз: «Расулуллоҳнинг ﷺ хулқлари Қуръон эди», дедилар. *Имом Муслим ривояти.*

1847/41. Оишадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Ким Аллоҳга йўлиқишни яхши кўрса, Аллоҳ ҳам унга йўлиқишни яхши кўради. Ким Аллоҳга йўлиқишни ёмон кўрса, Аллоҳ ҳам унга йўлиқишни ёмон кўради», деганларида, Оиша ﷺ: «Эй Аллоҳнинг расули! (Аллоҳга йўлиқиш, деганда биз ўлимни тушунамиз.) Биз барчамиз ўлимни ёмон кўрамиз. Энди ўша ўлимни ёмон кўришимиз Аллоҳга йўлиқишни ёмон кўришни англатадими?» десалар, у зот: «Йўқ, ундай эмас. Чунки мўмин кишига агар Аллоҳнинг раҳмати, розилиги ва жаннати башорат этилса, у киши Аллоҳга йўлиқишни ҳамда Аллоҳ ҳам унга йўлиқишни яхши кўради. Агар кофир кимсага

Аллоҳнинг азоби ва ғазабининг хабари берилса, у Аллоҳга йўлиқишни ҳамда Аллоҳ ҳам унга йўлиқишни ёмон кўради», дедилар. *Имом Муслим ривояти.*

1848/42. Сафиййа бинти Ҳуяйдан ﵂ ривоят қилинади: «Расулуллоҳ ﷺ эътикоф ўтирганларида, кечаси мен у зотни зиёрат қилгани бордим. Бироз гаплашгандан кейин уйга қайтиш ниятида ўрнимдан турсам, у зот ҳам мени кузатиш мақсадида ўринларидан турдилар. Шу пайт ансорийлардан икки киши олдиларидан ўтиб қолди. Расулуллоҳ ﷺ икковларининг шошиб кетаётганларини кўриб: «Секин, охиста юраверинглар. Чунки бу аёл оналарингиз Сафиййа бинти Ҳуяйдир», дедилар. Улар: «Субҳаналлоҳ (таажжубланганда шундай дейилади), эй Аллоҳнинг расули, (биз сиз ҳақингизда нимани гумон қилардик?)», дейишди. Шунда Расулуллоҳ ﷺ: «Чунки шайтон одам болаларининг қон йўлларида юради. Мен ўша шайтон сизларнинг қалбларингизга ёмонликни, яъни шубҳали нарсаларни ёки бирор нарсани солиб (васваса) қилишидан қўрқаман», дедилар». *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

1849/43. Абулфазл Аббос ибн Абдулмутталибдан ﵁ ривоят қилинади: «Ҳунайн куни мен Расулуллоҳ ﷺ билан бирга эдим. Абу Суфён ибн Ҳорис ибн Абдулмутталиб ва мен икковимиз Расулуллоҳдан ﷺ ажрамай бирга юрдик. У зот эса оқ хачирларида эдилар. Қачонки, мусулмонлар билан мушриклар тўқнашганда, мусулмонлар орқага чекина бошлашди. Расулуллоҳ ﷺ эса хачирларини душман томонга югуртира бошладилар. Мен тезлаб кетмаслиги учун у зотнинг хачирлари жиловидан ушлаб турардим. Абу Суфён эса узангидан ушлаб турар эди. Расулуллоҳ ﷺ: «Эй Аббос! Самура асҳобларини (яъни, Ҳудайбия воқеасида Самура дарахти остида байъат қилган саҳобаларни) чақир», дедилар. (Ибн Аббос овози баланд киши эдилар.) Баланд овозда: «Самура дарахти остида байъат қилганлар қаерда?» десам, Аллоҳ номига қасамки, улар бу сўзни эшитгач, худди мол болалари овозини эшитганда бурилгани каби бурилиб, Расулуллоҳ ﷺ тарафларига лаббай, лаббай, деб келиб, кофирлар билан уруша бошладилар. Ансорийларнинг чақириғи эса «Эй ансорийлар жамоаси, эй ансорийлар жамоаси» тарзида эди. Урушга чорлаш чақириғи охири Ҳорис ибн Хазраж қабиласига келиб тўхтади. Расулуллоҳ ﷺ хачирлари устида туриб уруш бўлаётган томонга чўзилиб қараган ҳолда: «Мана уруш энг қизғин паллага кирди», дедилар. Кейин бир нечта майда тошларни олиб кофирлар юзига отдилар. Ва: «Муҳаммаднинг Рабби номига қасамки, кофирлар енгилишди», дедилар. Бориб, уруш бўлаётган томонга қарасам, у аввалги ҳолатидек давом этаётган эди. Аллоҳ номига қасамки, Расулуллоҳ ﷺ майда тошларни отишлари билан, у душманнинг тиғи ўтмас бўлиб, ишлари орқага кета бошлади». *Имом Муслим ривояти.*

1850/44. Абу Ҳурайрадан ﵁ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Эй инсонлар, албатта Аллоҳ таоло покдир. Ва пок нарсаларнигина қабул қилади. Албатта Аллоҳ таоло пайғамбарларига нимани буюрса, мўминларга ҳам ўша нарсани буюради. Аллоҳ таоло: «(Юборган барча

пайғамбарларимизга шундай дедик): «Эй пайғамбарлар, ҳалол-пок таомлардан енглар ва яхши амаллар қилинглар», бошқа оятда: «Эй мўминлар, сизларга ризқ қилиб берганимиз – покиза нарсалардан енглар», деб айтган», дедилар. Кейин яна бир кишини зикр қилдилар: «У узоқ сафарларга чиқиб, сочи тўзиган, юзлари тупроқ, қўлини осмонга кўтариб: «Эй Раббим, эй Раббим», дейди. Ваҳоланки, унинг овқати ҳаром, ичимлиги ҳаром ва улғайиши ҳаром озуқа эвазига бўлган. Қандай қилиб бу одамнинг дуоси қабул бўлсин?!»

1851/45. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Уч тоифа киши борки, Аллоҳ таоло қиёмат куни улар билан гаплашмайди ва покламайди, уларга (раҳмат назари ила) қарамайди ҳам ҳамда улар учун аламли азоб бордир: 1) Зинокор қария. 2) Ёлғончи подшоҳ. 3) Камбағал мутакаббир», деб айтдилар. *Имом Муслим ривояти.*

1852/46. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Сайҳун, Жайҳун, Фурот, Нил – барчаси жаннат анҳорларидандир», дедилар. *Имом Муслим ривояти.*

Фойда: Сайҳун ва Жайҳун Амударё ва Сирдарё сувларидир. Жаннат анҳорлари, дейилишига сабаб унинг суви тоза ва атрофида Ислом кенг қулоч очишидир, дейишган. Имом Суютий: «Балки ҳақиқатда унда жаннат моддалари бордир», деб айтганлар. Лекин буларнинг барчасининг айнан ҳақиқатини якка Аллоҳгина билур.

1853/47. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади: «Расулуллоҳ ﷺ менинг қўлимдан ушлаб: «Аллоҳ таоло тупроқни, яъни ерни шанба куни яратди. Тоғларни якшанба куни, дарахтни душанба куни, ёмон нарсаларни сешанба куни, нурни чоршанба куни, ўрмалаб юрувчи нарсаларни пайшанба куни, Одам алайҳиссаломни жума куни асрдан кейин, барча махлуқларни яратиб бўлиб, кундузининг охирида, аср билан кечқурун орасида яратгандир», дедилар». *Имом Муслим ривояти.*

1854/48. Абу Сулаймон Холид ибн Валиддан ﷺ ривоят қилинади. Бу зот: «Мутъа уруши куни менинг қўлимда тўққизта қилич синди. Охири қўлимда яманча ишланган ханжар қолди», дедилар. *Имом Бухорий ривояти.*

1855/49. Амр ибн Оссдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Агар бирор ҳоким ҳукм қилса ва ана шу ҳукмида ҳақиқатга эришайин, деб кўп ҳаракат қилса, пировардида ҳақиқатга етишса, унга иккита ажр бўлади. Агар ҳукм қилиб, ўша ҳукмида ҳақиқатни топа олмай, хатога йўл қўйса, битта ажр бўлади», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

1856/50. Оишадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Иситма касаллиги жаҳаннам ҳароратидандир. Сизлар уни сув билан совутинглар», деб айтдилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

1857/51. Оишадан ﵂ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Ким вафот этсаю, унинг зиммасида рўза қазоси бўлса, яқинлари ўша рўзани тутсин», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

Фойда: бу ҳадисдан ўлган киши учун унинг яқинлари қазо рўзасини тутиб бериши жоизлиги тушунилади. Яқинлари – меросхўрлар ёки меросхўр бўлмаганлар ҳамдир.

1858/52. Авф ибн Молик ибн Туфайлдан ﵁ ривоят қилинади. Бир киши Оиша онамизга: «(Жиянингиз) Абдуллоҳ ибн Зубайр сиз қилган бир олдисотди ёки берган бир ҳадянгиз ҳақида агар холам эҳтиётқорлик билан иш қилмасалар, муомаладан ман этиб қўяман, дедилар», деб айтди. Оиша ﵂: «Ҳақиқатда жияним шу гапларни айтдими?» дегандилар, атрофдагилар: «Ҳа», дейишди. Оиша ﵂: «Аллоҳ учун Абдуллоҳ ибн Зубайр билан ҳеч гаплашмасликни назр қиламан», дедилар. Бу ҳолат, яъни аразлашиш узоқ давом этганидан кейин Абдуллоҳ ибн Зубайр ўртага (ислоҳга келтириш учун) одам қўйдилар. Оиша ﵂: «Йўқ, Аллоҳ номига қасамки, ҳеч бирор кишининг шафоатини (яъни, ўртага тушишини) қабул қилмайман ҳамда назримни бузмайман», дедилар. Аразлашиш яна давом этаверганидан кейин Абдуллоҳ ибн Зубайр Мисвар ибн Махрама ва Абдураҳмон ибн Асвадларни чақириб: «Аллоҳ номига қасам ичиб сизлардан илтимос қиламанки, мени Оишанинг ﵂ олдиларига (ярашиш учун) олиб боринглар. Чунки мендан аразлаб назр қилиб юришлари ҳалол эмас», дегандилар, Мисвар ва Абдураҳмонлар қабул қилиб Оиша ﵂ ҳузурларига боришди. «Ассаламу алайкум ва роҳматуллоҳи ва барокатуҳу, кираверайликми?» деб изн сўрашган эди, Оиша ﵂: «Кираверинглар», дедилар. «Ҳаммамизми?» дейишган эди, Оиша ﵂: «Барчангиз киринглар», дедилар. Чунки Оиша ﵂ улар билан бирга Абдуллоҳ ибн Зубайр борлигини билмасдилар. Абдуллоҳ у ерга киргач, Оишага ﵂ қучоқ очиб, розиликларини сўраб, йиғлай бошладилар. Бирга келган Мисвар ва Абдураҳмонлар ҳам Абдуллоҳ билан гаплашишларини ва узрларини қабул этишларини сўраб: «Албатта Расулуллоҳ ﷺ бундай аразлашишдан ман этганлар. Мусулмон кишига биродари билан уч кундан кўп аразлашиш ҳалол эмас», деб айтишди. Қачонки, икковлари Оишага ﵂ насиҳат қилиб мажбурлайверишгандан кейин Оиша ﵂ уларга назр қилганларини эслатиб, йиғлаган ҳолда: «Мен назр қилганман. Назр оғир бир нарсадир, (қандай қилиб назримни бузаман?)» дедилар. Икковлари яна илтимос қилаверишганидан кейин Оиша ﵂ Абдуллоҳ ибн Зубайр билан гаплаша бошладилар. Ва назрни бузганлари учун қирқта қулни озод этдилар. Мана шундан кейин қачон шу назр бузилган воқеани эсласалар, шу даражада йиғлардиларки, оққан ёш бош ва олдиларини тўсиб турган рўмолларини ҳўл қилиб юборар эди. *Имом Бухорий ривояти.*

1859/53. Уқба ибн Омирдан ﵁ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ Уҳуд ғазотидан саккиз йил ўтганидан кейин у ерда вафот этганлар ҳаққига шу даражада дуо қилдиларки, гўё у тирик ва ўликлар билан видолашишга

ўхшарди. Кейин қайтиб масжид минбарига кўтарилиб: «Мен сизлардан олдин бориб кутиб олувчиларингиз ва гувоҳ бўлувчиларингиздирман. Сизлар билан ҳавз устида кўришишга ваъда қиламан. Мен ўша ўрнимни мана шу ердан кўряпман. Мени ўзимдан кейин сизларнинг мушрик бўлиб кетишингиз қўрқитмайди. Лекин дунё устида бир-бирларингиз билан кимўзарга мусобақа қилишларингиз қўрқитади», дедилар. Уқба ﵁: «Расулуллоҳни ﷺ охирги кўришим шу бўлди», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

Бошқа ривоятда келтирилишича, Расулуллоҳ ﷺ: «Лекин дунё устида мусобақалашишингиз ва олдинги умматлар каби уни деб урушиб ҳалок бўлишингиз қўрқитади», деганлар.

Яна бошқа ривоятда Расулуллоҳ ﷺ: «Мен сизларни кутиб олувчингиз ва гувоҳ бўлувчингиздирман. Аллоҳ номига қасамки, мен ҳозир ҳавзимни кўряпман. Менга ер хазиналари калити ёки ер калитлари берилди. Аллоҳ номига қасамки, мендан кейин сизларнинг мушрик бўлиб кетишингиз қўрқитмайди. Мени қўрқитадиган нарса дунё (матолари устида) мусобақалашишингиз», деб айтдилар.

1860/54. Абу Зайд Амр ибн Ахтаб ал-Ансорийдан ﵁ ривоят қилинади: «Расулуллоҳ ﷺ биз билан бомдод намозини ўқиб бўлиб минбарга кўтарилдилар ва пешин вақтигача хутба айтдилар. Кейин тушиб пешин намозини ўқидилар. Сўнгра минбарга кўтарилиб аср вақтигача яна хутба айтдилар. Кейин тушиб аср намозини ўқидилар. Яна минбарга кўтарилиб, қуёш ботгунча хутба айтдилар. У хутбаларининг барчасида бўлиб ўтган ва келажакда бўладиган воқеаларнинг хабарини бердилар. Ким ўша хутбадан кўп ёд олган бўлса, ичимизда билимдонроғимиздир». *Имом Муслим ривояти.*

1861/55. Оишадан ﵂ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Ким Аллоҳга итоат қилишга назр қилган бўлса, ўша назрга вафо қилиб итоатда бўлсин. Лекин ким Аллоҳга осий бўлишга назр қилган бўлса, (ўша назрини бузсин) Унга осийлик қилмасин», дедилар. *Имом Бухорий ривояти.*

1862/56. Умму Шарикдан ﵂ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ бу саҳобия аёлга калтакесакка ўхшаш зарарли ҳашаротни ўлдиришга буюрдилар. «Чунки бу ҳашарот Иброҳим алайҳиссаломни ёндириш учун ёқилган оловни пуркагандир», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

1863/57. Абу Ҳурайрадан ﵁ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Ким калтакесакка ўхшаш зарарли ҳашаротни бир зарбада ўлдирса, ўша кишига шунча ва шунча ҳасанот бўлади. Ким иккинчи зарбада ўлдирса, шунча ва шунча ҳасанот бўлади, яъни аввалгисидан озроқ. Ким учинчи зарбада ўлдирса, шунча ва шунча ҳасанот бўлади, яъни аввалги иккитадан озроқ бўлади», дедилар.

Бошқа ривоятда «Ким калтакесакка ўхшаш зарарли ҳашаротни ўлдирса, унга юзта ҳасанот ёзилади. Иккинчи зарбада ўлдирса, ундан озроқ ҳасанот ёзилади. Ким учинчи зарбада ўлдирса, икковидан озроқ ҳасанот ёзилади» бўлиб келган.

1864/58. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ айтдилар: «Бир киши садақа бериш ниятида кўчага чиқди-да, (билмаган ҳолда) бир ўғрининг қўлига топшириб қўйди. Одамлар: «Бир киши кечаси чиқиб бир ўғрига садақасини топширибди», деб гап тарқатишди. У киши: «Аллоҳга ҳамд бўлсин», деди-да, садақа бериш ниятида кўчага чиқиб, (билмаган ҳолда) бир зинокорнинг қўлига топшириб қўйди. Одамлар: «Бир киши кечаси чиқиб бир зинокорнинг қўлига садақасини топширибди», деб гап тарқатишди. У киши: «Аллоҳга ҳамд бўлсин», деди-да, садақа бериш ниятида яна кўчага чиқди ва (билмаган ҳолда) бир бой кишининг қўлига топшириб қўйди. Одамлар: «Бир киши кечаси чиқиб бир бойнинг қўлига садақасини топширибди», деб гап тарқатишди. У киши: «Ўғрига, зинокорга ва бойга садақани топширганим учун Аллоҳга ҳамд бўлсин», деди. Кейин бу киши туш кўрди. Тушида унга: «Ўғрига берган садақанг сабабли шояд ўғри у ишини тарк этса, зинокорга берган садақанг сабабли шояд зинокор у ишини тўхтатса ва бойга берган садақанг сабабли шояд у бой ибратланиб, Аллоҳ берган мол-дунёдан инфоқ қилса», дейилди». *Имом Бухорий ривояти.*

1865/59. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади: «Биз Расулуллоҳ ﷺ билан бирга эдик. У зотни таомга чақириб бир қўйнинг қўлини пишириб олиб келишди. У зот унинг атрофидан тишлаб едилар. Ва айтдилар: «Қиёмат куни мен одамларнинг саййидидирман. Нима учун шундайлигини биласизларми? Ана шу кунда Аллоҳ таоло аввалидан то охирги халқ қилинган кишигача бўлган кишиларни бир тепаликка жамлайди. Қаралганда бир назар ила кўриш имкони бўлади. Барча халойиқ бир чақирувчининг овозини эшитади. Қуёш уларга яқинлаштирилади. Бунинг сабабидан одамлар тоқат қилиб кўтара олмайдиган даражада ғам ва хафалик етади. Одамларга: «Сизларга бўлаётган бу ҳодисаларга қарамайсизларми? Раббиларингизга бу тўғрида ким шафеъ (воситачи) бўлади, бунга ҳам қарамайсизларми?» дейишади. Шунда баъзилари баъзиларига: «Воситачи бўлувчи шахс оталарингиз Одам алайҳиссаломдирлар», дейишади. Кейин улар у зотнинг ҳузурларига бориб: «Эй Одам алайҳиссалом! Сиз бутун башариятнинг отасисиз. Аллоҳ таоло сизни Ўз қўли билан халқ қилиб, жон ато этган. Ҳамда фаришталарга буюрди, улар сизга сажда қилишди ва сизни жаннатда турғизди. Бизга шафеълик (воситачилик) қилинг. Бизга нима бўлаётганини кўрмаяпсизми?» дейишади. Одам алайҳиссалом: «Бугун Раббим шундай ғазаб қилдики, бундан олдин бундай ғазаб қилмаган. Бундан кейин ҳам бунақаси бўлмайди. Чунки у мени бир дарахтдан ман қилган эди. Мен Унга осийлик қилиб (еб қўйдим). Мен ўзимнинг ғамим билан овораман. Сизлар мендан бошқа киши ҳузурига боринглар. Нуҳ пайғамбарнинг ҳузурига бора қолинглар», дейдилар. Улар Нуҳ алайҳиссалом ҳузурларига бориб: «Эй Нуҳ, сиз ер юзида биринчи

расулдирсиз. Аллоҳ сизни «Шукр қилувчи банда», деб номлади. Бизни бу кундаги аҳволимизга ва бизга бўлаётган мана бу нарсаларга қарамайсизми? Сиз бугун бизга Раббингиз ўртасида шафоатчи (воситачи) бўлинг», дейишади. Нуҳ алайҳиссалом: «Бугун Раббим шундай ғазаб қилдики, бундан аввал бу каби ғазаб қилмаган эди. Бундан кейин ҳам бу даражада ғазаб қилмайди. Мен сизларга воситачи бўла олмайман. Чунки мен қавмимни дуоибад қилиб (хатога йўл қўйганман). Мен ҳам ўзимнинг ғамим билан овораман. Сизлар мендан бошқа кишининг ҳузурига боринглар. Иброҳим алайҳиссаломнинг ҳузурига бора қолинглар», деб айтадилар. Улар Иброҳим алайҳиссалом ҳузурларига бориб: «Эй Иброҳим алайҳиссалом! Сиз ер юзидаги Аллоҳнинг набийси ва халилисиз. Сиз бугун бизга Раббингиз ўртасида шафоатчи (воситачи) бўлинг. Бизнинг бу кундаги ҳолатимизга қарамайсизми?» дейишади. Иброҳим алайҳиссалом уларга: «Бугун Раббим шундай ғазаб қилдики, бундан аввал бу каби ғазаб қилмаган эди. Бундан кейин ҳам бу даражада ғазаб қилмайди. Мен сизларга шафоатчи бўла олмайман. Чунки мен уч марта ёлғон гапирганман. Мен ҳам ўзимнинг ғамим билан овораман. Сизлар мендан бошқа кишининг ҳузурига боринглар. Мусо алайҳиссалом ҳузурларига бора қолинглар», деб айтадилар. Улар Мусо алайҳиссалом ҳузурларига бориб: «Эй Мусо! Аллоҳ сизни рисолати ва каломи билан бошқалардан афзал қилган. Сиз бугун бизга Раббингиз ўртасида шафоатчи (воситачи) бўлинг. Бизнинг бу кундаги ҳолатимизга қарамайсизми?» дейишганида, Мусо алайҳиссалом: «Бугун Раббим шундай ғазаб қилдики, бундан аввал бу каби ғазаб қилмаган эди. Бундан кейин ҳам бу даражада ғазаб қилмайди. Мен сизларга воситачи бўла олмайман. Чунки мен ўлдиришга буюрилмаган жонни ўлдириб қўйиб (хатога йўл қўйганман). Мен ҳам ўзимнинг ғамим билан овораман. Сизлар мендан бошқа кишининг ҳузурига боринглар. Исо алайҳиссаломнинг ҳузурларига бора қолинглар», деб айтадилар. Улар Исо алайҳиссалом ҳузурларига бориб: «Эй Исо! Сиз Аллоҳнинг расули ҳамда Марямга юборган калимаси ва руҳидирсиз. Ва бешикдалик чоғингизда одамлар билан гаплашгансиз. Сиз бугун бизга Раббингиз ўртасида шафоатчи (воситачи) бўлинг. Бизнинг бу кундаги ҳолатимизга қарамайсизми?» дейишади. Исо алайҳиссалом: «Бугун Раббим шундай ғазаб қилдики, бундан аввал бу каби ғазаб қилмаган эди. Бундан кейин ҳам бу даражада ғазаб қилмайди. Мен ҳам ўзимнинг ғамим билан овораман», дейдилар-да, лекин қилган гуноҳларини зикр этмайдилар. «Сизлар мендан бошқа кишининг ҳузурига боринглар. Муҳаммад ﷺ ҳузурларига бора қолинглар», деб айтадилар».

Бошқа ривоятда шундай келтирилади: «Кейин одамлар Муҳаммад алайҳиссалом ҳузурларига келиб: «Эй Муҳаммад ﷺ, сиз Аллоҳнинг расули ва пайғамбарларнинг охиргисисиз. Аллоҳ таоло сизнинг аввалги-ю кейинги гуноҳларингизни мағфират қилган бўлса. Сиз бугун бизга Раббингиз ўртасида шафоатчи (воситачи) бўлинг. Сиз бизни қанақа ҳолатга тушиб қолганимизга қарамайсизми?» дейишади». Муҳаммад алайҳиссалом айтадилар: «Кейин мен юриб Аршнинг остига бораман. Ва Раббимга бўйин эгиб саждага йиқиламан. Аллоҳ таоло мен учун шундай ҳамд ва санолар

(эшигини) очадики, бундан олдин бирор кишига очилмаган эди. Кейин менга: «Эй Муҳаммад ﷺ, бошингизни кўтаринг. Хоҳлаган нарсангизни сўранг, у берилади. Шафоат қилаверинг, қабул қилинади», дейилади. Мен бошимни кўтариб: «Умматим, эй Раббим, умматим, эй Раббим, умматим, эй Раббим», дейман. Кейин Аллоҳ таоло томонидан: «Эй Муҳаммад алайҳиссалом! Ҳисоб-китобсиз жаннатга кирувчи умматларингизни ўнг дарвозадан олиб киринг. Қолганлар эса бошқа эшиклардан киришда бошқа умматларга шерикдир», деган фармон бўлади. Менинг жоним Унинг қўлида бўлган Зотга қасамки, икки дарвоза оралиғи Макка билан Баҳрайндаги Ҳажар шаҳри ёки Макка билан Дамашқ жанубидаги Бусро шаҳри оралиғичадир». *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

1866/60. Ибн Аббосдан ривоят қилинади. Иброҳим алайҳиссалом хотинлари Ҳожар ва ўғиллари Исмоил алайҳиссаломни ҳали сутдан ажрамаган пайтларида Байтуллоҳ яқинидаги катта дарахт остига ташлаб кетдилар. У жой Зам-зам тепасидаги масжид юқорисидадир. Ўша пайтда Маккада бирор киши ҳам ва бирор ичимлик суви ҳам йўқ эди. Иброҳим алайҳиссалом икковларини битта халтада хурмо ва битта мешда сув билан ўша ерда қолдириб, энди орқаларига қайтиб кетаётган эдилар, Исмоил алайҳиссаломнинг оналари Ҳожар: «Эй Иброҳим! Бизни бу кимсасиз водийда қолдириб, ўзингиз қаерга кетмоқдасиз?» деб бир неча марта айтсалар ҳам, уларга ўгирилиб қарамадилар. Шунда Ҳожар: «Аллоҳ сизга шундай қилишни буюрдими?» дегандилар, Иброҳим алайҳиссалом: «Ҳа», дедилар. Ҳожар: «Ундай бўлса, Аллоҳ бизни сарсон қилиб ташлаб қўймайди», дедилар-да, ўша жойга қайтиб кетдилар. Иброҳим алайҳиссалом ҳам йўлда давом этиб Хужунга етганларида, улар кўринмайдиган жойда Каъбага юзланиб, қўлларини кўтариб қуйидагича дуо қилдилар:

«Парвардигоро, албатта мен зурриётимдан (бир бўлагини – ўғлим Исмоил ва унинг онаси Ҳожарни) **Сенинг ҳурматли Байтинг ҳузуридаги экин ўсмайдиган бир водийга жойлаштирдим. Парвардигоро,** (улар) **намозни тўкис адо қилсинлар, деб** (шундай қилдим)**. Бас, Сен Ўзинг одамларнинг дилларини уларга мойил қилиб қўйгин ва уларни** (барча) **мевалардан баҳраманд этгил. Шояд, шукр қилсалар»** (Иброҳим сураси, 37-оят).

Ҳожар ўғиллари Исмоилни эмизиб, ҳалиги сувдан ичиб юргандилар, мешдаги сувлари тугаб қолди. Ҳожар ҳам, ўғиллари Исмоил алайҳиссалом ҳам чанқаб қолишди. Ўғиллари чанқаганидан ерга қараб ётганини кўрган Ҳожар ўғлимни бу ҳолатда кўрмайин, деб йўлга равона бўлдилар. Қарасалар, Сафо тоғи тоғлар ичида улар турган жойга энг яқин экан. Сафо тепасига чиқиб: «Бирор киши кўринармикан?» деб водий томонга юзлангандилар, ҳеч кимни кўрмадилар. Кейин Сафодан тушиб водийга етганларида, кўйлакларининг бир томонини кўтариб, худди ҳолдан тойган одам югургани каби секин-аста югуриб, водийдан ўтиб кетдилар. Кейин Марвага кўтарилиб: «Бирор киши кўринармикан?» деб юзлангандилар, ҳеч кимни кўрмадилар. Сафо ва Марва тепалигида мана шу тарзда етти марта

югурдилар. (Расулуллоҳ ﷺ: «Одамлар (ҳаж ва умрада) етти марта саъй қилиб югуришлари шунинг учундир», деганлар.)

Яна Марвага кўтарилгандилар, бир овоз эшитдилар: «Жим бўл!». Кейин: «Эй бу овоз эгаси! Агар сенда бирор ёрдам бўлса, ўша ёрдамингни бергин», дедилар. Қарасалар, бир фаришта Зам-зам чашмаси олдида товони ёки қаноти билан (ерни) ишқаган эди, сув пайдо бўлди. Ҳожар қўллари ила мана бундай кўтариб ҳавза қилдилар ҳамда сувни ҳовучлаб мешларига қуйдилар. Ҳар тўлдирганларидан кейин ҳам сув фаввора бўлиб отилиб чиқар эди. (Баъзи ривоятларда «Ҳовучлаб олганлари миқдорича отилиб чиқар эди» бўлиб келган.)

(Расулуллоҳ ﷺ: «Аллоҳ Исмоил алайҳиссаломни раҳматига олсин, агар Зам-зам сувини ҳавза қилмай, шундайлигича қолдирганларида ёки ҳовучламай олганларида эди, шу Зам-зам суви бир оқувчи булоқ-чашма бўлар эди», дедилар.)

Ҳожар сувдан ичдилар ва фарзандларини эмиздилар. Фаришта Ҳожарга: «Ҳалок бўлиб кетишдан қўрқманг! Чунки келажакда бу ерда Аллоҳ учун бир уйни бу бола ва унинг отаси бино қилади. Албатта Аллоҳ ўз аҳлини ҳалок қилмайди», деди. Илгари Байтуллоҳ тепаликда эди. Сел оқизгудек бўлса, ўнг ва чап тарафидан ўтиб кетар эди. Ана шу муддатда давом этди, ҳаттоки Журҳум жамоасидан ёки қабиласидан бир тоифа кишилар Кадо номли томондан келаётиб, Макканинг пастки томонига тушишган эди, қанот қоқиб турган қушларни кўришди. Ва: «Албатта қушлар сув бор жойларда айланишади. Бизлар кўпдан бери бу водийдан ўтар эдик, аммо сув бўлмас эди», дейишди. Кейин бир ёки икки элчини билиб келиш учун юборишди. Улар бориб қарашса, сув бор экан. Қайтиб келиб сув борлиги хабарини беришди. У қабила Зам-зам олдига боришса, Ҳожар турибдилар. Шунда улар: «Мана шу ердан манзил қилишга ижозат берасизми?» деб сўрашди. Ҳожар: «Ҳа, ижозат бераман. Лекин сув (хусусида мен хўжайинман). Сизларнинг бунда ҳаққингиз йўқдир», дедилар. Улар бу шартга кўниб «Хўп», дейишди. (Расулуллоҳ ﷺ: «Ҳожарнинг уларга яшашлари учун изн беришларига сабаб бу аёл танҳо яшаб ҳамроҳларга муҳтож бўлганлари учундир», дедилар.) Кейин улар аҳли-болаларини олиб келиш учун одам жўнатишди. Улар олиб келиниб ўша ерга жойлаштирилди. Шундай қилиб, у ерда хонадонлар пайдо бўлди. Исмоил алайҳиссалом йигит бўлиб, улардан чиройли тарзда араб тилини ўргандилар. Вояга етганларида ўша қабилага марғуб ва маҳбуб бўлдилар. Бу зотдаги етукликни билишганидан кейин ўзларидаги бир аёлга уйлантириб қўйишди.

Ҳожар вафот этиб, Исмоил алайҳиссалом уйланганларидан кейин Иброҳим алайҳиссалом қолдириб кетган хотинлари ва ўғилларидан хабар олгани келдилар. Лекин ўғиллари Исмоилни топа олмадилар. Келинларидан Исмоил алайҳиссалом ҳақида сўраган эдилар, келинлари: «Бизга ризқ ахтариб ёки ов қилиш учун чиқиб кетдилар», деди. Иброҳим алайҳиссалом келинларидан: «Яшашларингиз ва бошқа ҳолатларингиз қалай?» дегандилар, келинлари: «Биз ёмон ҳолатдамиз, жуда ҳам қийналиб яшамоқдамиз», деб шикоят қилди. Иброҳим алайҳиссалом: «Агар эринг келса, менинг номимдан салом етказ ва яна дарвозаси остонасини

алмаштиришини ҳам айтгин», дедилар. Исмоил алайҳиссалом қайтганларида, кимдир келганини сездилар ва хотинларидан: «Бирор киши келдими?» дегандилар, хотинлари: «Ҳа, бундай сифатли бир қария келиб, сиз ҳақингизда сўради. Мен сиз ҳақингизда хабар бердим. Кейин яшашимиз ҳақида сўраган эди, мен қийналиб яшаётганимизнинг хабарини бердим», деди. Исмоил алайҳиссалом: «Бирор нарса дедиларми?» дегандилар, хотинлари: «Ҳа, сизга саломларини етказмоқни ва дарвозангиз остонасини алмаштиришингизни буюрдилар», деди. Шунда Исмоил алайҳиссалом: «Бу киши отам эди. Сендан ажрашишни буюрибдилар. Сен ота-онангникига бориб яшагин», деб унинг талоғини бердилар ва ўша қабиладаги бошқа бир аёлга уйландилар. Аллоҳ хоҳлаганича фурсатдан кейин Иброҳим алайҳиссалом яна ўғиллари ҳузурига келдилар. Лекин ўғилларини яна топа олмадилар. Келинларидан Исмоил алайҳиссаломнинг қаерга кетганликларини сўрадилар. Келинлари: «Ризқ ахтариб кетдилар», деди. Оталари: «Қандайсизлар?» деб уларнинг яшашлари ҳақида сўрадилар. Келинлари: «Аллоҳга (ҳамд) ва сано бўлсинки, яхши, мўл-кўл яшаяпмиз», деди. Иброҳим алайҳиссалом: «Таомларингиз нима?» деб сўраган эдилар, келинлари: «Гўшт», деди. «Ичимликларингиз нима?» деганларида, келинлари: «Сув», деди. Иброҳим алайҳиссалом: «Аллоҳим, уларнинг гўштлари-ю сувларига барака ато қил», деб дуо қилдилар. (Расулуллоҳ ﷺ: «Ўша куни уларда буғдой йўқ эди. Агар бўлганда, унга ҳам барака тилаб дуо қилардилар. Агар сув ва гўшт узлуксиз Маккадан бошқа жойда ейилса, соғлиқ учун зараралидир (лекин дуо баракотидан Маккада ундай эмас)», деб айтдилар.)

Бошқа ривоятда келтирилишича, Иброҳим алайҳиссалом келиб: «Исмоил алайҳиссалом қаерда?» деб сўрадилар. Келинлари: «Овга кетдилар», деб қайноталарига: «Тушиб овқатланиб кетмайсизми?» деди. Иброҳим алайҳиссалом: «Емак ва ичмакларингиз нима?» деб сўрадилар. Келин: «Емагимиз гўшт, ичимлигимиз сув», деди. Иброҳим алайҳиссалом: «Аллоҳим, уларнинг емак ва ичмакларига барака ато эт», деб дуо қилдилар. (Расулуллоҳ ﷺ: «Бу мўл-кўлчиликлар Иброҳим алайҳиссалом дуолари баракотидандир», дедилар.) Кейин Иброҳим алайҳиссалом келинларига: «Агар эринг келса, менинг саломимни етказ. Ва у дарвоза остонасини мустаҳкам қилсин», дедилар. Исмоил алайҳиссалом қайтганларида хотинларидан: «Бирор киши келдими?» деб сўрадилар. Хотинлари: «Ҳа! Чиройли суратдаги бир қария келди», деб у зотни мақтади ва: «Сиз ҳақингизда сўраган эди, мен унинг хабарини бердим. Яна яшашимиз ҳақида ҳам сўраган эди, мен яхши ҳолатдамиз, деб айтдим», деди. Исмоил алайҳиссалом хотинларидан: «Отам бирор нарса айтдиларми?» деб сўрагандилар, хотинлари: «Ҳа, сизга салом йўлладилар ва дарвозангиз остонасини мустаҳкамлашингизни буюрдилар», деди. Исмоил алайҳиссалом: «Бу киши отам эди. Остона, деб сени айтганлар. Сени маҳкам ушлашимни буюрибдилар», дедилар. Кейин Иброҳим алайҳиссалом Аллоҳ хоҳлаганича фурсатда улар олдига келмадилар. Қачонки, яна келганларида Исмоил алайҳиссалом Зам-зам яқинидаги катта дарахт остида камон ўқи тайёрлаётган эдилар. Исмоил алайҳиссалом Иброҳим алайҳиссаломни

кўрганларида худди бола ота билан, ота бола билан кўришгани каби кўришишди. Иброҳим алайҳиссалом: «Эй Исмоил! Раббим менга бир ишни бажаришни буюрди», деганларида, Исмоил алайҳисалом: «Раббингиз буюрган нарсани бажаринг», дедилар. Иброҳим алайҳиссалом: «Бунда менга ёрдам берасанми?» дедилар. Ўғиллари: «Сизга ёрдам бераман», дедилар. Иброҳим алайҳиссалом: «Албатта Аллоҳ мана бу ерга уй қуришни буюрди», деб атрофдаги ерларга нисбатан баланд бўлган бир тепаликка ишора қилдилар.

Ва уйнинг асосини кўтардилар. Исмоил алайҳиссалом тошларни олиб келдилар. Иброҳим алайҳиссалом эса уни қурдилар. Ҳатто уйни кўтариб, ҳозирги мақоми Иброҳимдаги тошни олиб келиб ўрнатдилар. Иброҳим алайҳиссалом унинг устига чиқиб бино қилардилар. Исмоил алайҳиссалом эса тошни узатиб турардилар. Ва икковлари: «Эй Раббимиз, биздан буни қабул эт. Албатта Сен эшитгувчи ва билгувчи Зотсан», деб айтиб туришар эди.

Бошқа ривоятда айтилишича эса, бир куни Иброҳим алайҳиссалом хотинлари Ҳожар ва ўғиллари Исмоилни олиб, бир идишга сув тўлдириб, бирга йўлга чиқишди. Ҳожар у идишдаги сувдан ичар эдилар, сутлари ҳам ўғилларига кифоя қилар эди. Шу ҳолатда Маккага кириб боришди. Иброҳим алайҳиссалом уларни катта бир дарахт остига қўйиб, ўзлари нариги аҳлиялари ҳузурига қайтиб кетаётганларида, Ҳожар ҳам у зотнинг ортларидан эргашдилар. Кадо номли жойга етганларида, орқаларидан бир кимса: «Эй Иброҳим! Сиз бизни кимга ташлаб кетяпсиз?» деди. Иброҳим алайҳиссалом: «Аллоҳ таолога», дедилар. Ҳожар: «Аллоҳга бўлса, розиман», дедилар-да, қайтиб кетдилар ва ҳалиги идишдаги сувдан ичиб, болаларига ўз сутларидан эмизиб юравердилар. Қачонки, у сув ниҳоясига етганда «Қани, (нарироққа) бориб қарай-чи, шояд, бирор кишини учратсам», дедилар. Кейин бориб Сафога кўтарилдилар. «Бирор кишини учратармикинман?» деб қайта-қайта қарадилар. Бирор кишини учратмадилар. Кейин водийга тушиб, саъй қилдилар ва Марвага келиб ҳам ана шу тариқа бир неча марта бориб келдилар. Сўнгра: «Бориб қарай-чи, гўдак нима қиляпти экан?» деб бориб қарасалар, у аввалги ҳолатидек овозини паст-баланд қилиб ётибди. Нафслари яна хотиржам бўлмади. Ва: «Яна бориб қарай-чи, шоядки, бирор кишини учратсам», дедилар. Бориб Сафога кўтарилдилар ва қайта-қайта қараб бирор кишини учратмадилар. Ҳаммаси бўлиб мана шу тариқа етти марта айландилар. Кейин яна: «Бориб қарай-чи! Нима қиляпти экан?» деб боргандилар, бир овозни эшитдилар. Ва унга: «Агар сенда яхшилик бўлса, бизга ёрдам қил», дедилар. Қарасалар, Жаброил алайҳиссалом турибдилар. Жаброил алайҳиссалом товонлари билан ишора қилиб ерга ургандилар, ердан сув отилиб чиқди. Ҳожар эса бундан даҳшатга тушдилар ва ҳовучларини тўлдира бошладилар», деб ушбу ҳадис ровийи юқоридаги ҳадисни охиригача баён этдилар.

Буларнинг барчасини Имом Бухорий ривоят қилганлар.

1867/61. Саид ибн Зайддан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Қўзиқорин Бани Исроиллар еган ҳолваларидандир. Унинг суви кўз учун шифодир», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

Истиғфор китоби
371-боб
Истиғфор хусусида

Аллоҳ таоло: **«Аллоҳдан мағфират қилишини сўранг»** (Нисо сураси, 106-оят);

«Дарҳол Парвардигорингизга ҳамд айтиш билан (У зотни ҳар қандай «шерик»лардан) **покланг ва У зотдан мағфират сўранг! Зеро, У тавбаларни қабул қилгувчи бўлган Зотдир»** (Наср сураси, 3-оят);

«Тақводор кишилар учун Парвардигорлари ҳузурида улар абадий қоладиган, тагларидан дарёлар оқиб тургувчи жаннатлар, покиза жуфтлар ва Аллоҳнинг Ризолиги бор. Аллоҳ бандаларини кўриб тургувчидир. Улар: «Парвардигоро, бизлар Сенга иймон келтирганмиз, энди Ўзинг гуноҳларимизни мағфират айла ва бизни жаҳаннам азобидан асра!» дейдилар. Улар сабр-қаноатли, иймонларида содиқ, ибодат-итоатли, инфоқ-эҳсонли бўлган ва саҳарларда Аллоҳдан мағфират тилайдиган кишилардир» (Оли Имрон сураси, 15–17-оятлар);

«Ким бирон ёмон иш қилса ёки (Аллоҳнинг буйруқларига итоат этмасдан) **ўз жонига жабр қилса, сўнгра Аллоҳдан мағфират сўраса, Аллоҳни мағфират қилгувчи ва меҳрибон эканини топар-кўрар»** (Нисо сураси, 110-оят);

«Модомики, сиз уларнинг ораларида экансиз, Аллоҳ уларни ҳаргиз азобламас ва улар мағфират сўраб турган ҳолларида ҳам Аллоҳ уларни азоблагувчи эмасдир» (Анфол сураси, 33-оят);

«(У тақводор зотлар) **қачон бирон-бир фаҳш-гуноҳ қилиб қўйсалар ёки** (қандайдир нолойиқ иш қилиш билан) **ўзларига зулм қилсалар, дарҳол Аллоҳни эслаб, гуноҳлари учун мағфират – кечирим сўрайдиган, – ҳар қандай гуноҳни ёлғиз Аллоҳгина мағфират қилур, – билган ҳолларида қилган гуноҳларида давом этмайдиган кишилардир»** (Оли Имрон сураси, 135-оят), деб айтган. Бу бобга тегишли оятлар кўпдир.

1868/1. Ағаррул Музанийдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Менинг қалбим ҳам (зикрдан тўхтаб) тўсилиб туради. Албатта мен ҳам ҳар

куни Аллоҳ таолога юз марта истиғфор айтаман», дедилар. *Имом Муслим ривояти.*

1869/2. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Аллоҳга қасамки, албатта мен Аллоҳ таолога бир кунда етмиш мартадан кўп истиғфор айтиб тавба қиламан», дедилар. *Имом Бухорий ривояти.*

1870/3. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Аллоҳга қасамки, агар сизлар гуноҳ қилмасангизлар, Аллоҳ сизларни кетказиб, (ўрнингизга бошқа) гуноҳ қиладиган қавмни олиб келади. Бас, улар (гуноҳларига) истиғфор айтишади, Аллоҳ эса уларнинг гуноҳларини кечиради», дедилар. *Имом Муслим ривояти.*

1871/4. Ибн Умардан ﷺ ривоят қилинади: «Расулуллоҳнинг ﷺ бир мажлисда юз марта «Роббиғфирлий ва туб ъалаййа иннака анта таввобур роҳийм», деб айтганларини ҳисобладик». *Абу Довуд ва Термизий ривоятлари.*

1872/5. Ибн Аббосдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Ким истиғфорни лозим тутса, Аллоҳ таоло ҳар бир тангликдан чиқувчи йўл ва ҳар турли ғамдан енгиллик ҳамда уни ҳеч бир ўйламаган томонидан ризқлантириб қўяди», дедилар. *Абу Довуд ривояти.*

1873/6. Ибн Масъуддан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Астағфируллоҳ аллазий ла илаҳа илла ҳувал ҳаййул қаййум ва атубу илайҳи, деб айтса, (Аллоҳ) урушдан қочгандаги гуноҳини ҳам кечириб юборади», дедилар. (Маъноси: «Барҳаёт, тирик Аллоҳдан авф этишини сўрайман ва Унга тавба қиламан».) *Абу Довуд ва Термизий ривоятлари.* Имом Ҳоким бу ҳадис Бухорий ва Муслимнинг шартларига биноан саҳиҳдир, деганлар.

1874/7. Шаддод ибн Авсдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Ким саййидул истиғфор – «Аллоҳумма анта роббий ла илаҳа илла анта холақтаний ва ана ъабдука ва ана ъала ъаҳдика ва ваъдика мастатоъту аъузу бика мин шарри ма сонаъту, абуʻу лака биниъматика ъалаййа ва абуʻу бизамбий фағфирлий фаиннаҳу ла йағфируз зунуба илла анта»ни кечки пайт айтиб, шу куни вафот этса, жаннатга киради. Ким тонгда айтиб, шу куни вафот этса, унда ҳам жаннатга киради», дедилар. (Маъноси: «Аллоҳим, Сен Парвардигоримсан, Сендан бошқа илоҳ йўқ. Мени халқ қилдинг ва мен Сенинг қулингман. Мен Сенга берган ваъдамда ва Сенга берган аҳдимда қодир бўлганимча турибман. Қилган нарсаларимнинг ёмонидан Сенинг номинг билан паноҳ тилайман. Менга ато қилган неъматларингга иқрор бўлдим. Ва яна гуноҳларимга ҳам иқрор бўлдим. Менинг гуноҳларимни кечир. Чунки Сендан бошқаси гуноҳларимни кечира олмайди».) *Имом Бухорий ривояти.*

1875/8. Савбондан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ намозни тугатсалар, уч марта «Астағфируллоҳ», деб сўнгра: «Аллоҳумма антас салом ва минкас салом, таборакта йа зал жалали вал икром», деб айтардилар. (Маъноси: «Эй Аллоҳим, Сен саломсан ва салом Сендандир. Эй улуғ ва ҳурматли Зот, Сен баракотлисан».) Мана шу ҳадис ровийларидан бири Авзоъийга: «Истиғфор нечук бўлади?» дейилганида, у зот: «(Бунда): «Астағфируллоҳа, астағфируллоҳа», дейилади», деб айтдилар. *Имом Муслим ривояти.*

1876/9. Оишадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ ўлишларидан олдин: «Субҳаналлоҳи ва биҳамдиҳи астағфируллоҳа ва атубу илайҳи», яъни «Аллоҳга ҳамд айтиш ила Уни поклаб ёд этаман. Аллоҳга истиғфор айтиб тавба қиламан», деб кўп айтардилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

1877/10. Анасдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ айтадилар: «Аллоҳ таоло: «Эй Одам боласи, сен Менга дуо қилдинг ва Мендан умид қилдинг. Мен эса сенинг гуноҳингни аҳамият бермасдан кечириб юбордим. Эй Одам боласи, агар гуноҳинг осмон булутича бўлса ҳам, Менга истиғфор айтсанг, гуноҳингни кечираман. Эй Одам боласи, агар Менга ерни тўлдирадиган гуноҳ билан келиб, сўнгра бирор нарса билан Менга ширк келтирмасанг, гуноҳинг тўлалигича мағфират билан сенга бораман», деди». *Имом Термизий ривояти.*

1878/11. Ибн Умардан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Эй аёллар жамоаси, садақа беринглар ва истиғфор айтишни кўпайтиринглар, чунки дўзах аҳлининг кўпчилигини сиз аёллардан ташкил топганини кўрдим», деганларида, бир аёл: «Нима учун дўзах аҳлининг аксарияти биз аёллардан ташкил топган?» деганида, Расулуллоҳ ﷺ: «Лаънатни кўп айтасизлар ва эрларингизга кўп ношукрлик қиласизлар. Мен ўзи ақл ва динда ноқис бўлиб, ақллилар устидан ғолиб келувчиларни сизлардан бошқаларда кўрмадим», дедилар. Ҳалиги аёл: «Ақли ва дини ноқис, деганингиз нима?» деб сўраган эди, Расулуллоҳ ﷺ: «Иккита аёлнинг гувоҳлиги битта эркак гувоҳлигига тенг бўлиши ақли ноқислигидир. Ҳайз ва нифос қони кўрганда намоз ўқимаслиги дини ноқислигидир», дедилар. *Имом Муслим ривояти.*

372-боб
Аллоҳ таоло жаннатда мўминлар учун таёрлаб қўйган нарсалар ҳақида

Аллоҳ таоло: **«Тақводор – парҳезкор зотлар эса албатта боғлар ва чашмалар устидадирлар.** (У зотларга: «Жаннатлар)**га тинчлик билан соғ-омон киринглар»,** (дейилур)**. Биз** (жаннатлардаги) **сўриларда дўст-биродар бўлиб, бир-бирларига рўбарў ўтирган зотларнинг дилларидаги ҳар қандай гина-кудуратларни чиқариб ташладик. У жойда уларга бирон чарчоқ етмас ва улар у жойдан чиқарилгувчи ҳам эмаслар»** (Ҳижр сураси, 45–48-оятлар);

«(У Кунда уларга айтилур)**: «Эй Бизнинг оятларимизга иймон келтирган ва мусулмон бўлиб ўтган бандаларим, бу Кун сизлар учун ҳеч хавфу-хатар йўқдир ва сизлар асло ғамгин бўлмайсизлар. Сизлар жуфти ҳалолларингиз билан бирга шод-хуррам бўлган ҳолларингизда жаннатга киринг!» Уларга олтиндан бўлган лаганлар** (да таомлар) **қадаҳлар** (да шароблар) **айлантирилур. У жойда кўнгиллар тилайдиган, кўзлар лаззатланадиган** (барча) **нарса бордир. Сизлар у жойда мангу қолурсизлар. Қилиб ўтган амалларингиз сабабли сизларга мерос қилиб берилган жаннат мана шудир. Сизлар учун у жойда кўплаб мева-чевалар бўлиб, сизлар улардан ерсизлар»** (Зуҳруф сураси, 67–73-оятлар);

«Албатта тақводор зотлар (У кунда) **осойишта жойда, боғлар ва чашмалар устида бўлурлар. Улар бир-бирларига рўбарў бўлган ҳолларида ипак-шойидан либослар кийиб** (ўлтирурлар)**. Мана шундай! Яна Биз уларга оҳукўз ҳурларни жуфти ҳалол қилиб қўйгандирмиз. Улар у жойда тинч ва хотиржам бўлган ҳолларида** (хизматкорлардан) **барча мева-чеваларни чақирурлар. Улар** (жаннатда) **биринчи ўлимдан** (яъни, ҳаёти дунёдан кўз юмганларидан) **бошқа ўлимни тотмаслар.** (Аллоҳ) **уларни дўзах азобидан сақлагандир.** (Бу) **Парвардигорингиз томонидан бўлган фазлу марҳаматдир. Мана шу буюк саодатдир»** (Духон сураси, 51–57-оятлар);

«Шак-шубҳасиз, яхшилар (яъни, мўминлар жаннат) **неъматларидадирлар. Улар сўриларда** (Аллоҳ таоло ўзларига ато этган неъматларга) **боқиб** (ўтирурлар)**. Сиз уларнинг юзларида неъматларнинг жилвасини танирсиз-кўрурсиз. Улар** (жаннатда) **муҳрланган майдан суғорилурларки, у** (май)**нинг муҳри мушк бўлур. Бас, баҳслашгувчи-мусобақа қилгувчи кишилар** (мана шундай мангу неъматга етиш йўлида) **баҳслашсинлар. У майнинг мижози-аралашмаси Таснимдандир.** (Тасним Аллоҳнинг) **яқин** (банда)**лари ичадиган бир чашмадир»** (Мутаффифун сураси, 22–28-оятлар), деб айтган.

1879/1. Жобирдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Жаннат аҳллари у ерда еб-ичишади, лекин хожат қилишмайди, пешоб этишмайди ва бурунларини қоқишмайди. Уларнинг еган овқатлари мушк ҳиди каби хушбўй кекирик ила ҳазм бўлади. Нафас олишганда худди ҳаво ютишганидек, тасбеҳ ва такбирлар ила ҳаво ютишади», дедилар. *Имом Муслим ривояти.*

1880/2. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ айтдилар: «Аллоҳ таоло: «Солиҳ бандаларимга жаннатда шундай неъматларни тайёрлаб қўйдимки, уларни бирор кўз кўриб, қулоқ эшитиб, инсон қалби ҳис этмагандир», деди». Расулуллоҳ ﷺ: «Агар хоҳласангиз, Қуръондаги «Улар

учун беркитиб қўйилган кўзлар қувончини (яъни, охират неъматларини) бирон жон билмас» оятини ўқинг», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

1881/3. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Биринчи жаннатга кирувчи жамоат тундаги тўлин ой кўринишида бўлади. Кейингилари эса нур сочиш жиҳатидан ялтироқ юлдуздан ҳам кучли бўлади. Улар пешоб ҳам, катта ҳожат ҳам, тупук ҳам, балғам ҳам чиқаришмайди. Уларнинг тароқлари тиллодан бўлади. Терлари мушк каби бўлади. Тутатадиган нарсалари хушбўй шохчалардан бўлади. Хотинлари шаҳло кўзли ҳурлар бўлади. Жаннатдагиларнинг шакллари худди оталари Одам осмонда олтмиш газ бўлгани кабидир», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

Икковларининг бошқа ривоятларида шундай келтирилади: «Жаннатдагиларнинг идишлари тиллодан, терлари эса мушк каби бўлади. Ҳар бирларида иккитадан хотин бўлади. Уларнинг чиройлари шундайки, гўштлари орасидан оёқ иликлари кўриниб туради. Уларнинг ўртасида ихтилоф ҳам, адоват ҳам бўлмайди. Қалблари бир кишининг қалбига ўхшайди. Улар эртаю-кеч Аллоҳга тасбеҳ айтишади».

1882/4. Муғийра ибн Шўъбадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ айтдилар: «Мусо алайҳиссалом Раббиларидан жаннатдаги энг мартабаси паст киши ҳақида сўраганларида, Аллоҳ таоло: «У шундай бир кишики, жаннат аҳли жаннатга киритилгандан кейин келади. Ва унга: «Жаннатга кир», деб айтилади. У: «Эй Раббим! Қандай кираман, барча одамлар ўз жойларини эгаллаб, оладиган нарсаларига эришиб бўлишибди-ку?» дейди. Унга: «Дунёдаги подшоҳларнинг мулкидек нарса сенда бўлишига розимисан?» дейилса, у: «Розиман, эй Раббим», дейди. Аллоҳ: «Сенга ўша каби, ўша каби, ўша каби, ўша каби», деб бешинчисини айтганида, у киши бунга рози бўлади. Аллоҳ: «Бу айтилган нарсалар ўн баробар қилиб берилди», дейди. Ва яна: «Нафсинг тусаган ва кўзинг завқ оладиган нарсалар сенга берилди», дейди. У киши: «Рози бўлдим», дейди. Мусо алайҳиссалом: «Эй Раббим, жаннатдаги энг юқори мартабали кишилар ким?» деганларида, Аллоҳ таоло: «Улар шундай бир тоифа кишиларки, Ўзим уларни хоҳлаганман, уларга кўрсатиладиган карам-иззат Ўз қўлим билан экилгандир. У нарсага муҳр уриб қўйганман. У нарсаларни ҳам бирор кўз кўрмаган. Бирор қулоқ эшитмаган. Бирор кишининг дилига ҳам келмаган», деб айтди». *Имом Муслим ривояти.*

1883/5. Ибн Масъуддан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Мен дўзахдан чиқишда охири чиқувчи кишини ёки жаннатга кирувчилар ичида охирги бўлиб кирувчи кишини биламан. У киши дўзахдан эмаклаб чиқади. Аллоҳ таоло у кишига: «Бориб жаннатга киргин», дейди. У киши жаннатга бориб, у ер тўлиб қолган, деб хаёл қилиб қайтиб кетади. Ва: «Эй Раббим, у

ер тўлган экан-ку?» дейди. Аллоҳ таоло: «Бориб жаннатга киргин», дейди. У киши бориб, у ер тўлиб қолган, деб хаёл қилиб қайтиб кетади. Ва: «Эй Раббим, у ер тўлган экан-ку?» дейди. Аллоҳ таоло: «Бориб жаннатга киргин. Чунки дунё баробарича ёки дунёга ўн баробар келувчи мақом берилади», дейди. У киши: «Мени масхара қиляпсанми ёки менинг устимдан куляпсанми? Сен Ўзинг бу нарсаларнинг эгасисан-ку», дейди», дедилар. Ибн Масъуд ﷺ айтдилар: «Расулуллоҳ ﷺ бу сўзларни айтиб кулгандилар, тишлари кўриниб қолди. Ва: «Мана шу киши жаннатнинг энг паст мақомидадир», дедилар». *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

1884/6. Абу Мусодан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Мўмин учун жаннатда бир чайла бор. У битта марвариддан қилинган бўлиб, ичи ковакдир. Узунлиги осмонда олтмиш милдир. Мўминнинг у ерда аҳллари бўлади. Улар бир-бирларини кўришмайди. Соҳиби ҳаммаларини кўргани бориб туради», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

1885/7. Абу Саид ал-Худрийдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Жаннатда бир дарахт бор. Унинг остидан тез юрувчи чопар от устидаги киши юз йилда ҳам ўта олмайди», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.* Икковлари Абу Ҳурайрадан қилган бошқа ривоятларида «Отлиқ у дарахт сояси остида юз йил юрса ҳам, уни кесиб ўта олмайди» бўлиб келган.

1886/8. Абу Саид ал-Худрийдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Жаннат аҳллари унинг устидаги болохонада турувчиларни машриқдан ёки мағрибдан келган уфқда учиб юрувчи ялтироқ юлдузни кўргандек кўришади. Уларнинг ораларида фарқ борлиги учун шундай кўринади», деганларида, саҳобалар: «Эй Аллоҳнинг расули! Бу пайғамбарларнинг манзиллари бўлса керак-а, улардан бошқа кишилар у ерга етиша олмас-а?» дейишди. Шунда Расулуллоҳ ﷺ: «Ҳа! Жоним Унинг қўлида бўлган Зот – Аллоҳга қасамки, (булардан ташқари) Аллоҳга иймон келтириб, юборган пайғамбарларни тасдиқлаганлар ҳам бу мақомга эришишади», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

1887/9. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Жаннатдаги камон ўқидек жой Қуёш чиқиб ботишидан, яъни дунёнинг ҳаммасидан яхшидир», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

1888/10. Анасдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ айтдилар: «Жаннатда (худди бу дунёдагидек одамлар тўпланадиган) бозор бор. Жаннат аҳли ҳар жума у ерга келишади. Шимол томондан шамол эсиб, юзлари ва кийимларига хушбўй нарса сочиб, чирой ва ҳуснларини зиёда этади. Кейин улар чирой ва ҳуснлари зиёдалашган ҳолда ўз аҳлларига қайтишади. Аҳллари уларга: «Аллоҳга қасамки, чирой ва ҳуснларингиз зиёдалашибди», дейишса, улар: «Аллоҳга қасамки, сизларнинг ҳам биздан кейин ҳусн-жамолингиз зиёдалашибди!» деб айтишади». *Имом Муслим ривояти.*

1889/11. Саҳл ибн Саъддан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Жаннат аҳллари жаннат болохонасидаги (фазилатли) кишиларни худди осмондаги юлдузларни кўришгани каби кўришади», дедилар. *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

1890/12. Саҳл ибн Саъддан ﷺ ривоят қилинади: «Расулуллоҳ ﷺ билан бирга мажлисларнинг бирида эдим. У зот жаннатни сифатлаб, сўзларининг охирида: «Жаннатда кўз кўрмаган, қулоқ эшитмаган ва инсон дили ҳис этмаган неъматлар бордир», деб қуйидаги оятни ўқидилар:

«Уларнинг ёнбошлари ўрин-жойларидан йироқ бўлур (яъни, тунларини ибодат билан ўтказишиб, оз ухлайдилар). **Улар Парвардигорларига қўрқув ва умидворлик билан дуо-илтижо қилурлар ва Биз уларга ризқ қилиб берган нарсалардан инфоқ-эҳсон қилурлар. Бас, уларнинг қилиб ўтган амалларига мукофот қилиб, улар учун беркитиб қўйилган кўзлар қувончини** (яъни, охират неъматларини) **бирон жон билмас»** (Сажда сураси, 16–17-оятлар)».

1891/13. Абу Саид ва Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Агар жаннат аҳли жаннатга киришса, бир нидо қилувчи нидо қилиб: «Сизлар тирик бўлиб, асло ўлмайсизлар. Соғ бўлиб, ҳеч касал бўлмайсизлар. Доим йигит бўлиб, ҳеч қаримайсизлар. Доим неъматда бўлиб, ҳаргиз ёмон ҳолатни кўрмайсизлар», деб айтади», дедилар. *Имом Муслим ривояти.*

1892/14. Абу Ҳурайрадан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Сизларнинг жаннатдаги энг паст ўрнингиз шундайки, бир кишига: «Орзу қил», дейилади. У орзу қилади ва яна орзу қилади. Унга яна: «Орзу қилдингми?» дейилса, у: «Ҳа», дейди. Шунда: «Сенга орзу қилган нарсанг ва яна ўшанча нарса берилди», деб айтилади», дедилар. *Имом Муслим ривояти.*

1893/14. Абу Саид ал-Худрийдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ айтдилар: «Аллоҳ таоло жаннат аҳлига: «Эй жаннат аҳли!» деса, улар: «Лаббай, эй Раббимиз! Яхшилик Сенинг қўлингдадир», дейишади. Аллоҳ таоло: «(Сизларга берган неъматларимиздан) розимисизлар», деса, улар: «Нимага рози бўлмас эканмиз? Сен бизга яратган махлуқотларингдан бирортасига бермаган нарсаларни ато этдинг-ку», дейишади. Аллоҳ: «Булардан ҳам афзал нарсани берайми?» деса, улар: «Бундан ҳам афзал нарса бор эканми?» дейишади. Шунда Аллоҳ таоло: «Сизларга розилигим тушди. Бундан кейин сизларга асло ғазаб қилмайман», деб айтади». *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

1894/15. Жарир ибн Абдуллоҳдан ﷺ ривоят қилинади: «Биз Расулуллоҳ ﷺ ҳузурларида эдик. У зот кечаси тўлин ойга қарадилар-да: «Сизлар

Раббингизни тез кунларда худди мана бу ойни (равшан) кўрганингиздек, заҳматсиз соф кўрасиз», дедилар». *Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

1895/6. Суҳайбдан ﷺ ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ: «Агар жаннат аҳли жаннатга кирса, Аллоҳ таоло уларга: «Бирор нарса хоҳлайсизларми? Мен уни (сизларга ато қилиб, неъматларимни) зиёда қилай», дейди. Улар: «Эй Аллоҳ, Сен бизнинг юзларимизни оппоқ қилдинг, жаннатингга киргиздинг ва дўзахингдан паноҳ бердинг, яна бошқа неъматларинг ҳам борми?» дейишади. Шунда Аллоҳ таоло жамолини кўрсатиш учун тўсиқ (парда)ни очади. Улар Аллоҳнинг жамолини кўришганидан кейин Унга назар солишдан маҳбуброқ неъмат йўқлигини билишади», дедилар. *Имом Муслим ривояти.*

Аллоҳ таоло: **«Иймон келтириб, яхши амаллар қилган зотларни эса иймон-эътиқодлари сабабли Парвардигорлари ҳидоят қилур – ноз-неъмат боғларида остларидан дарёлар оқиб турур. У жойдаги дуолари: «Эй тангримиз, Ўзингни поклаймиз», дейиши, у жойдаги ўзаро саломлари** (бир-бирларига) **тинчлик тилашдир. Охирги тилаклари эса бутун оламлар Парвардигори – Аллоҳга ҳамду сано айтишидир»,** деб айтган (Юнус сураси, 9–10-оятлар).

Бизни (Исломга) ҳидоят қилган Аллоҳга ҳамд бўлсин. Агар Аллоҳ бизни ҳидоят этмаганида, биз асло ҳидоят топмас эдик. Аллоҳим, қулинг, расулинг, набиййинг Муҳаммад алайҳиссаломни, аёллари ва зурриётларини раҳмат ва яхшиликда қил, худди Иброҳим алайҳиссаломни ва оилаларини раҳмат ва яхшиликда қилганингдек. Оми набий ва Муҳаммад алайҳиссаломни, у зотнинг аёллари ва зурриётларини баракотли қил, худди Иброҳим алайҳиссаломни ва оилаларини оламларда баракотли қилганингдек. Албатта Сен мақтовга лойиқ улуғ Зотсан.

Муаллиф Имом Нававий (раҳматуллоҳи алайҳ): «Бу китобни 670 ҳижрий сана, тўртинчи рамазон, душанба куни ниҳоясига етказдим», деб айтдилар. Бу китоб таржимаси ҳам Аллоҳнинг ёрдами ила милодий 2005 санада, 28-зулҳижжа, душанба куни ниҳоясига етди.

Эй Аллоҳим! Ноқис ва ожизона уринишларимизни амалга оширишга муваффақ этиб, мақсадга етказганинг учун Сенга беҳисоб ҳамду саноларимиз бўлсин! Ихтиёрсиз қўйилган савҳу хатоларимизни кечиришингни сўраймиз! Аҳбоби олиймақом мухлислардан эса ғалат иборатларимиз устидан ислоҳ қаламини юргизиб, муаллиф ва мутаржим ҳаққига ғоибона дуои хайр қилишларини самимий қалб ва астойдил ўтинч ила сўраймиз. Парвардигоро, қалбларимизни иймон, ҳидоят нурлари ила зийнатлагин, куфр, фисқ, маъсиятни ёмон кўрувчи бандаларингдан қилгин, ризолигингга етишмоқ йўлларини бизларга осон ва нурафшон этгин, дунё ва охиратдаги хотимамизни хайрли қилгин! Омин, ё Роббал-оламийн!